



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

12

1986

55 - йил чиқиши

Бош редактор

**Ўткир ҲОШИМОВ**

Редколлегия:

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

**Саид АҲМАД**

**Абдусайд КҮЧИМОВ**

(масъул секретарь)

**Мурод МУҲАММАД ДУСТ**

(бош редактор ўринбосари)

**Омон МУХТОРОВ**

(проза бўлими мудири)

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТУЛА**

**УЙҒУН**

**Ўлмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**

**Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ**

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

Ғафур Ғулом номидаги    Адабиёт ва санъат    нашриёти

# УШБУ СОҶДА



*Ҳаср*



**Абдуғани АБДУВАЛИЕВ**  
**АССАЛОМУ АЛАЙКУМ**  
Сатирик қисса


— Мендан сизга насиҳат: ўзингиздан катта одамга ҳеч ўдағайлаб, томдан тараша тушгандек гапирманг. Аввало, ассалому алайкум, денг. Салом — радди бало. Саломи бор кишини фалокат четлаб ўтади...



*Шеър*

**Равшан ФАЙЗИЕВ**  
**СОҒИНЧ КАБИ ЧЕКСИЗДИРСАН, ДАШТ!**  
Шеърлар

Турибман, кўксимда муқаддас бир шашт.  
Мақсадим — куйламоқ кўнглимни ёзиб.  
Лекин соғинч каби чексиздирсан дашт,  
Ҳайқирсам пойингга етмас овозим.




*Журналистик*



**Мурод АБДУЛЛАЕВ**  
**ЮРАҚДАГИ ЭХТИЕЖ**  
Ўзбекистон ССР прокурорининг  
биринчи ўринбосари Қобилжон  
РОЗИҚОВ билан суҳбат

Ҳалолликка интилиш инсонга хос фазилат. Бу интилиш қаердаки сусайса, ўша ерда ҳақиқатнинг юзи хира тартади!



Жонрид Абдуллахонов

# ХОНАДОН

РОМАН<sup>1</sup>

## У н т ў р т и н ч и б о б

Дала-даштдаги ишлар маромига етиб, ҳозир барча баробар ҳордиқ оларди. Ижрокомда ҳам илгаригидай ҳовлиқишлар, беҳаловатликка берилишлар барҳам еб, осойишта ҳаёт бошланди. Район пахта етиштириш бўйича ваъдасини бажариб қўйган, хўжаликлардан чорва маҳсулоти бўйича ҳам планлар охирига етганлиги ҳақида кетма-кет рапортлар келиб турар, ҳар қайсиси ўзининг кўрсаткичлари ҳам сифатли, ҳам энг юқори бўлганлигини намойиш қилишга уринар, раҳбарларга мақтангиси, мажлисларда оғизга тушгиси келар эди. Фақат Расулжонгина хотиржам эмас. У ўйлаб ўйига етолмайди. Бу ишлар ўзидан ўзи, хамирдан қил суғургандай осонликча ҳал бўлаётгандай, қандайдир қалбакиликларга ҳам йўл қўйилаётгандай эди. Ахир пахтадан бошқа маҳсулот етиштиришни тан олмайдиган «Авангард» сингари хўжаликлар қандай қилиб, палон тонна сут, гўшт, жун топшириш планини ортиғи билан бажарсин?

У ижроком раиси олдига кириб, ўйига нима келган бўлса, тўкиб солди. Шерали Назарович аввалига Расулжонни беҳуда қизишаётгандай қабул қилиб, кулиб қўйди.

— Шунга шунча куйиняпсизми? — деди у бошини кўтариб. Нимадир қидираётгандай ўзини уён-буёнга ташлади. — Мен бирон ёмби топиб олиб, уни ким билан бўлишишни билмай бошингиз қотаётганидан жиғибийронсиз, деб ўйлабман.

Суҳбатнинг бунақа томонга бурилишини, раиснинг менсимай муомала қилишини кутмаган Расулжон баттар жаҳлланди.

— Мен гапимни тугатганим йўқ, Шерали Назарович, — хиёл раис томонга энгашиб, қўлини пахса қилди. — Битта ҳам қўйи йўқ хўжалик қандай қилиб жун планини бажарганига ҳайрон бўлаётганимни тушунтирмақчиман.

Раис яна кулиб юборди. Расулжон эса ўзини ноқулай ҳис қила бошлади.

— Нима, бирон куладиган гап қилдимми? — унинг хуноби ошди.

— Йўқ, кечирасиз, Расулжон Комилович, нимагадир ўзим шундай

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда

бир мириқиб кулгим келиб кетди. Айбга буюрмайсиз, азизим, баъзида шунақа бўлиб туради. Ҳадеб жиддий ўтиравериш жонга тегади. Сизнинг гапингизга келсак, шуни айтмоқчиманки, азизим, биз — ижроком ходимларимиз. Ижрочилар... Биринчи галда меҳнаткашларнинг талабини қондирамиз. Бировларни тафтиш қиладиган — бошқалар. Бордию аҳоли ўртасида ана шу талаблар юзасидан бирон чигаллик пайдо бўлиб, шундан бирортаси шикоят қилса, унда аралашишга мажбурмиз. Сизнинг гапингиз бўйича ҳали ҳеч кимдан шикоят тушгани йўқ. Ё сизга тушдими?

«Қойил-е, — деб ўйлади Расулжон, — сен менга тегма, мен сенга тегмайман усулида иш тутишнинг ўзгинаси-ку бу? Менинг чайлам энг четда, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортаверсин, демоқчими? Унда виждон қаёққа кетади? Партиявий ҳушёрлик-чи?»

— Ҳа, шунақа, азизим, — давом этди раис, — бу ишлар билан шуғулланадиган, биздан кўра кўпроқ масъулиятни ҳис қиладиган идоралар бор. Бизнинг вазифамиз бошқа. Бировларнинг ишига бурнимизни тикаверсак, обрўйимизга путур етиб қолиши ҳеч гапмас. Ҳар ким ўз чекини билиши ҳам керак-да, азизим!

Расулжон раис олдидан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди-да, Ҳайдар Ғуломовичнинг олдига кирди.

— Мумкинми?

У жавоб бериш ўрнига ёзиб ўтирган қандайдир қоғозини гижимлади-да, юмалоқ қилиб, ёнидаги сим саватга ташлади.

— Уч кундан бери ўғилга битта хатни эплаштириб ёзиб юборолмайман. Уқишни битириб, ўша ёқда қоламан, дебди. Онаси, кела қолса, бошини иккита қила қолсам, деб бу ёқда жони ҳалак. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб шунга айтарканлар-да.

Расулжон стулни унга яқинроқ суриб ўтирди. Ўзини ниҳоятда босиб олган ҳолда, ярим овозда гап бошлади, бошини қотираётган жумбоқни ечишга кўмак сўради.

— Сиз тушунмабсиз, Расулжон, — билағонлик қилди Ҳайдар Ғуломович, — бунақа нарсаларга ҳамма ҳам дарров тушуна қолмайди. Хўжалик ишларининг ўзига хос сир-асрори бор. Унинг тагига етишга сиз билан бизнинг зеҳнимиз ўтмаслик қилади. Энг муҳими, натижа яхши бўлса, бас. Ҳа, ишлаб чиқаришнинг қонун-қоидалари шунақа. Менимча, бу йил барча хўжаликларда натижа ёмон бўлмади, биз бундан фахрланишимиз керак, иллат топаман, деб, уялиб қолишдан кўра фахрланиш яхшироқ, шундай эмасми? Ё мен гапимда адашдимми? Ҳа, энг муҳими натижа!

Тоҳиржон Пўлатович Расулжонни ўрнидан дик туриб кутиб олди. Стул кўрсатди, аммо Расулжон ўтирмади. Дераза олдига бориб ташқарига боққанча туриб қолди.

— Тавба! — деди кейин чуқур хўрсиниб.

Тоҳиржон унга ҳайрон бўлиб қаради. Сўнг самимий жилмайди.

— Гап нима ҳақда ўзи?

Расулжон бор гапни айтди. Пўлатов негадир безовталанди, гўё биров кириб келаётгандай эшик томон қаради.

Расулжон давом этиб:

— Кимга гапирсанг, ҳар ким ўзича бўз тўқийди, — деди. — Райкомга кириб, нима бўляпти ўзи, деб сўрайми?

— Бундан бир наф чиқишига ишонасизми? — саволга савол билан жавоб қилди Тоҳиржон, — кулги бўлиб қолмасмикинсиз?

— Ҳамма шунақа дейди, бир тўғри жавоб ололмайсан ҳеч кимдан. Ҳамма ўзини ақлли қилиб кўрсатишга уринади. Мен бўлсам омига ўхшаб қолаётгандайман. Ахир бу кўзбўямачилик-ку! Кимни алда-япмиз, ўзимизними, давлатними?

— Бизларнинг вазифамиз маҳсулот етказиб бериш. Етказиб беролмасак, ўзингиз биласиз, қолоқликда айблаб, қурултойда пўстагимизни қоқишади. «Бажармади» дан кўра «бажарди» сўзи қулоққа ҳам



ёқади, кўнглингиз ҳам хотиржам. Мукофот ҳам оласиз кейинига...

— Қандай бажаришдан қатъий назар, шундайми? Яъни, така бўлсину сути бўлсин, шундайми?

— Бошқача қилиб айтганда, узумини енг-у боғини сўраманг, — қиқирлаб кулди Тоҳиржон, — шуниси маъқул.

— Йўқ, мен бунақасини ҳам қилолмайман. Ҳозироқ райкомга кираман. Наҳотки ҳаммасини кўра-била туриб, ўзингларни билмасликка оласизлар. Бугун бўлмаса, эртага бунинг сири очилади-ку, унда нима жавоб қиласизлар, дейман.

— Майли, кининг, оғзингиздан чиқиши билан бўғзингизга ёпиштириб, ҳафсалангизни пир қилиб чиқаришади. Жуда иззатингизни ўрнига қўйишмоқчи бўлса, машҳур бир ҳикматли сўзни кўндаланг қўйиб, маслаҳат беришади...

— Ўзингни билу, ўзгани қўй, шундайми?

— Ҳа, балли, ҳаммасини тушуна қоласиз дарров, — дея садафдай тишларини кўрсатди Тоҳиржон яна, — бу яхши фазилат.

— Мақтовингиз учун минг қуллук. Бунақа хушомадли гапларга йўқроқман.

Расулжон булар билан гаплашиш бефойдалигини сизди. «Тавба, — деб ўйларди у, — бировга айтсанг ишонмайдиган ҳодисалар-а, ҳақиқий жумбоқнинг ўзгинаси!»

Энди уни бошқа ташвиш эза бошлади. «Демак бу йил кўп соҳалар бўйича энг юқори кўрсаткич билан тугалланди. Фақат қурилиш, ободончилик ишларигина чалакам-чатти қолиб кетдимиз? Бунга ким айбдор? Терим пайти ишчи кучисиз қолдирганларми ёки ободончилик мутасаддиларими? Шубҳасиз, иккинчисининг зиммасига юк тушади. Йиғинларда биринчисининг ошиғи олчи-ю, иккинчисининг бошида калтак. Ўзингни ундай қилиб оқла, бундай қилиб оқла — обрў топмайсан барибир. Ҳамма нарсада юлқин, зўр келиш билан ишингда ривож бор, бўшангликка юз тутсанг — ўзингдан кўр». Шуларни ўйлаган Расулжон бутунлай ўзини босиб олди. Қалбидаги тажанглик совуқ алам билан алмашди. «Хайр, майли, — дея фикридан ўтказди у, — бу ҳам бир сабоқ. Энди ишни бошқача қилиб кўрамыз!»

Шу кунларда бутун район партия конференциясига тараддуд кўришга киришган эди. Расулжон ҳам ана шу конференцияда сўзга чиқиш учун зўр бериб тайёргарлик кўра бошлади.

## II

— Қирғовулдан қоровул қўйсанг, бошингдан қийқириқ аримас экан-да? — деди Собир Ниёзович Шерали Назаровичга телефон қилиб, — Расулжонингиз бизни кутковлашдан тўхтайдими, йўқми? Ишларимиз қай йўсинда ҳал бўлаётгани билан астойдил қизиқиш қолган эмиш? Камчил жойимизни топиб, яна газетада чиқармоқчимиз?

— Мен тушунтиргандим, — деди Шерали Назарович унга жавобан, — ақли етмаган ишларга аралашмаслигини маслаҳат берганман. Еш-да ҳали. Бундай пайтимизда сиз билан биз ҳам ҳар нарсага ўлардай қизиқувчан бўлганмиз, — қиқирлаб кулиб қўйди кейин.

Собир Ниёзович пинагини бузмади.

— Битта виговор камлик қилаётганмикин унга?

— Йўғ-е, — чўчиб тушди Шерали Назарович, худди ҳақиқатан ҳам Расулжонга иккинчи ҳайфсан тайёрланаётгандай. Чунки Шерали Назаровичнинг ўзи ташидан билинтирмаса ҳам, ичидан Расулжонга хайрихоҳ эди. Шу сабадан такрор ҳайфсан берилишига тарафдор эмасди. Бунинг устига, ижроком шаънига ҳам яхши эмас. Шунинг учун қўшиб қўйди: — ўзим яна гаплашаман.

— Шунақа қил, — ён берди саркотиб ҳам, — танобини иложи борича тортиброқ қўй! Айтмоқчи, лойиҳа нима бўлди? — бирдан бошқа мавзуга ўтди у.

Гап Акбарнинг иши устида борарди.

— Ҳайронман, — деди Шерали Назарович, — йўқолди, деб битта гапни ушлаб турибди-ку.

Собир Ниёзович ўйланиб қолди шекилли, анчагача овоз чиқмади. Ниҳоят таажжубланган оҳангда деди:

— Обком олдида бевурд қилиб қўйди-ку? Нима, бизни ёш бола қилмоқчими буларинг? Айти мақсадларини сўрамадингми?

— Билолмадим...

— Тавба, ўз ходимларимиздан панд еб ўтирсак-а... архитекторлар бўлиминг нима билан машғул ҳозир?

— Район марказининг бош планини қайта ишлаш билан банд. Расулжон янги макет тайёрлатмоқда.

Собир Ниёзович жавобдан қониқмади.

— Планга ўзгартириш киритиш шунчалик зарур эканми?

Шерали Назарович иккиланмай жавоб берди:

— Ҳаётнинг ўзи ҳар кун янги бир таҳрир талаб қилиб туради, Собир Ниёзович, кечаги гап бугунгига тўғри келмай қолган бўлса, не илож?

Саркотиб индамади.

Шунинг эртасига Иззат Мардонович Ҳайдар Ғуломовичнинг олдига кириб келди.

— Шефнинг фиғони фалакда, — деди у, — Расулни ким устимиздан назоратчи қилиб қўйганди? Ғимир-ғимир қилиб, қаёқдаги гапларни қўзғаб қолганмиш. Бу гап эртага ғийбатга айланиб кетмайди-ми?

— Унчаликка бормас, — кўзларини пир-пир учирди ўзини хотиржам кўрсатишга уринган Ҳайдар Ғуломович, гўё Расулжоннинг ёнини олган бўлиб. — Миш-мишга айланиб, эл оғзига тушгунча қараб турмасмиз.

— Ганиматда бунинг тезроқ олдини олиш керак. Район фаолиятини текширгани марказдан комиссия келиш хавфи бор. Айти пайтда иғво чиқса, тамом, бурнимиздан ҳаммаси булоқ бўлиб чиқишини кўраверасиз.

Ҳайдар Ғуломович суҳбатдошининг ёнига ўтиб ўтирди. Унинг кўзларида чўчинқираш, шу билан бирга шубҳали аломат чақнаб турарди.

— Шу аниқми?

— Аниққа ўхшайди.

— Қачон?

— Нима қачон?

— Комиссия келиши?

— Бунақа нарсалар тасодифан содир бўлади, — дея донолик қилди Иззат Мардонович.

— Қобил Комилович қўзғаган анов масала туфайлимасмикин?

— Шунақа тахмин бор.

Ҳайдар Ғуломович хотиржам тортиб, ўрнига ўтиб ўтирди.

— Унда бизлар ташвиш қилмасак ҳам бўлади. Ака-уканинг пиширган шавласини ўзларига едириб кетишаверади.

— Шунақаку-я, локин ўрмонга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади, дейдилар. Ўз районимизда содир бўлган ҳар бир машмашага бефарқ қарашга қўйишадими? Ҳўкизнинг шохига урсанг — туёғи зирқирайди, ахир. Е четга чиқиб, томошабин бўлиб туриш керакми? Айтмоқчи, сиз Расулжон билан бирга ўқиган экансизлар-а?

Ҳайдар Ғуломович унинг гапини писандадай қабул қилди.

— Мен умумий иш турганда шахсий муносабатларни тан оладиганлардан эмасман, Иззат Мардонович!

Тойлоқов юриб келиб, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Ҳаммамиз ҳам шунақа одамлармиз. Энг биринчи ўринда хизмат манфаати, кейин бошқа туйғу, бошқа мақсадлар... Расулнингизнинг бугунги дағдағаси эртага ўзининг суробини тўғри қилиб қўйиши бор-а. Майли, қўяверинг, саёз дарё кўп шағиллайди-ю, узоққа

боролмайди. Айтмоқчи, мана шу комиссиянинг ўзи унга ақл киритиб қўяр. Жуда ҳовлиқиб кетди, тийилтириб, жиловини тортиб кетишар.

— Бу лайлаквачча ҳадеганда тизгинини берадиганларданмас, Иззат Мардонович. Илгаритдан таниш-билиш бўлганим билан ҳаддан зиёд ақлига эътиқоди зўрлигини энди биялпман-ку. Ихлосим астойдил қолиб, қўлимни ювиб, қўлтиғимга уриб юрибман ундан. На каттани, на кичикни менсийди бу!

— Кўрамиз.

### III

Шу куни кечқурун Тойлоқовнинг хотини Мунираҳон Санобархонникига кириб келди. У ёш қизлардай безаниб юришни яхши кўрар, чиройли кийинар эди. Пардозни ҳам ўрнига қўяр, ҳаракати чаққон, ҳар икки кунда сартарошхонага бориб, қирқтирилган сочларини қўнғироқ қилдирар эди. Ҳозир ҳам Санобархоннинг юзидан чўлп этиб ўпар экан, хушбўй атир ҳиди аралаш куйган соч ҳиди ҳам димоққа урилди.

Санобархон ёлғиз эмас эди. Яқиндагина кириб келган Тоҳир Пўлатовичнинг хотини билан бир чойнак чой устида гаплашиб ўтиришарди. Мунираҳон унга:

— Вой, ўртоқжонимдан айланай, шу ердалигингизни билсам, эртароқ келмасмидим-а, минг йил бўлдим кўришмаганимизга? — деди.

— Йўқ, бир минг бир юз йил.

Аёллар кулиб олишди. Мунира мўйнали пальтосини ечган эди, хушбичим тикилган оловранг кўйлақда янада жозибали бўлиб қолди. Кўйлақ этаклари кенг, енгларига ажиб, жимжимадор безак берилган эди. У атай шу янги либосни кўз-кўз қилгани келган, мақтов эшитмоққа иштиёқманд эди. Бунга эришди. Санобархоннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Бирам ярашибди сизга, — деди.

— Ёқдими? — Мунира этакларини товусдай ёйиб, ўртада гир айланди. — Шаҳарлик машиначим тиккан. Бугун бордим кийиб кела қолдим.

Мунира шаҳарга тушганда нима харид қилса, қандай янгилик билан танишган, нимани билган, ким билан учрашиб, гурунглашган — ҳамма-ҳаммасини тўлиб-тошиб гапириб берад, театрга борган куни қайси артист қандай ролни ижро этганигача таърифини келтириб, тингловчисини анграйтириб қўярди. Бу сафар каттагина магазиннинг мудири ресторанга таклиф қилган экан, кўнмабди.

— Зато бир кийимлик жугут атлас ундирдим, — дея мақтанди яна, — текинга деб ўйламанг, нақд эллик сўлкавойимни шилиб олди, номард. Тагин, келиб туринг, дейди. Хўп дедим-у, қорамниям кўрсатмасман, деб ўйладим ичимда. Яна кўраман, дурустроқ мато зарур бўп қолса, боришим мумкин, айтсам, дарров топади. Эркакларни мана шунақа бурнидан илантириб, гарангсиз қўйиш керак. Аммо сал суюлишига йўл бериб қўйсангиз, ўша заҳоти томири бўшаши. Шунгача ишни битириб олган маъқул.

Тоҳир Пўлатовичнинг хотини сузилиб, бош силкири, Санобархон эса Мунираҳоннинг гапларидан ҳанг-манг бўлиб, хуморланиб ўтирар эди.

— Мунираҳон, айланай, шунақа кийимларингизни бир қатор кўрсак бўлармикин? Шкафингиз тўладир-а?

— Вой, ёзлигининг ўзидан бир шкафу! Қишлиги гардиropимми синдираман дейди.

— Ҳар куни биттадан кийсангиз ҳам, ҳафта етмас экан-да, айланай?

— Савилга кияманми, Тойлоқов деган отлигингиз шаҳарга ишга ўтсалар, бошқа гап. Ўша ёқда кийилмаса...

— Шаҳарга ишга ўтишларига ишора борми?

— Бир умр районда қолиб кетмасмиз, ахир, яхши ният қилиб турсак, зора... Шаҳарда ишлаб юрганлардан қаеримиз кам, опажон?

— Ажаб айтасизми, ҳа, чиройли кийиниш сентир жойлага ярашади. Бунақа овлоқ ерларда қайси назардан қадр топади.

— Нимага унақа дейсиз, Санобар опа, — эътироз билдирган бўлди Тоҳир Пулатовичнинг хотини, — райондаям келишган аёлларга кўз ташлайдиганлар камми, ўзингиз сезмасдирсиз-да?

Мунира яйраб кетди.

— Битта-яримта бўлсаям, палончининг хотини деб, ҳуркак қўйдаи етти чақирим нарига олади ўзини. Юрагидан дови қочган ҳаммасининг. Расулжон Комиловичнинг йўриғи бошқа. У ҳайиқиш нималигини билмайдиганлардан. Локин у киши «Моурбқа» хилидан эканлар. «Қойил-е»дан нарига ўтмайдилар ҳеч.

Аёлларнинг қулоғи динг бўлди. Тоҳир Пулатовичнинг хотини унинг гапига тушунолмаи сўради:

— «Маврбек»ингиз нимаси?

Мунира қикирлаб кулиб юборди.

— Маврбекмас, — тушунтирди кейин, — «Моурбқа». «Минг оҳ урсанг, бир қарамас», дегани. Шунақа қўшиқ бор. Уруш йиллари чиққан.

Аёллар баробар кулиб юборишди.

— Вой, Мунираҳон тушмагур-ей, қаёқдан топасиз шунақа гапларни?

— Ўтган сафар эшитдингиз-ку? Хотинига хиёнат қиладиганларга ўхшамасмиш...

— Астойдил ҳафсала қилиб кўз сузмаётгандирсиз-да, эркаклар ичида хўракка илинмайдигани борми?

— Кимни айтаясиз, Санобархон опа?

— Кимни бўларди, Маврбекни-да.

Яна кулги кўтарилди.

— Маврбек... — такорлади Мунира андак сузилиб, — оғримаган бошимга оғир ташвиш орттириб юрмай тагин. Сайёрабону келиб сочларимни битталаб юлса, яйдоқ бошим билан кимга керагим бор?

Аёллар ҳазил-ҳузил гаплар билан бўлиб, пиёлада чойлари совиб қолганини ҳам сезишмасди. Санобархон чойни янгилаб келишга кетди. Қайтиб кирганда, икки аёл ўртасида ҳамон Расулжон ҳақидаги суҳбат давом этар, гап жиддий тусда борар эди.

— Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз йўқ бўлади, деганлари ҳақ экан, — деди ачиниш оҳангида Мунира. — Бечоранинг боши тоза ғалвага ботадиганга ўхшайди. Ишнинг кўзини билмаслиги важҳидан халта кўчага кириб қолганмиш. Одамлар билан чиқишолмай, ҳаммани ўзидан бездириб қўйибди. Шикоят устига шикоят ёзишиб, думини тугдирмагунча тинчишмасмиш.

— Йўғ-е, унчаликка боришмас?

— Ишонмайсиз-а, ўртоқжон, ўша шикоятларни текширгани атайи Тошкандан комиссия келаётганмиш.

— Комиссия?

— Ҳа-да, комиссия. Бутун қурилишни расвойи-радди бало қилаётганиниям текшириб, жавобгарликка тортилармиш. Битта виговор бор экан бўйнида. Яна биттасини илишармиш-да, ковушини тўғрилашармиш.

— Йўғ-е, мен бошқача эшитгандим-ку? Очиқгўй, билармон, катта карвонга пешравликка ярайдиган зуваласи бор, дейишганди. Сал қаттиққўллигини айтмасангиз...

— Қаттиққўллик нуқсонмас, — суҳбатга аралашди Санобархон, — қаттиққўллик қиламан, деб одамларни ўзидан бездириши ёмонда, айланайлар. Ҳар ишнинг йўсини бор, ундан тойдингми, ўша кундан бошлаб дўстинг ҳам ёвқараш қилаверади. Расулжон таомилда йўқ юмушларни дўндираман, деб посангисини йўқотиб қўйди. Бетга чопарлик қилиб ўз обрўсини ўзи тўкди. Мазаммат гап-сўз ўрмалаб, охири

шикоятбозлик бошланди чамамда. Кўпга кесак отиб бўлармиди шу замонда.

Тоҳир Пўлатовичнинг хотини танглайини тақиллатди.

— Ажабтовур гаплар-а!

— Шунинг учун айтадилар-да: нарвонга чиқсанг шошмай чиқ, ўз ҳадингдан ошмай чиқ, деб.

Шундан кейин учала аёл хомуш тортиб қолдилар. Ҳар ким ўзича ўйларди. Мунира Расулжонга нисбатан ўзини ачинаётгандай қилиб кўрсатса-да, аслида уни оқлаш учун ҳам, қоралаш учун ҳам бирон ҳукм чиқаришни билмасди. Санобархоннинг эса ҳеч оқлагиси йўқ. Фақат Тоҳир Пўлатовичнинг хотинигина бутун вужуди билан Расулжон томонда турарди. «Ҳарқалай бировнинг бошидан ўтганини аниқ билмай туриб, айблайвериш инсофданмас», деб ўйларди у.

— Бу гапларни қаёқдан била қолдингиз, Мунираҳон? — сўради кейин, орага тушган сукунатни бузиб.

— Вой, саволингизни қаранг-а, — чинакамига ажабланди Мунира, — ижроком ходимининг хотини деб ким айтади сиззи? Эрингизни идорасида нима гап бўлаётганига қизиқмайсиз шекилли? Бизнинг давримизда бунақасига яшаб бўларканми? Тойлоқовдай отлиқнинг оғзидан бир гап чиқса-чиқмаса, мен ҳаммасидан хабар топиб тураман. Кундалигини кунда эшитиб, билиб турмасам, ёрилиб ўламан-ку. Ҳа, биз эрларимизнинг ҳар бир босаётган қадамига кўз-қулоқ бўлмасак, маъмурий ходимга хотинлигимиз қаёқда қолади? Вақти-вақти билан маслаҳат бериб, зарур бўлса адашган жойидан тўғри йўлга солиш ҳам вазифамиз-ку, ўртоқжон. Ўз шахсий ҳаётимизни эрларимизнинг хизмат-фаолиятидан олис олиб яшашдан фойда йўқ асти!

Санобархон лорсиллаган гавдасини оғир чайқаб, Мунираҳоннинг фикрига қўшилган бўлди. Тоҳир Пўлатовичнинг хотини эса дастурхон ипларини ҳимариб, ўйга толганди. Санобархон вазмин хўрсинди.

— Ҳа, тинч юрса, уни биров исканжага олармиди, — деди у, — ўзига ўзи қилди-да. Мана энди ўз бошига тафтиш сотиб олибди. Уям майли-ку, эртага районимиз бутун юртга гап бўлгани қолади.

— Айтмоқчи, анов Акбар аканинг лойиҳаси сувга уриб кетибди, дейишади-а?

— Уям шу Расулжон ака туфайли... Акбаржон дўстининг бетайинлигидан кўнгли совиб, лойиҳани йўқолдига чиқарибдию тинчибди.

Тоҳир Пўлатовичнинг хотини энсаси қотиб, чимирилди.

Аёллар ўртасидаги бу кунги гурунғ тафсилоти Рухсоранинғ қулоғига ҳам етиб борди. Оёғи қолиб, оғзи билан юрадиган икки дугонасидан ранжиди. «Қандай қилиб Акбарнинг Расулжондан кўнгли қолсин? Икки гапнинг бирида дўстини эслаб, мақтагани мақтаган-ку? Лойиҳа масаласига келганда... Билиб-билмай оғзига келганни гапиравериш ҳам эви билан-да», дея ўйлади.

— Бор гапни айтиб, Расулжон акани хотиржам қилиб қўйсангиз бўлмасмиди? — эрига танбеҳ берди у.

— Сабр қил, онаси, — деди Акбар унга жавобан, — яна озроқ сабр қилгин, суюнчига ўзинг борасан кейин.

— Шунга ишонасизми?

— Ишонаман, юрагим сезиб турибди.

Рухсора Муниранинғ «Минг оҳ урсам, бир қарамас» деган писандасини ҳам эшитган эди. «Шайтон аёл, Расулжондай кироий эркакни илмоққа илинтирмоқчимисан? Қўлингдан келмайди. Расулжон акага ҳеч қанақа хушомад, ноз-истиғнолар қор қиладиганмас. У Сайёрадан бўлак аёлни тан олмайди ҳеч қачон! Хомтама бўлманг, ойма тилла, қўлингиздан келмайди! — шундай деб ўйладию яна кўп ўтмай аёлларга хос хаёл билан: — Тагин ким билади, — деди ичида, — эркак зотига ишониб бўладими?»

Қишли-қировли кунлар бошланди. Бир неча кунгача кечалари муттасил шамол хуруж қилиб, шовқин-сурон кўтарди.

Норин узок йўл босиб ҳолдан тойган каби эриниб оқар, аста-секин устини муз қоплаб борар эди. Аввалига дала-даштга юзалаб ёғаётган қор бўралашга ўтди. Эрталаб ҳаммаёқни тизза бўйи оппоқ қор қоплади. Кўп ўтмай дарё бутунлай музлади. Хиёлгина ҳаво очилиб, қуёш салгина юз кўрсатадиган кунлар дарё юзи бола-бақрага тўлиб кетар, яхмалак отишар, хоккей ўйнашар, алламаҳалгача қий-чувлари тинмас эди.

Ижрокомда ҳам нотинч вазият вужудга келди. Ходимлар кабинетдан кабинетга югуришади. Биров бировдан шошилишча қанақа-дир хужжатни топиб беришни сўрайди, аллақачонлар ёдларидан кўтарилган қоғозни қистайди. Асаблар тор янглиғ таранг, хиёл тегсанг узилиб кетгудай. Кимнингдир тажанглиги тутиб, энг яқин хизматдошининг дилини хуфтон қилиб қўйганини ҳам сезмайди. Телефонлар кетма-кет жиринглайди. Бақриқ-чақриқ билан соатлаб бир-бирларига нимадир тушунтиришади, уқдиришади, хуноблари ошади. Бирови машинкадан бошини кўтарай демайди.

Буларнинг ҳаммасига комиссиянинг келаётганлиги сабаб. Аввалига бу хабарга лоқайдгина муносабатда бўлиб, шунчаки текширади, кетади, деб ўйлашган, бироқ обкомдан телефон қилиб, комиссияга раҳбар Тошкентдан, Марказкомдан тайинланганлиги айтилгач, масала жиддийлигини тушуниб қолишдию саросимага тушишди.

Обкомдан ҳам кейинги йиллар ичи ўтказилган тадбирларнинг протоколлари, қарор ва фармойишларнинг нусхаларини, районда рўёбга чиқарилган янгиликлар, муаммолар ҳақида батафсил ёзилган ахборотларни сўраб қолишди. Район раҳбарлари ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, маъмурий идоралардан кетма-кет ҳисобот сўраб, ҳаммани бўл-бўл, чоп-чопга солиб қўйишган. Хужжату ахборотларнинг бир нусхаси обком учун бўлса, иккинчиси келаётган комиссия ҳайъати учун тайёрланарди.

Расулжон учун ҳам анча-мунча тушунтириш хатлари, рапортлар ёзишга тўғри келди. Аммо унинг ёзганлари райком талаб қилганча чиқмас эди. Шунинг учун қайта-қайта унга аниқликлар киритишни сўрашар, баъзиларини янгитдан ёздиришар эди.

— Сўнги ҳисоботингизни бошқатдан ёзингизга тўғри келди, — деди Иzzат Мардонович телефон орқали, — бунингиз ғалвир билан сув ташишдай гапга ўхшаб қолган. Батафсилроқ, иложи борича бўрттириброқ таърифлашингизни сўрайман.

— Бўрттириброқ эмиш, — жиззакилиги тутди Расулжоннинг ҳам, — бўлмаган ишларни бўлди, деб мақтанишга, ўрганмаганман. Нимасини бўрттиришим керак экан?

— Келганингиздан бери қанчадан-қанча ярим-ёртини бутун қилишга улгурдингиз ахир — ана шуларни бўрттиринг-да!

— Илтмос, ўзингизни билмаганга олманг, Иzzат Мардонович, ҳеч қанақа ярим-ёртилик бутун бўлганича йўқ хали. Ҳаммаси деярли ўз ҳолича... Стадион қор тагида...

— Буни сиздан кўп эшитганмиз, Расулжон Комилович, хўш, бунга ким айбдор, менми ё? Қўйинг, бу гапларнинг ўрнимас ҳозир, ўзингизнинг сирингизни очманг, кейин гаплашамиз. Мана бу қоғозларни олингда, яна бошдан-оёқ кўриб чиқинг. Чоркапа масаласини олиб ташланг бундан. Комиссия олдида этагимизни очмай турайлик.

— Булар шу кунимизнинг талаби!

— Талаб эмас, гирт бош оғриғи! Мен аминманки, сиз бизнинг шарт-шароитимиз, иш усулимизнинг том маъносига тушуниб етга-

нингизда, ётган илоннинг бошини қўзғаб юрмаган бўлардингиз. Комиссиянинг бизга қизиқиб қолишига асосан сиз сабабчисиз, буни билиб қўйинг!

Расулжон аччиқ кулди.

— Бундан чиқди, бошларингга дардисар орттирибман-да!

— Ҳарқалай, ўзбошимчалик қилмаслик керак эди... Қўйинг, ўтган ўтди-кетди. Энди менинг айтганимга кириб, фойдангизни гапиряпман.

— Кўнмасам-чи?

— Кўнаси! Райкомнинг буйруғини бажармай кўринг-чи! — Иззат Мардоновичнинг овози таҳдидли эди. Кейин бирдан қони жўшиб, ўшқирди: — Сиз жуда айтишадиган бўлиб қолдингиз, Расулжон Комилович!

Расулжон ҳам тутақди:

— Сиз... Сиз фақат талаб қилишни биласиз. Бунга устасизлар. Аммо ишлар тўғри ё нотўғри бўляптими — бунга парвои фалаксиз! Амалдаги қизиқтирмайди сизларни, қоғозда бўлса, бас!

— Ишингиз бўлмасин! Амалда қандаю қоғозда қандайлигига ўзимиз жавоб берамиз.

— Нимага ишим бўлмас экан? — Расулжон титраб кетди. — Е мени четдан келган деб санайсизларми? Мен ҳам сиз ишлаётган ташкилотнинг бир аъзосиман-ку? Ўз вазифам бўйича сизлардан кам масъулият ҳис қилмайман.

— Ҳисоботингизни кейин эшитамиз, ҳозирча айтганини қилиб турунг! — трубкани қўйди у.

Расулжон ўзини жуда бемаъни иш қилгандай сизди. Уларнинг тутган мавқеини кўриб, тушуниб туриб, айтишишга бало бормиди? Қизишмай-нетмай, ўз фикримда қоламан, деб қўя қолса олам гулистон эди. Бу хил жиззакилик унга қаёқдан ёпишди? Кеча Ҳайдар Ғуломович билан ҳам тортишиб олди. Акбар билан эса сану манга боришди. Йўқ, бунақада бўлмайди. Чидаш керак!

Шу куни тушдан сўнг ижроком раиси ихтиёридаги барча корхона ва муассасаларнинг раҳбарларини йиғиб, суҳбат ўтказди.

— Ҳар бир ташкилотда кишининг ҳавасини келтирадиган даражада тартиб ўрнатилсин! — деди. — Тозалик, озодалик, саришталик намунали бўлсин. Кимда-ким бу айтганларга риоя қилмаса ўзидан кўрсин, ундай раҳбар билан кейин алоҳида гаплашиб қўйишга тўғри келади.

Эртасига бутун район ҳаракатга келди. Марказ кўчалари қордан тозаланди, автомобиллар қатнови тартибга солинди, дўконларга харидоргир моллар туширилди, атроф байрамдагидай гавжум тус олди. Ошхоналар чиннидай тоза, таомлари мазали, хўрандалар хурсанд. Мактабларда ҳам махсус шанбаликлар, яқшанбаликлар ўтказилиб, бинолар оқланди, теварак-атрофи чиқиндилардан тозаланди. Ясли, боғчалар қўғирчоқнинг уйидай безатилди. Каравотларга янги чойшаблар солинди, болаларга бир хил тикилган кийимлар кийгизилиб, ҳар бирига меҳмонларни кутиш пайтида ўқиш учун шеърӣ олқишлар ўргатилди.

Бу ҳашам-ҳушамлар кўпчиликка манзур тушса-да, юрагига қандайдир гулу ҳам солиб турар эди. Айниқса, партия конференциясига қизгин тайёргарлик кўриладиган пайтда комиссия келиши бемавруддай туюлар, маъмурий ходимларнинг ҳафсаласига бўғов ташлаётгандай. Фақат Расулжонгина бунга беписанд қарар, комиссия келиши табиийдай, бунинг заррача ташвишли жойи йўқдай санар, ҳатто коридор бўйлаб қоғоз кўтариб, у ёқдан-бу ёққа югурганларни, қўққисдан тўқнашиб, бир-бирларига урилиб кетишларини кўрганда, мийиғида кулиб ўтар эди.

У район партия конференциясида сўзга чиқишга тараддуд кўрарди. Маърузаси қисқа, аммо мазмундор, тингловчиларни зериктириб қўймайдиган бўлиши керак. Демак, яна кезиш, ўрганишга тўғри келади.

Хўжалик раҳбарлари уни ҳар доимгидек самимият ва ҳурмат билан кутиб олардилар. Марказда яшаб, министрликда ишлаб келгани уни бутунлай бошқа оламнинг одами қилиб кўрсатарди. Бундай одамлар фақат олимона фикр юритиб, оддий кишиларнинг ақли етмайдиган йирик-йирик муаммоларнинг устидагина бош қотиришади, деб ўйлашарди. Бироқ, унинг тахта, ғишт, цемент, қоришмалар сингари «қора иш»дай саналиб келган масалаларга жиддий қизиқиши уларга ғалати туюларди.

Далаларда грейдерлар, бульдозерлар ўрмалаб қор сулар, ерга ёяр, шиббалаб, яхоб тўплар эди. Совуқ забтига олган, дарё ва анҳорлардаги муз қатлами тобора қалинлашмоқда. Расулжон аъзои-бадани совуққа қотиб, қақшоқ турганга қадар ҳам дашт кезишни қанда қилмасди. Уйга алламаҳалда қайтар, ҳамон титроғи босилмаганига қарамай ёзганларини тартибга солар, баъзан каравотига ётиб, кўрпага ўралганидан кейин ҳам анча вақтгача тишлари тақиллаб, ухлашга имкон бера қолмасди. Қисқа вақт ичида ранги олиниб, кўзлари киртайиб қолди. Ишга ҳам узоқ йўл юриб, ниҳоятда ҳориб-чарчаган одамдай аранг судралиб келаётганга ўхшарди. Буни биринчи бўлиб Зайнабхон сизди. У Тошкентга бориб, институтнинг сиртқи бўлимига имтиҳон топшириб қайтган, яна аввалгидай хизматини ўз ўрнида ўтай бошлаган эди. У раҳбарнинг ранги-рўйини кўрибоқ чўчиб тушди. Орқасидан чой кўтариб кирган маҳали эса Расулжон гарангсиз, ғалати қараш қилиб қўйди. Бундан Зайнабхон баттар ташвишланди. Аслида Расулжон, қиз мулоҳим овозда нимадир дедими, салом бердими — фаҳми етмай қолганидан хижолат чекаётган эди.

— Мазангиз йўқроқми? — саволини қайтарди қиз.

Расулжон қизариб кетди.

— Йўғе, нимага ундай дейсиз? — шошиб қолди у.

Зайнабхон индамайгина чиқиб, қабулхонасидан отасига телефон қилди. Кўп ўтмай етиб келган Давлатбой Соғиндиевич Расулжонни қўярда-қўймай диванга ётқизиб, сихатини текширди. Шишинқираган қовоқларини очиб, қизаринқираган кўзларига тикилди.

— Жонга жавр қилиш ярамайди! — деди Давлатбой Соғиндиевич. — Одам бир оз ўзини аяши керак. Сизнингча жонни аямаслик — мардликка кирса керак-да? Йўқ, Расулжон Комилович, биринчи галда соғлиқ зарур кишига, соғлиқни бой бердингми, тамом, тўйдан кейинги ноғорага ҳожат йўқ.

Расулжон ўзини оқлашга уринди:

— Ҳайронман, нимага бунчалик ташвиш қиласизлар, мен соппа-соғман-ку? Ҳеч қанақа касалим йўқ.

— Стационарга бориб, жиндак дам олиб, асабларни мустаҳкамлаб олмасангиз бўлмайди.

«Шу етмай турувди, — деб ўйлади Расулжон юраги сиқилиб, — конференция куни яқин. Шундай маҳалда ётиб олсам, жуда антиқа иш бўлади-да. Қойил-е, стационарга ётармишман яна...»

Аммо врачга эътироз билдириш учун важ тополмади.

Унинг саросимага тушиши отаси ёнида турган Зайнабхонни ачинтирди. «Одамлар ҳам озгига келгани гапираверади-да... — деб ўйлади у. — Комиссиянинг келишию одамларнинг безовталаниб қолишига якка-ёлғиз ижроком ўринбосаринигина айбдор санаб, бутун гуноҳни унга қўйишди, ўзбилармон, шарттакиликда айблашди. Яна нималар дейишмади. Буларни ҳазм қилиш осонми? Мана, оқибат... Ғам-андухнинг иши шу-да, еб ташлайди кишини».

## II

Расулжон шифохонада ётиб, даволанишнинг иложини тополмади, яна ишга берилиб кетди.

Йўллар тийғаноқ, машиналар гоҳ-гоҳ сирғалиб, оҳиста судралади. Шунинг учун бир неча кундан бери қурилиш объектларига зарур



материаллар етиб келмайди. Совуқ туфайли айрим жойларда ишчилар фақат ички пардоз билангина машғул. Ташқи ишлар тўхтатиб қўйилган. Буларни тартибга келтириш, қўнғироқ қилиб, махсус идораларни ҳаракатга солиш, инженерлар, техниклар билан шахсан учрашиб, кенгашиб олиш керак. Бунинг устига мажлислар, йиғинлар... Ҳаммасига улгуришинг керак, ҳамма ерда ҳозирлигинг зарур. Бу ташвишлари етмагандай тағин эрта-индин иш бошлайдиган комиссия ҳайъати учун муҳим жой тайёрлаш ҳам унга топширилган. Бир-иккита кабинет танлаб, жиҳозлаши керак. Расулжон ўйлай-ўйлай ўзиники билан Ҳайдар Ғуломовичнинг кабинетини маъқул топди. Чунки эшиклари қарама-қарши, ёнма-ён, ҳамжиҳат ишлашга осон бўлади.

Бироқ комиссия келган кунидан бошлаб, жойларга чиқиб кетди-ю, бу кабинетларнинг зарурати қолмади. Дастлабки фаолиятни Расулжонга боғлиқ соҳаларни текширишдан бошладилар. Буни баъзилар ўзларича тушунишди. «Демак, додимиз катталарнинг қулоғига етиб, босар-тусарини билмай қолганнинг жазосини берадиган бўлишибди-да. Ўзидан кўрсин», дея суюнишди.

Чиндан ҳам Расулжон комиссия билан боғланиб қолди. Зайнабхон уни йўқлаб келганларга, бугун идорага келишлари гумон, комиссия билан бирга юрибдилар, эртага хабар олинг, дея жавоб қиларди. Буни эшитган район прокурори: «Эртага ҳам, индинга ҳам келишидан келмаслиги аниққа ўхшаб қолди», деб севинса, новвойхона мудирини: «Эссиз, махсулотимиз сифатини кузатадиган битта назоратчига аранг етишувдик, уни ҳам кўп кўрадиган бўлибди-да», дея аччиқ киноя қиларди.

Ҳадик-хавотир билан уни ҳимояга олишга интилувчилар ҳам кўп эди. Улар астойдил жони ачиб, Расулжонга далда беришга уринишар эди.

— Кўрсатиш зарур экан, деб бир бошдан нуқсонларимизни намойиш қилаверманг,— дея маслаҳат берди Шерали Назарович.— Бугунги қусур эртага барҳам ейди барибир. Оқни қорароқ экан, дейишса, ён босаверманг. Тетик-тетик жавоб қилинг, биз ҳам қараб турмаймиз. Бутун оғирликни сизга ташлаб қўймаймиз, тушунтирамиз!

Тоҳиржон Пўлатович ҳам раҳмдиллик изҳор қилди:

— Бу ерда янги одамлигингизни шипшитиб қўйиш керак, ҳамма нарсани ўз қаричлари билан ўлчаб, бор иллатни битта ўзингизга қўйишавермасин. Қилғиликни бошқалар қилиб кетган, деб таъкидлай-веринг.

Расулжоннинг кулгиси қистарди.

— Топган баҳонангизни қаранг-у! — деди бир куни унга жавобан.— Комиссия аъзолари бунақа гапларни инобатга оладиган анойиларданмас, қайтага талабни зўр қўйиб, ҳамма нарсани ипидан-игнасигача текширишяпти.

— Бе, кучала еган жойига бориб тиришсин улар. Бўш келманг ҳеч. Али деса, бали деб, бошини қотирмайсизми?

— Ахир бу ёш болалик-ку?

Тоҳир Пўлатович бўғилгандай бўлди:

— Қатик ичган қутулар, айрон ичган тутилар, хилидан бўляпти-да ишларимиз... Аттанг, минг аттанг!

Иззат Мардонович эса пўписа билан гап бошлади.

— Барибир айтганингизни қилибсиз-да? Одам ҳам шунчалик қайсар бўладими? Бунақа ҳақиқатпарварлигингиз кимга керак, хайронман.

— Ҳақиқатни яшириш-чи? Унинг кимга кераги бор, бўлмасам?

— Ҳалолу поклигингиз билан мақтанмоқчимисиз?

Расулжоннинг кўзлари катта-катта очилди.

— Тушунмадим, — деди кейин, — мақтанишдан мурод нима менга? Бирор манфаатни кўзлаган одамларгина мақтанишга мойил бўлади. Мен келиб-келиб, бизни текширувга олганларга мақтанаманми? Улардан қанақа илинжим бўлиши мумкин?

Гап комиссия аъзоларига топширилган ёзма материаллар устида борарди. Расулжон ташкилотлардан олинган докладномалар, маълумотлар ичида ўзи ёзган ҳисоботларнинг янги нухасини кўриб қолган эди. Бу нухалар аслидан фарқ қилгани ҳолда, анча тузатишлар билан семиртирилган, фактлар бўрттирилган, йўл қўйилган нуқсонлар эса юмшатиб таърифланган эди. Бу Расулжонга ёқмади. Фигони фалакка чиқди. Уша заҳотиёқ Зайнабхонни чақириб, ҳисоботларнинг асл нухасини топтирди-да, қайта кўчиртирди. Сўнг комиссия қўлидагиларга алмаштириб қўйди. Бу ўзбошимчалиги учун Иззат Мардоновичдан дакки еди. Ҳозир уни қайсарликда айблаши ҳам худди ана шунга ишора.

— Хотиржам бўлинг, — деди Расулжон уни тинчитмоқчи бўлиб, — ҳаммасига ўзим жавоб бераман. Қоғозда бари жойида, деб кўрсатилгани билан амалда манаман, деб кўзга ташланиб турибди-ку? Хўш, бунақа найранг ишлатишдан қандай манфаат бор? Бу кўзбўямачиликнинг ўзгинаси-ку? Қўйинг, бунақа ишлар менинг дидимга ёқмайди.

— Дидингизга ёқадими, йўқми, бизга бунинг фарқи йўқ. Бизга районимиз обрўси керак, Расулжон Комилович, айрим нуқсонларни дастурхон қилавермай, сал яшириброк турсак, осмон ерга узилиб тушмас. Муҳофазакорлик айб саналмайди, менимча.

— Буни муҳофазакорлик дейиш хатодир, Иззат Мардонович, буни кўрқоқлик дейилади. Хўш, бугунча сиримизни яширдик; дейлик, эртага нима қиламиз, кечиринглар, билмасдан қовун тушириб қўйибмиз, деймизми?

Иззат Мардонович пўписа билан ҳеч қандай натижага эришолмаслигини сезгач, муомаласини юмшатди:

— Ҳалиям кеч эмас, Расулжон Комилович, бизларни хуноб қилаверманг. Айтганга кириб, қоғозларингизни папкалардан олиб қўйинг. Эртага кеч бўлади.

— Кеч бўлишга бўлди, Иззат Мардонович, алмаштириб қўйган қоғозларим билан танишиб улгуришди.

Иззат Мардоновичнинг бурун катаклари титраб кетди. Кейин ўшшайиб қўл силтади. Расулжон индамай чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган Иззат Мардонович бўлган гаплардан сарқотибни хабардор қилиш учун телефон трубкасини қўлга олган эди, эсига нимадир тушиб, яна ўрнига қўйди. Ҳозир сарқотибнинг қулоғига гап кирадиган пайти эмас, унинг фикри-хаёли район партия конференциясини эсон-омон ўтказиб олишда. У икки йил ичи қилинган ишларга яқун ясовчи маърузага тайёргарлик кўрарди.

Комиссия ўз ишини давом эттирарди. Унга бошлиқ бўлиб келган малласоч, кўккўз, тўла юзли, елкалари кенг, ёши элликлардан ошиб қолган Лев Григорьевич Богданов очиқ кўнгилли одам экан. Биринчи кунданоқ Расулжон билан сенсираб гаплаша бошлади. Эрталаб нонуштани ҳам бирга қилиб, теваракни кезгани бирга чиқиб кетишди. Буни кўрган ичиқоралар бошқача бичиб-тўқишга киришди. «Бу Расулжон дегани шайтоннинг шогирди экан, кечаги келган комиссиянинг ҳам бошини айлантириб, ўзига қаратиб олган кўринади. Қачон қараманг, илжайиб, тиржайиб уларнинг пинжидан чиқмайди...» дейишди.

Комиссиядагилардан бирортаси шикоят ёзганлар билан учрашиб, улар билан гаплашмади ҳам. Районнинг манаман деган вакиллари, бутун областга донғи кетган кишилари, жумладан, Қобил Комилович сингари шон-шухрат эгалари билан ҳам маслаҳатлашиб олишни раво кўришмади. Бунга кўплар хайрон.

Аслида эса комиссия текширувнинг тартиб қоидаларига мувофиқ, шунингдек олдиндан тайёрлаб келинган махсус қўлланма асосида иш кўрар, пухта жавоб талаб қилинган саволлар бўйича далил йиғар эди. Дастлабки текширувда Расулжоннинг тинқасини қуритишди. Унинг соҳаси бўйича текширув тугагач, комиссия ўз ишини тугатди, деб

ўйлаган эди. Аммо комиссиядагилар гуруҳларга бўлиниб, хўжаликлар, ишлаб чиқариш корхоналарини тафтиш қилишга киришиб кетди. Ҳаммаёқда саросима бошланди. Ҳар қадамда бир ишқаллик, етишмовчилик фош бўлиб, айрим хўжалик раҳбарларини хижолатга қўйди. Иллат устига иллат қайнаб чиқар, ўша жойдаги ҳаёт тарзи бирданига чайқалиб кетгандай бўларди, мутасаддилар ўзларини қандай тутишни ҳам, нима қилиб, нимага қўл уришни ҳам билмай гангиб қолишди.

Комиссия иш бошлаганининг биринчи ҳафтасидаёқ миш-мишлар тарқалди: қайси бир хўжаликнинг чорва мудури ғойиб бўлиб, қорасини кўрсатмай қўйган эмиш. Қидирмаган жойлари қолмабди. Изи топилмасмиш... Яна бир хўжаликнинг бош бухгалтери ишдан бўшашга ариза берибди. Машҳур колхознинг номдор раиси кўққисдан ҳушидан кетиб, ўзига келмай ётган эмиш... Бу миш-мишларнинг қайсиси тўғри, қайсиниси тўқималиги маълум эмас ҳали. Фақат номдор раиснинг аҳволи оғирлиги ҳақ чиқди. Райондан доктор чақириб қолишди.

## У Н О Л Т И Н Ч И Б О Б

### I

Конференция бошланишига ярим соат қолганда Тоҳир Пўлатович Расулжонга телефон қилиб, унга сўз берилмаслиги мумкинлигидан огоҳ қилиб қўйди.

— Кимнинг қўлидан келган иш бу? — сўради Расулжон бир оз қизишиб.

— Билмадим, рўйхатдаги фамилиянгиз қаршисига минус белгиси қўйилганига кўзим тушиб қолди.

Расулжон Ҳайдар Ғуломовичнинг олдига кирди.

— Бир ойдан бери тайёргарлик кўраман, ахир! — деди у. — Мени сўзга чиқишдан маҳрум қилмоқчимисизлар?

Ҳайдар Ғуломовичнинг кўзлари катта-катта очилиб, ғалати қараш қилди.

— Ким сизни маҳрум қилмоқчи? — «маҳрум» сўзига урғу берди у, — қаёқдаги гапларни топиб юрасиз-а, тавба!

— Рўйхатингизни қаранг, фамилиямнинг қаршисида минус белгиси турибди.

Ҳайдар Ғуломович қизил калинкорли папканинг ичидаги қоғозларни титиб, машинкада ёзилган варақни олди.

— Дарвоқе, минус турибди... — гўё биринчи бор кўраётгандай хайрон бўлди у, — оббо, сиз-ей, фолбинмисиз дейман, қаёқдан била қолдингиз? Ҳа, етказишганда-а?.. Гап бундай, Расулжон Комилов, бу белги эҳтиёти шарт қўйилган. Эътибор берманг. Сўзга чиқадиغانлар кўпайиб кетса...

— Менинг ҳисобимга қисқартирмоқчимидингиз?

Ҳайдар Ғуломовичнинг қоши ўртасида тугунча пайдо бўлди.

— Тўғрисини айтсам, бу Собир Ниёзовичнинг таклифи. Биз ўзимиз камроқ ваъзхонликка берилиб, кўпроқ ишлаб чиқарувчиларимизнинг ҳисоботини эшитсак, деган эдилар. Бунинг устига, маросимни кўпга чўзмоқчимасмиз. Узингизга маълум, зал исимаяпти. Одамлар совуқ еб қолади. Лекин мен сизга сўз беришга ҳаракат қиламан. Фақат бир илтимос, кўп қизишиб кетманг. Ҳарқолда область партия комитетининг секретарларидан биттаси қатнашади, комиссия аъзолари ҳам.

— Э-ҳа, гап буёқда денг? — Расулжон муддаога тушуниб илжайиб қўйди. — Қўрқоқлик ҳам эви биланда-е!

— Янглишманг, бу қўрқишданмас, Расулжон Комилов, ёт кишилар олдида бир-биримизни танқид қилаверсак, ишларимиз

ҳақида хунук таассурот қолиши мумкин. Ҳар қанақа камчиликни кўрсатиш бўлса, кейин ўзаро тортишаверамиз.

Расулжон қовогини уйиб, индамай чиқиб кетди.

Зал ҳақиқатан ҳам совуқ эди. Шунинг учун одамларнинг кўпчилиги устки кийимларини ечмай ўтирарди. Аксарият байрамга келгандай ясаниб олишган, кўкраклариди нишонлар ялтиллади.

Қобил Комиловичнинг эғнида янги костюм-шим, оёғида хиром этик. Кўкрагида депутатлик нишони билан Олтин юлдуз чакнайди. У кўпгина донгдор кишилар қатори минбарга таклиф қилинди. Лев Григорьевич Богданов ҳам райком саркотиби билан ёнма-ён ўтирибди.

Пастдагиларнинг говур-ғувури гапни-гапга қўшмайди. Кимдир яқин одамни ёнига чақиради. Кимдир ҳамроҳининг аскиянамо гапларидан завқланиб, қаҳ-қаҳ уради. Яна биров қатор оралаб у ёқдан бу ёққа юради, бўш жой қидириб, атрофга аланглайди. Дағалроқ, ингичка, мулойим, дўриллаган овозлар аралаш-қуралаш.

Ҳайдар Ғуломович уларни тинчитиш учун графинга қалам билан уриб, жириглата бошлади. Залга сокинлик чўкди. Ҳайдар Ғуломович қора гимнастёрка кийиб олган, янада салобатлироқ бўлиб кўринарди. Зал тинчигандан кейин эса икки қўлини столга тираганича виқор билан бир нафас тикилиб турди-да, ўтган икки йил ичида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида муқаддима ўрнида нутқ сўзлади. Унинг овози ўзига хос жарангдор, сўзларни чертиб-чертиб ифода қилар, ҳар икки жумладан сўнг мисол тариқасида районнинг фахри ҳисобланган кишиларнинг номларини эслар, ташаккур изҳор этар эди. Шунда унинг сўзини бўлиб, халойиқ қарсак чаларди. Ниҳоят у район партия комитетининг саркотибига сўз берилганини тантана билан эълон қилди.

Собир Ниёзович, одатича, ясама мулойим овозда гап бошлади. Жойлардаги партия ташкилотларининг фаолиятларига алоҳида-алоҳида тўхталди ва уларнинг ишига баҳо берди. Пахтачилик, пилла, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари бўйича бажарилган планлар, мажбуриятларни таҳлил қилди. Унинг доклади қатор-қатор рақамлар, далилларга тўла эди-ю, аммо бирортаси эсда қолмасди. Доклад аввалроқ тайёрлаб қўйилган-у, кейин айрим ўзгартишлар кири-тилганга ўхшайди. Лекин бу ўзгартишлар ўша рақам ва далилларни бўрттириш, кенгроқ тафсилот бериш учунгина хизмат қиларди. Бирорта мақталмаган соҳа, тилга олинмаган хўжалик қолмади. Камчиликлар ҳақида лом-мим дейилмади.

— Шу ўтган икки йил орасида турмушимиз анча ўзгарди, — деди у тантанавор оҳангда, — жонажон халқимизни деб жонимизни жабборга бериб ишладик. Кечалари ухламаган кунлар ҳам бўлди. Куч-қувватни аямай Ватанимизнинг иқтисодини юксалтириш ишқида ёняпмиз. Лекин меҳнат одамни улуғлайди, деб бежиз айтмас эканлар. Залда ўтирганларнинг кўкракларига қаранг, кўпчиликнинг кўксиди орденлар порлайди.

Булар ичида бутун мамлакатга танилган кишилар ўтирибди. Биз худди шулар билан фахрланамиз. Бу шон-шуҳратлар нима туфайли? Меҳнат туфайли!..

Шундан кейин гап режалар, зиммага олинадиган планлар, мажбуриятларга уланиб кетди.

Афтидан бу гапларни биринчи бор айтмаётган шекилли, залда ўтирганлар ҳайратланиш ўрнига говур-ғувур қилиб, ўзаро суҳбатга берилдилар. Ҳайдар Ғуломович норози бир тарзда графинга қалам уриб, тинчитишга уринди.

— Лекин, — деди саркотиб сўзини яқунларкан, ичимизда шундайлар ҳам борга ўхшайди: улар кўнглиқоралик қилиб, тирноқ ичидан кир қидириш билан овора. Шаънимизни ерга урмоқчи. Лекин ундайлар овора бўлади. Районимиз илғорликни, шону шуҳратни қўлдан бермай келган доим, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ишонаверинг, ўртоқлар!

Ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари бирин-кетин қилган ишлари, ютуқлари ҳақида ҳисобот бера бошлашди.

Қобил Комилович сўзга чиқиб:

— Биз кўпроқ пахта йиғишни эмас, кўп толага эришишни кўзлаб меҳнат қилдик, — деди. — Чунки ялпи ҳосил етиштириш ҳар хил нуқсонларни келтириб чиқарар экан, буни биз тажрибада кўрдик. Илгари тола кам чиқадиган, толасининг узунлиги, ингичкалиги, пишиқлиги тўқимачилар талабига жавоб бермаса ҳам кўпроқ ҳосил берадиган навларни экишга интилардик. Мана энди АН—404 навидан экиб, зарар кўрмаямиз. Бунинг тўқсон икки процентини завод биринчи сорта қабул қилмоқда. Пахтанинг намлигини, ифдослик даражасини камайтириш мақсадида биз фақат етилган пахтани теришга ҳаракат қилдик. Ҳажми ошириш кетидан қувмадик. Натижада нормадаги ўттиз процент ўрнига ўттиз олти процентдан зиёдроқ тола олинишини таъминладик. Бу кичкина ғалаба эмас, ўртоқлар!

Залда қарсақ гуриллади. Расулжон чин қалбдан қарсақка қўшилди. Минбарда ўтирганларга кўзи тушганда саркотиб бошини силтаб, раиснинг сўзларини маъқуллаётганини кўрди. Обком вакили бутун диққатини бериб, хиёл энгашганча нотикқа қараб қолган, Лев Григорьевич эса дафтарчасига ҳадеб нималарнидир ёзар эди.

Залдаги жонланиш Қобил Комиловични руҳлантириб юборди.

— Энди пахтакорларимиз меҳнати икки кўрсаткич: пахта ва тола етиштириш билан ўлчанадиган бўлади, — сўзида давом этди у, — илгари биз ўзимиз топширган хомашёдан заводлар қанча ва қандай тола олаётганлиги билан қизиқмас эдик. Бунинг аҳтиёжи ҳам йўқ эди. Биз пулни фақат пахта учун олардик, завод эса тола учун. Бунинг фойдаси кам бизга. Эндиликда барча колхоз ва совхозлар тола учун ҳақ олишининг тарафдоримиз. Буни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли йирик хўжаликлар қошида ўз пахта тозалаш заводлари бўлиши шарт.

Бу тақриф айримларга маъқул тушди шекилли, яккам-дуккам чалиниб турган қарсақларни қўлаб юборишди. Енма-ён ўтирган Тоҳиржон Расулжонни туртиб қўйди. Расулжон маъноли жилмайди. Қобил Комилович залда маслакдошлари борлигидан тетикланиб, овозига яна куч берди:

— Биз худди шундай ташаббусни бошлаб беришга астойдил бел боғлаб, ишга киришган эдик. Аммо баъзи раҳбарларимиз бизни қўллаш ўрнига оёғимиздан чалишмоқда. Завод қуришдай янгиликка тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатмоқдалар!

Кучли қарсақ остида у ўз ўрнига келиб ўтирди. Баъзилар бир-бирларига кўз қисишиб, жилмайиб қўйишди. Ҳайдар Ғуломович қарсақка қўшилар экан, ўзича хўрсиниб олган Шерали Назаровга, Назаров эса Расулжонга қараб қўйди. Расулжон қошларини чимириб, ўзига қаратилган таънани қабул қилаётгандай бош силкиди.

Танаффус пайтида гапирилган гапларнинг маъзини ҳар ким ҳар хил чақиб, ўзича мулоҳаза қиларди. Биров завод қурилишини қўлламаслик нодонлик, узоқни кўра билмаслик, деб таъкидласа, иккинчиси ўзимизнинг шовқинимиз етмасмиди, завод қурилса, қулоғимизга пахта тикиб юрамизми, дерди.

Расулжон уларнинг гапларига қулоқ солиб, фойеда юраркан, бир пайт қандайдир куч уни ўгирилишга мажбур қилди. Ҳар ер-ҳар ерда тўпланиб турган одамлар ичидан кўринган Акбар залга кириб кетди. Бир нафасдан кейин қайтиб чиқди, атрофга аланглади. Кимнидир қидирарди. Расулжон менимасмикин, деган хаёл билан энди олдинга бир қадам қўйган эди ҳамки, тирсагидан кимдир ушлади. Шерали Назарович экан.

— Кечаги «Труд» газетасини ўқидингизми? — сўради у, ҳамроҳининг қўлини қўйиб юбормай. — Ҳозиргина Акбарингизнинг қўлига бердим. У сизни қидириб юрган бўлса керак.

Фикри-хаёли бугунги йиғин билан банд бўлган Расулжон кечадан бери газета ўқишга қўли тегмаган эди.

— Бирон янгилик борми?

— Катта янгилик. Ичидан пишганингиз лойиҳасини конкурсга юборган экан-ку? Ютиб чиқибди.

Расулжон газета сотилаётган жойга бориб, кечаги «Труд»ни сўради. Хайрият, бир нусха қолган экан. Шошиб уёқ-буёғига кўз ташлаши билан иккинчи бетдаги «Истикболли лойиҳалар конкурси голиби» деган сарлавҳа диққатини тортди.

Расулжон бутун фойега нигоҳ югуртириб чиқди. Ҳозиргина атрофга аланглаб юрган Акбарнинг қораси кўринмасди. Шу пайт ҳаммани ичкарига чорловчи кўнғироқ жиринглаб қолдию у залга шошди. Чунки танаффусдан кейин унга биринчи бўлиб сўз беришлари мумкин эди.

Аммо ҳадеганда унга яна навбат тегавермади. Расулжоннинг юраги така-пука бўла бошлади. Деярли кўпчилик чиқиб бўлди. Фақат унга гал тегмаяпти. Бунақада кун тартибидаги биринчи масала бўйича мунозара тугаб қолиши, унинг шунча тайёргарлиги зое кетиши турган гап. Шунинг учун кичкина қоғозга хат ёзиб, президиумга узатди.

Хатни олган Ҳайдар Ғуломович назари билан қидириб, залдан Расулжонни топди-да, елкасини қисиб, икки қўлини ярим ёйган ҳолда, лабини бурди. Бу «кўряпсиз-ку, сўзга чиқувчиларнинг кети узилмаяпти, яна кўрамиз», деган ишораси эди. Шундан кейин яна икки киши гапирди. Расулжоннинг сабри тугаб, ўрнидан турди.

— Ўртоқ президиум аъзолари, — дея мурожаат қилди у, — мен сўзга чиқиш учун бир ой бурун рўйхатга ёзилиб қўйган эдим. Рўйхатда иккинчман. Қаранг, негадир навбатим келмаяпти. Менга сўз беришингизни сўрайман!

Президиум аъзолари бир-бирларига қараб олишди. Саркотиб ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутарди. Залдан «берилсин» деган хитоблар эшитилди. Бундай ҳол юз беришини кутмаган Ҳайдар Ғуломович гарангсиб турди-да, саркотибга қаради. Собир Ниёзович яна жим. Енма-ён ўтирган Лев Григорьевич шивирлаб нимадир деди. Шундан кейин Ҳайдар Ғуломович вақт чўзилганига қарамай Расулжоннинг илтимосини қондиришга келишиб олиш учун залга мурожаат қилди. Зал гуриллаб кетди. Кўпчилик Расулжонни қўллаш бошлади.

Унга сўз берилди. Овозидаги кескин оҳанг ўтирганларнинг диққатини тортди.

— Энг муҳим вазифа қишлоқни социал ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш, маданиятни юксалтиришдан иборатдир, — деди у овозини баландроқ қўйиб, — хўш, бу вазифа қандай бажарилаяпти? Емон! Емон бўлганда ҳам унча-мунчамас! Аҳолининг маиший турмуш шароитларини яхшилаш чоралари энг юксак даражада олиб борилиши тўғрисида партиямизнинг қатор қарорлари бор. Биз бу қарорларга ҳаддан ортиқ эътиборсиз қарашга ўрганиб қолганмиз. Мен рухсатингиз билан худди ана шулар устида тўхталмоқчиман. Бу ерда ажойиб ютуқларимиз ҳақида кўп гапирилди. Рақамлар келтирилди. Пахтачиликдан ташқари чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам чиройли таърифланди. Ҳаммаси оппа-ойдин, ҳаммаси беками-кўст гўё. Лекин аслида ундай эмас-ку. Уша гапирган ўртоқларнинг ўзлари ҳам ишонмайдилар бу гапга. Мен-ку, бутунлай ишонмайман!

Ўртадаги говур-гувор яна кучайди. Минбарда ўтирганлар безовталаниб, бир-бирларига қараб олишди. Томдан тараша тушгандай гапнинг бунчалик кескин бошланиши кўпларга ёқмади.

Ҳайдар Ғуломович графинни жиринглатиб, ҳаммани тартибга чақирди-да, Расулжондан гапига аниқлик киритиб ўтишни илтимос қилди.

— Аниқлик киритиш қийин эмас! — давом этди Расулжон. —

Мисол қилиб, «Илғор» колхозини олайлик. Партия ташкилоти котибининг гапига қараганда, йил бўйи ўн минг тонна пахта бериш билан бирга икки юз олтмиш тонна гўшт, икки минг тоннадан ортиқроқ сут, тўрт юз олтмиш минг дона тухум, яна қанча-қанча сабзавот, мева топширишибди давлатга...

— Хўш, топширганимиз нотўғрими? — савол тушди залдан, — ҳужжатларимизни кўрсатсак, ишонтирамизми?

Расулжон қўл силтади.

— Ҳужжатларингиз бутлигига юз фойиз ишонаман. Шунча маҳсулот топширганингизга ҳам ишонаман. Лекин қандай топширгансиз? Колхозингизда гўшт берадиган қўй фермаси, сут берадиган бирорта сигирингиз борми? Сабзавотни қаердан ундирдингиз? Пахта ичидами? Бу нарсалар ғойибдан келмайди-ку, ахир? Чўпчакдаги «очил дастурхон»ингиз борми ё? Еш бола ҳам биладик, буларнинг ҳаммасини бозордан қиммат нарҳда сотиб олиб, топширгансиз. Битта сиз эмас, «Авангард», «Пахтакор» ҳам ҳар йили шундай қилади. Бу одат тусига кириб қолган иллатлар хўжаликларингиз экономикасига қанчалар зарар етказётганини билмайсизми? Биласиз. Билиб туриб қиласиз. Чунки йил бошида ваъдалар бериб, катта гапириб қўйгансиз. Демак, уни бажариш керак, акс ҳолда таъна-дашномларга қоласиз. Мана масаланинг негизи! Бунинг нотўғрилигини исботлаб беринг-чи! Йўқ, қўлингиздан келмайди. Буниси аниқ!

Ҳақиқатан ҳам унга эътироз билдирувчи бўлмади. Зал сув сепгандай жим. Президиумдагиларнинг айримлари бошларини ҳам қила бошлашди. Лев Григорьевич эса ҳамон дафтарига ёзиш билан банд. Энг охирги қатордан кимнингдир, жуда нозик ердан ушлади-ку, дея шивирлагани эшитилди. Яна биров пиқ этиб кулди.

— Ваҳоланки, бундан ўн икки йилгина бурун биргина «Пахтакор» колхози адирларида тўққиз юз қорамол, соғин сигирлар, бир ярим минг қўй ўтлаб юрарди. Бари ўша орқа-олдига қарамай берилган ваъдаларнинг қурбони бўлган. Ҳозир ҳам районимизда қўй, сигир, ғунажинлар етиштираётган хўжаликлар бор, албатта. Аммо улар бармоқ билан санарли. Аксари хўжаликларимиз эса пахтадан бўлак соҳани тан олмай қўйишган. «Авангард»нинг кўрасида бир минг саккиз юз бош қўйи, қирларида кўп сут берадиган зотли сигирлари бўларди, улар ҳам аллақачон гўшт топшириш ҳисобига ўтиб, тугаб кетган. Олти юз сигир сиғадиган молхона, қўралари эса бузилиб, экинзорга айлантирилган. Бугун колхоз раҳбари мана бу ерга чиқиб, қизармай-нетмай биринчи сортга сут топширилганлиги ҳақида ҳам оғиз тўлдириб гапирди. Аслида магазиндан сотиб олинган ҳар килограмм сариеғни йигирма олти килограмм сутга тенглаштириб топшириш билан план бажарган. Демак, минг килограмм сариеғ йигирма олти тонна сутни ташкил қилган. Бундай кўзбўямачиликка қандай чидаш мумкин? Ана шундай ярамас одатлар эвазига аҳоли сариеғсиз қолаётганига нима дейсиз? Магазинда сариеғ йўқ, деб, эларо сунъий норозилик уйғотишдан нима ҳожат?

Одамлар нафас олмаётгандай қотиб, гўё бутун вужудлари билан унинг сўзларини тинглашарди. Ҳатто жой етишмай, орқада туриб қолганлар ҳам, йиғилишга таклиф қилинмаган, очиқ эшик олдида туришган айрим техник ходимлар ҳам қимир етишга ҳайиқишарди.

Қобил Комиловичга айтилаётган гаплар ҳеч ёқмаётганди чоғи. Унинг қовоғи солиқ, укаси томон ўқраяр, чайқалар, ўзидан-ўзи ўшқириб қўяр эди.

Расулжоннинг кўзларидан ўт чақнар, ичидаги қайноқлик, тугён урган жўшқинлик юзига қалқиб турар эди.

— Партиямизнинг тузиб берган озиқ-овқат программасида қишлоқда яшовчи ҳар бир оила томорқа участкасига эга бўлиши, чорва ва парранда боқа олиши учун шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги уқдирилган эди, — давом этди у янада тўлқинланиб, — бизда унга қандай амал қилинмоқда? Ҳеч қандай? Аҳолини марказлаштириш

мақсадида умумий уйларга кўчириш билан мол, парранда боқиш қулайликларидан маҳрум қилмоқдамиз. Биргина Сўлимбек қишлоғини йўқ қилиш орқасида хонадонларда боқилаётган етти минг саккиз юз бош қўй, тўрт минг бир юз сигир, ўн етти минг паррандани йўқотганмиз. Худди шундай қисмат Чоркапанинг бошига ҳам тушиб турибди.

— Чоркапага тил тегизма, бола! — чидаб туролмади Қобил Комилович, — барибир чорва учун шароит йўқ у ерда. Молга нима бериб боқмоқчисан?

— Тўғри, чорвага ем-хашак керак, — дея ён берди, агар акасига бас келса, ўрнига ўтқазиб қўйишдан тоймаслигини биларди. — Озуқа етиштирадиган бир қарич ҳам ер қолмаган у ерда. Ҳатто Чоркапа биқинидан бошланган адирларгача ўзлаштирилиб, экинзорга айлантирилган. Илгари ана шу адирларда бутун бир қишлоғга етиб, ортиб қоладиган ем-хашакбоп сунбул, сузон, тўқмоқ, рўян, олабўта, балиқкўз, жингил сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди. Лекин колхоз иқтисодини кўтариш баҳонасида асосий даромад манбаини фарқолмай қолинганлиги ачинарли. Келинг, ҳозироқ бир чўта солиб кўрайлик. Мана, ўша қирда пахта ундираётган бригадир ўтирибди залда, ўзидан сўрайлик, Тўқсонбой ака, адирли ернинг ҳар гектаридан қанчадан ҳосил ундирыпсиз, айтиб беринг.

Уртадан олди очиқ гуппи кийган, буғдой ранг, етмиш ёшлардаги кекса ийманибгина турди.

— Ҳар йили ҳар хил, ўғлим. Узоғ йили ўн уч сентирданга тўғри келувди. Утган йилдан саккизга тушиб қолди. Бу йилиям шу атрофда бўлди-да.

— Бошқа майдонлардан-чи?

— Бошқа ростмана майдонлардан қирқ икки ярим сентир...

— Нимага шунчалик катта фарқ бор, сабабини айтиб беролмай-сизми?

— Фарқи шуки... энди... у ерларга сув чиқариш хийла қийин-да, ўғлим.

— Яшанг, ота, ҳақ гапни айтдингиз. У ерларга сув чиқариш қийин. Бордию ўша ерларга чигит эмас, рапс, кузги сули, қорабуғдой сепилганда ҳар гектардан камида тўқсон центнердан ҳосил ундирган бўлардингиз. Чунки бу экинларни сунъий ёмғир билан суғориш мумкин, гўзага эса сунъий ёмғир ярамайди. Е гапим нотўғрими?

— Тўғри! — деб юборди кимдир.

Залда шовур-шувур гаплар ўрмалади.

Қобил Комилович яна жим туролмади:

— Тўқсон центнер-а, бу ёғиниям ҳисоблаб қўйибди. Шунчалик аниқликни қаёқдан олдинг, акаси?

— Тажрибали деҳқонларингиздан, — Расулжон илжайиб жавоб қилди. — Улардан кўп нарса ўрганса бўлади. Тез-тез суҳбатлашиб туриш керак, бунинг фойдаси катта, ака. Узига қаттиқ ишониб кетиб, мутахассисларни менсимай қўйган адашади. Энг ёмон иллат шундаки, ҳозир мутахассислар билан келишмай фақат буйруқ билангина иш юритадиган бўлиб қолганмиз. Мен районга янги келган кунларим бир агроном билан учрашиб қолдим. У ўз касбини ўзгартириб, механизатор бўлиб олибди. Нега бунақа қилганлигига қизиқдим. «Колхозларга ҳозир агрономларнинг зарурати бўлмай қолди, чунки ҳамма иш буйруқ билан бажарилмоқда. Чигит ҳам буйруқ билан экилади, яғанаям, озуқалаш ҳам, чеканкаям, дефолиациягача...» деб жавоб қилди. Қаранг, шунақа экан, беш йил ўқиб, диплом олиб нима қиларди бола бояқиш. Шу агроном худди сизнинг колхозингиздан, ака!

Қобил Комилович ўрнидан сапчиб турди-да, ясама хушомад билан икки қўлини кўксига қўйиб, эгилди.

— Хўп бўлади, акаси жонидан, билмаган эканмиз, билиб олдик. Шунақаларга эътибор қилиб юрамиз энди, — деди.

Расулжон давом этди:



— Албатта, айтилаётган бу гаплар менинг соҳамга кирмайди. Шунинг учун «ўзининг вазифангни эплейверсангчи, бировнинг ишига тумшугингни тиқиб нима қиласан» деган таъналарни ҳам кўп эшитганман. Бироқ нима қилай, ножўя ишларни азалдан ёмон кўраман. Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Тилим куяркан, деб ҳаммасини кўра-била туриб, қўл силтаб юраверсам яхшими? — у бармоқларини ёйиб ўнг қўлини кўтарди. — Мана бу бармоқлардан биттасини тишласангиз, бутун қўлингиз оғрийди. Чунки ҳаммаси битта тананинг аъзоси. Мен ҳам чет кишиси эмасман, шу элда туғилганман, ҳозир шунда яшайман, хизмат қиламан. Шу оила, шу хонадоннинг фарзандиман. Мактабдалиқ пайтимизда бизга устозлик қилган бир кексадан шундай таъриф эшитгандим яқинда: «Хонадон — бу қўни-қўшни, уруғ-аймоқ, яқин-йироқ, бутун қишлоқ... қолаверса, бутун районимиздир. Бир тупроқдан ризқу насиба ундирамиз, бир дарёдан сув ичамиз, бир ҳаводан нафас оламиз. Тўй-томоша ўртада, маъракамаросимлар ўртада. Тотувликнинг тани бир, деб бежиз айтмаганларку. Хонадон, деганда ана шу тотувликни тушунамиз...» Демак, шу хонадонимиз ифтихори учун баробар куйинсак, курашсак, бир-бировимизнинг номуносиб хатти-ҳаракатимизни биримиз тузатсак, одоб доирасига кирмайдими? Бошқача гапларни мен ҳам ҳеч ҳазм қилолмайман, азизлар!

Расулжон сўнгра устидан ёғилаётган шикоятлар устида тўхталди. Талай колхозларнинг раҳбарлари қурилаётган объектларни салкам бир йилдан бери тўхтатиб қўйилганлиги, ишчиларни эса бошқа объектларга олиб кетилганлиги учун Расулжондан қаттиқ ранжиганларини айтиб, бу хатонинг олдини олишни сўрагандилар.

— Ҳа, шундай қилишга тўғри келди, — дея бўйнига олди у. Кейин сабабини тушунтира кетди: — Чунки қурилаётган уйлар маҳаллий иқлим шароитига мос келиш-келмаслиги ҳисобга олинмаган. Бунинг устига сифатсиз. Чунки ҳар ким ўзича архитектор, ҳар ким ўзи билганича қуради. Бунақа уйлар қургандан қурмаган минг бора афзалроқдир. Ҳа, ўртоқлар, ҳар бир мавзенинг бош плани, лойиҳаси бўлиши керак. Бугун ана шундай лойиҳага эгамиз. Энди ҳамма ерда шу лойиҳа асосида қурилиш бошласак бўлади, деб бемалол айтишга ҳақлиман!

— Қайси лойиҳа ҳақида гапиряпсиз? — сўради химдир залдан. — Акбар Қодировникини назарда тутаетган бўлсангиз, у йўқолибди-ку! Шундай деб эшитдик!

— Кечаги «Труд» газетасини ўқимабсиз, ўртоқ, — дея кулди Расулжон. — У — бор, у республика конкурсининг ғолиби, деб топилганлиги билан бизларни ниҳоятда хурсанд қилиб турибди бугун. Келинг, дўстлар, ана шундай хурсандчилик бахш этган лойиҳа муаллифини чин дилдан табриклаб қўяйлик!

У шундай тантанали овозда эълон қилдики, залдагилар беихтиёр қарсак уриб юбордилар.

Бу хабар кўпчиликнинг завқини оширди. Фақат Қобил Комиловичгагина бу гаплар оғир ботди. Гўё ҳамманинг кўзи унда. Барибир айтганинг бўлмас экан-ку, ҳамма қолиб, ўз жигаринг панд едириб ўтирса-я, балли-е, дея мазах қилаётгандай туюларди унга. Шунинг учун кўз қирини ташлаб, атрофдагиларга ер тагидан қараб қўйди. «Майли-майли, гапиравер, — деди кейин ўзича, — бугун бўлмаса эртага шу гапларинг учун тавбангга таянасан!»

Шундан кейин кун тартибидаги ташкилий масалага ўтилди.

Конференция тугаб, ҳамма фойега чиққанда, Лев Григорьевич Расулжоннинг ёнига келиб, унинг қўлини қисди:

— Хонадон ҳақида яхши гапирдингиз, — деди у, — жуда яхши гапирдингиз!

Залдан чиққанлар тўп-тўп бўлишиб, ўзаро гурунглашиб кийим-кечак ечиладиган жойга томон борардилар. Қимдир миннатдорлик билдириб, Расулжоннинг ёнидан ўтиб кетди. Бу ўша агроном йигит экан, Расулжон унинг орқасидан жилмайиб, қўл силтаб қолди. Одамлар унга бошқача меҳр билан тикилиб ўтардилар.

Кийим сақланадиган жойда Қобил Комилович пальтосини киймоқда эди. Расулжон чаққон олдига борди. Аммо акаси эламади. Расулжонга эшитдириб ёнидаги ҳамроҳига «бўйинг теракдай бўлгани билан фаросатинг бир чақага арзимаса, бекор экан», дея нафрати қайнаб гапирганича, кўчага йўл олди. Расулжон хомуш бир аҳволда идораси томон одимлади. Уни йўлакда Акбар тўсиб чиқди.

— Лойиҳа материаллари топилганини билганингдан хурсандман, оғайни, — деди у оғзининг таноби қочиб.

Расулжоннинг жаҳли чиққанидан қаттиқ бир хўмрайди-да, ўшқириб берди:

— Тур, йўқол, кўзимга кўринма, ярамас! — дея ёлғондан пўписа қилди. — Шунақа ишлар бўлаётган экан, бир оғиз шипшитиб қўйсанг ўлармидинг?

Акбар дўстининг дашномларини жон деб эшитишга тайёрдай бошини қуйи эгиб, жим қолди. Аммо юзи яшнаб, кўзлари кулиб турарди.

— Кечир, оғайни, ҳаммадан сир тутгандим бунини, — деди у ёлбориб.

— Қачон юборақолгандинг конкурсга?

— Бир йилдан ошди. Сен кўрган вариантнимас, ундан олдингисини. Сен кўрганинг мукамалроқ ишланган нусхаси. Конкурсга борган материаллар авторларга қайтарилмас экан. Лойиҳасиз қолмайин, деб бунисини қайта ишлагандим. Сенга маъқул тушди. Муҳокамадан ўтказиб бердинг. Худди ўша куннинг эртасига жюри ҳайъати номидан лойиҳам конкурсга қўйилишига лойиҳа топилганлиги ҳақида хат келиб қолди.

— Ҳаммани ўзингга ўхшаган гўл, лақма деб ўйлаганмидинг? Йўқолди деганингга чиппа-чин ишонибманми? Мендан ҳам сир тутдинг-а, ўз дўстингдан-а!.. Кел, бир табриклаб қўяй!

Акбарни бағрига босди. Акбарнинг кўзлари намланиб, дўстини қайта-қайта ўпди.

— Энди кетавер! — деди Расулжон ўзидан итариб, яна ўша ёлғондакам пўписа оҳангида. Кейин тантилиқ билан таъкидлади: — Айтмоқчи, Рухсорага айт, бугун кечга манти-панти тайёрласин, яхшилаб нишонлаш керак-ку ғалабангни!

Акбар севиниб кетди.

— Яша, оғайни, бу гапингга қойилман. Албатта кел, кутамиз. Расулжон қабулхонага кириши билан телефон трубкасини ушлаб турган Зайнабхон:

— Сизни шошилиқ райкомга чақирдишяпти, — деди.

Расулжон мажлисда гапирётган пайт саркотибнинг безовталанганига кўзи тушган эди. Иззат Мардонович ҳам, унга хайрихоҳлар ҳам хўмрайиб ўтирарди. Шуларни кўз олдига келтирди-да, «бошланди» деб қўйди ичида.

## У н е т т и н ч и б о б

Қаттиқ забтига олиб турган совуқ бирдан тоб ташлади. Қорлар эриб, том бўғотларида осилган сумалаклардан чак-чак сув тома бошлади. Булутлар ортидан дам қизариб, дам бўзариб кўринган қуёш кун бўйи кўкдан оҳиста сузиб ўтди ва кечга яқин муз сингари яна эриб кетгандай уфққа ботди. Ҳеч кутилмаганда паға-паға қор ёға бошлади. Шундай қаттиқ ёғдики, бир қадам нарини кўриб бўлмади қолди.

Расулжон тўппа-тўғри райкомга кирмай, йўлда кимдандир тамаки сўраб олиб, тутатди. Умрида чекмаган одам тамакини торта-торта, йўтала-йўтала сардарага чиқди. Бир нафас қор ёғишини томоша қилди. Шу маҳал унга кимдир яқинлашди. Усти қалин қор бўлгани учун Расулжон уни танимади.

— Қорбобомисан? — деб ҳазиллашди дафъатан таниб қолиб. Бу Жавҳар эди. — Е шунақа қорпўстин урф бўлганми?

Жавҳар бир силкинган эди, устидан шундоққина оёғи остига бир савам пахтадай қор тўкилди.

Жавҳар амакисининг қаёққа кетаётганини орқасидан кузатиб турганди, райкомга кирмоқчи шекилли, деб ўйлаган эди. Хайрият, кирмади.

Жавҳар амакиси йўқлик пайтида идорага кириб, Зайнабхон билан гаплашмоқни истаб келганди. Зайнабхон эса унинг бу одатини ёқтирмайди. Шунинг учун у кириши билан қовоғини солиб олади, ўзини бошқа ишларга алаҳсигандай қилиб кўрсатади. Бу сафар ҳам қиз Жавҳарни одатдагидай совуқ қарши олди.

— Яна келдингизми? — деди. — Биров кўрса, нима дейди, Расулжон аканинг кўнгилларига нима келади?

— Амаким ҳали-бери қайтмайдилар. Сизга икки оғиз гапираман-да, кетаман.

— Орамизда ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин эмас, Жавҳар ака! Неча марта айтдим-ку!

— Ҳайдаманг, Зайнабхон. Нима айб қилдим сизга?

— Ҳозир ким айбли, ким айбсизлигини ойдинлаштирадиган пайтми, Жавҳар ака? — ғижиниброқ гапирди қиз, унинг ҳорғин, қарийб сўниқ нигоҳига тик боқиб. — Гаплашгим келмаса, ўзимни мажбур қилолмайман-ку?

Жавҳарнинг хиёл очиқ лаблари оқаринқираган, кўзлари эса нохуш боқарди.

— Зайнабхон, — деди у ёлборувчи оҳангда, — хўп, кетаман ҳозир, қайтиб ҳеч қачон келмайман олдингизга. Қўлингизни беринг ақалли, хайрлашай...

Зайнабхон беихтиёр узатган қўлини қайта тортиб олди.

— Йўқ, қўл бериб хайрлашиш шартми?

Жавҳар шитоб бурилди-да, ўқдай отилиб, қабулхонадан чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган Зайнабхон бемаъни иш қилиб қўйганидан ўсал тортди. Қўполлиги учун ўзини ўзи койиди. Йигитга раҳми келди. Бироқ иложи қанча. Шундай қилмаса, ким билади, охири қаерга бориб тақаларкин?

Унинг илинж билан келиб, оҳ-воҳ тортиб ўтиришлари унинг жонига тегиб кетган. Ҳатто гапирган гаплари ҳам сунъий, омонат қурилган кулбага ўхшайди, бир туртсанг кулаб тушадигандай. Йўқ, Зайнабхон кўнгил қўядиган йигитини бошқача тасаввур қилади. Эртанги кунига бошқача қарайди у. Шунинг учун қилмишидан ташвишланишга ҳожат йўқ, ачинмаса ҳам бўлади...

У шу воқеани иложи борица тезроқ хаёлидан қувишга ҳаракат қилди.

Жавҳар кўчага чиққан маҳалда қор тинган, ҳаммаёқ кумушдай товланиб, тун қоронғисини оппоқ ёритиб турар эди. Ҳаво мусаффо, кўксинг ҳузур қилиб симиради. Кўчада қатнов сийрак, оёқ остидаги қор ғижирлашини ҳисобга олинмаса, тун осойишта, гўё атрофда ҳамма нарса қулоқ солиб, жимгина пойлаб тургандай. Фақат дарахтларнинг тепа шохларида, йўлка четларидаги оппоқ қорга бурканган буталар ёнида майин ва энгил шитирлашлар эшитилади.

Жавҳар пальтосининг тугмаларини қадамагани учун икки бари қанотдай икки ёққа ёйилар, бўйнидаги шарфи эса чувалиб, бир учи елкаси оша ерда судралиб борар эди. У бунга сезмас, бирон нарсани ўйламас, худди қаёққадир шошаётган одамдай ҳовлиқиб, нафаси

тиқилгудай ҳансираб одимлар эди. Юзи олов бўлиб ёнмоқда, кўзи муздай ёшга тўла. Унинг тезроқ юриб қаёққадир боргиси, мана шу ёрқин сокинлик ичра кўмилиб, яширингиси, бир неча йиллик муддатга ҳеч кимга кўринмай, ғойиб бўлгиси келар эди.

У бирдан тўхтади. Олдиндан урган муздай шамол юз-бўйинларини ялади, қулоқлари совуқ еди. Шундан кейингина шарфига ўраниб олиш эсига келди-да, елкасига қўл солган эди ҳамки, орқадан кимнингдир тез-тез қадамлаб келаётган шарпаси эшитилди.

У қулоқ солди. Уқтин-ўқтин ҳансираб яқинлашаётган Марат бўлиб чиқди. Унинг тўлагина юзи бу қорли оқшомда бўзариброқ кўринарди.

— Сени ижрокомдан топарман, деб боргандим,— деди у, ўпқасини аранг босиб. Афтидан тенгдошининг ортидан етиб олиш учун анча югурганга ўхшайди.— Уйгами? Юр, кузатиб қўяман.

Жавҳар уни биринчи бор кўраётгандай қизиқсиниб тикилди.

— Нимага боргандинг?

— Анов кунги бемаънилигим учун узр сўрагим келди.

— Қайси кунги?

— Ушанда... дилингни хуфтон қилувдим-ку? Кечир, мендан ўтди. Қаёқданам ичиб, сенинг олдинга келдим-а... Ушандан бери ичим ёришмайди. Шу бугун ҳам учрашмаганимда туни бўйи уйқум келмай, азоб тортиб чиқардим.

Жавҳар орқасига қайтди. Ёнма-ён бир неча қадам юрдилар.

— Қаёққа?— сўради Марат, унинг ниятига тушунмай.

— Юраверсанг-чи!

Марат тўхтади.

— Менга қара, бир гап бўлдимми?— Жавҳарнинг қўлига аста туртди у.— Бу тахлитда ҳеч кўрмагандим-ку сени? Ошна, нимадан кўнглинг ғаш?

Жавҳар қўлини зарда билан тортиб олди.

— Ҳеч қанақа ғашмас!— деди-да яна тўхтаб, ўткир кўзларини унга тикди.— Ижрокомга борганимни қаёқдан билдинг?

— Қаёқдан бўларди, ўша жононинг ёнига бориб, пашшалашадиган бўлиб қолганингни билмайманми?

— Кимдан билдинг?

— Одамлар кўрмайди, эшитмайди дейсанми? Айтди-да, биттаси. Оҳанрабоси борми дейман унингни... Ёқса шартта ол-да, кўй. Ўзинг ҳам тинчийсан, қизниям гапга қўймайсан.

— Қанақа тинчиш, қанақа гап?

— Бўзчининг мокисидай олдига қатнаганинг хандати ҳар хил гаплар юрибди...

— Бекорларни айтибсан! Сендан бошқа ҳеч ким ишга қилмайди... Агар ростданам иғво қилаётган бўлсанг, тўғрисида айтиб-раман худди, билиб қўй!

— Иззатини билмаган одам экансан!— деди Марат кўра бўлиб.— Сенга дўст, деб тўғриси айтсам...— у эҳтисоб билан кета бошлади.

Жавҳар ортидан борди.

— Тўхта!— деди қўлтиғидан олиб.— Бўй, борди шундан кейин тирриқроқ...

Улар ресторандан чиқишганда шамол туриб, парадни кўриб олиб, увиллаб, қор тўзонини еру кўкка сочаётган эди.

Жавҳар уйига алламаҳалда келди. Тўғрисида айтиб-раман курак олиб чиқди-да, қора терга ботиб қор куради. Атрофда шундайлам бўлиб, ҳовлининг қоқ ўртасидаги гулзор ўрнида ҳақиқатан ҳам гулзор гумбаз пайдо бўлди. Синглиси ёнига келиб, уйга келганда шундайлам қилса ҳам, у қўлидаги куракни ташламади.

— Онамларнинг мазалари қочди,— деди кўра.— Дўстлар ўтирибди ёнларида, юринг.

Жавҳарнинг юраги жиз этиб кетди. Куракни қор гумбази устига улоқтирди-да, югуриб ичкарига кирди.

Онаси тамом оқариб кетган эди. Астагина қўл узатиб, ўглини яқинроқ келишга ундади. Жавҳар каравот ёнига бориб, чўкка тушди. Онанинг нозик қўллари унинг бошини, юзини силади. Лаблари хиёл қимирлаб, шивирлади:

— Ичдингми?

Жавҳар ғадир-будир қўлларни олиб, лабларига босди. Онанинг юзида мулойим, айна пайтда ғуссали белгилар намоён бўлди.

— Укол қилишдими?— сўради ўгли элас-элас димоғига урилган спирт ҳидини сезиб.

Она бош силкиди.

— Отамдан дарак йўқми?

Она жавоб бериш ўрнига қовоғини уйди. Бирдан қаеридадир қаттиқ оғриқ тургандай кўзлари чирт юмилиб, юзи буришди, қошлари ўртасига ажин йиғилди. Оғир ингроқ эшитилди, онанинг қўллари қалтиради. Нафас олиши бежо, Боядан бери беморни кузатиб ўтирган врач Жавҳарни нари суриб, томирини кўришга шошди. Қайта укол қилди.

Уколдан кейин бемор ўзини бир оз енгил ҳис қила бошлади. Жавҳар дераза ёнидаги диванга чўкканича онасидан кўзини узмай ўтираверди. Миясига нохуш фикрлар келиб, юрагини эзди. «Кечасига бориб оғирлашмаса бўлгани», деган фикр ўтди хаёлидан. Врачга кетмай туринг, деди. Шу алпозда кўзини уйқу элитганини сезмай қолди.

Кўзини очган маҳал бошини танғиб олган онаси дераза ёнида ташқаридан нигоҳини узмай турарди. Ҳамон қор ёғар, шамол ғувиллар, ҳовлидан оқиш нур ёғилар эди. Врач кетиб қолганди, ошхонада куйманиб юрган синглисининг шарпасигина эшитиларди.

— Нимага турдингиз, дармонингиз йўқ-ку? Ётсангиз бўларди...

Она ўглига ётсираб кўз ташлади. Бундан чўчиб кетган Жавҳар унинг қўлидан тутди-да, етаклаб бориб, ўрнига ётқизмоқчи бўлди. Она кўнмади. Фақат каравоти четига омонатгина ўтирди. Ўглининг бармоқларини қўйиб юбормай маъюс тикиларкан, кўзларига ёш олди. Жавҳарнинг юраги эзилди. Шу заҳоти тиз чўкиб, унинг тиззасига бош қўйди.

«Нимага бунақа бўляпти?— дея ўзига ўзи савол берди у.— Қайси гуноҳларимиз учун? Ким айбдор бунга?»

Қаеридир пир-пир учди, чап кураги остида қаттиқ оғриқ турди. Бу оғриқ бир зумда бутун вужудига тарқалиб, сочларининг толасигача зирқиратиб юборгандай бўлди. Нафаси бўғилиб, ҳаво етмаётгандай ҳис қила бошлади ўзини. Ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Чуқур нафас олди. Кейин дераза қиррасига мушт туширди. Йиғлагиси келди.

— Отам нимага бунақа қилади-а?— дея шивирлади.

Қобил Комилович ўгли билан ади-бади айтишиб, аразлаб чиқиб кетган кундан бери қорасини кўрсатмасди. Жавҳарнинг назарида она худди шунинг учун қаттиқ сиқилар, эрининг дом-дараксиз, аллақарларда юрганини ўйлаб, руҳан эзилиб, ич-этини еб бораётган эди. Жавҳар бунинг учун ўзини айбдор санарди. Она олдида хижолат чекарди, қилмишидан минг пушаймон ерди. Онанинг соғайиб кетиши эвазига отасининг олдига ҳозирок бориб, оёғига йиқилиб, узр сўрашга ҳам тайёр эди.

Шу фикр хаёлига келиши билан чала-ярим кийинди-ю, ташқарига отилди.

Она ўгли ортидан қўл чўзганича қолди. Синглиси нимадир деб югурди. Етолмади.

Жавҳар гаражга бориб, бир неча муддат ивирсиб юрди. Сўнг машинасини кўчага олиб чиқди-да, қуюқ буғ таратганича юргизиб кетди.

Қор бўралаб ёғарди. Шамол ён томондан урарди, гилдирак изларини ялатма изгирин зум ўтмай кўмиб ташларди. Машина

қайиқдай чайқалар, қор олд ойнани аямай савалар, ойна тозалагични эса ҳаракатдан тўхтатиб, қотириб қўйган эди.

Йўлни кўриб бўлмасди, Жавҳар тусмоллаб ўрмаларди. У ҳозироқ бориб, отамни машинага соламану ғизиллатиб олиб келаман, дея астойдил аҳд қилган, йўлни «Чаман нор»га солган эди. Бироқ қор қуюни уни алдади, чалғиш йўлга буриб юборди. Машина оппоқ қор босган, учи-кети кўринмас шудгор устида тебрана-тебрана юриб борарди. Анчагинадан кейин тўнқадай қаттиқ нарсага зарб билан урилдида, таққа тўхтади. Ўрнидан силжишнинг иложи йўқ. Қор чор тарафдан келиб урилар, ҳали замон тўнтариб юборадиганга ҳам ўхшарди. Жавҳар газга оёқ босган сари ғилдираклар бир ерда чир айланарди-ю, силжий демасди. У чарчади. Бир нафас қўлларини осилтириб, ўриндиққа ястанди. Юзидаги терларни сидириб ташлади. Кўз олдида бирдан Зайнабхоннинг сиймоси келиб, мазахнамо илжайди. «Сиз билан менинг орамда ҳечқанақа гап бўлиши мумкин эмас!» деди қиз. Кейин қиёфаси узоқлашди. Онаси кўриниш берди. Етсираб қаради. Қалтироқ қўлларини чўзиб, нимадир деди. Ич-ичидан дардли ингроқ отилиб чиққандай бўлди. Сўнг кўзларини юмди. Ранги оппоқ, лаблари кўкариб кетган, ўлкнинг лабларига ўхшарди...

Жавҳарнинг юраги туз сепгандай ачишди. Кўзларига қайта ёш қалқди. Шундан кейин яна газ беришга ўтди. Бирдан машина қалқидию кимнингдир ғойибона кўмаги билан силжий-силжий, сузиб кетди гўё. Шу алпозда дарё қирғоғидан чиқиб қолди. Гурунгтепа этаги эди бу ер. Ўркач-ўркач бўлиб ерга букилган қамишлар қорга бурканган. Жавҳар машинани тўхтатмай ана шу қамишзордан ҳайдаб кетаверди. Муз билан қопланган дарё устидан чиқиб қолди. Муз сатҳини қор кўрпаси қоплагани учун бир қанча вақт ғажур-ғажур қилиб турди. Аммо ғилдираклар қорни ёриб, музга етгач, машина ҳайдовчига бўйсунмай, тўлғана бошлади. Шу алпозда дарёнинг қоқ ўртасига етди ва бирдан кўндаланг бўлиб қолди. Рулни қанча буриб, қанча газ бермасин, ўнглай олмади. Эшикни аранг очди, ташқарига чиқди, машинанинг олд томонидан кўтариб, тўғри йўлга солиб қўйишга уринди.

Унг қўли билан юзини пана қилиб, машина остига кўз югуртирди. Олдинги икки ғилдирак орасида музга парчинланиб қолган қандайдир ҳарсанг кўндаланг эди. У машинани қимир этказмай қўйган экан; тошнинг ўзини эса ўрнидан силжитиб бўлмасди. Жавҳар багажникдан белқурак олди. Машинанинг тагига кириб, харсангни кўчиришга уриниб кўрди. Бир пайт тойиб кетиб, шундоққина машина остига йиқилди. Тираниб, аранг қаддини тиклаши билан яна гурсиллаб тушди.

Ҳаммаёқ зим-зиё. Қани энди яқин ўртада қимирлаган жон кўринса. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган.

Жавҳар машина ичига кириб, нафасини ростлагиси келди... Қанча ўтирганини билмайди. Оёқлари совуқ қота бошлади. Кўзини уйқу босмоқда, қовоқлари қўрғошиндай оғир. Ухлаб қолса, тамом, эрта-лабгача тошдай қотиши мумкин. «Тошдай қотадиган гўсхўр йўқ» деб аҳд қилди ичида. Ўзини тетик тутишга уринди. Қўлларини ишқалади, юз-кўзларини, бўйину билакларини ишқалаб, уқалади. Орадан бир соатча муддат ўтгач, яна газ бериб кўрди. Машина силкина-силкина ғилдираклари муттасил бир ерда ғириллаб айлана бошлади. Афтидан силкиниш ўрнига муз қатламини пармалаб ўйиб кириб кетаётганга ўхшарди. Бунга амин бўлмоқ учун машина эшигини қайта очиб чиқмоққа тутинган ҳам эдики, милтиқ отилгандай қаттиқ қарсиллаш эшитилди. Унинг даҳшатидан чўчиб, ташқарига чиқди-ю, ўзини тасодифий ҳалокат ёқасида кўриб, қути ўчди. Машина ғилдираклари ўйиб кирган жойдан сув қайнаб тошиб, устидаги юкни аста домига тортаётган эди. Машина мункий бошлади. Сув Жавҳарнинг тиззасига-ча чиқди. Машина чўкиб борар, Жавҳар ҳанг-манг эди. У бирдан ақлини йиғиб, машинага ёпишди. Гўё шу йўсинда жонини асраб

коладигандай. Шу пайт яна қаттиқ қарсиллаш эшитилди — муз ёрилган эди. Машина ҳам, Жавҳар ҳам бирдан чўка бошлади. У жон талвасасида «Она-жо-он!» дея бақирди. Иккинчи бор қичқирди. Аммо бу сафар овозини ўзи ҳам охиригача эшитиб улгурмади...

## Ў Н С А К К И З И Н Ч И Б О Б

### I

Расулжон идорасида эди. Ёнига Акбар кирди. У ёлғиз эмас, ўзи билан бир неча ходимларни ҳам бошлаб келибди. Улар каттакон чорқиррали нарсани тўрт томондан кўтариб олишган эди. Акбар тантанали қиёфада юриб, уни узун стол устига қўйдирди-да, бир силташ билан сиртидаги сурпини олиб ташлади. Расулжоннинг кўзлари яшнаб кетди. Столда Зарқўрғон райони марказининг янги бош плани — макети турарди. Макетни кўришга кирганлар хонани тўлдиришди. Бежирим ва ниҳоятда мафтункор ишланган район қиёфасидан кўз узишолмасди.

Яна икки дўст ёлғиз қолдилар.

— Хўп иш қилдинг, жуда катта иш қилдинг, — дерди Расулжон Акбарнинг елкасига қоқиб.

— Раҳбарларингга ёқармикин?

— Наҳотки, ёқмаса? Ёқади. Бунақа моҳирона санъатни кўрганда ёқа ушламаса, нима эмиш. Оғизлари ланг очилиб қолишини кўрасан ҳали.

Акбар ийманиб, ўзини нари тортди-да, ўкинч билан тикилди.

— Бежама гапларингни қўй, оғайни, бунинг хонасимас, — деди у, — санамай саккиз, дейиш осон. Уларни биласан-ку? Ёмонга ёр юқмайди, дегандай...

— Ношукурлик қилма! — жаҳли чиқиб жеркиб берди Расулжон. — Дарров ёмонга чиқарасан ҳаммани!

— Сен-чи? — овозини баландроқ кўтарди Акбар ҳам. — Ўзингни ноҳақ исканжага олаётганлари эсингдан чиқиб қолдими? Сени аяб қўйишдими жуда? Мунча ҳимоянгга олавермасанг!

Расулжон кулди.

— Ҳа, гап бу ёқда дегин? Биринчидан сен билан биз нимаики қилаётган бўлсак, нима ҳақда ўйлаётган бўлсак, сен айтган «ёмонга ёр юқмас»лар учун эмас, кўпчилик учун, эл учун қиляпмиз. Иккинчидан, мени аямаганда, қўлларидан нима келарди?

Акбар ҳайрон ҳолда:

— Хабаринг йўқми ҳали, сени кеткизадиган бўлишибди-ку? — деди.

Расулжон қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Қаёқдан эшитдинг?

— Ҳамманинг оғзида шу гап. Одамлар билмай гапирмайди. Кўпчилик сени ҳимояга олиб, обкомга боришмоқчи.

Расулжон боши-боши қилиб:

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман! — деди. — Мен билан ишлашни хоҳламаганлар кетаверсин. Масалани ана шундай қўйганман. Мени анойи деб ўйлама!.. Ҳа, оғайни, бўш келадиган номард йўқ!

Акбар дўстига ифтихор билан тикилди.

— Хонасини топиб, конференция куни тоза чангал урдинг-да уларга, бизда бировни тергаш, заррача нуқсонини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатиш йўқ бўлиб кетган. Ҳамма бир-бирини ялайди. Аммо сен тоза бошладинг. Энди яқин-ўртада анча-мунчамиз ўзимизга келиб олишимиз қийинов. Омадинг бор одамсан-да. Ҳеч кимдан чўчимайсан. Марказдан келган, деган ҳурматингни қилиб, сендан ҳайиқишади. Бошқа одам бўлгандами...

Акбар гапида ҳақ эди. Шу чоққача айрим эгри ишларни оғизга олиб, бировнинг юзига солишга ҳадди сиғадиган топилмасди. Чунки

район ниҳоятда тенги йўқ, бенуқсон саналарди. Аслида ташидан шундай. Ичкарисига мўралашга эса ҳеч ким журъат қилолмасди, қизиқмасди ҳам. Устидан ялт-юлт қилиб, кўзингни қамаштиргани билан ичида нималар содир бўлаётгани ўзларигагина маълум эди, холос. Турган-битгани жумбоқдай. Кўз олдинда беқиёс мўъжизалар бунёд — баҳри дилингни очади, бари хамирдан қил суғургандай силлиққина битаверади. Энг муҳими ҳеч ким ҳеч нарсадан зориқмайди. Турмушидан нолимайди. Қўпол қилиб айтганда, қўйлар ҳам бут, бўрилар ҳам тўқ. Шундай экан, коса тўла сувни беҳуда чайқатишдан нима наф? Яхшиси мианг ўтмайдиган нарсаларга тумшугингни тикмаганинг, бош ҳам қотирмаганинг маъқул. Барибир кўп нарсаларга тушуниб етолмайсан, тушунмаганингдан кейин тушунтириб ҳам беролмайсан. Фақат фараз қилишинг мумкин. Оддий фараз эса кашфиёт эмас. Шунин бил-у, қўлингни ювиб, қўлтигинга уриб юравер. Аксинча панд ейсан. Ўзингга ўзинг ташвиш ортириб қўясан худди — бу ердагилар ана шундай тарзда фикрлар эди.

Хуллас, бу сирли оламнинг дарвозаси тақа-тақ берк эди. Уни биринчи бўлиб Расулжон очди. Очдию кўпларни танг қолдирди. Ўзи эса ҳайратдан ёқа ушлади.

— Менга кимнинг нонини есанг, шунинг ноғорасига ўйнашинг керак, дегандай шама қилиб кўришди, — ҳақиқатни яширгиси келмай гапирди Расулжон, — ё биз билан тинчгина ишлайсан ё...

— Туёғингни шиқирлатасан, дейишдими?

— Мен икковигаям кўнмаслигимни айтдим.

— Маладессан, оғайни, сен билан чинакамига фахрлансам арзийди.

— Бўлди, бас, гап майдалашди. Энг муҳими — иш бўлиши керак. Қолгани ўткинчи нарса. Ҳозир ҳаммасини макет билан танишишга қақриб келаман.

— Тўхта! Менинг бу ерда бўлишим хонасимас. Менсиз намоиш қилавер. Ҳалиги айтганингдай бизлар ҳам эл учун... қолаверса, сенинг топширигингни бажардик. Энди буёғи ўзингга ҳавола.

Акбар чиқиб кетишга отланди. Шу заҳоти унинг йўлини тўсиб Зайнабхон кириб қолди. Қизнинг рангида қон қолмаган, кўзлари қизарган, лаблари қалтираб, тили калимага келмасди.

— Расулжон ака... Расулжон Комилович... Ҳозиргина телефон қилишди. Жавҳар... Уни топишибди... Дарёдан топишибди.

— Тушунтириброқ гапиринг, — деди Расулжон қизга яқинроқ келиб. — Кимни топишибди? Ким телефон қилди?

— Жавҳар йўқолганди... Дарёдан топишибди.

Расулжон ҳам, Акбар ҳам тахта бўлиб қолди.

— Тирикми? — баробар савол беришди иккови.

— Йўқ, уч кундан бери... бугун топишибди... — дея хўнграб юборди қиз. — Мен айбдорман, мен!.. — у икки қўли билан бошини чангаллаганча хонадан югуриб чиқиб кетди.

## II

Расулжон билан Акбар етиб келишганда Қобил Комиловичнинг ҳовлиси одамга тўлиб кетган, биров йиғлар, биров бошини чайқаб оҳ урар, биров мудҳиш воқеанинг тафсилотини билишга уринар эди. Ичкаридан хотин-халажнинг дод-дарёд солиши, кимнингдир бўғилиб, уввос кўтариши эшитилар, Қобил Комиловичнинг ўзи эса айвон устунига дам-бадам бошини уриб, нола чекар эди. У гупписи устидан узун қора чопон кийиб, белига белбоғ боғлаб олган, бошида чувст дўппи. Юзи қоп-қорайиб, қари чол сингари букилиб қолган. Ўкириб йиғлар, нуқул: «Вой, мени доғда қолдириб кетган арслоним, болам!» дея аюҳаннос соларди.

Бевақт ва беҳуда нобуд бўлган марҳумни тупроққа қўйишди. Она



бечоранинг ҳуши гоҳ худ, гоҳ беҳуд бўлса, отасининг кўзларидан йиғи, тилидан оҳ-воҳ аримай қолган эди. Ногаҳон қисматига чирмашган оғир мусибат уни эзиб ташлади. Бир кечада рангини йўқотиб, қариб, башараси бужмайди-қолди. Ҳол сўрагани келганларга нуқул «арслонимдан айрилиб қолдим...» дея арз қилмоққа ошиқар, кўлидан дастрўмоли тушмас, дув-дув қуйилган ёшларини артиб, бошини сарак-сарак қилганича чекаётган изтиробини ҳеч кимдан яширмас, ўкириб йиғлашдан ўзини тия олмас эди...

## У Н Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

Ажиб, шаффоф ҳаво борлиққа дилни қитиқловчи аллақандай майинлик бахш этган. Одамлар уйда ўтиришдан кўра кўпроқ табиат қўйнида яйрашни истаб қолишган. Расулжон ҳам иложи борича омма билан бирга дала кезишга, қиш кунлари анча тўхтаб қолган талайгина ишларини қайта тиклашга, янгиларини эса бошлашга киришган.

Конференцияда сўзлаган нутқидан кейин оддий меҳнат аҳли ўртасида унинг обрўси яна ошган. Ўз қишлоқларининг эртанги куни ҳақидаги гаплар алоҳида катта қизиқиш уйғотган. Гурунглр тез-тез Акбарнинг лойиҳаси борасидаги баҳсларга улини кетарди. Гўзаллик яратишга интилиш, қуриш, курашга бўлган бўлган иштиёқнинг мустаҳкам томир отиши бошқача завқ берарди. Фақат айрим маъмурий ходимларгина бу «машмаша» устида бош қотиришдан ўзларини олиб қочаётганликлари сезилиб турарди. Райкомдагилар Расулжонни илгаригиндай тадбирларга таклиф қилмай қўйишди. Тасодифан учрашиб қолганларида ҳам совуқ муомалада бўлишар, совуқ кутиб олишар, лойиҳа масаласида эса оғиз очмасдилар.

Расулжон бу борада комиссия аъзоларидан бирон ижобий хулоса кутган эди. Негадир улар ҳам текширувдан қандай натижалар тўплаганларини ҳеч кимга билдирмай жўнаб қолдилар. Ҳамма ҳайрон. Оқибат шундай экан, дунёни остин-устун қилиб юборгудай ваҳима кўтариб, одамларни саросимага солишнинг нима ҳожати бор эди? Яна вазият бояги-боягидай ўз ҳолига тушди-қўйди. Улар ҳозирлигида ўзини бирмунча одамохун, олийқиммат қилиб кўрсатганлар энди қайтадан унча-мунчани менсимай, димоғ-финоғ билан барча кирди-корларини тутати чироқдай башараларига осиб юрибдилар. Собир Ниёзович эса вақти тифзлигини баҳона қилиб, макетга назар ташлаб қўйишни ҳам раво кўрмади. Ўрнига Иззат Мардонвични киритди.

Райкомнинг иккинчи котиби макет ётган столнинг у ёқ-бу ёғига ўтиб, кўз қирини ташлади-да, «якши тузибди», дейиш билан кифояланди.

— Макетимиз дидларига унча ёқмади шекилли, — деди Акбар унинг қандай тез кириб яна шунчалик чиқиб кетганини кўриб.

— Ё ёқди, ё ёқмади, — мужмал жавоб қилди Расулжон ҳам.

Шерали Ниёзович эса макетга ҳақиқий кўнгил кўзи билан қаради. Энг майда белгиларигача билишга қизиқиб, ярим соатдан кўпроқ стол ёнидан нари кетмади.

— Менга маъқул, — деди у ниҳоят, — аммо активларни йиғиб, кўрсатиб олиш керак. Кенгашли тўн тор келмас, дейдилар.

Ҳайдар Ғуломович ўз мулоҳазасини ўша активлар йиғинида айтишини билдирди.

— Маъқулни маъқул дейиш учун ҳам юрак керак! — хулоса чиқарди Расулжон, у чиқиб кетгач. — Эҳтиёткорликни қара-я. Ҳеч қанақа афзалликни тан олгиси келмайди бу айёр!..

— Янгиликка ишончсизлик билан қараш унинг асли маслағи-ку, билмасмидинг? — гап суқди Акбар.

«Бунақа одамлар билан ишлаш умрнинг эгови экан! — деб ўйлади Расулжон. — На бировга эн, на бировга энг бўлади!»

Шерали Ниёзовичгина ҳар ёқлама Расулжонни қўллаб, ҳимоясига олиш ҳаракатини қилар, далда бериб турар эди. Лекин вақти келганда

у ҳам райком раҳбарлари билан оралари бузилиб қолишидан чўчирди. Шунга қарамай, унга ишонса бўлади. У Чоркапа масаласидаги хатони тузатиш керак, деган фикрида ҳамон қатъий турибди-ку.

Атрофдан қор кетар-кетмас, тракторлар шовқин-сурон кўтариб, кўпчиб ётган ер бағрини тилкалаб, қудратли наъра тортиб, даладаштни уйғотади. Ҳайдалган ерлар қуёш селига беланди. Сурмаранг ариқ бўйларидан гиёҳ ҳиди анқиб қолди. Музлари эриб, тўлиб-тошган дарё тўлғанади. Қирлардан ирмоқларга айланиб оқиб тушаётган сув уни бир мунча кўтарган. Қалдирғочлар чийиллашиб, айвон шифтлари-га ин қуриш билан овора. Осмонда тўп-тўп булутлар сузади.

Фасллар келини баҳор ясан-тусанга зeb бериб, кундан кун оламни яшнатмоқда. Бутун мавжудот уйғониб, кўкламнинг нашву намосига ғарқ бўлиб, барқ урмоқда. Адирлар ям-яшил либос кийди, чечакларга бурканди.

Расулжон ўтган йилги ишларни жадал давом этдирар, Бойдада муаллимнинг олдига ҳам тез-тез бориб турар эди. Норжон кампир пиширган кўксомсадан тўйиб ер, чол-кампирнинг суҳбатларига қониб, узоқ-узоқ ўтиришни одат қилиб олган эди. Кўпинча ҳаётнинг аччиқ ва ширин саҳифаларини бирма-бир варақлашга тушиб кетишарди. Гап Чоркапага уланганда, Норжон кампир «менинг тракторимга ҳайкал қўйиш эсингиздан чиқмасин», дея тайинлашни қўймасди.

Қариганда бир-бирига суяниб қолган бу икки кексанинг чехрасига тикилиб туриб, Расулжон ҳам босиб ўтган йўллари-ни бус-бутун тасаввур қиларди. Шу чоққача кўрган-билганлари, ҳаётида юз берган воқеалар ҳали ҳеч нарсага арзимайдигандай, майда икир-чикирлардангина иборатдай туюлиб қоларди. Энг муҳими, энг аҳамиятлилари олдинда гўё. Шуларни ўйлаб, бутунлай янгича куч-ғайрат, бошқача иштиёқ билан ишга ёпишиб кетарди яна.

Ана шундай кунларнинг бирида республика миқёсида ҳаммани ўзига мафтун қилган ажойиб воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми иш бошлади. Пленум республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятларини қайд қилиш билан бирга хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликдаги жуда кўп камчиликларни партиявий принципиаллик асосида очиб ташлади. Жумладан, салбий ҳолатларга қарши курашиш ўрнига ҳар томонлама рағбатлантирилаётган район раҳбарлари қатори Собир Ниёзовичнинг номи ҳам эслаб ўтилди. «Демак, комиссиянинг текширув ишлари зое кетмаган экан», деб ўйлади Расулжон.

Пленумдан кейин жуда кўп хўжаликларда ишлар бошқача тус ола бошлади. Жойларда ҳам пленум устига пленум давом этиб, партия ва давлат интизоми бузилаётганлиги... енгил-елпи йўллар билан план тўлдиришлар... кадрларни ўз ўрнида фойдаланмаслик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишликларга йўл қўйишлар... ўз хизмат мавқеларидан нопок фойдаланишлар очиб ташланаверди. Кўп раҳбарлар ишдан олинди. Демак, Зарқўрғон районида ҳам ўзгаришлар бўлиши аниқ. Буни барча баробар ҳис қилиб, дилида туйиб турарди.

Шерали Назарович Расулжонни чақириб, навбатдан ташқари пленум бўлса, сўзга чиқиш мумкинлиги, тайёрланиб туришлигини тайинлади.

— Менинг бошқа гапирадиган гапим йўқ, — деди Расулжон, — ҳаммаси конференцияда айтилган.

Шерали Назарович унга диққат билан тикилди.

— Мен сизни таниёлмаяпман, азизим. Чарчаб қолдингизми ё? Орқага чекинмоқчимисиз? Чакки қиласиз. Муқаддимани яхши бошлагандингиз, хотимага келганда ўзингизни четга олмоқчимисиз?

— Мен ҳам сизни таниёлмаяпман, — ийманиброқ гапирди Расулжон.

— Қай жиҳатдан? Принциписиз бўлиб кўринган одамдан шунақа гап чиққанига ҳайрон бўляпсизми?

Расулжон шошиб қолди.

— Йўқ, Шерали Назарович, тушунмадингиз. Ҳеч қачон бунақа деб ўйламаганман. Менга доимо мурувватли, танти раҳбар сифатида ёқиб келгансиз. Лекин...

— Лекин бир оз шубҳаланардингиз, шундайми? — Расулжоннинг гапини бўлди раис. — Шуни билиб қўйингки, Расул Комилович, ҳар кимнинг ўз иш юритиш усули бор. Биров шартта олади, биров арқонни узун ташлаб қўяди. Келинг, ким қанақалигини аниқлаш фурсати эмас ҳозир. Ҳаммаси пайти келиб маълум бўлади. Сиз тайёрланинг. Сўзлар пишиқ, далилли бўлсин.

Расулжон ўйланиб, бош қашлаб турди.

— Билмадим... — деди ҳамон фикри чувалиб. — Ўтган сафар айрим йўл қўйилаётган камчиликларни таърифлашга ҳаракат қилгандим. Яна ўшалар қайтариқ бўлиб қолмасмикин?

Шерали Назарович қизиқсинди:

— Нимага ўтган гапларни такрорлашдан чўчияпсиз? — у Расулжон хижолатдан қизариб, ўзини оқлашга уринади, деб ўйлаганди. Расулжоннинг юзида эса қатъий бамайлихотирлик акс этди. Чимирилган қоншлари ёйилди. — Бўлган ишлар, нуқсонлар ҳақида эмас, — давом этди раис, — нуқсонларни бартараф қилиш чоралари, қилина-жак ишлар ҳақида мулоҳазаларни ўртага ташланг. Ҳа, шундай қилинг, азизим!

Расулжон раиснинг бошқа гапи қолмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, кабинетдан чиқиб кетди.

Орадан икки кунгина ўтиши билан навбатдан ташқари пленум чақирилишининг вақти-соати белгиланганлиги маълум бўлди. Обкомдан яна вакил келди.

Вакил унга шундай деди:

— Ҳақиқий коммунист сифатида холисанилло айтинг: бордию пленум қарорига биноан бирон бир ўзгариш бўлиб қолса, район партия комитетининг биринчи секретарлигига кимни тавсия қилардингиз?

Дабдурустдан бундай савол туғилиши Расулжонни довдиратиб қўйди. У ўрнидан қўзғалдию, аммо туриб кетмади. Хиёл олдинга энгашди.

— Нима... Шунақа мулоҳаза борми? — у Собир Ниёзович ишдан кетадиган бўлди, демоқчи эди, саволи бошқачароқ чиқди.

— Буни пленум ҳал қилади. Лекин эҳтиёти шарт номзоди устида бир фикрга келиб қўйсак, ёмон бўлмас.

Вакил шундай деди-ю, мийигида билинар-билинемас илжайиш билан Расулжонни кузатиб, гап кутди. Расулжон таажжубланди. «Нима учун ҳамма қолиб, менинг фикримга қизиқяпти?» дея ўйлади у. Миясига йиғилиб, қалашиб келаётган фамилияларнинг қайсинисини биринчи айтсам бўларкин, дегандай ўйланиб қолди.

— Тўсатдан бир нима дейишим қийин, — тан олди иккиланаётганини яширмай, — кўпдан ишлаб, тажриба орттирганлар бор... Масалан, Иззат Мардонович... Ҳайдар Ғуломович...

Вакил унинг муғамбирлик қилаётганини сизди.

— Мен сиздан жиддий сўраяпман! — деди у бир оз қизишиб. — Уларнинг номзодини обком тасдиқламаслигини мендан яхшироқ биласиз!

— Рост, тасдиқланмасликлари мумкин... Менга қолса, Шерали Назаровични лойиқ деб топардим.

Вакил кулди-да:

— Шерали Назаровичнинг ўзи сизнинг номзодингизни тавсия қилмоқчи, — деди.

Расулжон кутилмаган бу гаплардан сал бўлмаса эсанкираёзди. Нима деб жавоб беришини билмай довдиради. Бир-бирига ишқалай бошлаган қўлларига қаради. Бармоқлари ўрнида оқ доғлар бўртиб қолганди.

— Мен янги одамман бу ерда... тажрибам унчамас. Иккинчидан...

— Иккинчидан, виговорингиз бор, шундайми? Баъзан, виговорлар, шунақа, ҳалол хизматлар учун ҳам берилади. Ундай виговорни қадрлаш керак! — дея вакил қўлини стол узра чўзиб, унинг қўллари устига қўйди. — Бир ёмонликнинг бир яхшилиги бўлади, деб бежиз айтмайдилар, Расулжон Комилович, бунга ишонинг.

Кутилмаганда икковлари кулиб юборишди. Расулжон енгил тортгандай бўлди.


Расулжон уни кузатиб қўйди, қабулхонага чиққач, самимий қўл сиқишишди.

Зайнабхон чой дамлаб орқама-орқа кабинетга кирди. Расулжон хаёлга берилиб, унинг кирганини ҳам, ҳатто бир нафасдан кейин индамайгина яна чиқиб кетаётганини ҳам сезмади. Кўп ўтмай Зайнабхон яна кирди. Бу сафар узоқроқ туриб қолди. Расулжон унга савол назари билан қаради.

Расулжоннинг кўнгли чоғ эди. Оёқ чигилини ёзмоқчи бўлгандай у ёқ-бу ёққа юринди. Ойнадан баҳор қуёшининг илиқ нурлари ёғиларди. Расулжон дераза олдига келиб, ойнани очиб юборди. Салқин ва ёқимли ҳаво билан елиб кирган кўкламнинг ифорли иси хонани тўлдирди. Дераза очилган чоғ олча дарахтининг шода гулларга бурканган бир шохи салом бергандай силкина бошлади. Қаёқдандир келаётган жийда гулининг ҳиди димоғига урилди. Ташқарига боқди. Учи-кети кўринмас далалар, айна гулга кирган боғ-роғлар заррин шуълага бурканиб товланади, ярқирайди. Нур уфқини тилиб-тилкалаб юрган шабада эса зумраддек тоза майсалар бағрида сузади, эркалайди, кимнингдир шу тотли ҳаёт, шу гулга бурканган фараҳбахш олам, соф муҳаббат ҳақидаги қўшиғини учуриб келади. Расулжон янги баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб симира бошлади.

Қабулхонада телефон жиринглади. «Сайёра бўлса керак», деб ўйлади у ва трубкини кўтарди.

1982—1985 йиллар



Йўлдош Эшбек

## ЙЎЛЛАРИМИЗ БИР КУН ТУТАШАР

### Соғинч

Тушларимга кирар ҳар замон,  
Қамишдан най қилиб чалганим.  
Қўйлар боқиб тоғлар ортида,  
Бахтиёр-бахтиёр толганим.

Ва чўққидан кўринган шаҳар —  
Туманларнинг қўйнида сирли.  
Уйлар эдим: у ёқда яшар  
Одамлар бир-бирига меҳрли.

Фикрим тамом ўзгаргани йўқ,  
Мен — шаҳарда бахтли фуқаро.  
Дўстлар ҳам орттирдим умрлик,  
Олов, сел, турфа феъл, оқ, қора.

Гарчи доим бир эмас фикр,  
Гарчи доим ёнма-ён эмас,  
Лекин очиқ, тўғри сўз, шукр,  
Шукр, мақсад ҳар томон тортмас.

Йўлларимиз бир кун туташар,  
Балки яқин, балки йироқда.  
Тўсиқларни қиламиз ҳашар,  
Қўшиқларни куйлаб юракдан.

Камимиз йўқ яшашдан, бахтдан,  
Камимиз йўқ қайғу ғамдан ҳам.  
Макр отли баланд бир тахтдан  
Шукр, ёнлаб ўтолдик бардам.

Соғинганда, тўйхоналарни  
Бахт билан тўлдирамиз.  
Биз ўлдирсак бир-биримизни  
Бахт билан ўлдирамиз.

Ичимизда чироқ ёнади,  
Гоҳ қовоқлар солиқ бўлса ҳам.  
Блок айтган шоирлар каби  
Кўришмаймиз — қитмир, муттаҳам.

Гоҳ бахт учратса, гоҳ зорлик  
Меҳрга, қувончга, на чора.  
Гоҳ ғазаб, гоҳ шакаргуфторлик...  
Кўринмасдан тутунлар аро

Жавдираймиз бир-биримизга,  
Етим арслон болаларидай  
Недир етмас тақдиримизга,  
Бахтимизда нимадир камдай.

Тушларимга кирар ҳар замон,  
Қамишдан най қилиб чалганим.  
Қўйлар боқиб тоғлар ортида  
Бахтиёр-бахтиёр толганим.

Ва чўққидан кўринган шаҳар —  
Туманларнинг кўйнида сирли...

## Хабар

«Алпомиш» достонини ўқиб

Барчинойдан бир чопар келди,  
Хабар келди мушфиқ паридан,  
Йироқдаги мусофир Бекнинг  
Кўзлари тўрт муштипаридан.

Хабар келди — чайқалди сукут.  
Хабар келди — буюк ҳаяжон.  
Хабар келди — қўзғалди вужуд.  
Хабар келди — тўлғонди осмон.

Қирлар ортда қолди думалаб,  
Йўллар пастда қолди ўралиб.  
Қўлларини чўзди думалоқ  
Осмони бор Қўнғирот аҳли.

Тоғлари-да, боғлари-да, шан  
Тонглари-да туш кўрар ҳали.  
Қўлларини чўзди бепоён  
Замини бор Қўнғирот аҳли.

«Барчинойга қўйилган талаб  
Ҳақоратдир менинг элимга,  
Ғанимларнинг муроди маълум,  
Завқ тўймоқдир чашми селингдан.

Етиб борсам, қалмоқлар, билинг,  
Сизни қамаб-қамаб қирарман.  
Ўзинг менга мадад бўл, элим,  
Ғолиб бўлиб қайтиб келарман».

Билакларга сиғмайди ғайрат,  
Торлик қилар ғазабга қалби,



Отилмаган ўқмиди нафрат? —  
Қонларида тошади алпнинг.

Осмон етти букилур,  
Юлдузлар-да тўкилур,  
Бир оҳ урса Алпомиш  
Тоғлар лорс-лорс сўкилур.

«Йўл сол энди жуда баландга,  
Чиқар энди, тулпорим, қанот.  
Хуш қол энди, қонли аланга —  
Она шаҳрим! Аҳли Қўнғирот!»

Наъра тортди алп йигит биринчи бор,  
Булутларга найза бўлди Бойчибор,  
Атрофида шамол эсди ғув-ғув,  
Мард юракни босиб келди бир қўрқув.

«Наҳот энди Барчинойга кечиксам,  
Мусофир бу йўллар аро ичиксам,  
Бойчибор, ўқ бўл, қойил қилойин,  
Қалмоқларга бориб қирон солойин!»

Учар отнинг учқурлиги жуда ҳам оз кўринди,  
Қўрқув реза тер бўлди-ю, манглайда боз кўринди,  
Бу бир шундай қўрқувдирким, бу бир шундай хавотир.  
Бундан кўра шум йўлларда ўлгани соз кўринди...

## Товуш

Мени чақиргандай бўлади гоҳо,  
Йироқ-йироқлардан қандайдир товуш.  
Насиб этарми деб, абадий сафо,  
Уйлайман: қайтарми учиб кетган хуш?!

Руҳ сўнди, хуш учди, гоҳида беҳуш —  
Бўм-бўш кўнгил билан қолдим беишонч.  
Лекин йироқлардан ўша ҳур товуш  
Мени чорлаб турди — муқаддас қувонч!

Севгилим ишончсиз боққан дамлар ҳам,  
Дўстларим алдаган ғуссали пайтлар,  
Йироқ-йироқлардан у товуш бардам  
Чорлаб турди — сўзсиз шоҳона байтлар.

Поезд чинқириғи... турна овози...  
Гоҳ най мусиқаси... ингичка, узун.  
У товуш келади қанотин ёзиб,  
Чорлайди, бағрига босмоқлик учун.

Энг яқин жигардай мадад бўлар у,  
Энг яқин дўст каби ҳамдард бўлар у,  
Энг қийин пайтларда онадай мушфиқ,  
Боланинг меҳридай шафқат бўлар у.

У товуш — даъватинг, қудрат бахш этган,  
Мен етиб келурман қайда бўлсам ҳам.  
Сен чорлар экансан, демак, керакман,  
Эй Ватан — жигарим, онам ва болам!



# Дўстим Тождиддинга

Халқ оҳангида

Вахшивордан — баланд тоғлардан  
Нариларда менинг дўстим бор.  
Овоз келар кўп йироқлардан:  
«Қисинмагин, жўра, ўзим бор!»

Жонимга жон берар бир одам,  
Ўйларимни севар бир одам,  
Мен бахтлиман, кўп бахтиёрман,  
Буни айтмай келар бир одам.

Мени излаб толган жўрам, ҳей!  
Дардларимни олган жўрам, ҳей!  
Омонмисан, ҳур эртақлардан  
Ерга тушиб қолган жўрам, ҳей!

Мен чарчоқнинг қўлидан тутдим,  
Нуротадан, Ҳисордан ўтдим.  
Йўлларимда малҳамлар бўлсин,  
Кўп ёмғирдан, кўп қордан ўтдим.

Ўкириб бу тоғлар бағрида,  
Хатарлардан сени сўрадим.  
Мен сўрадим йиллар қаъридан,  
Сафарлардан сени сўрадим.

Зоҳир насимлардан, Ҳайдардан,  
Шарафдан — қайтмасдан изладим.  
Сени дарагингни айтардан,  
Ҳаттоки айтмасдан изладим.

Гоҳо етди бу бошим осмонларга,  
Гоҳ ерда қисилиб ҳаво истадим.  
Овозимни қўйиб биёбонларда,  
Мен наво истадим.  
Наво истадим —  
Бу далли дилимга даво истадим.

Сен у ёқдан,  
Мен бу ёқдан,  
Баб-баробар ё, дедик.  
Биз отландик кўришмасдан  
Бўлмайлик адо, дедик.

Ўтиб кетмас бир пушмондан орландим,  
Зорланмадим — мен душмандан орландим.  
Атрофимда суюнчларим кўп эди,  
Вафо сўраб қошларига бормадим.

Умид билан дасторимни ўрайман,<sup>1</sup>  
Мен сўрасам сендай дўстан сўрайман.  
Тахт одамга қачон вафо қилибди?  
Бир сўзлиллар иқболини кўрай ман.



<sup>1</sup> Халқ оғзаки ижодидан — умид билан йўл тараддудини кўраман, деган маънода.




Фалак тишларини ҳар дам қайрарми,  
Қўлларинг шамоли булут ҳайдарми,  
Вахшивору Боботоғдир белбоғинг,  
Пешонангда юлдузларми, байтларми?!

Дўст изладим, дўст изладим,  
Дўст изладим —  
Насибамга яна ризқу  
Рўз изладим,  
Иқболимга янги сўзу  
Кўз изладим —  
Дўст изладим, дўст изладим,  
Дўст изладим!

Мен чарчоқнинг кўлидан тутдим,  
Нуротадан, Ҳисордан ўтдим,  
Йўлларимга малҳамлар бўлсин,  
Кўп ёмғирдан, кўп қордан ўтдим.

Вахшивордан — баланд тоғлардан  
Нариларда менинг дўстим бор.  
Овоз келар кўп йироқлардан:  
«Қисинмагин, жўра, ўзим бор!»



## УСТОЗЛАР ҲГИТЛАРИ

Санъаткор — ўз мамлакати, ўз синфининг сезги аъзоси, унинг қулоғи, кўзи ва юрагидир. У — ўз даврининг овози.

М. Горький

Агар... ёзувчининг идроки ҳамма нарсаларни қамраб оладиган бўлса, агар улар ҳаётнинг фақат айрим ҳодисаларинигина эмас, балки унинг бутун мунтазам оқими билан очиб берсалар, агар улар ҳодисаларнинг фақат ташқи томонларигагина эмас, балки бу ҳодисаларнинг ички алоқадорлиги ва изчиллигига ҳам сезгирлик билан қарасалар, у вақтда бундай ёзувчилар ажойиб санъаткор бўлиб қоладилар.


Н. А. Добролюбов

Ёзувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асп ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир.

А. Қодирий

Ўз даврининг энг олдинги идеялари савиясида турмасдан, уларни чуқур англамасдан ва ҳатто шу идеяларни асословчи ва бойитувчи бўлмасдан туриб, ёзувчининг ўз асрига лойиқ асарлар бериши ҳеч бир мумкин эмас.

Ҳ. Олимжон



Абдугани Абдувалиев

# АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Сатирик қисса

1

Фирвоннинг қоқ марказидаги магазин олдида шалоғи чиққан «Москвич» тўхтади. Ундан чуст дўпписини чаккасига қўндириб олган чапанинамо йигит чиқиб, атрофга назар ташлади. Шу туришида у катагидан эндигина чиққан хўрозга ўхшарди. «Хўроз» эшикни қарс этиб, ёпган эди, яхши ёпилмади. Кейин келиштириб бир тепди-да, магазинга кириб кетди. Зум ўтмай, шимининг устидан оқ яктагини тушириб олган, лўмбиллаган, чўққисоқол киши эски велосипедини «ғийқ-ғийқ» этказиб келди-да, у ҳам магазин олдида тўхтади. Рулга илинган чармхалтани олиб, велосипедни «Москвич»нинг нақ пешонасига тираб қўйди. Сўнг билинар-билинимас оқсоқланганича магазинга кириб кетди...

Орадан бир оз ўтгач, катта кўчада «хўроз»нинг шанғиллаган овози эшитилди:

— Ҳо-й, велосипед кимники? Борми эгаси?

Йигит бу саволни икки-уч қайтарди. Одамлар елка қисишиб бир-бирларига қарашарди. Ниҳоят, чармхалта кўтарган соқолли киши магазиндан чиқиб, бамайлихотир велосипедга яқинлашди.

— Велосипед сизникими?

— Нимаиди?

— Қалла ишлайдими? Велосипедни тираб қўйгани бошқа жой қуриб кетганми?

— Машинангизнинг бирон ери ейилиб қоптими?— деди соқолли киши машинанинг уёқ-буёғига назар ташлаб.

— Гап ейилиб қолишда эмас, дедом!<sup>1</sup> деди йигит тутакиб.— Менга йўл керак, йўлимни тўсманг!

— Ўзингиз ёш экансиз, жа бунақа тезоблик қилманг, ука. Сизга йўл керакми? Қани, велосипедни олинг-чи... Ҳа, баракалла, ана энди, мана бу дарахтга суяб қўйинг,— Йигит велосипедни машинанинг шундоққина биқинида турган теракка тираб қўйди.— Ана, олам гулистон. Шунга ота гўри қозихонами? Ўзингиз бамаъни йигитга ўхшайсиз.

— Сиз ҳам дедом тенги киши экансиз. Бўлмаса иштароп олардим. Бу машина янги хўжайиннинг машинаси. Сир-пири кўчиб кетса, ким жавоб беради, дедом?

— Мендан сизга насиҳат: ўзингиздан катта одамга ҳеч ўдағайлаб, томдан тараша тушгандек гапирманг. Аввало, ассалому алайкум, денг. Салом — радди бало. Саломи бор кишини фалокат четлаб ўтади. Қўполлик қилсангиз, қизариб қоласиз. Эҳтимол, мен янги хўжайинингизнинг дадасидурман.

<sup>1</sup> «Отам» демоқчи (шева).

— Йўғ-е,— деди йигит қушқараш қилиб. У яна хўрозга ўхшаб кетди.— Сиз яхши одам экансиз. Биззи хўжайин одамдан бўлмаган, зоти бошқа, дедом.

— Ҳа, энди омади гапни айтдим-да, хўроз.

Йигит машинага ўтириб газни босувди — ўт олмади. Эшикдан калласини чиқариб илтижо қилди.

— Дедом, илтимос, жичча итариб юборинг!

Соқолли киши, яна бир-икки одам елка тираб машинани суришди. Машина кўксовга ўхшаб «йўталиб-йўталиб», силтаниб-силтаниб ўт олган, аччиқ тутун чиқарди.

— Раҳма-ат!— деди йигит.

— Шошма-анг!— деди соқолли киши.— Шу томонга кетасизми?

Йигит «ҳа» дегандек бош силкиди. Соқолли киши велосипеднинг рулидан чармхалтани олиб келиб йигитга топширди:

— Ҳов, нариги муюлишгача обориб беринг. Юзлик мих олгандим. Велосипед анча эзилиб қолган. Болта тушгунча кунда дам олибди. Нариги муюлишда, жинкўчанинг оғзида қурутчи чол бор. Ушанга бериб: «Уста Холмирзаники, ўзи ҳозир орқада келяпти», денг.

— Э, қойил,— деди йигит калласини қийшайтириб. Тириллаб машина, унинг кетидан ғийқиллаб велосипед йўлга тушди...

— Ҳа, Холмирза ғирвон, шайтонаравани қачон машинага алмаштирасиз, яғири чиқиб кетибди-ку?— деди қурутчи чол уста Холмирза яқинлашганда.

— Велосипед — физкультура. Қонингиз айланиб туради,— деди Холмирза ғирвон велосипеднинг «шохи»дан тутиб.— Машинада кўп юраверсангиз, ДРКга аъзо бўлиб қоласиз.

Наманганининг қўлтиғида Ғирвон деган ажойиб сўлим бир қишлоқ бор. Одамлари миришкор, ҳалол, ҳамиятли ва... нима десам экан, ҳаддан ташқари содда. Содда бўлганда ҳам унча-мунча соддалардан эмас, ғирт содда, десам тўғри бўлмас, ўта содда дейиш ҳам қифоя қилмайди. Яхшиси, «сапсем» содда, деганим маъқул.

Ғирвонликларнинг соддалиги жаҳонга машҳур Ғаброво аҳолисини бир чўқишда қочиради, десам хато бўлмайди.

Ғирвонликлар тўғрисида юзлаб латифалар тўқилган. Бу латифалар ҳамон оғиздан-оғизга кўчиб давраларда хандон кулгиларга сабаб бўляпти.

Негадир ғирвонликлар лайлакни кўришмаган экан. Тасодифан Ғирвоннинг қоқ ўртасидаги азамат теракка бир лайлак кўнади. Қишлоқдагилар бу қуш осмондан — арши аълодан тушди, худо шу бўлса керак, деб ўйлашади. Тезаги оқлигидан худо қатиқ ичар экан, бир хурмача қатиқ опчиқиб ичирайлик, деган маслаҳат ўртага тушади. Теракка қатиқ олиб чиқадиган одамга, эҳтиёт бўл, худо ғазаб қилса, ишинг чатоқ бўлмасин, шунинг учун белингга арқон бойлаб чиқасан, арқоннинг бир учини биз ушлаб турамыз, агар ғазаб қилса, арқонни тортиб ерга тушириб оламиз, дейишади.

Шундай қилиб, ғирвонлик белига арқон бойлаб, хурмача қулоғига бойланган ипни тишлаб теракка тирмашади. У энди етай деганда чўчиган лайлак қанотларини силкитиб, томоғини тақиллатади. Худонинг ғазаби келди, деб ўйлаган қишлоқдагилар бор қучлари билан арқонни тортишади. Бечора ғирвонлик пастга қулайди, боши терак айрисига илиниб узилиб қолади. Ерда ётган ғирвонликнинг калласи йўқ эмиш.

— Боя теракка чиқаётганда калласи бормиди!

— Билмадим, эътибор бермаган эканман.

— Менимча, калласи йўқ эди. Бор бўлса кўрардим.

Ҳамма хайрон, ўртада турган Ғирвон ҳокимидан бир маслаҳат чиқибди.

— Уйига бориб хотинидан сўрайлик. Эрталаб кўчага чиқиб кетаётганда калласи бормиди, деб сўраймиз.

Ҳаммалари бошлашиб ғирвонликнинг уйига бориб хотинини чақиритишти.

— Аба, кўчага чиқиб кетаётганда эрингизнинг калласи бормиди!

— Яхши қарамаган эканман, ўргилайлар. Лекин эрталаб нос отаётганларида соқоллари қимирлаётган эди,— деб жавоб қипти ғирвонликнинг хотини.

Лайлакни худо деган ғирвонликлар, матали ўшандан қолган.

Бир киши Наманган бозорида эшагидан тушмай туриб тандир харид қилади. Уста ҳўл тандирни унинг бошига кийдириб қўяди. Тандир ичида йўл кўринмай-

— Нима у, ДРК?

— Думба ремонт касалхонаси. Жисмоний меҳнат қилмай, қурут сотиб ўтираверсангиз, ўша касалхонага албатта тушасиз. У ердан чиққандан кейин, қурут қилиш у ёқда турсин, сузма қилишга ҳам ярамай қоласиз.

— Дўхтир бўб кетинг-ей,— бужмайган афтини баттар тириштирди қурутчи чол.— Хўш, қурут-пурут оласизми? Нима хизмат бор?

— Сумкани беринг.

— Қанақа сумка?— айёрона кўз қисди қурутчи чол.

— Ҳазиллашманг, миҳ солинган сумкани. Бўла қолинг.

— Одам қуриб кетгандек сиз билан ҳазиллашаманми? Ҳа, кимга берувдингиз?

— Келинг, жаҳлимни чиқарманг. Ишим кўп.

— Ҳо-о, жаҳлингиз ҳам борми?.. Мабодо, сумкангизни топиб берсам, тўрт дона миҳингиздан берасизми?— сўради қурутчи чол ва жавоб кутмай ёнбошида турган қопни кўтариб, унинг остидаги чармхалтадан тўрт дона миҳ олди. Кейин ўзи суялиб ўтирган юпқа тахтага ишора қилди.— Қачондан бери иккита миҳ билан шуни маҳкамлаб қўяман дейман, юзлик миҳ топилмайди.

— Қурутга алебастр қўшмаганмисиз?— деди Холмирза ғирвон энгашиб тўртта қурут оларкан.

— Бу, Ангренинг қурути. Ҳмм,— деди чол пастки лабини чўччайтириб.— Оғзингизда эриб кетади.

— Э, ҳа-й. Буни уйда келинчак билан анализ қилиб кўрамиз,— деди Холмирза ғирвон ва чармхалтани рулга илиб, велосипедни етаклаганча оқсоқланиб уйига равона бўлди.

ди. Шунда у: «Эшагимнинг бошини Ғирвонга тўғрилаб қўйинглар», деб илтимос қилади. Шундай қилишади. Шу одам бир ҳафта тандир кийиб бутун Фарғона водийсини айланади. Тўхтаган жойида, Ғирвонга келдимми, деб сўрайди. Йўқ, бу ер Андижон ёки Фарғона, деб жавоб беришади. Ундай бўлса, эшагимнинг бошини Ғирвонга тўғрилаб қўйинглар, деб сўрайди. Хуллас, у ҳўл тандир қуригунча шу аллозда юртма-юрт сарсон бўлади.

Бировнинг ёлгон гапига лаққа ишонадиган одамни, бу ҳам ҳўл тандир кийганлардан, деган гап ҳам ўша ғирвонликлардан қолган.

Устоз ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳам «Ғирвонлик Маллавой ака» очеркида бу ажойиб халқнинг беғубор соддалигини жуда чиройли тасвирлаб берган эди. Ғафур Ғулом ғирвонликлар тўғрисида сон-саноксиз латифалар биларди. Абдулла Қаҳҳор ҳам ҳар гал Наманганга борганда, албатта Ғирвон томонга ўтиб чойхонадами ва ё бирон гурунгдами улар билан эзлиб гаплашиб, хуморини ёзарди.

— Ғирвонликлар фариштага ўхшаган беғубор, беғуноҳ, жуда тоза одамлар. Улар билан пича суҳбатлашсанг, сен ҳам ғуборлардан тозаланаётганга ўхшайсан,— дерди Абдулла ака.

Ғирвонда ажойиб пахта усталари яшаган. Уларнинг кўп тажрибалари пахтачиликда муҳим ўрин эгаллаган.

Афсус, ғирвонликлар тўғрисидаги латифалар жамланмаган. Ҳозирги ғирвонликлар бошқача. Ота-боболарининг ажойиб беғубор соддаликларини унутиб юборишпти. Академиямизнинг тил-адабиёт институти фольклоримизнинг ажойиб намуналари бўлмиш бу латифаларни жамлашга киришса ёмон бўлмасди.

Наманганлик талантли ёш ҳажвчи Абдуғани Абдувалиев ғирвонликлар портретини чизишга интилибди. Бу жуда хайрли иш.

Адабиётимизга кўпдан кутганимиз — ғирвонлик образи қисман бўлса ҳам кириб келди.

Абдуғани Абдувалиев талантли, ўсадиган ёзувчи. Биз унинг бу мавзунини изчил давом эттиришини истаймиз. Қўл остидаги, кўзининг тўғрисидаги бу мавзуда қалам тебратиш унга ҳар жиҳатдан қулай.

«Ассалому алайкум» қиссаси равон ўқилади. Уқиб туриб пок одам билан рўбарў келганингиздан дилингиз ёришиб кетади.

Абдуғанига ижодий омад тилайман.

Саид АҲМАД

Субҳи содиқ. Йўғон шотутга маташтириб қўйилган қўлбола скамейкада Холмирза ғирвон мудраб, хаёл суриб ўтирибди. Енида чармхалтаси. Халтадан тешами, андавами, ниманингдир дастаси туртиб чиқиб турибди. Шаҳарда машҳур лойкаш деб ном чиқарган бир киши ҳозиргина ғирвонликлар ҳақида латифа айтиб уста Холмирзанинг энсасини қотирди. Шу сабабли, у юзини четга буриб ўзини мудраганга солиб олган. Аслида чуқур мулоҳаза юритаётир: «Тавба. Намангонга биринчи поезд келганида ота-боболаримиз «очиқиб, чарчаб келган» деб, аравада беда олиб чиқишган эмиш. Поезд ҳайвонмидики, беда олиб чиқишади?.. Сув олиб чиқиш керак эди. Поезд оташ билан юради. Ўтхонаси қизиб кетади... Оталаримиз ҳам жа-а содда бўлишган экан-да. Полизга кириб кетган ҳўкизни, экинни пайҳонламасин деб, оёғидан боғлаб аравага судратиб чиқишибди. Ҳа, кўтарма краннинг тумшугини шундай полизга туширса, ҳўкизни бир четга олади-қўяди, вассалом. Ҳе, тавба, содда одамлар экан-да...»

— Қани, ҳў-в, тарқалинглари-чи!

Форма кийган ёшгина йигит шундай дея бозор оралаган эди, ҳамма чекка-чеккага ўта бошлади. Холмирза ғирвон ҳам аста жойидан қўзғалди. Диққат бўлди. Ҳой, нега одамларни ҳайдайди? Устачилик қилгани келганлар текинхўр эмас-ку? Усталик, хунар ҳақиқий эркак кишининг иши-ку?.. Кеча ўғли ҳам хуноб қилди.

— Пенсияга чиққан бўлсангиз, ҳеч нарсадан камчилик сезмасангиз, нима қиласиз ишлаб?— деди куюниб ўғил.— Мазза қилиб ётмайсизми? Ахир мен номус қиламан.

Уста Холмирзанинг жаҳли чиқди:

— Фарлик номус, ўғирлик номус! Устачилик қилиш номус эмас!.. Бировнинг девори нураган, томига лой босиш керак, гувала зарур, ҳа, биров чуқур кавлатади, обрез қилади, дераза ўрнатади, эшиги тоб ташлаб қолган — рандалатади. Бировга товуқ катак, қўйхона, ертўла лозим. Ўзбекнинг нимаси кўп — мана шунақа шикастрехи кўп. Бир кун отдихдан фойдаланиб шуларни қилволай, дейди. Кўзи яйнаб туради. Хўш, буларни ким қилиб беради? Қўлимда гулдек хунарим бўлса, ётаманми уйда? Дам олиш кунни айланиб чиқаман. Бирон бева-бечорага ёрдамим тегиб қолса — хурсанд бўламан. Кечқурунги овқатимни яйраб ейман.

— Билганингизни қилинг,— дея ўғил тўнғиллади.— Шунча йил чангга беланиб ремонт бригадасида ишладингиз, энди дам олиб ётинг, дедим-да.

— Номус қиламан дема, яккатуғма бўлсанг ҳам, адабингни бериб қўяман, бола.

Шу билан гап тамом бўлди. Устанинг ёлғиз ўғли Ҳайдарали қайтиб бу ҳақда оғиз очмади...

Милиционер бозордагиларни «тарқал-тарқал» деб пўписа қилиб ўтиб кетгач, тош тушиб ўрнига қайтган ҳовузнинг сувидек яна ҳамма ўз ўрнини олди. Уста Холмирза ҳам жойига келиб, шотутга суянди. Кейин бундан ўттиз йил аввалги Ғози милисани эслади. Ғози милиса гузарга чиқиши билан новвойлар тирақайлаб қочишарди. Биронтасини ушлаб олса, саватдаги нонларни бурдалаб ташларди. Седана сепилган нонлардан қаймоқнинг таъми келарди... Ҳозирги милисалар унақа эмас, ҳақорат қилмайди, ётиғи билан тушунтиради. Иннайкейин, ҳозирги одамлар ҳам гўл эмас-да. Нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини яхши билишади...

— Қанақа хунарлари бор, дедом?— деди кимдир устанинг хаёлини бўлиб. Уста бошини кўтариб, қушқараш қилиб турган йигитни танигандай бўлди.

— Нима хизмат бор, хўроз?

— Сувоқ-пувоқ қўлдан келадими?

— Мен сизга ўтган куниям айтдим: бировга аввал салом беринг, томдан тараша тушгандек гапирманг, деб.

— Э-э, қўлни бериб қўйинг, дедом. Ўзларими? Ассалому алайкум, бомисиз-омонмисиз?— Йигит тилини чучукроқ қилиб сўзларкан, устанинг

кафтини олиб пешонасига суртди.— Ҳой, сумкани олдингизми? Бир кўнглим, шартта олиб кетвораверай дедим. Кейин ўйлаб, ке, бу одам, раҳматли учинчи отамга ўхшар экан, дили оғриб қолмасин, деб қурутчи чолга бериб кетдим.

— Учинчи отам, деганингизга тушунолмадим, хўроз?

— Ҳозирги отамиз — тўртинчи отамиз. Шу, онамиз кимга турмушга чиқсалар, ўлиб қолаверади. Учинчи отамиз худди сизга ўхшаган дўмбоққина, чўққисоқол киши эдилар.

— Тавба,— деб қўйди Холмирза ғирвон иягини силаб. Кейин йигитга юзланди.— Нима хизматингиз бор эди?

«Хўш-ш» деб ўйлашиб қолди йигит. Хотинининг кечқурунги гапи лип этиб ёдидан ўтди. «Девор шўрлашиб кетибди, Асадулла ака,— деди хотини.— Сиз ҳам одам бўлиб уйга бир қаранг. Эртага дам олиш кунни, биронта уста топиб келиб, суватиб қўйинг».

— Бўлмаса, сен нафақа пулингдан менга ўн беш сўм бергин-да, эрталаб болаларингни олиб онангникига кетавер,— деди Асадулла.— Шомроқда қайтарсизлар, унгача деворни ойнадек қилиб қўяман...

— Хўш-ш, тиш бутунми?— сўради Асадулла устадан.

— Тишни эмас, ишни сўранг,— деди Холмирза ғирвон.— Ҳали, неча кило ёғ қилади деб, биқинимниям ушлаб кўрарсиз.

— Оббо, дедом-ей, иш оғирроқ эди, бунинг устига, хамир овқат ейсизми, мошликми — сўраб қўяй дегандим. Дарров тегиб кетдимми?

— Соқолга ишонманг, хўроз, ҳали қувват бор, шукр.

— Девор суваймиз...

— Лойкаш борми?

— Тупроққа сувни қўйсақ лой-да. Мен савдолашиб ўтирмайман.

Инсофли киши эканлигингиз шундоққина юзингиздан билиниб турибди. Қани, кетдик, дедом.

Асадулла йўл-йўлакай жавраб кетди:

— Абомуслимни ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Рустами дostonни-чи?

— Йўқ.

— «Бобби» деган кинони кўрдингизми?

— Йўқ.

— Газета ўқийсизми?

— Кўз ўтмайди.

— Эҳ аттанг,— деди Асадулла дўпписини тарс этиб кафтига ураркан.— Ҳай, майли, мен ҳам газета ўқимайман. Лекин элдан қолмай деб почтальонга тайинлаб қўйганман: «Қўни-қўшнилardan битта-яримта газета ортиб қолса, бизникига ташлаб кетаверинг», деганман. Ҳар тугул ташлаб турибди. Аммо «Время»ни бирон кун қолдирмайман. Менинг газетам — «Время»...

Асадулла косовга ўхшаган, чапдаст йигит бўлгани учун зипиллаб жавраганча тезлаб кетар, уста ҳаллослаганча унга етиб олишга ҳаракат қиларди. Ахир сабри чидамади:

— Ҳали узоқми борадиган жойимиз, хўроз?

— Ҳозир, мана троллейбусга чиқиб оламиз, дедом.

Асадулла троллейбусга чиқишганда ёнидан беш-ўнта тешилган талон олиб иккитасини устага берди.

— Мабодо билет текширса, манави биттасини берасиз. Иккинчиси эса, сизга — запасга. Кечқурун уйга кетаётганингизда керак бўлади.

Холмирза ғирвон тешик талонларнинг уёқ-буёғини айлантириб кўргач, бўзранг кителининг чап чўнтагига «суф» деб солиб қўйди...

— Сиз лой қилиб берасиз, мен сувайман,— деди уста уйга етиб келишгач.

— Сувни ташиб, бераману, лойга тушолмайман. Оёғимда бодим бор,— деди инқиллаб Асадулла.

Уста ноилож қўлига кетмон олди. Асадулла шланганинг бир учини водопровод жўмрагига улаб, иккинчи учини лойхандаққа ташлаб қўйди.

Уста иштонининг почасини ҳимариб хандакка тушди, тупроқни ийлай бошлади. Асадулла остига иккита ғишт қўйиб унинг рўпарасига ўтирди-да, сигарет тутатганича, устани гапга солди:

— Ҳовли ўша, Ғирвондами?

— Ҳа.

— Сизлар шаҳарга қарайсизларми, районга?

— Шаҳар кенгайиб ўнг томонимиз ҳам шаҳар, чап томонимиз ҳам шаҳар бўлиб кетди. Биз ўртада сўппайиб қолдик. Райондагилар «далага чиқ» деса, «шаҳарга қараймиз» деймиз, шаҳардагилар «суғурта тўла» деса, «районга қараймиз» деймиз. Водопроводнинг пулини шаҳарга, электрнинг пулини қишлоққа тўлаймиз.

— Сизларга мазза экан, — деди Асадулла.

— Нимаси мазза? — деди уста пешонасидаги терни сидириб. — Касал бўлиб қолсангиз тумшуғингизнинг тагидаги банниса қолиб, ўн беш чақирим наридаги баннисага олиб кетади.

— Сизларники жиннихонага яқинми?

— Жиннихона деманг, ука, нервиний касалхона денг, — хафа бўлди Холмирза ғирвон.

— Ўша касалхонанинг бош врачига ишим тушиб бир пайтлар борувдим, — дея Асадулла кулимсираб гап бошлади. — Ёзда бошқа шаҳарларга бир-бир помидор обориб-келадиган одатим бор. Жинни деган биронта справка олволай, ҳеч ким ушламайди, деб шу главврачни қидириб, касалхонанинг ҳовлисида аланглаб турсам, бир касал ёнимга келиб: «Сизга ким керак?» деди. «Главврач керак», дедим. «Чиқинг!» деди ҳалиги одам. Ҳайрон бўлиб турувдим, «Чиқинг!» деди яна кифтини кўрсатиб. Ажабланиб орқа томонига ўтдим. У қўллари билан худди руль тутгандек қилиб «Дир-рр, ванг-г» деди-да, икки қадам юриб: «Тушинг! Ана главврач, чўзинг уч сўм!» деди. Шундоқ қарасам, рўпарамда «Бош врач» деган ёзув турибди. Бош врачнинг қабулида ҳалиги кимсанинг қилиғини айтсам, бош врач: «Хафа бўлманг, у одам аввал таксист эди», деди. Ҳа-ҳа-ҳа...

— Кулманг, ука, телба ҳам одамдан бўлади. Ҳали ўла-ўлгунимизча нима бўлишимизни ҳеч ким билмайди. Қани, менга лойни зувала қилиб бериб туринг...

Асадулла лойни узатиб турди, уста андава билан деворни ойнадек қилиб сувай кетди. Соат ўн икки, бир, икки бўлди. Кун тиғизга келди. Уста Холмирза дам-бадам тўхтаб, пешонасини артиб, ошхона тарафга қараб-қараб қўяди.

— Мен бир оз нафасимни ростлаб олай, — деди уста ва салқинга ўтиб чордана қурди. Асадулла унинг рўпарасига ўтирди-да, башарасига қараб туриб сўради:

— Бу, овқат-повқат келармикан?

— И-йи-и, — дея анграйиб қолди уста. — Ҳа, овқатнинг қачон келишини ўйнинг эгаси бўла туриб сиз билмасангиз, мен қаердан биламан?

— Уф-ф, — деди Асадулла хомуш тортиб. — Мен ҳам сизга ўхшаган устаман аслида. Бу ҳовлининг эгаси — ҳеч кими йўқ бечора бир кампир. Кечқурун бизникага чиқиб: «Ўғлим, ўзингга ўхшаган биронта инсофли уста топиб деворимни сувайтиб берсанг, дуои жонларингни қилардим», деб ялиниб қолди. Яқинда қизи туққан экан, ўзи ўша ёққа кетди.

— Товба, — деди уста пайпаслаб ёнидан носқовоғини оларкан.

— Бўлмаса бундай қилсак, — деди Асадулла устага мўлтираб. — Бир сўм берсангиз. Мен ғир этиб гузарга чиқиб, иккита юмшоқ нон билан озгина узум олиб келсам. Унгача сиз у ёқ-бу ёқни қиртишлаб бир оз лой қилиб қўйсангиз. Қалай?

— Товба, — деди яна уста пешонасини ишқалаб. Кейин чўнтагидан бир сўм чиқарди...

Асадулла нон билан узумдан бир танга орттириб қолди. Мазза қилиб бир кружка пиво симирди. У уйга келганда Холмирза ғирвон лойни ивитиб қўйиб, ўзи дарахтга суянганча мудраб ўтирарди. Нон билан узумга баравар ташланишди. Пиво қурғур Асадулланинг ошқозонини ялаб кетган



эканми, уста оғзига икки дона узум олиб боргунча у тўрт дона ташлаб турди...

Намозгарда деворни суваб бўлишди. Уста оёғини юваркан, Асадулла унинг панжалари йўқлигини кўриб қолди.

— Бу, оёқнинг панжалари қани, дедом?

— Фашист ғажиб кетган, — деди уста кавушини кийиб.

— Герой экансиз-да, маладес.

Уста индамади. У бет-қўлини артиб, кийимини алмаштираётганда Асадулла деди:

— Бу, кампир келмади. Анави қўшнилардан суриштирай-чи, пул-мул ташлаб кетганмикан?

— Яхши бўларди, — деди уста севиниб.

Асадулла кўчага чиқиб қўйнидан хотини берган ўн беш сўмни чиқариб, бир сўмини дарров олиб қўйди-да, шошиб кирди.

— Аҳа, айтганимдек, капир бечора манави ён қўшнига ўн тўрт сўм ташлаб кетибди.

— Ҳа, майли, — деди уста. — Ёлғиз кампир экан...

— Мен ҳам шуни ўйладим, — деди Асадулла бақрайиб. — Бўлмаса мен йигирма сўмга ишлайдиган уста эдим. Ахир одамга савоб ҳам керак-ку.

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам бу дунёда савоб учун юрибмиз, — деди уста Холмирза кўлидаги пулга қараб. — Энди бундоқ қилсак. Агар хафа бўлмасангиз, шу ўн тўрт сўмнинг олти сўмини сизга берсаму саккизини мен олсам, ҳали абадга ҳам бир сўм бердим.

— Майли, мен рози, — дея шоша-пиша қўл чўзди Асадулла.

Икковлари кўчага чиқишди. Муюлишга етганда уста сўраб қолди:

— Сизники қаерда?

— Бизники... мана шу Галақозон томонда, нариги кўчада, ҳалиги кампирниқига боғимизнинг тўридан тешик бор...

— Отингиз нима, ука?

— Асадуллахон.

— Яхши. Мана танишиб олдик. Кўришиб турайлик. Мабодо керак бўлиб қолсам, Ғирвонга бориб, баннисадан ўтиб, кунботарга қараб кетаверасиз, кейин ўнгга бурилиб катта йўлга чиқасиз, кейин чапга бурилиб муюлишга етганда қурутчи чолдан «Холмирза ғирвонники қаерда?» деб сўрасангиз, ана, дейди.

Асадулла «хўп бўлади, дедом», деди-да, имиллаб нариги кўчага бурилгандек бўлди-ю, устанинг қораси ўчиши билан уйига қараб зипиллади.

### 3

Кимдир кўча эшикнинг зулфинини тақиллатди. Холмирза ғирвон хомтоқ қилаётган эди. Хотини Заҳроби айвонда қовоғини солганча куйманиб юрарди. Эшик тақиллаганига эътибор ҳам бермади, керак бўлса эркак киши чиқар, деди. Холмирза ғирвон эса, қўшни аёллардан биронтасидир, ана хотин чиқар, деди.

Эшик яна тақиллади. Эр хотин тарафга олайиб қараб қўйди, хотин ҳам ўз навбатида эр томонга ўқрайиб тикилди. Эшик зулфини яна тикирлади. Холмирза ғирвон «Эшикка қарамайсанми, нодон!» деб бақариб бергиси келди-ю, индамади. Индаёлмас эди. Бундан уч кун бурун хотинини «талоқ» қилган эди. Гаплашиш қоида бўйича қатағон қилинган. Уттиз беш йил ёстикдош бўлиб келаётган хотин бир оғиз сўз билан — номаҳрам...

Эшик зулфини бу сафар қаттиқроқ тақиллади. Холмирза ғирвон ниҳоят овоз берди:

— Бу ерда ҳеч ким йўқ! Нима ишингиз бор?

— Уста ака, ҳо-о, уста!

Уста Холмирза «эшак»дан тушиб, пешонасига боғланган лунги билан чангини қоқди. Ғуломгардишга етганда эшикнинг бир қанотини қия очиб илжайиб турган Асадуллага кўзи тушди.

— Ассалому алайкум, дедом! Бай-бай, ҳовлингиз ҳам гадойтопмас жойда экан-да. «Холмирза аканинг уйлари қаерда?» деб юз кишидан сўрадим. Ҳой, ҳеч ким билмайди. «Бу қишлоқда Холмирзадан кўпи йўқ, қайсиниси?» дейишди. «Холмирза ғирвон» десам, иннайкейин «Э, ҳа-а, ҳов, ана», деди биров. Бу ердагилар «э, ҳа-а»ни кўп айтаркан.

— Э, ҳа-й, — деди Холмирза ғирвон. — Қани, келаверинг-чи, қочадиган ҳеч ким йўқ.

У «қочадиган ҳеч ким йўқ» жумласини баланд овозда айтди. Ҳовлининг ўртасига етганда томоғини шундай қирдики, бостирма тагида кавш қайтараётган бузоқ қулоғини чимириб шу ёққа қараб қўйди.

— Узингиз яккаμισиз, дейман? — сўради Асадулла сўридаги нурсизгина кўрпачага тиз чўқаркан.

— Уғил ишда, қолаверса, культурний яшайман, деб домга чиқиб олган. Дам олиш кунлари келади. Хўш, янгангиз — баннисада.

Уста «баннисада» сўзини баланд айтди. Заҳроби қулоғини динг қилиб даҳлизда тек турарди.

— Нима касаллари бор? — сўради Асадулла.

— Сариқ келган. Утказиб юборса, одамни адо қилади, дейишади.

Сариқ шингилдан келган Заҳроби бу гапни эшитиб, ичкаридан дастурхон кўтариб шитоб чиқди. Эридан юзини пана қилиб ёнчилаб келдида, дастурхонни ёзди. Асадулла ҳайрон бўлиб турарди.

— Келинг, ука, уста керакмиди? — деб қолди Заҳроби.

— Ҳа-а...

— Менинг бошимда эркагим йўқ, ука. Хомток қилишга қийналдим. Бозордан шу устани бугун олдириб келдим.

— Яхши қилибсиз, янга, — деди Асадулла беихтиёр ва тушунмадим, дегандек устага қаради. Холмирза ғирвон тумшуғи осилиб, ерга қараганча дастурхоннинг четини ҳимариб ўтирарди. Хотин ичкарига кириб патнисдан олиб чиқди ва биттасини Асадулла томонга ушатиб қўйди.

— Қани, ука, олинг. Мен ҳозир чой обкеламан.

Асадулла бошидан дўпписини олиб тиззасига қўйди. Мошгуруч сочининг бир тутами ўнғ қошининг устига осилиб тушди. Нондан бурдалаб оғзига солди.

— Оҳ-оҳ, қаймоғ-а! Жизза солинганми дейман.

— Э, ҳа-й, — деди Холмирза ғирвон хаёли чувалиб. (Хаёли ошхона томондаги Заҳробида эди.) — Исмингиз нимаиди, ука?

— Асадуллахон.

— Асадуллахон... Қалай, кампир деворни суваб берганимиздан хурсандми?

— О-о, роса дуо қилди-да...

— Э, ҳа-й. Яна қандай хизмат бор?

— Хизмат эмас. Сизни биз билан бирга ишланг, деб таклиф қилгани келдим. Агар бошқа жойда ишламаётган бўлсангиз.

— Мен пенсиядаман.

— Ана, билувдим-да, дедом.

— Қанақа иш?

Асадулла астойдил чордана қуриб олди.

— Биззи идорага янги бошлиқ келди. Одатда бирон жойга янги бошлиқ келса, ишни аввал кабинетни ўзгартиришдан бошлайди. Ҳеч бўлмаса ўнғ томондаги столни чап томонга олиб қўяди. Кейин ходимларни алмаштиради. Мени ҳам қимирлатмоқчи бўлди. «Ким бўлиб ишлайсиз?» деди келган куниёқ дўқ уриб. «Ишчи ҳазрати олийлариман!» дедим. «Ишингизнинг мазаси йўқ, кейин, сал тентак сувдан отиб ҳам турармишсиз?» деди. «Ишим зўр. Мени бу ерга лична Аштархон аканинг ўзлари тавсия қилганлар», дедим. «Қайси, Аштархон ака?» — деди бошлиқ сергакланиб. «Аштархон ака областда битталар», дедим. Бошлиқ шифтга қараб ўйланиб қолди.

— Аштархон ака сизга ким бўладилар? — сўради Холмирза ғирвон.

— Ким билади дейсиз. Кошки Аштархон деганнинг ўзи бор-йўқлигини билсам. Оғзимга кеб қолди, айтиб юбордим-да. Ҳой, мен сизга

айтсам, дедом, уруғимда биронта ҳам орқа қиладиган амалдорроқ қариндошим йўқ экан. Ҳатто дадасининг тайини йўқ бола бўлсам. Сизга ўхшаган соқолли одамни кўрсам, дадам шу экан, деб кетавераман. Оқсоқолларнинг этагидан тутган киши кам бўлмайди дейишади-ку... Хуллас, ҳалиги гапдан кейин бошлиқнинг попуғи сал пасайиб: «Бўлмаса, сиз билан бир маслаҳатли иш бор. Қоровулларни янгиласак. Биронта ҳалолроқ, идоранинг шикастрехига қараб турадиган одам топа оласизми?» деб қолди. Шу, ногоҳ сиз эсимга кеб қолдингиз-да. «Бор, шунақа одам», дедиму бу ёққа фзилладим.

— Э, ҳа-й, — деди Холмирза ғирвон ва ўнг қўлини чап елкасидан ўтказиб гарданини қашиди. Заҳроби чойнакда чой билан пиёла олиб келиб Асадулланинг олдига қўйгач, «қани, ука, олиб ўтиринг» деб ичкарига зипиллади.

— Чойни бу ёққа беринг, мен қуяй.

— Йў-йўқ, мен ўзим, — деди Асадулла. Кейин дўпписини чаккасига қўндириб, чойни уч қайтарди.

— Ҳафтада неча кун тураман? — сўради Холмирза ғирвон.

— Икки кеча ётасиз, холос, қолган куни ўз ишингизни қилаверасиз.

— Э, ҳа-й, — деди Холмирза ғирвон. Шу пайтда у хотини билан жуда ҳам маслаҳатлашгиси келди. Лекин йўл йўқ эди. «Уч талоқни» ўйлаб топгандан ҳам хафа бўлиб кетди. Падарига лаънат, ўша «уч талоқни!» Уша узукнинг ҳам падарига лаънат! Агар шу узукни топиб олмаганида, «уч талоқ» ҳам йўқ эди...

Ўтган куни биров Холмирза ғирвондан, томимнинг шиферини ёпиб берсангиз, деб илтимос қилиб қолди. Кечқурун соат бешлардан ўтганда ишни битирди. Заркент кўпригининг олдига келганида бугун шаҳар маданият ва истироҳат боғида «Гул байрами» ўтказилиши ёдига тушди. Кеча унинг эълонини область радиосидан икки бора эшитганди. Автобуста ўтириб «Маданият саройи» бекатида тушди. Нариги бетга ўтиб, чит лунгини одатча елкасига ташлади, сўнг қўлини орқасига қилганча паркка кириб кетди... Бай-бай, ер ёрилиб гул чиқибди ёки бу жаннатга осмондан гул ёғилибди. Бошқа шаҳарларда ҳам гул байрами ўтказилармикан? Йўқ. Холмирза ғирвон эслолмайди. У хиёбонлар оралаб бораркан, улкан арғувон остида одамлар зичлашиб, бўйинларини чўзиб ниманидир томоша қилишаётганига назари тушди. Бу ерда турли қушларнинг нағмасига мусиқа садолари ҳамоҳанг бўлиб, ажиб тароват ҳукмрон эди. Гулларнинг ифор бўйи таралар, ранг-баранг чироқлар ўчиб-ёнарди. Холмирза ғирвон ҳам суқилиб, бўйинини чўзиб қаради. Қайсидир нафосат заргари гиламдек жойга доҳий Ленин сиймосини гулдан ишлаган эди. Ленин сиймоси фониди мовий осмон, юлдузлар, ракеталар кўзга ташланарди. Ракеталардан бирига «Восток» деб сариқ гул билан ёзиб қўйилган. Ҳар бир томошабин бу гул-гиламини қўли билан ушлаб кўргиси келарди. Холмирза ғирвоннинг ёдида бор: бундан қирқ йил аввал шу боғда республикада биринчи марта доҳий Ленин сиймоси гулдан ишланди. Уста Абдуқаҳҳор бу санъатни Москвадан ўрганиб келиб қўллаган эди. Кейин уста гулкорни Усмон Юсупов Тошкентга таклиф қилиб олиб кетди. Ҳозир унинг хунарини ўғиллари давом эттиряпти. Ўлма, наманганлик, қадамингда гуллар очилсин!

Уста Холмирза ғурурланиб мўйловини силаб қўйди. Ўнг томонга бурилиб пахта хирмонидек фавворани айланиб ўтаркан, Охунбобоевнинг портретиға кўзи тушди. Йўлдош отанинг соқоли негадир ўзиникига ўхшаб кетди. Соқолини тутамлаб туриб: «Соқол ҳам одамнинг кўрки экан, — деди ўзича. — Ҳозиргиларнинг соқол-мўйлови йўқ. Етмишга кирган билан йигирмага киргани ажратиб бўлмайди. Уғил бола билан қиз болани-ку, қўяверасиз — на сочда фарқ бор, на кийимда. Чуст дўппи кийган шоп мўйловли полвонлар қаёқда қолди?..»

Холмирза ғирвон гулзор ва хиёбонлар оралаб юраркан, боғдаги кўл томондан кулги, қийқириқ эшитилди. Уша томонга юрди. «Беш чинор»даги Исрол полвоннинг чойхонасида аския кетарди. Тумонат одам, ўтиргудек жой йўқ. У туртиниб-суртиниб олдинга ўтди, шундоққина

биқинида турган сўриниңг суянчиғига қўлини тиради. Сўрида ўтирган жингалак сочли кўркамгина йигит унга нигоҳи тушгач, дарров туриб жой бўшатди.

— Отахон, мана бу ерга ўтиринг, келинг.

Холмирза ғирвон ўтириб, елкасидан лунгини олиб елпинди. Чой ичгиси келди. Ёнида типпа-тик турган ҳалиги йигитни аста туртувди, йигит «лаббай, отахон» дея энгашди.

— Комсомолмисиз? — деди Холмирза ғирвон.

— Ҳа. Нимайди?

— Менга битта чой келтириб беринг.

— Хўп бўлади, отахон.

Йигит зум ўтмай чой ва пиёла келтирди. Уста узатган ўн тийинни ҳам олмади. «Раҳмат, кам бўлманг», — деди Холмирза ғирвон. Сўнг «Соқоли бўлмасаям ақлли йигит экан», деб қўйди ичида.

Аския ашулага, ашула аскияга уланди. Ғира-шира тушди. Холмирза ғирвон кўзғалди. Қўлларини орқасига қилиб паркнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган ариқ ёқалаб кетди. У боғнинг марказий универмаг томонидаги дарвозасидан чиқиб, «Машраб» кинотеатри олдидаги бекатда автобусга чиқмоқчи эди. Паркда одам гавжумлашиб борарди. Область театрининг ёзги биноси майдонида карнай-сурнай янграрди. Бир пайтлар қишлоқда ҳаваскорлар театри пьеса қўйгани, Холмирза ғирвонни ҳам зўрлаб саҳнага олиб чиқишгани ёдига тушиб, кулимсираб қўйди. Унга бор-йўғи икки оғиз сўзи бор миршаб ролини беришди. Томоша пайтида пўстакдан қирқиб олиб ёпиштирилган соқол тушиб кетди. Уста Холмирза уни тупуклаб уч-тўрт бор қайта ёпиштирди — бўлмади. Кейин саҳнада туриб режиссёрни чақирди:

— Иброҳимжон, соқол кўчиб кетяпти! Нима қилай?

Залда томошабинлар шарақлаб кулишарди. Пардани ёпишга тўғри келди. Режиссёр жиғибийрон эди:

— Ҳей, ғирвон, калла ишлайдими? Мени нега чақирасиз? Ахир сиз ҳолатда турибсиз, роль ўйнаяпсиз!..

Бу воқеа бутун қишлоққа ёйилди. Уста Холмирзани ғирвон лақаби билан атай бошлашди. Кейин у соқол қўйиб юборди. Кўчиб кетмайдиган, одамни шарманда қилмайдиган соқол қўйди...

Мана ўша йигитлик давридаги «қомат» деб аталгучи қоп-қора соқолга оқ оралади... У соқолини силаб қўйди. Дарахтлар билан ўралган очиқ саҳнда дор ўйналяпти. Успири дорбоз лангарчўп ушлаган кўйи арқоннинг ўртасида туриб пастдаги устозининг саволларига «ҳа, бал-е-е» деб жавоб қайтарарди. Холмирза ғирвон дорбозга анграйиб қараб кетаркан, оёғи остида нимадир жиринглаб, думалади. Унга разм солиб тикилди. Асфальт йўлканинг четида никоҳ узуги йилтираб турарди. Сайр қилувчилар уёқ-бу ёққа ўтиб юришибди. Ҳеч ким оёғининг остига қарамас эди. Уста Холмирза ҳам бехосдан уни тепиб юбормаганда сезмасди, албатта. У энгашиб узукни олди. Айлантираб, ўтган-кетганга назар солиб турди. Эҳтимол эгаси чиқиб қолар. Биров қайрилиб ҳам боқмасди... Ниҳоят узукни сиқимлаганча равона бўлди. Йўлда ўиларди: «Тилламикан, мисмикан?.. Қайси аҳмоқ тиллани ташлаб кетади... Оғиргина, мис енгил бўлади. Бирон меҳмонники бўлса-чи?.. Сайил бўляпти-ку... Аввал аниқлаш керак: бу тиллами — йўқми... Эртага Аҳмадали заргарга кўрсатиб текширамыз: тилла бўлса — ҳукуматга топширамыз...»

Холмирза ғирвон уйга келиши билан Заҳроби деди:

— Вой, қаёқларда юрибсиз? Уғлингиз хотини, болалари билан келди. «Юринглар, гул байрамига олиб бораман», деди. Даданг ишда, мен дадангсиз боролмайман, дедим. Сизни кутиб-кутиб кетишди.

— Мен гул байрамини кўриб келяпман, — деди Холмирза ғирвон. Кейин бамайхотир тамадди қилди, қўй-қўзиларга қаради, гулхонага сув қўйди. Узук белбоғда қистириғлиқ турарди... Кеч бўлди, ётишди. Алламаҳалгача унинг уйқуси келмади... Туйқусдан, эрталаб электр ўчгани, Акбар монтерга тайинлагани эсиға тушди.

— Акбар монтер чиқдими? — сўради хотинидан.

- Хум-м, — деди хотин уйқусираб.
- Чироқни тузатдимми?
- Ҳа-а...
- Тур, ёқиб кўр-чи.
- Тузатди, дедим-ку. Ҳозир ўчириб ётдик-ку?
- Унга ишониб бўлмайди, жа олғир.

Хотин туриб чироқни ёқди. Холмирза ғирвон чарақлаб турган лампочкага тикилиб турди-да:

- Ҳа-а, тузатибди, ўчир чироқни! — деди.
- Хотин чироқни ўчириб, ўринга чўзилди, эснади.
- Пул сўрадимми?
- Ҳа, — деди хотин. Кейин қўшиб қўйди. — Уч сўм берасиз, деди.
- Мен айтган гапни айтдингми?
- Ҳа.
- Нима дединг?
- Ошқовоқ пишганда, энг катта, ширинини сизга берамиз, дедим.
- У нима деди?
- Ҳа, майли, бизнинг ҳам устага ишимиз тушиб туради, деди.
- Иш бор, демадимми?
- Йўқ.
- Жа ялақи-да, шу йигит. Ҳа-й, ошқовоқ пишгунча ким бор, ким

йўқ...

Анчагача жим қолишди. Хотин пишиллаш бошлади. Холмирза ғирвон ёнига ўгирилиб кўрпанинг қирғоғига ечиб қўйган белбоғини пайпаслади. Белбоғнинг учида узук тугиқлик турибди... Шифтга қараб бир оз ётди.

- Заҳроби, — деди аста. Хотин тамшанди. — Зароби... Заро!
- Ҳаҳ! — деди хотин чўчиб.
- Бир нарса топиб олдим.
- Нима?

Холмирза ғирвон қўли титраб белбоғни ечди.

- Узук.
- Қани-и?!

Узук устанинг қўлида ярақлаб кетди. Заҳроби шарт туриб чироқни ёқди.

- Тиллами? Қаердан олдингиз?

— Кўчадан топиб олдим. Эртага заргарга кўрсатамиз. Тилла бўлса — ҳукуматга берамиз.

— Ҳани-и, — деди хотин ва чанг солиб узукни юлиб олди-да, айлантириб кўрди. — Вой, бу — тилла, мана номери бор экан! Ҳеч қанақа ҳукуматга бериш йўқ. Ҳукумат битта узук билан бой бўлиб қолмайди. Қачондан бери тилла тиш солдиролмай қийналиб юрибман.

Холмирза ғирвон ўрнидан туриб кетди.

— Бу ёққа бер-а, нодон! Кўчадан топиб олинган нарса вафо қилмайди. Бировнинг беш тангаси беш юз сўмингни суриб чиқиб кетади.

- Ҳеч нарса қилмайди, ўғирлаб олган эмассиз.
- Бу ёққа бер, деяпман!
- Бермайман! Ё эр бўлиб бирон марта тилла узук олиб берганмисиз?
- Ҳой... Бермайсанми?
- Нима қиласиз?
- Участковойга айтаман!
- Участкойдан қарзим йўқ.
- Вой, хотин, оғзимдан ёмон гап чиқиб кетади. Арзимаган мана шу

тунука деб паст кетма!

- Вей-вей-вей-й, сиз жа баландсиз!
- Жаҳлимни чиқарма!
- Чиқса-чиқар.
- Шунақами?
- Шунақа.
- Уч талоқсан!

— Вой, шўрим, вой, мен ўлай! — хотин айюҳаннос солди. — Узукларинг бошингдан қолсин!

Заҳроби узукни отган эди, Холмирза ғирвоннинг елкасига тегиб, ерга тушди.

— Мен сенга оғзимдан ёмон гап чиқиб кетади, деб айтдим. Мен аҳмоқ сен нодонга нега кўрсатдим шуни? Шуни йўқотсам, қутуламанми?! Холмирза ғирвон деразадан калласини чиқариб узукни полиз томонга, қоронғилик қаърига отиб юборди. Хотин ташқарига қараб бир қалқиди-ю, ҳиқиллаганча ётар жойини ичкари уйга кўчира бошлади.

— Ўттиз беш йил турмуш қилиб топган оқибатим шу бўлса... Ўз фойдасини билмаган жинни, ғирвонлик жинни...

Хотин ҳиқиллаб-ҳиқиллаб ухлаб қолди.

Холмирза ғирвон тонг пайти ташқарига чиқса, хотин полизнинг тит-питини чиқариб ниманидир қидириб юрибди. У эрини кўргач, лабини буриб ичкарига кириб кетди. Эр ҳам ўз навбатида полиз оралаб кўз югуртириб чиқди. Бироқ узук йўқ эди...

Мана ҳозир Холмирза ғирвон Асадулланинг олдида дастурхоннинг четини ҳимариб ўтираркан, хотини билан маслаҳатлашгиси келди-ю, иложи йўқ. Заҳроби шу пайт куйманиб ташқарига чиқди. Холмирза ғирвоннинг кўз қири унга тушиб, овозини кўтарди.

— Бир ҳафтада икки кун ётиб қолинади, дейсизми?

— Ҳа, — деди Асадулла. — Қолган вақт ўзингизники.

— Икки кун эмас, ўн кун ётиб қолишга ҳам розиман! Майли, қачон борай?

— Хоҳласангиз, эртага...

— Идорангиз қаерда, номи нима?

— «В.Р.Ж.З.Г.Д.Л.К.БИТ» деган ташкилот. Унинг автобусга тушиб, шундоқ бурилиб, шундоқ...

Асадулла тушунтириб кетди, Холмирза ғирвон «э, ҳа-й» деб тасдиқлаб турди.

— Ука, бу, бошлиғингиз қалай, дуруст одамми?

— Турди тош.

— Тушунмадим.

— Исми — Турди, ўзи — тош. Картошкадек калласи бору тошдек қаттиқ. Бизнинг соҳани мутлақо билмайди. Шунинг учун мен унинг лақабини Турди тош деб қўйиб олдим.

— Одамга лақаб қўйманг, ука, ёмон бўлади.

— Нервим чиққанидан айтаман-да, уста. Ўз соҳасини билмагандан кейин, мана энди ҳаммамизни гаранг қилиб, биттамизнинг дўппимизни бошқамизга кийдирыпти. Чучмал топшириқлар берадики, эсангиз қотиб кетади. Бош ишламаса, оёққа жабр экан, дедом.

— Бўлмаса, мен унақа жойда ишлолмайман, ука.

— Э, қизиқсиз-а. Омади гапни айтдим. Қоровул билан кимнинг иши бор? Қоровулларга мана, мен хўжайинман. Мен билан ишлайсиз. Мен унақа Турди тошларнинг қирқ мингига дарс бераман. — Асадулла дўпписини чаккасидан олиб «тап» этиб кафтига урди. — Ҳа-а, сиз нима деб ўтирибсиз, ҳали.

— Э, ҳа-й, — деди Холмирза ғирвон пешонасини ишқаб. У чайналарди. Ошхона ва уй тарафга қараб-қараб қўярди. — Кўриб турибсиз, мен пенсионер бўлсам ҳам бекор туролмайман. Майли, бугун бир танамга ўйлаб кўрай, эртага хабарини бераман.

— Ра-мат, дедом. Мен ўша корхонада бор эканман, сиз кам бўлмайсиз, — деди Асадулла ва дастурхонда турган жиззали лочирани олиб айлантириб кўрди. — Бай-бай, бу нонмас, қаймоғ-а! Қаранг, ҳозир шу нонни ей десам — қорним тўқ, емай десам — кўзим ўтиб кетутти.

— Дарров шу иккитани олволинг, келин билан ейсиз, уста почча бервордилар, дейсиз, — Холмирза ғирвон бир жуфт лочирани Асадулланинг қўлтиғига қистириб қўйди.

— Қандоқ бўларкин, а? — Асадулла иймангандек бўлди. — Ҳай, йигит ўлмайллик, бало кўрмайллик.

Икковлари сўридан тушиб кўча эшик томон тўрт-беш қадам юришган эди, қайсидир бостирманинг тагидан ўртамиёна олапар керишиб чиқди-да, думини ликиллашиб ўларга қараб одимлади. Асадулла чўчиб тисарилди.

— Кўрқманг, жуда ювош. Мушукни кўрсаям вовулламайди. Тур, кет!

— Итдан жуда кўрқаман-да, дедом, — деди Асадулла устанинг пинжиги тиқилиб кўчага чиқиб оларкан. — Болалигимда биттаси думбамни карт узиб олган...

Холмирза ғирвон Асадуллани кузатиб қайтди. Дастурхонни йиғиштириб уйга кириб кетаётган хотинининг ортидан олайиб (ё хўрсиниб) қараб қўйди-да, хомтокни давом эттириш учун «эшак»ка чиқди.

4

Шаҳар билан қишлоққа туташ бу даргоҳ бир пайтлар карвонсарой бўлган экан. Бунини Холмирза ғирвон янги ишга келган куни Асадуллага айтиб берди:

— Манави темир дарвоза ўрнида ёғоч дарвоза бўлган, ҳов ёпиқнинг ўрни чойхона эди, — деди у рўпарадаги лаш-лушлар омборини кўрсатиб. — Манави ёқда похол, беда ғарамлаб қўйиларди. Анави панжаранинг ўрни пахса девор бўлиб, қаторасига от, эшак, арава турарди. Энди «Жигули», «Волга». Одамдан машина кўп. Замон жа ўзгариб кетибди-да, а?

Холмирза ғирвонни ҳайратга солиб кейинги йиллар ичида ўзгариб кетган собиқ карвонсарой «В. Р. Ж. З. Г. Д. Л. К. БИТ»га қарашли цех. Цехда тандирчилик, чархчилик, пичоқчилик, ижарачилик (прокат), попопчилик ва ҳоказо чилик-чилик хизмат турлари бор. Шу даргоҳга Турди Бебошев деган ориқ-узун, калласи картошкадек кимса бошлиқ бўлиб келди. Келди эмас, акахонлари келтиришди. Шахсан дафн бюросида ишлайдиган поччаси Ваққосхон бирлашмадаги жияни билан гаплашиб, Турдини шу ерга жойлади. Жойлаган куни оила даврасида тоза насиҳат қилди:

— Опангизнинг эри бўлсам ҳам сизга ота ўрнидаман, Турдивой. Аввал икки ерга жойладим, гап олиб бердингиз. Цех кичкина даргоҳ. Аммо бир оилани бемалол боқаверади.

— Шу соҳадан унча хабарим йўқ-ку, бу ёғи қандоқ бўларкин? — деди Турди сўроқ белгисидек тиззалаб ўтираркан.

— Хабардор бўлиш шарт эмас. Мен онамнинг қорнидан қабристонга хўжайин бўлиб туғилмаганман-ку? Ё, гўрковлар тайёрлайдиган институт борми?.. Сиз билан бизнинг вазифамиз — буйруқ бериш. Биз бошлуқмиз. Бошчилик қилиб турсак бўлди. Тириккаям бош керак, ўликкаям. Вот так... Бизнинг бутун уруғ-аймоғимиз бошлуқ бўлиб келган, шукр, биз ҳам бошлуқмиз. Аммо, раҳбар эмасмиз. Раҳбар бошқа, бошлуқ бошқа. Бировдан шунинг маънисини сўрадим: «Раҳбар дегани нима дегани?» — десам, «йўл кўрсатувчи» деб жавоб берди. Биз йўл кўрсатмаймиз, одамлар ўз йўлини топиб олади. Биз бошлуқмиз, вот так. Катта акамиз гўшт искаладда бошлуқ, кичкинаси ун искаладда, тоғамиз ёғоч искаладда, холаваччамиз газмол искаладда, аммамизнинг эри пойабзал искаладда, жиянимиз Бўрихон бирлашмада бошлуқ. Сиззи шу Бўрихон менинг илтимосим билан жойлади. Менинг йўл-йўриғим билан иш кўрсангиз, бирингиз икки бўлади. Ишқилиб, бойиб кетганингиздан кейин бизни унутиб юбормасангиз бўлди...

— Унутмайди, унутмайди, унутиб бўпти, — деди Турдининг опаси қарсиллатиб сақич чайнаркан. — Аввалидан менга ширинкомā беради. Ўша цехда попопчилик, ҳа, ҳаммадан ҳам прокат бор экан. Прокатда зўр-зўр чинни-товоқлар бўларкан. Янгисини буёққа олиб келсанг, эскисига алмаштириб бераман...

Турди «хўп-хўп» деб бош эгиб турарди.

— Ишни секин-аста ходимларни ўзгартиришдан бошланг. Ички резерв деган гаплар бор, анавини қидириб топинг, — деди Ваққосхон

ёнбошлаб ётиб, сўнг калласини чўзиб бир четга бурнини қоқди. — Ҳа, майли, бу ёғини мен ўзим расамади билан ўргатаман.

— Поччангни чизигидан чиқма. Маши, қўш-қўш иморату қўш-қўш машина, қўш-қўш гиламлар нимадан? Поччангнинг устамонлигидан.

Турди, магазинчи опасининг гапига қулоқ тутиб ўтираркан, «яхшиям, қўш-қўш хотин демади» дея дилидан ўтказди. Шундоқ лўмбиллаган, келишган опаси қандай қилиб Ваққосхондек чўтир, барзанги, бақалоқ одамга иккинчи хотин бўлиб текканига ақли бовар қилмасди. Опасининг айтишича, магазинда камомад чиққанда Ваққосхон акаси қутқарган эмиш. Ана ўшанда севиб қолганмиш. Ҳаҳ, севгиям қурсин, шу ҳўкизга тушган бўлса... Шундай бўлса-да, Турди бу ҳўкизнинг туёғига бугун бош эгиб турибди.

— Хўп, почча, сиз менга почча эмас, отасиз.

— Сиз техникумни битиргансиз, ўсадиган кадрсиз. Пухта бўлсангиз, бас, — деди Ваққосхон яна бурнини қоқиб. — Омин, ишингизга ривож...

Турди Бебошев поччасидан йўл-йўриқ олгач, цехга келдию коллективни йиғиб: «Мен ўсадиган кадрман, юзимни ерга қаратманглар», деди. Кейин штатлар билан қизиқа бошлади. Ҳузурига аввал Асадуллани чақирди. Ундан «мени бу ерга Аштархон ака жойлаганлар» деган гапни эшитгач:

— Ҳм-м, — деди. — Бундай одамни эслолмаяпман.

— Бўрихон ака ҳам цехнинг ойлик ҳисоботини мен орқали оладилар, — қўшиб қўйди Асадулла.

— Нега, сиз орқали? Ҳисоботни цех бошлиғи топширмаймиди?

— Йўқ. Биз шунга келишганмиз.

— Сабаби борми?

— Сабабини у кишининг ўзидан сўрайсиз. Иннайкейн, у киши ҳисоботни шунчаки қуруқ олмайди-да...

— Қанақа олади? — қизиқсинди Бебошев.

— «Отчет қани?» дейди у киши. Сиз ҳисоботни столга қўясиз. У киши ҳисоботга кўз қирини ташламайди. «Отчет қани, деяпман?» деб столни чертиб тураверади. Кейин сиз цехдан йиғиштирган савилни енг ичида узатасиз. Ана ундан сўнг ҳисоботга қўшиб олади.

— Нимани олади?

— Ернинг ёриғини, калишнинг тешигини, араванинг гупчагини, — деди Асадулла дўпписини кафтига уриб. — Шунақа соддамисиз, дедом? Тағин ҳар гапингизда, ўсадиган кадрман, дейсиз.

— Э-э, бўлди-бўлди. Бўпти. Бу ҳақда ҳали алоҳида гаплашамиз.

Бебошев шундай деб Асадуллани чиқариб юборгач, Бўрихонга қўнғироқ қилиб у ҳақда сўради. Бўрихондан «дуруст йигит, оёқ-қўли чаққон, унга тегманг», деган гапни эшитиб, яна Асадуллани чақирди.

— Асадиллаҳон ака, Бўрихон акага қадрдон экансиз, биз ҳам қариндошмиз. Энди, икковимиз ака-укадек, баҳамжиҳат ишлаймиз. Сиз ҳарқалай бу ернинг баланд-пастини мендан кўра яхшироқ биласиз... Ишни аввал қоровуллардан бошласак. Қоровул давлатнинг уйига қулфдек гап. Қулф мустаҳкам бўлиши керак. Шунинг учун ўзимизнинг одамлардан қўйсақ... Шу, бизнинг аммамизнинг эрлари бор. Анчадан буён қоровулликка етишолмай юрибдилар. Ёзда ичкари шаҳарларга қатнаб турадилар, икковимизни ҳам қуруқ қўймадилар.

— Хўш, — деди Асадулла ўзига донишмандлардек тус бериб, — яхши айтдингиз. Маслаҳатли тўй тарқамас, деб ёзган бир журналда. Қоровулларнинг иккитасини бўшатса бўлади. Биттаси ўз ўрнида қолгани маъқул.

— Таги зўрми?

— Уни бу ерга биз жойлаганмиз. Ўзи қори. Замзам қори дейишади. Эшитган бўлсангиз керак. Бўрихон акам тавсия қилган, корхонани ҳар хил бало-қазолардан муҳофаза қилиб туради, деганлар. Қолган иккитасини, пажалиста бўшатаверинг.

— Нима деб бўшатамиз?

— Штат қисқарди. Бундан зўр баҳона йўқ.



— Яхши. Хўш, биттасига аммамизнинг эрини олсак, иккинчисининг ўрнига кимни оламиз?

— Ҳайронман.

— Шундай одам топайликки, оғзи маҳкам бўлсин, миждов бўлмасин. Иннайкейин, бундоғ ўйлаб қарасам, бу ерда дурадгор штати ҳам бор экан. Агар бу хунардан хабари бор қоровул олсак, икковимизга ҳам, лаббай?..

«Тузуксан» деб қўйди ўзича Асадулла. Кейин лоп этиб миясига фикр келди:

— Бор шунақа одам! Ўзи ғирвонлик.

— Обкелинг, — деди Бебошев...

Мана бугун Холмирза ғирвон атрофига аланглаб-аланглаб собиқ карвонсаройни топиб келди. Прицепли трактор ҳайдаб чиқиб кетаётган йигитдан Асадуллани суриштирган эди, у бир будкани кўрсатди. Холмирза ғирвон кўк рангли кўримсиз эшикни очиб мўралади. Асадулла қандайдир аёл билан ғижиллашибми, қиқирлашибми ўтирган экан, устага кўзи тушиб «О, дедом!» деб қучоқлашиб кўришди. Кейин бошлиқнинг хонасини кўрсатиб деди:

— Ҳов, анави ерга кириб, ассалому алайкум, ўртоқ Бебошев, Асадуллахон айтган одам менман, дейсиз.

— Бебошев дегани нимаси? — сўради Холмирза ғирвон.

— Янги хўжайиннинг фамилияси шунақа. Асли Бобошев экан. Паспортига янглишиб ёзишган, ўзининг айтишига қараганда.

— Ўзиям бу дунёга янглишиб келганга ўхшайди, — деди аёл хиринглаб. — Бирам сўхтаси совуқки, ер юткурнинг. Кеча менга ҳар хил замзамалар қилди.

Кеча, ҳақиқатан Бебошев прокатчи бу аёлни уйдан топтириб келиб сўроқ қилди:

— Отингиз нима? — сўради дабдурустан бошлиқ.

— Халтурахон, — деди аёл жилпанглаб.

— Мен сизга аввалги бошлиқ эмасман. Нима, у Халтурахон?

— Вой, мени бу ердагилар эркалатиб Халтурахон дейишади. Асли исмим Ҳанифахон. — Аёл бўйнини қийшайтириб беўхшов ишшайди.

«Ишшаймаса, силлиққина нарса экан, — ўйлади Бебошев. — Лекин ишшайса, лаблари суюлган хамирдай ёйилиб, юзини хунуклаштириб юбораркан».

— Сизни бекорга Халтурахон дейишмас экан. Ижара буюмларни чанг босиб ётибди. Ишга чиқиб-чиқмас экансиз. Меҳнаткашларга ижара хизмати кўрсатиш ёмон аҳволда. Планни қандай бажарасиз?

— Планни дўндираман. Асадилла акам мени яхши биладилар.

«Асадуллани нега орқа қиляпти?»

— Хўжайин қаерда ишлайдилар?

— Балетмейстерлар.

«Ўзи ҳам артистга ўхшаркан.»

— Мабодо ўзингиз ҳам илгари театрда ишламаганмисиз?

— Театрга роса зўрлашган. Унамаганман. Мен халқ талантиман. Ўзимизнинг бирлашмага қарашли «Хизмат» деган халқ ансамбли бор. Шунда солистман.

— Бу ер ансамбль эмас. Ишлаб чиқариш. План керак.

— Мени катта хўжайиннинг ўзлари ялиниб олиб келганлар бу ерга. Кетиб қолсам, ансамбль ўтиради, — деди Ҳанифахон лабини буриб.

«Катта хўжайин ким экан?»

Бебошев ўрнидан турди.

— Бўпти. Қани, бирор ой ишланг-чи. Кўрамиз, планни қандай бажарасиз. Айтиб қўяй: мен ўсадиган кадрман. Оёғимдан тортсангиз, хафалашиб қоламиз.

— Тўйингизда хизмат қилиб берармиз, — деди Ҳанифахон ва ўрнидан туриб Бебошевга яқин келди. Бошлиқнинг димоғига атирнинг ёқимли ҳиди урилди. Ҳанифахон қўлини узатди. — Хўп, хайр. Бошқа ишингиз йўқми?

Бебошев аёлнинг қўлини беихтиёр сиқиб тураркан, «йў-қ», деди бўшашиб. Ҳанифахон тўлғаниб чиқиб кетди...

Ҳозир, шу топда эса, Ҳанифахон бошлиқни ғийбат қилиб ўтирарди: «Ер юткур жа суюқ экан. Қўлимни маҳкам қисиб, ўпаман дейди-я. Хой, куппа-кундузи-я, эрим бор, деганимга кўнмайди-я.»

...Бу гапга Асадулланинг рашки кўзгаб ёжиллашиб турганида Холмирза ғирвон кириб қолди...

— Мени бошлиқнинг олдига ўзингиз етаклаб кирмасангиз, гапга йўқроқман, ука, — деди Холмирза ғирвон.

— Тўғрику-я, — тушунтира бошлади Асадулла. — Эҳтимол ўзингизга айтадиган нозикроқ гапи бордир, менинг олдимда айтолмас. Кеча сиззи тайинлаб қўйганман... Ҳай, шошманг. Қани, юринг.

Асадулла устани йўлакда қолдириб, каталакдек хонага кириб кетди ва зум ўтмай қайтиб чиқди. Холмирза ғирвонга тайинлади:

— Кираверинг, тортинманг. Неварангиз тенги бола. Мен ҳовлида кутиб тураман.

Холмирза ғирвон «э,ҳа-й» деди. Сўнг эшикни аста итарди. Очилмади. Қаттиқроқ итарувди, яна очилмади.

«Ие, берк-ку? Шу эшикмиди, бошқами?»

Холмирза ғирвон эшикни елкаси билан туртди, қўли билан гурсиллатди. Эшик бирдан очилиб Холмирза ғирвоннинг калласига қарс этиб урилди.

— Менга қаранг, мазги ишлайдимиз? — деди жаҳл билан ичкаридан чиққан Бебошев. — Эшикни ўзингизга тортмайсизми? Кириг!

Холмирза ғирвон чаккасини силаб ичкарига кираркан, минғирлади:

— Ҳеч бир одам эшикни ташқарига очиладиган қилиб қурмайди.

— Ишингиз бўлмасин, — деди Бебошев ва курсига ўтириб, оёғини чалиштирган кўйи сигарет тутатди. Бошлиқнинг кабинетини деб аталмиш бу ҳужра шалағи чиққан столу яғири чиққан курси ва матрас тўшалган эски сим каравот эди. — Ўтиринг!

Холмирза ғирвон тўшакнинг бир четини қайириб чўқди.

Бебошев курсидан туриб стол четига ўтириб олди. Холмирза ғирвон томонга энгашиб, ўтган ҳафта бошқармада раҳбарлардан бири айтган гапларни такрорлади:

— Биз коллективга қабул қилинадиган ҳар бир шахснинг эътиқодини синовдан ўтказиб олишимиз лозим. Масалага принципиал ёндашмоғимиз даркор. Биз сизни қоровул вазифасига олмоқчимиз. Қоровул дегани нима дегани, биласизми?

— Йўқ.

— Афсус, да-а. Қоровул — давлат ғазнасининг посбонидир, яъни оҳранник. (Бу гапни кеча Замзам қоридан эшитган эди.) Шу гапни мияга яхшилаб жойлаб олинг. Мен ўсадиган кадрман. Биров савиянгни текшириб қолса, биззи хижолатга қўйманг. Ҳозир... — Бебошев эшикни очиб ташқарига бақирди. — Асадуллахон, ҳо-о!

Андак фурсат ўтиб Асадулла кирди. Бебошев Холмирза ғирвоннинг елкасига қўлини қўйиб, Асадуллага юзланди.

— Бу отахонни иш билан таништириб, вазифаларини тушунтирсангиз. Биз устани қоровулликка олишга қарор қилдик. Бироқ шу шарт билан: бу кишининг тарбиясини сизга топширамиз, Асадуллахон ака. Устани сиёсий жиҳатдан пишитиб берасиз, хўпми?

— Хўп, — деди Асадулла. Кейин устанинг тирсагидан олди. — Қани, дедом, кетдик постга!

Улар останага етганда Бебошев тўхтатди.

— Асадуллахон ака, сиз, бир минутга. Уста, сиз ташқарида озгина кутиб туриг... Қани, ўтиринг.

Асадулла каравотга чўқди. Бебошев унинг ёнига ўтириб картошкадек калласини қашиган эди, тиззасига кепак тўкилди. «Пуф!» деди тиззасини чертиб. Сўнг тайсалланиб сўз бошлади:

— Бир маслаҳатли гап бор эди, Асадуллахон ака.

— Бажонидил.

— Мана, катта бир даргоҳга бошлиқ бўлиб келдик... Шу, биронта қўй сўйиб, ис чиқариб юборсак, қалай бўларкин?

— О-о, зап улуғ иш бўларди-да. Кимдан чиқди бу доно фикр! — деди Асадулла кафтларини ишқаб.

— Поччамиз Ваққосхон акадан.

— Баракалла. У киши қабристон кўрган одам-да. Опангни кимга эрга берсанг, поччанг ўша деганлар. Поччанинг айтганини қилиш керак.

— Бўлмаса шу бозор куни уста билан бирга битта қўй олинглар. Ҳа, биронта қори айтармиз, а?

— Қорининг нима кераги бор? Ўзимизнинг Замзам қори турибди-ку. Манаман деган юзта қорини қочиради.

— Ҳа-я, анави, зипиллаб юрадиган қоровул, а? Бўлади.

— Энди, Замзам қори бўлгандан кейин, обизамзамдан ҳам... қиттак-қиттак дегандек...

— Албатта, секин, бехит қилиб отамиз. Буни вечер деймиз. Яна, ис чиқаряпмиз, деб оғиздан гуллаб қўйманг!

— Бўлмасам-чи, тушунамиз, дедом, — деди Асадулла шошиб ва ўнг қўлини кўксига уриб чиқиб кетди.

Бобошев керишиб эснади.

## 5

Якшанба куни Асадулла билан Холмирза ғирвон мол бозорига йўл олишди. Асадулланинг ёнида Бобошев берган икки юз сўм пул. У пулни иккига бўлиб, юз эллик сўмини чап чўнтагига, эллик сўмини ўнг чўнтагига солиб қўйган. Қўй, бузоқ, сигир етаклаган, намат, бешик, печканинг карнайи, тоғора, яна алланимабалолар кўтариб олган одамлар у ён-бу ёндан муттасил ўтиб турибди. Чайқов бозор билан мол бозор ёнма-ён бўлгани учун ҳам анҳор ёқалаб кетган бу йўлдан оломон бамисоли оқиб турибди. Йўлнинг икки четига нўхатфурушлар, ҳалвофуруш, арқонфуруш, жиякфурушлар, супурги, кетмон, теша сотувчилар, атторлар, мантипаз, қабобпаз, новвойлар тизилиб олган. Мол-қўйларнинг маъраши, машиналарнинг «дут-дут»и, ўткинчиларнинг бақирӣқ-чақирӣғи, ёш болаларнинг йиғиси, магнитофон товушлари, писталарнинг қисирлаши... олағовур, олақуроқ... хуллас — бозор. Белбоғини бошига дол қўйиб, чит лунгисини елкасига ташлаб, бир оз оқсоқланиб кетаётган Холмирза ғирвонга кўплар салом бериб ўтпапти. У эса, қироат билан «Ваалайкум ассалом» деб қўяди.

— Ҳар бир кишидан алик олаверсангиз, жағингиз толиб кетади, — деди Асадулла.

— Йўк, — деди Холмирза ғирвон бўйинини артиб. — Салом-алик чала бўлмаслиги керак. Баъзилар «Ассам» дейди, баъзилар алик олишнинг ўрнига «Ва-а» деб қўяқолади. Бу бизга ярашмайди, Асадуллахон. Халқимизнинг яхши одатларини оёғости қилмайлик. Ассалому алайкум, ваалайкум ассалом. Саддақа — радди бало, дейишади. Йўк, бунақа эмас. Салом ўзи радди бало. Ҳа. Дадам раҳматли шунақа дердилар...

Холмирза ғирвон қийиқчаси билан кўзёшини артиб қўйди.

— Ёш кетдилар. Саксондан сал ўтувдилар-да...

— Унча ёш эмас эканлар, дедом. Она тирикларми?

— Шукр, ҳаётлар. У киши юзга яқинлашиб қолди.

— Ўша куни бизга чой дамлаб, жиззали нон қўйган аёл онангизми?

— Э, жиннимисиз? У — хотин-ку! Онамиз ҳозир катта қизникида.

Аммо отанинг йўқликлари баъзан менга билиниб қолади.

— Хафа бўлманг, дедом. Она бўлса, ота топилади! — деди Асадулла зўр мақол айтган донишмандлардек, муртини сийпаб.

Холмирза ғирвон унга бир қараб олди.

— Агар отамиз йиқилмаганларида, икки юзга кирардилар.

— Қаердан йиқилдилар?

— Дарахтдан. Урикнинг шохини кесаётганда шох томонда ўтирган эканлар. Олти метр баландликдан шох билан бирга тушдилар. Умуртқалари синди, холос. Локин шу касал охири олиб кетди-да...

— Дадангиз ғирт ғирвонлик экан, — деди Асадулла қўл силтаб. Кейин бир четда ғуж бўлиб турган одамлар тўпига ўзини урди. Дўпписини чаккасига суриб, хўрозга ўхшаб пастга тикилди. Чўнтагидаги пулниги устидан босиб-босиб қўйди. Сал ўтмай Холмирза ғирвон унинг тирсагидан тортиб «юринг», деди. Анҳор бўйидаги дўнгликдан пастга тушаётганда сўради:

— Қарта ўйнаяптими?

— Ҳа. «Оқини топ, қизилини топ» ўйнаяпти. Шунақа ўйинни биласизми?

— Буларни ҳозир милиса олиб кетади... Мендан сизга насиҳат, ука: қартага пул аралашган жойдан қочаверинг.

Улар тагига курси қўйиб, оёғини чалиштириб ўтирган паттачининг ёнидан кетишаётганда: «Битта чекайлик, дедом», — деди Асадулла. Паттачи бир олайиб қаради-да, фильтрли сигарет берди. Асадулла мириқиб тутатаркан: «Паттачиларда сигаретнинг зўри бўлади» деб қўйди. Холмирза ғирвон ҳам носдан бир кафт отди. Сўнг тахта тўсиқни айланиб ўтиб қўй бозорига йўл олишди.

— Қўй бозорига кун тиғ урмасдан чиқиш керак, — деди Холмирза ғирвон ўпкалаб. — Сизнинг одатингиз чатоқ экан, пешингача ухлайвераркансиз. Эрталаб турмаган одам ризқ-насибадан куруқ қолади. Азонроқда чиққанимизда йигирма-ўттиз сўм арзонроқ олардик.

— Янгамни бошлаб олганимизда яхши бўларди-да, — деб қолди Асадулла.

— Нега?

— Янгам харидор бўларди, мен даллол бўлардим. Биз роса тортишиб турган пайтда, сиз келардингиз. Қўйнинг эгасига қараб: «Келинг, барака топгур, шу кампир қўйлик бўлиб қолсин. Бечоранинг ҳеч кими йўк, дуо қилади», деб мени қувватлаб турардингиз, тўғрими?

— Э, ҳа-й, қалбакиликнинг нима ҳожати бор? Иннайкейин... Янгангиз билан анчадан буён гаплашмайман, Асадуллахон. Бир айтиб берарман. Сиз бизниқига борган куни ер ёрилмади, мен кириб кетмадим... Хўш, хўжайин қўйга қанча пул берди?

— Юз эллик сўм, — деди Асадулла лунжини осилтириб.

— И-й-и! Юз эликка қўзичоқ беради-ку. Ҳеч бўлмаса, икки юз бермайдими? — ажабланиди Холмирза ғирвон.

— Бебошевда бош йўқ-да, уста. Ҳали шу пулниям маошимиздан ундириб олади, кўрасиз. Сиз биронта қилтириқ бўлсаям, қўйни олиб бераверинг. Қон чиқса бўлди. Ис чиқарадиган кунгача семиртириб юбораман. Бу ёғини менга қўйиб бераверинг... Ҳой бола, айрондан берчи!

Асадулла катта пиёладаги айронни симириб, пиёлани узатувди, айронфуруш бола ҳақини берармикан, деб жавдираб турди.

— Шундай замонда пионер бола айрон сотгани уялмайсанми? Қайси мактабда ўқийсан?

— Э-э қўйинг, — деди Холмирза ғирвон ва ёнидан бир танга олиб болага тутди. — Ёш боланинг дилини оғритманг.

— Мактабда тарбия бузилиб кетяпти, дедом... Қани, тузукроқ қўйдан танланг, мен даллолчилик қиламан. Ширинкомага кўрқмай беш чиқараверасиз. Агар сиз уч берсангиз, қўйнинг эгаси ҳам уч беради. Сиз беш чиқараверинг. Кейин бўлиб оламиз.

Холмирза ғирвон харидор бўлди, Асадулла — даллол. «Даллол» қўй сотувчи деҳқоннинг қўлини «Бор, барака» деявериб қоқиб ташлади ва охир юз эллик сўмга кўндирди. Қўй деганимиз тўртта чўпнинг устида қалқиб турган қўзи бўлиб, пуфласа ётиб олгудек ҳоли бор эди. Деҳқон ширинкомага уч сўм узатди. Холмирза ғирвон ҳам уч сўм узата туриб Асадуллага ғалати қараб қўйди. Кейин қовун туширди: «Энди, деҳқон бува, мен беш сўм берардим-ку, аммо Асадуллахон ўзимизнинг одам», деди. Асадулланинг кўзи ўйнаб шоша-пиша «барака топинглар», деди... Бозорнинг дарвозасига етганда у Холмирза ғирвондан ўпкалади: «Сал бўлмаса, шарманда қилувдингиз-да, дедом...»

«Ис чиқариш» пайшанба кунига белгиланди. Бебошевнинг таклифи билан қурбонлик эмас, цех ойлик планни тўлдиргани учун «вечер» деб аталди. «Вечер»ни Ҳанифахон идиш-товоқ билан таъминлади. Ичкилик «нозик пайт» бўлгани сабабли чойнакларга қўйиладиган бўлди. Кечага Бебошевнинг поччаси Ваққосхон, тоғаси — маданият уйининг директори Маъруфбой ҳам таклиф қилинди. Қўйни сўйиш Холмирза ғирвонга топширилди. Лекин Холмирза ғирвон Асадулла қўйни эски «Москвич»га босиб уйдан олиб келганда ҳайратдан ёқа ушлади: оёғида зўрға турадиган қилтириқ қўзичоқ гумбаздек шишиб кетганди. «Бу, ўша қўйми, ука?» — секин сўради Холмирза ғирвон. «Айтдим-ку, семиртириб юбораман, деб», — шивирлади Асадулла. Қўйнинг оёқ-қўлини боғлаётганда Холмирза ғирвон сирни сезиб қолди. Ҳайвон бечоранинг орқа оёғи тилиниб, туёғидан юқориси чилвир билан танғиб қўйилганди.

— Гуноҳга қолибсиз, ука, — деди Холмирза ғирвон атрофга ҳадиксираб назар ташларкан. Кейин пастки лабини қимтиб «Ҳим-м» деб қўйди.

— Бари бир сўйилгандан кейин оёғидан пуфланади, уста, — деди Асадулла унинг қулоғига. — Мен олдинроқ пуфлаб қўйдим...

«Вечер» авжи қизиган пайтда Холмирза ғирвоннинг қўлидан қассоблик ҳам келиши мақталди. «Бу киши катта уста, дурадгор», деб қолди Бебошев. «Бўлмаса, бизнинг битта ошхонамиз бор, шуни янгилаб берадилар», деди поччаси, «Маданият уйининг девори нураб кетган», деди тоғаси. Ҳаммасини битказиб беришга устанинг номидан ваъда берди Бебошев.

Шўрва ичиб бўлингач, попопчилардан биттаси рубоб чалди, иккинчиси — чилдирма. Ҳанифахон лапар айтди. Аввалига у «Вой, қандоғ бўларкин», деб бўйинини қисиб, ишшайиб сохта ноз қилиб турди. Кейин буралиб ўрnidан турди.

**Ариқ бўйида чойнак,  
Чойнак ёнида ойнак.  
Менга бунча қарайсан,  
Оберганинг бир кўйнак!**

Ҳанифахон лапар айтarkan, Асадулла кўзини қисиб, Бебошев суқланиб, Замзам қори тамшаниб туришарди.

— Дуруст экан, — деб қўйди Ваққосхон ёнидаги Бебошевга ва дастрўмолга бурнини қоқди...

«Вечер» Замзам қорининг тиловати билан якунланди. Қўйнинг қолган гўштини Бебошев, Ваққосхон, Маъруфбой бўлиб олишди. Тўртта поччаси серболалиги учун Асадуллага, калласи яхши лапар айтгани учун Ҳанифахонга, териси қассоблиги учун Холмирза ғирвонга, қорин ва ичак-чавоғи тиловат қилгани учун Замзам қорига берилди.

Ҳамма тарқала бошлади. Замзам қори кўпроқ отиб қўйган шекилли, қоровулхонага кириб Холмирза ғирвон билан чой ичишиб, пойинтар-сойинтар гапириб ўтирди. У бугун иложи бўлса, навбатчиликда қолгуси бор эди. Нега деганда, Асадулла билан Ҳанифахон ҳанузгача «Ижара» будкасидан чиқишмаётганди. Уларни пойлашни яхши кўрарди. Ҳозир кўзларини сузиб, чой ҳўплаб ўтираркан, деразадан ташқарига қараб-қараб кўярди. Холмирза ғирвон тўртбурчак кўк дўппи, яқтакнинг устидан юпка кулранг чопон кийиб, доим тавозе билан шипиллаб юрадиган Замзам қорининг сийрак соқолига разм солиб ўтириб, ёшини анча чамалади. Ниҳоят, сўради:

— Олтмишларга бордингизми, Қори ака?

— Менинг йилим ҳамдуна, яъни маймун, — деди қори ичаётган чойини чапиллатиб, гўё мазасини шимаётгандек. — Иншоолло, яқинда қирқ саккизга қадам кўюрмен... Сўнгги вақтларда чойларда таъм қолмади, мазза йўқдур...

Замзам қори биров гап сўрамаса, одатий тилда гаплашаварарди. Аммо ундан «Қори ака, фалон нарса ҳақида нима дейсиз?» дея мурожаат қилиб қолинса, албатта қироат билан сўзларга «дурур» ёки «эрур» қўшимчаларини қўшиб сўзларди.

— Уста, сиздан бир нарсани билмоқчи эрдим. Мабодо, анави Асадулла қарз-парз сўрамадимми?

— Менданми?

— Ҳа.

— Утган ҳафта, биринчи навбатчиликка келган куним йигирма сўм олувди. Нимаиди? — сўради Холмирза ғирвон.

— О, нобакор, о, нобакор! — бошини чайқади қори. — Мен сизга айтиб кўяй: бундан кейин қарз сўраса, зинҳор-базинҳор бера кўрманг. Икки дунёда ҳам қайтармайдур. Асадулла афир дейдилар уни. Бу даргоҳга ишга келган янги одамни бир карра товлайдур. Чойдан қуйинг...

Замзам қори Холмирза ғирвонга яқинроқ сурилди ва қорилик тилидан воз кечиб, одатий тилда сўзлай бошлади:

— Бир куни беш-бешдан қилиб ош уюштирмоқчи бўлдик... анависи билан, — Қори жимжилоғини илмоқ қилди. — «Мен бозор қилиб келаман», деди Асадулла. Хўп, дедик. Ана кутамиз — йўқ, мана кутамиз — йўқ... Ҳой, ўша кунти мутлоқ келмади. Ошга йиғилган пулга иккита уста ёллаб уйини ремонт қилдириб олибди! Е, товба, ё, алҳазар! «Ҳой, номард, нега бундай қилдинг?» десак, «Бир-биримизда қолиб кетармиди. Ҳамманглар менга бердинглар, мен уйимни тузатиб олдим», деб ишшайиб турибди-да... Маишатнинг пулига ремонт қилса-я! Чиста апир! Муттаҳам...

— Дуруст йигитга ўхшайди-ку, — деди Холмирза ғирвон ўйланиб.

— Дуруст бўлмай ўлсин! — Замзам қори шошиб деразага пешонасини тираб ташқарига қараб олди. — Сиз илгари ҳам қоровуллик қилганмисиз?

Холмирза ғирвон елка қисди, оғзидан «йў-ғ» деган товуш базўр чиқди.

— Бу ер давлатнинг корхонаси. Ишдан кейин, бу атрофда қоровулдан бўлак ҳеч ким, ҳатто пашша ҳам қолмаслиги керак.

— Э, ҳа-й...

— Қоида шу. Ҳанифанинг хонасида чироқ ўчмаган. Нега? Чунки Асадулла апир ўша ерда. Ҳа, ҳозир бориб ҳайдаб юборинг. Бўлмаса, давлат сизни жавобгар қилади.

— Энди, мен янги одам бўлсам, — деди Холмирза ғирвон дили хижил тортиб ва шу топда ишга кирганига минг пушаймон қилди. — Асадуллахон, озгина ҳисоб-китобимиз бор, деган эди...

— Нимани ҳисоб-китоб қилишини биз жа яхши биламиз. Ҳозир мен хабар оламан. Бекор валақлаб ўтирган бўлса, давлат корхонасини бўшатиблар, дейман...

Замзам қори шундай деб шипиллаб чиқиб кетди. Орадан бир оз фурсат ўтгач, ёқасини ушлаб қайтиб кирди.

— Тинчликми? — сўради Холмирза ғирвон.

— Касофат, касофат! Бу афирни бу ердан ҳайдаш керак! Чойдан қуйинг, — Замзам қори рўмолча билан юз-қўзини артди. — Касофатлардан ўзинг асрагайсен... Қани, булар нима кўляпти экан, деб секин пусиб борсам, Ҳанифанинг хонасида чироқ ёқиғу ҳеч ким йўқ. Шошма, дедим: Паналаб, оёқ учида юриб Асадулланинг хонасига ўтдим. Ҳой, мен сизга айтсам, нархчининг ёнидаги эски будка бор-ку, шуни хонаи хос қилиб олган бу афир. Секин қулоқ тутсам, Ҳанифанинг қиқирлаган овози эшитилляпти. Оёқ-қўлимда жон қолмади. Тагин ҳам ер кўтариб турибди!

— Ростдан-а? — деди ҳайрат билан Холмирза ғирвон.

— Бу товламачи афир менинг бошимга не балоларни солмади, — тутатди Замзам қори тез-тез чой хўпларкан. — Мана шу Ҳанифани, сизга олиб бераман, деб роса мени аҳмоқ қилди. Икки юз сўм пулимни еб юборди. «Пулни бер, Ҳанифанинг эри бор экан-ку, нега мени лақиллатдинг, малъун?» десам, «Сен қорисан, пулни ҳаромдан топасан, бермайман. Хоҳлаган ерингга арз қил», деди. Оғзимдан кўпигим келиб, икки ой касалхонада ётдим. Оёғимнинг таги қизийдиган бўлиб қолди. Асабдан, деди дўхтир. Худога солиб қўйганман. Мана кўрасиз, маши Асадулла бир фалокатга гирифтор бўлади.

Холмирза ғирвон бу гапларга ҳайрон бўлиб, Замзам қорига ачиниб, сўради:

— Нима, хотинингиз йўқми?

— Хотиндан омад бермади. Бева эрурмиз.

Холмирза ғирвон «э,ҳа-й» деганича хаёл сураркан, кўз олдида ўз хотини келди. «Чакки иш бўлди-да, — деди ўзича. — Қариган чоғимда оғзимга эҳтиёт бўлмадим. Суяксиз тилдан ҳар балони кутиш мумкин экан. Уша лаънати узукни нега топиб олдим? Рўзғоримга оғу солди... Шу қоридан сўраймикан? «Уч талоққа» йўл бормикан?..»

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, тақсир.

— Қулоғим сизда, чойдан қуйинг, — деди Замзам қори бўшаган пиёлани узатиб.

— Шу... ҳалиги... «уч талоққа» йўл борми?

Замзам қори кўзларини юмиб чуқур ўйга ботди. Кейин бошини кўтариб Холмирза ғирвонга тикилди.

— Каломи оллоҳда айтилулки...

Қоровулхонага Асадулла билан Ҳанифахон кириб келишувди ҳамки, Замзам қорининг оғзидаги — оғзида, бўзғидаги — бўзғида қолди.

«Бўпти, сингил, ишнинг қолганини эртага қилармиз. Ўзингиз ёлғиз кетаверасизми, қўрқмайсизми», — сўради Асадулла. «Йўқ, кўча тўла одам, нимадан қўрқаман», — деб жавоб берди Ҳанифахон ва селкиллаб чиқиб кетди. Асадулла Замзам қорининг елкасига қўлини ташлади.

— Ҳа-а, дедом. Ҳалиям кетмадингизми? Ёки, бугун қайси хотинникига борсам экан, деб ўйланиб ўтирибсизми?

— Асадиллаҳон жа ҳазилкаш-да, — деди Замзам қори базўр илжайиб.

— Ёлғон топилмаса, рост гапирди.

— Бу қоримда хотиндан сероб. Қишлоқда битта, шаҳарда битта. Кўз очиб кўрган хотинни қайф устида уриб ўлдирганлар. Шундан кейин тўрт марта уйландилар. Ҳозирча иккитаси тирик. Яна менга...

— Ҳой, Асадиллаҳон, мен сизни жигарим деганман. Устанинг олдиларида мени хижолат қилманг, бўтам, — деди Замзам қори Асадулланинг гарданига шапатилаб. — Бориб дамингизни олинг, сал, а, кайфдан борга ўхшайди, а? Биз уста билан муҳим бир масалани ҳал қилиб ўтирувдик...

Учовлари бир-бирларига қараб андак жимиб қолишди. Ниҳоят, Холмирза ғирвон ийманиб гап бошлади.

— Асадуллаҳон, ука, ҳов бизникига борганингизда сезган бўлсангиз керак, янгангиз билан орамиз бузилиб, оғзимдан ёмон гап чиқиб кетган. Шу, қори, йўл топиб берармиканлар, деб маслаҳатлашмоқчи эдим...

— «Уч талоқ», деганмидингиз? Чепуха! — деди Асадулла. Сўнг чарс этказиб гугурт чақиб сигарет тутатди. — Эртага қори билан бориб яраштириб қўямиз. Бир товоқ палов, битта, ҳалиги, тентак сувдан тайёрлаб қўйинг.

— Ҳай-ҳай-ҳай, эртага эмас. Пайшанба куни, кечқурун, — деди Замзам қори шошиб. — Шариатни оёқости қилмайлуқ. Мен аввал маҳитга бориб улуғларимиз билан маслаҳатлашурмен. Андин сўнг эски китобларни титурмен. Бадаз жавоб айлармен. Хўш, палов қилманг. Куринка бозордан битта бабақ хўроз келтириб қўюрсиз. Эски китобларда шундай битибдур:

**Мурғ набошад тухум нест,  
Тухум набошад хўроз нест...**

Яъни, масалан, товуқ бўлмаса, тухум бўлмайду, тухум бўлмаса, хўроз бўлмайду.

— Э-э, одамга ўхшаб гапиринг! Ғашимни келтирманг! — деди Асадулла қорини жеркиб. — Бўлди, турдик! Хотиржам бўлинг, уста, пайшанба куни бориб янгам билан яраштириб қўямиз. Қани, кетдик.

Асадулла қорини кўлтиқлаб турғазди. Ташқарига чиқишгач, Замзам қори деди:

— Тентак сувнинг ўрнига «коньяк»ми, «старка»ми буюрмадингиз-да, бўтам...

6

Пайшанба куни кечқурун Асадулла билан Замзам қори Холмирза ғирвоннинг эшигини тақирлатишди. Ичкаридан аввал йўтал, кейин калишнинг «шип-шип» қилгани, сўнг «ҳозир» деган товуш эшитилди.

— Ассалому алайкум! — деди тавозе ва қироат билан Замзам қори. У бугун бошига дастор, оёғига янги кавуш-маҳси кийиб олган эди. Холмирза ғирвон уни кўриб андак саросималаниб қолди ва шошиб:

— Ваалайкум ассалом! — деди. Қори кўлини узатаркан, тасбеҳнинг шақирлагани эшитилди. — Қани, марҳамат, келаверинглар!

Ховлига қадам қўйишлари билан катақдаги ит керишиб ташқарига чиқди. Асадулла дарров қорининг тирсагидан ушлаб, нариги ёнига ўтиб олди.

— Шуни боғлаб қўйсангиз бўлмайдимиз, уста?

— Мушукдан ҳам беозор, қўрқманг, — далда берди уста, — урсангиз ҳам ёнги демайди.

— Итга тегмасангиз, сизга тегмайдур, — деди Замзам қори. — Айтадурларким, қадимда авлиёларимиздан бири узоқ сафарга отла-нибдурлар. Уч-тўрт кун ўтгач, уйда қолган хотиннинг феъли айнибдур ва жазман топиб, ҳар кеч ишрат этибдур. Ул зотнинг бир итлари бор эркан. Жазман навбатдаги ишратга келганда, занжирни узибдир-да, иккисини ҳам роса талабдир. Эр тижорат айлаб сафардан қайтса, хотинининг бет-қўллари боғланганмиш. «Нима гап?» деб сўрабди эр. «Итинг қутурди, зўрға омон қолиб уйга биқиниб ўтирибман, уни дарҳол чопиб ташла!» дебди хотин. Эр ойболтани олиб, боғнинг бир четидан чуқур кавлаб, итни ўша ерга судрабди. Чуқур ёнига келганда итнинг кўзидан мўлт-мўлт ёш оқибдур. Авлиё ҳайрон бўлибдур. Болтани кўтарган экан, ит ёнгишиб унинг оёқларига сўйкалибди. «Бу қутурган эмас, бу ерда бир сир бор», дебди-да, итни чуқурга тушириб, ёнига нон, сув қўйиб, устига шох-шабба ташлаб қўйибди. Сўнг хотинига: «Мен азонда шашилич сафарга жўнайдиган бўлиб қолдим», депти. Эрталаб «хайр» деб кетибди-ю, қоронғи тушгач қайтиб келиб девордан боққа тушибди, ит ётган чуқурнинг лабига чўзилиб, пойлаб ётибди. Бир маҳал хотиннинг жазмани деворда пайдо бўлибди, хотин шоти қўйибди. Жазман пастга тушгач, хотин ўзини унинг бағрига отибдур, сўнг депти: «Итни эрим чопиб ташлади. Бундан буён дарвоза эшигидан келаверинг, зулфинни тушириб қўяман». Бегона одамнинг исини сезган ит чуқурдан туриб вовуллабди. Авлиё шох-шаббани кўтариб, итни чиқариб «ол!» депти. Ит икковисини тилка-пора қилибдур. Шунда авлиё айтибдурларки: «Ит вафодур, хотин жафодур.»

Холмирза ғирвон ривоятни эшитиб анграйиб турарди. Асадулла кўзини қисганча ҳовлидаги анорнинг тупини санар, ўнг томондаги янги сувалган уйнинг пойдеворига кетган ёштни чамалар, қўйхонадаги бир жуфт қўйнинг қайсиниси совлиқ, қайсиниси қўчқор эканлигини тахмин қиларди. Замзам қори ишқомнинг остидаги сўрига етгунча тўрт-беш марта «Ит — вафо, хотин — жафо», деди. Холмирза ғирвон хижолат бўлиб безовталанарди. (Хотини Заҳроби дераза ортида эркакларнинг гапига кулоқ тутиб турганини биларди-да.)

— Ҳой, омин! Осмондан тушадиган офатлардан, ердан чиқадиган балолардан ўзинг асрагин, ожизаларга инсофи товфиқ бергин, бизни ҳам шармандаи шармисор қилмагин, икки дунёميزни обод айлагин, бандаларинга хазинайи ғайбингдан нури имон ато этгин, валжамиа, валмуслимина, валмуслимот...

— Э, бўлди, калтароқ қилинг! — деди Асадулла уни туртиб. Қори унга бир ўқрайиб «омин» деди.

Ярим пиёладан чой ичишгач, Замзам қори гап бошлади:



— Энди, уста, иншоолло ишингиз ўнгидан келадурган бўлиб турибдур. Тушимга аён бўлибдур...

«Тўғри гапиринг», деб нуқиб қўйди Асадулла. Қори унга бир ўқрайиб, давом этди:

— Кеча мен имоми аъзамга айтдим: шунақа-шунақа, бир уста борлар, оғзиларидан ёмон гап чиқиб кетган, йўлини топиб яраштириб қўйсак савоб бўларди. У киши: «Бўлмаса, уч талоққа уч юз сўм беради», дедилар. «Устада бунча пул йўқ, камбағал одам», дедим. «Ҳозир камбағал йўқ, ишхонасидан преминал олмас эканми?» дедилар. «Уста оддий қоровул, холос, премиё бермайди. Премиёни бошлуқларга беради», дедим. «Хотинининг узук-пузуги бўлса гаровга топширсин. «Ломбард» деган ташкилот бор», дедилар имом. «Хотин билан гаплаша олмайди-да, афсус. Аммо ўзи сувоқчи уста, ёрдами тегиб қолар», дедим. «Бўлмаса, мачитни копремонт қилиб, деворини суваб берсин» дедилар. Ула-ўлгунча сувашга тайёр, дедим хурсандлигимдан.

— Минг раҳмат, минг раҳмат, — деди қўл қовуштириб Холмирза ғирвон.

— Хўш, бабақ хўрозни олиб келдингизми?

— Хўроз тайёр.

— Келтиринг.

Холмирза ғирвон товуккатакка кириб каттагина хўрозни тутиб чиқди. Хўроз типирчилар, калласини чўзиб, «қуқ, ғу-у, қуқ, ғу-у» қиларди.

— Оёғига чилвир солинг! — буюрди қори.

Холмирза ғирвон хўрознинг оёғига чилвир боғлаб бир учини қорига тутқазди.

— Бир пиёла сув, бир чимдим туз, бир тутам исирик келтиринг. Янгамни чақиринг.

Қорининг айтганлари муҳайё этилди. Заҳроби юзини пана қилиб, рўмолининг учини лаби билан қимтиб сўрининг қирғоғига омонатгина ўтирди. Унинг ёнига Холмирза ғирвон чўкка тушди. Замзам қори хўрозни биқини томонга олиб, чилвирни маҳкам тутди. Кейин пичирлаб нимадир ўқиди, юзига фотиҳа тортди. Сўнг Заҳробига деди:

— Янга, юзингизни сал очиб, Хўрозбойга қараб ўтиринг. Исмингиз надир?

— Заҳроби.

— Памилиянги?

— Мамасиддиқова.

— Баракалло. Сизни Хўрозбойга никоҳ қилурмиз, сўнг ажратиб, эрингизга қайта никоҳлаймиз. Буни дини исломда ҳалала дейишади. Таомил шунақа.

Заҳроби лабига қимтиб турган рўмолини туширди. «Дуруст экан», деб қўйди қори ичида ва типирчилаб турган хўрозни сўроққа тутди:

— Сиз, Хўрозбой Даканбой ўғиллари, мулла Мамасиддиқ қизи Заҳробибини жуфти ҳалолликка қабул қилдингизми?..

Хўроз жим эди. Қори иккинчи марта сўради. Хўроз индамади.

— Уста,— деди қори Холмирза ғирвонга маънос боқиб.— Кўнмаяпти. Беш сўм узатинг, сизнинг фойдангизга ҳал қилиб бераман.

Холмирза ғирвон беш сўм узатди. Замзам қори сўровни такрорлаб охириги «Қабул қилдингизми?» жумласини айтгач, хўрознинг дум остини чимчиловди, хўроз «Қу-қу-қу!» деб юборди.

— Э-э, хайрият!— деди қори. Сўнг Заҳробига юзланди.— Сиз, мулла Мамасиддиқ қизлари Заҳроби, мулла Даканбой ўғиллари Хўрозбойни, белига ёғоч тортилган икки қабатли катаклари билан танмахрамликка қабул қилдингизми?

Заҳроби лабини буриб ҳайрон турарди.

— «Ҳа» денг, янга. Бўлмаса Хўрозбой айниб қолурлар.

— Ҳм-м,— деди Заҳроби.

— Омин, қўша-қаринглар!— деди Замзам қори. Сўнг тушунтира кетди.— Асли шариатга кўра, бу хўроз билан камида бир кеча бир тўшақда ётишингиз лозим эди. Аммо мен уста билан қадрон бўлганим

учун бу даррандани шу бугуноқ сиздан ажратиб, эрингизни никоҳлайман. Бунинг учун аввал Хўрозбойни ақлдан бегона қилиб, маст айлаймиз. Уста, кеча мен айтган коньякни олиб қўйдингизми?

— Арақми?— сўради Холмирза ғирвон.

— Бўлаверади,— деди шошиб Асадулла.

Замзам қори Холмирза ғирвон келтирган арақни очиб пиёлага жиндак қўйди, кейин хўрознинг тумшугини кўтариб озгина томизди.

— Ана энди бу Хўрозбой маст бўлади, сиз билан жанжал чиқариб, талоқ қўяди, — қори шундай деб хўрознинг дум остини қисувди, типирчилаб, қичқариб юборди.— Ана, ҳа, нобакор! Шундай аёлнинг қадрига етмапсан, кўр бўл, хотинталоқ! Уч талоқ де!.. Қўядиган хотиним йўқ деяпти-ку, баттол! Яна беш сўм чиқаринг, уста.

Холмирза ғирвон беш сўм узатди. Замзам қори хўрознинг бўйнини қисувди, «ғи-и», деди. «Хайрият, қўйди пиёниста», деди қори. Шундан сўнг Заҳробини Холмирза ғирвонга никоҳлади. Уларга пиёладаги сувдан ҳўплатиб, туздан ялатиб, исериқ тутатди.

— Муборак бўлсин энди,— деб келин-куёвни қутлади.— Янга, бугун тўйингларни ҳам ўтказиб берамиз. Товуқ кўп экан, бизга тўртта тухум қовуриб берсангиз. Тўрт дона патинжон билан иккита пиёз келтиринг. Қозонга картошка билан саримсоқ ташлаб қўйинг. Хўрозни сўямиз, эр-хотин шўрвасидан ярим косадаң ичасизлар, таомилга кўра, гўштини никоҳ ўқиганга берилур.

Заҳроби туриб, елиб-югуриб хизматга тутинди. Холмирза ғирвон помидор билан пиёз келтирди, шакароб қилишди. Асадулла икки пиёлага арақ қуйиб, сўз олди:

— Энди, уста, андак беодобчилик қилиб, шуни уюштирдик, хафа бўлмайсиз. Янгам ҳам бамаъни, яхши аёл эканлар. Бу ерга бир оз чақчақлашиб ўтирайлик, деб келдик.

— Кони савоб учун,— деди қори.

— Қўша-қаринглар, янгамни энди хафа қилманг, уста.

— Жуда тўғри,— дея Асадулланинг гапини тасдиқлади Замзам қори.— Янгам менинг абамларга ўхшар эканлар. Раҳматли абамлар шу кишига ўхшаган миққигина, оппоққина аёл эдилар. Туғилмасимдан туриб онамнинг қоринларида «Аба!» деган эканман. Шунинг учун исмимни Машраб қори қўйганлар. Икки ёшимда:

**Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму!  
Ғариблик юртида юрсам, мени йўқлар кишим борму!—**

деб ашула айтган эканман. Тўрт ёшимда қуръонни ёд олганман. Ҳозир ҳеч ким биздақа толиби илмнинг қадрига етмайдур. Асадуллахонга ўхшаганлар Замзам қори дея калака қиладур.

— Ҳазил-да, ҳазил, қорим,— деди Асадулла қорининг елкасига қоқиб.— Қани, биттадан отайлик. Мана шу, сизни қадрлаганимиз. Бугун устанинг тўйлари, майлими, уста.

— Ош бўлсин, ош бўлсин,— деди Холмирза ғирвон.

— Ие-ие, ҳай-ҳай, бизга тўғри келмайдур. Шароб — одамни этур хароб. Маст юрган кишини — уриб синдир тишини,— деди Замзам қори.— Назаримда тухум пишиб қолди, уста, келтирсалар, тановул айлардик.

Холмирза ғирвон «хўп бўлади» деб туриб кетгач, қори Асадуллага шошиб деди:

— Устанинг олдида мени шарманда қилманг. Тўлдириб қуйинг. Мен битта отаман, холос. «Старка» бўлганда, яхши кетарди-да, оғиздан ҳиди келмасди.

Замзам қори тўлдирилган пиёлани даст кўтариб лўқ-лўқ ютди. Кейин Холмирза ғирвон тухум қовурдоқ келтиргунча бошини қуйи эгиб мулла-ваччалардек одоб сақлаб ўтирди.

Тухум қовурдоққа Асадулла билан Замзам қори баравар ташланишди. Арақ қурғур ошқозон аталмиш ўранинг оғзини вайрон қилиб қўйган эканми, икковиси тухумни шакаробга аралаштириб отган сайин ўранинг

туби кенгайиб борарди. Бошлар товоқдан кўтарилмас, оғизларининг «чап-чапи»гина эшитиларди. Бу орада хўроз-куёв сўридан бир сакраб тушиб, оёғидаги чилвирни судраганча товуқлар томонга ўтиб кетди. Унга ҳеч ким парво қилмади. Замзам қори товоқни олдига тортиб, қовурдоқнинг сўнгги урвоқларини тера бошлагачгина Асадулла калласини кўтариб атрофига назар ташлади.

— Бу дейман, дедом, анор роса бўлибди-да а? Менга ҳам икки дона куртагидан берасиз, баҳорда.

— Жоним билан-у, аммо ғирвонликларнинг анорини ғирвонликдан бўлак одам парвариш қилолмайди,— деди Холмирза ғирвон чой қайтарар экан.— Ҳа, эплолмайди. Локин бунақа анор бошқа ерда битмайди ҳам.— Бизда фақат туятиши бўлади. Сизлар томондаги ерлар, Асадуллахон, буни кўтармайди. Уша, Фишткўприкдан пастдаги маҳаллаларнинг ҳаммаси шўр. Биззи ерларни кўринг, худди кафтда тургандек, ғир-ғир шабада. Ғирвонмисан, ғирвон. Мен баҳорда уйингизга бориб зўр кўчатлардан ўзим ўтқазиб бераман.

— Шу анорни Дални Востокда килосини қанчадан оларкин?— деди Ҳанузгача дастурхондан увоқ териб ўтирган Замзам қори.

— Билмадим. Мен умримда ичкари шаҳарларга мева обориб сотган одам эмасман,— деди Холмирза ғирвон.

— У ёқларда анордан фойда қилмайсиз,— гапга аралашди Асадулла.— Анор шу ернинг ўзида ҳам қиммат. Нок олиб борсангиз, бошқа гап. Один штук два рубль, деб тураверасиз.

— Э, ҳа-й,— деди Холмирза ғирвон.

— Хў-ш,— деди Замзам қори, кейин шошиб ёнига қаради.— Ия, Хўрозбой қанилар? Хотинни талоқ қилиб қочворибдилар-да. Энди, уста, Хўрозбойни топсангиз, битта ўткир пичоқ билан. Шўрвасини янгам икковинларга ичириб, тиловат қилиб қўйсак-да, кейин турсак.

Ҳовлининг бир четидан икки кетмон чуқур кавлашди. Холмирза ғирвон Хўрозбойни тутиб келтирди. Асадулла, қондан қўрқаман, деб четга қараб ариқ лабида сигарет тутатиб ўтирди. Замзам қори хўрознинг калласидан тутиб, оёғи билан қорнини босиб туриб: «Хотинбознинг жазоси шў», деди-да, бўйнига пичоқ тортиди... Заҳроби тоғора келтирди. Ариқ бўйида хўрозни тозалашга киришишди. Унинг калласи билан оёғини Асадулла дарҳол олиб, ит билан қадрдон бўлиш мақсадида, катак томонга қараб «Ма, Йўлбарс!» деди. Ит югуриб келиб, луқмасини илиб кетди... Хўрознинг ошқозонини тозалаётган Замзам қори ногоҳ «Лаилаҳа иллоллоҳ!» деб юборди.

— Нима гап?!— дейишди бараварига қолганлар.

Қори қўлида тилла узукни айлантириб, ҳайрат билан боқиб турарди.

— Менга савоб иш қилганим учун оллоҳ таоло юборди!

— Э, бизнинг уйимиз шу узукни деб, бузилиб кетишига сал қолди-да!— тушунтирди Холмирза ғирвон.— Янгангиз билан шуни талашиб уришиб қолдик. Аччиғим келиб боғнинг тўрига отиб юборувдим.

— Нега талашасизлар?— сўради қори.

— Кўчадан топиб олувдим. Янгангиз тилла тиш солдираман, деди. Мен, ҳукуматга берайлик, дедим.

Асадулла чанг солиб Замзам қорининг қўлидан узукни олди, Холмирза ғирвонга узатди.

— Манг, уста. Янгамга тилла тиш солдириб беринг, хурсанд бўлади.

— Йўқ, Асадуллахон. Кўчадан топиб олинган нарса — ҳаром. Шу касофат менинг уйимга кирмасин. Мен бунинг тилла эканлигини билганимда эди, ўша йўлдаёқ милисага топшириб келардим.

— Раз, уста воз кечган бўлсалар, менга бериб қўя қолинглар, ҳақларингга дуо қиламан.

— Бекорларни айтибсиз, — деди Асадулла қорига қараб лабларини чўччайтирар экан. — Аслида, бирон нарса топиб олинса, «Ҳой, кимники?!» деб уч марта чақирилади. Эгаси чиқмаса — ҳаппайи-ҳалол. Колхоз бозорининг ичида «Топилдиқлар бюроси» бор. Бошлиғи — ошнам. Уша ерга топширамиз. Бир ҳафта, борингки, ўн беш кун кутамиз. Эгаси олиб

кетмаса, яна уччовимиз тўпланиб бирон маслаҳатга келамиз, хўпми? Келишдикми?

— Майли-майли, — деди Холмирза ғирвон...

Хўрозшўрва пишгунча Асадулла билан Замзам қори шамғалат қилиб арақнинг қолганини ичишди. Шишани жўякнинг ичига отишди... Шўрвани тугатгач, қори тиловат қилиб, эр-хотинга узоқ умр тилади. Энди қадрдон бўлиб қолишгани, бу хонадонга тез-тез келиб туришларини изҳор этишди...

Асадулла билан Замзам қори кўчага чиқишганда қоронғи тушиб қолган эди. Бир оз юришгач:

— Бешни чўзинг, — деди Асадулла.

— Қайси бешни?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Устадан икки марта беш сўм ундирдингиз.

— Ҳо-о, бу — хизмат ҳаққим.

— Хизмат эмас. Шилдингиз. Хизматингиз учун арақ ичдингиз, хўроз гўшти, тухум эдингиз. Агар мана бу узукнинг эгаси чиқмаса, бундан ҳам нафланасиз. Қани, чўзинг!

Замзам қори қалтираб пулни чиқарди-да, симёғочдаги чироқнинг нурига тутиб текшириб кўрди. Пулни узатаркан, деди:

— Ҳанифахонни гаплашиб берасизми?

— Ҳой, қори, уялмайсизми? Унинг эри бўлса, сизнинг — хотинингиз?

— Ҳах, эр бўлмай ўлсин, ўша ўйинчи. Ҳезалак-ку.

— Хўш, сизнинг хотинингиз-чи? Рўхсат берадимиз? А?

— Унинг касали бор. Жуда қийналиб кетдим, Асадиллахон, ука, — деди йиғламсираб қори. — Худо инсоф берсин деб, шу пайтгача чидаб келдим. Жа, бўлмай кетяпман.

— Ҳанифахон сизни ёқтирадимиз-йўқми, буни ҳам сўраб кўрдингизми? Соқолингиз эчкиникидек, қулоғингиз эшакникидек бўлса.

— Жа бунақа ерга уриб юборманг. Парвардигор истарамизни иссиқ қилиб кўрсатса, ажабмас. Муҳаббатнинг кўзи кўр.

Асадулла кулиб юборди.

— Ҳа, қори тушмагур-ей. Бўпти. Мен Халтуранинг, э, кечирасиз, Ҳанифанинг юрагига ўтни ёқавераман, сизни мақтайвераман. Лекин сиз, соқолни кирдирасиз, сочни қўйиб, мана бизга ўхшаб эллик сўмлик чуст дўппини қийиб оласиз. Кўк дўппиниям ташланг.

— Э-э, соқолимиз бўлмаса биров бизни икки пулга ҳам олмайди, ука.

— Қачонгача бировларнинг қўлига қараб яшайсиз? Ҳозир ҳеч ким динга ишонмайди. Қори, имомларнинг даври ўтиб кетди. Одамларга калака бўлиб нима қиласиз? Ўзимиздаги хоҳлаган цехга киринг, жойлаб қўяман. Ҳали чол эмассиз-ку?

— Майли, чуст дўппини кияйлик, аммо со-қол...

— Муҳаббат машаққатсиз, қурбонсиз бўлмайди, тақсир...

— Биронта автобусми, маршрутками келармикин? — сўради Замзам қори атрофга аланглаб.

— Соат ўндан кейин анча қийин. Манави жар маҳалладан икки юз метр юрсак тўғри Навоийга чиқамиз. Троллейбус дейсизми, автобусми, ҳаммаси бор.

Икковлари анҳор бўйлаб озгина юришгач, ўнг томондаги кўчага бурилишди...

Холмирза ғирвон кўрпага киргач, Заҳроби деди:

— Ҳалиги ет юткур икковиси ичаркан-а? Ун сўмни уриб кетганини айтмайсизми?

— Майли, — деди Холмирза ғирвон. — Арақ ичсаям, пулимизни олсаям бизни яраштириб қўйди-ку. Бундоғ ўйлаб қарасам, сен билан мен учун бундан ортиқ давлат йўқ экан.

У хотини томон ўгирилиб, уни бағрига босди.

Бебошев Асадуллани чақириб тайинлади:

— Бугун-эрта халқ амалиёти кўриги бўларкан. Тоғамизнинг маданият уйлари озгина ремонтталаб бўлиб қолибди. Устани топсангиз, ҳозир эмас, индинга эрталабдан бориб ёрдам берворсанглар.

«Хўп бўлади, тўғрилаймиз», деди Асадулла калласини қийшайтириб, кинояомуз оҳангда. Ташқарига чиққандан кейин ўзича тўнғиллади: «Аблаҳ, ремонтни бизга қилдириб, ремонт учун ажратилган давлат пулини тоғаси билан бўлиб олади. Шошма, кетингга бир «атом» қалампирдан қўйиб қўяйки, сира ўтира олмагин!..»

Асадулланинг кейинги кунларда тутақиб юришида сабаб бор. Биринчидан, ойлик ҳисоботни илгари Асадулла йиғиштириб «чўтал» олиб турарди, маҳрум бўлди. Цех бошлиғи турганда нега оддий ходим ҳисобот қилади, деб Бебошев бу вазифани қонун бўйича ўз қўлига олди. Иккинчидан, Холмирза ғирвонни икки штатга расмийлаштириб, битта штатнинг маошини бўлиб оламиз, деб режа тузишган эди. Ваққосхон почча бу режани бузди: «Асадулла билан ош-қатиқ бўлаверманг, — деди Бебошевга. — У бир товламачи бола, аввалдан танийман. Уста қоровуллигини қилаверсин, дурадгорлик ёки ремонт-пемонт ишлари бўлса, унияма қилаверади. Қоровул бўлгандан кейин нима буюрсангиз қилаверади-да. Мана, бизни қоровуллар, «гўр кавла» десангиз — кавлайди, «ўликнинг тилла тишини суғуриб ол», десангиз — суғуради. Ҳа, шариятда тилла тиш билан кўмиш гуноҳи азим. Ҳозир қабристонга келаётган икки ўликдан бирининг тилла тиши бор... Хўш, у ерда дурадгорчилик эмас, темирчилик очамиз, вот так... Муҳим бир режа бор. Қариндош-уруғлар йиғилиб, маслаҳатлашиб олишимиз керак».

— Асадуллани, нима қилай? — сўради Бебошев. — Мени Аштархон акамлар жойлаганлар бу ерга, деганди.

— Аштархон акаси ким экан?

— Ҳайронман.

— Ҳм-м, — дея ўйланиб қолди Ваққосхон. Областадаги барча каттаконларни кўз олдига келтириб кўрди, эслолмади. Ё марказда ишлармикин, деб чамалаб ҳам кўрди.

— Бўрихон акам ҳам оёқ-қўли чаққон йигит, дегандилар.

— Бўлмаса бундай қилинг: ўзингиздан унча узоқлаштирманг ҳам, жуда яқинлаштирманг ҳам. Или-милиқ бўлинг. Катта операцияларга, пул билан боғлиқ ишларга аралаштирманг. Ҳозир туғишганингга ҳам ишониб бўлмайди...

Шу суҳбатдан сўнг Бебошевнинг муносабати ўзгарди. Асадулла буни сизди. Холмирза ғирвон билан Замзам қорини чақириб, ёнидан узукни олди.

— «Топилдиқлар бюроси»да ҳеч ким келиб сўрамабди, — деди узукни айлантириб, гарчанд узук ўша кундан буён унинг чўнтагидан чиқмаган бўлса ҳам. — Раз, кўчадан топилган нарса ҳаромми, учовимизнинг кўнглимиз олгани чопмаяптими, шуни бошлиққа совға қилиб қўяқолайлик, нима дейсизлар?

— Энди, Асадиллаҳон бир гапни айтгандан кейин, шак келтириб бўлмайду, — минғирлади Замзам қори.

Учовлон орқа-олдин бўлиб, ассалому алайкум, деб Бебошевнинг хонасига кириб боришди. Асадулла гап бошлади:

— Турдивой ака, гарчи бизга ука бўлсангиз ҳам, ака деймиз. Чунки, бошлиғимизсиз, бошлиқ — отангдан улуғ, деганлар. Илгари бу даргоҳда, сизнинг ўрнингизда аёл киши ишларди. У кишини «она» дердик. Сиз — отасиз. Шу ерга келганингиздан буён тузукроқ йўқлолмадик. Бугун учовимиз, нима олсак экан, деб уч соат маслаҳатлашиб, мана шу узукни сизга совға қилишга қарор қилдик.

Бебошевнинг кўзлари йилтираб кетди.

— Оббо, ҳожати йўқ эди-ку, бекор овора бўлибсизлар-да, —

у узукни ўрта бармоғига, сўнг номсиз бармоғига тиқиб кўрди-ю миннатдорчилигини яширолмади. — Минг раҳмат, бизда ҳам қолиб кетмайди.

Учовлон ташқарига чиқишганда Асадулла деди:

— Мана энди бизни бирон киши бу даргоҳдан бульдозер билан ҳам чиқаролмайди...

Лекин бари бир Асадулла «чўтал»дан қолгани учун дили хуфтон эди, тутатиқ юрарди...

Бугун эрталаб Холмирза ғирвон билан маданият уйига кета туриб ҳам, бошлиқнинг гўрига ғишт қаларди...

Улар Чорсуга етишганда машина билан одам бамисоли аралашиб кетганди. Автобус, такси, троллейбус ва бошқа транспорт воситалари, ранг-баранг, олақуроқ расталар, магазинлар, қишлоқлардан келган ёймачилар, газета-журнал, сув сотиш дўконлари, каллапазлар, қандолатчилар, қатиқфурушлар, йўл ёқасида палов сотаётган ошпазлар, новвойлар — бари Чорсу аталмиш қозонда қайнайди. Холмирза ғирвон билан Асадулла Мулла Қирғиз мадрасасининг ёнидан ўтишаётганда новвойлар пешвоз чиқишди:

— Отахон, мана нон, буни қаранг, еб кўриб пул берасиз. Бир сўмга еттита, боринг саккизта... Мана, иссиқ, қаймоқнинг таъми келади...

Холмирза ғирвон иккита нон олиб чарм халтасига солди.

— Шу новвойларни йўқотиш керак. Жа ҳадисини олди-да. Юргани йўл бермайди-я, — тўнғиллади Асадулла. — Мен ҳам новвойчилик қилайми? Ўн тўққиз сўмлик бир қоп ун олтмиш сўмлик нон бўлади. Чумчуқнинг кўзидек нон қилсангиз етмиш сўмга ҳам чиқариш мумкин.

— Новвойчилик жуда улуғ иш, савобли ҳунар, — деди Холмирза ғирвон ариқ лабидаги чинор соясига ўзини олиб. — Осимхон билан Қосимхон деган иккита наманганлик саёҳат қилишибди. Бир шаҳарда кўноқ бўлишибди. Осимхон ташқарига чиққанда шеригидан сўрашибди:

— Ҳамшахарингиз қандай кишилар? Вазифалари нима?

— Э, у киши жуда улуғ одам. Ул зотнинг қўлларини тутмаган одам йўқ, — депти Қосимхон. Орадан бир оз фурсат ўтгач... қаёққа қараяпсиз, қулоқ солинг. Орадан бир оз фурсат ўтгач, Қосимхон зарурат туфайли ташқарига чиққанда, Осимхонга ҳам шу мазмунда савол беришибди.

— О-о, — дея жавоб қилибди Осимхон. — Қосимхон ака жуда улуғ зотлар. Шаҳримизда бирон одам йўқки, ул киши бошини силамаган бўлсин.

Бу ерда ўтирганларнинг меҳмонларга меҳр-этиқоди ошиб кетибди. Шу воқеадан уч-тўрт ой ўтгач, наманганлик икки улуғ зотни зиёрат қилиб келайлик, деб йўлга отланишибди. Наманганга келиб ҳалиги улуғ зотларни қидириб топишса, уларнинг бири новвой, иккинчиси сартарош экан. Ҳақиқатан, уларнинг қўлидан нон емаган, ёки бошини тутиб соч олдирмаган одам йўқ экан. Ана, ука, новвойларни ҳурмат қилиш керак. Новвойсиз юртда файз йўқ.

— Шунақа ҳикояларни билсангиз: сиз ҳам табаррук зот экансиз, — деди Асадулла Холмирза ғирвоннинг тирсагидан тутиб. — Юринг, анави светофорнинг тагидан ўтиб олайлик. Тагин, машина уриб кетиб, улуғ зотсиз қолмайлик...

Шаҳарнинг энг гавжум, сершовқин қисмига жойлашган маданият уйининг қўш табақали эшиги олдида қўлтиғига ғижжак қистирган, кўзлари сузилган, пачоққина одам оғзида носи билан рўпарасидаги чуст дўппили, этик кийган кишига гап уқтирарди:

— Мен сиздан бий тийин оймайман, хўмми. Пақат каннайчи билан суннайчининг ҳақини бейасиз, холос. Шундаям, ўша етим-есилла хуйсанд бўлсин десангиз, туф-ф...

Холмирза ғирвон билан Асадулла ичкарига киришди. Кенгина залда биров эски брошюраларни титкилаб, ора-чора столни чертма қилиб ўтирибди.

— Келинг, хизмат? — деди Асадуллага кўзини қисиброқ.

— Хизмат шуки...

— Ҳозир сезон, биронта состав бўш эмас.

— Бизга состав эмас, директор керак.

— Директор ҳам ўз состави билан.

— Сен ким бўлиб ишлайсан?

— Инструкторман.

— Директорни қачон топамиз?

— Жуда ҳам зарилми?

— Зарил бўлмаса, директорингни бошимизга урамизми, дедом. Биз устамиз. Ўзи чақирган. Бўлмаса, кетиб қоламиз, йиғлаб юради, — деди Асадулла қўлини белига тираб.

— Шундай демайсизми, ака, — деди инструктор ўрнидан дик этиб туриб. — Юринглар, бу ёққа.

Каталакдек кабинетда уч киши ўтирибди. Зангор мовут ёпилган столнинг ортида ранги заҳил, лунжи осилган, кўзлари қизғиш директор гирдиғум, тилла тишли йигит билан шашка ўйнаётди. Чап томонда, деразанинг ёнида, магазиннинг витринасига қўйилган манекенни эслатувчи қотмагина аёл қўлидаги ойначага қараб юз-кўзини пардоз қиляпти. Асадулла «Ассалому алайкум» дейиши билан аёл директорга қараб сайраб кетди:

— Шу десангиз, Маъруфжон ака, шу бугун каллаи саҳарлаб яна биттаси кепти. «Вой, вақтим йўқ, боролмайман» десам, «жон опажон, тўйимизни ўтказиб берасиз, ўзингиз бормасангиз бўлмайди, мен ваъда берганман, минг десангиз — минг, икки десангиз — икки минг тайёр!» деса-ю, бир даста яканни чиқариб, оёғимга ётиб олса бўладими...

— Э, жим тур! — деди унга директор, Холмирза ғирвон билан Асадуллага жой кўрсатиб, — қани-қани, келинлар, марҳамат, — деди. Гирдиғум йигит билан аёл мушукдек сирғалиб чиқиб кетишди. — Сиззи таърифингизни, уста, Турдивойдан эшитиб жа хурсанд бўлдим. Хўш, ҳов, ана шу ҳовлининг бир томони бўш ётибди. — Директор калласини эгиб деразадан ташқарига қаради. — Қозон бор, ўчоқ бор. Кўчадаги ошхонада овқатланмай, шу ерга бир ёпиқ қилсак. Вақт-бевақт сизлар ҳам келиб овқатланиб туришинглар мумкин. Қалай?..

У ниҳоят ўрнидан туриб, Асадулла билан устага «юринглар» деди. Маданият уйининг ҳовлисига чиқиб бир бурчакка боришди. Бу ерда ёғочтахта тахланиб ётарди.

— Мана, ёғочми, михми, шиферми — ҳаммаси бор. Бемалол ишлайверинглар...

Директор кундуз соат иккиларга яқин йигирма сихда кабоб, саккизта нон, битта коньяк олиб келди. Ҳовлидаги олма дарахтининг остига палос тўшашди. Директор ва Асадулла қизаришиб, Холмирза ғирвон чой билан кабоб ейишди. Асадулла бир пиёла ичгач: «Одамни лоҳас қилади, қолганини кечқурун ичсак, дедом», — деди. Директор қаршилиқ кўрсатмади. Социққа лунжини артгач, «Менинг озгина ишим бор, сизлар заправкани хотиржам қилиб олинглар», деб туриб кетди.

Холмирза ғирвон чой ҳўплаб ўтираркан, дўпписининг чангини чертаётган Асадуллага гап қотди.

— Кеча сочингизнинг ярми оқишроқ эди, бугун қопқора-я? Бўяб турасизми, дейман?

— Ҳа, энди, отангни онангга бепардоз кўрсатма, дейишган машо-йихлар, дедом. Дўст оёғингга, душман бошингга қарайди. — У дўпписини кафтига тарс этказиб уриб, чаккасига қўндирди.

— Замзам қори дуппа-дуруст соқолини қирдириб ташлабди, турқини бузиб, товба, — деди Холмирза ғирвон.

Асадулла кулиб юборди.

— Бунинг сабаби бор, сиз билмайсиз, дедом.

— Бесоқол болага ўхшаб қолибди. Одам ўзига ярашган қилиқни қилиши керак... Нечаларга бордингиз? Болалар борми?

— Ўттиз саккизи уриб қўйдик, иккита неварам бор, дедом.

— Э, ҳа-й!..

— Камбағалнинг эккани эмас, тиккани унади деганларидек, олтига қиз бор, дедом, — Асадулла сигарет тутатиб; осмонга пуфлади. — Ўн

етти ёшимда, ёмон йўлга кириб кетмасин, деб уйлантириб қўйишган. Армияга боргунча битта, келгунимча иккитасини туғиб турибди келинчак. Шундан бери «туф» десам, туғаверади-да. Яқинда иккинчи қизимни эрга бердик... Вой-ей, ийғим чиқиб кетди. Агар шу урф-одатимиз бўладиган бўлса, қолган қизларни узатгунча узилиб қоламан шекилли. Соч бекорга оқармаяпти, дедом. Мана, — у дўпписини олиб сочини сийпади, — секин-секин тўкилиб ҳам кетяпти, аҳмоқ соч ақлли бошни тарк этяпти.

— Ношукур бўлманг, ука. Қани энди менинг болаларим ўнта бўлса. Афсуски, шу битта ўғлим бор, холос. У ҳам иккинчи хотиндан.

— Биринчисига нима бўлган?

— Урушдан олдин иккита боламиз ўлди. Урушдан келсам, хотиним ҳам қазо қилган экан, — Холмирза ғирвон Асадулла томонга сал энгашиб, йиғламсираб шипшиди. — Очликдан ўлиб-ди, очарчиликдан! Хўв-в, уҳ-уҳ-уҳ, у кунларни қайтиб кўрсатмасин! Эслаган сайин жигарим эзилиб кетутти!.. Ҳозирги ёшлар очлик нималигини, бит нималигини билмайди. Шукр қилинглар, шукр қилинглар!

— Тўғри, қориндан шикоят йўқ, уста, — деди Асадулла чордана қуриб. — Лекин, японский бўлсин, арабский кияман, деган гаплар сочни оқартиряпти. Топганимиз тўй билан азага сарф бўляпти. Битта ўлик тўртта тирикни чалажон қилиб кетяпти. Мен учта ота кўмдим. Биттаси ўзимизнинг ҳақиқий, заслуженный отамиз. Қолган иккитаси — ўгай. Ўлган ўлиб кетади. Марҳум тириклигида нари борса саксон сўм пенсия олади-ю, ўлгандан кейин бу ёқда қолганларни камида саккиз мингга ўтқзади. Камида бир йилгача харажат: ҳали етти, ҳали йигирма, қирқи чиқди, қир ювди, қор ёғди, янги ҳайит, наврўзлик, йил оши, оқ кийди... бай-бай-бай. Дод деворай дейман-да! Агар уйингиздан учта ўлик чиқса борми — тамом, орқасидан ўзингиз ҳам қўшилиб кетаверасиз... Уста, мен жичча мизғиб олай, манави лаънатини ичмай, дедим-а. Иссиқда одамни лоҳас қилади.

— Шу касофатни ичманг, ука, бола-чақангиз кўп экан. Мен бир гапириб қўйдим. Ёшлигида арақхўр бўлган одам қариганда иғвогар бўлади. Бундай зеҳн солиб қаранг-а, иғвогарларнинг аксари ичади.

— Мен ичмайман, ичмайман, уста, — деди Асадулла кўзларини сузиб ёнбошларкан. — Умримда бирон марта пулимга олиб ичмаганман. Холмирза ғирвон кафтига нос ташлаб отди.

— Текинга бўлсаям ичманг. Бу — филни ҳам йиқитади. Кейин, ука, бундоғ разм солсам, чаққонгинасиз. Қурилишда ишланг, иморат қуришга ўргатиб қўяман. Ҳеч қачон меҳнатнинг енгилини, ноннинг юмшоғини қидирманг. Юмшоқ ёстиқ бош оғритар. Агар енгилга ўргансангиз, оғирни кўрганда оёғингиз қалтирайдиган бўлиб қолади. Бошингиз қарздан чиқмайди.

— Ия, эҳ, калла! — Асадулла бошини кўтариб пешонасига шапатиллади. — Берган йигирма сўмингиз паққос эсимдан чиқибди-я.

— Мен қарзимни сўраётганим йўқ. Омади гапни айтяпман. Иннайке-йин, ўзингиз ҳам катта устаман, дегандингиз шекилли.

Асадулла хохолаб кулди.

— Ҳа, энди, устачилик бизга иккинчи отамдан мерос эди. Ўгай ота ўргатган ҳунар эсда қолармиди. Аммо, уста, беҳазил, мабодо бирон иш топилганда мени ҳам олиб кетсангиз, бола-чақа дегандек...

— Майли. Лекин ҳалиги гапим ёдингиздан чиқмасин. Ҳозирги ишингиз — ҳунар эмас. Аниқ бир касб билан машғул бўлиш керак. Хўп, сиз пича дам олиб туринг, мен ёғочни тайёрлаб олай.

Уста носини бир четга пулкаб пойтешани олди. Асадулла чўзилди, бир оздан сўнг хуррак эшитилди...

Чамаси ярим соатлар ўтгач, «калла пишдими?» деб Холмирза ғирвон секин туртди. Асадулла «вой белим-ей», дея ўрнидан туриб, кранда юзини чайди.

Икковлари ёпиқни ёғочдан чиқариб бўлай деб туришганда бу ерга бедана юриш қилиб қотмагина, бўйни қилтириқ киши эшилиб кириб келди, қўлини пешонасига соябон қилиб сўради:



— Ҳой, бу ерга нима соляпсизлар? Ётоқхонами, ошхонами? Асадиллахон, сиз нима қилиб юрибсиз?

Холмирза ғирвон унга қараб анграйиб турарди, Асадулла эса, ўша одамнинг гап оҳангига тақлид қилиб деди:

— Вой, ошхона сол-япмиз-а. Нима есангиз, шу ерда пишириб еяверасиз энди.

— Вой, мен куйдирги бўлсаям еявераман, ука, — деди ҳалиги одам буралиб куларкан. — Текин бўлса-бўлди. Ҳанифа айтувди, янги бошлиғимиз, Маъруфжон акага жиян бўларкан, деб. Ҳойнаҳой сизларни янги бошлиқ юборгандир-да... Ҳай, Маъруфжон акам шейдалами?..

У шундай деб ичкарига бедана юриш қилиб кириб кетди.

— Ким бу одам? — сўради Холмирза ғирвон.

— Розик олифта. Ҳанифанинг эри. Қизларга ўйин ўргатади.

— Ўзимизнинг Ҳанифахоннинг эрими?.. Товба...

Намозгарда ёпиқ битди. Директор бир товоқ манти билан коньякнинг қолганини дастурхонга қўйди. Инструктор билан Розик олифта ҳам ҳозир бўлишди.

— Отахон, айбга буюрмайсиз, сиз ичмас экансиз, — деди директор пиёлани тутиб. — Биз озгинадан иштаҳа учун оламиз. Лекин сизга катта раҳмат. Тўй-пўй қилсангиз, бажонидил хизматда бўламиз.

— Янаги бозор қуни мениям ошхонамни томини янгилаб берсангларчи, — деб қолди Розик олифта овқат устида. Сунг директорга қаради: — Асадиллахон-ку, ўзимнинг укам, эски улфатим. Манави оппоғдадам ҳам яхши одамга ўхшайла. Ўзларидан ҳам соқоллари чиройли экан. Менга ёқиб қолдила. — Розик олифта қошларини кериб, оғзининг икки четини артиб қўйди. — Шу десангиз, оппоғдада, шу йил баҳорда жала билан дўл ёғиб, ошхонамнинг томини расво қилворди. Бир маҳал ошхонага кирсам сув лам-лам оқяпти. Вой шўрим, вой шўрим, дедим. Ҳалиям тузалмай ётибди-да, адо бўлгур.

— Энди, қизим, э, кечирасиз, ўғлим, менинг вақтим йўқ, — деди Холмирза ғирвон. — Мен бу ҳунарни ташлаб юборган эдим-у, аммо бошлиғимиз илтимос қилгани учун ноилож келдим.

— Менинг ишимни худо ўнгламади-ўнгламади-да!

Розик олифта шундай деб ориқ, узун панжаларини ёйиб, ўрта бармоғидаги узукни сириб қўйди.

Асадулла билан Холмирза ғирвон ялт этиб бир-бирларига қарашди...

Маданият уйининг кўча эшигига етишганда Асадулла устага «мен ҳозир», деди-ю ичкарига қайтди. Директор ҳамон чой ичиб ўтирарди.

— Маъруфжон ака, — деди Асадулла столга тиралиб. — Ёддан кўтарилай депти. Устанинг ҳақини бермаймизми?

— Ия, пул ҳам берамизми?

— Ҳа, нима деб ўйловдингиз?

— Йў-ўқ, мен шунчаки, цехга қарашли дурадгор деб ўйлабман.

— Бу одам қоровул, холос. Бизда дурадгор штати йўқ.

— Э-э, ҳа-а. Қанча берсак бўларкин?

— Мен Турдивой аканинг укаларидек одамман. Менга пул керак эмас. Лекин устани рози қилмасак... Ҳозир, усталар, биласиз, камида ўттизга ишлайди. Майли, бу кишига йигирма беш берақолайлик.

— Шундайми, ҳай, хўп...

Директор йигирма беш сўм берди.

Холмирза ғирвон кўчада кутиб турган экан, Асадулла сўради:

— Автобусга чиқасизми?

— Бозор ёпилмаган бўлса, уч-тўртта ҳандалак олмоқчиман.

— Мана бўлмаса, сизга чойчақа. Директор берди. Оз бўлсаям кўп ўрнида кўрасиз.

— Э, ҳа-й, ҳожати йўқ эди-ку. Бошлиқ эшитса, тоғамдан пул олибсиз, деб хафа бўлмайдимми?

— Тупурдим тоғасига! Биз меҳнат қилдик. Сизга бу она сутидек ҳалол, дедом.

— Бўлмаса, буни бўлиб олайлик, сиз ҳам болаларингизга бозор қилинг.

Холмирза ғирвон Асадулла берган йигирма сўмнинг ўн сўмини унга узатди.

— Йўқ-йўқ, менга шашлик еганим ҳам етади.

— Унақа деманг, хафа бўлман, ука.

Холмирза ғирвон қанча зўрламасин, Асадулла тортиниб турди. Ноилож пулнинг беш сўмини олди. Беш сўмни аввалроқ уриб қолганига қиттак хижолат чекди...

— Ҳали бир нарсага эътибор бердингизми? — сўраб қолди Холмирза ғирвон.

— Узукками?

— Балли.

— Худди бизникига ўхшайди. Агар ҳақиқатан бизники бўлса, бармоғини кесиб оламан-да, ҳезалакнинг.

— Биз бошлиққа бергандик-ку, ука? Розик олифтанинг қўлига қандай тушдийкин? Кўрибоқ юрагим жиз этди.

— Бунақа узукнинг уруғи кўп. Аммо, менинг ҳам юрагим жизиллаб кетди. Бунни аниқлаймиз, уста...

— Бўпти, хайр, тинч бўлинг...

— Холмирза ғирвон ўн беш сўм билан бозорга, Асадулла ўн сўм билан уйга равона бўлишди. Икковининг ҳам калласини: «Узук Розик олифтанинг қўлига қандай тушиб қолди экан?» деган жумбоқ банд этган эди.

## 8

Дафн бюросининг раҳбарларидан бири бўлмиш Ваққосхон «В. Р. Ж. З. Г. Д. Л. К. БИТ»га қарашли цех дарвозаси олдида шахсий қора «Волга»сидан тушди-да, бу даргоҳга қайниси Бебошев бошлиқ эмасу гўё ўзи бошлиқдек, қўлларини орқасига қилганча атрофга хўмрайиб назар ташлади ва бурнини қоқди. Дарвоза биқинидаги эшикдан Холмирза ғирвон чиқди.

— Ассалому алайкум, келинг, мулла, келсинлар.

— Ва-а, — деди Ваққосхон.

— Дарвозани очиб қўяйми?

— Машинага қараб-қараб қўярсиз... Турдивой шу ердами?

— Ҳа, ичкаридалар.

Холмирза ғирвон машина ёнида қолди. Ваққосхон цех ҳовлисига ўтгач, атрофни кўздан кечириб, ўзича нималарнидир чамалаб чиқди. Ён-веридан ўниб турган ишчиларга калласини қимирлатиб кўйди. Бебошев поччасининг ёнига югуриб келди.

— Саломалайкум, келинг, почча.

— Ва-а, — деди Ваққосхон. Кейин бармоғини ўқталиб давом этди.

— Мана бунни бу ёққа оласиз! Анавини у ёққа кўчиринг! Деворнинг белидан юқорисини панжара қиласиз.

Бебошев «хўп-хўп» деб турди. Ваққосхон ҳовли ўртасидаги кранда қўлини ювиб, дастрўмолига артди-да, носқовоқдек бурнини қоқиб, димоғини тортиб, тупурди. Сўнг «маслаҳатли гап бор», деди.

Улар Бебошевнинг хонасига йўналишар экан: «Асадуллахон, Асадуллахон! Асадуллахонни топинглар!» — деди цех бошлиғи.

Асадулла шипиллаб етиб келди.

— Поччамиз келибдилар, дарров битта чой ташкил қилворинг, — деди йўлақда Бебошев.

— Тўғрилаймиз! — Асадулла шундай дегач, ташқарига чиқиб попопчилардан биттасини чақирди. — Сотти сурнай, ўзингизни кўрсатадиган пайт келди. Бошлиқнинг поччалари ташриф этдилар. Физиллаб бориб ўн-ўн бешта кадоб, бирон сўмлик нон, қолгани виждонингизга ҳавола, шуларни келтирсангиз. Тўй мавсуми бошланяпти, ҳақини чиқариб оларсиз, а, лаббай? Сурнайчидан бир пуф, деган экан машойихлар, дедом.

Попопчи-сурнайчи зинғиллаб кетди. Асадулла Холмирза ғирвонни қидириб кўчага чиқса, «Волга»нинг рўпарасида чўнқайиб ўтирган экан.

— Ҳа, дедом? Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Машинага қараб ўтиринг, деган эдилар ҳалиги одам, — деди Холмирза ғирвон ўрнидан қўзғалиб. — У киши катта раҳбарларимиздан шекилли, а? Ҳов, қўй сўйган кунимиз ҳам келгандилар-а?

— Бе-е, гўрков-ку, у — деди қўл силтаб Асадулла. — Анавининг поччаси. Битта чой қўйиб юборинг, мен киргизиб бераман.

Холмирза ғирвон қоровулхонасидаги газга чой қўйди.

— Чой қайнагунча битта латифа айтиб берайми, уста? — деди Асадулла ва жавоб кутмасдан жавраб кетди. — Уша, сиззи маҳаллангиздаги психбанныса бор-ку, ғирвондаги. Шу баннисанинг бош врач палаталарни айланиб юрса, беморлардан бири ботинкасининг ипидан тортиб: «Маҳ, Бобик, Бо-бик, маҳ», деб ўйнаб ўтирган эмиш. Бош врач унинг кўнгли учун: «Ҳа, Ҳайбатулло, Бобикни ўйнатиб ўтирибсизми?» депти. «Жиннимисиз, дўхтир? — депти Ҳайбатулло. — Бу, Бобик эмас, бу — ботинка!»

Бош врач гапирганига пушаймон бўлиб, нарироқ кетса, ҳалиги одам ботинкага қараб нима дермиш: — «Бобик, бош врачни бопладикми?!»

Асадулла ўз латифасидан ўзи қийқириб кулса ҳам, Холмирза ғирвонга бу кулгили туюлмади.

— Энди, ука, жинни ҳам одамдан бўлади, — деди чойнакка қуруқ чой соларкан. — Уша ердаги дўхтирларнинг биттаси билан гаплашиб қолувдим. Айтадики, касалларимизнинг тўқсон фоизи ичкилик туфайли келади бу ерга... Мен сизга, Асадуллахон, ҳов бирда ҳам айтувдим, а? «Ҳой, болаларингиз кўп экан, ичманг», деб. Ҳозир ҳам айтаман: ичманг шу заҳарни, ука. Бир кун эмас, бир кун, мана шунақа — ботинка билан Бобикнинг фарқига бормай қоласиз.

— Э, қўйинг-ей, уста...

Попочи-сурнайчи қоғозга ўраб нон, кабоб, коньяк келтирди.

— Нонни мунча кўп олибсиз, — деди Асадулла ва иккита нон билан икки сих кабобни Холмирза ғирвонга узатди. — Мана буни олиб қўйинг, уста. Ҳали икковимиз тамадди қиламиз.

Асадулла чой билан емишларни бошлиқнинг хонасига олиб кирганда Бебошев таклиф қилди.

— Қани, ўзингиз ҳам ўтиринг. Вой-бўй, мунча кўпайтириб юборибсиз, — Бебошев поччасига ўгирилди. — Асадуллахон ака аломат одамлар-да. Мен шунақа акахонларимизга суяниб иш кўряпман.

«Ҳаҳ, туллак-ей», деб қўйди ичида Асадулла.

— Шунақа бўлиши керак. Сиз ўсадиган кадрсиз, атрофингизда яхши одамлар бўлиши лозим... Ҳўш, мен Бўрихон билан гаплашиб қўйдим, — деди Ваққосхон столга кафтини уриб. — Бу ерда темирчилик очамиз. Асадуллахонни шуларга шеф қилиб тайинлаймиз.

— Асадуллахон ака шундай ҳам шеф. Ишни шу киши бошқаради, планга шу киши жавоб беради. Мен фақат умумий раҳбарлик қиламан, холос.

— Раҳбарлик эмас, бошлуклик қиламан, денг. Майда-чўйдаги аралашманг, — уқтирди Ваққосхон. — Обрўйингизни тушириб қўясиз. Ишчи-ходимларнинг олдида сиртингиз билан туринг. Майли вазифаларни Асадуллахон қилаверади. Лекин келишиб ишланглар. Дилинглар ҳам, тилинглар ҳам бир бўлсин. Зулфиқоров бор эди-ку, ҳов, маиший хизмат уйининг директори... Утган йил қамалди-ку, бир группаси?.. Ҳўш, нега қамалди?.. Ичидан олов чиққан. Уртадаги фойдани таллашиб, бир-бирини сотган!

— Қанақа фойдани? — кўзларини пирпиратиб сўради Бебошев.

— Сиз бу соҳада янгисиз, — деди Ваққосхон. — Ҳали бунинг ҳар ўйинлари борки, унга кириб қолганингиздан кейин, ашулачилар айтганидек, чиқарга йўл тополмайман, дейсиз. Шунинг учун катта ўйинчиларни бундоқ кузатиб сабоқ олиш керак. Зулфиқоровнинг группасидан ўт чиқшининг сабаби шуки, уларда гравьер деган нарса бор. Яъни, масалан, чинни идишларга хат ёзиб берилади: «Фалон кишидан фалон кишига эсдалик учун» ёки «фалон меҳнат илғорига коллективдан» ва ҳоказо.

Булар заводдан шартнома бўйича чинни идишлар олади. Кейин нима қилади?.. Ҳалиги идишларни чайқовчиларга ошираверади. Келган фойда-ни тақсимлашда эса низо чиқади. Вот так. Камроқ еган битта аламзада сотади.

— Вой, номард-ей, — деди Бебошев ва Асадуллага қараб қўйди. — Бизда шунақа бўлмаслиги керак-да.

— Бизнинг одамлар ишончли, дедом, — деди Асадулла.

У қорни тўйғач, Ваққосхонга қараб: «Машинанинг калитини беринг. Шу коньяк сизга аталган эди, ичмасангиз ҳам ташлаб қўяй», деб ташқарига чиқиб кетди. Ваққосхон бу ерга келиш сабабига тўхталди:

— Энди, Турдивой, жиянингизнинг қўлини ҳалоллаб қўймоқчимиз. Кўрпачаларни янгилаш керак, увода цехингизда пахтасини титдириб берсангиз. Гуручни ўзингиз биласиз, қанақасини дамлаймиз, десангиз, хоҳишингиз. Тўйдан олдин ҳовлини, бир ремонт қилдириб, оқласак. Биласиз, бизнига озмунча одам келмайди. Бу ёғи шаҳар, бу ёғи қишлоқ. Хўш, болохона битмай чала ётибди. Анави қоровулингизни уста дегандек бўлувдингиз?

— Э-э, бўлди, есть, тўғрилаймиз. Неча кун ишлатаман десангиз, бемалол... Энди, почча, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Биз ҳисоботни бирлашмага топширамиз-а? Райбитнинг бошлиғи қайси куни: «Ҳисоботга мен ҳам қўл қўйишим керак», дейди. «Биз ҳисоботни бирлашмага топширамиз, қолаверса, районга хизмат қилсак ҳам, шаҳар территориясига турибмиз, шаҳар автобуси мана шу ердан қайтади» десам, «Районга мен хўжайинман, аввал менга салом берасиз», дейди.

— Тўғри, — деди Ваққосхон бурнини дастрўмолга қоқиб. — Райбит бевосита сизга хўжайин бўлмасаям, лаънати, олиб ўрганиб қолган. Унгаям озгина чўзмасангиз, пайингизни қирқишга ҳаракат қилади. Дунё ўзи шунақа: ходимлар сизга салом беради, сиз — райбитга, райбит — бошқармага, бошқармадагилар — бошқаларга... Мана шу ўзимизнинг Бўрихон бор-ку, ҳузурига қуруқ кирсангиз, «Гар саломинг бўлмаса, бир ямлаб ютаман», дейди. Ҳаммамизга ҳам тирикчилик керак, ҳаммамиз ҳам бу ёруғ жаҳонда рўзгор деб юрибмиз. Вақти келса мен ҳам оламан. Мана, масалан, бирон қақалоқ онасининг қорниданоқ ўлик туғилади ёки ярим соат яшаб ўлади, дейлик. Одатда ўликни кўп сақлашмайди. Туғруқхона, ЗАГСдан рўйхатдан ўтказ, дейди, ЗАГСда эса, ўлим сабаби ҳақида дўхтирдан справка келтир, дейди. Чақалоқнинг отаси «эртага кел, индинга кел» деган гаплардан безор бўлиб, шошилганча менинг олдимга келади: «Шу бир парча этни кўмиб қўяйлик, справкаларни эртага олиб келаман», дейди. Менга салом беради. Нима дейман? Йўқ, деёлмайман. Ёки баъзи отаси ўлган йигитлар: «Отамиз ёнидан онамизга ҳам жой олиб қўйсак, кампир кексайиб қолганлар», деб илтимос қилади. «Жой меники эмас, давлатники», дейман. Ахийри салом бергандан кейин, ноилож кўнаман. Кел, бўлса — халққа бўлсин, дейман...

Бебошев «яшанг, яшанг» деб турувди, машинанинг калитини бармоғида айлантириб Асадулла кирди. Ваққосхон «Ҳай, ишингларга ривож», деб қўзғалди. Бебошев уни кузатаркан, деди:

— Хотиржам бўлинг, почча. Асадуллахон ака эртага устани олиб борадилар...

Бебошев, Ваққосхон кетгач, поччасиникида бажариладиган юмушларни Асадуллага тушунтириб, хонасига кириб кетди. Ичкилик таъсирида лоҳасланиб, қўлбола каравотга чўзилди. Тўсатдан кўнгли Ҳанифахонни тусаб қолди. Ҳовлига чиқиб «Прокат — ижара» деб ёзиб қўйилган будкага калласини тикқанича: «Бир минутга олдимга киринг, маслаҳатли иш бор», деди. Ҳанифахон унинг орқасидан жилпанглаб кириб кетиб, ярим соатдан кейин ҳам чиқмади. Асадулла ҳовли бурчагидаги олманинг остида мудраб, «Астра» сигаретини буруқситиб, кузатиб ўтирган эди — безовталанди. Эринчоқ мушукдек секин қўзғалиб, Бебошевнинг хонасига яқин келди, эшикка қулоқ тутди. Кейин шартта эшикни очди. Бебошев Асадуллага ўгирилди-ю, Ҳанифахоннинг елкасига қоқиб: «Баракалла, оға. Яхши ишляпсиз, бу квартал ҳам ёлибликни қўлдан берманг», — деди.

Ҳанифахон лавлагидек қизариб: «Хўп, хўп, тан-жонингиз соғ бўлсин», деб чиқиб кетди. Асадулла: «Эртага ишга келмай, тўғри Ваққосхон аканикига кетаверайликми?» деб сўради. Гарчи бу гапни сал аввалроқ айтган бўлса ҳам. «Ҳа, жон ака, нима қилса ҳам у киши поччамиз», деди Бебошев...

Асадулла эшикни очганида Бебошев Ҳанифахонни қучиб турганмиди ёки қўлини елкасига шунчаки қўйиб турганмиди — номаълум, ҳарҳолда, Асадулла шу кунни Замзам қорига:

— Тамом. Келинчакдан айрилдингиз. Эссиз, қирдириб ташланган соқол-мўйлов, — деди.

— Нима гап? — сўради чийиллаб Замзам қори.

Асадулла лабининг четига кафтини тутиб шивирлади:

— Кеча Турди тошнинг эшигини очсам, Ҳанифани қучоқлаб, эзгилаб турибди-да!

— Ё, алҳазар! Ё, имонсиз!.. Мен буни ҳукуматга айтаман. Дуойи бад қиламан!

— Аввал факт керак, — кўрсатгич бармоғини юқорига ўқтади Асадулла. — Сиз кузатинг, изига тушинг, дедом. Айниқса, навбатчилик пайтда. Агар қўлга туширсангиз, иккаламизнинг фактимиз қўшилиб, сиртмоқ бўлади. Битта хатни ёзиб, думалатиб юборасиз, газетага.

— Иншоолло, болайдурмиз, — деди Замзам қори товушини пасайтириб. — Мен бир эзиб-ички тайёрлаб, билингирмай овқатига қўшиб юборайки, Бебошевнинг бошини тополмай қолсин.

## 9

— Қаттиқ қиш экан. Чойхўрлар тарқаб, чойхоначи энди уйқуга кетган пайтда эшикни биров тақиллатибди. Чойхоначи эшикни очса, қўлида шамдон тутган киши турганмиш.

— Келинг, хизмат? — депти чойхоначи.

— Икки чақирим йўл босиб Ғирвондан келяпман. Олов ёқадиган бўлиб қолдик, озгина тутантириқ бериб туринг.

— Қўлингизда шамдон турибди-ку? — депти чойхоначи.

— Э, дарвоқе, — депти ғирвонлик ва қайтиб кетибди...

Ваққосхон тебранма креслода писта чақиб ўтириб латифа айтар, Холмирза ғирвон билан Асадулла арзикка алебастр аралаштириб сувоқ қилишар экан, унинг гапига кулиб қўйишарди. Атлас лозим, ялтироқ халат кийиб, дуррачани дол қўйган Ваққосхоннинг хотини чой билан пиёла келтириб, эрининг олдига хонтахтага қўйди. Эгилганда оппоқ лорсиллаган ҳамёни кўксидан тошиб кетгудек бўлди. Асадулланинг унга нигоҳи тушиб, беҳузур сизди ўзини. Ваққосхоннинг носқовоқдек бурни, қопқора чўтир башараси, осилиб турган лунжига қараб туриб «Эссиз хотин», деб қўйди ичида.

— Уста, сизники Ғирвоннинг қаеридан? — сўради Ваққосхон чой қайтара туриб. — Қўрғон маҳалладанми, Қўйи маҳалладанми?

— Ҳа, ўша юқоридан, вай белим-ей, — деди Холмирза ғирвон ва Асадулла узатган зуваладек лойни шап этиб деворга урди.

— Бу, ғирвонликлар жа ажойиб бўлади-да. Яқинда биттаси бозордан сигир олибди. Манави, сизникига ўхшаган велосипеди бор экан. Шу велосипеднинг орқасига сигир боғлаб йўлда кетаётса, сигир машинадан ҳуркиб, велосипедни судраб қочиб кетибди. Ҳалиги ғирвонлик «Велосипед минган сигирни кўрдингларми?» деб роса икки соат қидирибди. Кейин ҳориб-толиб ўша биринчи йўқотган жойига қайтиб келса, дарахтнинг соясида дарахтга жағини тираб, кавшаниб ётган эмиш. Ҳо-ҳо-ҳо... Ҳалиги ғирвонлик нима дермиш: «Ҳе, хайрият, велосипедни авария қилмай келибди-ку!»

Ваққосхон куларкан, Асадулла: «Чойдан узатсанг ўласанми?» деб қўйди ичида, сўнг «Перекур, уста!» деди-да, сигарет тутатиб, остига бир жуфт фишт қўйиб ўтириб олди.

— Оббо, ҳозир чекдингиз-ку, — деди Холмирза ғирвон ва андавани

пақирга ташлаб, Асадулланинг ёнига чўқди-да, бир пой кавушини ечиб, тупроғини қоқди. Ваққосхоннинг кўзи унинг оёғига тушди.

— Оёқнинг панжасини нима қилгансиз?

— Фашист ғажиб кетган.

— Қандай қилиб?

— Уч-тўрт киши югуриб кетаётиб, автоматга дуч келиб қолдик. Таппа ўзимизни ерга ташладик. Немис ҳеч бош кўтартирмайди. Ёнбошлаб туриб немисни нишонга олдим-да, бошимдаги каскани оёғимга кийгиздим. Оёғимни секин кўтарувдим, немис оёққа отиши билан мен унинг бошига отдим...

— Уруш инвалиди экансиз-да, а? — деди Ваққосхон.

— Агар мен инвалид бўлганимда, — деди Асадулла қўлини белига тираб, — буларнинг ҳаммасини, уруғини ўйнатовардим. Устага ўхшаб лойкашлик қилмасдим. Уйда ёнбошлаб ётволардим: «Телефонни тушир, газни ёқ, водопроводни тўғрила, кўчани асфальт қил!» деб буйруқ бераверардим. Ҳозир ҳукумат инвалидлар нима буюрса — бажаради. Хафа бўлманг-у уста, сиз жуда бўшашгансиз-да.

Ваққосхоннинг хотини тушликда чой, шўрва, қовун келтирди. Ҳар келганда эгилди, Асадулланинг кўзи унга тушиб беҳузур бўлди. Ваққосхон овқат устида яна урушдан гап очди.

— Уруш ҳам қизиқ нарса экан-да. Баъзида телевизорда кўрсатади: гумбур-гумбур, гумбур-гумбур, бомба, бомба!.. Уша вақтдаги одамларда зап юрак бўлган экан-да. Ҳозир, масалан, менинг, бир нарса пақ этса, юрагим шақ этади. Ушанда одамзод ҳам қирилиб кетган бўлса керак...

Шўрвага нон тўғраётган Холмирза ғирвон минғирлади:

— Қўйинглар, урушдан гапирманглар. Тинчгина, роҳатланиб яшаётганингларга шуқр қилиб, юраверинглар.

У урушни эслашни хоҳламасди. Лекин баъзан гап чиққанда аскарлик йиллари хотираси кўзгусида қалқиб-қалқиб кўяр, ўзи ҳам қалқиб кетарди. Уша пайтларда содда, довдир ўспирин эди... Одам ёши ўтган сайин эҳтиёткор бўлиб қоларкан. У вақтларда жонни аяш, ўзни эҳтиёт қилиш, кўрқув деган нарсалар мутлақо ёдга келмасди. Ҳозир, фалон киши ўлиб қолибди, дейилса, сесканиб оласан, юрагинг увишиб кетади. Урушда эса, рўпарангда ажал ўқ ёғдириб туради, атрофингда юзлаб одамлар юмалаб қолаверади. Сен жасадлар устидан югуриб, олға қараб кетаверасан. Бир маҳал чаккангдан илиқ, шилимшиқ бир нарса оқиб, кўксинг қизилга бўялади-да, сен ҳам бошинг айланиб ўликлар устига ағдарилиб тушасан. Кўзингни очсанг, ёп-ёруғ хонада, оппоқ чойшабли қаравотда ўзингни кўрасан. У ёқ-бу ёғингни қимирлатиб, тирик қолганингга шуқр қиласан. Бироқ орадан кўп ўтмай сенга: «Ротадаги ўртоқларинг қирилиб кетди. Биргина сен омон қолдинг», дейишганда, юм-юм йиғлайсан. Қани улар — ҳозиргина чақчақлашиб ўтирган йигитлар?! Қани улар — севгилисининг суратини кўрсатиб, тўйга албатта айтаман, деган азаматлар?! Қани улар — урушдан кейин уй-уйларимизда учрашамиз, деб ваъдалашган биродарлар?!.. Йиллар ўтган сайин шу армон қалбингни кемириб, юрагингни эзиб бораверади... Холмирза ғирвон шунинг учун бундай лаҳзаларни, урушни эсласа кўзлари ёшга тўлади...

Келинг, у кунларни устага эслатмайлик. Яхшиси, манави Ваққосхонга ўхшаб уйининг зиналарига мармар қадашни, сандиқларни пул билан тўлдиришни, чиройли аёлларга тузоқ қўйишни ўйлаётганларнинг хатти-ҳаракатини кузатайлик... Бироқ Ваққосхон Холмирза ғирвон урушга эмас, гўё узоқ бир шаҳарга савдо-сотик учун бориб келгандек, ижикилаб сўрайверади.

— Урушга бориб-келганлар Швецариянинг соатини кўп олиб келган, дейишади. Ростми?

— Билмадим. Мен соат олиб келмаганман.

— Немисни кўрганмисиз?

— Кунора кўришиб турардик... Бир куни командиримиз «тил» тутиб келсанг-чи, Холмирза, деди. «Тил» дегани — пашист, дегани. Қоронги, ботқоқлик ўрмондан паналаб бориб, биттасини ғиппа бўғдим у оғзи-

бурнига кафтимни қопқоқ қилиб, мушук боладек ёнбошимга олдимда, командирнинг оёғига келтириб ташладим. Бундай қарасак, ўлиб ётибди-да. Энди ўн саккизга кирган ўспирин эдимиз жа бақувват эканманми, эзгилаб қўйибман-да. Командирнинг олдида жуда хижолат бўлдим. «Кечирасиз, ўртоқ командир. Бунақа ўлимтик эканини билмабман, бошқасини тутиб келаман», дедим. Кейин йўғон, семизини тутиб, елкамга ортиб келдим. Буниси яхши, ўлмади, полковник экан. Ана ундан кейин эртасига урушга кириб кетдик...

— Қайси урушга? Қайда уришдинлар? — сўради Ваққосхон бурнини четга қоқиб.

— Қўйинглар, бўлди, лаънат ўша урушга! — деди Холмирза ғирвон қўлини силтаб. — Қани, ишга!.. Асадуллахон, анави плиталарни сувга солиб қўйинг...

Кечқурун қайтаётганда, Холмирза ғирвон велосипедининг дами чиқиб қолганини сизди.

— Оббо, дами чиқиб қолибди-ку?

— Ҳали Ваққосхоннинг битта зумрашаси велосипедни титкилаб ўтирувди, — изоҳ берди Асадулла. — Падарқусур, ғирт мараз экан. Менинг сигаретларимни ҳам сочиб юборибди...

Асадулла автобусга чиқиб уйига қайтгач, Холмирза ғирвон дами чиққан велосипедни етаклаб Ғирвонга йўл олди. Заркент кўприкдан ўтганда қурутчи чол халта-хултасини энди йиғиштириб турган экан.

— Ассалому алайкум! Қоронғи тушди-ку, ҳалиям ўтирибсизми? — деди Холмирза ғирвон.

— Ваалайкум ассалом, ғирвонмисиз? Ҳали пивоҳўрлар кетишмади, — деди қурутчи чол. Сўнг ҳазилкашлик қилди. — Велосипедни елкангизга осиб олмайсизми? Дадангиз раҳматли ҳам эшаги чарчаганда елкасига кўтариб оларди.

— Э, ҳа-й, шунақами? Поездга беда олиб чиққанлардан биттаси сизнинг дадангиз эди шекилли? Дадангизнинг таърифини хўб эшитганмиз: қоронғида дала йўлида кетаётиб, сочилиб ётган ёнғоқларни териб олган экан. Эрталаб онангизга: «Хотин, кечаги лунгидаги ёнғоқларни олиб чиқ, мазза қилиб чой ичайлик», дебди. Онангиз лунгини дастурхонга қўйиб, ёзиб қараса — туянинг қумалоғи эмиш.

— Ҳа, ёмонсиз-да, ғирвон, — деди чол селкиллаб куларкан. — Сиз билан бирга кетволақолай.

Чол ҳассасига таяниб, инқиллаб тура бошлади. Холмирза ғирвон ёрдамлашди, «халтани мен олволай», деди. Икковлари муюлишгача суҳбатлашиб боришди. Чол бир қўли билан ҳассага таяниб, иккинчи қўлини бўксасига қўйиб, ёйдек эгилиб, битта-битта қадам босарди, аҳёнда тўхтаб, йўталиб кўярди.

— Ўзингизни кўп уринтирманг, уйда, мазза қилиб ётинг, — деди Холмирза ғирвон.

— Э-э, Холмирзавой, уйда зерикиб қоламан. Қурут — бир эрмак менга.

Улар муюлишга етишганда Холмирза ғирвон халтани узатиб, «Уйга олиб бориб қўяйми?» деб сўради.

— Йўқ-йўқ, бу ёғи яқин қолди, — деди чол қалтироқ қўлларини халтага тиқиб. Сўнг чангалида қурут олиб Холмирза ғирвонга узатди. — Невараларга берасиз... Мен бунинг пулига муҳтож эмасман, айтдим-ку, эрмак деб... Олинг, хафа бўламан... Ҳа, айтгандай, ўғлингиз Ҳайдарали домда яшаяптими?

— Ҳа. Ишхонаси узоқлик қилиб, дом олувди. Яқинда ҳукумат машина бераркан. Кейин бу ерга кўчиб келади.

— Ҳа, келсин. Қариган чоғингизда ёнингизда бўлсин... Биз ҳам қариб қолдик, ғанимат бўлиб қолдик. Сиз билан шунча йил Ғирвонда бирга яшаб, сан-манга бормадик, салом-алигимиз канда бўлмади... Биздан кейингилар ҳам шундай бўлсин! — У нигоҳини Холмирза ғирвонга қаратди. — Мабодо, бизга бир гап бўлса, ёлғизлатиб қўйманглар...

Курутчи чол кўзидаги намни артди-да, битта-битта босиб, чапга бурилиб кетди...

Холмирза ғирвон ўрнига ётгач, курутчи чол кўз олдига келди. «Маҳаллада уч-тўртта кексалар қолди, шулар ўлмай турсин, ишқилиб», деди ичида. Ёнбошига ағдарилувди, баданида зирқироқ оғриқ туйди. Кундузги меҳнатдан сўнг дами чиққан велосипед билан пиёда йўл босиш ортиқчалик қилди-да. Эртага Ваққосхонникида яна ишлаш кераклигини эслаб, дили ғашланди.

## 10

Холмирза ғирвон билан Асадулла деярли бир ҳафта ишлаган бўлсалар-да, Ваққосхон бир тийин ҳам ҳақ бермади. Аксинча, унинг зумраша ўғли велосипеднинг камерини тешди, қўнғироғини йўқотди, носқовоқни синдирди. Асадулланинг сигаретини сувга оқизиб, туфлисининг ипини қайчилади. Асадулланинг айтишича, улар бу ҳовлига келиб фойда ўрнига, катта моддий талафот кўришди. «Агар шу ўғлини хатна қилдирадиган бўлса, сартарошга тайинлаб, кесилган жойига кислота қуйдираман. Бир умр эркакликка ярамайдиган бўлади», деди Асадулла муштомуига туфлаб.

Ваққосхон усталарни кузатаркан, илтифот қилди.

— Минг раҳмат. Сизлар ҳам қачон хизмат десанглар — тайёрман. Нима лозим бўлса, марҳамат. Улим ҳақ. Эртами-кечми ҳаммамиз ўламыз. Мабодо биздан олдин кетсангиз, уста, сағанангизни закунний қилиб ишлатиб бераман. Шундай ишлатайликки, ҳамма ўликларнинг ҳаваси келсин... Асадуллахон, энди ўзимизнинг одам. Яқинда темирчиларга шеф қилиб қўямиз. Бўрихондан рухсатни олдик...

Ваққосхоннинг уйидан чиққандан кейин Асадулла тутақиб кетди:

— Ҳой, уста. Мен-ку, ишхонада ишладим нима-ю, бунинг уйида ишладим нима — бари бир. Маошни олавераман. Лекин сиз, бир оғиз гапирмадингиз-а? Аблаҳ! Бир ҳафта ишлатиб, бир тийин ҳақ бермаса-я! —

— Ўзининг фаросатига келмагандан кейин нима дейсиз, ука, — деди Холмирза ғирвон ўнг оёғини силтаб-силтаб босаркан.

— Фаросат борми ўзи бунда? Чўчқанинг ўзи. Бурун қоқишини кўринг!.. Сиз бўшангиз-да, уста. Сиздан бошқа одам бўлганда, бетига тарсаки тортиб юборарди.

— Мен умримда биров билан уришиб-тортишган эмасман. Майли, бош-кўзимдан садақа.

— Э-э, унақа эмас-да, дедом. Агар мана шунақа, сеники маъқул, деб яшайдиган бўлсангиз, булар сиз билан мени оёғости қилади, тепкилаб юборади. Йў-ўқ, бунга йўл қўймайман! Мана кўрасиз, ҳақни шундай ундириб оламанки, оғзи ланг очилиб қолсин...

Холмирза ғирвон оқсоқланиб одимларкан, хаёлга чўмди. У қўлидан келганча одамларга яхшилик қилди. Кўплар бу яхшиликни қайтармади, ҳатто уни баъзан орқаворотдан калака ҳам қилишди. Аммо у бирон маротаба миннат қилмади. Бир кунни радио эшитиб ўтирганида қайсидир одам сўзга чиқиб «салом»нинг маънисини ҳақида гапирди. «Ассалому алайкум» дегани — сизга омонлик, тинчлик тилайман, дегани экан. Аммо бир-бирига кунда икки-уч марта салом берадиган одамларнинг ҳаммаси ҳам бефараз эмас. Инсонийлик ҳали мукамал даражага етмабди. Ваққосхоннинг миннатдорчилик ўрнидаги гапини қаранг! Устанинг баданидан муздай тер чиқиб кетди-я.. Одам ҳам шу қадар бефаросат, лафзи совуқ бўладими?.. Ҳали ҳаётда калтафаҳмлар, тарбиясиз-густоҳлар кўп!..

— Автобусга чиқасизми, уста?

Унинг хаёлини Асадулла бузди. Улар Сардобага келиб қолишган эди.

— Ҳа, автобусга чиқаман.

— Юринг, уйга олиб кетай.

— Йўқ, сиз юринг. Бизники яқинроқ, — деди Холмирза ғирвон. Ҳозир район тасарруфидаги Ғирвон шаҳарнинг маркази ҳисобланмиш



Сардоба даҳасидан уч бекат нарида, Асадулла яшайдиган Тахтакўприк маҳалласи эса, тўрт бекат узоқликда эди.

Икковлари бир-бирларига эсон-омонлик тилашиб, автобусларга ўтиришди-да, қарама-қарши томонга кетишди...

Асадулланинг Бебошевга нисбатан адовати ортиб борарди. Калласи картошкадек, бўйни пати юлинган товукнинг бўйнидек шу ножинс Бебошев, Асадуллахондек хўроз йигитни ўз измига солиб юрса, алам қилмай-дими?!..

Эрталаб Замзам қори хушхабар топиб келди ва ҳовлиқиб деди:

— Юринг, Асадуллахон, бошлукнинг хонасига бир нозанин кириб кетибдур! Ҳануз чиқмайдур. О, бетавфиқ! Куппа-кундузи-я? Раиятни ҳурмат қилмайсанму, касофат ургур!

Икковлари бир нарсани баҳона қилиб Бебошевнинг хонасига киришди-ю дарров қайтиб чиқишди, Асадулла овозини пасайтириб қорига танбех берди:

— Э, кўрмисиз? У — опаси-ку! Ваққосхоннинг хотини.

— Опасининг бундай лўмбиллаган нозанин эрканин қайдин биллиман, — деди қори иягини қашиб.

Асадулла тушдан кейин шалағи чиққан «Москвич»ни не машаққатлар билан ўт олдириб, Бебошевнинг ҳузурига кирди-да: «Ҳали сиз йўқлигингизда катта хўжайин келиб, зудлик билан менинг олдимга келсин, деб тайинладилар. Машинани юргиздим, туринг, обориб келаман» — деди. Бебошев ярим соат кепакли сочини тараб, яғири чиққан галстугини тўғрилаб, айвондаги чанг босган деразага қараб-қараб, сўнг машинага ўтирди.

Машина гавжум кўчалар оралаб ўтиб, канал бўйига чиқди. Сув ёқалаб бир оз юргач, чапга бурилди-да, кўприкдан ўтди.

— Қабристонда нима қиламиз? — ажабланиб сўради Бебошев.

Асадулла индамади. Машина адир ёнбағридаги паст-баланд, илонизи йўлдан қайиқдек чайқалиб юриб, ниҳоят ортидан тутун аралаш чанг чиқариб, бир қабр олдида тўхтади. Асадулла машинадан тушди. Бебошев томондаги эшикни очиб: «Марҳамат!» — деди. Бебошев юмронқозикдек ҳадиксираб, аввал калласини, кейин гавдасини машинадан чиқарди, эшикнинг тутқичидан ушлаган кўйи сўради:

— Бу ерда нима қиламиз?

— Зиёрат, — деди Асадулла ва қабр пойига тиз чўкди. Бебошев атрофга аланглади, киссасини пайпаслаб кўйди. Ночор, ҳайрон бўлганча, унинг ёнига чўнқайди.

— Бу нима? — сўради Асадулла бир сиқим тупроқни олиб.

— Тупроқ, — деди Бебошев.

— Шу-я? Тупроқми?

— Ҳа-да, тупроқ. Нимаиди?

— Тупроқнинг остида нима бор?

— Қабр.

— Шу-я? Қабрми?

— Бўлмаса, нима? — ажабланиб, аччиқланди Бебошев.

— Хўш, бу — қабр бўлса, унинг тагида нима бор?

— Гўр бор! — деди кўзини лўқ қилиб Бебошев.

— А-а, гўр борми?

— Ҳа, гўр!

— Хўш, гўрда ким ётибди?!

— Одам ётибди!

— Ҳа-а, одамми? Йў-қ, одам бўлмаса керак?

— Ҳей, мақсадингиз нима? Нега бу ерда ўтирибмиз?!

— Шу ерда одам ётган бўлса, мабодо биз ҳам одам бўлсак, демак биз ҳам бир кун шу ерга келиб ётамиз. Шундайми?

— Шундай.

— Раз шундай, раз икковимиз ҳам бир кун шу ерда ётсак, айрим гапларни аниқлаб олайлик... Менга ҳар хил хизмат буюриш йўқ. Бу — бир.

Иккинчидан. Поччангизникида ишлаган бир ҳафталик ҳақимизни тўлайсиз. Мен билмайман: ўзингиз берасизми, поччангиздан ундириб берасизми... Шошманг деяпман, гапимни тугатиб олай! Майли, меникини бермасангиз ҳам, устаникини берасиз. У уруш инвалиди, пенсияонер. Уни бу ерга мен илтимос қилиб олиб келганман. Агар устани ҳақини олиб бермасанг, поччангни ҳам, сени ҳам қорнингдан тилиб юбораман! Мен сен ўйлаган одам эмасман!

— Бўпти. Шу гап холосми, ака? — деди овози қалтираб Бебошев. Унинг рангида ранг, тиззасида мажол қолмаганди. — Бу гапни кабинетда айтса ҳам бўларди.

— Йўқ. Кабинетда бўлмайди. Қабристоннинг йўриғи бошқа...

## 11

Уч ой қиш давомида ёғмаган қор февралнинг охирига келганда уч кун босиб ёғиб берди.

Қоровулхонадан чиққан Холмирза ғирвон энди беш-ўн қадам босувди, орқадан Асадулла келиб қолди.

— Узукни қаердан топганман, дегандингиз? — сўради ёнма-ён кетаётиб.

— Боғдан, «Гул байрами» куни, нимаиди?

— Эгаси чиқди... Бебошев уни Ҳанифага берган, Ҳанифадан эри олипти. «Гул байрами» куни йўқотган экан, концерт қўйгани борганда... Буни улар тўқишган бўлиши ҳам мумкин!

— Ҳаром-ҳариш одамга буюрмайди. Беш панжасини оғзига тикқанларнинг кўпини кўрдим дунёда, — деди ғирвон. — Бизга унинг кераги йўқ. — Кейин ўйчан қўшиб қўйди. — Энди бу ерда ишламайман, менга тўғри келмас экан. Ўғлим ҳам, пенсиянгизни оляпсиз, тинч ётинг, деяпти...

— Йўқ, йўқ, ундай қилманг, уста. Агар сиз кетсангиз, мен ҳам... — деди Асадулла. — Раҳмат, уста, — деди у бирдан, шикаста товушда. — Отасиз ўсганим билиниб қолган экан. Сизга ўхшаган битта дедом бўлганда, аввалдан ҳар хил кўчаларга кирмасмидим?!

— Ҳаммамиз ҳам бир ота-онанинг фарзандимиз, — деди Холмирза ғирвон. — Турмушда киши қоқилади, йиқилади, кейин одам бўлади. Лекин ҳар ким ниятига яраша кун кўради. Ассалому алайкум — ваалайкум ассалом...

Улар муюлишда хайрлашишди.

Холмирза ғирвон Ғишткўприк томонга қараб юрди. Негадир бекатда тайёр турган «Тахтакўприк — Ғирвонсой» автобусига ҳам ўтирмади. Пиёда кетавергиси келди. Сумалакгузарга етганда, ранги униққан энгил машина келиб тўхтади. Ундан бир йигит калласини чиқариб — маҳалладош шекилли — мурувват қилди:

— Уйгами, уста?



У ҳайрон бўлиб турган эди, йигит яна сўради:

— Ғирвонгами?

— Ҳа.

— Чиқинг, олиб кетаман.

— Йўқ, вақтим зиқ, шошиб турибман, — деди Холмирза ғирвон...



Равшан Файзиёв

## СОҒИНЧ КАБИ ЧЕКСИЗДИРСАН, ДАШТ

### Отамнинг юрти

Чигит экилмайди ерига ҳеч ҳам —  
Айқашиб-уйқашиб ётар харсанглар.  
Лекин йиғим-терим пайти келганда,  
Ҳашарга кетади бор ёш-яланглар.

Дўппидай бир қишлоқ. Атрофи тоғлар...  
Бошидан кетолмай юрса ҳам туман,  
Кўриниб туради узоқ-узоқлар  
Зерикмай яшашинг мумкин, умуман...

Ҳар гал отланганда ота юртимга,  
Билмайман негадир кўзим ёшланар.  
Шовқинлар, суронлар қолар ортимда  
Ва оддий, ажойиб кунлар бошланар.

Энтикиб, эмраниб борганим сари,  
Таниш қўйкўзларим қарар ҳавасда.  
Дунёда бор майда гапларнинг бари,  
Чиқолмай узилиб қолади пастда.

У ерга булоқлар чиқади балқиб...  
Тоғлари мўйсафид — бошлари оппоқ.  
Елғон нималигин билмаган халқи,  
Уша тоғларидай яшайди узоқ.

\* \* \*

Нега, капалагинг кетганча учиб,  
Бекордан бекорга фиғонинг фалак?  
Ҳуда-беҳудага тиккайиб сочинг,  
Тинмай чарх урасан думларинг гажак.

Равшан Файзиёвнинг илк шеърларини «Гулхан» журналида у билан бирга хизмат қилган пайтлардаёқ ўқиган эдим. Уша маҳалларда унинг баъзи машқларини вақтли матбуотга тавсия ҳам этганман. Равшан шеърни кўнгил-хуши ёки ўз келажагининг қандайдир тамал тоши, деб билмайди. Унинг шеърлари тўлиққан, изтироб ва ташвишларга тўла дунёни тушунишга ташна, самимий бир юракдан сизиб чиқаётгандек туюлади. Равшаннинг табиатида зукколик, куюнчаклик мавжуд, унинг тарбияси ҳам бутун. Бўлажак шоир учун бу гоят муҳим фазилатлардир. Ижоднинг машаққатли, пастбаланд йўлларида Равшан шу каби хислатларини сақлаб қола олса, ҳойнаҳой, марра униқидир. Қолган адабий-бадий тажрибаларни эса унинг ўзи эплаб тўплай олар, деб умид қиламан.

Абдулла ОРИПОВ

Бу дашт барчамизга бирдай-ку ахир,  
Мана, қўйларимни боқиб юрибман.  
Сен, боғинга подам тушгандай дилгир,  
Юз-кўзим очирмай қиялсан гаранг.

...Дуркун буғдойларнинг қаддини эга,  
Хар йил дала-даштга бош қўйса июнь,  
Тоғимни менгагиб қўйгандай, нега,  
Тўполон қилишни бошлайсан қуюн?!

## Қишлоқ болалари

Қуш уйку елларга ўхшайди улар:  
Куклам ўйнай-ўйнай қир, далаларда  
Қишлоқда ҳаммадан кейинроқ ётар  
Ва шошиб уйғонар яна саҳарда,  
Уят кўкрагига тош бўлиб ботар.

Оналар, янгалар сут соғса «пов-пов»,  
Атрофида бўлар гирдикапалак.  
Ажаб, димоқларинг қитиқлар бирров,  
Қайдадир ранг танлаб пишган ҳандалак.

Жавзо кунларида билмасдан тиним,  
Шундай ёнгинангда елиб-югурар.  
Тушгача майизлар қуритади жим,  
Тушдан сўнг хирмонда буғдой совура.

Ўзалар оралаб куз келса заррин,  
Дехқонларга камар бўлиб юради.  
Ё келинчакларнинг беланчакларин —  
Тебратиб, шийпонга қараб туради.

Сўнг янги йил билан бараварига,  
Қишлоққа изиллаб қиш дами етар.  
Ва шамоллар ўсиб — кўпкариларда  
Довюрак довулга айланиб кетар.

## Дашт

«Тоғлар чўкиб кетган бу ерда...»  
Муҳаммад Солиҳ

Келдим. Топиб келдим. Турибман йўқлаб.  
Қўлимда, йўлимда кўчим, кўроним.  
Мени танидингми жувонмарг кўклам,  
Мени эсладингми озод буроним?

Бағри ер, бағри доғ битта бўлагим,  
Тўрғай-тўшларимнинг чарх урар жойи.  
Ҳали мен айтмаган маҳзун ўланним,  
Азиз тоғларимнинг муқаддас пойи.

Қўйнингда энтикиб югурар шамол,  
Суришиб юрмасдан йўлларда тошга.  
Ётибсан (кенглигинг мисоли хаёл) —  
Кўмилиб музаффар бобо куёшга.

Ҳайқирсам ҳеч нарса бермас акс садо  
Гарчи куёш каби баланддир дамим.  
Биламан, нафасим етмайди, аммо,  
Сени куйлаш керак серавж ўланам.

Турибман, кўксимда муқаддас бир шашт,  
Мақсадим — куйламоқ кўнглимни ёзиб.  
Лекин соғинч каби чексиздирсан, дашт,  
Ҳайқирсам пойингга етмас овозим.

\* \* \*

Бу — унга йўрғакда теккан касаллик.  
Жон билан қўшилиб чиқиб кетишин,  
Айтдингу бемалол юравердинг тик,  
Билмадинг, у сени таъқиб этишин.

Ва бугун соянгга салом бериб у,  
Баҳорги муз каби жилмайди беҳис.  
Кел, энди ҳол сўраш — у ҳам одам-ку!  
Унинг кўзларига боқмагил илкис.

Барин ўзингдан кўр — уни сўкмагил,  
Ўзингдан хафа бўл, ўзингга ачин.  
Тарикдай гуноҳинг ўсиб йилма-йил,  
Ортингдан ахтариб келгани учун.

Ўзингни сўроқ қил, ўзингни қарға,  
Ҳаётдан, тақдирдан ўпкалаб юрмай.  
Гуноҳимдан ўт деб, ўзингдан сўра  
Ва лекин ўзингни ўзинг кечирма.

Уриш, уришавер, фаросатсиз, деб,  
Дарёдай тўлиб тош, дарёдай кўпир.  
Теполсанг шаҳд билан ўз орқангга теп,  
Тупурсанг, нафрат-ла ўзингга тупур.

Хуноб бўл, адо бўл тўкилиб тутдай,  
Жиркангил ўзингдан, ишларингдан ҳам.  
То ўша гуноҳинг адашиб кетмай,  
Топиб келган экан бугун ортингдан.

## Ўшал кун келди

Мен унинг қошига бормасман сира,  
Унинг ўзи келар, бир кун умримга.  
Тонгларки бор экан бахмал, бокира  
Астойдил ишондим шу умидимга.

Қай фасл ёмғирни томоша қилгум  
Дераза ва ёки айвондан боқиб.  
Шунда кириб келар йўловчи бир Кун,  
Кийими ҳўл бўлиб, қўли совқотиб.

Ва қадрини тиклар менинг умримдан,  
Мен эса ул Кундан топарман паноҳ.  
Кейин маълум бўлар ҳаммага бирдан,  
Менинг уйимдаги буюк иттифок.

Мен Кунни қўймасман беркитиб, ўраб,  
У ҳатто ҳовлига чиқиб юради.  
Кейин кун-кунора кунимни сўраб,  
Уйимга тоғлар ҳам келиб туради.

## Йил

Тўртта қўйлаги бор.

Ва битта ўзи —

Кийса, бор умрига бемалол етар.  
Лекин у зўравон кўнглимни бузиб,  
Ҳар гал бир қўйлагим тўздириб кетар.

## ● ДИН ВА ХУРОФОТ ҲАҚИДА ●

Динни одамлар, эскилик сарқити, дейишади. Бу унчалик аниқ фикр эмас, чунки у эскилик сарқитидан баттарроқ нарса. Бу, маълум даражада, табиат кучлари олдидаги инсон ожизлигининг асоратидир.

М. И. Калинин

Дин — сиёсий истибдод сиртмоғини маҳкам боғлаш учун ўйлаб чиқарилган занжирдан бўлак нарса эмас.

С. Марешаль.

Дин ҳамма жойда, ҳамма халқлар учун фақат оғир юк бўлиб келган.


Н. И. Пирогов

Барча диний ахлоқлар, итоатгўйлик, яъни ихтиёрий қулликка асосланган.

А. И. Герцен

Динлар буқаламунларга ўхшаб ўзлари яшаётган жойнинг рангига бўялиб оладилар.

А. Франс



Эркин Усмонов

## ЯККАМА-ЯККА

Эл нетиб топгай мениким,  
Мен ўзимни топмасам...

Алишер НАВОИЙ

Эркин Усмонов Тошкентда туғилган. Чет тиллар институтини тугатган. Ўзбекистон радиосида ишлайди. 1981 йилда «Гунафша» деган ҳикоялар китоби босилган.

1  
...Шанба куни эрталаб хотини Султоновни барвақт уйғотди.

— Турақолинг, дадаси! Ҳали ярмарка айланадиган бўлсак, анча кечикиб қоламиз...

Бугун улар қайнотасининг туғилган кунига боришлари керак эди. Хотини бу кунни бир йилдан бери кутиб юргани-ю, отасига совға-саломларни аллақачон ҳозирлаб қўйганидан Султоновнинг хабари

бор эди. Соқолини олса, ювиниб-кийинса, бас... Аммо, шу тобда унинг кўнглига ҳеч нарса сиғмасди: на меҳмондорчилик, на калондимоғ қайнотаси, на танноз хотинига эргашиб магазинма-магазин юриш... Ҳеч нарса...

Аммо, бориши керак! (Агар, шу хонадонда яна кўп йиллар соғсаломат турмуш кечириб, қулоғи тинч юриш нияти бўлса!)

Боргандан кейин, албатта қайнотасига: «Юзга кириңг! Мингга кириңг!» деб тилаклар билдириши ҳам керак. (Шарти кетиб парти қолган қайнотасининг икки дунёда юзга ё мингга кирмаслигини яхши билганига қарамай, шундай қилишига тўғри келади!)

Табрик сўзидан кейин — ичиш! (Ичгандаям охиригача. Бўлмаса, куёвтуранинг ниятлари шунчаки тил учида, чала экан, деган ўйга боришлари мумкин.)

Хуллас, турган-битгани азоб!

...Аммо, бошқа иложи йўқ.

Хотини яна эшикдан мўралади:

— Ёғи чиқиб кетган анави кўйлагингиз билан шимингизни алмаштинг. Бундоқ юриш-туришингизга қарасангиз-чи!

Султонов индамади. У соқол оладиган асбобларини йиғиштириб, тош ойна ёнига келди. Чўткани совунли сувга ботириб, бетига суртгани ойнага юзланди-ю, кўзлари қинидан чиққудек олайиб, сочлари тикка бўлиб кетди.

...Кўзгуда ҳеч ким кўринмасди. Зар қоғоздек ярақлаб турибди, холос...

Султонов икки чаккаси лўққиллаб, боши айланди. Ҳолсизланиб деворга суянди-да, кўзларини юмди.

«Нималар бўлаяпти ўзи? Тавба!...» — кўнглидан кечди ў озғин елкалари титраб. Кейин қўрқа-писа яна кўзгуга мўралади. Энди рўпарасидаги бўй баравар тош ойнадан уринганроқ оқ кўйлак, қора шим кийиб олган, қўлида совунли чўтка, ўрта ёшлардаги киши унга ҳайрат ва кўрқув билан қараб турарди.

Бирдан Султоновнинг юзида шиддатли, шу пайтгача унга бегона бўлган кескин бир ифода акс этди-ю, «Оқ «Волга»! эллик бешу эллик беш» деганича бақириб юборди.

...ва тўсатдан ойнанинг қарсиллаб синган овози эшитилди.

Султоновнинг хотини хонага югуриб кирганида, у полда беҳуш ётар, қўли мушт бўлиб тугилган эди.

Кўз очиб-юмгунча қўни-қўшнилари йиғилишди. «Тез ёрдам» чақиришди. Султоновни касалхонага олиб кетишди...

## 2

...Эғнида уринганроқ оқ кўйлак, қора шим, рёғида пошналари ейлиб кетган бесўнақай туфли. Рангсиз, озғин юзини соқол қоплаган, катта-катта кўзлари негадир атрофга лоқайд ва бепарво тикилган...

Султонов ўрта ёшлардаги бу кишини кўриб, тўхтаб қолди. Унга нималардир дегиси, ўйиб-ўйиб олгиси келди. Бироқ унинг юз-кўзидаги ёлғиз ўзига таниш ифодани учратиб айнади. Назарида, бу одам бутун юриш-туриши, хатти-ҳаракати билан: «Менга тегманглар! Менга бари бир! Тинчгина аравамни торте-еб юрибман-ку! Бировга зиёним тегмаса...» деётганга ўхшарди.

Шу пайт йўлакдаги эшиклардан бири очилиб, барваста, тарвуздек қорни кўйлагини туртиб чиққан, қовоғи солиқ киши — босмахона директори чиқиб келди.

У директорни кўргач, бирдан ток ургандек сесканиб кетди. Кейин, титроқ товушда салом берди.

«Нега мунча эшилсан, аҳмоқ? — деди Султонов хаёлан мурожат қилиб. — Ахир уни кўришга кўзинг йўқ-ку?! Одамгарчиликми, одобми ё расмиятчиликми бу? Очиғини айтса, сенда буларнинг ҳеч бири йўқ. Сен — фақат кўрқасан.

У сендан кўра соғлом. У сенга қараганда бақувват. У сендан обрўли. У кўп маош олади. У ҳар куни «Волга»да ишга қатнайди.

Ана шунинг учун сен ундан ҳайиқасан.

Ана шунинг учун сени на хотининг, на бошқалар бир пулга олади...»

...Директор индамай бош силкиб қўйди-да, узоқлашди. У эса деворнинг ичига кириб кетгудек тисарилиб, жавдираганича қолди.

Султонов жони ҳалқумига тикилиб, хўрлиги келди. Жонҳолатда зина тарафга отилди. «Э, садқаи одам кет-э!...»

\* \* \*

Султонов уни тушлик пайтида яна кўрди. Овқатланиш учун босмахонага қарашли мўъжазгина буфетга кирган эди. Кўримсизгина залнинг у ер-бу ерига беш-олти стол қўйилган, устида доғ-дуғ дастурхон.

Султонов бир стакан компот билан қовурилган балиқ олиб,



бурчакдаги столлардан бирига яқинлашаётган ҳам эдики, ўша... уринган оқ кўйлак, почалари титилиб, ипи ўйнаб ётган қора шим кийган бояги кишига кўзи тушди. Олдида бир стакан компот, қовурилган балиқ. У қўлидаги ғижимланган қоғоз пулни, тангаларни стол тагига яшириб, битта-битта санар, ора-сира атрофга ҳадиксираб қарар, лаблари пирпираб, озгин ёноқлари учиб-учиб кўярди. Афтидан, тушки овқатнинг нарҳини ва ошпаз хотин ундан қанча пул юлиб қолганлигини ҳисобламоқда эди.

Нихоят, у пулларни шими чўнтагига солиб, қўли-қўлига тегмай савдо қилаётган ошпаз хотинга хўмрайиб қаради. «Беш-ўн тийин уриб қолибди...» хўрсиниб қўйди Султонов. У киши эса ҳамон маънос кўзларини ошпаз хотинга қадаганча ҳайкалдек қотиб ўтирарди. Рангпар, ориқ юзида на ғазаб, на нафрат. Фақат безовта кўзларида ўкинч ва алам излари.

«Бор! Сўра! — деди Султонов хаёлан унга мурожаат қилиб. — Нимага латтадек шалвираб турибсан? Ҳақингни талаб қил! Балки беш-ўн тийин билан бой бўлиб кетармидим, деб истиҳола қилаётгандирсан? Йўқ, бундай қилмаслик керак!

Ҳозир сен тикилиб турган ана шу ошпаз хотин бир ҳафта бурун ўйин-қароқ, тирмизак ўғлига «Жигули» сотиб олиб берди. «Қаердан?» дерсан?! Қаердан бўларди? Сенга ўхшаган пандавақилардан уриб қолаётган беш-ўн тийин тангалардан-да! Сен бўлсанг, эзилиб ўтирибсан. Қани тур! Қайтимини сўра! Уғрилиқ қилмаяпсан-ку! Ўз ҳақингни талаб қилолмайсанми?!»

У киши ўтиролмади. Туйқус ўрнидан турди-да, ликобчадаги қовурилган балиқ билан яримта нонни шоша-пиша салфеткага ўраб, эшик томон юрди. «Мана энди, боғдаги суви йўқ фаввора олдидами, ё бешинчи қаватдаги каталакдек хонасидами, омонатгина ўтиради-да, шоша-пиша еб олади, — ўйлади Султонов. — Одам деган ҳам шунақа журъатсиз, кўрқоқ бўладими?!»

\* \* \*

Султонов хонасига кириб, қўлидаги ўрамни стол устига қўйганича, асабий у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Хонанинг қаерига кўзи тушмасин, ўша ердан бояги киши мўлтираб қараб тургандек эди. Султонов уни ёмон кўрар, ҳар бир имо-ишораси, ҳар бир сўзи жонини ҳалқумига келтирарди. Яқин беш йилдан бери у билан яккама-якка жанг олиб борар, бирдан-бир мақсади, ана шу кўзларида ҳамиша ўкинчми, кўрқувми, илтижоми қотиб қолган кишини енгиш эди.

Аммо, буни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмас эди...

### 3

Агар, бундан беш йилча бурун, эрта кўклам кунларининг бирида редакция ходимлари ремонтдан чиққан хоналарга қайта кўчиб қираётиб, «Хатлар бўлими» мудирининг шкафидан бир кучоқ қоғозлар дув этиб тўкилмаганида, Султонов ўзига ёзилган характеристикага кўзи тушмаганида, бу савдолар балки рўй бермасмиди?!

«Хатлар бўлими»нинг катта адабий ходими С. С. Султоновга

## Х А Р А К Т Е Р И С Т И К А

Султонов Собит Содиқович 1938-йили фалон областда туғилган. Маълумоти олий. ТошДУнинг филология факультетини тугатган. Ўз фаолиятини «Машъала» район газетасида бошлаган. 1965 йилдан бери область газетасининг «Хатлар бўлими»да ишлайди.

Уйланган. Икита боласи бор.

Ўртоқ С. С. Султонов камтарин, тартиб-интизомли, вазифасини сидқидилдан бажарадиган ходим. Журналист номига гард юқтирмасликка ҳаракат қилади.

Шу билан бирга, у айрим қусурлардан ҳам холи эмас.  
С. С. Султоновда принципиаллик етишмайди, мустақил иш қилолмайди, кўрқади, иккиланади. Табиатида мутъелик бор...»  
Уша-ўша Султонов ўзи-ўзини ёмон кўриб қолди...

#### 4

Унга бешинчи қаватдаги хоналардан бирини ажратиб беришди. Узун, нимқоронғу йўлак адоғидаги хона чекувчилар учун ажратилган бўлиб, уни Собит Султоновнинг каталакдек тор, шифти паст, деразаси қишин-ёзин ҳувиллаб ётадиган хилват хиёбонга қараган янги «кабинет» билан юпқагина девор ажратиб турарди.

Султонов аввалига бу хонага сира қовушолмади. Хона тўридаги «семиз» қоғоз-папкалар териб ташланган, эшиги ёпилмайдиган бесўнақай шкаф ҳам, эски ёзув столи, кресло, уч-тўртта лиқилдоқ курсилару бурчакдаги даққионусдан қолган кийим илгич ҳам, айниқса, эшигининг сиртига ўрнатилган «Хатлар бўлими мудир С. С. Султонов» деган ёзувли шиша тахтача унга эриш туюлди. Бунақа нарсаларга у кўникмаган эди. Йигирма йиллик умри ана шу редакцияда, «Хатлар бўлими»да ўтган, яқин-яқингача оддий ходим вазифасида ишлаб келарди. Битта-яримта «пайт келиб бўлим мудирлигига тайинланасиз» деса, ўлақолганда ишонмасди.

Ҳаммаси кутилмаганда юз берди.

Султонов иккинчи қаватдаги олти киши ўтирадиган хона бурчагида столга мук тушиб янги хатларни «Ҳисоб-китоб дафтари»дан ўтказарди. Ташқарида ҳаво бузилган, шамол хазон кўчирар эди. Редакцияга бир ойдан бери ана кетди-мана кетди бўлиб касалхонада ётган бўлим мудир Пўлат Тўраевнинг ўлими ҳақида хабар келди. Редакция, худди ёзда қор ёққандек, бир алғов-далғов бўлиб кетди, аммо «Хатлар бўлими»да иш тўхтамади.

Дафн маросимига боришди, марҳумнинг оила аъзоларидан кўнгили сўрашди, ўша кун редакциядаги радиоприёмникларнинг овози пасайтирилди. Аммо, эртасигаёқ яна ҳамма нарса ўз изига тушди.

Бўлим ходимларининг аксарияти аёллар, эркаклар-Султонов билан яқинда ишга келган йигитча эди. (У ҳам Пискентда пахта теримида эди.) Ҳамма оғирлик Султоновнинг елкасига тушиб қолди:

«Собитжон ака, мана бу хатни нима қилайлик, орқа адреси йўқ экан?...»

«Собит ака, «қишлоқ хўжалиги» ўн иккита хатнинг жавобига қарз экан, бўлим мудиридан ўзингиз сўраб берарсиз...»

«Собит ака, Ҳалима икковимиз фир этиб, «Детский мир»га бориб келайлик! Болаларга кийим олмақчийдик...»

«Собит ака... Собитжон ака...»

Султонов тишини тишга қўйиб чидади. Нимаям қилсин, кўп йиллардан бери ишлаётган тажрибали ходим, бунинг устига «эр бошига иш тушса...» деган гап бор! Уйида, «Майли, янги мудир тайинлангунча дод дейиш йўқ!» деб ўзига далда берган кунлардан бирида, хотини ярим ҳазил, ярим чин қилиб: «Ўзингиз мудир бўлиб қўяқолмайсизми?» деди-ю, вужудида нимадир ёлқинланиб кетгандек бўлди.

Бугун эса бош муҳаррир, «ҳозирданоқ иш бошлайверинг» деб масалани ҳал қилди-қўйди. Уни шу лавозимга лозим кўришдими ё бошқа одам йўқлиги учун шунга мажбур бўлишдими, қоронғи.

#### 5

Редакция биносида чекиш маън этилиб, ҳар қаватда махсус «чекиш хона»лари ташкил қилинган. Кашандаларнинг ғўнғир-ғўнғир товушлари шундоқ Султоновга эшитилиб турар, ҳеч ким буни хаёлига ҳам келтирмас эди.

«...Бош редактор муовинига бир нима бўлганми ўзи-а?»

«Ҳа, нима қилди яна?»

«Уйга ариза берганимга беш йил бўпти, десам, нима қипти, одамлар ўн йиллаб кутади, дейди.»

«Тўғри айтибди.»

«Тўғриликка тўғри-ку-я, буёғини эшитинглар! Шоир одамга уйнинг нима кераги бор эмиш. Чеховдек одам ўз ҳикояларини пляжда, Беранжедек зот ўз қўшиқларини хашаки қаҳвахоналарда ёзганмиш... Сиз ким бўлибсиз, дейди яна.»

«Тўғри айтибди.»

«Менга қаранг, шоир, сиз нега ўзи шундоқ қишлоғингизни ташлаб бу сершовқин шаҳарда юрибсиз-а?»

«Шу ҳам савол бўлди-ю, ахир ҳамма улуғ ёзувчилар қишлоқда туғилиб, Парижда ўлганлар-ку!»

«Вей, қизиқсизлар-а, жўралар, мен жиддий айтсам, сизлар...»

«Ие, нервиний экансиз-ку, шоир, ҳазиллашаяпмиз-да, энди. Қани, гугуртингизни бериб туринг!»

«Ахир биласизлар, хотиним, қизчам бор. Қачонгача ижарада, уй эгасининг қовоқ-тумшуғига қараб юраман? Уша Чехов ҳикояларини пляжда ёзган бўлса бордир, аммо бола-чақаси билан пляжда яшамаган-ку?!»

«Ҳа, қийин. Умуман, тураржой масаласи қийин...»

«Телефон тўшириш ҳам проблема экан!»

«Уйланишни айтмайсанми?»

«Ҳа, энди буниси ўзингизга тааллуқли!»

«Айтмоқчи, юрган қизингиз нима бўлди?...»

«Бўлмади, Чиқадиган китобингизга «Жигули» олса бўладими, дейди.»

«Нима дедингиз?»

«Велосипедда юриб туринг, дедим.»

«Бекор қилибсиз. Китобчанинг пули экскаваторгаям етади, здачасига «Жигули» оламиз, жоним, дейиш керак эди...»

Султонов баъзан уларга ҳавас қилар, шартта кириб, қани, чекишдан олинглар, йигитлар, деб, босиб-босиб сигарет тутатгиси келиб кетарди.

У ишдан чарчаганида, зериккан пайтларида дераза ёнидаги креслога чўкиб хилват хибонда хазон титиб юрган қарғаларга тикилганча ўтирарди. Султонов мароқсиз бу манзарани соатлаб томоша қилишдан чарчамасди. Сариқ, қизғиш, зарғалдоқ, яшил япроқлар... Улар хатни эслатишарди. Дарахтдан тўкилган хатлар...

Султонов кўпинча қоғоз-папкалардаги хатларни олиб, конвертлардаги ранго-ранг маркаларни томоша қилар, хатларни олдига тоғдек уюб, бир чеккадан ўқиб ўтирарди. Хатлар худди ўзларининг муаллифлари каби турфа эди. Аммо, уларнинг аксариятида фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар муштарак бўлиб чиқарди. Областнинг турли бурчагида яшайдиган икки кишининг хати баъзан айнан бир хил бўлар, Султонов бунақа хатларни турли вариантда ёзилган қизиқарли китобдек ҳузур қилиб ўқирди.

Тез-тез қўшни хона эшигининг тарақлаб ёпилгани, чекувчиларнинг кулгуси, норози оҳангда минғирлаши ва курсиларнинг чирсиллаши қулоққа чалинар, девор ортидаги суҳбатдан хаёли бўлинарди:

«...Хўш?! Мана иккаламиз холи қолдик. Айтинг, айтадиганингизни!»

«Йўқ, ука, унақа жаҳлингиз чиқмасин. Асабни эҳтиёт қилиш керак. Ҳали ёшсиз...»

«Ўзи-чи, қирқта ерингизга пичоқ урса, бир ерингиздан қитдай қон чиқмас экан!»

«Безбет демоқчисиз-да... Катта одамга бунақа муомала қилиш одобдан эмас...»

«Ахир тушунсангиз-чи, телефондаям айтдим, бу мақолани боса олмаймиз, дедим...»

«Шўни ярайдиган қилиш, нима деган гап, ука, сизга?!»

«Шу мақола чиқмаса бўлмайдимиз?»

«Бўлмайди-да! Уртамизда қолсин-ку, мақола қаҳрамони боғамиз

бўлади. Яқинда ошхоналар трестига директор қилиб тайинланди. Ўсадиган йигит. Таништириб қўяман. Фойдаси тегади...»

«Э, қўйинг-е!...»

Султонов бу «суҳбатлар» ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасди. Уят-да! Бировларнинг гапини эшитиб олиб, бошқа бировларга гапириб юриш қип-қизил шармандалик-ку! Шу тахлит кунлар кетидан кунлар ўтарди...

6

Султонов ўша куни редакциядан кеч чиқди. Автобус бекатига келиб, ўриндиққа чўкди-ю; кейинги пайтларда ниҳоятда асаблари қақшаб, чарчаб қолаётганини сизди. Бекатда уч-тўрт киши автобус кутиб ўтиришарди.

Кетма-кет иккита автобус ўтди. Бирпас ҳордиқ чиқаришни ўйлаган Султонов минмади. Бекат яна ҳувиллаб қолди.

Кўчанинг у бетидаги пештоқига «Универсам» деб ёзилган бино қаршисида қатор, катта-кичик машиналар тизилишиб турар, бири кетиб, бири келарди.

Кўчанинг бу бетида, бекатнинг ён томонидаги чоғроққина майдончада эса шовқин-сурон кўтариб, болалар тўп тепишар эди. Султонов уларга тикилди.

Шу пайт...

...Кўча тарафга думалаган тўп унинг орқасидан пилдираб югуриб келаётган тўрт-беш ёшлардаги митти болакай... майдонча тарафда пастак темир панжараларга осилганча қийқиришган болалар, оқ «Волга»нинг кескин ғийқиллагани-ю, аллакимнинг чинқириви...

...Йўл чеккасига учиб тушган болакайнинг қонга беланган юз-кўзлари ва узоқлашиб кўздан ғойиб бўлган оқ «Волга». Номери 55—55...

Тавба! Султонов буларнинг барига гувоҳ бўлди. Шу топда хаёлидан «Бахтли экан... Сутдек оппоқ «Волга»... Номери ҳам бахтли. Иши беш одамлар шунақа бўлади-да!» деган фикр ҳам ўтди.

Бўлмаса, ҳаммаси кўз очиб-юмгунча юз берганди. Султонов сапчиб ўрнидан турди. Кейин ранги бўзариб, тиззалари қалтираб, озғин ёноқлари пириллаб уча бошлади.

У ўзига келиб, атрофга кўз ташлаганида, бекатда тумонат одам тўпланган эди. Ғала-ғовур, шивир-шивир...

«Нима бўпти ўзи?»

«Бир болани машина босиб кетибди...»

«Йўқ, босмаган, уриб ўтган...»

«Ўлибдимми?»

«Қанақа машина экан?»

«Ким?»

«Шофёр олиб кетмабдимми?»

«Тўхтамабдиям-ку!...»

«Вой, номард-эй!»

«Ота-онаси адо бўлди денг!»

«Бари бир ушлашади, қаёққа қочарди?!»

«Бола қани ўзи?»

«Таксида касалхонага олиб кетишди...»

Султонов бекатнинг ингичка темир устунини чангаллаганча қотиб қолган эди.

Оломон орасидан суғурилиб чиққан, сийраклашган сочлари оппоқ қария одамларнинг юз-кўзларига нажот излагандек термуларкан, Султоновга кўзи тушди-ю, шу томонга юрди.

— Ука, кечирасиз, сиз... сиз шу ерда эдингиз, мен боя автобусдан тушиб, магазинга ўтиб кетаётганимда кўрувдим, — деди у товуши титраб, — кўргансиз, аниқ кўргансиз! Қанақа машина эди у?

Бошқалар ҳам қизиқсиниб, Султоновга яқинлашишди.

— Бил...ма...дим. Кўз очиб-юмгунча... бўлди... — Султоновнинг товуши узоқ-узоқлардан эшитилгандек туюлди ўзига.

— Қанақа машина экан ўзи?

«Оқ «Волга»! Номери аниқ. Рулда қора кўзойнакли, сочи елкасига тушган йигит ўтирганди!» — кўнглидан ўтказди Султонов, «Хўш! Шундай деб айтдим ҳам дейлик. Уша оқ «Волга»ни ҳам топишар. Мен-чи, мен гувоҳ бўламанми?! Уша оқ «Волга» коптокнинг кетидан йўлга югуриб чиққан болани уриб қочди, дейманми? Хўп, ана, айтдим ҳам дейлик. Ундан кейин нима бўлади? Уша оқ «Волга»даги йигитча битта-яримта амалдорнинг ё бойваччанинг эркатойи бўлса-чи? Унда мен нима бўламан? Йў-ўқ!..»

— Кечирасиз, гражданин, сиз шу ерда эдингизми?

Султонов рўпарасидаги баланд бўйли милиционерни кўриб, бўшашиб кетди.

— Йўқ... Ҳа...

— Қанақа машина эди? Эслаёласизми?

— Йўқ... Мен кўрмадим...

— Тавба, шу ерда ўтирган одам кўрмас эканми? — луқма ташлади кимдир.

— Шунақа моментда эслаб қолиб бўладими? Ургану қочган-да! — деди яна бошқаси.

Тарвуздек юм-юмалоқ, пакана хотин милиционерга юзланди.

— Мен кўрдим, ўртоқ сержант! — деди у ҳовлиқиб, — оқ «Волга» эди. Точна! Фақат, номерини кўролмадим. Қочди-кетди, сволоч!

«Номери эллик бешу эллик беш эди...»

Султонов шундай деб юборай деди-ю, ўзини яна тийиб қолди.

Одамлар гўнғир-гўнғир қилиб, бирин-кетин тарқала бошлашди.

Автобус келди. Султонов тез минди-ю, ўзини ўриндиққа ташлади: «Хайрият, қутулдим...»

## 7

Султонов редакцияга янги келган хатлар билан танишаётиб, чиройли ёзилган бир мактубга эътибор қилди. У ҳам худди бошқа хатлар каби, «Ассалому алайкум, ҳурматли редакция!» деган сўзлар билан бошланган эди.

«...Ушбу хатни областимизнинг чекка, Яккақоя қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳиддинова Саодат ёзаяпти. Асли, ёзмоқчи эмасдим-у, мажбур бўлдим.

Гап бундай. Қишлоғимиздаги Ойбек номли ўрта мактабнинг физика ўқитувчиси Бахтиёр Муҳиддинов билан турмуш қурганимизга шу йил ёзда ўн йил тўлади. Учта фарзандимиз бор. Район поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлардим. Ҳозир ёш болали бўлганим учун отпусказаман. Бутун рўзгор эримнинг зиммасида.

Турмушда ҳамма нарса ўйлаганингдек бўлавермайди. Гоҳ у нарса етишмайди, гоҳ бу нарса. Бир тарафда уйнинг солиғи, электру боғча пули, қозон-товоқ дегандек...

Шунга келганда эрим тўнини тескари кийиб олди. Бирон нимамиз (гуручми, гўштми, унми) тугаб қолди, десам, «топганим шу, индамай еб-ичиб ўтираверинглар» деб аччиғланадиган, жеркиб ташлайдиган бўлди. Бу ҳам майли-я, одам фақат еб-ичиш учун яшамайди, қуруқ чой-нон устида бўлса ҳам болаларини эркалатиб, ўйнаб-қулиб ўтирса бўлади-ку!

Бир куни пешинда болаларга телевизор қўйиб бериб (мультифильм бўлаётганди), кир юваётган эдим. Кўчадан кела солиб, «нега куппакундузи счетчик чирпирак бўлиб ётибди, мен пул заводида ишламаяпман-ку» деб ўдағайлаб кетди. Бўлмаса, кўриб турибди, болалар жимгина телевизор томоша қилиб ўтиришибди, мен кир ювяпман, «майли» дедим, чидадим...

Бундан роппа-роса бир ой олдин эса (1-ноябрь куни) қизчамиз, байрамга янги кўйлак олиб беринг, деб хархаша қилиб қолди. Эримнинг жаҳли чиқиб қизчамга тарсаки тортиб юборди. Бола бечора чирқиллаганча қолди. «Сизга тегмай мен ўлай» дегандим, «Ҳалиям бўлса, бирон бойваччага, магазинчигами, повургами, тегишинг мумкин. Мен простой

ўқитувчиман» деб уйни бошига кўтарди. Кейин эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди. Ҳозир мактаб кутубхонасида ётиб юрганмиш.

Қишлоғимиз кичкина, бунақа хунук гаплар бирпасда эл оғзига тушади. Кўчага чиқшдан, одамларга кўринишдан ор қилиб ўтирибман. Наҳотки шу йигит кишининг, тагин тушунган педагогнинг иши бўлса!

Сизлардан илтимос, эримни бу йўлдан қайтаринглр!

Хурмат билан Саодат Муҳиддинова».

Султонов хатни ўқиб чиқди-ю, стол тортмасининг бир чеккасига ташлади. Бу хил мазмундаги хатлар редакцияга келиб турар, оилавий можароларга у кўниқиб кетган эди. Аммо бугун эшик тик этса ялт этиб қараб, учта боласи билан ҳайрон ўтирган мунис жувонни кўз олдига келтирди-ю, негадир алланечук бўлиб кетди. Аслида, хатнинг хошиясига «Фельетонлар бўлими, ўртоқ Ш. Азаматовга» деб ёзиб қўймоқчи эди-ю, айниди.

Азаматов бунақа фактларга ўч, ўзига бино қўйган олифта йигит. «Тирик етимлар»ми, «Менинг отамни кўрмадингизми?» деб фельетон ёзиши ҳеч гап эмас. Аммо кейин нима бўлади? Қўйди-чиқди, суд, тўполон... Қарабсизки, гулдек оила хазон бўлиб ўтирибди. Азаматовга бари бир, буни ўйламайди...

Султонов қўлларини орқасида бирлаштирганича, каталакдек хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. «Йў-ўқ! Бошқа йўлини топиш керак! Балки, хатни эътиборсиз қолдирсам... Йўқ, унда номардлик бўлади. Жувонда нима айб? Дардини ичига сиғдиролмай қоғозга тўкиб солгани-ю, газета редакциясига юборганими?! Эҳтимол... Тўхта-чи!..»

Йигирма йил давомида тартиб-интизомни, қонун-қонидани бирон марта бузмаган Султонов бир лаҳза каловланиб қолди. Ниҳоят, муайян қарорга келиб, стол ёнига ўтирганича, қўлига ручкасини олди...

«Салом Бахтиёр!

Ука, сиз мени танимайсиз, мен ҳам сизни танимайман. Аммо оилангиздан, оилангиздаги можаролардан унча-мунча хабарим бор. Умуман, эр-хотиннинг ўртасига эсини еган тушади, деган гап бор. Аммо сиз бу хатни аканинг укага самимий сўзлари деб тушунинг! Аввало педагог экансиз, қишлоқда обрў-эътиборингиз ҳам жойида экан. Лекин, очигини айтсам, педагогга ва йигит кишига муносиб иш қилмабсиз.

Биринчидан, хотинингиз учун, болаларингиз учун, ўзингиз айтмоқчи, «простой ўқитувчи»мисиз, министрмисиз, бунинг мутлақо аҳамияти йўқ. Сотувчи ва ошпазларни бойвачча деб қоралашингизга қўшилмайман. Улар орасида ҳам ҳалол кишилар кўп. Шунини унутмангки, сиз хотинингиз учун эр, болаларингизга отасиз! Улар шуни билдилар. Улар яхши еб-ичишлари, яхши кийинишлари, ўйнаб-кулиб юришлари керак. Шунинг учун турмуш қургансиз...

Бу айтаётганларим — ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари. Биз ким бўлишимиздан қатъий назар, ҳисоблашишга, ўрни келганда бўйсинишга мажбурмиз. Тўғри, бўшанг ва иродасиз кишиларга қийин бўлади. Улар ана шу масалалар кўндаланг келганида ожиз ва ночор кимсаларга айланиб қоладилар. Натижада оилалар бузилади, болалар тирик етимга айланади. Бир нарсани унутманг, ука, «дунё остонангдан бошланади» деган гап бор. Остона эгалари жамият, давлатлар, халқлар олдида кичик «зарра»лар. Аммо шу «зарралар» тинч-хотиржам бўлсагина халқ осойишта ҳаёт кечиради. Донолар айтганидек, зиммасига оталик вазифасини олиш, ота бўлишни ўрганиш, ўзини ота деб ҳис қилиш — қийин, бунга бир лаҳзада, бир кунда ё бир йилда эришилавермайди. Биз ота бўлишга бир умр ўрганамиз.

Бу гапларни таъкидлаётганимнинг сабаби, сиз ҳам — отасиз! Шунини унутманг! Уйлайманки, булардан тўғри хулоса чиқариб оласиз...

Салом билан ғойибона акангиз  
Собит Султонов.»

Султонов хатга нуқта қўйдию ўзини кўтилмаганда енгил ҳис этди. Энди қаршисида, уни юбориш керакми-йўқми, деган масала кўндаланг турарди. Узоқ ўйлаб ўтирса айнаб қолишини сезиб, хатни тезгина конвертга жойлади-да, устига адресини ёзиб, «йўлда ташлаб юборарман» деган ниятда сумкасига солиб қўйди. «Хўп қизиқ иш бўлди-да, — ўйлади у креслода ғужанак бўлиб ўтираркан. — Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Ёмон гаплар ёзмадим, шекилли! Ё жуда донолик қилиб юбордиммикан?! Нар и борса, жувон дардини хатда айтган экан, мен уни эрига етказдим, холос. Э, нима бўлса бўлди!..»

## 8

Султоновни муҳаррир қўққисдан ҳузурига чақирди.

— Мен сизни йўқлатганим, Собитжон, Яккақоя қишлоғидан бир хат олдик, — деди муҳаррир. — Та-ак, мана, Муҳиддиновлар оиласидан... сиз танийсизми уларни?

Султонов хатни ҳам, ўзи ёзган жавобни ҳам унутганди, доврираб қолди.

— Мени кечирасиз, Тоҳир Соатович! Мен... сизлардан берухсат...

— Нега кечирим сўрайсиз? Нимага рухсат олишингиз керак эди? Тушунмадим? — деди муҳаррир.

Султонов чайналди:

— Биласизми, Тоҳир Соатович... Бир жувон... «Эримни фелъетон қилинглар» деган мазмунда хат ёзган экан. Мен шунга... билмадим...

— Жуда тўғри қилгансиз, — деди муҳаррир. — Мана қаранг, улар нима деб ёзишибди?

У қоғоз уюлган столдан бир варақ хатни олиб Султоновга берди.

Султонов шошиб хатни кўздан кечира бошлади.

«...Собит ака! Ниҳоятда самимий ёзилган мактубингиз учун ташаккур! Очиғи, сиз ҳам бизнинг оиламизнинг бир аъзосидек бўлиб қолдингиз. Раҳмат, сизга! Койишларингиз, панд-насихатларингиздан тўғри хулоса чиқариб олгандекман. Одам боласи бир вақтнинг ўзида ҳам ота, ҳам эр, ҳам ака, ҳам дўст, ҳам кўшни ва яна ҳоказолар бўлишини ва бу вазифаларнинг ҳар бирини бажариши лозимлигини мен ўйлаб кўрмаган эканман.

Сиз аввало инсон, кейин журналист сифатида оиламизнинг тикланишига ҳисса кўшдингиз. Бахтимизга хотиним ёзган хат сиздек олижаноб инсон қўлига тушибди.

Ҳар қандай ҳолатда сени тушунадиган ва тушунишга ҳаракат қиладиган яқин бир инсонни топиш учун одамларга ишонишинг, уларга дилингдаги дардингни тўкиб солишинг керак экан. Сиз мен учун ана шундай инсон бўлиб қолдингиз. Дарвоқе, 20 июнда Саодатхон билан турмуш қурганимизга ўн йил тўлади. Сизни ана шу кунни нишонлашга таклиф этамиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан  
Бахтиёр ва Саодат».

Султонов муҳаррир ҳузуридан суюниб, мамнун чиқди-да, ўз хонасига келиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлагач, бирдан ғашланди... Оқ «Волга».  
«Эллик бешу эллик беш...»

## 9

...Шанба кун и эрталаб хотини Султоновни барвақт уйғотди.

— Турақолинг, дадаси!

Султонов соқол оладиган асбобларини йиғиштириб, тош ойна ёнига келди...

...«Хатлар бўлими»да иш қайнаб ётарди.

...муҳаррир эртанги газетанинг бўёқ ҳиди келиб турган нам саҳифаси устида мук тушганча ўтирарди.

...«кчекиш хонаси»да кимлар кимларгадир гап сотишарди... Бугун ҳеч ким уларни эшитмасди...

...Хона эгаси, «хатлар бўлими»нинг мудури Собит Султонов касалхонада энди кўзини очган эди.

\* \* \*

У кўзини очди-ю... Ҳиманингдир полга тақиллаб тушгани, кимнингдир чапанчасига сўкингани эшитилди.

Султонов хиёл бошини кўтариб, дераза олдида энгашганича соқол олаётган кишини кўрди. У ҳам Султоновнинг нигоҳини сезди шекилли, елкаси оша унга қараб, илжайиб қўйди. Ёшгина йигит экан.

— Уйғотвордимми, ака! Узр!

— Йўқ. Нега? — инқиллади Султонов бинт билан танғилган ўнг қўлини эҳтиётлаб, туришга уринаркан, — ўзим уйғондим.

— Каравотга миҳланиб ётавериб, қувват ҳам қолмабди ўзи. Совун кўпиртирадиган чўтка қўлимдан тушиб кетди... — Йигит «қирт-қирт» соқол олаётиб, бир зум тўхтаганча яна кўшиб қўйди, — бунақа аҳволда уйга қандоқ бораман, билмайман. Келинингиз қочиб кетмаса, бўлди.

Султонов беихтиёр жилмайди.

— Кейин менга ҳам ойнани бериб турасиз-да, ошна? — деди у.

— Соқол оладиган қўл чатоқ-ку! — Султоновнинг ўнг қўлига ишора қилди йигит, — ойнани нима қиласиз?

— Йўқ, унгамас. Шундоқ ўзим. Афт-ангоримни бир кўриб қўяй дедим, — кейин сўради: — Бошқалар қани?

— Ҳали хўроз қичқирмасдан ҳамма ташқарига чиқиб кетган, — кулди йигит, — шунақа пайтда диққинафас хонада ётиб бўладими, дейишди.

— Тинчликми ўзи? — қизиқсинди Султонов.


Йигит яна кулди.

— Баҳор кепти!

Султонов муҳим бир нарсани эслагандек, бош силкиди:

— Ҳа-я, дарвоқе...





Муҳаммад Юсуф

## ДИЁРИМГА ТАЪЗИМ

### Метин иродалар

Куз она тупроққа дардин тўкар жим,  
Сарғайган дарахтлар баргин тўкар жим.  
Қаранг, ҳайдаб борар оппоқ даладан,  
Олчоқларни фидойи юртим!..

Ҳайдаб борар беҳад буғдойзорлардан,  
Ҳайдар саройлардан, креслолардан.  
Уттиз йилдан бери биринчи марта,  
Пиёда кетмоқда бу йўғон гардан.

Кўнгилчанлик қилманг зинҳор-базинҳор.  
Кўпроқ юриш керак буларга, кўпроқ.  
Димоғи олдида қон қусар осмон,  
Товони заҳмида чирқиллар тупроқ.

Темир парчалари,  
Чўян парчалари —  
Кўзёшдан занглаган металлом булар.  
Агарда яраса Домна печларида  
Юзтасидан битта бўйинтуруқ қуйилар...

Эй сен, такаббур зот, нега имиллайсан?  
Буни тасодифмас — ҲАҚИҚАТ дерлар.  
Бу йўлнинг сўнгида сени кўр қилгай,  
Деҳқоннинг юзидан ёғилган терлар.

Манов манзарага бок, Ўзбекистон —  
Қиқирлаб кулмоқда қадоққўл синглим.  
У — менинг далага сочган саволим,  
У — менинг пахтага беланган кўнглим!

Офтобнинг тафтидан олам мунаввар.  
Бу, бир таътанаси Ленин ғоясин.

Муҳаммад Юсуфнинг илк шеърларини ўқигандаги таассуротим ёдимда: майинлик, ўйчанлик, қадрдон туйғулар тасвири, бир қарашда соддадек туюладиган сатрлар замиридаги порлоқ бир дард... Бу орада шоиримиз кўп шеърлар ёзди, китоби чиқди. Лекин шоирликни касб қилмади, шуниси муҳим. Унинг шеърларида ҳали сайқалтаб мисралар, адашиб кириб қолган сўзлар ҳам учрайди. Уларни тузатиш мумкин, тузатиш зарур ҳам. Бироқ шунини таъкидлаш керакки, бу шеърлар беҳуда хитоблару асоссиз даъволардан, чин шеърининг табиатига ёт қитмирлигу жумбоқлардан холи. Фикр-мушоҳадалари дилида кўшиққа айлангандагина кўлига қалам оладиган шоирнинг шеърлари ана шундай бўлади.

Муҳаммад Юсуф — кўнглига яқин дилкаш шоир, шунини айтмоқчиман.

Эркин АЪЗАМОВ

Метин иродалар, сизларни бу кун  
Буюк инқилобнинг руҳи қўлласин!..

Куз она тупрокқа борин тўкар жим,  
Сарғайган баргларин — зорин тўкар жим.  
Кўринг, ҳайдаб борар виждон даштига —  
Олчоқларни фидойи юртим!..

\* \* \*

Бир йил бўлди,  
Сендан келган хат —  
Қалин китоб ичида диққат.  
Мен эса банд,  
Мен овораман,  
Марҳаматга қачон бораман?

Бугун дўстим туғилган куни,  
Табриклайман гул билан уни.  
Торт кесаман,  
Тарвуз ёраман...  
Марҳаматга қачон бораман?

Диёримнинг байрамлари шўх,  
Байрамларда эса билет йўқ.

Бир кассирга минг ёлвораман,  
Марҳаматга қачон бораман?

Чимилдиққа кирмоқда бир қиз,  
Эсиз, увол кетди севгимиз.  
Ноилжман,  
Йўқ, бечораман,  
Марҳаматга қачон бораман?

Менга минг жуфт нигоҳ қадалар,  
Бошланади мушоҳадалар.

Ўзи ёмон,  
Юзи қораман,  
Марҳаматга қачон бораман?..

## Нозим Ҳикмат монолоғи

Диёримга таъзим қилиб туғилдим,  
Пойида бир гулдай, бир ҳулводайман.  
Аммо эгик бошдан унга нима наф,  
Дилга нима ҳузур билмайман?!  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Билмайман, мен қандай узарман қарзим.  
Ўйлаб дил увишар, қор босган кирдай.  
Улуғ тоғ пойида тўқсон йил яшаб,  
Чўққи кўрмай ўлаётган кампирдай  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Оҳ, менинг ёлғизим, меҳрибонларим:  
Юрт кулса кулганим-суюнганларим,  
Йиғласа-йиғлаган, куюнганларим,  
Сизларни ўйласам, ўйлаган сарим  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Диёримга таъзим қилиб туғилдим,  
Пойида бир гулдай, бир ҳулводайман.  
Лекин эгик бошдан юртга нима наф  
Дилга нима ҳузур билмайман?!  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Денгизлар ортида бир юрт бор обод,  
У ерда одамдек яшар одамзод.  
Инсонга меҳр энг олий мукофот,  
Юртим, кулганингни кўрмасман наҳот?..  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Диёримга таъзим қилиб туғилдим,  
Пойида бир гулдай, бир ҳулводайман.  
Лекин эгик бошдан унга нима наф,  
Дилга нима ҳузур билмайман?!  
Юрак ёнаверар, зорланаверар...

Билганим — азиздир барча ирқлар ҳам,  
Ҳаммаси суюмли, ҳаммаси қардош.  
Она халқим туркнинг кўзлари мунглиғ,  
Қора денгиз ўша кўздан оққан ёш.  
Юрак ёнаверар, зорланаверар.

Минг дардинг устига мен ҳам дард бўлдим,  
Куйладим-ўйладим: бир ҳамдард бўлдим,  
Мени улуғладинг — Нозим Ҳикмат бўлдим.  
Лекин мен-чи, сенга нима қилолдим?  
Юрак йиғлайверди, зорланаверди...

Билгум, тугар сабри сабримнинг бир кун,  
Қамишлар босади қабримни бир кун.  
Улсам қадри ошгай қабримни бир кун,  
Бироқ сен-чи, юртим,  
Сен қачон куларсан,  
Сен қачон озод ва обод бўларсан?  
Юрак зорланади, зорланаверар...

## Саксонинчи йиллар комсомоллари

Фарғона канали. Фарҳод — тўғони,  
Гулларга бурканди Мирза чўллари.  
Дўнанлар чарчади. Сиз нима дейсиз,  
Саксонинчи йиллар комсомоллари?..



Ҳайкалга айланди кўз ўнгингизда,  
Турсуной — штурвал кучган кўллари.  
Мамажонлар кетди. Сиз нима дейсиз,  
Саксонинчи йиллар комсомоллари?..

Ногоҳ бир ноҳақлик ўтса жонидан,  
Абдуллани эслар Бойсун чоллари.  
У тоғларда қолди. Сиз нима дейсиз,  
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Алвон-алвон гуллар қизғалдоқ эмас,  
У — қонга бўялган Майна холлари.  
Мен қўшиқ ёзаман. Сиз нима дейсиз,  
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Олдимдан чиқади қаерга борсам,  
Мовий кўз Краснодон болалари.  
Кошевой гапирмас. Сиз нима дейсиз,  
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Бизнинг даврон кулган. Бизнинг бахт кулган,  
Фараҳбахш оқшомлар, ёр висоллари.  
Мени бир ўй ёқар. Сиз нима дейсиз,  
Саксонинчи йиллар комсомоллари?..



Уринбой Усмонов

## ЛАНГ ОЧИЛГАН ЭШИКЛАР ТАСОДИФ

**Уринбой Усмонов**  
1951 йили Тожикистон ССР  
Ленинобод областининг Хў-  
жанд районидан туғилган.  
1973 йили Ленин номидаги  
Тошкент давлат университе-  
тининг журналистика факуль-  
тетини тугатган.

«Ҳақиқати Ленинобод» га-  
зетасида ишлайди.

Ширин туш кўриб ётган Уроз қўйлар-  
нинг устма-уст маърашидан ғижиниб  
уйғонди. Ёнидаги ўринга қўл чўзди. Қўли  
қуруқ тўшакка теккач, эриниб кўзини оч-  
ди. «Қувон! Анови очофатларнинг жағи-  
ни ўчир!» Деворлари тутундан қорайиб  
кетган уйчанинг бир кўзли деразасига  
тутиб қўйилган, кирлигидан асл ранги  
билинмай кетган пардани сурганди, ша-  
риллаб йиртилди. Ичкарига қуёш нури  
отилиб кирди. «Ие, кун ёйилиб кетибди-ю  
ҳалиям қўйни ҳайдамаган кўринади.  
Қай гўрга кетди бу хаёлпараст? Яна сувга  
термилиб фол очиб ўтиргандир?»

Уроз ёстиғининг остидан гул солинган сочиғини олиб, елкасига  
ташлади-да, уйчадан чиқди. Атрофга аланглаб Қувонни қидирди. Ҳеч  
қаёқда кўринмасди. Янги кўзилаган совлиқлар ва кўзилар қамалган кўра  
тўсиғидан мўралади. Кўра бўм-бўш. «Содиқ қўй ҳайдаб кетибди. Одам  
деган мана бундай ишласа! Ҳеч нарсани айтмайсан, ўзи билиб қилаверади.  
Анов хаёлпараст қаёқда юрганийкин? Қаёқдаги ишбилмас, ишқўмас  
ёрдамчига учраб қолдим. Бу тоғ-тошда ишлашга ҳозирги унча-мунча  
йигитнинг юраги бетламаса! Уларга иссиқ ўрин, беҳуда ҳангома бўлса.  
Қанийди, бу йил биронтаси кеп қолса, ана унда хаёлпараст «кетаман»  
дедими, «хуш келипсиз», дейман-қўяман. Ҳозирча ўлганнинг кунидан  
эшакни тоға деб турамиз-да».

Очликданми, яйловга интилибми, қўйлар тинмасдан маърашмоқда.  
Уроз Қувон боқадиган сурув қамалган кўрага ғижиниб қараб турди-да,  
бўралаб сўкиниб жарликка тушиб кетди. «Ё индамай-синдамай хотинчаси-  
нинг олдига кетдимиз? Хотин деган фақат унда бордай, биз ҳам соғинамиз,

лекин, мана, иш қолмасин, дея ҳафталаб, ойлаб қишлоққа тушмаймиз. У бўлса чопгани-чопган. Ҳе, тилладан бўлсаям, хотин-да!»

Қувон сой бўйидаям кўринмади. Муздаккина сувда роҳат қилиб ювинаркан, Урознинг ортида нимадир улагандай бўлди. Угирилиб ҳеч нарса кўрмади. Увиллашни яна эшитиб ўнг томонига қарадию жаҳли чиқиб сўкинди. «Тариқча писанд қилмайди-я, одамни! Нима бўлсаям, бошлиқман сенга, Ялпайиб ётишини қара, яна топган жойини-чи...»

Жарликнинг сой оқиб келадиган кунботар тарафи тик кесма қоя эди. Ундан туриб жарликка қараган унча-мунча одамнинг юраги шувиллаб кетади. Қоя қоқ ўртасидан иккига бўлинган, бир қулочдан сал кенгроқ ёриқдан сой оқади. Қоядан пастга қарашга Урознинг юраги дов бермасди. Онда-сонда билмай қолиб қараб қўйганида, юраги ичига тортиб кетаркан, шунча йил тоғларда қўй боқиб юриб ҳеч нарсадан кўрқмайдиган бўлиб кетган ўзидай одамнинг юраги пўкиллашига ҳайрон қоларди. «Жаҳаннам» деганича бор. Бу совуқ сўзнинг ўзи нақ танангни музлатади-ю...» Ана шу «жаҳаннам»нинг ўнг тарафидаги ярим қоя худди пичоқда кесгандек ўн-ўн беш қулочча тик тушган, жарликда эса ёйилиб кетгандай... Ёйилманинг ўртасида туяттош сўппайиб турар, Қувон ўша тошга елкаси ва боши билан суянганча беўхшов ялпайиб ётарди.

Уроз сувни чапиллатиб ювинди-да, артина-артина елкаси оша Қувонга ўғринча қараб олди. У ҳамон ўша-ўша бир хилда нописандлик билан ётар, ёнидаги ит бўлса, бошини хўжайинининг тиззасига қўйиб олган, гоҳ-гоҳ тумшугини кўтариб увлаб қўярди. «Яхшилик бўлсин, итнинг увиллаши — шумнийат. Бу хаёлпарастнинг яна жазаваси тутибди, чоғи. Мени калака қилиб нима зафар топаркин ў?» Уроз жаҳл билан туяттош томон юрди. «Ҳей, мунча ялпайиб ётволдинг? Мақсадинг қўйларни очдан ўлдириб, мени балога гирифтор қилишми? Тур ўрнингдан, сурувни ҳайда! Унга аввало ўзинг жавоб берасан! Содиқнинг кетганига қанча бўлди-ю! Товба, қулоқ қоқмайди-я! Ҳўв, менга нега ўқраясан?!»

Ит чўзиқ увлади. Қувоннинг қимирламасдан ғазаб билан хўмрайиб турганини кўриб Урознинг чапақайига жаҳли чиқди. Унинг қандайдир голибона, ҳам жиндай ғазаб аралаш боқаётган нигоҳига чидаёлмади. Одимини тезлатди, сал бўлмаса чопаязди. Ана, уч қадам қолди етишига: у ҳамон ўша қўйи ётибди; икки қадам қолди, ҳамон ўша-ўша; бир қадам қолди, туки ўзгаргани йўқ. Ҳозир бу керилманинг тирсагига туртади. «Нима бало, ўлиб қолганми, на ўзи қимирлайди, на кўзи?» Уроз Қувонга қўл чўзди-ю, бармоқлари етай-етай деганда ўкириб юборди. Ортига тисланиб қочаркан, оёғи нимагадир илашди. Ихради-ю, ўзини базўр тутиб қолди. Оппоқ, юшмоқ бир нарса оёғига ўраларди. «Нима бу, нималар бўляпти?» У сойга етиб боргандан кейингина ўзига келди. Лекин ҳамон аъзои бадани титрарди. Бошини совуқ сувга пишди, узоқ тутиб турди. Муздай сув этини зиғирдай жунжиктирмасди. «Сочиқ, сочиғим-ку!» Уроз кичқириқни базўр бўғзида тутиб қолди. Яна бошини сувга пишди.

«Ўлибди, ё қудратингдан, топган ўлимини... Ўқрайишини... Кечаям шундай хунук ўқрайганди. Содиқ билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргандик. У бўлса, тўшакка чўзилганча ётарди. Кўзларини юмиб олган-у, билиб турибман, ухлагани йўқ. Содиқ бозорга тушганди, ўшаттан топиб келган гапини айтди: бир йигит жўраси билан ҳазиллашиб туриб ўлдириб қўйибди. Кейин икки-уч кун гарангсиб юриб, ўзини осибди. «Умр ҳар нарсадан азиз, бошқа дунёга кеп бўпсан. Нега ўзини осдийкин у аҳмоқ? Биринчидан, атайлаб ўлдирганинг йўқ, иккинчидан, бунинг учун сени отишмасди». Шундай дедим, холос, бошқа бирон оғиз гапирганим йўқ. У индамай ўзини ухлаганга солиб ётаверди. Ғашим келиб «Аҳмоқ экан, шундайми, Қувон?», дедим. «Нима шундайми?» — ҳатто кўзларини очмасдан минғирлади. «Ҳозирги эшитганинг-да». «Шундай бўлса, шундайдир-да», деди яна бепарво. «Товба, Қувон, сенда юрак борми ўзи? Биз нималарни гапиряпмиз-у!» «Нималарни гапиряпсизлар?» «Эшитмадингми?» «Ҳе, қанақа одамсиз ўзи, тинч ётгани қўясизми-йўқми?» «Нега бунча ўдағайлайсан? Мен сени одам деб... Шу диққинафас каталакда уч кишимиз. Зериккандан у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб, кўз юмилгунча...»

«Дунёда яхши воқеалар ҳам бўлаётгандир!» «Биз, биз у гапларни ачинганимиздан айтдик: Содик бошлаб қолди...» «Сиз, сиз ачинасизми? Сиз-а? Ҳатто, мана бу бола ачинаман, деса ишонаман. Лекин шуни яхши билинглар, ўша йигит ҳеч кимнинг ачинишига муҳтож эмас!»

...Унинг ёниб турган юзларига, ўқдек қадалган кўзларига қараб ўзимни тутолмадим. Намунча қотилни ҳимоя қилиб қолди? Ёки унга қариндош-париндошми? Ё ўзининг ўйидаям шундай лаънати хаёллар ғимирлаб ётгандир?

«Нега жим қолдингиз, гапиринг энди! Нега қотилга тарафкашлик қиляпти, деб ўйлаётгандирсиз? Борди-ю, сиз билмасдан бировни ўлдириб қўлдингиз, дейлик. Шунда ўзингизниям ўлдира олармидингиз? Нега лабларингиз титраяпти, рангингиз ўчди? Қўлингиздан келмайди-а? Нега унда устидан куласиз? Ҳукм чиқарасиз, ҳа-а, ачинасиз?...» «Мунча менга ёпишиб олдинг, сени одам деб суҳбатга тортиб балога қолдимми? Э, деворга гапириб ётмийманми!» «Ишқилиб, одамликни ҳамма ўзича тушунаркан-да...» У шундай деди-ю, менга ўқрайди. Дош беролмадим қарашига...

Хайронман, бу боладан нега чўчиб қолдим ўзи? Уша, ишга келган ойлари семиз қўйлардан йигирматасини бозорда пуллаб, ўрнига ориқ қўйлар олиб келганимни кўрганида ҳам шундай ўқрайганди. Мен аҳмоқ бўлмасам, ўшанда унга бошимдан ўтган савдоларни айтиб ўтирибман. Узи гўрингда тўнғиз қўпгур Остон қўйчи хонумонимни вайрон қилди-да. Сурувнинг ярмини сотиб битириб, текшир-текшир яқинлашганда қишлоққа қочиб, кўрпа-тўшак қилволди. «Ука, мазам бўлмай кетяпти, кўзинг пишди, сенга ишонаман, қўй-қўзиларни уч-тўрт кун боқиб тур, ўғилча қарашар», деди-ю, отарни ташлади-кетди. Тентак бўлмасам, қўйларни санамайманми... Ана, кейин Остоннинг томошаси бошланди. Текшир-текширда олтмишдан ортиқ қўй оз чиқди. Ҳаммасини бўйнимга қадади-қўйди. «Мен бу лаънатига ишонибман. Энди биринчи йил яйловга чиқиши бўлса. Она сути оғзидан кетмаган десам, шунча хунари боракан, икки дунёда рози эмасман бунақа эгриқўл шогирдчадан!...» дея турди-олди. Ука, ўшанда менинг қандай қийналганимни билсангиди! Қамамоқчи ҳам бўлишди. Итдан олиб итга солишди. Ниҳоят қўйларнинг ярмини бўйнимга қўйишди. Ярмини Остон тўлайди, дейишди. Шунда у мени савалай кетди, ҳаммаёғимни мўматалоқ қилиб ташлади. «Хонавайрон қилдинг мени, топганинг татимасин», дерди у тўхтамай. Одамлар ажратиб олишмаганда майиб қилиб ташлармиди... Қарз-қавала қилиб қўйларнинг товонини тўладим. Орадан икки ой ўтар-ўтмас, йўқолган қўйларнинг ярмига яқини топилди. Қўшни шаҳар бозорида сотишаётганда тутишибди. Ана шунақа гаплар, ука! Тирикчилик экан, мажбур бўляпмиз. Мен Остон қўйчидай сени жарга итараётганим йўқ-ку! Бу тоғда бекорга таёқ кўтариб, ёзда офтоб уриб, қишда изғиринга кўкрак бериб юраимизми?» «Яхшиси, мениям Остон қўйчидай алдасангиз бўларкан». У авзойи сира ўзгармасдан айтди бу гапни. Ҳазиллашяптими, десам, жиддий қиёфада. Кейин, мана, нима қилсам, иши бўлмай кетди-ку! Лекин, бора-бора одам билан суҳбатлашмайдиган бўп қолди. Гаплашгандаям нуқул устингдан кулаётганга ўхшайди. Утган ҳордиқ улоқдан қайтиб, Содикқа гапириб турсам, ўшшайиб кеп қолди. «Ҳа, ака, манглайни қашқа қилвопсиз», деди иршайиб. «Улоқда бўлади-да, ука, қизишиб кетасан». «Ия, сизам қизишасизми?» «Ҳе, ука, отанг улоқчи ўтган бўлсаям, ўзинг улоқ нималигини билмийсан-да!» «Биламан, отамнинг манглайида чандик бориди. Улоқни олиб, маррага етай деганда қайси бир номард кўзлари аралаш қамчи урган. Қон тизиллаб оқиб кўзларига тушган. Улоққа ёпишган кўлнинг эгасини бир қўллаб отдан ағдарганлар. Ўшани, от тагида қолган-у, бир бахти чопиб, ўлмаган, дейишади. Отам ўша кўйи маррага етиб борганлар. Кейин, яна узоқ йиллар улоқ чопганлар. Ҳа, улоқ нималигини унча-бунча биламан. Улоқ аслида мардлар ўйини, лекин битта-иккита номардлар ҳам аралашиб қолади».

Хайрият, ўшанда у четга қараб гапирди. Бўлмаса, авзойимни кўриб... Ё билармиди, ўшанга атайлаб... Шунга мени эзиб юрармиди? Айтса, бир

хафагарчилик бўлиб, у ёғи кўнглим тинчиб кетишини сезармиди, хумпар. Йўқ, билмаган. Билганда, у айтмасдан қўймасди.

«Биронтаси қамчи билан урдими?» «Нима, нимага шама қиляпти?...» «Эҳтиёт бўлинг-да, қизишиб кетиб отнинг тагига тушиб янчилиб, ўлиб кетманг яна. Ҳа, нега бўзариб кетдингиз? Қаншарингизгача титраяпти-я! Бунча ўлимдан кўрқасиз? Дунёга устун бўлгингиз бор чоғи? Ҳа-ҳа... ҳа-ҳа...» «Кулишини... Эшитилганга ўхшайди. Уч олмоқчи. Мунча мени ўлим билан кўрқитади? Қилиғиям хунук, гапиям совуқ. Бирда қоядан «жаҳаннам»га қараб турсам, кимдир итариб, тез тортиб олди. Қарасам, шу сўхтаси совуқ. «Ие, сизам «жаҳаннам»ни томоша қиларкансиз-да», дейди. «Ҳазил эви билан, ука. Бехосдан юрак қинидан чиқиши мумкин». «Ҳозир тушиб кетганингизда нима бўларди-я...» «Мақсадинг мени ўлдиришми, нима демоқчисан?» «Ҳеч нарса. Ўлимдан шунчалик кўрқадими одам? Ҳа-ҳа... ҳа-ҳа...» «Яхши гапгаям, ёмон гапгаям... э, ука. Нима, сен ўлимдан кўрқмийсанми? Еруғ дунёга келдингми, яша-да». «Ҳар қандай йўл билан, ҳар нарсага чидабми?» «Хўв, сенинг бошингдан биров тегирмон тоши юргизяптими?» «Йўқ! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа...»

«Ишқилиб, қайтаркан-да. Менга ўлим тилаб, ўзи... Ҳойнаҳой, тонг қоронғисиди қояга чиққану «жаҳаннам»га тикилган. Уйқусираб тушиб кетган. Лекин туятошга қандай суялиб қолдйкин? Яна тирик бўлса-я?»

Уроз кўрқа-писа туятош томон кўз қирини ташлади. Қувон тошга ўша-ўша суяниб ётарди. Ит увилламай қўйганди. Қандай суялиб қолдйкин, атайлаб биров ётқизгандай. Хайрият, қўл тегизмаганим... Шу, чоғи, қоядан тик тушиб, ёйилмага урилган, сурилиб келиб туятошга сирғалиб тушгану суялиб қолган. Ана сенга, хаёлпарастлик! Ана сенга, «жаҳаннам» қаърига тикилиб бахт ахтариш... Хайрият, қўл тегизмаганим...»

Уроз яна бошини сойга тикди. Оғзини чайди. Туятошга қарамасликка уриниб, сўқмоққа қадам қўйди. Орқасига қараб-қараб кўтариларкан, совуқ намчил қўл билагидан ушлади. Баданидан бир нима югуриб ўтди, юраги томоғига тикилди.

— Ҳа, Урозвой, одамнинг ёши ўтган сайин жони ширин бўлиб борадими, дейман.

Уроз қаршисида илжайиб турган ҳисобчини кўриб ерга туфлади.

— Ҳа, сизмидингиз?

— Юракдан бор экан-да! Шу юрак билан ҳувиллаган тоғларда қандай юрасиз? Ҳа, пул ширин-да, — Ҳисобчи сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб ёйилиб кулди. — Жаҳлингиз чиқмасин дарров, бир ҳазиллашдим-да. Булинг, тараддудингизни кўринг, меҳмонлар келишяпти. Соё бўйига жой қилинг. Атаб қўйган қўйингиз бордир?

— Қўй?! Меҳмон?! Э, ҳозир ўзимнинг меҳмоним чиқиб ётибди.

— Нима бўлди? — Урознинг қон қочган юзи, тинмай пириллаётган лаблари, учиб-учиб тушаётган ёноғи, терс муомаласи ҳисобчини ташвишлантириб қўйди.

— Ўтинг, жарликка тушинг, ўзингиз кўрасиз, — Уроз ҳисобчини ёнидан ўтказиб, орқасидан аста туртди. — Тушинг, тушаверинг!

— Нима гап? Очиғини айтаверинг-да. Қўйларга бирон...

— Э...қўйлар эмас... одам. Тушинг, кўрасиз!

Ҳисобчи пастроқ тушаркан, туятошга суяниб ётган кишига, унинг ёнидаги итга кўзи тушди.

— Қувон-ку! Уришдиларингми! Гаров бойлашаман, ҳозир гапимизни эшитиб турибди. Лекин эшитмаганга солиб, пинак бузмаяпти.

— Энди у ҳеч нарсани эшитмайди. Туятошга ҳам сўнги суяниши...

Урознинг овозидаги синиқликдан, безовталиқдан ҳисобчи воқеани англади.

— Улибдими?

Уроз индамай ерга қаради. Ҳисобчи уни силтаб ташлаб олдинга ўтиб кетди. Тепага чиқди-ю, уйчага кириб олиб, эшикни зичлаб беркитди. Судралиб қадам ташлаб чиқиб борган Уроз эшикни очганида ўзини орқага ташлади.

— Сизга нима бўлди? Уликни кўрганингизда тамом бўларкансиз-да?

— Узи ўлибдими? Қўл теккизганингиз йўқми? Бошингиз ғалвага қолмасайди.

— Уладиган у, нега мен ғалвага қоламан?

— Уша ётишда ўлади-ю... Анов бола қаёқда?

— Жазавага тушманг, ака! Мен у билан мол-дунё талашмаган бўлсам... Ана, совуқ чой бор, ичволинг, кўйлар кўрани бузаяпти, мен қараб келай.

Ҳисобчи чойнакнинг жўмрагидан ютоқиб симирди-да, шу заҳоти туфлаб тушлади. Томоғида чучмал таъм қолди. Деразадан ташқарига тикилиб ўтирди. Жарликка кўзи тушди-ю, сакраб туриб, эшикни зичлади. «Ҳеч ишонгим келмайди-я. Улибдими-я... Довдир бола. Эсиз, ёшгина келинчак тул қолди. Унга нима, бир кунини кўриб кетар, боласиям катта бўлар. Улганга қийин. Лекин икковиям бир-бирисиз туролмасди. Қишлоқда ҳамма ҳавас қиларди. Шу болага отаси қилди. Ўғли кўли гул уста бўлганди. Ота «боболаримнинг таёгини ерда қолдирсанг, рози-масман» деб турволди. Ушлаган жойини кесадиган чол эди. Ўғил шўрлик бўйнидан боғлагандай яйловга чиқди-да. Лекин қишлоққа сўроқсиз кетаверарди. Янги уйлангандан кейин шу-да. Узи қўйчигаям, хотинигаям тўзим берсин. Баъзан ойлаб бир-бирини кўришмайди. Уроз-камида ўн марта катталарга арз қилиб боргандир. «Кўр бўлсаям, кар бўлсаям, бошқа ёрдамчи беринг. Менга «қишлоққа бир тушиб келай», дейди. Майли десам ҳам кетади, демасам ҳам. Отар ўзимга қолиб кетади. У хотинчаси билан айшини суриб ётганда, мен пода чангини ютаётган бўламан», деб борувди бирда. Икковининг гапи тўғри келмасди-да, кўпинча. «Одамни писанд қилмайди, гапирсанг мазах қилади», деб неча марта айтган Уроз. Ё унинг ўзи... Йўғ-е, бунақа ишга кўли бормас...

Болаям довдир десам, довдир эмас, телба десам, телба эмасди-да. Утган кўкламда келсам, битта кўзини кўлига олволиб, хаёл суриб ўтирибди. Кўзида ёш. «Уладиганга ўхшайди, дунёга келиб, ақалли уч-тўрт кун чопқиллаб ўйнаёлмади», деди ютиниб. «Ишни қип қўйиб, оҳ-воҳ чекишдан фойда йўқ, ука, — дедим унинг авзойидан жаҳлим чиқиб. — Яхшироқ қараш керак эди. Талафот кўпайяпти. Катталарга жавобини ўзинг берсан!» «Нима! Жавобини бераман?» Унинг ўша пайтдаги кўринишини эсласам, ҳалиям тирноқларимгача титрайди-я. Тишлари тақирларди, оғиз-бурун аралаш пишқирарди, кўзига қараган одамнинг нақ юраги ёриларди. «Мен бунинг жавобини аллақачон беряпман. Қийналишини кўринг буни. Кўринг!» У кўзини менга тутди-ю, камаридаги қиндан пичоқни олди. Оғиз жуфтлаганимча қуёшда ялтиллаган тиг кўзининг бўйинини шартта кесди. «Бу нима қилиқ? Тўлайсан!» Овозим борича бақирардим. У бўлса, телбаларча хохолаб юборди. «Хо-хо-хо»... Тоғдан садо қайтар, у янаям қаттиқроқ куларди: «хо-хо-хо».

«Қани, юринг», у кулганича мени судради. Кўранинг нарёғига билагимдан омбулдай қисиб олиб борди. «Мана, булар ўзимнинг кўйим. Уновини олинг. Хо-хо-хо». Қўлимни зўрға бўшатиб қочиб қолдим. У ҳамон телбаларча куларди: «хо-хо-хо».

Жинни, жиннинамо эди. Улимиям шунга ўхшаш бўлди. Хайрият, ўлигини кўрмаганим...»

Ташқарида ит вовиллади. Аъзои бадани увишиб кетаётган ҳисобчи деразадан мўралаганда эшик очилди. Ўзини орқага ташларкан, Урозни кўриб лабига зўраки кулги югурди.

— Қаерга йўқ бўлиб кетдингиз? — деди лаблари қийшайиб илжаркан.

— Қўйларнинг оғзига уриб келяпман. Содиқ ҳам қайтди. Мени кўрмасдан қўйларини кўрага ҳайдаб кирди. Хаёлпарастнинг битта ити ҳам унга эргашиб юрибди.

Ташқарида яна ит вовуллади. Нимадир тарақлади. Қадам товуши эшитилди. Уйчага яқинлашай деганда, қайтиб кетди. Ит жим бўлиб қолди. Уроз чўнтагидан нос олиб, тилининг тагига ташлади-да, узала тушиб ётиб олди. Ҳисобчининг тезроқ кетгиси келарди. Лекин бўғинлари увишар, тиззаси қалтирар, туришим билан йиқиламан, деб ўйлаб ўрнидан



қўзғалмасди. У ён-бу ён аланглаб, деворда ўрмалаб бораётган чумолига қўзи тушди-ю, унга узоқ тикилиб қолди. Чумоли ўзидан катта пашшани судраб борарди.

\* \* \*

Сўқмоққа тушиб олгач, ит вовулламай қўйди. Уқдек отилиб бориб Қувонга суйкалди. Иккинчи ит бошини кўтариб ғингшиди. Итнинг ортидан югуриб тушган Содиқнинг кўнглидаги ғашлик, ҳали ит яйловга бориб ялиниб ғингшиганда, шимидан тортганда пайдо бўлган ғашлик туятошга суяниб ётган Қувонни кўриб бир оз тарқалди. Жарликка тушиб бораркан, итларнинг хўжайинига суйкалишини кўриб ҳаваси келарди.

— Ит ҳам одамнинг яхшисини билади-да, ака, — деди туятошга яқинлашаркан.

Қувон қамирламади. Унинг қон қочган юзини, атрофида ғимирлаётган пашшаларга эътибор бермаётганини кўриб ҳалиги ғашлик томоғидан ғиппа бўғди.

— Ака, Қувон ака, нима бўлди сизга? Нега бундай...

Қувоннинг ярим юмуқ, ўнг тарафига масхараомуз қийшайиб турган пастки лабидаги истеҳзоли кулгини кўриб Содиқ беихтиёр тилини тишлади. Бадани вижирлаб кетди. Юрагидан бир нима узилди.

«Мендан кулиб кетдингизми, ака!» У туятош қаршисида тиззалаб ўтирарди. Кўзлари юмуқ, қўллари билан сонини қаттиқ ғижимлаган, боши асабий чайқаларди. «Кулинг, ку-линг!.. Агар, шунга арзисам, ар-зи-сам!.. Яйловга биринчи келган куним қандай қувонганингиз эсимда. Шошиб дастурхон солдингиз, қумғон қўйиб, ўт ёқдингиз. Кейин, Уроз оғадан ҳатто буюрилганда ҳам чой қайнатмасингизни эшитдим. Ҳа, ўзим ҳам кўрдим. Уша куни ярим тунгача ухламадингиз. Роса гапирдингиз. Кўзим илиниб қопти. Илиниб қопти-я! Сиз Самарқанддаги жаҳонга донғи кетган иморатлар ҳақида ёниб сўзлардингиз. Ўзингиз қурмоқчи бўлган уйларни хаёлан тасвирлиб берардингиз. Икки-уч кун қишлоққа тушиб қайтсангиз ҳорғин, лекин шод кўринардингиз. Қишлоқда сиз тиклаган уйни кўриб ҳайратда қолдим. Сиз дам олишнинг ўрнига эртадан-кечгача ишлаб, нақшлари сеҳрли уй қурган экансиз. Бир гал қишлоқдан қайтганингизда узоқ суҳбатлашиб қолдик. «Биласанми, ука, шу қишлоққа кетворгим келади-да, — дедингиз. — Уйимда бола-чақа билан яшасам. Янги-янги уйлар қурсам. Нечта лойиҳа калламда. Кеннонинг «бизниям яйловга олиб кетинг, сизга ёрдамлашиб юраман, қўйбоқар аёллар озми», дейди. Биламан, уям ўз касбини яхши кўради. Ҳали уйланингинг йўқ-да, ука, билмайсан. Севиб қолсанг, янаям қийин». «Қувон ака, қишлоққа кетинг-қўйинг-да. Ушанда одамларга кўпроқ фойдангиз тегар». «Кетолмийман, ука, кетолмийман. Отамга сўз берганман». «Сўз берган фақат сизми?» «Мен руҳни чирқиллатишни истамийман». «Э... руҳ қаёқдан билиб ўтирибди? Йўқ нарсага ишониб...»

Шунда сиз кўзимга ёмон тикилдингиз. Шарт ўрнингиздан турдингизу қўрага кириб кетдингиз. Ҳа, ҳамма ҳар хил экан-да, сиз отангизнинг раъйини қайтаролмай тоғ-тошларда юрдингиз. Мен қайтворган бўлардим. Сиз Урознинг йўлига юрмадингиз. Мен-чи... Уша воқеани эсласам, ҳалиям ўзимдан ўкинаман. «Кўзиларни қўйларингга қўшиб келдингми?», дедингиз ҳатто отимни ҳам айтмай кулимсираб. «Ҳа», тилим базўр айланди. «Бой бўларкансан-да», истеҳзоли сўзларингиз этимга санчилган бўлса-да, индамадим. «Уроз оға йўл ўргатдимми? Бугун нечта совлиқ эгиз кўзилади?» «Учта». «Иккитасини яшириб келяпсанми? Ҳисобчи келганда битта совлиқ эгиз кўзилади, деб хурсанд ҳолда кўрсат, дедимми? Бу юриш-туришинг билан бир қўйинг икки бўлмайди, тоғда қийналиб юргандан кейин шунақа қилишга тўғри келади, дегандир? Ҳа, нега ерга қарайсан?» «Мен... мен бошлиқнинг айтганини қилдим». «У «жаҳаннам»га ташла деса, ташлайверасанми?» «Уроз оға «жаҳаннам»га итараётгани йўқ-ку! Қайтага...» Сиз бошқа бирон оғиз гапирмадингиз. Қўл силтадингиз-да, кетдингиз. Мен

ортимга қайтиб кўзиларни оналарининг олдига олиб бораётганимда йўлда Уроз оға учради. «Ҳа, нега қайтариб келяпсан? Қўрқдингми? Ё анови гап ўргатдимми? Лаънати телба, ўзиям емайди, бировга ҳам едирмайди. Бор, менинг кўйларимга қўш, бўлмаса. Мана, мен жавоб бераман унга. Ҳали шошмай турсин!»

Изимга қайтдим. Онасидан ажраб маъраётган кўзичоқлар бегона совлиқлар атрофида эланишарди. Уша куни қийналиб юрдим-у, кейин бу ишни такрор-такрор қилишга тўғри келди. Кўникиб кетдим ҳам... Сиз эса мен билан деярли гаплашмай кўйдингиз. Оддий савол-жавобдан нарига ўтмайдиган бўп қолдик. Тағин ҳам ўйчан бўлганингизни кўриб қийналардим. Яйловдан бош олиб кетгим келарди.

Кейин... кейин отингиз ўлди. Туппа-тузук, кечагина гижинглаб турган от тунда ўлиб қопти. Ростини... ўша куни сизни жиннига чиқариб қўйдим. Уроз билмасдан айтмаган экан, дедим. Улган от теграсида гир-гир айланардингиз, тунда намиққан ёлини силардингиз, жағини очардингиз, кўтариб турғизига уринардингиз. Ҳеч кимга гапирмай қўйдингиз. Уроз «отни кўмайлик» деганда еб ташлагудай қарадингиз-у, «жаҳаннам»га қараб кетдингиз.

Отнинг отангиздан қолганини эшитгандим. Бу яқин орада ундан ўтадиган улоқчи от бўлмаганлигини кўп гапиришарди. Лекин, минг қилсаям у бир ҳайвон, одам эмаски, шунча аза тутса, деб ўйладим. Ахир, баъзилар энг яқин кишиси вафот этганда ҳам кўзига қатра ёш олмайди-ку!

Отнинг ўлганига ўн кун бўлса-да, қовоғингиз очилмади. Сизга ҳайрон бўлиб юрган бир пайтда бир куни тонг саҳарда сойга тушиб ювиндим-да, чакалакзорга кириб, хушбўй кўкатлар устида узала тушиб, милтираб турган сўнгри юлдузларга тикилдим. Кўзим илиниб қоптими, кимнингдир пичирлашидан уйғониб кетдим. Шохлар орасидан аста мўраласам, Уроз. Сой бўйига чўкка тушволган. Қўллари осмонда: «Гуноҳимни кечир. Бир жониворнинг уволига қолдим. Ёмон кўрардим у отни, ёмон кўрардим. Улоқларда хўжайини иккови ютиб, шарманда қилган. Неча марта ўғирламоқчи бўлгандим, энди олдимга кеп қолди. Уни кўрсам алашим келади, чидаёлмайман. Устига, анови телба яхши кўриб қолди отни. Улоқдан кейин гердайиб юрадиган отасиям бунчалик айланиб-ўргилмасди. У-чи... Отимни чоптириб бораётсам, олдимдан атайлаб елдек ўтиб кетарди. Мазах қиларди, мазах... Уч кечадан буён тушимга киргани кирган. Улоқ эмиш. Ҳамма отлар мени ўраб келармиз. Пишқириб келиб теписаверади, теписаверади. Вой белим, тушда тепсаям, белга оғриқ кирди-я. Ўзинг кечир!» Чидаб туролмадим. Чакалакзордан чиқдим. «Уша ифлос ишни сиз қилган экансиз-да! Шундай отни ўлдиргани кўлингиз қандай борди?» Лекин бу сўзлар ичимда қолди. У оёғимга йиқилди. «Эшитдингми? Укажон, ҳеч кимга айтма. Ўзимнинг азобланганим етар. Нима десанг, қиламан. Ҳўп десанг, ўнга қўй берай. Шайтон васвасасига учдим. Айтма, укажон!» Уни силтаб ташлаб, тепага чиқиб кетдим. Орқадан йиғи овозини эшитдим. Кап-катта одам баралла йиғларди...

Унинг отни нега ўлдирганини кейинроқ тушундим. Бир ойча олдин очик ҳаво бирдан айниди-қолди. Кўйларни қўрага ҳайдашга улгуролмадик. Қаттиқ жала қуйди. Сойдан қўй ҳайдаб ўтаётганимизда сув тўсатдан кўпайиб кетди. Икковимиз ўтволгандик, орқада қолган уч-тўртта қўйни ҳайдаб ўтаётган Уроз кўринмай қолди. Унинг додлаганини эшитиб ўзингизни сойга отдингиз. Тошдан тошга урилиб оқаётган, дам чўкиб, дам сув юзига чиқаётган Урозни судраб обчиқдингиз. У ҳушига келиши билан қўйларни сўради. «Икки-учтаси оқиб кетди», дедингиз. Унинг ҳозиргина ўлаётган одамникидай сўник кўзлари порлаб кетди. «Оқиб кетибди-да», деди. «Ҳа. Хайрият, сизни асраб қолдик. Қўй топиладиган нарса». У сизга тикилиб қолди. Бир нарсани айтмоқчидай лаб жуфтлади-ю, тўсатдан ортига ўгирилиб олди.

Бир ҳафтадан сўнг қўлимга пича пул берди. «Текширгани келишса, ўттиз иккита қўй оқиб кетди, дейсан, ўқдингми? Буни катталар ҳам билишади», деди кўзимга қаттиқ тикилиб.

Кечқурун ғижиллашаётганларингни эшитдим. «Менга пулингиз керак

эмас. Ахир, инсофи бўлиши зарур одам деганнинг! Уша сиз пуллаб, «оқди»га чиқарган қўйлар ҳам бировнинг ҳаққи-ку!», дедингиз сиз. «Бўлар иш бўлди, катталар ёзиб кетишди. Энди айтсанг, сениям бизга шерикка чиқаришади. Пулга келишолмай, сотяпти», дейишади. «Шу гапингиз учун ҳам бориб айтмасамми!» «Айт, айт, дарров. Биронта эскисини ечиб берар... Менга барибир, Содиқниям тортиб кетасан». «Ҳар ким қилмиши учун жавоб беради!»

Шу гапларнинг индинига от ўлди.

Ўрознинг сой бўйидаги илтижосини эшитиб қолганимдан кейин ишдан кўнглим совиди. Кетиб қолдим ҳам. Ярим йўлга бориб ортимга қайтдим. Ишонинг, сизни ўйладим. Кетмасам, ғамингиз енгиллашиб қоладигандай туюлди. Лекин кўзингизга сира бемалол қаролмайдиган бўп қолдим. Сойликда эшитганларим юрагимни кемирарди. Уйлаб-уйлаб, шартта ҳаммасини айтаман-да, узр сўраб, азобдан халос бўламан, деган тўхтамга келдим. Гапни сойда оққан қўйлардан бошлабман, мен хомкалла. «Қўй, ука, майда-чуйда ғиди-бидини» дея шарт ўгирилиб кетдингиз. Ҳайкалдек қотиб қолаверибман. Орқангиздан чопмийманми, юрагимни бўшатмийманми? Ўр экан ҳали бу бош, ўр экан! Ана энди армонда қолдим. Кулинг устимдан, кулинг...

Энди Ўрозга, менга ўхшаганлар бу ёруғ дунёда юрибмиз-у, сиз йўқсиз, йўқ-сиз! Яхши одамга кун йўқ, дегани шумикин? Наҳотки, қоядан учган бўлсагиз? Ишонмийман! Сиздай чаққон одам... Унда, ўзингизни... Нега? Нима учун?! Ахир, Ўрозларни йўқ қилиб ташлабийсизми ундан кўра!.. Мениям!.. Ҳеч нарсага ишонмийман...»

Содиқ шалвираган оёқларини базўр кўтариб ўрнидан турди. Қувонни кўтармоқчи бўлиб қўл чўзди-ю... Унинг лаблари билинар-билинимас қимирларди. Ҳалиги истеҳзоли кўлги йўқолиб борарди. Содиқ Қувоннинг юрагига қулоқ тутиб кўраркан, ҳаяжони нақ томоғига келиб тиқилди, кейин кўзларига ўтиб, бетига томчилади.

— Ака! Тирик экансиз-ку! Адолат бор экан-ку, дунёда! Мени эшитяпсизми? — Қувоннинг боши қимирлагандай бўлди. — Нима қилди ўзи? Қоядан тушиб кетдингизми? — Бош яна хиёл қимирлади. — Омон қопсиз, бўлди. Тузалиб кетасиз ҳали. Ҳали, ҳали...

Содиқ Қувонни аста кўтарди-да, бошини чап елкасига қўйиб, белидан маҳкам ушлаб олди. Зил-замбил одамни зўрға кўтариб борар, оёқлари титрар, лекин тезроқ унга ёрдам кўрсатиш ўйида қадамни жадаллаштиришга уринарди. Лабларидан эса икки оғиз сўз галма-галига узилиб-узилиб чиқарди: «Адолат... ҳали...»

\* \* \*

Уйча эшиги ғийқиллаб очилди. Ичкарига Қувоннинг боши, орқасидан уни бағрига босган Содиқ кириб келди. Эсхонаси чиқиб кетган ҳисобчи ўқрайган кўзларни кўриб Ўрозни туртди. Ўроз бақрайиб қолди.

— Қарама менга, қарама!.. — деб бақирди у.

— Қандай нохуш кун, меҳмон бўп келадиган мениям... Туринг ўрнингиздан!

Ҳисобчи турғазмоқчи бўлиб қўлидан тутганида Ўрознинг жонсиз танаши шилқиллаб йиқилди. Эшик ланг очилиб кетди.

## БАРМОҚЛАР

Бундай бўлишини у кўпдан бери кутарди ва... бирда гапираётганида ўғлининг пастки лабини тишлаб турганини сезибоқ кўнглига ғашлик соя солганди. Олдинлари оғзидан чиққан сўзни лом-мим демай қабул қилувчи ўғилнинг энди кўнгли учун «хўп» дейишини-ю, лекин ҳадеганда айтганини қилавермаслигини, ёш бола эмаски, пайқамаса. Бир пайтлари у ҳақда «ўша

тўппонча-отангни гапирмай қўяқол» деганда ўзига иккита келадиган йигитнинг ёқасидан олиб, ер искатган ўғли, еру кўкка ишонмайдиган ўғли шундай қилди-я! Илгари ҳатто онасига қўл кўтарганида ҳам «Ойи, дадамлани биринчи кун кўришингизми, феълларини билмайсизми, чой қайнагулик вақт ўтмай пушаймон ейдилар-ку», деган бола энди одатга айланиб қолган бақириқ-чақириғига ҳам чидаёлмайдиган бўп-қоптими? Кошки қаттиқроқ гапирган бўлса! Овқатнинг тузи пастроқ бўлганмиди... «Бир қошиқ овқатни ҳам олдимга миннат билан тўқиллатиб қўядиган бўлдиларинг. Сенларни деб жонимни жабборга берганман, қон тўкиб келганман-а» — оғзидан чиққани шу, холос. Э, олдинги тук ташлатадиган гаплари олдида пашшачалик эмас-ку, бу!

Аслида, шаҳардан чапақайига жаҳли чиқиб келганигами, феъли айнаб тургандиям-да. Хайрият, ҳозирги замонда чориқнинг йўқлиги, йўқса, бу комиссия деганига зир қатнашида нечтасини тўзитарди. Ҳар гал тарвузи қўлтиғидан тушиб, пешонаси тиришиб қайтганда, қўл силтаб қўяди-ю, қишлоқдан яна қайси бир чўлоқнинг «бепул улов» олганини эшитиб шаҳарга югуради.

«Қонунга тўғри келмайди, ака, ўша сиз айтган кишиларники тўғри келгани учун берилган. Бўлмаса, ўзингиз айтгандай, чўнтагимиздан берармидик», деди комиссиянинг каттаси кулимсираб. «Сизлар бир нарса тегадиганга берасизлар. Сenga ўхшаганлар ўшандаям бориди. Гадой-топмас кавакда жон асрашган. Биз сенлар учун қон кечганимизда қаламушдай мол-дунё тўплашган». Бош бармоқ тепада хиёл букик, тагида кўзингни тешиб оламан, дегандай чўзиқ кўрсаткич бармоқ, тўмтоқ уч бармоқ пастда, бир-бирига ёпишгандай... Шу, ўнг қўл нақ тўппончанинг ўзи, кулимсираган кўзларга ўқталган. У кўзлар ҳам бунақа нуқишларни, ўқталишларни кўп кўрган эканми, кулимсираганча тураверди, тураверди... «Ҳозир бепул машинада гердайиб юрган чўлоқларга ҳам шундай мазах билан қараганмикин? Йўқ... қараб бўпти... Уларга танга тилаган гадойдай ялиниб қараган бу!..» Нормирзанинг жони нақ ҳиқилдоғига келди. Урнидан турасолиб курсини баланд кўтарганди, кучли билаклар қўлидан омбурдек қисди: «Ўзингизни босинг!» Кулимсираш ўрнини қаҳр эғаллаган кўзларнинг ўнг қўлига қараб турганини кўриб ўзини буткул йўқотди.

Барибир ўғлининг гапларини ўша етти ёт бегона ҳам айтмовди-ку! Қайтага, ўша қони қўшилмаганлардан эшитса, бунақа заққум чайнагандай бўлмасмиди! Биттаю битта ўғил, деб ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урганига қайтгани шуми? Утган йили комиссиядан қайтаришганда «майли, пул кетса-кетар...» дея ўғлига «Жигули»нинг энг учқур хилидан олиб берди. Топган-тутганини шунга сарфлаётган бўлса... Шаҳарга югур-югурларида ёнида бўлиш ўрнига «Дада, машинамиз бўлса — бор, нима қиламиз ўзимизни ҳадеб пастга уриб», дейди-я! Узини пастга урармиш-а? Нимани ҳам тушунарди бу ёшлар? Ана, қишлоқдаги чўлоқлардан машина олмагани қолмади. Баъзиларида жиллакурса битта медалиям йўқ. Қўш-қўш орден-медаллари бўлса-ю, «сизга тўғри келмайди» баҳонасини топиб олиб, қайтараверишса алам қилади-да. Унинг ҳам бошқалардек давлат бепул машина бергани ҳақида чойхонада, тўй-маъракаларда оғиз кўпиртиргиси келади. Одамлар «Нормирзанинг хизмати синган эканки, давлат шундай-шундай қилибди» дейишларини эшитиб яйрагиси бор. Ушанда томирларидаги қон ҳам ҳузурларини оқармиди... Ҳе, бу бола қаёқдан биларди. Ҳай, у-ку, ёқасини искалмайдиган гўдак, онаси-чи? Шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб, кўнглида нима борлигини тушунмай ўтпти-ю! Товуқмиянинг арзимас гапга обидийдасини оқизганини... Шу қўлининг тўмтоқ бўлганига асосий сабабчи ўзилигини билармикан? Билмайди, хом калласига бундай фикр яқин йўлаб бўпти, йўқса, ўғлига ҳасрат қилиб ўтирармиди? Вей, неча марта айтган, беҳуда кўзёш қилма, яхшиликка буюрмайди, деб.

«Мана, мен, қўлим чўлоқ, бақироқ-чақироқ бўлсам ҳам келдим-ку! Абдурахмондек ўлиб кетсам нима қилардинг? Қарчиғай эди-я! Бир лаҳзада ер тишлаганини кўриб ичимдан нима ўтганини икки дунёда ҳам тушунмасизлар. Бошқа ўлганларни ҳам кўргандим. Лекин бир маҳаллада,

бирга ўсган тенгқуринг... «Энди навбат менга... менга...» Хаёлимдан шу ўй кетмай қолди. «Иссиққина чимилдиқни, кузатаётганда хомушланиб, ёшга тўлиб қолган кўзларингни ўйладим, хотин. Душман мўрмалахдай бостириб келарди. Биттаси йиқилса, иккитаси пайдо бўлади. Бир ёқда Абдурахмон. Умри холага нима дейман?! Юрагимга қувват эдинг, Абдурахмон!... Иккита танкка иккаламиз қолганимиз эсингдами? Устимизга иккита қоп-қора бало бостириб келарди. Ҳозир окопга яқинлашади. Яқинлашапти. Устимизга тулпроқ тортади-ю, таппа-тайёр тўрга осонгина кўмади-қўяди. «Нор, дадил бўл! Бир бошга бир ўлим! Унгдагиси менга, чапдагиси сенга! Кимлигимизни кўрсатиб қўйлик лаънатиларга!» Окопдан аста сирғалиб чиқдинг, менинг чиққанымни кўрганингда чанг босган кўзларинг кулди. Бирин-кетин иккита танк портлагач, окопга қайтиб тушиб бир-биримизни кучоқладик...

Негадир қўшни қисмдаги воқеани айтиб бердинг. Душман бостириб келаётганда бир жангчи атайлаб қўлини ўққа тутибди. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким сезмаган воқеани госпиталга жўнатишаётганда ўзи сездириб қўйибди. Унинг тезроқ соғайиб кетишини тилаб кузатаётган қуролдошлар кўзида мамнунликни кўришибди, аниқ кўришибди. «Лекин унга барибир эди», — дединг Абдурахмон! Кимларнингдир, ҳатто улар ҳалиги барибир бирга жанг қилишган қуролдошлари бўлса-да, нафрати билан нима иши бор? Жонини сақлаб қолди, бўлди-да. Лекин қандай қилиб бош кўтариб юраркин? Болаларининг кўзига қандай қараркин?.. Нега менга шу воқеани айтдинг-а, Абдурахмон? Ана, қара, окопдан кафт чиқиб турибди... Бир қўлсиз ҳам яшаш мумкин-ку! Уқу осколкалар ёмғир... Абдурахмон, нега ўша воқеани сўзлаб бердинг-а?! Синаш учунми? Қўрқади, деб ўйладингми? Йўқ! Йўқ!! Аммо, ўлигим шу музлаган далаларда қолиб кетса-чи? Чимилдиққа бошқа биров кирадими-я? Ҳали чимилдигимиз йиғилмаган эди... Сен унинг нелигини билмайсан-ку, Абдурахмон! Тинчгина яшаётгандик-а... Чимилдиққа ким кираркин?.. Бошим, миям музлаяпти. Музлаб кетди. Нима қиляпман? Уша жангга биринчи марта кирганда ҳам кўрқмаган, нечта душманни ер тишлатган одам! Йўқ! А-а-а... О, дўстим-а, окопдан ирғиб чиқиб, шу қонга бўялган қўлим билан душманга ўқ ёғдирганимни кўрмадинг. Ўн-ўн беш қадам шу таҳлит чопиб боргач, яна яраланиб, ҳушдан кетиб йиқилганимни кўрмадинг...»

Нормирза ўнг қўли билан юрагини сийпаламоқчи бўлди-ю, тўмтоқ бармоқлари ёпишиб қолаётгандай сесканди. Шоша-пиша қўлини енгига яширди. Кейин чап қўли билан кўкрагини бир-икки ғижимлади-ю, худди ўша бармоқларидан ажралган кундагидай ўзидан кетди.

«Ҳаммаси менга аён... Нопокликни кўра-билатуриб ҳам жонинг ширинлик қилди-я? Болалигингда ҳам шундай эмасмидинг? Эсингдадир, боққа ўрик ўғирлашга борганимизда, ҳар гал қоровул бўп қолардинг. Беш ўртоқдан битта сен қоровулнинг калтагини емагансан. Эсингдами? Энди тўмтоқ қўл билан эл орасида қандай юрибсан? Е юрагинг, қалбинг ҳам тўмтоқ бўлиб қолдимми?!» «Абдурахмон, тинч қўй мени, дўстим! Ўзинг биласан, баъзилардек тахмонга яширинган бўлсам, эшелондан ташлаб қочганим йўқ. Фақат сенинг аҳволингни кўриб...» Нормирза минг азобда кўзини очди. Ҳалигина ёп-ёруғ хона зим-зиё эди. «Нега бундай?.. Не-га бундай?..» Кўзини юмишга уринди-ю, ўша заҳоти яна очди. Боши ғувиллар, ухлагиси келар, лекин киприклар бирлашди, дегунча Абдурахмон ва яна бир ҳарбий кийимли, афтини англаб бўлмайдиган йигит таънаомуз қараб туришарди.

Нигоҳлар санчиқ турган юрагига наштар санчар, арихонадай ғувиллаётган бошига тинмай ўқ узарди. Абдурахмоннинг қараши-ку, таниши. Иккинчи нигоҳ-чи? Кўргандай-куя. Тушларида сескантирадиган нигоҳ эмасми? Уша!! Урушдан уйга қайтаётганида бир йигитча кўкрагидаги орден-медалларга ҳавас билан тикилганди. «Фашистнинг додини берибсиз-да, ака. Қойил. Ниҳоят, менинг ҳам аризамни қабул қилишди. Ун саккизга кирдим. Хавотирланманг, ўрнингизни билдирмаймиз. Балки, сизнинг қисмингизга тушиб қоларман...» «Уша... ўшанинг ўзи бу! Ол кўзингни юрагимдан, ҳозир ўлдириб қўясан, кўзингни ол, укажон!» «Мен

сизга ука эмасман...» «А-а-а... Кўзларимга ўшанда тупроқ тўлса бўлмасми-ди! Немиснинг ўқи нега қадалмади?..» Нафрат тўла нигоҳларга чидаёлмаган кўзлар қоп-қоронғу шифтга қадалиб қолди... Шифтда липиллаб турган учта соя бирлашди-ю, пастга қараб отилди. Нормирза томоғини уч тарафдан сиқаётган сояларни итаришга уринди. Ҳозир ажратмаса... ажратмаса... Биттасини базўр қўли билан сиқиб олиб бўйнидан ажратди. У яна сирғалиб чиқиб томоғига тирмашди. Соядан нимадир чакиллаб томарди. Нормирза ўқчий-ўқчий қаеридандир қон томаётган сояга кўзларини йириб тикилди. Соялар томоғидан чекиниб, тагига босиб ётган ўнг қўлига отилди. Тўмтоқ қўли атрофида учта узун-қисқа соя айлана-айлана кафтини ўярди. Ана, қўлидан жон чиқди. У елкасига етиб келди, ҳозир томоғидан ўтади-ю...

— Нима-а, кун ёйилиб кетди? Энди ётишим ҳам сизларга малол келдими? Қариб, кучдан қолгач, ўз уйинга ҳам сиғмай, ортиқча юк бўп қоларкансан-да... Эшакнинг иши ҳалол, ўзи ҳаром, деб билиб айтишган-да...

Эрининг кўзларига қаради-ю, хотин кўрқиб кетди. Бир кечада шунчалар киртаядим, шунчалар ҳам қизарадим? Йиғладими ё?

— Кечқурун тузукроқ овқат емасдан кўзингиз илинганди. Шунга чой ичинг, деб...

— Кўзим илинганмиш... и-лин-ган-миш...

Аёл беихтиёр ортга тисарилди. Эшикни аста очиб чиқиб кетаркан, елкаси оша ҳайиқибгина ортига қараб олди. Эри чап қўли билан кўкрагини ёғимлаганча ўтирарди. Шунча йил бирга яшаб, унинг юракдан зорланганини зинҳор кўрмаганидан хавотирланиб, орқасига қайтди. Нормирза дарҳол қўлини кўкрагидан олди.

— Абдурахмон қелибдими?..

— Қайси Абдурахмон?!

— Қайси Абдурахмон, қайси Абдурахмон... Умри холанинг ўғли-да. Тагин битта нотаниш йигит ҳам келганмиш-у...

«Нима бўлди бу кишига? Алаҳсираятими, десам, ухлаётгани йўқ. Қирқ тўрт йил илгари шаҳид бўлган одамни...» Ҳаяжонланганча эшикни очиб қолдириб чиққан аёл айвоннинг бир бурчагига бориб ўтирди-ю, эрига нима бўлгани ҳақида бош қотира бошлади. Уғлидан хафа бўлиб кетди. «Намунча тонг-сахардан ишга чопмаса? Уғил бўлиб отадан хабар олиб кетай, демайди. Отасининг кечаги жанжалидан койингани астойдил экан-да. Биринчи жанжали эмасди-ку...»

Орадан ярим соатларча ўтгач, эрининг башанг кийиниб чиққанини кўрган аёл талмовсиради-қолди. «Чойхонага кетдим» — эри тўрт-беш қадам нарида турарди-ю, овози олис-олислардан келаётгандай. Кузатиш учун ўрнидан кўзғала олмади. Қалтираётган оёқлари ўзига бўйсунмасди.

Нормирза тўппонча қош қораяр маҳал уйга қайтганида айвонда хотини, ўғли ва қўшни йигит чой ичиб ўтиришарди. Ирғиб ўрнидан туриб салом берган йигитга истар-истамас қўл узатди-ю, хотинига хўмрайиб қўйиб, уйга кирди. У кетганидан бери «чолимга нима бўлди?» дея хавотирда еган-ичганини ҳам билмаётган аёл чой кўтариб кираркан, эшикка урилиб кетди. Чойнақдан тўкилган қайноқ чой қўлини куйдирганини тузук ҳис қилмай, қўрқа-писа эри ўтирган кўрпача ёнига омонат чўқди.

— Кетдими?

— Ким у?

— Намунча овсар бўлмасанг? Абдурахмон-да!

Чўчиб тушган аёл билдирмайгина кўкрагига туфлади. «Нима бало, жойинг жаннатда бўлгур Абдурахмоннинг руҳи кўриндими?»

— Уғлингизнинг ўртоғини айтаётганингиз йўқми? Оти Абдурахмон эмас-ку?

— Ҳе, оти билан нима ишим бор! Уша мухбир бола-да. Нима қип юрипти?

— Нима қиларди? Ўртоғини кўнгли тусаб чиққан-да...

— Кўнгли тусаб?... Ҳа, Абдурахмоннинг ҳам кўнгли тусагандир... Йўқ... Сираям... Кўнгли тусамайди унинг... Таъна қилгани келган у. Бил-

динг-ми, Абдурахмоннинг нимага келганини? Ҳалиги бола жияни-ку! Униям шунга юборган...

Аёлнинг қўлидан пиёла тушиб, тиззасига урилди. «Юзи иссиқ меҳмон келаркан!» Яна пиёлага чой қуйди. «Айтдим-ку, Абдурахмон келади, деб. Бор, қара, келгандир!» Аёл ҳовлиқиб ҳовлига чиқди, ўғли кўринмагач, юраги гупиллаб уриб кўча эшик томон чопди. Тутқичга қўли етмасдан эшик очилиб, ўғли кириб келди. «Болам, отангга бир нарса бўлган. Ҳали айтсам, ишонмагандинг. Юрагим қинидан чиқиб кетади, ҳозир. Бор, олдига кир!»

Ўғли кириши билан Нормирза орқа ўгириб олди.

— Кетдими ошнанг? Энди бу қолувди орқамдан пойламаган?

— Нима қилибсизки, орқангиздан пойласин, дада?

— Сен, бола, менга илмоқли гапирма!.. Ҳовлимга чиқмасин у, билдингми?

— Илгари шу ўртоғинг менга маъқул, одамнинг ичидагини билади, дердингиз... Ҳатто, мен ҳақимда ёзсин, дегандингиз ҳам...

— Ёзсин? Ҳа-ҳа, биламан у мени ёзмоқчи. Ичимдагини билиши ҳам тўғри. Уғлим, ўтир бетга, — Нормирза ўгирилди. — Бугун чойхонага чиққандим. Биттаси чой баҳона гапга қулоқ тутиб ўтирибди. Оғзимни пойлайди, де. Уям орқамдан тушган. Худди Абдурахмон билан келган ҳарбий болага ўхшайди.


Ўғли ҳайрон бўлди-бўлди-да, онасининг гапларига ишона бошлади.

— Ҳамма ортимдан пойлайди. Мен нима ёмонлик қилдим? Ажал орасида жонимни жаб... — ота тилини тишлаб қолди. «Ҳадеб «жонимни жабборга берганман, қон тўкканман». Дадамдан бошқа ҳеч ким урушга бормаптими? Қишлоқнинг ўзидан қанча!» Уғлининг кечаги сўзлари қулоғини батангга келтирди. Урнидан туриб кетди. — Бор, менга Абдурахмонни айтиб кел!

Нормирза тўппончанинг вужуди қалтирар, бир кечадаёқ сўлиб, бужмайиб қолган бети тинмай учар, кўзлари... киртайган кўзларида илинж ва қатъият алмашиб турарди. Унг қўли эшик томон нуқилган. Уғил энди нега ҳамқишлоқларининг отасини тўппонча дейишларини яхшироқ англади. Уч тўмтоқ бармоқ пастда, кўрсаткич бармоқ баайни тўппонча қувуридек, эгик бош бармоқ тепкини эслатарди. «Йўқ, бу шунчаки асабийлашиш эмас».

Она-бола хавотирланиб эшик олдида туришди. Уйга аста мўралаган ўғил дадасининг гиламда чўзилиб ётганини кўрди. «Нега қаққайиб турибсан?» Онаси уни бир четга суриб, уйга отилди. Югуриб бориб эрининг қон қочган юзини силаб, қўли бир сесқанди, юрагига қулоқ тутди-ю... «Вой, отагинангдан айрилиб қолдикми-я, болам! Бизларни кимга ташлаб кетдингиз-а, тўрам! Бир қултум сув томизишгаям ярамадикми-я! Вой, нега сизни яккаю ёлғиз кўйдим-а...»

Эрининг бошида ўтириб олган онаси тинмай айтиб йиғларди. Уғил ўзини отасининг устига ташлади: «Дада-ж-о-он!» Ногоҳ қўлига шилимшиқ бир нарса илашаётганини пайқади. Кўзини очди-ю, чап қўли отасининг ўнг қўлида турганини кўрди. Сесқаниб ўзини орқага олди. Тўмтоқ қўлнинг кафт орқаси, билаги ғажилган, тиш излари кўкариб ётар, кўрсаткич бармоқ бўлса... узиб ташланганди...



Гулчеҳра Муродалиева

**АТИРГУЛЛАР ОҚАР ҲАВОДА**

## Ватанга муҳаббат

Қачон замин узра асрий ғам қолди —  
Тош қотган юрак ҳам дард, алам олди.  
Аждодлар сиғинган муқаддас хокда  
Кимдан оёқ қолди. Кимдан... шон қолди.  
Душман ёш танани қилганда булак,  
Нидога айланган энг сўнгги тилак —  
Ватансан!

Инсон деганлари — меҳр-муҳаббат,  
Инсон деганлари ёнмоқлик, демак!  
Сизга инсонликни соғинганим пайт  
Вужудга мангу чўғ тиладим фақат...  
Оташга айланган курашчан юрак —  
Ватансан!

...Яна тун кетидан оппоқ тонг келди.  
«Кураш. Фақат кураш!» — деган бонг келди.  
Қип-қизил уфқдан фидожон келди —  
Гастелло юраги монанд жизғанак  
Аёвсиз оловга бош бўлган фалак —  
Ватансан!

\* \* \*

Оппоқ қор юзингда сирғалар,  
Шамоллар ўйнайди ўйларинг...  
...Кетасан. Бефарво оқликка  
Тўлишиб кетади кунларим!..  
Оппоқ қор тунларни беркитмас.  
Бир куни шамоялар тинади...  
Кетаман...  
Бефарво оғриқлар  
Кўксингни аёвсиз тилади...



## Парвонанинг сўнги орзуси

Қоронғилик...  
Бунга йўқ тоқат —  
у оловга отар ўзини!  
Жизғанақда сўнги бор кўрар  
нур ичида дунё юзини.

Сўнги нафас...  
Кафтига олар  
меҳри билан сийпар нурларин  
ва мангуга у билан қолар,  
армон бўлган Бахтнинг қўллари.

\* \* \*

Мен ҳам сенга керак эмасман-ку...  
Сен ҳам, балким... керак эмасдирсан?!  
Шундай:  
кимдир... бераверар таскин.  
Шундай: гуллар қолаверар сўлгин...  
Балким ростданам  
керак эмасдирсан?!

Гуллар, йиллар,  
йўллар...  
шафқат билмас!  
Кел, мен сени уларга тенг қилмай.  
Сен — ойсан,  
ойсан!..  
Ўзи ҳам ҳеч сезмай  
тунлар аста юракда куйлаган  
ойсан!..  
Қандай, ахир, керак эмасдирсан?..

Мен нима учун ёзаман! Ёзганларим ўзгаларга керакмикин!  
Ҳар бир ижодкор қўлига қалам олар экан, биринчи галда ўзига шундай савол  
бериши жоиз деб ўйлайман. Зеро, бу — ижодкор учун тақдир саволи, замин,  
ҳаёт, халқ саволи.

Замин, инсон муаммолари қалбида безовталиқ кўзғатмаган ижодкорни  
одамлар ҳам тан олгиси келмас экан. Кўксини очиб айтишга арзигулик нидоси,  
қувончи, оғриғи бўлсин экан ҳар бир ижодкорнинг.

Гулчеҳра Муродалиеванинг бир туркум шеърларини ўқиб, мен унинг  
ўзгалар учун айтадиган гапи борлигидан қувондим. Бу гап бедорлик, эзгулик,  
фидоликка ошўфта қалб тебранишларидан тўғилмоқда.

Гулчеҳра ўзини ҳаёт ёруғлигининг соқчиси ҳис қилади. Бутун вужуди билан  
унинг барқарорлигини истайди. «Вужудга мангу чўғ тиладим фақат» — ёш  
шоиранинг бош сўзи шундай.

Гулчеҳра шеърят томон эндигина илк қадамлар қўймоқда, холос. Асосий  
йўл олдинда. Унинг бутун заҳмат-машаққатлари ҳам олдинда. Буни ёш шоира  
яхши билади. Шунингдек, у яна ижод — тинмай ўқиш-ўрганиш эканини ҳам  
яхши билади. Кўп мутолаа қилади. Ғарб адабиётидан анчагина бохабар. Шунинг  
баробарида, ёш шоира, ўзи кўз очган она замин нафасидан ҳам тўлиқ хабардор  
бўлиш лозимлигини унутмасе, бас. Зеро, ғарб алломаларини ўзига мафтун  
этган шарқ классикаси ҳам истаганча ҳайратга арзигулик.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

\* \* \*  
Дейдиларки:  
юлдуз — мангу,  
тўкилмагай бетайин.  
Нечун мени алдар улар —  
ё алдарми кўзларим?!

Боқинг:  
ахир... тўкилмоқда,  
т ў к и л м о қ д а,  
нетайин?!  
Шошманг, киприк қоқманг бир зум —  
ҳовучимни тутайин...

Дейдиларки:  
юлдуз — мангу...

\* \* \*  
Замин, менга меҳрингни қўйма,  
Пойимни ўпмагин ёлвориб...  
Бағрим иссиқ дема. Ялинма,  
Мен сендан ҳам кетгумдир тониб!  
Замин, бугун меҳрингни қўйма...

Чорлайверма, хокинг тўзғитиб,  
Ҳали сенга тушган йўқ ишқим...  
Бу дунёда, мен, фақат сенинг  
Гиёҳларинг севдим энтикиб.  
Чорлайверма, хокинг тўзғитиб...

Сочларимдан оқар нурли ой...  
Кеча шундай мафтункор, гўзал.  
Бу тун мени ўз ҳолимга қўй —  
Нотинч ўйлар, кетингиз азал!..  
Сочларимдан оқар нурли ой.  
...Яна менинг ҳолимга куйма  
Юрак, сенга тилайман тўзим.  
Минг бир кўздан асраб, авайлаб  
Мен ғамимни кўксимга босдим...  
Юрак, сенга тилайман тўзим.  
Бугун менга меҳрингни қўйма...

\* \* \*  
Атиргуллар оқар ҳавода...  
Намгин саҳар сени этдим ёд.  
Бу — кўзлари денгиз маъвода  
Соғинчлардан ўлмаслик — гуноҳ.  
Намгин саҳар сени этдим ёд...

Ёмғирларнинг бўйлари кезган  
Дилгинамнинг куйи жаранглар.  
Мен — ёмғирдай, ишқдан тўкилсам —  
Бағрингизга олинг, дарахтлар...  
Дилгинамнинг куйи жаранглар.

Оёғимга осилар барглар —  
Заминий бахт. Ташлаб кетолмам...  
Мен умримнинг бор бўйи билан  
Тонглар, сизни суйиб улгурдим...  
Заминий бахт. Ташлаб кетолмам.

Атиргуллар оқар ҳавода...



Равшан Қодиров

## ҚАРЗ

Хўжаназар умрида бировга қарз бермаган эди. Қарз сўраб келганларга «арқонга ун, ғалвирга сув солиб қўйганман» қабилида жавоб бериб, жўнатиб юбораверарди.

У қизил духоба дўпписини мошранг дўппига алмаштирганига икки ҳафта бўлмаёқ, суюкли жияни Абдурашид унинг ёнига қарз сўраб келди. Машина олаётган экан, озроқ пули етмай қолибди. Абдурашид тоғасидан кўп эмас, оз эмас, минг сўм пул сўради. Бу пулнинг дарагини эшитган Хўжаназарнинг ранги бир ўзгарди. Индамади. Оқ жужун камзулининг чўнтагини кавлаб икки тийинлик чақани олди, кафтига қўйиб бир пуфлаб, яна чўнтагига солиб, қўлларини қоқди.

Эртасига Абдурашид яна қарз сўраб келди. Бу сафар беш юз сўм топганини ва тоғасидан энди беш юз сўм олмоқчи эканлигини айтди. Хўжаназар бош чайқаб кулиб қўйди. Жияни қарзни урчитиб тўлашлигини айтганди, Хўжаназар судхўр эмаслигини пеш қилди. Жияни қарз сўрайвериб тинка-мадори қуриган бўлсаям, тоғасининг олдидан қуруқ кетгиси келмади. Тоғаси қандай важ кўрсатмасин, Абдурашид қариндошликни юз-хотир қилиб туриб олди. Ҳатто Хўжаназарнинг бошидаги мошранг дўппига шаъма ҳам қилди. Охири бўлмади, юз ширин экан, Хўжаназар бир ой муддат ичида қайтариб бериш шарти билан унга беш юз сўм пул санаб берди. Пулни ундиргунча она сути оғзига келган Абдурашид энди тезроқ жўнаб қолиш пайига тушди.

— Тоға, менга рухсат берсангиз, бориб, қолган ишларимни битирсам, — деди.

— Жиян, пул жигардан бўлади. Узинг биласан, жигарни юлиб бериш осон иш эмас. Сенга бир насиҳатим бор.

— Майли, гапираверинг, насиҳатларингизни жон қулоғим билан эшитаман.

— Пулни ҳуда-беҳудага фақат аҳмоқ киши сарфлайди. Хотинингни қанчалик суйиб эркаласанг, сенга шунчалик кўп ёпишади. Пул ҳам хотиннинг ўзи, уни яхши кўрсанг, сендан қолмайди, эркаласанг серпушт бўлади, тез урчийди; зада қилсанг, илло-билло ёнингга яқин йўламайди. Пул деган жониворга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомала қилиш керак,

унинг кўнгли қиз боланинг кўнглидан ҳам нозик. Молия ишидаги энг катта гуноҳ ишлардан бири пулни ичкиликка сарфлашдир. Ичкиликка, маишатга кетган пул — ўчоқдаги кул! Энди, ҳозир айтадиган сўзимни кўнглингга олмайсан, жиян, айтмасам бўлмайди. Ичимда қолиб кетса, қийналиб юраман.

— Бемалол айтаверинг, гап битта, бир ойга қолмасдан қарзимни бермасам, номард деяверинг!

— Баракалла, ичимдагини топдинг! Хотинни омонатга бериб бўлмагандек, пулни ҳам қарзга бериб бўлмайди! Шу сўзимни бир ўйлаб кўр, жиян!

— Тоға, сиз кўнглини хотиржам қилинг. Мошинани олай, пулингизни ернинг киндигидан бўлса ҳам топиб бераман! Гап битта!

— Сен шундай дейсан-ку... Ҳа, майли, борақол, жиян, оладиган мошинанг ўзингга буюрсин!

Абдурашид ҳовлидан юриб эмас, учиб чиқди.

Кўча эшикни ёпиб келган Хўжаназар кенг ҳовлига сиғмай қолди: ўзини кўярга жой тополмай, гоҳ ичкарига кириб, гоҳ ташқарига чиқиб, бирпас сандирақлаб юрди. Ҳовли кўзига одам ютгудай хувиллаб кўринди. Ичига чироқ ёқса ёришмайди, юраги сиқилади. Иш билан овунарман, деб хомтокка қўл урди. Тўртта зангни қайчилаб, шўраларни санаган эди, назарида кўнглидаги ғулу қочгандай бўлди. Чехраси сал очилиб, дили равшан тортди. Қарз берганини унутгандек бўлди. Пули куйган қалампир чайнайди, дея ўзига ўзи таскин бериб, яна ишга ёпишди.

Хўжаназар ёшига ноҳос бир ғайрат билан ишлади, ҳар сафар икки кунга чўзиладиган хомтокни шом тушмасданоқ тугатди. Қуёш бўзариб, чумчуқлар чириллай бошлаган паллада Хўжаназарнинг вужудини яна ғам босди. Назарида қуёш ботса, унинг жони узиладигандек, кўнглига бир ваҳима ёпирилди. Одам тафтини одам олади, дея кўнглидан ўтказиб, яна таскин излаб, чойхонага йўл олди.

Чойхонага кирганида сўрилардаги тўп-тўп бўлиб гурунглашиб ўтирган одамларни кўрди-ю, бир зумда кўнгли бузилди. Энди одамлар ҳам кўзига балодек кўрина бошлади. Орқага қайтишга негадир ор қилди. Одамлар тўпига бориб қўшилишни истамади. Бир чойнак чой билан тўртта парвардани кўтарганича икки-уч киши ўтирган сўри томон юрди. У сўрига чиқмасиданоқ, Ориф банги унга:

— Ҳа, Хўжа, нима бўлди? Отини ўғирлатган чавандоздек шаштинг паст! — дея гап қотди.

— Отимни ўғирлатаманми, молимни ўғирлатаманми, сизга нима! — зарда қилди Хўжаназар.

— Кўнглини кенг қилмасанг, устихонингга жир битмайди, Хўжа! Узинг ҳам тарашадек қақшаб бўпсан!

Хўжаназар ичидан отилган ғазабни зўрға ютди-да, сўрига ўтириб, жаҳлдан қалтираётган бармоқларини эплай олмай, пиёлага аранг чой қуйди.

— Комил чўлоқнинг беданасига харидор келибди, эшитдингларми? — деди беданасининг тумшуғига зўрлаб гўшт тикаётган малла чол. Қош-киприклари қиров босгандек оқарган бу чолни маҳалладагилар Пўлат беданавоз дейишарди.

— Бе...

— Сотипти!

— Бўлмаган гап! Йўлдош ўзини сотса сотадикки, беданасини икки дунёдаям сотмайди!

— Етти юз сўмга сотипти.

— Нима дедингиз?! — Хўжаназар гапира туриб қўлидаги парвардани пиёла ичига тушириб юборди.

— Яна бир куз чидаса, кўпроққа пулларди, — деди беданавоз.

Пўлат чолнинг бу хабари Хўжаназар учун бир хум ёмбидек бўлди. Кўнгли чароғон офтобдек ёришди, хаёлини зулукдек сўраётган ғулу «чип» этиб қўйиб юборди. Унинг учун дунёда бундан ортиқ таскин йўқ эди.

«Мендан ҳам аҳмоқроқ одамлар бор экан-ку бу дунёда, — ўйлай

бошлади Хўжаназар. — Мен қарз берган бўлсам ўз жиянимга бердим. Мушукнинг бир ҳамласи билан етти юз сўм пул «вой бошим» деб кетади-я! Ҳаҳ, пул кўр қилгур нодон, тушингни сувга айтиб қолаверасанда! Одам дегани шунчалик тентак бўладими, бир жишни етти юз сўмга олса-я! Ё тавба!»

Хўжаназар шуларни ўйлаб ўз-ўзидан қувониб кетаверди. Бедана олган ишқибознинг пули куйишини хаёлига келтиргани сари кулгиси қистаб, завқи тошиб, вужуди ором топиб, ҳузур қилаверди.

Хўжаназар ҳулидаги чойни ҳўплаб пиёлани ерга қўйди. Боятдан бери миясини эғовлаб ғашига тегаётган чойхонанинг ғала-ғовури энди оромбахш мусиқадай туюла бошлаганди. Одамларнинг бари ўз ҳасратлари, дунёдаги бор ғам-андух, ташвишу ғавғолари билан гўё ер қаърига сингиб кетди, олам гўё бум-бўш қути мисол ҳувиллаб қолди. Хўжаназар қушдек енгил тортди. Энди у қорни очқганини, кун бўйи туз тотмаганини пайқади.

— Бола-чақани олдига борай, — деб ўрнидан турди-да, ўтирганлар билан хайр-хўшлашиб чойхонадан чиқди.

Хўжаназар топиб олган «ёмби»сини йўқотиб қўйишдан чўчиб, фақат пули куйган беданавоз ҳақида ширин ўй сурганича уйи томон шошарди.

Дастурхон ёзилди, кампири бир коса қатиқланган мошхўрда келтирди. Хўжаназар бир қошиқ татиб кўргач, кўнгли яйраб кетди.

— Овқат дегани ҳам шунчалик мазали бўлар экан-а! — дея бир коса мошхўрдани кўрдим демай, пок-покиза туширди. Кетидан мириқиб кекирганича босиб-босиб чой ичди. Дастурхондаги нон ушоқларини бир чеккага тўплаётган кампири Зироат хола гап очди:

— Карима, эшитдингизми, нариги кўчадаги Қосим нонвойнинг кўёвини машина босиб кетибди. Бечорани иккита боласи бор экан.

Хўжаназарнинг томоғига юк тикилди.

— Падарингга қусур, нега менга бундай гапларни гапирасан, — дея жеркиб ташлади.

— Нега менга ўшқирасиз, босса сизнинг болангизни босибдими? Бир бечоранинг ажали етибди, шуни гапирдим-қўйдим!

Хўжаназар хотинига ола қараш қилиб ўрнидан турди. Ёнбошидаги болишни кўтарганича ичкарига кириб кетди. Устига чопонини тортиб аста ёнбошлади. У пули куйган беданавоз ҳақида қанчалик ўйламасин, бари бир бояги таскин қайтиб келмади. Энди унинг кўз ўнгида жияни Абдурашид гавдаланаверди.

«Занғарни хаёли жойидамасди. Кетаётганда кўзлари олазарак эди, ишқилиб бир гўрни бошламаган бўлсин-да... — Жияни Абдурашиднинг бўлиб ўтмаган фожиаси тўғрисидаги ваҳимали ўйлари ана шундай бошланди. — Мошинани бугун оламан деганмиди ё эртагами... Мошинани олган бўлса, ошналари, ювасан, деса...»

Хўжаназар кўшниси Аброр аканинг ўғли янги олган машинасини улфатлари билан бирга «ювган»ини эслади. Ушанда маст-аласт ёшлар машина устига уч шиша ароқ сепиб, қўлларидаги қадахларни машинанинг ҳар ер-ҳар ерига теккизиб, машина билан чўқиштириб ичишганди. «Ўзлариям ҳўкиздеқ бўкишганди», дея хаёлидан ўтказди Хўжаназар. Кейин зўр бериб жиянини маст-аласт ҳолда кўрган-кўрмаганини хотирлай бошлади. Абдурашиднинг ичмаслигини эслаб, кўнгли хотиржам тортди. Лекин бу хотиржамлик узоққа чўзилмади. Қаёқдандир бошига гувиллаб урилган нохуш хаёл бир зумда жиянини паришонхотир одамга айлантирди. Яна Хўжаназарнинг тинчи бузилди. «Эси жойидамас, қачон кўрсам нималарнидир ўйлаб юрарди-я! Киши хаёл билан юрса машинанинг дут-дутини эшитадимиди!? Агар бирорта ичиб олган ҳайдовчи билан тўқнашиб кетса-я!...» Бу фикр Хўжаназарни адои-тамом қилди. У хаёлан жияни Абдурашидни қоп-қора қонга беланиб, тупроқда қоришиб ётган бир аҳволда кўрди. Додлаб юборай деб уфлаганича ўрнидан туриб кетди.

— Давлатга ҳам ҳайронман, нима қилар экан шунча кўп машина чиқариб! Ота-боболаримиз от-улов миниб ўтишган, от жонивор одам босмасди! — дея хонани жаранглатиб гапирди ва хўрсиниб қўйди.

Тун бедор ўтди. Тонгга яқин кўзи илинди. Туш кўрди. Тушида яп-янги, оловдек қип-қизил машинага ўтириб олган Абдурашид физиллаб келаётганди...

Хўжаназар биров бўғгандек инграб ўрнидан турди. Даҳшатли воқеа ўнгида эмас, тушида бўлганини сезиб, кўкрагига туфлаб бир оз тинчиди. Бу пайтда тонг ғира-шира ёришаётганди.

У умрида бунақанги интизорлик билан тонгни кутмаганди. Сўнаётган Чўлпон юлдузига бақрайганича, қўрқувнинг зўридан гурсиллаб ураётган юрагининг дук-дукига қулоқ тутиб ётаверди. Назарида вақт қўрғошиндан ясалгандек, оламда жами ҳаракатдаги нарсалар эса тўхтаб қолгандек туюлди.

Энди унга таскин берувчи ягона халоскор қуёш эди.

«Яхши ҳамки, бир гал кеча, бир гал кундузи бўлади. Мабодо бир ой кундуз, бир ой тун бўлса, тирикчиликнинг ҳоли нима кечарди?» — Хўжаназар шуларни ўйлаб, ўзича қойил қолди.

У орзиқиб кутаётган қуёш осмон гумбазини ёрита борган сари кўзини уйқу элтаверди. Офтоб кўтарилиши билан унинг қовоқлари оғирлашиб кетди. Ҳарчанд ўрнидан туришга уринмасин, уйқу босган кўзларини очолмади. Қуёш атрофни тамоман ёритган бир паллада Хўжаназар ғафлат дунёсига кўмилиб, хуррак тортиб ухлаб қолди.

Каллаи саҳарлаб ҳовлида ғимир-ғимир қилиб юрадиган чоли ҳамон турмаганидан хавотирланган Зироат хола аста у ётган хонага кириб келди. Унинг ўликдек тош қотиб ётганини кўриб юраги бир шиғ этди. Энгашиб, чолининг елкасига турта-турта секин-секин уйғота бошлади:

— Хой, Карима, ғафлат босиб ётаверасизми? Ҳадемай пешин бўлади, туринг ўрнингиздан! Битта-яримта келиб қолса нима деган одам бўласиз! Турақолинг!

Кўпгина уринишлару турткилардан кейин Хўжаназар эриниб кўзини очди. Тепасида турган кампирини кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима жин уриб шу маҳалгача ётибсиз? — деди Зироат хола. Кейин ўрнидан қўзғалиб эшик томон юрди.

— Тонг отдими? — уйқусираб сўради Хўжаназар.

— Тонг қоптими! Ҳадемай пешин бўлади!

— Чой-пойингни тайёрла. Ҳозир мен ҳам туриб қоларман.

Тонгга яқин кўрган туши эсига тушмаганда, Хўжаназар милтиқ ўқталганда ҳам ўрнидан турмасди. У мудҳиш тушни эсладию сопқондан отилгандек ўрнидан туриб кетди.

Томоғидан нонушта ўтмади. Кампирининг ҳай-ҳайлашига қарамай чопонини қўлтиғига қистириб, кўчага йўналди. У шу кетишида тўппа-тўғри жияни Абдурашиднинг уйига борди. Йўл-йўлакай, «ишқилиб омон бўлсин», «илойим кўрган тушим тескари келсин», «бевақт фалокатлардан асрасин», «тани-жони соғ-саломат бўлсин» деган тилакларни қайта-қайта такрорларди.

Хўжаназар дарвоза ёнидаги пастак эшикни очиб, ичкарига кирди.

Болохона йўлагига турган бўёғи ял-ял ёнаётган арғувонранг машинани кўриб, хайрият-эй, дегандай уф тортиб юборди. Машина Хўжаназар тушида кўргандек мажақланган эмас, бус-бутун ва яп-янги эди. Тоғасига пешвоз чиққан эгаси ҳам соғ-саломат эди.

— Тулпор муборак бўлсин, илойим яхшиликларингга буюрсин, — дея Хўжаназар апил-тапил жиянини машина билан қутлаган бўлди-да, кетидан насиҳатини бошлаб юборди. — Эй, жиян, мошина яхши нарса, лекин темир темир-да, на ақли, на кўзи бор, чамбарагини қаёққа бурасанг, ўша ёққа кетаверади! Ҳайдаганингда эс-хушингни тўплаб ҳайдагин, ҳадеб кўзинг олмакесак теравермасин! Юрган йўлингда ҳар нарсани ўйлай-верма! Хаёлингни йиғиб юр! Эшак миниб яқинни кўзлагандан туя миниб узоқни кўзлаган яхши! Аста-аста, шошмасдан юр!

— Ҳеч хавотир олманг, тоға, машина минишни хўп ҳадисини олганман!

— Мен гапираётганда гап қайтарма! Хўп бўлади, десанг, асаканг кетмайди! Мен сени ўйлаб кечалари ухлай олмайдиган бўлиб қолдим.

— Кўнгилни хотиржам қилиб ухлайверинг, тоға!  
— Ҳа, сенга гапириш осон, менинг ўрнимда бўлганимда, билар эдинг!

— Нега бундай деяпсиз, тоға?

— Ичим ачиганидан гапираман-да, сен бегона эмас, жигаримсан!

— Айтганингиздай секин ҳайдайман, хотиржам бўлинг!

— Абдурашид, машина чўнтакни қоқиб ташлайди дейишади, шу гап тўғрими?

— Ҳа, энди, озроқ бензин, техосмотр деган чиқимлари бор. Машина янгилигида чиқими унча кўп бўлмайди, тоға!

— Бу ёғи қандоқ бўлди, ўзинг... — Хўжаназар тилининг учида турган гапни айтолмади. Абдурашид унинг нима демоқчи эканлигини сизди-ю, лекин сир бой бермади.

— Тоға, нима қилиб ҳовлида турибмиз, қани, ичкарига кирайлик, чойпой ичинг.

— Чойингни кўятур.

— Шу ерга олиб чиқсинми?

— Эй, мен боғдан келсам сен...

— Бугун чап ёнингиз билан турдингизми, тоға? — ҳазил оҳангида сўради Абдурашид.

— Сендан хавотирдаман, жиян, жаҳлинг тез, сал нарсага ловиллаб кетасан. Шундан кўрқаман.

— Гапингизни тушунмадим, тоға?

— Қачон қарамай, машина ҳайдайдиганлар йўл таллашиб бир-бирлари билан уришганлари-уришган. Сен ҳам ерга урса осмонга сакрайдиган хилидансан. Ҳозир нима кўп, ҳуда-беҳудага жанжал чиқарадиган аҳмоқ кўп. Ана шундайлар билан айтишиб қолишингдан кўрқаман.

— Э, тоға, мени бўш келади деб ўйлаяпсизми?

Абдурашиднинг бу гапи Хўжаназарнинг чуғланиб турган жаҳлига мой сепгандай бўлди.

— Эй занғар, бошинга темир--пемир билан бир уриб, миянгни қатиғини чиқариб қўйса нима қиласан! Ўзингни ўйламасанг ҳам мени ўйлагин-да!

— Хўп, нима қил дейсиз?

— Бу бетингга урсалар, у бетингни тут, деган гап бор. Ҳамиша оғир бўл. Мабодо уриб қолса, сен урма, кечирасиз, айб менда, бошқа қилмайман дегин-да, тавба-тазарру қилиб ўз йўлингга кетавер.

— Хўп, айтганингиздай иш тутаман.

Абдурашиднинг индамай бўйин эгиб туриши Хўжаназарни шаштидан туширди. Наздида жияни қўйдек ювош, чумолига ҳам озор бермайдигандек кўринди. Кўнгли бир оз хотиржам бўлиб, келини келтириб қўйган чойдан ҳўплади.

Абдурашид тоғасини олиб кетаётганда машинасини шундай секин ҳайдадики, кўрган одам, отаравадан сал тезроқ юрадиган машина экан, деб ўйларди. Хўжаназар эса бундан жуда мамнун эди. Негаки, бунақанги тезликда кетаётган машина урилса, ичидаги одам омон қоларди. Абдурашид ҳам тишини тишига босиб, машинани шу йўсинда ҳайдайверди.

— Ҳеч шошилма, жиян, бир товуқ ўтадиган жойга икки товуқ ўтганда борса ҳам бўлаверади, — дея насиҳатомуз гапирди Хўжаназар. Абдурашид тоғасининг гапига тушунмаса ҳам гўё тушунгандай гап қотди:

— Тўғри айтасиз, тоға, шошган ўрдак ҳам орқаси билан, ҳам олди билан шўнғийди.

Тоғасини уйига эсон-омон элтиб қўйган Абдурашид қайтишда машинани шундай ғизиллатиб ҳайдадики, назарида бояги секин юришларнинг алами тарқагандай бўлди.

Хўжаназар берган қарзини унутиб, кун ботгунга қадар хотиржам юрди. Агар тасодифан телевизор олдига бориб қолмаганида, балки ичидаги шайтон васваса қилмай, кун ҳам, тун ҳам хотиржам ўтган

бўлармиди... Нима жин урди-ю, телевизор қаршисида кино кўриб ўтирган катта набирасининг олдига борди. Худди шу ерда касали яна хуруж қилди — бунга телевизордан эшитилаётган гаплар сабаб бўлди. Қулоғига шу сўзлар чалинди: «Азизим Кубис, мендан олган қарзларингиз ҳозирнинг ўзида етти минг сўмдан ошиб кетди, чўнтақларим тилхатларингиз билан тўлди!» «Оҳ, Генрих! Сиз менинг халоскоримсиз, мен сизга бошқа тилхат ёзиб бераман, кўп эмас, фақат икки юз марка қарз берсангиз, бас!..»

«Тилхат» сўзи Хўжаназарнинг миясига узоқдан отилган ўқдек қадалиб қолди. Қулоқлари шанғиллаб, вужуди ларзага келди. Оёқ-қўли шалвираб, мадори қочди. Назарида ботаётган қуёш бирдан йўқолдию борлиқни зулмат қоплади. У набирасининг ёнига бемажол чўкди, кўзларини шифтга қадаб, азобли ҳаёлга толди: «Одамлар ишни пишиқ қилишар экан-ку! Дунёда тўртта аҳмоқ бўлса, биттаси менман! Кўнгил бўшлиқ қилиб қарзни-ку беришга бердим, нега энди тилхат олмадим? Бир парча қоғозга икки оғиз қилиб ёздириб олмайманми? Эҳ, пишмаган калла! Эртага, сиздан бир тийин олмаганман, деб тониб турса, додимни кимга айтаман! Мен-ку унутибман, у баччағар нега индамади?.. Ҳа, бекорга бундай қилмаган у занғар. Пулни олдию оёғи куйган товукдек питиллаб қолди! Демак, ўшанда нияти бошқача бўлган...» Хўжаназар шуларни ўйладию ҳушидан кетаёзди. Жияни Абдурашидга қарз берганини ҳаммадан яширганини эслаб, бир азоби минг бўлди. Тўғри, у ўшанда, палончига қарз бердим, дегани қўрққанди. Мабодо бирор кимса қарз берганининг ҳидини сезса, бу сир бутун оламга овоза бўларди, қарз сўраб келувчилар эшигининг турумини бузишар эди.

Шу тобда Хўжаназарнинг қанотлари бўлганида борми, шундоққина айвоннинг панжараси устига чиқарди-да, каптардек осмонга парвоз қилиб, тўппа-тўғри жиянининг томига бориб қўнарди.

Бу тун ҳам бедор ўтди.

Хўжаназар эрталаб биринчи трамвайга ўтириб, жияни Абдурашидникига жўнади.

Азонлаб эшигининг тақиллашидан ҳайрон бўлган Абдурашид уйқули кўзларини уқалаганича эшикни очди. Остонада турган тоғасини кўрди-ю, ичида ижирғаниб қўйди. Хўжаназар уни гапиртиришга қўймай, ўзи сўз очди:

— Тушимга онанг раҳматли кирибди! Шу, тушим бузилганидан хавотир олиб, бу ёққа шошдим, сал эртароқ келганимни айбга қўшмайсан, жиян.

— Қани, ичкарига кирайлик, тоға! — Абдурашид елкасидаги тўнни тўғрилаганича Хўжаназарни ҳовлига таклиф қилди.

Ичкарига киришди. Абдурашид узрини айтиб, мўрчага йўналди. Хўжаназар ишқом тагидаги сўрига омонатгина ўтирди. Абдурашид ювиниб чиққач Хўжаназар унга гап қотди:

— Жиян, келинни безовта қилиб ўтирма, бизнинг ишимиз қоғоз-қалам билан битадиган иш.

Абдурашиднинг энсаси қотди, ичкаридан қоғоз, қалам олиб чиқиб, индамайгина тоғасининг ёнига ўтирди.

— Биз ишни сал хомроқ қилган эканмиз, жиян, — дея гап бошлади Хўжаназар.

— Қайси ишни, тоға? — талмовсиради Абдурашид.

— Олди-берди ишларимизни айтаяпман-да, жиян.

— Ҳа, уми...

— Энди, ўзингдан қолар гап йўқ, жигар! Беш кунлигим борми-йўқми, билмайман. Дунёда омонатга хиёнат қилишдек оғир гуноқ йўқ: айниқса молия ишларида. Онанг раҳматли тушимга кирди-ю, мен ҳам дунёга устун бўлмаслигимни ўйлаб қолдим...

— Хўп, нима қилайлик энди, тоға?

— Шу, энди, қачон бормиз, қачон йўқмиз, буни ҳеч ким билмайди. Вақт-бевақт тўсатдан...

— Яхши ният қилинг, тоға!



— Энди, бу нарса ниятга қарамайди, жиян! Ҳар ким ҳам ёзилганидан ортигини кўрмайди. Яна айтаман, ўзингдан қолар гап йўқ. Олди-бердимизни хатлаб қўйсак девдим. Шу бир парча қоғоз қолса, сенинг ҳам, менинг ҳам юзим ёруф бўлармиди... Арзимаган бир тилхат ёзиб берсанг, бас!

— Э, тоға-ей, шуни боятдан бери айтмайсизми!

Абдурашид қўлидаги дафтарни тиззасига қўйиб тилхат ёзишга тушди. Ёзиб бўлгач, варақни дафтардан йиртиб, тоғасига узатди. Хўжаназар қоғозга бир кўз югуртириб, Абдурашидга берди ва:

— Энди ёзганларингни ўз оғзинг билан бир ўқиб боқ-чи, мен эшитиб кўрай, — деди.

Абдурашид ёзган тилхатини ўқий бошлади: «Мен, Абдурашид Қосимов, тоғам Хўжаназар Саидрасуловдан бир ой муддат ичида қайтариб бериш шарти билан беш юз сўм пул қарз олган эдим. Шу пулни эртага соат ўн иккиларда қайтариб бераман, деб ушбу тилхатни ёздим».

— Нима дединг, эртага дедингми, жиян?! — ишонқирамай сўради Хўжаназар.

— Нима, тилхатимга ишонмаяпсизми, тоға?

— Йўғ-э, ишонмай ўлипманми, жиян. Сени уринтириб ўтирмасдан, эртага ўзим келиб қўя қолай, а, жиян, овора бўлиб юрасанми?

— Одамни уялтирманг, тоға, ўзим бораман.

— Хўп, хўп, сен нима десанг, шу!..

Эртаси куни Хўжаназар эшик пойлашга тушди. Соат ўн бирлар бўлганда, сабри чидамади. Юраги ҳаприқиб кўчага чиқиб олди. Абдурашид айтган вақтида пулни олиб келди. Хўжаназар: «Ердан топсанг ҳам санаб ол!» деганича қайта-қайта у берган пулларни санаб кўрди. Кўнгли жойига тушиб: «Иш деган мана бундоқ бўлибди», деди ва жиянига жавоб бериб юборди.

...Қарз Хўжаназарнинг саломатлигига путур етказганди. Ўн беш кун деганда эти суягига ёпишди. Кўргани келганларга: «Уйқумда ҳаловат йўқ, ниманидир кутаман, кутаману ўша нарса келмайди, деб шубҳаланаман...» деб зорланди. Асаб касалликлари врачига учранг, деб маслаҳат беришди.

Хўжаназар врачга бор дардини айтди. Фақат қарз хусусида лом-мим демади. Бинобарин, ихтиёрсиз равишда қарз берганини ва қайтиб олганини унутган, аммо ундан қолган дард ҳамон жисму жонини азоблар эди. У касалхонада ўн беш кун даволанди ҳамки, аҳволи ўзгармади. Ўн олтинчи куни жияни Абдурашид сўраб келди.


— Э, тоға, қарзни қайтариб бердим-ку, хурсанд бўлиб, кулиб-кулиб юришнинг ўрнига нега энди ўзингизни касалга солиб ётибсиз!? — дея ҳазиллашиб, пўписа қилган бўлди. — Туринг, бу ерда ётиш сизга ярашмас экан!

Жиянининг ҳазиллашиб айтган мана шу гапи Хўжаназарга малҳамдай ёқди. Жони ором топди. «Дарвоқе, пулимни қайтариб олдим-ку!.. Эҳ, хомкалла, ахир бу аҳволда ётаверсам, пулларим эгасиз қолиб кетмайди-ми!..» Ана шу дақиқалардан бошлаб Хўжаназар оёққа туриб кетди. Тезда дармонга кирди. Бир куни врач уни текшириб кўриб:

— Хўжаназар ота, отдай бўп кетибсиз-ку, ҳай-ҳай, кўз тегмасин! — деди жилмайиб. Кейин мамнун бир оҳангда қўшиб қўйди: — Мана шунақа, дўхтирларни айтганига қулоқ солинса, ёмон бўлинмайди!

Хўжаназар врачга хаёлчан кулиб боқди:

— Раҳмат! Раҳмат... — деди. Нигоҳи врачга қадалган бўлса-да, кўз ўнгида Абдурашид — қарзини узган жияни жилмайиб турар эди.



Эшқобил Шукуров

## ЮРАКНИ УЙҒОТИБ ЮБОРИНГ

### Ёритқичлар ҳадяси

Юлдузлар бир тилни ўргатди —  
Синиб-синиб сувдай сочилгувчи тил.  
Ой шафақ қонига ийланиб ботди —  
Севги тандирида қизарган кўнгил.

Август кечаларин яғонасида,  
Мен сенга дардимни айтаман... Кутгил.

Кўнглимни бешикдай тебратди,  
Шафақнинг сувига чўмилган оқ гул.  
Юлдузлар бир тилни ўргатди —  
Юракдай-юракдай сўзлари бор тил.

Август кечаларин яғонасида,  
Мен сенга дардимни айтаман... Кутгил.

\* \* \*

О, уятчан намозшомгуллар —  
Шеърнинг дилбар сингилчалари.  
Қалбни суянг хайрихоҳ кўллар,  
Шом гуллари — тун дарчалари.

О, уятчан намозшомгуллар,  
Кўшиқ айтай шом чоғи сизга.  
Дардларимни қўярсиз йўллаб,  
Олисларда қолган у қизга.

О, уятчан намозшомгуллар —  
Қизчалари Бибихонимнинг.  
Улимгамас, шом чоғи йиллаб  
Мен севгига бердим жонимни.

О, уятчан намозшомгуллар,  
Қалбим, умрим шом каби оғир.  
Одамларда сўзлашган тиллар,  
Сизникидай яқдилмас, ахир!

О, уятчан намозшомгуллар —  
Гўзалликнинг пок қизчалари.  
Супурмоқда кўксимдан еллар  
Синиб қолган юлдузчаларни.

О, уятчан намозшомгуллар,  
Қўшиқ айтай шом чоғи сизга.  
Дардларимни қўярсиз йўллаб,  
Олисларда қолган у қизга.

О, уятчан намозшомгуллар...

Шоир тиргович сўзларга, оний мақтовларга муҳтож эмас. Шоир ҳар кун и ўзлигини инсоният пойига гулдай ташлайдиган фидойи кимса. Агар мақтовга муҳтож бўлса, демак шоир фидойилиги сохта, руҳи ёлғон ва зулмат қоришмасидан тўралган тошларга банд. Қадимги ҳинд файласуфлари: «Ҳар бир ижодкор интиланган нарсасига эришади», демишлар. Демак, асосий фактор интилишда, интилишнинг қай даражада жиддийлиги ва давомийлигида экан-да. Қадимги ҳинд файласуфлари яна: «Ҳар бир болада даҳо яшайди», демишлар. Мен бу ҳикматга қаттиқ ишонаман. Камдан-кам одамдагина бу даҳо узоқроқ яшайди. Аксарият ҳолларда, бу даҳо, йиллар ўтган сайин ёлғон ва таъмалар ботқоғига ботиб бораётган оғир вужудлардан соф ва қушдай энгил вужудларга кўчиб ўтади. Демак, даҳолар фақат болаларда ва ёки бола табиатли одамларда яшайди. Демак, биз улуғлардан эмас, болалардан ўрганишимиз керак экан.

Қадимги афсоналардан бирида айтилишича, шоҳ вазирга мамлакатимда неча шоир борлигини бил, деб буюрибди. Вазир аниқлаб, «Шоҳим, мамлакатингизда 1101 шоир бор экан», дебди. Шоҳ шоирларни зиндонбанд қилишни буюрибди. Йил ўтқариб вазир, «Шоҳим, бир йилдан буён 1101 шоир зиндонда амрингизга мунтазир», дебди. Шоҳ эса, «Бориб билгин-чи, улар ҳалиям шеър ёзаяптимики!» дебди. Вазир зиндондан хабар олиб, «Шоҳим, мингта шоир шеър ёзишни ташлаган, қолган бир юз биттаси зиндон деворларига ёзиб, шеърни давом эттиришмоқда», дебди. Шунда шоҳ, «Мингта шоирни озод қил, бир юз бир шоирни эса боғимга кўчириб, фақат менга билдириладиган иззат-ҳурматни кўрсат, кўнгиллари тусаган нарсани муҳайё қилгин», деб буйруқ берибди. Яна йил ўтқариб шоҳ вазирга, «Қани энди шоирлардан шеър эшитсақ», дебди. Бир юз бир шоир шоҳ ҳузурда ҳозир бўлибди, аммо юзта шоирнинг боши эгилганмиш... Фақат битта шоиргина шоҳнинг кўзларига тик қараб имонсиз кимсаларнинг риёкорлиги, фуқаронинг оғир аҳволи ҳақида, ҳаёт ва муҳаббатнинг боқийлиги ҳақида ёниб шеър айтибди. Шоирнинг овозидан сарой равоқлари титраб кетибди.

«Мана, кўриб кўй, — дебди шоҳ вазирга, — сен мамлакатда бир минг бир юз битта шоир бор деб, хато айтган эдинг. Мен, сенга, мамлакатда битта шоҳу битта шоир борлигини исбот қилдим. Мингта шоир эрмак учун шеър ёзарди, бир йилги машаққатга чидамай шеър ёзишни бас қилди. Юзта шоир тақдирдан нолиб шеър ёзарди, шоҳона шароитга етишгандан кейин; улар ҳам, шеърдан қайтдилар. Фақат бир шоир гадолигида ҳам, зиндондалигида ҳам, шоҳ саройида ҳам шоирлигича қолаверди».

Мен ёдимга муҳрланиб кетган ушбу афсонани, бекор эслаганим йўқ. Катта мақсад билан яшаган ижодкор, бу ибратли афсонани, ҳар гал шеър ёзишдан аввал, бир эслаб қўйиши керак деб ўйлайман.

Еш ижодкор дўстларимдан бири Эшқобил Шукуровдаги интилишнинг софлиги ва мустақиллиги менга ёқди. Бу интилишнинг собитлиги ва давомийлиги кўп жиҳатдан Эшқобил Шукуровнинг меҳнатига боғлиқ. Ахир, «Ҳар бир ижодкор интиланган нарсасига эришади», демишлар-ку қадимги ҳинд файласуфлари.

Шавкат РАҲМОН

## Мувозанат

Бу тор хона эмас, балки бу осмон,  
Юлдузларни гулдай сочмоқда шамол.  
Юрагимга етиб келдингми омон,  
Эшикка суяниб жилмайган аёл?!

Рухимда олмалар гуллайди тўлиб,  
Ногаҳон гуллаган эшик сингари.  
Тафтли қўлларингдан тутмоқчи бўлиб,  
Юлдузлар қитиғин кўзғар қўлларим.

Менинг дунёларим қанча бетартиб,  
Сенинг дунёларинг шунча саришта.  
Бекасиз самога бергали тартиб,  
Ортингдан келмоқда қирқ минг фаришта.

Бу тор хона эмас, балки бу осмон,  
Юлдузлар нуридан тўйинган хаёл,  
Қушлар тумшуғида титраб турар тонг,  
Эшикка суяниб жилмаяр аёл.

Рухимдан булоқлар чиқади сизиб,  
Ногоҳ эриётган эшик сингари.  
Мадонна суратин туради чизиб,  
Кўзёш рангларини териб кўзларим.

Қирқ ўрим сочининг васфига, илло,  
Ҳофизлар юраги бўлди қасида.  
Европани берар Микеланжело  
Ўрта Осиёнинг мадоннасига.

Бу тор хона эмас, балки бу осмон,  
Ун беш дақиқада ой топган камол.  
Олтмиш минг томирдан сачраб кетар қон,  
Эшикка суяниб жилмаяр аёл.

Кўзларим руҳимга оловни қалаб,  
Киприк-ла чўғларни тортадилар хўп.  
Қўллари осмондан юлдузлар тилаб,  
Уларнинг чангини артадилар хўп.

Пастда, шундоқ бўшлиқ макон қурибди,  
Бу ерда ҳаёту у ёқда завол.  
Икки жаҳонимни суяб турибди,  
Эшикка суяниб жилмайган аёл.

\* \* \*

Юракни уйғотиб юборинг...

Тинглайин юлдузлар қўнғироғини,  
Майин қора ўтни кечиб ўтаркан...  
Шамолларнинг сокин бир титроғини,  
Тун гуллари оҳангларга қадаркан...

Юракни уйғотиб юборинг...

Қора ҳаволарда ойдин хўрсиник,  
Суйгум келаётир куйиб-куйиб мен.  
Уйқулар оқади сув каби тиниқ,  
Тушларни томоша қилай тўйиб мен.

Юракни уйғотиб юборинг...

Суйгум келаётир... Гул косаларга  
Куйиб, кўзларимни ичар юлдузлар.  
Парча-парча ойдаи кулгулар билан,  
Ун саккизга кириб туғилган қизлар:

Юракни уйғотиб юборинг...

## Янги йил шеъри

### Синглимга

Дон каби сепилди совуқ туманлар,  
Қордан либос кийган йўллар чиройли.  
Уйларнинг кўзлари — деразаларда  
Очилиб-сочилган гуллар чиройли.

— Совуқ қотмадингни синглим — эгачим?  
— Акажон, жонимдан ўтмоқда аёз.  
— Сехр-афсунларга етмади кучим,  
Қорбобо эмасман, Эшқобил, холос.


Ялдо кечасида бир йилни чекдим,  
Оғир-оғир эди бу кеча кўнглим.  
Онам аллаларин эслаб энтикдим,  
Уларни энди сен айтиб бер, синглим.

Боладай тинглай деб келдим қошинга,  
Унут кўшиқларнинг қаҳридан қақшаб.  
Онам аллаларин айтган бошимда,  
Эгачим, айтиб бер онамга ўхшаб.

— Янги йил келмоқда, ака, янги йил,  
Пешвоз чиқинг, ака, чекмангиз фироқ!  
— Мени онам каби тушуниб етгил,  
Ахир, ўтган йилим ўйлатар кўпроқ.

Ҳа, бир йил руҳимдан кечиб бормоқда,  
Гоҳо шод, гоҳ маъюс излари билан.  
Кутмоғим зарурдир ҳар янги йилни,  
Онамнинг энг ширин алласи билан.

Бу йил ҳам сўнг манзил қошига борган,  
Не топиб, неларни йўқотар кўнглим.  
Сендан акангга, деб, бериб юборган,  
Онам аллаларин йўқотма, синглим!



Сулаймон Облоқулов

## ФАРЗАНД

Сулаймон Облоқулов Бухоро областининг Шофиркон районидаги Ленин номли колхозига қарашли Лабижўй қишлоғида туғилган. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Ирода» ҳикоялар тўплами чоп этилган.



### 1. Хотира

У кунлар қайтмас бўлиб кетди. Энди у кунлар — хотира. Онажон, ёзаётганим — хотира.

Еттинчи синфда ёзганим — «Жилвон»дан тортиб, бир ой бурун ўқиб берганим — ҳикоягача ўзингиз мураббийлик қилиб келдингиз. Сиз фарзандингиз — мени ва менинг ёзганларимни тарбиялар эдингиз. «Жилвон»ни сизга ўқиб берганим ёдимда.

«Шеър»ни диққат билан тингладингиз. Маъқулладингиз. Сукут қилиб, дедингиз кейин:

— Шеър нима?

Бунга ўзингиз жавоб айтдингиз:

— Одам ёлғондакам кулиши мумкин, лекин ёлғондакам қаҳқаҳа уролмайди. Ижод, бу — қаҳқаҳа, болам. Одам ёлғондакам йиғлаши мумкин, кўзёши эса — чин йиғлаганда чиқади. Ижод, бу — кўзёши, болам. Ижодга майл-истак туярдим.

Йиллар ўтиб, наср-ҳикояга урина бошладим.

Наср-ҳикояга урина бошлаганимда андак бор эди ҳаётий тажрибам.

Адабиёт факультетига киргандим. Китоблар... Китобни кундуз ўқирдим, китобни тунда ўқирдим. Дунёдаги барча китобларни — дурдона китобларни ва турфа китобларни ўқиб чиқишга қасд қилгандек эдим. Энди менинг машқларимга ҳам муносабатингиз ўзгарган эди. Ва мен ҳам сиздан — ўрта мактаб адабиёт муаллимасидан энди «қўрқмасдим»!

— Бизларни ёзибсан, — дедингиз бир куни ҳикоямни тинглаб бўлиб. Эътироз қилдим. — Йўқ-йўқ, — дедингиз ҳаприқиб, — бизларни ёзибсан,

болам, даданг билан мени ёзибсан.— Шунда сизга ижод сирларидан (энди мен!) сўзладим. Сўзламадим — сайрадим! Оғиз кўпиртириб узок сайрадим. Шунда фикримга қўшилгандай бўлдингиз. Кейин...

Кейин яна бир ҳикоямни ўқиб бергандим: «Буни ўз тўғрингда ёзибсан», дедингиз. Мен: «Агар ҳикоямдаги шу йигит мен бўлсам... менинг ўлганим қани (ҳикоя қаҳрамони нобуд бўлади) дедим. — Мен тирикман-ку! — дедим. Сиз кулдингиз: «Ижод сирларидан ҳозиргина гапирдинг-ку», дедингиз...

## 2. Ижод

Саҳар... Ётибман. Шифтга термилиб.

Кўзёшларим сизиб... қулоғимга ўрмалайди...

Хонада соат чиқиллайди.

Ҳовлида водопровод: шир — ш-ш-и-ир, шир — ш-и-ир — сув оқаяпти: қисқа-чўзиқ, қисқа-чўзиқ.

Бирдан кўз олдимда қишлоғим, ҳовлимиз... Оғил тарафдан товуш — онам товушлари ва шу заҳотиёқ сутнинг челақка икки оҳанг касб этиб: шир — ш-и-ир, шир — ш-и-ир: қисқа-чўзиқ, қисқа-чўзиқ қуйилиши... Онам сизир соғаяптилар...

Кўллари...

Кўзёшларим тезлашиб, томоғимга тиқилиб...

\* \* \*

Онажон! Ўрнимдан туриб кетаман.

Стол ёнига ўтираман — яна ёза бошлайман...

...Пешонамни столга қўяман. Елкаларим силкинади.

...Ўрнимдан туриб нари-бери юраман... хаёлимга бир ўй келиб югуриб бориб тортмадан хатлар жойланган целлофан халтани оламан; хатларни стол устига ағдараман, хатларни бир чеккадан битта-битта олиб сиртидаги ёзувларига назар ташлаб алоҳида-алоҳида қўя бошлайман. Хатлар орасидан онам хатларини излайман!

Хатлар жуда кўп. Акамдан, солдат укамдан, дўстлардан, редакциялардан... Ана, онам хатлари!

Қалтираб-титраб конверт ичидан қўшварақни суғуриб оламан, таниш ёзувга кўзим тушиши биланоқ кўз олдим хира тортади ва уёғини ўқиёлмай қоламан.

Хат, бу хат қачон битилган?..

Кўлимда хат, нари-бери юрарканман, кўнглимга бир фикр келиб шахт билан яна стол ёнига ўтираман-да, ёзганларим давомига онам мактубларини (охирини) — қандоқ битилган бўлса, шундоқлигича кўчира бошлайман...

...Мана ижод титроғи ариди. Ўрнимдан туриб нари-бери юряпман. Илжайганча. Илжайганча!..

Кўзимда ёш, илжайганча, Ойбек шеърини — ёдимга тушган баъзи сатрларини ёд ўқийман:

...Сўзлар — кўзёш томчиси каби.

Завққа тўлиб у ёзди анча,

Қалб парчаси эди ҳар сатр.

Битди бир шеър — бу бир фарзандча,

Сўнг кўкси тинч, кулди ёш шоир!

## 3. Бу ҳикоядан ўчириб ташланган сатрлар

...Онажон, бундан бир ой илгари, атиги бир ой илгари — нега олиб бормадим сизни? Нега олиб бормадим сизни? Нега?

Сизга: «Жилвонга борсак-чи?» деганимда қувончдан кўзларингиз

чақнаб кетди. «Чинми, болам?» дегандек, бир лаҳза кўзимга тикилдингиз-да, дедингиз: «Майли, болам. Туғилиб-ўсган қишлоғимни бир кўрай... Анча йиллар бўлди кўрмаганимга. Ўзгаришлар катта, деб эшитаман. Янги-янги иморатлар тушибди, деб эшитаман. Борайлик, болам».

Бормадик.

— Нега?— Келаси сафар, дедим! Нега ўша заҳоти олиб бормадим?!

Шаҳарга бир кун кейин қайтсам ҳам бўларди-ку...

Чекка қишлоқ эдинг — Жилвон!

Овлоқ қишлоқ эдинг — Жилвон!

Фурсат етиб яшнадинг...

О, она — сиз туғилганда «овлоқ» бўлган, энди эса доврўғи кетган қишлоғингизни — она-бола: икковлон кезмоқчи эдик: шунда менга унинг кечмишларини сўзлаб бермоқчи эдингиз: болалик кунларингизга дахлдор чинорларию... эчки-улоқ ҳайдаганигизда оёқларингиз изи қолган қиру тепаси ҳақида — шу жойларнинг ўзида туриб — шу жойларнинг ўзида юриб, сўзлаб бермоқчи эдингиз... («Бу сенга материал бўлади, яхши материал бўлади!» — дегандингиз.)

Мана — материал бўлди — ўша гапларингиз... Шуларни ёзиб ўтирибман. Сиз ҳақингизда хотира ёзмоқчи бўляпман, онажон!

...Йўқ! Бу — хотира эмас! Бу нарсани шунинг учун ёзаяпманки, ёзмасдан туролмайман, онажон!


«...Соғлигинг яхшими? Тайёрланишларинг яхшими? Кўп ҳам зик бўлма. Кирсанг, кирасан. Кирмасанг, яна келаси йил бўлар, соғлиқ керак...

10 август, 76 йил.»

...«Соғлиқ керак.» Кераги йўқ! Соғлиғимни... ўз соғлиғини ўйлашга қўли тегмайдиган оналарни мадҳ этишга бағишлайман, онажон!

...Мен сизга кейинги пайтларда, ўй-режаларим ҳақида кўп сўзлардим. (Баъзан оғиз кўпиртириб мақтанардим ҳам!) Охирги суҳбатимиз ҳам шундоқ бўлди. Сиз сўзларимни жимгина тингладингиз-да, ўйчан ҳолда: «Ғанимдан эҳтиёт бўл, болам» — дедингиз. Кулгим қистади. Қанақа ғаним? Қанақа душман?! Узимни тутиб туролмадим. «Ахир қанақа ғаним?!» — дея кулиб юбордим. Сиз... кулмадингиз. Онажон, ўшандаги ҳолатингиз... Нималарни ўйладингиз?.. Ушанда нималарни ўйладингиз?! Хаёлан — «ғанимлар»дан бизларни асрашни илтижо қилдингизми?! Билганмидингиз, онажон, бу суҳбат сўнги суҳбатимиз бўлиб қолишини...





Исажон Султонов

## СИНОВ

Ҳикоя

Исажон Султонов Фаргона областининг Риштон районидаги Авазбой қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг 2-курс студенти. «Шарқ юлдузи» журналида ҳикояси илк бор эълон қилинмоқда.

Саттор эшикдан юлқиниб кирди-да, ҳовлига сув сепаётган келинойисига «Булмади», деди зарда билан. Сўнг ичкари уйга кириб ётиб олди. Дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағдарилар экан, сёл аввалги воқеани хаёлан таҳлил қилишга тушди: «Қиз ёмон эмасди-я!.. Чиройли, овози мусиқий, оҳангдор... Хўш, нимаси ёқмади менга? Шошма. Эсла, эсла бир бошдан. Хў-ўп, бординг. Скамейкада ўтирган экан, турди. Саломлашди. Ушанда хурсандмидинг? Хурсанд эдинг. Қачондан бошлаб руҳинг тушиб кетди?»

...Салом.

- Сиз мени кутаётганмидингиз?
- Билмасам.
- Қизиқ!
- Нимаси қизиқ экан?
- Кимни кутаётганлигингизни билмаслигингиз.
- Исмингиз Сатторми?
- Ҳа.
- Демак, сизни кутаётган эканман-да.
- Сиз ҳақингизда менга кўп гапиришган.
- Менгаям.

«Мана шу ери сал ёқмади. Ҳа, худди шу ери: «Сиз ҳақингизда менга кў-ўп гапиришган» (яъни: «отасининг амали яхши, қиз институтда ўқийди, амакиси фалон жойда ишлайди, аммасининг куёви фалон одам...») Ва «Менгаям!» (Унинг ҳам қулоғига роса қуйишгандир-да: «куёв зўр, бўйи мана бундоқ, ўқийдиган жойи ана ундоқ...»)

«Мен ҳақимда нималарни гапирган эканлар? Қайси амалдор амакиваччамни мақташдйкин? Ҳозир биламиз».

- Нима дейишган?
- Яхши йигит, дейишган.
- Шу холосми?

«Нега энди сўрадим? Мен ҳақимда нима деганликларини нега ўлибтирилиб суриштирдим?»

- Камми шу?
- Кўп-да.
- Уқишни тугатиб, аспирант бўлар эмишсиз.
- Хў-ўп.
- Илмий ишниям бошлаб юборибсиз.

«Ана! Ана сенга туя! Иккинчи курсдан-а?»

— ...Хў-ўп.

— Яна кўп гаплар.

«Йўқ-ўқ ошна, чалғияпсан, — Саттор чордана қуриб ўтириб олди. — Чалғима. Шу гапларнинг қаери ёмон? Сени мақташса, айбми? Йў-ўқ... Мақташибди-ку, ахир? Нега сенга айнан мақтаганлари ёқмаяпти? Қилдан қийиқ ахтаряпсан... Тўхта! Мақтаганларида самимий мақташганми?»

— Хўш, яхши йигит эканманми?

— ...

— Сиз яхши қизсиз.

— Сизам яхши...

— Менга ёқдингиз.

— Қўйинг бу гапни...

«Самимий мақтаганмикин, бизнинг келинойи?»

«— Вой-й, Сатторжон, қиз бирам яхши экан... Сизни мақтайвердим, мақтайвердим. Қипқизариб... ҳо, ўлсин-а, ёқиб кетган-да. Қипқизариб эшитиб ўтирди... Вой, сизни танимайди. Кўрмаган экан. Ё айтгани уялдими? Уйлари қасрга ўхшайди. Дадаларини кўрдим — «подсвет» костюм-шим, шляпа. Оғзи тўла тилла!»

«Самимий мақтаган! Шу хонадоннинг қизини келин қилиш учун оғиз кўпиртираверган, холос! Қиз-чи? Ишонаверганмиди? Лаққа тушиб, учрашувга чиқаверганми?»

— ...Сиз мёнга ёқдингиз.

— Керакмас, ахир!

— Нега энди?

— Ишонмайман.

— Қаерига ишонмайсиз? Нега ишонмайсиз?

— Ҳамма йигитлар шунақа дейишади.

«Гап буюқда. Ҳамма йигитлар шунақа дейишади! Қандай йигитлар? Ҳаммасининг шунақа дейишини қаёқдан билади бу қиз? Дугоналари айтганмикин, ёки йигитларнинг ўзларидан эшитганмикин?»

— Сиз қаердан биласиз буни?

— Нимани?

— Ҳамма йигитларнинг шунақа дейишини?

«У тап тортмади. Жавоб бермаслиги, жеркиб ташлаши мумкин эди. Ёки аразлаши, ҳатто кетиб қолиши керакмиди...»

Нега энди кетаркан? Нега энди уни ўз ўлчовинг билан ўлчаяпсан? Йўқ, ҳеч бўлмаганда, суҳбат маромининг бузилганлигини пайқашини керак эди...»

— Шуниям билмайманми?

«Биласиз, яхши қиз, — Саттор папирос қолдиғини кулдонга эзгилаб, яна ўйлай кетди, — биласиз. Негаки, кўргансиз. Негаки, шу гапни эшитгансиз. Мендангина эмас, бошқа бирор йигитдангина эмас, бир нечасидан эшитгансиз!»

Шошма. Ҳукм чиқаришга шошилма! Ҳали бу кам. Эҳтимол, у яхши қиздир?»

— Ҳамма ҳам эмас.

— Ҳамма!

— Сиз қанақа йигитга ишонасиз? Сизга қанақа йигит ёқади?

«У ҳойнаҳой, саволимни: «мен қандай бўлсам сизга ёқаман?» қабилида тушунган. Ҳа, шундай тушунди...»

— Менгами? Кўнгли очик, бир гапириб ўн куладиган, менинг ишларимга аралашмайдиган...

«Аралашмаса, хоҳлаганингизни қилаверасиз. Шўрликнинг маошига дадангизнинг пулларини қўшиб, қимматбаҳо зирак оласиз. Қулоғингиздагидан ўн баробар қимматини харид қиласиз. Кейин машина, вертолёт...»

— ...Келажаги порлоқ...

«Ё олим, ё директор, шунақами?»

— ...Бақувват, спортчи...

«Бизга йўл бўлсин? Югуравер, Саттор. Бари бир, сендан юз йилдаям спортчи чиқмайди...»

- Мен сиз айтган йигитларга ўхшамайман, шекилли?
- Ўзим ҳам шундай деб турувдим.
- Шунақа денг?
- Ҳа.
- Унда бўпти, бўлмасам.
- Хайр.
- ...

Тамом! Синов тугади.

«Демак, қиз учрашувдан бирор натижа кутмаган. Интиқмаган, ҳаяжонланмаган... Мен «Сизга уйланаман» десам, рози бўларди. «Боринг, кетаверинг» десам, жаҳл отига миниб, уям бобиллаб берарди. Бошқаларга ҳам унинг шу хислати ёқмаган. Қизиқ...»

Саттор яна чекди.

«Қиз — ландавур, — ҳукм чиқарди у. — Тантик, эрка! Келинойим мақтаган, «подсвет» костюм-шим киядиган дадасининг кўмаги билан институтга кирган!..»

Ландавур бўлса сенга нима? Ҳа-да, сенга нима? Қайтанга яхши эмасми: чизган чизигиндан чиқмаса, нима десанг хўп деса?.. Ана шуниси ёмон-да, — Саттор ўзини қизга бир зум уйланган ҳис қилди, — дейлик, ишдан келдим. Утирибди уйда. Салом беради. Чой-пой опкелади. Мен гап бошлайман: «Фалончининг тўйи бўларкан, борсамми?» Жавоб беради: «Ихтиёрингиз.»

«Бормасаммикин?»

«Ўзингиз биласиз.»

«Бормасам бўлмайди, онам томондан қариндош...»

«Тўғри айтасиз.»

«Бир нима де, ахир!»

«Сиз нима десангиз, шу-да...»

«Уф-ф! Буёғи қизиқ бўлди-ку! — Саттор пешонасини уқалади. — Қиз ким ўзи? Устомон ландавурларданми? Йигитларни боплаб «классификация» қилди-ку! Узига ёқадиган йигитнинг хислату фазилатларини санаб ташлади-ку! «Гап қайтармайдиган, бақувват, кўнгли очиқ, спортчи...» Ким ўзи у?

Ландавур эмас!

Устомон ҳам эмас.

Унда ким?

Тўти! Қўлли, оёқли тўти! — Саттор ўрнидан туриб кетди. Шу фикрининг тўғрилигига амин бўлиб, хонанинг уёғидан буёғига юрабошлади. — Уйдагиларидан эшитган сон-саноксиз ўғитларга кўр-кўрона амал қилувчи, бу панду насиҳатларнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдиган лақма у! «Тилла тишли» кишининг хотини, яъни қизнинг онаси қизини ёнига ўтирғизволиб, роса қулоғига куйган: «Йигитингнинг бўйи фалон метр бўлсин, албатта институтда ўқисин. Келажаги порлоғидан топ. Ундан ё олим, ё директор чиқмаса, ўзингдан кўр, бола. Ўйлаб турмушга чиқ!» Шу андозага қараб иш қияпти, қиз!»

Саттор фикрини узил-кесил хулосалаб, энди ўрнидан тураётган ҳам эдики, «лоп» этиб яна бир савол кўндаланг бўлди: «Оила бадавлат-ку! Уйлари нақ қасрнинг ўзи! Амакиси катта ишда ишлайди, аммасининг куёви фалончи... Демак, бадавлат! Унда нега бу қиз шу вақтгача уйли-жўйли бўлиб кетмади? Бойликка қараб келин оладиган ота-оналар, ўлчов мезони фақат пул бўлган йигитлар камми?..»

Ҳа, нега чайналиб қолдинг? «Ҳукм» эмиш. «Ландавур» эмиш. Ўзинг нодонсан! Ул! Баттар бўл бу кунингдан! Жавоб топ қани? Қиз ҳусндор. Бадавлат оиланинг фарзанди. Унга мос йигит қандай бўлиши керак? Унга уйланадиган йигит қандай бўлиши керак?»

Шу заҳоти ёдига синфдош ўртоғи Ғойиб билан қилган суҳбати тушди:

... Шерик, уйланыпман.

— Эшитдим. Зўр иш бўпти. Кимга?

— Ўзим ҳам яхши билмайман.

— Ия! Нега энди билмайсан?


- Онам топибди. Отаси ГорПОда директор эмиш.
- Оббо! Отасини бошингга урасанми? Қизидан гапир!
- Яхши эмиш. Саккизни битириб, техникумга борган экан. Ёқмай, қайтиб келибди. Дадаси аттестат тўғрилаб, бирор тузукроқ институтга жойлаб қўяман, деб юрганмиш.
- Шундай дегин, ўзини кўрдингми?
- Расмини кўрдим, зўр!

Саттор ҳув бир вақтлар бўлиб ўтган суҳбатнинг икир-чикиригача хотирасида сақланиб қолганидан ҳайратланиб, пичирлашда давом этди: «Аҳ-ҳа, бундан чиқди, йигитнинг отаси ҳам ўғлининг қулоғига тинмай қуяди: «тагли-тугли одамнинг қизидан топ. Фалончи бўлмайди, амали паст. Пистончи... Ўҳ! Мана бу зўр! Бўлди, уйланасан! Гап тамом, вассалом!» Ҳар икки томоннинг мақсадию маслағи бир хил бўлганлиги учун тантиқ йигит ва қиз дарров топиша қоладилар. Ота-оналар бир-бирларига маъқул келишди, демак, севса бўлавераркан! Йигит ҳам, қиз ҳам ичларида (юракларида эмас) яшириниб ётган шиддатли куч — муҳаббат жиловини қўйиб юборадилар-да, бир-бирларини севишга тушиб кетадилар. Сийқаси чиқиб кетган гаплар такрорланаверади...

Хуллас, йигит ҳам қизнинг тоифасидан бўлиши керак, — хўрсинди Саттор, — наҳотки, фақат шундай бўлгандагина топишсалар? Бошқа йўл йўқмикин?..

Э-э, менга нима, — бирдан айниди Саттор, — Топишишдимми, демак, яшайверадилар, қориндор дадаларининг сояларида! Пул катта, бел оғриғи йўқ... Ялло! Бир кун келиб, улар суянган тоғ гумбурлаб қулайди. Уёғи аён — жуда кўтарилиб кетган буринларини тираб турадиган нарса бўлмаганлигидан эмаклаб қоладилар. Ҳа, уёғи аён.

Уй ўйлайвериш жонига теққан Саттор кийимини алмаштириб, ҳовлига чиқар экан, баралла овозда ҳаммасига якун ясади, — «ландавур, ҳиссиз, тантиқ, эрка, тўтизабон, «қолип» одам — ана шунақалардан сақланиш керак, оғайни...»



Ольга Шевчук

## ОҚШОМ ЮЛДУЗЛАРНИ ҲОВУЧЛАБ СОЧАР

### Кутиш

Ҳаяллайсан, қалбим нотинч, асабий,  
Соғинч сириб ташлар қувонч — мадорим.  
Кутаман вафодор аёллар каби,  
Сени — фикрдошим, офицер ёрим.

Оқшом юлдузларни ҳовучлаб сочар,  
Бепарво пишиллаб ухлайди қизчам.  
Ташқарида қадам саслари ўчар,  
Тинар ошиқларнинг кулгулари ҳам.

Сен-чи, ҳозир, балки, яқин-орада,  
Юрибсан тайинлаб пост соқчиларин  
Ва ҳорғин артасан, ёноқларингда  
Қотган кадрдон таъм — йўлнинг чангларин.

Мўралаб кўз қисар барглар аро ой,  
Ҳазиллашар гўё мен билан инок.  
Ним қоронғи тунда порлаб маёқдай,  
Сени чорлар тинмай мен ёққан чирок.

\* \* \*

Узоқдаги ўйчан, меҳрибон шаҳар,  
Ёдимга тушасан — чорлайман сени.  
Юпқа плашимда титраб ўрмалар,  
Ғалаёнга келган Нева салқини.

Чап ёғи тортгандек, оғиб салгина,  
Тўлқинларни қиёқ сингари ёриб.

Шаҳар тонг ҳавосин симирган палла,  
Кема сузиб кетди мени қолдириб.

Жўнади. Мен эса қотаман ҳайрон —  
Дуч келгандек гўё сир-синаотга:  
Нева қатронлари турар ёнма-ён,  
Қийғос жануб шаҳри урилар ёдга.

Қанчалар олис у. Яна субҳидам,  
Арқонлар эшилиб кемага сакрар.  
Ярадор турнага бергандек малҳам,  
Нева вақтинчалик мени эркалар.

Эт олиб битади, бир кун жароҳат,  
Хайрлашар салқин Неванинг бағри.  
Кема сузиб кетар. Сира билмас ҳад,  
Мовий ва қадрдон кенглиklar сари.

## Бедор хабарлар

Емғир шивалайди, эзиб ёғаркан,  
Кўлобга айланар ўйдим-чуқурлар  
Ва навбатчи радист ўйга толаркан,  
Қадрдон кедрлар ёдига келар.

Емғир эса ҳамон қуяди бетин,  
Радист тинмай йўллар муҳим хабарлар.  
Узоқларда ёри кутар куну тун,  
«Қам учрашдик...», дея бағри хун бўлар.

Ҳар кун кўз тутади мактуб йўлига,  
Эҳтимол, сабабчи почтадир, лоқайд...

Кейинги пайтда адабиётга кириб келаётган ёшлар шеърляти ҳақида сўз кетганда, Ольга Шевчукнинг номи тез-тез тилга олинади. Бу табиий. Негаки, Ольга Шевчук илк шеърлари биланоқ ўзига хос овозини, дунёқарашини, ўткир шоирона нигоҳини, улкан ижтимоий мавзуларга интилишини намоён қилди.

Унинг, айниқса, ўтган уруш садоларини акс эттирган шеърлари хотираларга ўрнашиб, юракларга зирқироқ солади. Урушда ҳалок бўлганларнинг қайғуси ўчмас, ёди унутилмасдир. Шоира даҳшатли жанг кунлари кечган воқеаларга қайта-қайта мурўжаат қилиб, инсон матонатининг бепоёнлиги тўғрисида, чексиз ғам-қайғулар ҳақида ёзаркан, «Бу даҳшат такрорланмаслиги керак!» деган хулосани безовталиқ билан таъкидлайди.

Ольга Шевчукнинг эпик жанрдаги дастлабки тажрибалари ҳам муваффақиятли чиқди. У «Тундан тонггача» поэмасида авлодлар ворислиги хусусида поэтик мушоҳада юритади.

Ёш шоиранинг, Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан ёзилган, «Гданьск остоналарида» поэмаси ўзбек халқининг шонли фарзанди генерал Собир Раҳимовга бағишланган.

Унинг шеърлари газета ва журналларда, альманахларда мунтазам босилиб туради. У уч шоиранинг шеърларидан тузилган, «Муҳаббат ҳақида муҳаббат билан гапир» тўпламининг муаллифларидан бири. Ёш шоира ўзбек шоирларининг асарларини рус тилига таржима қилиш билан ҳам кунт билан шугулланиб келмоқда. Бу хусусият шоира ижодининг бир қиррасига айланиб борапти. У янги шеърларини тўплам шаклига келтирди. Биз, бу, ўзига хос шоирага янги янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Зоя ТУМАНОВА

Ё почтачи атай сақлар қўлида,  
Бетоқат аскарни унутиб бу пайт.

Сокин тунда, кўпдан таниш товушлар,  
Аппарат вужудин бир-бир тарк этар.  
Уйини соғинган ўйлари, қушлар  
Сингари, ҳар томон тўзғишиб кетар.

Бу маҳал бир ажиб моҳирлик билан,  
Томчилар бағрида тўр тўқирди қор.  
Оппоқ учқунларда енгил учаркан,  
Олисга йўл олар хабарлар бедор.

## Пушаймон

Бебошвоқ кунлардек...  
Қўлда йиртиқ жилд,  
Ёқаси очигу  
Сочлар патила.  
Ўтмишда қолмишсан  
Нотаниш, бекут,  
Келдинг, янги умид,  
Ўша дард ила.

Чўққида ёнган гул,  
Шаршара товшин —  
Зарҳал ёшларини  
Эслайсанми ё?  
Ўпичга ёт қулинг,  
Сочларим тошқин —  
Сойга чайрдим мен,  
Паришонхаёл...

Тоғ сойи бетиним  
Чопар қуйига,  
Совқотган қўлингга  
Кўпиклар урар.  
Бир кудратингми ё  
Тушиб кўйига,  
Қоялар йўнилиб  
Ялтираб кетар.  
Мунис муҳаббатим!  
Тоғ гули сўлди.  
Иқроор — ишқ розини  
Турдингми тинглаб?  
Ишонувчанроқсан,  
Мушфиксан энди,  
Кечки поезд елар,  
Елар ҳансираб.

ОТАЁР таржималари.

## Таҳсил олмоқ учун учиб кетди қиз

Парвоз чизиқларин  
Йўлкаларида,  
Тайёралар турар қаторма-қатор.  
Аэродромнинг бетон елкаларида,  
Бўзариб-бўзариб  
Аста тонг отар.

Кўчма зинани ҳам кетдилар олиб,  
Стюардесса қиз эшикни ёпди.  
Барча кузатувчи узоқда,  
Кулиб  
Қўл силкиятти.  
Қизини кузатиб қоляпти она,  
Қанчалар оғир бу —  
Энди кўзи тўрт.  
Қўзғала бошлади ўрнидан, мана,  
ТУ — 104.

Ўйга ғарқ термилар онаси узоқ,  
Иссиқ ёш ювмоқда юзу кўзини.

Иллюминатордан қарайди мушток,  
Қиз гуноҳкор сезиб ўзини.

Қиз туйнукдан ҳамон атрофга боқар.  
Тайёра тезликни оширди,  
Учди.  
Пастда қолиб кетди каттакон шаҳар,  
Темир қушни қўнғир булутлар кучди.

Учавер, таёрам,  
Баланд-баланд уч,  
Булутни қолдириб пастда — йироқда.  
Орзиққан қалбларга ўзинг бергин куч,  
Шу расида қизга бахш эт ирода!

Энди унга қийин,  
Энди у ёлғиз:  
Не-не синовлардан ўтмоғи даркор.  
Туғилган уйига қачон қайтар қиз,  
Яна қачон насиб қилади дийдор?


Булутлардан ошиб учади лайнер,  
Осмонга чизганча узун, оқ изни.  
Туйнукдан ёприлиб тушаётган нур,  
Сочилиб тўкилар олдига қизнинг.  
Тинмай гулдирайди улкан тайёра,  
Осмон тўлиб кетди гулдиролардан.  
Расида қиз, худди, шу лаҳза ичра,  
Улғайганин аниқ ҳис қилди бирдан.

Музаффар АҲМЕДОВ таржимаси.





Иван Бунин



Мен ўшанда, гарчи бунинг учун ёшим ўтинқираб қолган бўлса-да, рассомлик санъатидан сабоқ олишга жазм этдим — кўнглимда аввалдан ҳам шундай ҳавас бор эди — Тамбов вилоятида ер-мулким бўла туриб, бутун қишни Москвада ўтказдим. Мени шоғирдликка олган рассом нўноқ, истеъдодсиз, аммо ўзига яраша донгдор ҳам эди; у санъат аҳлига хос барча зоҳирий кўринишга эга эди: сочини елкасигача жингалак қилиб ўстирганди, тишига трубка қисиб юрарди, калта, қизил барқут камзул, уринган, кулранг, узун этик-калиш киярди — мен улардан жудаям жирканардим — муомалада ҳечам истиҳола қилмасди, ўзганинг меҳнатига мутакаббирларча чап кўз билан қараб, худди ўзича сўзланаётгандек: «Чизганингиз бағоят ажойиб, бағоят мароқли... Бир сўз билан айтсак, бу сиз учун улкан муваффақиятдир...» деб қўйишга одатланган бир кимса эди.

Мен Арбат хиёбонидаги «Прага» ресторанига ёндош «Пойтахт» мусофирхонасида яшардим. Кундузи рассомникида ёхуд ўз хонамда ишлардим, кечани кўпинча овқати арзон ресторанларда, турмуши ит ётиш мирза туришдан иборат дайди санъаткорлар орасида, ёшу қариси бир хилда пиво ва қисқичбақага муккасидан кетган янги-янги танишларим билан ўтказар эдим... Тўғриси, жуда зерикарли ва кўнглисиз ҳаёт кечирардим! Уша ўлардай бефарқ, тепса-тебранмас ирkit рассомни, унинг вайронага айланган, чангга беланган, турли-туман сохта безаклар уюми тўла устахонасини, ўша қоп-қоронғи «Пойтахт» мусофирхонасини ўйласам, фақат энсам қотади... Эсимда ушбу лавҳалар қаттиқ сақланиб қолган: деразага қор тўхтовсиз урилади. Арбат томондан кўнғироқларини жаранглатиб ўтаётган кўнкалар — от қўшилган трамвайларнинг тарақ-туруқ товуши келади, кечаси эса хира ёритилган ресторанда пиво ва яна аллақандай раддибалонинг ачимсиқ иси анқийди... Чўнтагимда бирмунча пулим бўлатуриб, нима сабабдан шундайин аянч бир тарзда яшаганимни ҳалигача тушуниб етолмайман.

Баҳорда, март кунларининг бирида, хонамда расм чизиш билан машғул эдим; тош йўлдан эшитилаётган нағал товушлари қишдагидан бошқачароқ, кўнкалардан таралаётган мусиқавий садолар ҳам ўзгачароқ туюлар эди... Нохосдан кимдир

дахлиз эшигини тақиллатди. Баланд овозда: «Ким?» деб сўрадим. Аммо жавоб бўлмади. Бир оз кутдим, кейин тагин: «Ким у?» дея қичқирдим. Яна жимлик. Сўнг яна эшик тақиллади, бориб эшикни очдим: остонада кулранг этикли, узун ва тўғри бичиқли кулранг пальто кийган, қишки кулранг шляпали новчагина бир қиз турар, кўзлари шаддод боқар, юзида, узун-узун киприклариди, шляпа остидан чиқиб, сочилиб ётган соч тóлаларида қор ва ёмғир нуқралари ялтирар эди. У мендан кўз сочилди:

— Мен мутаассиб бир қиз — Муза Граф бўламан, — деди. — Сизнинг жудаям ажойиб киши эканлигингизни эшитдим-у, танишгани келавердим. Қаршилигингиз йўқми?

Мен жуда ҳайрон бўлиб, аммо, албатта, расамади назокат билан жавоб бердим:

— Бошим осмонга етди, жуда мамнунман. Фақат олдиндан айтиб қўймоғим лозим, яъни, мен тўғримда эшитганларингиз аслида бошқачароқ; аслида, ҳеч қанақа ажойиблик жойим йўқ, мен — оддий бир расомман.

— Бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ, муҳими, мени эшик олдига тутиб турманг, ичкарига таклач қилингиз, — деди у, менга тик қараб, — ташрифимдан бошингиз осмонга етган, эшигингизни ҳақиқат очиб қўйинг-да, жонгинам.

У хонага кириб, ўзини худди онасининг уйида юргандек тутта бошлади, четлари зарҳалланган, баъзи жойлари қорайган кўзгу рўпарасига бориб, бошидан шляпасини олди, сарғиш сочларини тuzатган бўлди; пальтосини ечиб стулга торлади, енгил жун матодан катта-катта кўйлаги дарҳол эътиборимни тортди, у диванга бориб ўтираркан:

— Калишим билан этигимни ечиб қўйинг, — деб буюрди. — Йўқ, аввал пальтомдаги дастрўмолни олиб беринг.

Унга дастрўмолни узатдим, у артиниб бўлиб, оёқларини мен томонга қўзилтирди.

— Мен сизни кеча, Шоранинг концертида кўрган эдим, — беписанд деди у.

Мен мамнунлик ва эсанкирашдан аҳмоқона илжайганимча — бу қанақа меҳмон ўзи, ёпирай — итоаткорона қиёфада унинг қўнжли калишларини биринкетин ечиб қўйдим.

Қизнинг вужудидан ҳалиям ташқарининг беғубор ҳавоси уфуриб турар, бу ҳид хаёлимни пароканда қилар, унинг руҳсоридаги қарашма, бебок нигоҳларидаги нозу истиғно, узун ва чиройли қўлларидаги мафтункорлик хатти-ҳаракатларидаги мардона шаддодлик билан қўшилиб, дилимни бадтар ҳаяжонга солар, ўртантирар эди.

У диванга қулайроқ ўрнашиб, бемалол-беписанда ўтириб олди, назаримда, ҳали-бери кетадиганга ўхшамасди. Уйланқираб, лузумли бир гап тополмасдан, у мен тўғримда кимдан нималарни эшитгани, ўзи ким, қаерда ва кимлар билан истиқомат қилишини сўрай бошладим. У шундай жавоб қилди:

— Сиз ҳақингизда кимлардан қандай гап эшитганимни айтиб ўтирмайман. Бу ерга келишимиз бир-бир сарфани билан — сизни кеча концертда кўриб, ёқтириб қолдим, шу холос. Сиз ниҳоятда чиройли ва ёқимтойсиз. Узимга келсак, мен — докторнинг қизиман, уйимиз ҳам бу ердан унчалик узоқ эмас. Пречистенский хиёбонида.

**Иван Бунин (1870—1953)** — атоқли рус адиби, Нобель мукофоти лауреати, шоир, таржимон. Унинг қисса ва ҳикоялари Мопассан, Тургенев, Чехов асарлари каби севиб ўқилади. Езувчининг айниқса «Хилват хиёбонлар» тўплами суҳб ва чет эл китобхонларига жуда яхши таниш, бу ўзига хос тўплам рус адабиётида ягона саналади — унга фақат муҳаббат ҳақидаги ҳикоялар жамланган. Буниннинг ўзи худди мана шу китобини «ҳикоячилик санъати бобида баркамол» ҳисоблаган.

Бунин узоқ йиллар мобайнида хорихда яшади, аммо ҳар бир асариди рус кишиси қалбини, руснинг ватанини — бепоён Россия манзараларини акс эттирди. У Парижда чиқадиган «Рус янгиликлари» газетаси муҳбирига айтган сўзида шундай деган: «Биз, ёзувчилар, ватанимизни дилимизда, сўзимизда олиб юрамиз». Дарҳақиқат, Бунин ижоди билан чуқурроқ танишсак, бу сўзнинг ҳақонийлигига амин бўламиз.

Журналимизда чоп этилаётган ҳикоя ҳам адибнинг «Хилват хиёбонлар» тўпламига кирган. Унда ҳар бир ошиқнинг бошига тушиши мумкин бўлган савдолардан бири тасвирланган. Зеро, ишқ, муҳаббат мавжуд ҳар бир дил, ҳар бир ер, ҳатто бахтсизлик ё фожиага тўла бўлса-да, поқу гўзалдир. Муҳаббат бор жойда умид бор. Буниннинг айтишича, «агар дилда умид бўлмаса, ҳар бир даққиқа даҳшатлидир».

Унинг сўзларида қандайдир қисқалик, кескирлик ва ноғиҳонийлик бор эди. Мен уни жалб этиш учун бирор муносиб гап тополмаганимдан кейин:

— Чой-пой ичасизми? — деб сўрадим.

— Ичаман, албатта, — деди у. — Агар чўнтагингиз кўтарса, Беловнинг ранет олмасидан харид қилдинг, унинг растаси шундоққина Арбатда жойлашган. Фақат меҳмонхона ходимини тезроқ юборинг, мен жуда бесабр қизман.

— Аксинча, сиз мутлақо сипо кўринасиз.

— Кўриниш ҳам гап бўлди-ю...

Меҳмонхона ходими бир қоғозхалта олма ҳамда биқирлаб қайнаб турган самоварни олиб келгач, у ўрнидан туриб чой дамлади, пиёла ва қошиқчаларни бошқатдан тозалаб артди... Бир пиёла чой ичиб, олма еб бўлгач, диванга чуқурроқ ўрнашиб олди, сўнг мени қўлларини ёзиб ишора қилган кўйи оғушига чорлади:

— Энди бери келинг.

Енига бориб ўтирдим. У мени қучоқлаб олди, шошилмасдан, оҳишта ўпди. Кейин бир муддат тикилиб қолди ва худди мен унинг лутфларига муносиб эканлигимга ишонч ҳосил қилгандек, кўзларини жимгина юмди ҳамда узоқ, сидқидиллик билан яна ўпишди.

— Мана шундай, — деди у енгил тортган одамдай, — ҳозирча шу ҳам кифоя. Эртага бир гап бўлар.

Мусофирхона бўлмасига аллақачон қоронғилик оралаган, фақатгина кўчадаги чироқларнинг ғира-шира ёғдуси кўзга чалинар эди. Айни дақиқалардаги ҳолатимни, қувончимни баён этишга тил ожиз. Қаердан келди бу ногаҳоний бахт! Утиб бораётган кўналар кўнғирогининг ёд бўлиб кетган бир хилдаги жаранги ва отлар туёғининг тарақ-туруқ товуши тушимда эшитилаётгандек туюлди.

— Индинга мен сиз билан «Прага» ресторанида бирга овқатланишни истаيمان, — деди у, — мен у ерга ҳозиргача бир марта ҳам кирмаганман, шунингдек, тажрибасиз бир қизман. Шу тобда мен тўғримда нималарни ўйлаб ўтирганингизни тасаввур қиламан, аммо, аслида, сиз — менинг биринчи севганим, биринчи муҳаббатимсиз.

— Қанақа севги-муҳаббат?

— Бўлмаса, буларни қандай аташ лозим?

...Шундан кейин ўқишни ҳам ташлаб юбордим. Рассомликка ҳавасим ҳам барҳам топди.

Биз у билан ҳеч ажралмасдан яшар, ҳар хил кўргазмаларга, концертларга, тасвирий санъат томошахоналарига борар, ҳатто, баъзан-баъзан оммавий маърузаларни тинглашга ҳам қатнаб турар эдик. Май ойида, унинг хоҳиши билан, Москва яқинидаги кўрғонга, эски бир чорбоққа кўчиб бордим: у ҳар куни олдимга келар, тунги соат бирда яна уйига — Москвага қайтиб кетар эди. Умрим бино бўлиб чорбоғда яшамагандим, шундай чорбоғ эгаси бўлишни хаёлимгаям келтирмагандим. Москва яқинида, шундай ажойиб иқлимда, бизнинг чўлларимиздаги кўрғонларга мутлақо ўхшамаган, кўм-кўк дарахтзорлардан иборат кўрғонда ҳеч бир иш қилмасдан боёнлардек яшашимни эса, асло кутмаган эдим.

Атроф қарағайзор ўрмон, уззукун ёмғир ёғади. Аҳён-аҳёнда ёрқин зангорликлар узра оппоқ булутлар тўпланади, теваракни майин бир шовқин қоплайди, кейин қуёш нурлари орасидан шаффоф ёмғир томчилари дувиллаб тўкилади, ўрмонзор тепасида хушбўй қарағайларнинг ҳовуридан юксалган улкан бўғ пайдо бўлади... Атроф рутубатли: шалаббо ўт-ўланлар, дарахтлар танаси ойдиндагидек ялтирайди... Кўрғон теварагидаги дарахтзорлар шундай ҳайбатлики, бу ердаги онда-сонда қаққайиб турган чорбоғлар жуда кичкина кўринар, худди иссиқ иқлимли мамлакатлардаги улкан дарахтлар остидаги мўъжаз уйчаларга ўхшаб кетар эди. Ярмигача дарахтлар сояси тушиб турган ҳовуз эса улкан кўзгуни эслатарди... Менинг истиқоматгоҳим ўрмонзор ёқасида, боғ этагида жойлашганди. Ёғочдан қурилаётган уй ҳали батамом битказилмаган, тахта деворларидаги ёриқ-тешиклар ҳам беркитилмаган, фаршининг тахтаси рандаланмаган эди: хонада ҳеч қанақа жиҳоз йўқ, фақат биргина қопқоқсиз печка шалтайиб кўзга ташланар эди. Каравотим остида пала-партиш ёйилиб ётадиган пойабзалларим доимий намгарчиликдан пўпанак босиб кетганди.

Кечалари ярим тунгача зимистон бўлар эди; ўрмонзор узра ғарб осмонидан ҳар доим кўринувчи нимёруғлик ойдин кечаларда ой ёғдулари билан ўшандай осуда, ҳаракатсиз, ажойиб ва афсунгар бир ҳолатда қўшилиб кетарди. Тўрт тарафда ҳоким бўлган ана шу хотиржамликни, ана шу сокинотни, мусаффо осмон ва ҳаводаги ана шу осойишталикни сеза туриб, энди ҳеч ҳам ёмғир ёғмаслиги мумкин, дея ишонар эдим. Аммо Музани бекатга кузатиб қўйиб, ўрнимга чўзилишим биланоқ, бирдан ёмғир бошланганини, томни тарақлатиб шовқин солаётганини эшитардим, ташқаридаги қоронғилик бағрида чақмоқнинг қийрихон шуълаларини кўрардим...

Эрталабки бинафшаранг заминда, рутубат оғушидаги хиёбонларда олачалпак

кўланкалар ва қуёшнинг тигдор нурлари жилваланар, пашшатуларларнинг чуғур-чуғури, сайроқи қораялоқларнинг бесараңжом нағмаси янграар эди. Чошгоҳга томон тагин ўрмонзордан буғ юксалар, тагин булутлар тўдаланар ва яна ёмғир шовиллаб қоларди...

Шом олдидан ҳаммаёқ равшан тортиб, ботаётган пастак қуёшнинг олтинранг, биллурий нури барглар орасидан ўтиб, титраб ўйнаркан, сўникаётган кундуздан хабар берди. Шу пайт мен Музани кутиб олгани бекатга йўл олдим. Поезд келиб тўхташи билан бир тўда чорбоғчилар йўлак сари ёпирилди: паровоздан тошкўмир ва ўрмонзорнинг ғуборсиз ҳиди анқиди, нигоҳим оломон ичида келаётган, кўлида турли-туман егулик, ичимлигу мевалардан қаппайган тўрхалта, қоғоз қопчиқлар кўтарган Музага тушди... Уйга келгач, юзма-юз ўтириб, бир-биримизга меҳри-бонликлар кўрсатиб, яйраб овқатландик. Кечки пайт, унинг шаҳарга жўнаб кетиши олдидан, боғда сайр қилдик. У шундоққина ёнимда, бошини елкамга қўйиб олган кўйи, бу худди тушида рўй бераётгандек, беихтиёр юриб борарди. Атрофда қора кўзгули ҳовуз, юлдузлар сари қўл чўзган, асрий, илтижоли дарахтлар... Бир қарашда кўлни эслатадиган далаларда дарахтларнинг узун, поёнсиз кўлкалари ёйилган; жимжит, бепоён ва фусункор ойдин кеча...

Июнь ойида Муза мен билан Тамбов вилоятидаги қишлоғимга борди, гарчи никоҳсиз бўлса ҳам, бир уйда яшай бошладик, хўжалик ишларини у ўз гарданига олди. У узун куз кунларини асло зерикмасдан, келажак ташвишлари ва китоб мутолааси билан ўтказиб юборди. Қўни-қўшнилардан бизни кимга тез-тез келиб, меҳмон бўлиб турадиган одам Завистовский деган сўққабаш кимса эди: у сариқбашара, нимжон ва кўрқоқ, созандаликдан ҳам хабари бор, бизни кимдан икки чақирим нарида турадиган, камбағаллашган заминдор эди. Қиш бошланди, у бизни кимга деярли ҳар кун келарди. Мен уни болаликдан билардим, энди эса, у нухсага шундай ўрганиб қолдимки, ҳатто, у келмаса, тун ғалати ўтаётгандек туюларди. У мен билан шашка ўйнарди, Муза билан эса тўрт кўллаб рояль чаларди.

Рождество ҳайити олдидан тасодифан зарурат туфайли шаҳарга жўнадим. Ой чиққан бир паллада шаҳардан қайтиб келдим. Уйга кириб, Музани тополмадим. Самовар қаршисида анчагача танҳо ўтиргач, ходимадан:

— Дуня, бека ойм қаерда? Сайрга чиқиб кетдимиз? — деб сўрадим.

— Билмадим. Улар эрталабдан буюн уйда йўқлар, — деди.

— Кийиндилару жўнаб қолдилар, — жавоб қилди емакхонадан бошини ҳам қилиб ўтиб бораётган энагам.

«Ҳа-ҳа, Завистовскийни кимга кетган, — деб ўйладим, — тўғри, улар тезда биргалашиб келиб қолишади, ҳозир соат етти бўлиб қолди...» Кейин хосхонамга кирдим у бир пасда тош қотиб ухлаб қолдим — кун бўйи йўл юриб, ўлардай совқотган эдим. Бир соатлардан сўнг калламга ногаҳонда келган таҳликали фикрдан кўзим ярқ этиб очилди: «Ахир у мени ташлаб кетган бўлса-чи! Мени бу ерда ухлатиб қўйиб, ўзи бекатга кетган — унинг кўлидан ҳар иш келади! Йўқ, эҳтимол, у ҳозир қайтиб келгандир». Уйни айланиб чиқдим — йўқ, келмабди. Уят-э, шалпайган хизматкорларни ҳам ғафлатда қолдирибди!..»

Соат ўнга яқинлашди, нима қиларимни билмасдим, ҳайрон-саргардон эдим: охири, мўйнадор, калта пўстинимни кийдим-да, негалигини ўзим ҳам билмаган ҳолда, қуролимни олдим, сўнг Завистовский кўрғони томон катта йўл бўйлаб борарканман, шундай ўйлардим: «Атайлаб қилаётгандек, ҳозиргача у сариқбашара ҳам келмади, олдинда эса менга азоб берадиган, шубҳалар билан қийнайдиган бутун бир қайғули тун бор! Наҳотки, Муза кетган, наҳотки, у мени ташлаб кетса! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!» Қорлиқлар орасидаги из тушган йўлдан ғирчиллатиб одим ташлаб борардим: чап тарафимда, пастаккина, ғариб ой ёғдусида далаларнинг қорли манзараси оқариб кўринарди... Катта йўлдан қайрилиб, Завистовскийнинг аянчли кўрғони сари шитоб юрдим: дала бўйлаб унинг ҳовлисига олиб борадиган хиёбоннинг икки четида яланғоч дарахтлар қаққайиб турар, эски ҳовлининг чап тарафида қилтиллаган уй кўринар эди. Уй қоп-қоронғи... Музлаб ётган зинапоядан кўтарилиб, қопламаси кўчиб, осилиб ётган оғир эшикни минг азоб билан очдим — даҳлизда қизариб ёнаётган печкага кўзим тушди, уй иссиқ, қоронғи... Зал ҳам шундай қоронғи эди.

— Викентий Викентич! — дедим.

Бўлма эшиги овозсиз очилди, фақат ой нури ва уч тавақали кўзгунинг акс шуъласи тушиб турган остонада пиймали Завистовский кўринди.

— Э-э-э... Бу сизмидингиз... Кириг, кираверинг, марҳамат... мен, кўриб турганингиздек, чироқ ҳам йўқ, тунни мана шундай қоронғиликда ўтказяпман... — дея ғўнғиллади у.

Ичкарига кириб, дўнғайиб турган диванга бориб ўтирдим.

— Тасаввур қила оласизми, азизим, Муза қаёққадир ғойиб бўлибди... — дедим.

У индамади. Сўнг эшитилар-эшитилмас бир овозда:

— Ҳа, ҳа, тўғри, мен сизнинг аҳволингизни тушунаман... — деди.

— Яъни, нимани тушунаси? — дея кескин сўрадим.

Худди шу аснода, худди Завистовскийга ўхшаб овоз чиқармасдан, уникига ўхшаш пийма кийган, елкасига шол рўмол ташлаб олган Муза ётоқхона томондан биз ўтирган бўлмага кириб келди.

— Қуролингиз ёнингиздами, — сўради у, — агар отмоқчи бўлсангиз, уни эмас, мени отинг!

Шундай деди-ю, қаршимга, бошқа диванга ўтириб олди.

Мен унинг пиймали оёқларига, кулранг юбкаси остидаги тиззаларига кўз ташладим. Деразадан муттасил сепилаётган заррин шуълаларда ҳаммаси аён кўринарди. Бирдан: «Мен сенсиз яшай олмайман, мана шу биргина тиззаларинг учун, юбканг ва пийма-этиklarинг учун жонимни ҳам беришга тайёрман!» дея хитоб қилгим келиб кетди.

— Ҳаммаси равшан, ҳаммаси тугади, — Музанинг совуқ, қатъий овозидан ҳушимга келдим. — Энди найрангбозлик қилиш беҳуда, — деди у.

— Одам ҳам шуқадар шафқатсиз бўладими, — дея инграгандай, оҳиста дедим.

У Завистовскийга ўгирилди-да:

— Қани, папиросдан узат, — деди.

Завистовский итоаткорона эгилганича Музага тамакидонини очди, чўнтагини тимирскилаб, гугурт ахтара бошлади.

— Сиз мен билан сизлашиб гапиряпсиз, — дедим нафасим қисилиб, — менинг олдимда у билан сенлашиб сўзлашмаслигингиз ҳам мумкин-ку!

— Нега энди, буни қандай дахли бор, — у қошларини чимириб, папиросни лабидан узоқлаштираркан, кибор билан сўради.

Юрагим гупиллаб урар, бўғзимга тиқилгудек ҳаприқар эди. Шартта ўрнимдан турдим-у, гандираклаганимча уйдан чиқиб кетдим.

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси



## БИЗ ҚЎШИҚНИ СЕВИБ ТУҒИЛДИК

Машъал Хушвақт  
(Андижон)

### Ҳайқирик

Мен бугун,  
«Уруш бўлмасин!» деб ҳайқирдим.  
Қаттиқ ҳайқирдим, жуда ҳам қаттиқ.  
Ерга тушиб кетди бу ҳайқириқдан,  
Бировнинг қўлидан нимадир.  
Қушлар ҳуркиб учди шоҳлардан,  
Дарахтлар титради, узоқ титради...

Урушнинг устига тоғ қуламасми,  
Осмон қуламасми,  
Шундай деб ҳайқирса, тўрт миллиард одам!?

### Илтижо

Сени севишимни, жуда севишимни  
Чақиб кўйди сенга кўзларим.  
Қўлимдаги титроқ, мана шу титроқ,  
Сенга бўлган муҳаббатимни,  
Билдирмайин менга, айтиб кўйди-ку.  
Дарвоқе,  
Тилимни нима қиламан?  
Менга фойдаси тегмаган тилни.  
Дунёда, мен каби муҳаббатини  
Изҳор этолмаган одам борми?  
Мен унга бераман бу тилни!

Узоқларга учиб кетар қор,  
Ўзгаради тўсатдан кунлар.  
Кўз ёради ҳадемай анҳор —  
Ўт-ўланлар туғиладилар.

Сабр қилгин, бойчечак сўзсиз,  
Туғилган кунига сени айтади.  
Қачонлардир шафқати йўқ куз  
«Сургун қилган» қушлар қайтади.

Эшитилар ҳадемай сенга,  
Шошилинич қадамлар, қадамлар...  
Анҳор бўйларига — ўт-ўланларга  
Ном қўйгани чиқар одамлар.

## Хотира

Эски йил — мен севган китоб,  
Мен авайлай олмаган китоб —  
Жуда кўп варағи йиртилган.

## Дарё

Ғаройиб,  
Жуда ҳам чиройли;  
Биргина қўшиқни биларлар —  
Ҳаёт ҳақидаги қўшиқ туфайли  
Ҳеч қачон юмилмас бу лаблар.

\* \* \*

Энди қор ёғмайди, кутмагин,  
Менингча, шунча қор ёққани етар.  
Турналар келишар энди қайдандир,  
Қайгадир қарғалар қочишиб кетар.

Энди қор ёғмайди, дарагин  
Боғлардан билавер, боғлардан.  
Ишонмасанг, ана, сўрагин,  
Тили чиқиб қолган шохлардан.

Ҳалима Аҳмедова  
(Навоий)

\* \* \*

Тун — ҳали ишқ изҳор этмаган ошиқ,  
Ойнинг юзларига тикилади жим.  
Мажнунтолнинг яшил хаёлларидан,  
Саратон қувилар бесас, беисм.

Шаҳар — бетонларга бош қўйган ўғлон,  
Туш кўрар. Тушида армон каби оқ —  
Булоқдан сув олган кўза кўтариб,  
Ялангоёқ чопиб киради қишлоқ.

Шу дам олисларда, она қишлоқда,  
Борлиқни япроқлар шивири тутар.  
Моҳтоб далаларга бош қўйган кўйи,  
Йўллар чарчоқларнинг номин унутар.

Боғларга тун бўйи қўйилади нур,  
Бир ширин ҳидлардан энтикар полиз.  
Ой — нурли либосин теракка илиб,  
Ариққа чўмилган афсонавий қиз.

...Мен гарчи қишлоқдан олис шаҳарда,  
Сезаман: соғинчдан кўзларида нам,  
Мевалардан менга насиба тутиб,  
Ҳар кун йўлга чиқиб кутади онам.

Ўйлар тугамайди, тонг эса яқин,  
Хаёллар сураман қийноқдай уйғоқ.  
Тонг отар, соғинчлар тўла шаҳарга  
Мени қайта ташлаб кетади қишлоқ.

## Тунги Самарқанд

Оҳиста қадам бос, чўчитмоқ гуноҳ,  
Меъмор табиатнинг хаёлларини.  
Нозик санъатида нафосати бор,  
Бутун ер юзининг аёлларини.

Кумушранг либосда уйғонаркан ой,  
Гумбазлар шивирлаб айтаркан эртак,  
Бунда ҳайратларнинг асири бўлиб —  
Бир умр сеҳрни этолмайсан тарк.

Бу сеҳр туш кўрар, тушларида йўл —  
Аждодлар кўксида қолиб кетган сир.  
Минора бағридан мингта кўз бўлиб,  
Боболар боқмоқда қарагин, ахир!

Одамларга ширин тушларни тилаб,  
Тун оёқ учида сочар экан зар,  
Ҳали айтилмаган кўшиқни куйлаб,  
Ойнинг нурларига чўмилар шаҳар.

Асқар Маҳкамов  
(Тошкент)

## Ўзим билан танҳо

Йўллар узоқ.  
Йўллар узоқ ва узоқ.  
Менга бу йўлларда бир йўлдош керак.  
Дарахт шоҳидаги энг сўнгги япроқ,  
Кетиб қолма сен ҳам мендан бедарак.

Сен бунча кўрқмасанг мен — йўловчидан,  
Биқинимга кириб кетган кўлларим?  
Сен бунча кўрқасан мен — йўловчидан,  
Сотиб юбормайман сени, кўзларим!

Кўкрагимда зарра қадар йўқ эди,  
Қайга кетиб қолди қушлар — беватан?  
Сенга бу суратни юрагим берди,  
Суюгимга михлаб ташланган бадан.

Бироқ бу тош кимнинг бенишон қабри?  
Олис куйчи ҳақда пичирлар лаби...  
Абдулла Қодирий кўзлари каби,  
Менга ҳақиқатнинг керак кўзлари.

Ҳазонрез боғларинг оёғи чўлоқ,  
Нилий самоларга ёздинг кўлларинг.





Бувигинам, Ватан!  
Паймонам тўлиб,  
бир кун оёғинга умрим йиқилар.  
Шодон юзларимда қатрон доғ бўлиб,  
қотиб қолар сенинг ёдинг — ажинлар.

Паҳса деворларнинг даричасида —  
лўли қиздай маънос соч ёзганда тун,  
Ҳисор тоғларининг силсиласида  
ёлғиз манзил бордир балки мен учун.

Кечдим, ҳаёт экан, ҳув йироқларда,  
унда хазон ранги қиз юзидан соз.  
Совуқ далаларда, бўм-бўш боғларда  
чаён чаққан каби чинқирар аёз.

Гўё Гўрўғлининг қиссаларидан  
учиб келган каби арзанда ҳумой —  
хомуш арғувоннинг найзаларида,  
хундор кимса каби қизаради ой.

Чуқур вужудларнинг сўқмоқларида,  
қатағон қилинган юрак сингари,  
кўнғир булутларнинг оёқларида,  
ўчмас доғга ботди моҳтоб юзлари...

Бувигинам, Ватан!  
Паймонам тўлиб,  
бир кун оёғинга умрим йиқилар.  
Шодон юзларимда қатрон доғ бўлиб,  
қотиб қолар сенинг ёдинг — ажинлар...

## Кексарганда танаси энатутга, қўллари ток зангига, сочлари пичан тусига, кўзлари ойга айланган Биби эна билан Ватан ҳақида сўйлашганларим

Биби эна, Ватан нима,  
Ватан нима, энажон?  
Ердан сўра, ер айтади,  
Мен не билам, болам-а?!  
Биби эна, Ватан нима,  
Ватан нима, энажон?  
Элдан сўра, эл айтади,  
Мен не билам, болам-а?!

Ул ён дара, бул ён дара,  
Уртасида тақир ер.  
Бул ён дара, ул ён дара —  
Аро дашту дамандир.  
Ерга айтдим, ерим, дедим:  
Ватан недур, жавоб бер?  
Ерим айтди: Биби кампир,  
Биби кампир Ватандир.

Биби эна, Ватан сенсан,  
Қўлларингдан айланай.  
Сувдан сўра сув айтади,  
Мен не билам, болам-а?!  
Биби эна, Ватан сенсан,  
Қўлларингдан айланай.  
Сўздан сўра, сўз айтади,  
Мен не билам, болам-а?!

Бу ён дарё, ул ён дарё  
Аросатда харсанги,  
Ул ён дарё, бул ён дарё,  
Аросида айландим.  
Сувга айтдим, сувим, дедим:  
Ватан недур, айтсанг-чи?  
Сувим айтди: Биби эна,  
Биби эна Ватандир.

Биби эна, Ватан сенсан,  
Товонингдан айланай.  
Тоғдан сўра, тоғ айтади,  
Мен не билам, болам-а?!

Биби эна, Ватан сенсан  
Тупроғингдан айланай.  
Тоғдан сўра, тоғ айтади,  
Мен не билам, болам-а?!

Ул ёнда тоғ, бул ёнда тоғ,  
Қоялари сингандир,  
Бул ёнда тоғ, ул ёнда тоғ,  
Аро жарлик — камардир.  
Тоққа айтдим, тоғим, дедим:  
Айтгил, Ватан нимадир?  
Тоғим айтди: Биби эна,  
Биби эна Ватандир...

\* \* \*

Яна бўм-бўш ўзанларда хаёл кезса, мени ёд эт,  
Яна ёмғирли боғларда шамол эсса, мени ёд эт.

Умр фасли саросар эврилурким гирдибоддир у,  
Бошинг узра хазонлар бош олиб кетса, мени ёд эт.

Тун-оқшом сарғариб ой бир ғарибдай тентирар танҳо,  
Булултар қаърида ул қоматин эгса, мени ёд эт.

Сукут бағрида денгизлар буюк суронларни кўмсар,  
Кумуш оққуш яна денгиз узра кезса, мени ёд эт.

Кўзинг гирдобиди абр-у, ёнар юлдуз каби қайғу,  
Дилинг мажруҳ кабутардек сазо чекса, мени ёд эт.

Зарифа Эралиева  
(Тошкент)

## Турналар қайтади

Урушдан қайтмаган фарзандини ҳамон  
кутаётган онага

Соғинчи, аламни бағрига босиб,  
Ҳамон кутаётир ўғлини она.  
Қўлида сарғайган энг сўнги мактуб,  
Сўнгсиз бир ҳижрондан тўкилар нола:  
«Мен отамнинг уйида  
меҳмон эдим,  
Олтин сандиқ устида  
хандон эдим.  
Олтин сандиқ устидан  
тойдим-тушдим,  
Болам сен йўқ жойларга  
қайдан тушдим?  
Ёлғизимни турналар  
олиб кетди,  
Бошимга не дардларни  
солиб кетди.  
Ёлғизим зорлигимни  
билмайсанми.

Соғиндим бўйларингни  
 келмайсанми?..»  
 Титраб турган туйғуларда гуноҳ йўк,  
 Туйғуларни қарғамагин онажон.  
 Дил ўртаган қайғуларда гуноҳ йўк,  
 Қайғуларни қарғамагин онажон.  
 Ишон, ишон ўғлинг бир кун қайтади,  
 Турналарнинг қанотида шошилиб  
 Ва дунёда ўлмас қўшиқ айтади,  
 Паймонаси паймонангга қўшилиб.  
 Умид билан боққан кўзда гуноҳ йўк,  
 Кутмоқликдан толиқмасанг бўлгани.  
 Ўғлинг келмоғидан кўнглинг бўлсин тўк,  
 Ўғлинг келар ёлғон унинг ўлгани!  
 «...Елғизимни турналар  
 олиб кетди,  
 Бошимга не дардларни  
 солиб кетди.  
 Елғизим зорлигимни  
 билмайсанми,  
 Соғиндим бўйларингни,  
 келмайсанми?..»  
 Сен қўшиқлар айтма она, айтмагин,  
 Қўшиқларнинг ҳар қатида ноланг бор.  
 Турналарни она, қўй ҳайдамагин,  
 Турналарнинг қанотида боланг бор.

Ўлмас Ҳусайн  
 (Самарқанд)

## Чўпон

Тонгда сурувни чўпон,  
 Ёяр экан ўтлоққа.  
 Хаёллари шу замон  
 Тарқаб кетди қишлоққа.

Ойдеккина болакай,  
 Остида хивчин—«саман».  
 Бўйра ҳовли — даладай,  
 Улоқ чопиш билан банд.

Хотинининг кўзида,  
 Юзида саросима.  
 Пичирлайди ўзича  
 Қор-пор ёғмасмикин-а?

Шом. Чўпон кўйларини  
 Йиғар экан ўтлоқдан.  
 Кун бўйи ўйларини  
 Йиғолмади қишлоқдан.

\* \* \*

Эртақлар тингламай жўнадим ногоҳ,  
 Толхивич отимга қамчини уриб.  
 Бу нозик белларга етолмадим, оҳ,  
 Балоғат ёшига етмасдан туриб.

Қанчалар-қанчалар идрок этсам ҳам,  
 Ақлим ҳайрон қолар бундай ижодга.  
 Балоғат ёшига етмай туриб ҳам,  
 Ёрнинг кокиллари етар муродга.

\* \* \*  
Яшил ранглар кенгликда тўхтар,  
Бойчечаклар бошлар қироат.  
Терисига сиғмайди сувлар,  
Борлиқ худди гул тўла сават.

Девордаги гул боқар мулзам:  
Шак-шубҳа йўқ ҳеч ҳам ҳайратга,  
Бечорани бир нўноқ рассом  
Олган экан шундоқ сувратга.

Нодира Офоқова  
(Бухоро)

\* \* \*  
Биз қўшиқни севиб туғилдик,  
Оҳангларга келтирдик имон.  
Биз, булбулни севдик, севилдик,  
Тинглай олдик куйларни ҳайрон.

Ҳар қадамда турфа оҳанглар,  
Эзгуликдан бизга берди дарс —  
Шулар ҳаққи, қўшиқ севишни  
Бошқаларга ўргатмоқлик — қарз.

\* \* \*  
Қайлардадир ёнар Ватанлар,  
Чақалоқлар мисли хору хас.  
Дунё кўғирчоқми, одамлар?  
Кимдир уни ўйнамоқ истар.

Кимдир дунё ярасига туз  
Сепар экан, куйрман мен ҳам.

Бугун кимлар ётар бекафан,  
Тортилмас ҳам устига тупроқ.  
Наҳот поймол инсон деган шаън,  
Наҳот бугун дунё бесўроқ?!

Ҳали менинг онам бағри қон,  
Кўкрагида ҳижронлар бор — ўқ.  
Ҳали унинг йигирма миллион  
Дарди дилдан аригани йўқ.

Ёнаётган боғлардан олис,  
Осойишта яшарман гарчанд.

Аёз демай, ёз демай,  
Дунё  
Ярасига излайди малҳам.  
Кенг пахтазор эгатлар аро  
Ўзбекистон — дилзада онам.

Баҳром Рўзимуҳаммад  
(Хоразм)

## Табассум учун сўнгги имкон

1

Кафт, китоб ушлаб чарчама,  
умрдек узун вагон ичида.  
Бу ерда,  
соатлаб  
ўқиш мумкин пешоналарни.

2

Илтимос ташийдиган телефон —  
симли,  
бир-бирига уланган ҳаммоллар сафи.  
Бурнидан нарини кўролмайдиганлар  
овози ўрнашиб қолган оқ кути...  
Ҳар уйда

шундай қути, шундай суҳбатдош.  
Иккита қўлдан  
кўпроқ иш бажарар  
телефоннинг битта дастаги.

3

Ғалати истак:  
худди ярани кўргандек  
кўрмоқчиман  
қай шаклда бўларкан оғриқ?  
Вужуд шовқинларни енгади,  
жимликка қайтади вужуд,  
кўзлар қарар оғриқ келадиган йўлга.  
Ҳатто тиш оғриғи шовқинни кутиб  
бир зум изга қайтар кўзга кўринмай.

4

Мана, уй ҳам қариб қолди,  
изғиринни назарга илмасди аввал,  
кўзига бўрондек кўринар энди,  
баҳорда эсадиган шаббода.  
Эҳ, нималарни кўрмади уй —  
чивинни-да ҳайдамай  
ўзида яшатадиган тўрт девор...  
уй эшикка суянди,  
ёқимсиз ғийқиллаб очилди эшик.

5

Лабни, лабдаги қонни  
яширадиган аччиқ табассум —  
йиқилиб тушган одам  
ўзини ўнглаб  
қад-қоматини тиклаганидек —  
хўрсиниқдан табассумга  
қайтарадиган куч.

## Деразадан қараётган одам

1

Ўз овозини эшитиш учун  
гапирмайди одам —  
унинг жағлари орасидаги  
ҳар бир сўз  
содиқ қул каби  
тобе туриб эгасига хизмат қилади.  
Баъзан шу тариқдек бошдан  
аллақандай фикрлар кўтарилар,  
қўрқаман  
ваҳимали фикрдан.

2

Бир пайтлар улканроқ эдим,  
юзимда лоқайдлик бошланмасдан аввал —  
худбинлик ботқоғига ботаётганда

Ўзимни шу қадар кучсиз сездимки...  
Агар баландроқ чўққига чиқсам  
сизга етиб борармикан овозим?

3

Одам кўксида, қафасда  
юрадан бошқа нимадир ёнар,  
ўша ёғду мени тарк этди.  
Аммо, ҳақиқатни  
ҳаммадан аввал кўрар кўзларим.

4.

Дарахт ўз ўрнидан кўзғалмас,  
сен-чи, қуёш сингари тожни  
киймоқ учун нега бош узатасан?  
Ахир  
читтакни чўққига чиқариб,  
минг йил кутсанг ҳамки бургут бўлолмас.

Инобат Нормуродова  
(Тошкент)

## Йўл бошида

Оғир хаёллардай, оғир қаноат  
Тилайсан опангга, азиз укажон.  
Момоларим қўлин дуога очиб,  
Ойдин йўл тилашар, менга, соғ-омон.

Зангорранг тепалар мудрайди ҳорғин,  
Чўпонлар юзида товланади — шон.  
Онам йиғлаётир: «Саломат боргин!»  
Отамнинг юзида шубҳа ногаҳон.

Мўлтираб термилган Дилбар синглимнинг,  
Кўзидан кенг шаҳар ўтаётди.  
Шаббода кузатиб чиққан беором,  
Ҳовлиқиб шаҳарга чопаётди.

Темирйўл бошидан қўлин узатган,  
Иккала елкаси, икки кифти об.  
Мен бугун кетарман интиқ кузатган,  
Элимни бағрингда асрагин, Китоб!

## Мактуб

Оқ қоғозда йўллар тизими,  
Бир-бирини ўзиб кетади.  
Қашқадарё томонга қараб,  
Хаёлларим сузиб кетади.

Омонмисан, қадрдон далам,  
Қизлар ўлан айтаяптими?  
Елкасига кетмонни ташлаб,  
Онам ишдан қайтаяптими?

<sup>1</sup> Китоб шаҳри назарда тутилган.

Омонмисан; бормисан, Оқсув,  
Шўх елларни толдирган дарё?  
Соҳилида қизалоқлигим  
Изларини қолдирган дарё!

Омонмисиз, шоним-шавкатим,  
Оппоқ сочли давлатим отам?

Умид, ғурур, хаёлларимнинг  
Улуғвори, савлатим отам.

Омонмисиз, билган-билмаган,  
Диёримнинг неки борлари?  
Сизни қўмсаб салом йўлладим,  
Омон бўлсин Мингчинорлари!

Одил Икромов  
(Тошкент)

## Бева

Бу сочлар,  
тупроққа айланган.  
Улар,  
зулматдан кейинги тонгдан даракдир.  
Улар —  
торож бўлган озурда тунлар.  
Бу сочлар,  
ҳар бири куйган юракдир.

Бу ёшлар —  
косаси тўлган қамарнинг  
тўкилган жонидай  
маъсум, ғамангиз.  
Бу ёшлар —  
ярадор бўлган аскарнинг  
ярасидан оққан хунидай азиз.

Бу тунлар —  
«қорахат» олган жувоннинг,  
қаро кўйлагидай  
узун армони.  
Бу тунлар —  
жонпарвар ярим дунёнинг  
ярадор ва ярим узилган жони.

Бу тонглар —  
ложарам, шаҳид эрларнинг  
очиқ қолиб кетган,  
варам кўзлари.  
Бу тонглар —  
зарандуд нурга айланиб  
шамчиरोқдай ўчган эркак излари.

Бу кунлар —  
қаҳратон заҳмининг беранг  
ҳануз эрмаган оппоқ қорлари.  
Бу туллар —  
дунёга бир марта келар —  
дунёнинг беғуноҳ  
ярадорлари.

## Исфарасой

Исфарасой,  
шамолларинг сарсон-сарсондир,  
Узун-узун хаёлларинг, ларзон-ларзондир.  
Дили вайрон, аммо бедор аёлсан, дарё,  
Исфарасой,  
аёлларинг ҳамон ҳайрондир.

Ирмоқларинг ўз йўлингда оққани қўймас,  
Бу дунёга мағрур-мағрур боққани қўймас.  
Тоғ-тошлардан тўкилажак хоксор кўзёшлар,  
Сени бир зум ором олиб ётгани қўймас.

Сен баломас,  
сендан ҳазар қилганлар — бало.



Қирғоғинг — бут,  
ингроғинг — бут, сийнанг — харошдир.  
Нокасларнинг кўзи битган иллоти аро  
Сувинг талош,  
демак, сенинг умринг талошдир...

Қаримагил, қуримагил, ўткинчи соҳир,  
Мотамсаро, қўли ёзик, савдойи, жунун.  
Сен кетмаган кўчалардан кетарман охир,  
Сен етмаган гўшаларга етарман бир кун...

Замин қақшаб-қартаймасин замон зарбидан,  
Яшир, ёруғ кунда яра-чандиқларингни.  
Аммо, ҳарис нигоҳларнинг ёвуз қаҳридан  
Омон асра қолган-қутган балиқларингни.

Исфарасой,  
замҳарирда қолмагин музлаб,  
Сен саҳроийи сулувларга ҳаққи-ҳалолсан.  
Сен — каттакон шаҳар бўйлаб  
боласин излаб  
оёқяланг чопаетган ёлғиз аёлсан...

Энахон Эркабоева  
(Фарғона)

## Соғинч

Ҳазин титраб куйлар олуча,  
Узун йўлда кўзлари толиб.  
Ҳансирайди ёлғизоёқ йўл,  
Келаётган сенмасми, она?

Дув тўкилар қирмиз олмалар,  
Лаб босаман ёноқларига.  
Йиғлашади довдир шамоллар,  
Бош урганча оёқларимга.

Ўсmalarим тутаб ётгандир,  
Қошларимнинг васлига мушток.  
Хуш кўрганим райҳон, чиннигул  
Айрилиқдан бўлишгандир тоқ.

Мен келгувчи кунларни ўпар,  
Соғинчга айланган шамоллар,

Ариқчалар нонлар оқизар,  
Тўптошларга қўнар хаёллар.

Болалигим қолган кўчалар,  
Йўлларимга чиқар югуриб.  
Куйлаб юборади тераклар,  
Қўлларини мен сари чўзиб.

Дарвоза кўш қанотин очиб,  
Пешонамдан ўпар кучоқлаб.  
Онам каби шотутлар қалқиб,  
Ҳайрат ичра туради титраб...

Йиқилмоқдан, ғаму кулфатдан,  
Сақлар мени фақат шу омон.  
Йўқлагувчим бордир дунёда  
У — соғинчим, меҳрибон онам.

Бахтиёр Генжемуродов  
(Қорақалпоғистон)

\* \* \*

Минг ўрқачли туядай сариқ кумлар, Кум остида минг сандиқ — очилақол!  
Минг асрлик ғафлатни силкиб ташла! Мунг остида мунгсандиқ — очилақол!  
Минг асрлик бенаво, ғариб кумлар, Минг асрлик ғафлатни куйлаб юбор...  
Минг асрлик ҳасратни силкиб ташла! Минг асрлик ҳасратни куйлаб юбор...

## Ёлғизлик

Умр — битта,  
Ажал-чи — минг сон.  
Севги — битта,  
Моҳтобим — битта.  
Толе, яъни аёзлаб тўнгсам,  
Исинтирар офтобим — битта.

Бахт ҳам — битта,  
Яшамоқ — битта,

Кўксимдаги юрагим — ёлғиз.  
Бу дунёда Бахтиёр — битта,  
Онам — мангу керагим — ёлғиз.

Осмон — битта  
Ва ер ҳам — битта,  
Чарх урган бу олам ҳам — ёлғиз.  
Бу дунёда шоир ҳам — битта,  
Шеър ёзувчи қалам ҳам — ёлғиз...

Қорақалпоқчадан автор таржимаси

Холмамат Ҳасанов  
(Қашқадарё),

## Дўмбирам

Қодир бахши ёди

От чопгандай гумбурлади Дехқонобод дараси,  
Етолмайман, бунча олис у манзилнинг ораси,  
Ногоҳ, недир юлиб кетди юрагимнинг парчасин,  
Энг авжига чиқиб торинг узилганда, дўмбирам.

Сунбул-сунбул сочларини юлди Барчин қошингда,  
Куйиб қолди Қалдирғочой ўз кўзининг ёшидан,  
Гўё аччиқ қамчи тушди Бойчиборнинг бошига,  
Ўксиб, бугун, тоғдай кўнглим бузилганда, дўмбирам.

Ёрдай суйдим, алишмадим созларнинг энг созига,  
Сен истадинг, етиштирдим Гулзебони Ёзига,  
Сен сўзладинг, жўр бўзладим Келиной овозига,  
Кўздан ёши маржон-маржон тизилганда, дўмбирам.

Бўйинг бичиб олганим-ай, арчамиди, тутмиди?  
Ёниб-ёниб чертганим-ай, оловмиди, ўтмиди?  
Сели-себор йиғлаган-ай, манови, эл-юртмиди?  
Сени йўқлаб жигар-боврим эзилганда, дўмбирам.

От чопганда гумбирлайди баланд тоғлар дараси...

Роза Шокирова  
(Наманган)

## Оқ тулпорлар

Йўртиб-йўртиб оқ тулпорлар кетиб борар йўлларда,  
Кўз солсанг, бир дунё ҳавас энтиктирар юракни.  
Қамчинлар-чи, эрмак учун ўйнаётир қўлларда,  
Чавандозлар хоҳлашмаслар зарра озор бермакни.

Чўлғаб келар хаёлларим дам ҳавас, дам ҳадиклар:  
Етиб олгаймикин улар манзилига соғ-омон?!  
Олдда хатар, тўсиқлар кўп. Пайт пойлайди жарликлар,  
Қора қошин чимирганча тун чўқар ҳали-замон.

Оқ булутлар, юмшоққина бағрингизни очинг, ҳей,  
Токи бирдан қора булут таппа босиб қолмасин.  
Бобо қуёш, оппоқ, майин нурларингни сочгин-эй,  
Ўнқир-чўнқир йўллар узра тулпорлар қоқилмасин.

Зеро, улар сиз томонга, сиз томонга кетмоқда,  
Оҳ уларни кузатади: пок ва нопок юраклар.  
Етишга-ку, етар фақат бир силтаб эгаларин,  
Ташлаб кетишмаса басдир. Тулпорлар — оқ тилаклар.

Элмурод Келдиев  
(Самарқанд)

## Бахтиёр аёл

Сен олиб келасан қишга авайлаб,  
Ёзнинг қўшиғини — қуёш тафтини.  
Қиш-чи ўйламасдан, балки атайлаб  
Совуқ бужмайтирар оппоқ афтини.

Сен ундан ҳеч қачон хафа бўлмайсан,  
Оппоқ сочларидан тўқийсан хаёл.  
Кейин баҳор келар, гулга чулғайсан  
Ўша хаёлларни, бахтиёр аёл!

Абдумурод Раҳмонов  
(Сурхондарё)

## Хитоб

Хитоб — тиниш белгиси эмас,  
Хитоб — жангу жадал белгиси!  
Кўп нуқтадек оёқ узатмас...  
Кураш эрур ўтмиш, келгуси.

У ҳаётда билмайди тиниш,  
Нуқта каби олмайди ором.  
Сўроқ каби эгилиш, синиш,  
Хитоб учун бегона, ҳаром.

Эгилдими, енгилгани — шу,  
Сира ҳаққи йўқ эгилмакка.  
Чегарада турган аскар у —  
Бахтимизни қўриқлар тикка!

«Тиниш — ўлим!» — деб бедор, шитоб —  
«Дук-дук!» урган юракдир — хитоб!

Кўп уриндим, кетолмадим,  
Мен ташвишнинг ёнидан —  
Лоқайд қараб туролмасман,  
Лоқайдларни кўрган дам.

Ортингдан лўқ қилиб кўзин.  
Дейишса-да, «ёмон бу».  
Лоқайдларга ўткир сўзинг  
Ўқдай отар замон бу.

Қўй, керакмас, деганларнинг,  
Изин қирқинг, супуринг.  
Олам тўлсин, куй-қўшиққа  
Баҳор ҳидин уфуринг.

Чекинмасман курашлардан,  
Безовталиқ қонимда.  
Ҳақиқат бор, қолар суяб  
Ҳолдан тойган онимда!

Туроб Юсупов

(Жиззах)

## Ёвшонлар ўсган чўл

Фақат йилда уч ой бу ерга  
Табиатнинг тушар назари.  
Қизғалдоқлар тўпланар қирга,  
Очилади қушлар гузари.

Сахийликнинг мавридин билган,  
Кўпни кўрган табиат сўнгра —  
Беркитгайдир инъом халтасин,  
Бағри куйиб, чўл қолар инграб.

Дахл қилиб баҳор жонига  
Мудҳиш қисмат ҳукми ўқилар.  
Бўялиб қип-қизил қонига  
Қизғалдоқлар ерга йиқилар.

Эсга тушар уларга боқиб,  
Эртақларга кўчган сатрлар.  
Тенгсиз жангда ортдан қилич еб,  
Отдан учган мардлар, ботирлар.

Майсалар ҳам беаёв тафтга  
Ўғирлатгач яшил рангларин,  
Тугатарлар, юз босиб кафтга,  
Яшаш учун қилган жангларин.

Гўзалликдан бесаноқ қирда  
Қолмас зарра нишонлар энди.  
Ёзу кузу қишда ҳам бирдай  
Ўсиб ётар ёвшонлар энди.

Кенг сийнани оғритиб, осмон  
Вазни тишдек ботади буткул.  
Туйгунича улуғвор армон,  
Тишин тишга босиб, ётар чўл.

Унга кутмоқ қисматдир энди —  
Бахт куёши нур сочишини.  
Алвон ялов кўтарган, янги  
Баҳодирлар кўз очишини...

Ўктам Абдуллаев

(Сирдарё)

## Эскиз

Келинг,  
кеча шўри ювилган ерда,  
бугун умидлари кўкариб чиққан,  
Дехқоннинг суратини чизамиз...  
Пешона тасвиридан бошлаймиз ишни.  
Йўк, бу пешонамас,  
гўё,  
Дехқон умидининг харитасидир.

Ажин деб ўйламанг бу чизикларни,  
улар —  
орзу уруғлари қадалган эгат.  
Уни, меҳнат тери билан суғорар деҳқон.  
Баланд-баланд  
хирмонлар уйилар  
бу пайкаллардан...


Мана бу, кўз.  
Кетмонни,  
ҳудудсиз далани,  
худди ҳақиқатни севгандай,  
жуда-жуда қаттиқ севадиган кўз...

Киприкларни чизамиз кўз атрофига,  
журъатга йўғрилган қорачикларни,  
лоқайдликдан қўриқлайдиган,  
посбон киприкларни чизамиз...  
Лабларни  
ботирлар десак тўғрироқ.  
Улар машаққатга дош беролмаган  
баландпарвоз, ёлғон сўзларни,  
бўғиб ўлдиради кечаю-кундуз...  
Шундай қилиб,  
мана, эскиз ҳам тайёр.  
Бу —  
саратон кўёшига типпа-тик қараб,  
кўзлари ҳеч қамашмайдиган,  
Мирзачўллик оддий деҳқон-сурати...

\* \* \*

Кенгликларни, осмонни, ойни,  
Бу кўзларим ўғирлайди жим.  
Сўнгра, ташиб келар уларни  
Юрагимга, менинг қувончим.

Яралади кўксимда олам —  
Бағрида хуш насимлар елар.  
Насимларни кучоқлаб ҳар дам,  
Мен кўкламлар кашф қилгим келар!



Мурод Абдуллаев

## ЮРАҚДАГИ ЭҲТИЁЖ

**Ҳурматли редакция!**

Халқимиз меҳнатсиз даромадларга қарши кураш тадбирларини катта мамнуният билан кутиб олди. Бу бежиз эмас. Чунки айрим жойларда илдиз отган кўзбўямачилик, пора-хўрлик, олибсотарлик ва хизмат лавозимидан фойдаланиб текин даромад топиш каби жамиятимизга ёт иллатлар кўпдан буён софдил кишиларни ташвишлантириб келаётган эди. Ишончимиз комилки, эндиликда кенг жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот органлари олиб бораётган актив кураш ҳаёт тарзимизга зид бўлган текинхўрликнинг барча илдизларини қирқишда муҳим самаралар беради.

Лекин баъзан шундай тасаввур ҳам туғилади: айрим жойларда меҳнатсиз даромадларга қарши кураш бўйича қонунларни қўллашда ҳаддан ошиб кетилмаяптимикин!! Бу ҳалол кишиларнинг қонуний манфаатларига путур етишига олиб келмасмикин!! Журнал саҳифаларида меҳнатсиз даромадларга қарши кураш қонунларини қўллаш практикаси ҳақида ҳуқуқшунос мутахассиснинг фикр-мулоҳазаларини ўқишни истардик.

**Бахтиёр ЭРҒАШЕВ**  
Навий области.

Ҳалоллик! Қайси бир китобни ўқиманг, қайси бир фильмни томоша қилманг, қайси бир халқ яратган маънавий меросга разм солманг — ҳалоллик баҳсига, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тасвирига дуч келасиз. Ота-боболарнинг беназир ўғитлари, эртаклар ва мақоллар, донишмандларнинг орзу-армонлари ҳам шу ҳақда сўз очади.

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлган даврлардан то бизнинг бугунги атом асримизгача инсон тафаккури, ҳаёт тараққиёти ақл бовар қилмас сарҳадларни босиб ўтди, бироқ оддий ва буюк эътиқод — ҳалолликка эҳтиёж асло сўнмади. Муҳаббат ва гўзаллик, мардлик ва олижаноблик сингари ҳалоллик ҳам азал-абад ҳаётнинг олий мезони, инсон ҳаётини нурлантирувчи чароғ бўлиб яшаб келади.

Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари Қобилжон РОЗИҚОВ ва журналист Мурод АБДУЛЛАЕВнинг мазкур суҳбати шу ҳақда баҳс этади.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Инсоният асрлар оша интилган, орзу қилган ва курашиб амалга оширган буюк инқилоб маҳсули бўлмиш бизнинг жамият ҳалоллик асосига қурилган. Ҳалолликка дохил қилмаслик, бинобарин жамиятимиз асосларини кўз қорачиғидек асраш бизнинг бурчимиздир. Шу маънода адолат тантанаси йўлидаги кураш асло тўхтамайди. Гарчи бу кураш қон тўкиш,

жон фидо этишни тақозо этмаса ҳам бепарво ва лоқайд бўлишга изн бермайди. Ҳаёт давом этар экан, табиийки инсоний буюклик ҳам, заифлик ҳам яшайди. Қайси бир туйғу устивор келса иккинчиси мағлуб, қай бири заифлашса наригиси ғолиб бўлишга интилади. Ҳалолликка интилиш инсонга хос фазилят. Бу интилиш қаердаки сусайса, ўша ерда ҳақиқатнинг юзи хира тортади! Бугун биз қайта қуриш даврида — партиямиз даъват этганидек янгича фикрлаб, янгича яшаётган эканмиз, эътироф этиш керакки, адолатли жамиятимиз манфаатлари тақозо этадиган сифатларга, хусусан, турмуш тарзимизни соғломлаштиришга эҳтиёжимиз янада ошди. Демак, илгари бу йўлдаги кураш бир қадар сусайган экан, буни ҳам англадик.

Тўғри, вақтида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида талай тадбирлар амалга оширилди. Матбуот, адабиёт ва сайёат вакиллари ҳам қараб туришгани йўқ: қанчадан-қанча бонглар урилди! Лекин тан олиш керак, кураш сусти кечди. Партия ва ҳукуматимизнинг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бизни, айниқса, сергаклантирди. Сергакланиш, бу — курашга чоғланиш, демак. Яъни хотиржамликдан чиқиш, лоқайдликка барҳам бериш йўлидаги илк қадам. Албатта, бу борада самарали натижаларга эришмоқ учун, аввало, кечаги кунимизга бир қур назар ташлаш, иллатлар қаёқдан пайдо бўлганлигини англаб етиш зарур. Бу ҳақда мушоҳада юритиш шу маънода фойдадан холи бўлмайди. КПСС XXVII съездида қилинган Сиёсий докладда ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, «Ўтмишни масъулият билан таҳлил этиш келажак йўлини тозалаб беради, ўткир муаммоларни тортинчоқлик билан четлаб ўтадиган чала ҳақиқат эса реал сиёсатни ишлаб чиқишга тўсқинлик қилади, олға томон ҳаракатимизга халақит беради.» Шу маънода ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни айтадиган бўлсак, адолат тантанаси йўлидаги курашга сабаб бўлган иллатлар асосан нималардан иборат, деб айтиш мумкин?

**Қ. РОЗИҚОВ.** Аввало, жамиятнинг маънавий соғломлашишини таъминлайдиган эзгу ҳаракатдан хурсанд бўлишимиз керак. Иккинчидан, очиги, сиз айтган ўша сергаклик бир қадар сусайгани, рост, оқибат муҳитда носоғлом кайфият барқарорлаша бошлади. Тиббиёт фанида иммунитет деган термин бор, яъни касалликка қаршилик кўрсатувчи куч. Текинхўрлик ҳам-касаллик. Энг хавфли касаллик! Бизда мана шу касалликка нисбатан иммунитет сусайиб қолган эди. Қаердаки, шу ҳол ҳукм сурса, демак, микроблар кучайиб касаллик хуруж қила бошлайди. Баъзилар, «ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари сусти иш олиб борганидан шундай ҳол келиб чиқди, улар қаттиқроқ туриши керак эди», дейишади, ўз навбатида эса улар: «Одамларнинг ўзлари ҳам қўл қовуштириб ўтирмасинлар, менга нима деб бепарво бўлмасинлар, шунда бизнинг ишимиз таъсирлироқ кечарди» дейишади. Бу фикрларни ривожлантириб шундай хулоса қилиш мумкин: одамларнинг ўзлари ҳам кўпинча тинчини кўзлаб, билиб-билмай қаллобларга шароит яратганлар. Иммунитетнинг сусайиши, менимча шу билан изоҳланади. Шу ўринда бир анъанавий мисол келтирайлик: «Нега савдо ходими бошқалардан яхшироқ яшайди?» — Бу савол тез-тез такрорланади. Жавоб ҳам тайёр: харидор ҳақидан уриб қолганлари «тома-тома кўл бўлиб» тийинлардан сўмларга, ундан машинаю ҳовлиларга айланади. Табиийки, ҳар биримиз харидормиз. Хўш, шу ўринда биз қандай йўл тутамиз? Кўпинча ўз тийинларимизга саҳийлик қилиб индамай кетаверамиз, «асабимизни эҳтиёт қиламиз». Бу эса сотувчининг нафси янада каттароқ очилишига — шу тариқа битта жиноятчининг кўпайишига имкон яратади. Эртага у камёб молни бекитиб, чайқовчи билан тил бириктирмайди, деб ким кафолат беради? Ҳеч ким! Ҳозир шаҳар савдо тармоқларида, албатта, бундай ҳоллар нисбатан камайган. Лекин қишлоқ жойларида ҳали ҳам қаллоблар бирмунча эркин ҳаракат қилмоқдалар.

Кам маош олаётганига қарамай бошқалардан яхши яшаб, «давру даврон сураётганлар» фақат савдо тармоқларида эмас, бошқа соҳаларда ҳам кўп учрайди. Ўғирлик, порахўрлик, чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмом қилиб халқ ва давлат мулкини талон-тарож қилиш, ман этилган касблар билан шуғулланиш каби меҳнатсиз даромад топиш «формалари» кенг ёйилди. Сўнги пайтда мана шундай умумхалқ манфаатларига зид иш билан шуғулланган кўплаб кишилар жинорий жавобгарликка тортилди. Уларнинг давлатга етказган зиёни миллионлаб сўмни ташкил этади. Бу — ҳазилакам гап эмас. Қилмишига яраша жазоланган ўша кимсалар — олғир ва устомонлар, фирибгар ва қаллоблар аслида одамларнинг бепарволиги, назорат органларининг бўш-баёвлигидан фойдаланиб шундай жиноятларга қўл уришган эди. Улар сиз-у бизнинг кўзимизга чўп солиб, давлатни алдаб бойлик орттиришди. Боз устига «яшашни билмайди» деб софдил кишилар устидан кулишарди ҳам. Меҳнатсиз даромадларга қарши курашнинг кучайтирилганлиги, энг аввало, мана шу тоифанинг нафсини қирқди.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Ҳа, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда тўла-тўқис адолатни қарор топтириш учун бошланган кескин кураш миллионлаб кишиларнинг қалб даъватига айланди. Зеро, ҳалолликнинг замини, унинг теран манбалари ҳам қишлоқ қалбидаги мана шу маънавий эҳтиёжгадир. Эҳтиёж эса заруратни келтириб чиқаради. Бугун ҳуқуқ-тартибот органлари кенг кўламда зарурий тадбирларни амалга ошира бошлаган экан, у албатта муайян мақсадни назарда тутди. Яъни, халқ ва давлат ҳисобига текин кун кўриб, меҳнатсиз даромад топишнинг асосий манбаларини аниқлаш — бош мақсад. Шу маънода, меҳнатсиз даромадларнинг «манба»лари, унга қарши курашиш формалари ҳақида фикр юритсак.

**Қ. РОЗИҚОВ.** Меҳнатсиз даромад билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, матлубот жамиятлари, давлат савдоси, маиший хизмат, коммунал хўжалиги, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларида бошқа тармоқлардагига нисбатан кўпроқ. Хизмат лавозимидан фойдаланиб давлат мулкани талон-тарож қилиш каби салбий фактлар ҳам анчагина. Шу сабабли ҳозир ҳуқуқ-тартибот органларининг бу борадаги ишлари, асосан, ўғирлик, порахўрлик, чайқовчилик, хизмат лавозимидан фойдаланиб қаллоблик ва фирибгарлик қилиш, тақиқланган касб-ҳунар билан шуғулланиб бойлик орттиришнинг пайини қирқишга қаратилмоқда.

Тошкент областининг Коммунистик районида хўжалик ҳисобида ишловчи 1-умумий овқатланиш корхонаси бор. Корхона раҳбарлари хом ашё ва маҳсулотларни талон-тарож қилиш, моддий бойликларни ўзлаштириб юбориш туфайли юзага келган 6,3 минг сўмлик зарарни давлатни алдаш йўли билан бекитиб юбормоқчи бўлишди, район суғурта инспекцияси билан жинояткорона тил бириктириб, тўфон ва ёмғир, zilzila туфайли мол-мулк, моддий бойликларга зарар етди, деб қалбаки ҳужжатни расмийлаштиришди ҳам. Суғурта инспекцияси ўз ҳисобидан бу камомадни тўлади ва жиноятни бекитиб юборди. Ҳолбуки, умумий овқатланиш корхонасига тегишли маҳсулотлар ва бошқа анжомларни осмонга учиргудек тўфон ҳам, оқишиб кетгулик ёмғиру сел ҳам, домига тортадиган zilzila ҳам рўй бермаган эди!..

Тошкентдаги маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводи директори Е. В. Гейфман эса «Узпромвентеляция» трестининг пойтахтдаги монтаж бошқармаси ходимлари билан тил бириктириб, меҳнат дафтарчаларини қалбакилаштириш орқали давлат маблағларини ўмариш билан шуғулланди.

Афсуски, фирибгарлар ва тақиқланган касб-ҳунарлар билан шуғулланиб келаётганларга қарши аксар жойларда етарлича кураш олиб борилмаяпти. Самарқанд область ички ишлар бўлими ходимлари томонидан каттақўрғонлик Х. Раҳмонова хуфия тайёрланган қалбаки тилла сирғаларни сотаётганда ушланди. У илгари ҳам чайқовчилиги учун судланган, ҳеч қаерда ишламайди. Бу жувонни заргарлик маҳсулотлари билан Лойиш шаҳрида турувчи Алексаньян — у ҳам ҳеч қаерда ишламайди — таъминлаб турган. Тинтув пайтида унинг уйдан 41 минг сўм пул ва 6 минг сўмлик қийматдаги заргарлик буюмлари топилди.

Андижон областидаги Киров номли агросаноат комплексининг Жалолқуддадаги спирт омборига уя курган бир гуруҳ қаллоблар эса қисқа вақт мобайнида 4161 декалитр (135 минг сўмлик) спиртни ўмариб юбордилар. Улар бу спирtdан ароқ тайёрлаб, Бўз ва Шаҳрихон матлубот жамиятлари, Фарғона областининг савдо тармоқлари орқали уни пуллаб юборишди. Ҳозир фирибгарларнинг ҳаммаси жиноий жавобгарликка тортилган.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Газета ва журналларнинг редакцияларига келаётган кўпгина мактубларнинг муаллифлари ўғри ва муттаҳамларнинг пайини қирқиш борасида олиб борилаётган бундай тадбирларнинг адолатни қарор топтиришда муҳим босқич эканлигини зўр қониқиш билан эътироф этмоқдалар. Айни пайтда улар ҳалол даромаднинг тайини бўлмаган ҳолда бошқалардан яхши яшаётган, ҳаммининг кўзи ўнгида фирибгарлик қилиб келаётган, умумхалқ нафратига учраётган муттаҳамларга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан ҳам қизиқадилар. Бундай тоифадаги жиноятчиларни фош этиш практикаси қандай?

**Қ. РОЗИҚОВ.** Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қонунлар кучга кириши муносабати билан бундан буён меҳнаткашлар нархи 10 минг сўмдан зиёд буюм сотиб олаётганларида, 20 минг сўмдан зиёд уй-жойларни қураётган ва олаётганида даромадларининг ҳақиқийлигини исботловчи махсус декларацияларни (керакли маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжатлар) тақдим этишлари керак. Бундан ташқари, баъзи кишиларнинг турмуш тарзи ҳақида шубҳа-ғумон туғилган тақдирда ёки бу ҳақда кишилардан ариза тушганида ҳам молия органлари шундай декларацияларни талаб қилишга ҳақлидирлар. Аммо, бу ҳаммага шубҳа билан қаралар экан-да, деган маънони аңлатмайди. Бу иш ҳалол кишиларнинг қонуний манфаатларига, ҳуқуқ ва бурчларига зиён етказмаган ҳолда, айни пайтда фирибгарларнинг устомонлик қилишига имкон бермайдиган даражада оғишмай амалга оширилади — молия ва нотариаль идораларнинг ходимлари шундай оқилона йўл тутишади, деб умид қиламиз. Афсуски, бу соҳада ҳозирча муайян камчиликлар йўқ эмас. Баъзи молия органлари тақдим этилаётган декларациялардаги маълумотларнинг ишончли эканлигини текшириб кўришмаяпти ҳам. Масалан, Пайариқ район молия бўлими 21 минг сўмга уй сотиб олган гражданин Х.нинг ҳужжатларини расмийлаштираётиб, унинг даромад манбаларига зарур даражада эътибор бермади.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Одамларнинг «нонини туя қилиб», халқ ва давлат чўнтагини ўмараётган, ҳалолликдан юз ўгирган кимсаларнинг илдизига болта урилаётгани катта хайрихоҳлик туғдирмоқда. Лекин, бундан, ҳамма юлғич бўлиб кетган экан,



ҳалол одамлар мутлақо қолмаган экан-да, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Қанчадан-қанча меҳнаткашлар иши, ижодий меҳнати, ишдан бўш пайтда муайян касб-ҳунари туфайли топган даромади, ёрдамчи хўжаликлари бераётган самара ҳисобига ҳалол яшамоқдалар. Улар оиласи билан тер тўкиб топган даромадлари ҳисобига янада фаровонроқ яшашга интилсалар, яхши уй-жой қурсалар, машина олиб минсалар, бунинг нимаси ёмон?!

**Қ. РОЗИҚОВ.** Тўғри айтдингиз! Биз ҳаммага ҳам шубҳа билан қарамаслигимиз керак! Меҳнатсиз даромадга қарши кураш кенг кўламда бошланган дастлабки кезларда мана шундай кайфият ҳар ҳолда йўқ эмас эди. Бу эса «Правда» газетасида вақтида уқдириб ўтилганидек, баъзи жойларда кишиларнинг социал ҳуқуқлари чеклаб қўйилишига, ҳуқуқ тартибот ишларида бир томонлама йўл туттишга олиб келди. Шубҳасиз, меҳнатсиз даромадга қарши курашни шундан иборат, деб билиш хато эди.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Бу ҳол мабодо кенг ёйилса, ҳалол кишиларнинг маъмурчилик яратишдаги имкониятлари муайян даражада чекланиб қолишга сабаб бўлади. Мана, айтайлик, шахарлик бир қария ҳовлиси яқинидаги бозорча олдида турли ошкўклар, бир челақ гилос ёки шафтоли сотиб ўтирибди. Участка милиционери келади-да, «буни қаерда етиштирдинг», деб справка талаб қилади. Ақлга сиғадиган ишми шу?! Ҳолбуки, қария бу неъматни боғида етиштирган, чиқариб сотмаса исроф бўлиб кетади. Қайтанга у шу мевани сотса, ҳам ўзига, ҳам бошқаларга қўлайлик яратган бўлади-ку! Раҳмат, дейиш ўрнига уни безовта қилсак, қандай бўлар экан? Кўп ҳолларда эса мана шу участка инспектори территориясида бўлаётган қаллобликларга бефарқ қарайди.

**Қ. РОЗИҚОВ.** СССР Прокуратураси ва СССР Ички ишлар министрлиги томонидан меҳнатсиз даромадларга қарши кураш қонунларини нотўғри қўллашга барҳам бериш тўғрисида ҳуқуқ-тартибот органларига берилган кўрсатмаларда ҳам бу борадаги жиддий масалаларга тўхталиб ўтилган. Унда айрим жойлардаги маҳаллий органлар ва лавозимдор шахслар ўзини оқламайдиган, бошқа бир муаммони келтириб чиқарадиган тақиқлашлар белгилашаётгани ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, уларни бошқа жойларга олиб бориш ва сотишда ноҳожиз ҳолатларга йўл қўяётганлиги, кишиларнинг уй-жой, квартира ва транспорти, шахсий жамғармаларини қонунга зид равишда оммавий текширишдан ўтказишни ташкил этаётганликлари қаттиқ қораланган. Янги қонунчиликни амалга оширишда бундай чегарадан чиқишларга йўл қўймаслик, ҳалол меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилган. Қаердаки, кўр-кўроналикка йўл қўйилса, ўша ерда социалистик демократия бузилади. Боз устига бу тўкинчиликка ҳалал етказадиган янги-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, деҳқондан ҳар қадамда справка сўраб-суриштирилаверди, дейлик. Унинг бундай текшир-текширдан безиллаб қолиши табиий. Натижада, у пешона тери билан етиштирган маҳсулотнинг харидорга етиши қийинлашади. У бозорга камроқ чиқиб, қимматроқ сотишга интилади. Деҳқоннинг ҳовлисида мева-чева чириб, исроф бўлиб кетаётган бўлсаю, у катта бозорга боргани ҳайиқса, «минг хил шарт» йўлига ғов бўлса! Албатта, бу чайқовчиларнинг фурсатдан фойдаланиб қолишига, демакки, бозор нархларининг ошишига ҳам таъсир этади. Арзончиликнинг асосий манбаи эса тўкинчиликдир. Шунинг учун ҳам тўкинчиликка ҳалал етказадиган бундай қонундан четлашиш ҳолларига вақтида барҳам берилди.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган ўзига хос турмуш тарзи, миллий ҳунармандчилиги билан боғлиқ санъатга, ижодий ишга яқин соҳалар ҳам мавжуд. Айтайлик, дўппи тикиш, бешик ва тандир тайёрлаш, наққошлик ва ўймакорлик, дурадгорлик, каштачилик, нонвойлик ва ҳоказо. Бу касблар оммавий эмас, фақат маълум тоифадаги, шу йўналишда муайян истеъдоди бўлганларгина шуғулланади. Узоққа бориб юрмай, дастурхонимиз безаги — тандир нонни олайлик. Самарқанд нонларининг доврўғи — қадим-қадимдан жаҳонга маълум. Тошкент нонвойларининг санъати ҳам таҳсинга лойиқ. Аёнки, бу иш ҳамманинг кўлидан келавермайди. Чунки, катта меҳнат эвазига етиштирадиган буғдой уни мизни исроф қилмай, хуштаъм, чиройли нон тайёрлаш катта санъат... Аммо шу йил ёзнинг ўртасида тўрт кун Тошкент бозорларида тандир нон деярли бўлмади. Уйда нон пишириб бозорга олиб чиқувчилар расталарда кўринмай қолишди. Маълум бўлишича, милиция ходимлари нон пишириб сотиш ҳам меҳнатсиз даромадга киради, деб уларни чўчитган экан. Бу эса, оқибатда бозорда тандир ноннинг нархи ошишига сабаб бўлди. Умуман, қандай меҳнат фаолияти қонун йўли билан тақиқланади. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсак.

**Қ. РОЗИҚОВ.** СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган ўн биринчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғ-

рисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ косибчилик-хунармандчилик соҳасида: ов қилинган ва давлатга албатта топширилиши лозим бўлган, давлат тамғаси (штампи) кўйилмаган қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар терисидан, шунингдек граждандарнинг боқиши тақиқланган мўйнали йиртқич ҳайвонлар терисидан буюмлар тайёрлаш; химиявий ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари, заҳарли ва наркотик моддалар, шунингдек дори-дармонлар тайёрлаш; қимматбаҳо металллардан, қимматбаҳо тошлардан ва қаҳрабодан буюмлар ёки шу материаллар қўлланилган буюмлар тайёрлаш; ҳар қандай турдаги курол-яроғ, жанговар ўқ-дори, портловчи модда ва пиротехника маҳсулотлари, кўпайтирадиган ва нусха кўчирадиган аппаратлар, штамплар, штемпеллар, печатлар, шрифтлар тайёрлаш тақиқланади.

Албатта, бу Қонунга ҳар бир иттифоқдош республиканинг ўз шароити ва миллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда баъзи истиснолар киритилиши ҳам кўзда тутилган. Масалан миллий дўппи, тўн, белбоғлар тикиш ва ҳоказо. Юртимизда қадим-қадимдан давом этиб келаётган нонвойлик касби ҳам миллий анъаналар билан боғлиқ хунармандчиликка кирди. Шунинг учун ҳам ҳозир яқка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳақидаги янги қонунда бундай айрим баҳсли масалаларга ҳам ойдинлик киритилди. Лекин бу ўринда эътибордан соқит қилиб бўлмайдиган жиҳат ҳам йўқ эмас. Бирор жойда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай нонвойлик ёки шунга ўхшаш бошқа касблардан фақат бойлик орттириш мақсадида фойдаланаётганларга нисбатан муроса қилиб ўтирмаслигимиз керак.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Шу ўринда нонвойлар меҳнати ҳақида янада батафсилроқ фикр юритишга зарурат борга ўхшайди. Сир эмаски, нон заводларимиз дўконларга ҳамон сифатсиз маҳсулотларни чиқармоқда. Дўконлардаги тузи паст, берч, чайнасанг худди ҳамирга ўхшаб қоладиган нонлар исроф бўлиб кетаётганига ичингиз ачйиди, нонвой ёпган ширмой нонни эса кўзингизга суртиб ейсиз. Мен қимматбаҳо маҳсулотдан сифатсиз нон тайёрланишига бепарволикнинг ўзини жиноят сифатида баҳолагим келади. Нонвой эса мана шу улугъ неъматни нон заводларидаги тонналаб унлар каби исроф қилмай, уни дастурхонимиз файзини очадиган даражада хуштаъм ва чиройли қилиб бераётгани учун ҳам уларга раҳмат айтишимиз керак эмасми?!

**Қ. РОЗИҚОВ.** Мана шунинг учун ҳам ҳалол нонвойларимиз қадрланмоқда. Уларнинг меҳнатини қонун йўли билан ҳимоя қилишга эътибор берилаётганининг боиси ҳам шунда. Аммо уларнинг орасида ҳам фақат фойда ортидан қувиб, баъзида сифатсиз нон тайёрлаётган, қандай бўлмасин маҳсулотини қимматроқ сотиб, кўпроқ фойда олишга интилаётганлар ҳам учраб туради. Эътибор берган бўлсангиз, ҳозир Тошкент бозорларида йигирма тийиндан сотилаётган нонлар баҳоси илгари ўн беш тийин эди. Нега нарх кўтарилиб кетди? Ахир шу давр ичида нонвойларнинг меҳнати оғирлашиб ёки улар ишлатаётган ун ва кўмирнинг нархи қимматлашгани йўқ-ку! Албатта, биз ҳалол нонвойларни камситмоқчи эмасмиз. Уларнинг ичидаги битта-ярим нафси бузуқлар ҳамиша нархни кўтариш пайида бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларимизнинг асосий эътибори ҳам мана шундай ашаддий қоидабузарларга қаратилиши лозим.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Қиммат бўлса ҳам одамлар шу нонларни харид қиляпти, бу харидор учун барибир экан-да, деган гап эмас, албатта. Бозор маҳсулотларини арзонлаштириш йўллари йўқ эмас. Бозорларнинг мутасаддилари нархга таъсир этиши мумкин бўлган беҳисоб имкониятларни ўзларининг лоқайдликлари туфайли бой бермоқдалар. Харидор эса зарур имкониятлар ишга солинмаётганлиги, бунинг устига нон дўконларидаги маҳсулотнинг сифатсизлиги туфайли қиммат бўлса ҳам бозорчининг растасига бормоқда. Ноҳалол кишилар айнан мана шу вазиятдан усталик билан фойдаланадилар.

Хўш, бозорлардаги нархга таъсир этувчи имкониятлар нима? Мана, айтайлик, ҳар бир бозор ўз нонвойхонасига эга бўлса! Бозор дирекциялари уста нонвойларни шу ишга жалб этса ва сифатли нон тайёрлашни йўлга қўйса бўлади-ку! Фақат бунинг учун иштиёқ, қуончаклик зарур. Шаҳардаги айрим маҳаллалар ва шаҳар атрофидаги баъзи хўжаликларда бу ибратли иш йўлга қўйилган.

Бозорларда кўпроқ нонвойларга шароит яратиб бериш мумкин. Бу ишни шундай ташкил этиш керакки, у ҳам уста нонвойларнинг шогирдлар етиштириш билан шуғулланишига имкон туғдирсин, ҳам нон исрофгарчилигининг олдини олиб, арзончиликка хизмат қилсин, аини пайтда уларнинг меҳнати тақдирлансин.

**Қ. РОЗИҚОВ.** Ҳақиқатан ҳам бозорларимизда меҳнатсиз даромадларнинг пайини қирқадиган, шу билан бирга арзончиликка жиддий таъсир этиши мумкин бўлган имкониятлар беҳисоб. Амалда улардан фойдаланилмапти. Яна бир мисол. Меҳнатсиз даромадларга қарши кураш бўйича конкрет тадбирлар амалга

оширила бошлангач, бозорларда посилка қутиларнинг нархи бирданига кўтарилиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, усталар илгари у ер-бу ердан ўмариб келган тахта ва фанерларнинг йўли қирқилди. Ҳамёнидан пул сарфлаб олган тахта ва фанердан тайёрлаган қутиларни эса шу тариқа қимматроқ сотиш истаги туғилди. Улар илгаригидек мўмай пул топиш учун нархни қимматроқ қилиб қўйишди. Бордию бозор дирекциялари шаҳардаги бирор ёғочни қайта ишлаш корхонаси ёки Махаллий саноат министрлигининг ишлаб чиқариш тармоқлари билан шартнома тузганларида бозорда ҳам давлат корхонасида тайёрланган посилка қути дўконини очиш мумкин эди. Ҳолбуки, ёғочни қайта ишлаш фабрикалари кераксиз чиқитлардан ҳам арзимаган нархда харидор учун зарур бўлган шундай маҳсулотлар тайёрлаб бериш имкониятига эга.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Қобилжон Розикович, ҳалқимиз орасида қўлида гулдай ҳунари бўлган наққош, ўймакор, дурадгор усталар кўп. Уларнинг аксарияти ишдан бўш пайтларида, меҳнат отпусчасида кишиларнинг илтимосларини бажариб, уйини ремонт қилишга, янги уй қуришга ёрдамлашиши, ёки эшик-ромларини тайёрлаб бериши мумкин. Албатта уста ўз меҳнати учун келишган ҳолда маълум ҳақ олади. Қонунга кўра устанинг мана шундай йўл билан топган даромади меҳнатсиз даромадга кирадими, йўқми?

**Қ. РОЗИҚОВ.** Йўқ. Бундай йўл билан топилган даромад — ҳалол! У меҳнатсиз даромадга кирмайди. Чунки, усталар бу ўринда ўзининг ҳақиқий меҳнати, малакаси, маҳорати, демакки ижодий меҳнати ҳисобига манфаат кўради. Фақат уста эмас, айтайлик, моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган студент бирор кишининг оғирини енгиллатиб, шунинг эвазига ҳақ олса, буни ҳам ноўрин деб тушуниш хато. СССР Бош прокурори А. М. Рекунковнинг «Известия» газетаси муҳбири билан суҳбатида ҳалол меҳнаткаш билан ашаддий қонунбузарни фарқлаш, бу борада эктиёткорлик билан иш тутиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Ҳар бир киши учун шу нарса аниқ-равшан бўлиши керакки, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш тўғрисидаги фармон асосан бойликка ҳирс қўйган, кўпроқ ўмаришга, халқ ва давлатни алдаш, кўзбўямачиликка муккасида кетган поракўрлар, чайқовчилар, товламачи, фирибгарларга қарши қаратилган.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Усталар, нонвойлар ва бошқа касб эгалари орасида бирор жойда сабабсиз ишламаётганлар ҳам учраши ҳақида гапирган эдик. Хўш, уларнинг кишилар билан келишган ҳолда баъзи ишларни бажариб беришига, умуман, эгаллаган касб-кори билан шуғулланишига рухсат бериладими?

**Қ. РОЗИҚОВ.** Берилади. Бу борада янги қонунда кўпгина имтиёзлар кўзда тутилган. Ўрни жамият манфаатларини ҳисобга олиб СССР ва иттифоқчи республикаларнинг қонунларига мувофиқ жамоат ишлаб чиқаришида иштирок этмайдиган айрим тоифадаги граждандарга яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат этилади. Лекин улар молия органларидан рўйхатдан ўтган ҳолда давлат назоратида ишлашлари керак. Умуман, рўйхатдан ўтган ҳунарманд даромадининг чекланган қисмини молия органи ҳисобига ўтказиш туфайли ижтимоий фонд бойишига ҳисса қўшади, холос. Бу эса хусусий-ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланаётган киши психологияси тўғри шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Келгуси йилнинг 1 майидан бошлаб кучга кирадиган янги қонунга кўра Халқ депутатлари ўлка ва област Советлари ижроия комитетлари, автоном республикаларнинг Министрлар Совети махсус рухсат олинмасдан туриб шуғулланиш мумкин бўлган яқка тартибдаги меҳнат турларини ҳам белгилаши мумкин ва у аҳолига маълум қилинади.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Қобилжон Розикович, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш тадбирларини кучайтириш муносабати билан баъзи областларимизда аҳолининг шахсий моллари, қўй ва эчкиларини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг нормадан ортиқчаларини олиб қўйиш ҳоллари ҳам содир бўлди. Масалан, Бахмал районида шу йилнинг биринчи ярмида 1500 дан ортиқ қорамол, 1200 дан ортиқ майда мол, 300 га яқин от нормадан ортиқлиги учун давлат ҳисобига ўтказилди. Наманган областининг Поп ва Задарё районларида, Сурхондарё областининг айрим районларида ҳам нормадан ортиқча шахсий моллар асралаётганлиги аниқланди. Бу молларни топшириш пайтида турли норозиликлар ҳам келиб чиққанлиги рост. Чунки, аксар оилада камида ўнга яқин аъзо бор. Яйлов ва ўтлоқ жойларда улар мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, нормадагидан кўпроқ мол боқishi, бу билан маъмурчиликни таъминлашга ҳисса қўшиши мумкин! Оиланинг пенсияга чиққан саксон ёшли қарияси ёки ҳали мактаб ўқувчиси бўлган фарзанди ҳам кўпинча бу ишга ўз ҳиссасини қўшиб келади. Партия ва ҳукуватимизнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларида меҳнаткашларнинг шундай ташаббуслари жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг манتيқий давоми, колхоз ва совхозларда маҳсулот ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг

формаларидан бири сифатида қаралиши лозимлиги таъкидланган. Умуман, баъзи маҳаллий ташкилотлар меҳнаткашларнинг фаровонлик йўлидаги шахсий ташаббусларини рағбатлантириш ўрнига чеклаш йўлидан бораётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу хил муносабат ўтган йилларда бўлгани каби кишиларнинг мамлакат озиқ-овқат программасига қўшаётган ҳиссалари чеклаб қўйилишига олиб келмасмикан?

**Қ. РОЗИҚОВ.** Бу-жуда мураккаб масала. Аввало, сиз юқорида айтган айрим районларда аҳолининг шахсий моллари нормадагидан ҳаддан зиёд даражада кўп бўлган ҳоллардагина, шунда ҳам, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилгач, нормага келтирилди. Уларнинг эгаларига эса колхоз ва совхозларнинг таннарх нархида эмас, балки давлат харид нархларида ҳақ тўланди.

Энди қишлоқ жойларида, тоғли-яйловли районларимизда истиқомат қилувчи аҳолига ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳалол меҳнати эвазига кўпроқ мол боқишга имкон бериш масаласига келсак, бу гапда жон бор. Ҳозир бу масала атрофлича ўрганиляпти. Шунинг учун ҳам аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш тўғрисидаги ташаббусларини чеклаб қўйиш, бу ишда шомла-шошарлик қилиш ярамайди. Ўтган йилларда айрим раҳбарлар кўпгина жойларда худди шундай йўл тутишган эди. Ҳаммамизга маълумки, бу нохуш оқибатларга олиб келди. Бунинг асорати бизга сабоқ бўлиши керак.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Редакцияга келаётган мактубларда айрим районларда колхоз ва совхозлар гушт планларини бажариш учун аҳолидан ёлпасига мажбурий суръатда гуштга мол олишни ташкил этаётгани ҳақида сигналлар бор.

**Қ. РОЗИҚОВ.** Бу мутлақо нотўғри! Қаердаки, ишлаб чиқариш планлари шу йўл билан бажарилса, ўша жойда социалистик қонунчилик бузилган бўлади. Бу яна илгаригидек қўши ёзишларга йўл очади. Давлат планлар тўғри йўл билан бажарилишидан манфаатдор. Рўзгорини етарли даражада таъминлаган, ортиқча маҳсулотларини эса бозорга олиб чиқиб сотиши мумкин бўлган, бу билан маъмурчиликни таъминлашга, арзончилик туғилишига ҳисса қўшиб, умумхалқ ва давлат манфаатларига мос иш тутаётган кишилар йўриғига зиён етказиш ва шу тариқа план бажариш ҳеч кимга керак эмас! Ижтимоий ишлаб чиқариш билан шахсий ёрдамчи хўжаликни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик керак. Ахир, ҳар иккаласи ҳам пировард натижада бир мақсадга-халқ дастурхонини тўкин қилишга хизмат қилади-ку! Шундай экан, улардан бирининг зарар кўриши ҳисобига иккинчисининг ривожини таъминлаб бўлмайди. Шахсий ёрдамчи хўжаликни издан чиқариш ҳисобига планни тўлган қилиб кўрсатиш — бориб турган кўзбўямачиликнинг ўзгинаси. Оқибатда бу ҳам шахсий, ҳам ижтимоий секторда маҳсулотга эҳтиёж одатдагидан ошиб кетишига, таъминотда узилиш келиб чиқишига, яъни эҳтиёж ва таъминот ўртасида номувофиқлик туғилишига сабаб бўлади.

**М. АБДУЛЛАЕВ.** Айрим раис ва директорлар, ҳатто район даражасидаги раҳбарлар ҳам буни яхши билишади, лекин кўра била туриб негадир ҳар йили шу имкониятдан фойдаланиб қолишга уринишади. Эҳтимол, бунинг учун қўлланадиган жазо чоралари енгилроқдир?!


**Қ. РОЗИҚОВ.** Қонунбузарлик қандай шаклда бўлмасин, у албатта тегишли жазосини олади. Ҳозир прокуратура органларига хизмат лавозимидан фойдаланиб қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан кескин чоралар қўллаш ҳақида маҳсул кўрсатма берилган. Қонунбузарликнинг бундай кўринишлари ишини уддалай олмайдиган, айни пайтда амалидан ажралиб қолишдан қўрқадиган бошлиқларнинг хатти-ҳаракатлари билан изоҳланади. Ҳар бир хўжалик ишлаб чиқариш планларини фермасида боқилаётган моллар ва тайёрланаётган маҳсулотлар ҳисобига бажариши лозим. Иккинчидан, улар ишчи-хизматчиларига ўтлоқлар ажратиб бериши, жамоат ишлаб чиқариши орқали етиштирилаётган ема-хашаклардан маълум ҳақ эвазига ёрдам бериб туриши ҳам керак. Лекин бу ишлаб чиқариш планларини аҳоли чорваси ҳисобидан бажариш имтиёзини бермайди.

Меҳнаткашларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг фаровонлигини таъминлашдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш партия ва ҳукуматимизнинг муҳим талабларидан биридир. Шу мақсадда қишлоқ ва посёлка советлари аҳолига матлубот жамиятлари томонидан концентрат емлар сотилишини ташкил этишлари керак. Социалистик қонунчиликнинг адолатли бўлишига ишонсизлик кайфиятини туғдирадиган, халққа кўрсатилаётган ғамхўрликка путур етказадиган ҳоллар қонун томонидан қораланади. Бу ишда айбдор шахслар жазога лойиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми ва Ўзбекистон коммунистларининг XXI съезди ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги нохуш тенденцияларни рўй-рост очиб ташлади. Кўзбўямачиликлар ва қўшиб ёзишлар, социал адолатнинг бузилиши ҳолларига барҳам берилмоқда. Албатта, бу кураш осон кечаётгани йўқ. Ҳали ҳам эскича услубда ишлашга ҳаракат қилаётганлар

учраб турибди. Халқ ва давлат манфаатларига зид фаолиятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган кўплаб кишиларнинг қисмати уларга сабоқ бўлиши керак. Энг муҳими, илгариги хатоларни билиб-билмай такрорлаш йўлига кирган кишиларга ҳамisha тўғри йўлни кўрсатиб туришимиз зарур. Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини чеклашга уриниш ҳоллари эса кескин фош этилиши лозим.

Айни пайтда халқ учун яратиб қўйилган беқиёс имкониятлардан устомонлик билан фойдаланиб, меҳнатсиз даромад топишга муккасидан кетган қаллоблар, олиб сотарлар, хизмат лавозимидан ғайри мақсадларда фойдаланаётганларни фош этишда ҳамisha халқ ёрдамига таянамиз. Зеро, кишилар юрагидаги эҳтиёж — ҳаётнинг янада мунаввар, эзгуликнинг барқарор бўлиши адолат тантанаси билан боғлиқдир. Улуғ ва эзгу ишлар эса умумхалқ сафарбарлигини тақозо этади.



Николай Тихонов

## Туш

Туш кўрдим баргларнинг карвонларини,  
Заминга урилмиш кўм-кўк товушлар.  
Гусса қопламиш боғ осмонларини,  
Замин япроқларни аста ҳовучлар.

Майлига у барглар соқов бўлса ҳам —  
Жаранглар уйғотди дostonлар каби.  
Оддий яшаб ўтди — самимий, хотам,  
Юрак сўзларини пичирлаб лаби.

Майли қайта-қайта тушимга кирсин,  
Хазонлар сачратиб ложувард учкун.  
Дўззахда бўлса ҳам менга буюрсин —  
Дўз-захга келардим ўша куз учун!

\* \* \*

Барча ҳикоялар айтиб бўлинган,  
Заранг тагидами, толлар тагида.  
Барча йўллар ўтиб бўлинган,  
Излар ўчган ёмғир, қорлар тагида.

Кузги бўрон — бешафқат ҳаёт,  
Тўзитиб юборди баргларни.  
Фақат ёшдир зангор хотирот,  
Мангу яшил ёшлик дардлари!

## Шоқол

1

Муздай сувлар устида учар,  
Учар қайрағочлар чодири ичра,  
Ичар завқ зилолин асаларилар,  
Гўё уй тўйига келган парилар.

Сариқ тақсимчадай, чарх уриб  
Капалаклар ўйнар завқ суриб.  
Сен-чи, сен, йўқмисан кимхобча, зарча,  
Ох, бунча ўйлуқсан, мунглуғсан, арча?!

Заиф деймиз чумолини албатта,  
Сурса ҳам ўзидан каттароқ донни.  
Уларга бу меҳнат, жуда ҳам катта —  
Тириклик имкони, ҳаёт имкони.

Гулли кўрпа каби бу рангин водий,  
Саратон селига чўмилиб ётар.

Гўзаллик яратган кулолдай содик,  
Ҳар кун меҳнат билан нурли тонг отар.

Ташлаб кетмоқдаман ари сувлоғин —  
Бедана сайрагин! Эй сув, куйлагин!

2

Дара хартумининг бўлинган жойи —  
Туташтирган тошлар қулаб орани.  
Худди ўша ерда тош қотган кўйи,  
Шоқолни кўрдим мен, кўрдим қорани.

Қулоқни динг қилиб турарди унда,  
Хотинсиз, боласиз, сергак ва ёлғиз.  
Кўзида қандайдир чақнар учқунлар,  
Бароқ қошлари ҳам тикка ва тиғиз.

Мен унинг кимлигин ахир, биламан,  
Қандай ўзгартирар ниқобни, юзни.  
Бизларни чалғитиб, айёр қўл билан  
Аста тикирлатар эшигимизни.

Ушадир узлатга чекинган пурғам,  
У унсиз фарёдлар солади.  
Йўқ, ҳар қандай шаҳар харобаси ҳам,  
Шоқоллар додига тўладир.

Атоқли совет шоири ва жамоат арбоби Николай Семёнович Тихоновнинг номи адабиёт мухлислари даврасида чуқур ҳурмат билан тилга олинади. Моҳир санъаткор ижод билан бирга тинчликни барқарор қилиш ишига ҳам фаол ҳаракати билан катта ҳисса қўшди. У узоқ йиллар тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси ва Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси бўлди. Николай Тихонов ўнлаб мамлакатларга сафар қилиб, шу асосда кўпгина халқлар ҳаётидан бир қатор асарлар ёзди. Шарқ халқларининг асрий армонлари ҳақидаги «Икки оқим» китоби ўз вақтида тинчликнинг қудратли гимнидек янгради. Бу китоб садолари дунё халқлари юрагида ҳамон жарангламоқда. Даҳшатли жаҳон уруши жангларини оқопларда ўтказган, граждандар урушида Юденични тор-мор этишда қатнашган Николай Тихонов асримизнинг ўттизинчи йилларидаёқ дунёдаги тинчлик учун курашувчи машҳур адиблар сафидан жой олди.

Николай Тихонов совет кишиларининг Коммунистик партия тарбиялаган энг юксак маънавий фазилатларини, айниқса матонат ва фидокорлик хислатларини куйлашга бутун ижодини бағишлади:

Ясалса шулардан миҳлар мабодо,  
Бундан ҳам мустаҳкам бўларди дунё.

[Мирмуҳсин таржимаси.]

Бу сатрлар Николай Тихоновнинг совет кишилари ҳақидаги юзлаб шеърларига эпиграф бўла олади.

Шоир ижодида Урта Осие, айниқса Ўзбекистон мавзуси катта ўрин тутган эди. Унинг «Ўзбеклар Вавилони» (Тошкент), «Темур дийри» [Самарқанд] каби очеркларида, «Мироб» ҳикоясида, «Амударё», «Ширчай», «Омоч», «Тошкентдаги чойхона» сингари шеърларида, адабиётимизнинг намоёндаларига бағишланган илмий мақола ва портретларида халқимизнинг тарихи, адабиёти, хотин-қизлар озодлиги масаласи янги онг тантанаси билан уйғунлиқда тасвирланган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати Николай Семёнович Тихонов туғилганига тўқсон йил тўлди. Шу муносабат билан забардаст ва серқирра ижодкорнинг шеърларидан қилинган таржималарни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

Лекин сен бошқача тикка, мағрур, тўк,  
Осиё тоғларин шоқоли.  
Сенга берилгандир, каттароқ ҳуқуқ,  
Эслайсанми ўша тун ҳолин?

Эманлар йиқилди Охча-Қуймада<sup>1</sup>,  
Йигирма олтига, кўрдинг барини,  
Бутун вужудимиз билан эсладик,  
Охча-Қуйма шоқолларини.

Пичоқни арзонга сотганлар учун  
Кўнгил тарбияси — қотиллик, ҳужум.

Бепарво виждонга ва ҳамиятга,  
Ўчдир ҳокимликка, ҳокимиятга,  
Чақнат империя нишони билан  
Эсиз мундирлари... гўё бош баланд.

Эсладик барини-барини,  
Охча-Қуйма шоқолларини.

Этказгин дўстларга ва қилгин қатл,  
Чопгин сен Ҳиротга, Ғазнага қочгил,  
Бақир Ҳиндистонга, қандай севамиз,  
Охча-Қуйма шоқолини биз.

Фақат бўрон билан ўйнар Осиё,  
Рўбарў келмасак бу ерда наҳот?!  
Йўқ, жанглар қиламиз бу қумлар аро,  
То сен хўрлангунча, енгилгунча то.

Шунда итоатгўй, юввош тортиб сен,  
Келиб мажақланган бошим устига,  
Сўрайсан: «Не учун бунда ётибсан,  
Бош қўйиб бегона юртнинг ўтига?»

«Нечун мен зангори ўтлар ароман?» —  
Куламан, гарчи мен сўлиб бораман,  
Ташлаб кетмоқдаман ари сувлоғин —  
Бедана сайрагин! Эй сув, куйлагин!

Русчадан Й. Эшбеков таржималари

<sup>1</sup> Охча-Қуйма довони яқинидаги чўлда 26 Боқу комиссари ўлдирилган эди.





Эркин Воҳидов  
50  
ёшда

## «ХАЛҚ УСТОЗИМ, МЕН ЭСА ТОЛИБ»

Ҳеч иккиланмай, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Эркин Воҳидов ўзбек совет шеъриятининг кўрки ва фахри. Бу фикрда заррача муболаға йўқ. Унинг «Тонг нафаси» деган биринчи тўплами 1961 йилда босилган эди. Шундан бери 25 йил мобайнида у 20 дан ортиқ поэтик тўплам, ўнга яқин дoston ва «Олтин девор» комедиясини яратди. Булардан ташқари бадиий таржима бобида ҳам гоят зўр маҳорат кўрсатиб, жаҳон адабиётининг бир қатор дурдона асарларини халқимизнинг маънавий мулкига айлантди. Шуниси муҳимки, бу ишларнинг биронтаси ҳам китобхон қалбида акс-садо бермай, доврўқсиз, ими-жимиде жетгани йўқ. Унинг ҳар бир китоби қайси бир жиҳати билан адабиётимизда воқеа бўлди. Танқидчиларнинг ҳам, шеърият мухлисларининг ҳам эътиборини жалб қилди. Унинг асарлари атрофида қизгин баҳслар бўлиб турди. Бу баҳслар шунчаки даҳанаки жанрлар, майда-чуйда масалалар атрофида талашиб-тортишишлар эмас; балки муҳим-муҳим муаммолар бўйича принципиал қарашларнинг кескин, муросасиз тўқнашувларидан иборат эди. Шунинг учун улар адабиётимиз ривожига ҳам, китобхон савиясининг ўсишига ҳам самарали таъсир кўрсатди.

Эркин Воҳидов шеъриятининг энг муҳим, энг қимматли томони шундаки, унда замондошимиз ҳақидаги, зиддиятларга тўла серғалва, серташвиш, қувонч ва шодликларга унча мослашолмаган XX асрнинг иккинчи ярмидаги инсоннинг машаққатли, изланишларга бой ҳаёти тўғрисидаги ҳақиқат мужжасам топган. Шоир шеърларида бу инсон — жумбоқларга тўла сайёра сифатида талқин этилади ва шоир унинг қалби ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади, кашфиётлар қилади. Буларнинг бари жуда юксак эҳтирос билан, теран бир самимият билан ифодаланадики, бунинг оқибатида Эркиннинг асарлари чинакам инсоний жозиба касб этади. Эркин Воҳидов ўз ижодининг шу сифатлари билан ўзбек шеъриятининг замонавий оҳангларида жаранглашини таъмин қилиб қўяқолмай, унинг тасвирий имкониятларини ҳам бойитди ва янги босқичга кўтарди. Шу сабабли халқ ўртасида китобхон назарида шеъриятнинг обрўйи қайта тикланди, шоирларга муҳаббат ва ҳурмат кучайди. Буни таъкидлаётганимнинг боиси — одатда шеърий асар прозага қараганда камроқ ўқилади. Бизнинг кунларда эса шеър ихлосмандларининг сафи кўпайиш ўрнига муттасил камайиб боряпти. Болтиқ бўйи республикаларида, Украина ёхуд Белоруссияда шоирлар китобхонларининг камлигидан зорланишади, ҳатто энг атоқли шоирларнинг китоблари ҳам беш-олтининг нусхадан ортиқ босилмайди, босилса, тарқамайди. Албатта, бир томондан, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ — илмий-техник революция даври, электрон ҳисоблаш

машиналар, роботлар даври, тафаккур биринчи ўринга чиқиб, ҳар хил ҳислар дунёси тораяётган, сентименталлик чекинаётган давр. Ҳолбуки, шеърятни севиш учун одам шоирона қалбга эга бўлиши, бир оз риндона, девонаваш табиатга, серҳис, сертуйғу юракка эга бўлиши керак... Ва у севадиган шеър чинакамига юксак санъат намунаси бўлмоғи, одамни ўз бағрига сингдириб, унга беқиёс эстетик завқ-шавқ, ҳузур бахш этиб, руҳият оламининг юксак самоларига олиб чиқа билиши керак. Бизнинг халқимиз ҳамиша шеърятга ошиқлиги билан, шоир сўзига эҳтиромни, шоирга ҳурмати билан ажралиб келган. Бир дон атиргулни ёхуд бир даста жамбилрайҳонни қулоғига қистириб, шундан завқ оладиган оддий одам ўз қалбидан шеърятга ҳам кенг жой бериши тайин. Шунинг учун Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева каби шоирларга шеърят муҳлисларининг муҳаббати шу қадар каттаки, бунга қойил қолмасдан илож йўқ. Фикримизни далиллайдиган баъзи мисоллар келтираман: Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат» тўплами 35 минг нусхада, «Бедорлик» 20 минг нусхада «Тирик сайёралар» эса 60 минг нусхада босилди. Бунақа катта тиражда, одатда романлар, қиссалар, саргузашт ёхуд фантастик асарлар босилади. Бу тўпламлар шунчалик кўп тиражда босилишига қарамай, улар магазинларда туриб қолмайди, уларни босилиб чиқиши биланоқ бир-икки ой ичида олиб қолмасанг, кейин ҳеч қайси дўкондан тополмай доғда қолсан. Булар рақамлар. Энди ҳаётда конкрет одамлар Эркин Воҳидовга нақадар теран ҳурмат билан қарашини кўрсатадиган баъзи бир жонли мисоллар келтираман. Уч ойча аввал, сентябрь ойида Эркин Воҳидовни Янгиер шаҳридаги бир техникум талабалари учрашувга таклиф қилишди. Учрашув ҳар галгидек яхши ўтди. Студентлар шоир ҳақида маърузалар ўқишди, шеърятнинг хусусиятлари тўғрисида сўзлашди. Унга истаклар билдиришди. Уларини қизиқтирган масалалар бўйича саволлар беришди, гуллар тақдим этишди. Учрашув кеч тамом бўлди — Тошкентга қайтишнинг иложи йўқ эди. Буни аввалдан билган мезбонлар ётиш жойини баҳаво, хушманзарра Уратепадан танлашган экан. Биз бориб жойлашимиз биланоқ, ўратепалик дўстубиродарларимиз бизни кўриб сўхбатлашиш учун кетма-кет келиша беришди. Бир зумда одам кўпайиб, яна қўшимча жой тайёрлашга тўғри келди. Дилкаш сўхбат, ажойиб гурунг бошланди. Унга шеърхонлик улашиб кетди. Лекин буларнинг ҳаммаси тез-тез бўлиб турадиган одатий ҳоллар эди. Мени бошқа бир воқеа қойил қолдириди. Даврада ёши олтмишлар атрофидаги митти гавдали, нуроний бир одам бор эди. Кейин билсак, ҳадеганда гапга аралашвермайдиган камсухан ва камсуқум бу одам шу ердаги қишлоқ советининг раиси экан. Шеърхонлик бошлангандан кейингина бу киши бирдан очилиб кетди. Айниқса, у кишига навбат берилгач, Эркин Воҳидов ғазалларини завқ билан ўқишга киришди. У гўё ҳамма нарса ни унутган, вақтнинг ҳам алламаҳал бўлиб қолганини сезмагандай кўтаринки кайфиятда ўқишда давом этарди. Унинг бутун вужудини ҳаяжон билан қақнаётган кўзларидан Эркиннинг шеърларини ёд ўқиб беқиёс ҳузур қилаётгани шундоққина сезилиб турарди. Ниҳоят у ўқишдан тўхтади. Аммо эртасига эрталаб шеърхонлик яна давом этди. Кўйинг-чи, қишлоқ советининг раиси шоир шеърларини шу қадар севиб қолган эканки, ўзи тоғий бўлатуриб, ўзбек тилида ёзилган «Ёшлик девони»ни тўлиқ ёдлаб олган экан. Менинг қалбимда бу одамга нисбатан жуда зўр эҳтиром пайдо бўлди. Шундоқ бўлсада, «бу кишини ғазалларга ишқибоз экан, Эркиннинг бошқа шеърларини унча билмаса керак» деган бир ўй кўнглимнинг бир чеккасида ғимиллаб турарди.

Кўзги гуллар яшнаб турган хиёбонда сайр қилиб юрарканмиё, гап айланиб «Ҳозирги ёшлар» шеърига тақалди. Эркин қай бир фикрига далил келтириш учун шеърини ёд ўқиб бошлади. Бироқ бир жойга келиб тўхтаб қолди. Бир-икки уринди-ю, шеърнинг давомини эслай олмади. Шунда яна бояғи раис жонга оро кирди. У ҳеч гап бўлмагандай шеърни давом эттириб кетди. Эсингизда бўлса керак, шеър анча катта — 128 мисра. Шунга қарамай, раис уни ҳам охиригача ёд айтди. Маълум бўлдики, у киши фақат ғазалларни эмас, бошқа ўнлаб шеърларни ҳам ёд олган экан. Ҳа, албатта, бу одамнинг хотираси ҳаммада ҳам бўлавермайди. У одамда шеърятга алоҳида фавқулодда муҳаббат бор, лекин шундай бўлса-да, бир шоир ижодини бошдан оёқ ёд олиш учун қандайдир ўзгача жуда-жуда салмоқли сабаблар керак — бу фақат китобхон қалбиде мислсиз алангадай ёлқинланган улғу муҳаббат туфайлигина пайдо бўлиши мумкин. Мен келтирмоқчи бўлган иккинчи мисол бироз бошқачароқ — уни яқинда кичикроқ бир даврада таниқли давлат арбоби Нуриддин Акрамович Муҳиддинов айтиб берди. «Сизлар бахтлисизлар, — деб гап бошлади Нуриддин Акрамович, — бахтинглр шундаки, Эркин Воҳидовдай шоир билан бир замонда, бир шаҳарда, ҳатто бир маҳаллада яшайсизлар. Истаганда унинг китобини олиб ўқишинглр мумкин. Истаганда унинг ўзи билан учрашиб сўхбатлашинглр, дардингизни айтишингиз, юрагингизни очишингиз мумкин. Биласизлар, мен давлатимиз топшириғига биноан кўп йиллар чет элларда бўлдим. Иш кўп бўларди, нозик ва чигал масалаларни ҳал қилишга тўғри келарди. Лекин биз ишлаб чарчамасдиг-у, Ватан соғинчи, она юрт соғинчи бизни ўртаб юборар эди. Ўзбекча куй тинглашга, қўшиқ эшитишга, шеър эшитишга муҳтож эдик. Улар она юртнинг овози каби вужудимизга сингиб, бизга ҳазин янги куч бахш этарди. Айниқса, Эркин Воҳидов шеърларини, унинг сўзлари билан айтиладиган қўшиқларни яхши кўрардик. Баъзан Тошкентдан «Ватандошлар» радиостанцияси эшиттиришлар бериб қолса, Эркин ҳақида гап кетадиган бўлса, ҳаммамиз берилиб тинглардик.

Бир кун Эркиннинг шеърлари ва қўшиқларига бағишланган эшиттириш бўлди. Биз бутун оила аъзоларимиз билан бирга радиоприёмник атрофида ўтириб роҳат қилиб эшита бошладик. Шеърларнинг ҳар мисраси, шоир зукколик билан топан ҳар бир ташбеҳ, самимий юмор, пардалардаги бирда кувноқ, бирда ҳазин оҳанглр қалбимизнинг эр нозик торларига тегар, унда алланечук акс-садо уйғотар, биз ўзимизни Ватанимиздан олисда деб эмас, худди Тошкентда, болалигимиз ўтган жойларда кезиб юргандек, юракларга сингиб кетган қадрдон манзараларни кўраётгандек, эски танишларимиз, ёру дўстларимизнинг овозини эшитаётгандек бўлардик. Афсуски, эшиттириш ярилламай туриб телефон жириглаб қолди. Давлат раҳбари муҳим иш билан мени ҳузурига чорлабди. Бормасликнинг иложи йўқ,

шундай бўлсада, мен ярим соатга муҳлат сўрадим. Кейин келишилган вақтга етиб бордим, ҳақиқатан ҳам сира кечиктириб бўлмайдиган давлат аҳамиятига молик муҳим иш экан. Уни ҳал қилдим. Қайтишга отланаётганимда, давлат бошлиғи нима сабабдан ярим соатга рухсат сўраганимни қизиқиб сўради. Айтдим, ҳатто Эркин Воҳидовнинг баъзи шеърлари мазмунини сўзлаб бердим. У Эркиннинг шеърлари араб тилига таржима қилинган-қилинмаганини суриштирди. Қўшиқлари ёзилган магнит лентаси бор-йўқлигини сўради. Мен унга ўз магнит лентамни юбордим. Шеърларидан баъзи бирларини таржима қилдириб кўрсатдим. Буларнинг бари унга жуда маъқул бўлди. Унинг шеърларини кўпроқ таржима қилишни, қўшиқларини кўпроқ ёйишни топширди. Кейин бу шоир мабодо Сурияга келиб қолгудек бўлса, ўзига хабар қилишимни илтимос қилди. Ўзи бизнинг мамлакатимизга сафари вақтида ҳам Эркин Воҳидов билан танишишга истак билдирди. Аммо ўша кезларда Эркин Воҳидов Тошкентда эмас экан, унинг истаги ушалмай қолди. Эркин ана шунақа шоир. Унинг шеърлари Ватандан олисдаги минглаб ўзбеклар учун Ватанининг овозидек жаранглаб, уларга руҳий мадад бериш билан чеклангани йўқ. Яхши шоир ҳамиша дўстлик элчиси бўлади — у бир араб халқининг қалбида ўзбек халқига ҳурмат уйғотишда, меҳрини товлантиришда, икки халқ ўртасидаги дўстлик ипларини мустаҳкамлашда ҳам катта рол ўйнади. Шунинг учун бу шоирни ҳар қанча эъзозласа, ҳар қанча ардоқласа, у билан ҳар қанча фахрланса арзийди».

Ўша куни даврадагиларнинг ҳаммаси ҳам Нуриддин Акрамовичнинг бу ҳикоясини эшитиб чуқур ҳаяжонга тушдилар ва уларнинг ҳам шоирга меҳри ўн чандон орди. Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, Эркин Воҳидовнинг ўзбек халқи билан бошқа халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, дўстлик ва қардошлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси шу билан чекланмайди, албатта. Унинг асарлари рус тилидагина эмас, кўпмиллатли Ватанимизда яшайдиган қардош халқлар тилларидагина эмас, айтиб қолганда ўнлаб ажнабий тилларга ҳам таржима қилинди. Унинг шеърлари Эрон ва Афғонистонда, Хитой ва Кореяда, Ҳиндистон ва араб мамлакатларида машҳур. Югославия, Польша, Венгрия, Чехославакция каби социалистик мамлакатларда ҳам газета ва журналларда, турли тўпламларда тез-тез нашр қилиб турилади. Баъзи бир чет мамлакатларда шоир ҳақида илимий-танқидий асарлар яратилган. Эркин Воҳидовни айниқса немислар алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Шоир Германия Демократик республикасига борганида бир қатор газеталар уни Гётенинг таржимони сифатида немис китобхонларига кенг таништиришди. Унинг биографиясини эълон қилишди. Ижодига обзор беришди, сафардаги фаолиятини ёритишга интилишди. Газеталардан бири эса Эркин Воҳидовнинг «Веймар» — шоирлар Маккаси сўзини йирик ҳарфлар билан сарлавҳа ўрнида териб, ўзбек шоирининг Гёте ватанига берган бу юксак баҳоси учун миннатдорлик туйғуларини изҳор қилди. Буларнинг бари халқлар ўртасидаги қардошлиқни мустаҳкамлашда катта рол ўйнади. Ана шундай олижаноб ишга хизмат қилувчи шоир эса чинакам бахтиёр шоирдир. Бизнинг мулоҳазаларимизни ўқиган китобхон «Э, танқидчи дўстимиз мақтовни жуда ошириб юборибди-ку, наҳотки бу шоирда ҳеч қандай камчилик бўлмаса? Наҳотки унинг ҳамма асари бенуқсон бўлса? Қизиқ-ку!» деб ажабланиши мумкин. Уйлайманки, бундай ажабланишга ўрин йўқ. Аввало, мен бу гал Эркин Воҳидов ижодини миридан сиргача тадқиқ қилиб, унинг ҳамма жиҳатларини мукамал очиб берадиган тадқиқот яратишни мақсад қилиб олганим йўқ. Иккинчидан, мен шоирнинг ижоди қолиб ҳадеб уни юзидаги сўғалини гапирадиган танқидчилар тоифасидан эмасман. Бу мақолада мен ҳар гал Эркин ижоди билан учрашганимда қалбимни чулғаб оладиган нурли шодибона туйғулар билан ўртоқлашаётган, холос. Шундай бўлса-да, баъзи бир инжиқ, серзарда китобхонларнинг кўнгли учун айтиб қўяй, Эркин Воҳидов жонли шоир, бинобарин, унинг ижодида ҳам муайян кўтарилишлар, парвозлар билан бирга тушишлар, имиллашлар ҳам бўлиши мумкин. У ҳам ҳар бир ижодкор каби адашиши, хато қилиши мумкин. Фақат бир вақтлар қилингани каби «шоир Фузулийга қўшилиб йиғлади, бинобарин, унинг шеърларида тушқунлик мавжуд» деб, йўқ ердан ғоявий «хато» қидириб, уни ёмонотлиқ қилиш керак эмас. Ёхуд баъзи танқидчилар қилганидек, унинг шеърларини тушунмай, шоирни сунъий қоплига зўрлаб киритишга уринмаслик керак. Эркин Воҳидов шу кўнгача бўлган ижодида муайян эволюцияни — ўсмиш йўлини босиб ўтди. Албатта, ижодининг илк даврида унинг шеърларида ҳам теран фалсафий фикрларни, доно хулосаларни учратмаймиш. Уларда шоирнинг дарди ҳали пишиб етилмаганди ўрунади. Уларда кўпроқ дунёни энди кашф этаётган, ўзининг кашфиётидан ўзи завқланиб, хурсандчилигидан бошқаларни маълум қилишга ошиқаётган, яшашнинг беихоҳ гузал нарса экани, ҳаётнинг ноёб неъмат эканини тушуниб келаётган мурғак қалбнинг қувончлари бор, бу хусусият ҳатто «Ёшлик девони»ни ташкил этувчи ғазалларда ҳам яққол сезилади. Шунинг учун бўлса керак — айрим танқидчилар Эркин асарларида ва айниқса ғазалларида ижтимоий руҳ заиф деган фикрни айтиб, шоирни танқид қилишган эди. Мен ўша пайтларда ҳам бу танқидга қўшилган эмасман. Ҳозир ҳам қўшилмайман. Бу ўринда мунозарарага киришмоқчи ҳам эмасман.

Эркин Воҳидов жаҳон ва рус адабиёти классикларининг, айниқса, Пушкин, Лермонтов, Блок, Есенин каби шоирларнинг ижодини чуқур ўрганди. Айтиб қолганда у Ғафур Ғулум ва Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Шайхзода, Миртемир ва Усмон Носир каби шоирларнинг асарларини ҳам пухта ўзлаштирди. Уларни устоз билиб, ҳар қайсисидан ўз ижоди учун зарур бўлган жиҳатларни қабул қилди. У Шарқ поэзияси анъаналарини ҳафсала билан ўрганган ва ҳатто айрим Шарқ классиклари ижодини тадқиқ ҳам қилган эди. Унинг Фузулий асарларини синчиклаб ўқиганини, кўпгина лирик шеърларини ёд олганини кўрганман. Эркин университетнинг сўнгги курсида «Навойининг «Сади Искандарий» достонининг композицион қурилиши» деган мавзуда диплом иши ёзди. Очигини айтганда, Эркиннинг шу мавзунини танлаганини билиб бир оз ранжидим, негаки унинг ҳозирги поэзия муаммоларини ишлашини кутган эдим. Бироқ кейинчалик Эркиннинг тўғри қилгани маълум бўлди — диплом иши баҳона бўлди-ю, Эркин «Алишер Навоий» деб аталмиш буюк бир уммоннинг ичига кирди, унинг маҳорат сирларини синчиклаб ўрганди, шоир кўзи билан шоир поэтикасига разм солди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, кейинчалик у ғазал бобида юксак чўққиларни

эгаллади. Унинг ғазалдаги маҳорати шунчалик бўлдики, ҳатто бутун умрини ғазалга бағишлаган, минглаб ғазаллар битган, халқ ўртасида тан олинган кекса шоир Ҳабибий ҳам Эркинга махсус шеър бағишлаб, унинг ғазалиёти бугунги шоирларнинг ҳаммасиникидан ўтиб кетганин тан олди. Классикларга яқинлик Эркин шеърларининг бошқа жиҳатларининг ҳам ўсишига кучли туртки бўлди. Ҳўш, булар қандай жиҳатлар?

Мен, биринчи навбатда, Эркин шеърларида йил сайин чуқурлашиб бораётган ҳаётини мазмунни таъкидлардим. Юқорида айтганимиздек, Эркин шеърларида бугунги инсон ўзининг бутун мураккаблиги билан, жамики донолиги ва чекланганлиги билан, шодликлари ва дардлари билан намоён бўлади. Шоир баъзан ҳикматлар шаклида батафсилроқ қилиб, инсон ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатни айтади. Шуниси қизиқки, шоирнинг шеърларида ихчам қилиб айтилган кўпгина фикрлар кейинчалик йирик-йирик романларда, қиссаларда олға суриллаётган ғоявий муаммоларга дебочадек туюлади. Масалан, шоирнинг «Бонг уринг» деган чуқур публицистик руҳ билан суғорилган, ўта безовталиқ билан ёзилган шеърдаги ғоялар кейинчалик В. Распутиннинг «Енгин» қиссасида ўзининг давомини топди. Ёхуд «Максим Горький билан суҳбат» деган шеърни олайлик. Шоир унда руҳий олами ўта қашшоқ, маънавиятдан узоқ яшайдиган одамларни қоралайди, инсон фақат маънавият тўғайлигига инсон бўлиши ўқдирилади. Бугунги ҳаётимизда содир бўлган нохуш ҳодисаларнинг, ўғирлик ва порахўрликларнинг, бузуқлик ва пасткашликларнинг, разиллик ва қабоҳатларнинг барча сабабчилари қалбида эътиқоди йўқ одамлардир. Улар учун ҳаётда бирон муқаддас ақида йўқ, улар на халқининг доно урф-одатларини, на асрлар мобайнида шаклланган расм-русумларини тан оладилар. Улар ўз манфаатлари йўлида, молу-дунё орттириш, мавқеларини тастаққамлаш йўлида ҳамма нарсани сотишга, яхшиликни топташга, эзгуликни улоқтиришга тайёр. Ҳаётдаги разиллар, сотқинлар, хоинлар ана шундай маънавиятсиз одамлардан чиқади. Шунинг учун шоир зўр изтироб билан хитоб қилади:

**Мен ҳақ билдим Ленин эътиқодини,  
Оламга табарруқ зиёси тўлсин.  
Имон денг, виждон денг, майли отини,  
Лекин одамзоднинг «худоси» бўлсин.**

Бу шеърдаги олға сурилган ҳаётини мазмун бугунги кунда Чингиз Айтматовнинг янги романида ўзининг атрофлича ифодасини топди.

Ҳа, Эркин Воҳидов шеърни ёзмайди, балки ҳар бир шеърда ҳаётнинг долзарб муҳим масалаларини тилга олишга, инсон ҳақидаги ҳақиқатнинг янги қирраларини кашф этишга интилади. Унинг кашфиётлари эса пешқадам совет ёзувчиларининг кашфиётларига ҳамоҳангдир. Фикримизни далиллаш учун унинг шеърларидан ҳам, достонларидан ҳам мисоллар келтириш мумкин эди, бироқ бу жуда кўп жой талаб қилади.

Эркин Воҳидов шеърларидаги яна бир муҳим жиҳат, уларни чинакам санъат даражасига кўтарган нарса ҳар қайси шеърнинг пухта образ асосига қурилганидир. Шоир ҳар гал жуда оригинал ва жуда маънодор образ топади. Уларга теран ҳикматларни жойлайди. Унинг биринчи тўпламидаги кўпгина шеърларидаёқ бу хусусият бор эди: «Камтарлик ҳақида» шеърини эсланг — унда чойнак ва пиёла ёрдамида қибру ҳаво ва камтарлик ҳақидаги ғоя бир умр эсда қоладиган қилиб ифодаланган. Бу хусусият Эркиннинг кейинги шеърларида ҳам тўхтовсиз кучайиб борапти. «Тирик сайёралар», «Темиртан даҳолар», «Оқсоқол» каби шеърлар, Канада туркумига кирган асарлар, яна ўнлаб бошқа шеърлар шулар жумласидандир. Ҳақиқий образлиқ шоирга чинакам афористик мисралар тузишга ёрдам беради.

**Оламни елкада кўтармак учун  
Дунёга келади билсанг эркаклар.**

Ёки:


**Қўрқувнинг кўзи катта, юраги кичик бўлур,  
Қўрқув зўр келган юрда, арслонлар кучук бўлур.**

Эркин шеърларининг яна бир жиҳати — унинг юморга бойлигида. Илдизлари халқ донолигига, халқ табиатига бориб тақаладиган юмор Эркин шеърларига теран бир оптимизм бахш этади, улардаги инсоний жозибани кучайтиради, халқчилликни юқори босқичга кўтаради. Мен бу ўринда Матмуса ҳақидаги туркум шеърларинигина, ёхуд соф ҳажвий йўлларда ёзилган бир қатор асарларинигина кўзда тутаётганим йўқ. Эркиннинг бутун ижоди юмор билан суғорилган — унинг энг жиддий, энг лирик ёхуд энг драматик шеърларида ҳам шундай юмор борки, у шоир мақсадини чуқурроқ очишга хизмат қилади.

Ниҳоят, Эркин шеърятининг бетакрор хусусиятларидан яна бири унинг шеърларидаги тиниқлик, оҳангларнинг раволиги, мусиқийлиқнинг муқаммаллиги эканини айтиш керак. Шоир фақат ғазалдагина эмас, бармоқ вазнида ҳам юракларни эритувчи, бир эшитганда қулоққа ўрнашиб қоладиган шеърлар ёзиш мумкинлигини исбот қилди. Бу жиҳатдан у халқ шеърятининг раволигига яқин келади. Эркин шеърларини ўқиганда одамга битмас завқ берадиган нарса шуки, ҳеч қачон қофияланган панд-насихатларни, ритмик уюштирилган шiorларни эмас, балки чинакам шеър ўқиётгандек бўласан. Беихтиёр «шеърят» деб аталмиш нафосат бағрига шўнғигандек бўласан.

Мана шу жиҳатларнинг ҳаммаси бирлашиб Эркин шеърятини ўзбек совет поэзиясидаги бетакрор ҳодисалардан бирига айлантди. Айтиш мумкинки, келгусида ёзилажак ўзбек шеърятини тарихида Эркин Воҳидов ижодиёти энг ёрқин боблардан бири бўлиб қолади.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**  
профессор



Элдор Мухторов

## ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, ўзбек сахнасининг забардаст усталари қаторидан ўрин олган Наби Раҳимов шу йил 75 ёшга тўлади.

У А. Хидоятлов, С. Эшонтўраева, О. Жалилов, Ш. Бурҳонов, О. Хўжаев каби улкан санъаткорлар сафига киради. Бу актёрлар ҳақида аллақачон афсоналар тўқилди, сахнадаги маҳоратлари томошабинлар ва ҳамкасблари тилларида дoston бўлди. Уларнинг номи миллий ижрочиликнинг энг яхши анъаналари билан боғлиқдир. Бу авлоднинг яратган эстетик анъаналари, сахнадаги маҳоратлари айниқса бугунги театрдаги ёшлар учун ибратомуздир. Уларнинг профессионал ва ахлоқий-фазилатлари ҳозирги ёш авлоднинг ижодий юксалиши учун маёқ бўлиб хизмат қилади.

Наби Раҳимов чин маънода, ўз ижодий моҳиятига кўра халқ артистидир. Унга СССР халқ артисти деган юксак унвоннинг берилиши ҳукумат томонидан актёрнинг истеъдоди ва кўп йиллик меҳнати эътироф этилишигагина эмас, балки унда санъаткор ижодининг ҳақиқий халқчиллиги яққол намоён бўлган.

1929 йили Ҳамза номидаги театр труппасига келганида, у атиги ўн саккиз ёшда эди. Шу вақтдан бошлаб театр унинг учун ҳаёт «дорулфунуни», умрининг мақсади ва мазмунига, актёрлик касбининг чинакам мактабига айланди. Бугун театр таълимоти салмоғини кўтариш, актёрлик санъатининг нуфузини ошириш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир пайтда кекса театр усталарининг сабоқларини унутмаслик керак. Кўпдан-кўп ширин орзулар кўпинча бўлажак актёрларнинг қобилияти сустиги, олий ўқув даргоҳидаги устозларнинг ўз шогирдларининг истеъдодсиз эканликларини кеч тушунаётганликлари сабабли барбод бўлмоқда.

Наби Раҳимовнинг театрга келмасдан иложи йўқ эди. Чунки зукко актёрнинг туғма қобилияти омма орасида ўзини намоён этишни тақозо этарди. Н. Раҳимовнинг маънавий камолоти, чархланган профессионал қобилияти, қатъий ижодий эътиқоди эса кейинчалик шаклланади. Уша узоқ йигирманчи йилларда эса актёрлик касбининг шон-шухратини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Уларнинг театрга бўлган соф муҳаббатидан бўлак, одамларга қувонч бағишловчи улкан санъат ҳақидаги ажойиб орзуларидан бўлак, ҳеч қандай мудаоси йўқ эди.

Наби Раҳимов театрдаги дастлабки ўн йиллик фаолияти давомида ўттизга яқин ролни ижро этди. Улар орасида «Ҳамлет»даги Лаэрт ва Гильденстерн, «Кўзи булоқ»даги Флорес, «Момақалдиқ»даги Тихон, «Холисон»даги Норбойвачча ва бошқа кўпгина роллар бор эди. Бу вақт таълим-тарбия олиш, актёрлик касбининг сир-асрори ва нафосати чаманига илк бор қадам қўйиш даври бўлди. Унинг урушгача ўйнаган, ўзига хос фазилатларни, актёрлик темпераментини яққол очиб берган асосий роли «Отелло» спектаклидаги Яго образи эди. Мазкур рол орқали Раҳимов ўзининг асл санъаткор эканлигини кўрсатди, катта ижодий вазифаларни ҳал эта олишини исботлади.

Етарли даражада ранг-баранг, аммо ҳали бир қолипга тушмаган сахна тажрибасига ва билимига таяниб, Шекспир қаҳрамонларини ички ҳис билан идрок этиб, образ ҳақидаги ўз тушунчасини аста-секин бойита бошлади. Унинг Ягоси шарм-ҳаёсиз ва суллоҳ шахс. Ягонинг ошкора кўполлиги хўжақўрсинга бўлган очиқ кўнгиллиги билан бирлашиб кетади. У Отелло-ни соддалиги, ақли, қоп-қоралиги учун ҳаммадан ҳам кўпроқ ёмон кўради. Яго ўзида йўқ, аммо Отеллода мавжуд бўлган ўзгал сифатлари — самимийлиги, ҳиссиётларининг теранлиги ва софлиги учун ёқтирмайди. Раҳимовнинг Ягоси Аброр Хидоятлов Отеллосининг улуғворлигидан газабланар, қони қайнаб кетарди. /

Раҳимовнинг шу роли орқали партнёрлик муносабатини ниҳоятда аниқ ҳис қилиши, ўз ролини бирма-бир кўриб чиқишдан ташқари, унинг вазифаси ва ақл бовар қилмайдиган мақсадини пьесадаги образларнинг бутун системаси билан, спектаклнинг фоят мураккаб ғояси билан уйғунлаштира олиш қобилияти намоён бўлди. Уша машхур спектаклнинг айрим кичик бўлаклари эски кинолентада сақланиб қолган. Ҳатто шу ленталар орқали ҳам Яго билан Отелло ўртасидаги «ҳаёт-мамонт» ўйинининг нақадар зўр жозиба кучига эга бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Раҳимов Ягонинг мақсадини руҳий жиҳатдан ниҳоятда ишонарли очиб берган. Унинг мақсади Отеллодаги инсоний қадр-қимматни поймол қилиш, уни аскарнинг кўпол этиги билан янчиб ташлашдан иборат эди. У ўз мақсадини газандадек катта

завқ-шавқ билан амалга оширади. Раҳимов талқин этган бу антигуманистик мавзуни томошабинлар дунёга фашизм хавф солиб турган бир вақтда ниҳоятда замонавий руҳда қабул қилдилар.

Наби Раҳимов ҳақидаги мақолаларда Яго билан бирга Гоголнинг «Ревизор» спектаклидаги Хлестаковни кўпинча тилга олишлари бежиз эмас. У режиссёр Гинзбург саҳналаштирган спектаклдаги Хлестаков ролини Ягодан сўнг орадан роппа-роса ўн йил ўтгач ижро этди.

Раҳимов Яго билан Хлестаков орасидаги давр мобайнида классикада («Маскарад»даги Арбенин, «Айбсиз айбдорлар»даги Незнамов, «Ромео ва Жулетта»даги Тибальт, «Мешчанлар»да Нил), миллий драматургияда («Қалтис ҳазил»да Мамадали, Уйғуннинг «Ҳаёт кўшиги»даги Қодир, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сидаги Қўзиев, «Алишер Навоий» спектаклидаги Мажиддин каби) жуда кўп ролларни ижро этди. Бироқ Наби Раҳимовга ҳар доим ҳам омад ва муваффақият кулиб боқавермади. Бизнингча, ўтмиш ва ҳозирги давр атоқли актёрларининг ижро этилган ўнлаб роллари орасида улкан муваффақият қозонган бир неча рол қаторида Раҳимовнинг Хлестаковини тилга олишлари адолатдан бўлса керак. Хлестаков образи ҳам худди Яго сингари фақат актёрнинг ижодий биографиясидагина эмас, балки ўзбек ижрочилик санъатида ҳам муҳим доvon бўлиб қолди.

Наби Раҳимов Хлестаков ролида ўз имкониятларига маълум даражада ишонч ҳосил қилди, комедия қаҳрамонларининг табиатини аниқ ҳис этди. Бунда ижодий жараён давомида саҳнада вужудга келадиган қувонч ҳисси залдагиларга ҳам ўтиб, актёр яратган образдан томошабинлар завқ-шавққа тўлиб кетадилар.

Айниқса, Наби Раҳимовнинг ҳажвий истеъдоди Хлестаковдек масъулиятли образ орқали тўла-тўқис намоён бўлади. Актёр агар саҳнавий эркинлиги ва зукколиги, ўз касбининг устаси эканлиги туфайли Яго руҳиятини қойилмақом қилиб очиб ташлаган бўлса, айнан мана шу ижодий тажрибалари «каллаварам», ниҳоятда боқибеғам, ҳаётда ҳамма нарса ҳамирдан қил суғиргандек осон кўчади, деб ўйлайдиган Хлестаковдек ношуд одамнинг бутун ички дунёсини бошлаб ифодалашга катта ёрдам берди. Раҳимовнинг Хлестакови қотма, сочини пешонасига кокил қилиб қўндирган, олифта, ҳассасини белтлфот ўйнаб юрадиган, ўз уйдирмаларидан махлиё бўлиб, ширин хаёллари бирдан ҳақиқатга айланиб қолганида орқалдига қарамай, ўзини сувда сузган балиқдек жуда эркин ҳис қилади.

Хлестаков образини ифодалаш учун Раҳимовга рус классик драматургияси устидаги тажрибалари — Островский, Горький, Пушкин пьесаларида ўйнаган роллари жуда қўл келди. У Хлестаковдан ташқари Гоголнинг бошқа қаҳрамонларини — «Ревизор»нинг кейинги постановкасида Бобчинскийни, «Уйланиш»да Кочкаревни ўйнайди.

Бироқ ҳар қандай йирик актёр каби Н. Раҳимовни ҳам ҳаммиша замондошларимиз образи ўзига жалб қилиб келган. У бугунги кундаги ижобий қаҳрамонларни жуда кам ижро этган эса-да, бироқ актёрнинг ўзи учун бу роллар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, у ўзининг ўттиз йил илгари ижро этган ролини — А. Қаҳҳор пьесасидаги Қўзиев образини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Раҳимовнинг Қўзиев образи ҳажвий воқеаларнинг шунчаки катализатори бўлибгина қолмасдан, унда янги даврдаги буюк ўзгаришларнинг шоирона руҳи ҳам бор эди. Урушдан қолган гимнастёрка кийган, бироз кулгили, довдир, бироқ кўнгли тоза, ўз ишига қаттиқ берилган, янги ерларни очишда, улкан иншоотлар қурилишида халқнинг ғайрат шижоатини ифодаловчи — 50-60-йилларда совет санъатида жуда кўп учрайдиган кишилар тоифасига киради. У олижаноб, зийрак, ўз иши ва касбига қаттиқ меҳр кўйган, урушдан кейинги оғир даврларни матонат билан ўз бошидан кечирган одамларнинг типик характерини му-жассамлаштирган танти ва ҳалол одам.

Шуниси қизиқарлики, актёр ўз ҳаётида кўпроқ драматик ва фожиали ролларни ўйнаган бўлишига қарамай, Н. Раҳимов кўпчилиққа ҳажвий актёр сифатида кенг танилган. Унинг ижоди санъатшунослар томонидан қатъий белгилаб қўйилган ўзбек театри тараққиётидаги қаҳрамонлик-романтик, комик-ҳажвий ва лирик-поэтик каби асосий йўналишларнинг қолипига сиғмайди. Ўзбек ижрочилик санъатида унинг ўзига хос энг яқин хусусияти психологик йўналиш бўлиб, бу хусусият ҳаммиша энг қизиқарли актёрлик ишлари ва постановкаларида яққол кўзга ташланди. Ролларнинг қандай характердалигидан қатъий назар, у руҳий жиҳатдан барчасига баравар холис муносабатда бўлди. Раҳимов психологик актёр сифатида ҳар қандай йўналишдаги ролларни — комикликдан тортиб фожиавийликкача, маиший образлардан тортиб ҳажвий образларгача, мураккаб драматик характерлардан тортиб буюк фожиавий қаҳрамонларгача ҳалол ёндошди. Ҳаммасини меъёрига етказиб ижро этди. Шунинг учун ҳам биз актёр ижодини қатъий бир оқимга боғлаб қўя олмаймиз.

Шунга қарамасдан, ҳақиқий халқ актёрлари каби ўз томошабинлари учун яшаб, ижод қилган Наби Раҳимовга айниқса, миллий комик анъаналар ниҳоятда яқин ва қадрдондир. Актёр саҳнада комик ролларни, айниқса салбий қаҳрамонларни ижро этганида, бизга сира қийналмаётгандек, куч-қувват сарфламасдан, драматург яратган характер айнан ўзига аталгандек бемалол ижро этади. У ўткир сўз устаси, киноя, шайма ва кесатиқларни чуқур тушунади, ўз умрини тугатган, бироқ бизнинг кунларимизда бир амаллаб кун кечириётган қаҳрамонларни захарханда билан кунпаякун қилади. Чунончи, «Қалтис ҳазил»даги Мамадали, «Оғриқ тишлар»даги Мамарасул, «Тобутдан товуш»даги Қори, «Курорт»даги Тўлан ака роллари юқоридагидек кучли ижро этилган образлар сирасига киради.

Актёр салбий қаҳрамонларни ижро этишда энг ёрқин бўёқларни аямайди. Актёр юмор ва сатиранинг қирраларини кўпинча аниқ фарқлайди. Жамиятга хос бўлган фазилатларни хунук қилиқлардан, соддаликни тўпорилиқдан, пуч хаёлни ҳақиқатдан санъаткорона саралай билади.

Наби Раҳимов ўз комик ролларининг қанчалик ранг-баранг ва муфассаллигига қарамай, образнинг ижтимоий жиҳатини ҳеч қачон унутмайди. Комик қаҳрамон образига қанчалик чуқур кириб кетса ҳам, унинг ижросида актёр шахсияти билан саҳна қаҳрамони орасида доимо чегара бўлади.

Актёр доимо ҳаёт ҳақиқатиға содиқ қолди. Унинг қаҳрамонлари хоҳ замонавий, хоҳ тарихий шахс бўлсин, доимо ҳаёт ўчоғида ҳаракатда бўлади.

Актёрнинг ижодий фаолиятида иккинчи даражали эпизодик роллар борки, уларда Раҳимовнинг ўзига хос хусусиятлари яққол намоён бўлади. Бу Ойбек романи асосида қўйилган «Қутлуғ қон» спектаклидаги Шокир ота образидир. Актёр айнан шу образ орқали ўз дўстларининг кулфатидан изтироб чеккан одамнинг олижаноб образини, унинг халқчил, хулқ-атворини лўнда ва самимият билан, чуқур тамиз билан ўз қаҳрамони тақдирига қайғуриб ифодалайди. Бу образ актёрнинг 70-80 йилларда театрда, кинематографияда, телевидениеда ижро этган турли-туман образларига руҳан ҳамоҳангдир.

Наби Раҳимов кинематографияда ҳам комик актёр сифатида танилди. Шу билан бирга, у театрда ҳам драматик ва трагик ролларни моҳирона ижро этди. 1971 йили «1941 йил олмалари» кинофильмида чолнинг драматик ролида суратга тушди. Бу фильмда замонавий драматик актёр деган мавқеини янада мустаҳкамлади.

Наби Раҳимовнинг ижодий таржимаи ҳоли ўзи ижро этган ролларнинг турли-туманлиги жиҳатидан О. Хўжаев ёки Ш. Бурҳоннов ижодига ўхшаб кетади. Улар ижро этган ҳар бир янги рол орқали санъатда ўзларининг шахсий мавзуини қарор топтиришга интиланлар. Ҳар бир актёрнинг ўз мавзуга нисбатан эркин интилишини ҳеч қачон рад этиб бўлмайди.

Раҳимов классик репертуардан замонавий ролларга эркин ўтиб бемалол ижро этганидек, ўткир характерли образларни чуқур психологик образлардек ёрқин гавдалантириш усулларини ҳам баб-баравар эгаллаб олган. Актёрнинг саҳнавий образлари доираси инсоний улугворлиги ёки кичиклигидан қатъий назар, ҳамиша замонавий руҳда гавдаланади.

1966 йили Ҳамза номидаги театр яна Шекспир асарига мурожаат этиб, бу гал унинг «Қирол Лир» трагедиясини танлаб олди. Раҳимовга герцог Олбени роли топширилди. Бу вақтгача Раҳимов театрда саҳналаштирилган Шекспир пьесаларининг ҳаммасида иштирок этган эди. «Ҳамлет»даги Ларэт ва «Отелло»даги Ягодан ташқари «Ромео ва Жулетта»да Тибальтни ва «Юлий Цезар»даги Каскани ижро этди. Шак-шубҳасиз, актёрнинг Шекспир пьесаларида орттирган бой тажрибаси ва камолот чўққисига етган гражданлик позицияси янги ролни талқин этишида маълум даражада таъсир кўрсатди.

Наби Раҳимов ижросидаги Олбени образи тадқиқотчилар томонидан пьесанинг учинчи қаҳрамони сифатида кам эътибор берилган бўлишига қарамай, аслида у спектаклдаги энг марказий қаҳрамонлардан бири даражасига кўтарилади: зўрлик ва шафқатсизликка қарши бош кўтарган кучлар унинг атрофида тўпланади.

Маълумки, Г. Козинцевнинг «Қирол Лир» фильми Ҳамза номидаги театрда саҳнага қўйилган спектаклдан уч йил кейин суратга олинган эди. Шунда Д. Баниониснинг Олбени роли энг ёрқин ва қутилмаган муваффақият қозонди. Раҳимов ҳам, Банионис ҳам ягона руҳий мавзунинг — зулм ва зўрликка бўлган мурасасиз муносабатни гавдалантирган эдилар. Бир даврнинг турли санъаткорлари томонидан аввал қадрланмаган бир хил мавзунинг олдинги ўринга қўйиб гавдалантирилганликлари чуқур қонуний ҳодиса бўлиб, у ҳар икки санъаткорнинг баркамол дунёқароши ва ўткир замонавий руҳи ҳамда классик асарнинг раҳимов олижаноб мақсадини илоҳи борича тўлароқ очиб беришга ҳаракат қилганликларидан далолатдир.

Раҳимов 70-йиллар мобайнидаги ижодида реалистик санъат чўққиларини эгаллайди. Актёрнинг ижодий йўли Ҳамза номидаги театрдаги ижрочилик санъатининг психологик йўналишларига энг ибратли намуна бўлиб хизмат қилади. Раҳимовнинг айрим йирик ролларида фақат унинг шахсий ижодий муваффақиятлари, ижодий юксалишининг доволарига эмас, балки драматик характерларни ҳал қилиш принципларининг ўзгариши ҳам кўзга ташланади.

Кексайиб қолганига, бадий дунёқарошининг мустаҳкам қарор топишига қарамай, Наби Раҳимов саҳнавий ифоданинг замонавий воситаларига ниҳоятда зийрак ва жон дили билан ёндоша оладиган актёр эканлигини кўрсатди. Бизнингча, актёрнинг ижодий уюшқоқлиги, мутлақо бир-бирига тескари ролларда бир хил маҳорат билан ижро эта олиш қобилияти ана шу фазилати билан уддаланса керак.

Наби Раҳимов яратган характерлар вақт ўтган сайин ихчам, лўнда, залворли бўлаборди.

Комил Яшин пьесаси бўйича А. Гинзбург томонидан саҳналаштирилган «Инқилоб тонги» спектаклида Наби Раҳимов Урганжий ролини ижро этди. Актёр спектаклни яратган санъаткорлар билан биргаликда СССР Давлат мукофотиға сазовор бўлди. Бу ролда ҳам Раҳимовнинг драматик характерни бўрттириш, унга алоҳида ижтимоий залвор бахш этиши яна бир бор намоён бўлди.

Раҳимов ижросидаги Урганжий образи ўз пластинкасида, ташқи қиёфаси, характерининг қасоскорлиги ва пинҳоний маккорлигининг ифодаланиши жиҳатидан ўзбек театрида мустаҳкам аънамага эга. Хусусан, актёр Обид Жалиловнинг шу тахлитдаги образларни яратиш тажрибасига таянган бўлса керак, Раҳимов аънавий тажрибалар билан чекланиб қолмасдан, кичик драматургия материали асосида мураккаб ва қарама-қарши характерли сарой аҳли образини аста-секин очиб беради, уни қутилмаган деталлар, кучли ва сермаъно паузалар, бирданига портлаб кетадиган жиҳатлар билан бойитади. Ниқобланган золим, ёвуз ва қасоскор индивидуалитет, ўз эгасини доимо тишлаб олишга тайёр турган ит каби ўз салмоғи ва салоҳиятиға қаттиқ ишонган айёр сиёсатчи янада қаттароқ мавқега муносибман ҳолда билади. Шунга қарамасдан, у ўзи учун ҳам, биз учун ҳам, мутлақо қутилмаган ҳолда ҳақиқатни чуқур англамайди, ўзи қувғин қилган одамлар қаршисида ниҳоятда ночор ва ожиз эканлигини қаттиқ алам билан чуқур ҳис этади. Кўзи мошдек очилган аниқ ҳақиқатларда қаҳр-ғазаби янада кучаяди, ниятлари ниҳоятда кескин тус олади, оч бўридек шафқатсиз ва хавфли бўлиб қолади. Раҳимовнинг Урганжийи тақдирга тан бериб, таназулни ич-ичидан ҳис қилса ҳам, ўзининг енгилганиға ишонгиси келмайди. Кўпинча, у машъум уйлар гирдобиде изтироб чекади. Айнан мана шундай тош қотган ҳаракатсиз лаҳзаларида унинг бутун руҳий олами тўлиқ намоён бўлади.

Раҳимов ўз фаолиятининг самарасизлигини тушунган, бироқ қайсарлик билан ўзининг

синфий майлига амал қилган ақлли давлат арбобининг руҳий дунёсини санъаткорона чизиб беради. Урганжийнинг асл қиёфаси Фозилхўжанинг онаси Ойхонбиби саҳнасида тўлиқ намоён бўлади. Она айбномалари олдида руҳан мағлуб бўлиб, уларни рад этишга куч тополмасдан, бир сўзни ҳадеб қайсарлик билан тиш орасида: «Уғлинг, қани ўғлинг» деб такрорлайверади. Шу лаҳзаларда онанинг улуғворлиги ва ўзининг ночорлигини хоҳиш иродасига қарши доимо ҳис қилиб туради.

Наби Раҳимов, айниқса 70-йилларда қаҳрамон ички оламини мушоҳада этиш усули ва уни ифодалаш тарзи жиҳатидан ўзини замонавий актёр сифатида тўлиқ намоиш этди. Улкан актёрлик тажрибаси, М. Уйғур, А. Гинзбург, Т. Хўжаев каби режиссёрлар билан ишлаш жараёни актёрнинг ўзига хос, бўртиқ индивидуал маҳоратини шакллантиради. Раҳимовнинг иш тажрибаси йиллар ўтиши билан фақат орттирилган малака йиғиндиси сифатида ҳамда ортиқча жиҳатлардан халос бўлиш натижасида ҳам камолга етди. Агар олдин характернинг руҳий моҳияти қатор пластик ҳаракатлар, ажойиб саҳна техникаси билан чиройли ифодаланган бўлса, кейинги ишларида актёр ролнинг ташқи чизгиларидан иложи борича кўпроқ воз кечади, ижронинг ниҳоятда ихчам, лекин сермано, лунда ва залворли деталларидан фойдаланади. Актёр шу тарика образ характерини чуқур тушунадиган бўлади.

Раҳимов кейинги даврларда У. Умарбековнинг «Комиссия» пьесасидаги Каримов, В. Дельмар пьесаси бўйича саҳналаштирилган «Гариблар» спектаклида Ота, А. Абдуллиннинг «Ун учинчи раис» пьесасида Сағдиев ролларини ижро этди. Бу ролларни актёр мазкур постановкаларнинг ҳаммасига режиссёрлик қилган Б. Йўлдошев билан ҳамкорликда яратди.

Наби Раҳимов Саид Каримов характерини яратишда ўзининг актёрлик «шарҳлари»дан бутунлай воз кечади. Актёр уруш даврида гуноҳ қилиб, уни бир умр қалбига оғир юкдек олиб юрган Каримовни муҳокама қилиб ўтирмайди, уни оқламайди ҳам, қораламайди ҳам. Актёр ўз қаҳрамонининг ҳиссиётлари, ўй-фикрлари, ташвишлари билан яшайди, шу билан бирга, теварак-атрофдаги ҳодисаларни қаҳрамони билан биргаликда кузатади. Раҳимов учун бундай «халис» позиция характерли эмасди. Лекин бу ўринда «халис» муносабатни фақат драматургия материалнинг сифатигина тақозо этмаган; у муносабат режиссёр, актёр позициясининг иложи борича кенгроқ ифодасидир. Қаҳрамон характерини қарама-қаршилиги ва мураккаблиги спектаклдаги унинг ахлоқий қораланиши ҳақидаги умумий вижосани сира ҳам камситмайди. Актёрдаги граждонлик ҳисларининг юксаклиги қаҳрамон хулосони ҳукмининг муросасозлиги ва бешафқатлиги билан боғланиб кетади.

Театр авлодларнинг ўзаро муносабатига, буржуазия дунёсида оталар ва болалар ўртасидаги алоқага бағишланган эски пьесага мурожаат этиб тўғри иш қилган. Ҳозирги вақтдаги фан-техника тараққиётида одамлар ўртасидаги муносабат ниҳоятда кескин ва рационалистик тус олмақда. Раҳимовнинг Ота ва С. Эшонтўраеванинг Она образлари яқин кишилар, ота-она ва болалар ўртасида меҳр-муҳаббат ва самимият ўрнатилиши зарурлиги ҳақида яна бир эслатиб ўтади. Спектаклда она сути билан қонимизга сиғиб кетган катталарга ҳурмат-эҳтиром ҳисси улуғланади.


Отанинг ўз фарзандларига бўлган муҳаббати ҳамма нарсага тушунадиган ва ҳамма нарсага кечира оладиган донишмандлик, бағри кенглик бўёқлари билан бойитилган. У ўзининг кекса хотинини ниҳоятда қадрлайди, унинг аччиқ аламларини чуқур тушунади. Унга бўлган раҳм-шафқати ва хайрихоҳлигини ним хушчақчақлик билан яширишга уринади. Хотинига раҳми келаётганини сездириб қўйиб, уни хафа қилгиси келмайди. Унинг олижаноблиги ва қувноқлиги, майин, дил оғритмайдиган юмор ва самимийлиги, руҳий кўтаринкилиги остида очик таънага қараганда кўпроқ шафқатсиз ҳукм яширинган.

Наби Раҳимов кейинги 10—15 йил ичида кўплаб кинода суратга тушди. Бизнингча, ҳамма театридаги артистлардан ҳеч бири кинодаги ишининг самарадорлиги жиҳатидан Наби Раҳимов билан беллаша олмаса керак. Унинг кинодаги образлари — алоҳида суҳбатнинг мавзусидир. Лекин нима учун айнан Раҳимов замонавий кинематографиядан мустақкам ўрин эгаллагани бизни кўпроқ қизиқтиради.

Кинонинг ўзига хос хусусиятлари, унинг шартли табиати театр актёридан жуда кўп куч-қувватни, бошқачароқ ижодий ҳис-туйғуни, рол устида ишлашнинг бошқачароқ усулини талаб қилади, экраннинг йирик плани қиттак сохталикни ҳам фош этиб қўяди, кинематографиядаги воқеа-ҳодисаларнинг ҳаққонийлиги актёр кечинмаларининг ниҳоятда самимий ва хатти-ҳаракатларнинг табиий бўлишини талаб қилади. Раҳимов ижодий маҳорати айнан ана шу талабларга жавоб беради. Актёр ички кечинмаларни ниҳоятда муфассал очиб беради, ташқи қиёфани ва хатти-ҳаракатларни аниқ тасвирлайди. Кўпчилик актёрлар қийинчилик билан эришадиган оддийликни росмана, қийналмасдан ифодалайди. Бунинг учун эса кинематографияга зарур бўлган катта артистлик қобилиятини эгаллаш лозим.

«Ҳар бир қобилиятли актёр поэтик образларни бадиий содда талқин этиш даражасига фақат етук ёшидагина муяссар бўлади», — деб ёзган эди атоқли рус актёри ва театр арбоби А. Ленский. Наби Раҳимов ҳозир камолотнинг чўққисидадир. У саҳнада ҳам, экранда ҳам инсоннинг мураккаб характерли диалектикасини тобора чуқурроқ ва ўткирроқ англаб, ижод қилмоқда. Актёр томонидан яратилган кўпгина образларни томошабинлар ўн йиллардан кейин ҳам кўриши мумкин. Айрим роллар эса одамлар хотирасида ва мунаққидларнинг ишларида сақланиб қолади. Актёр ҳали яна кўп образлар яратади. Наби Раҳимовнинг номи ўзбек маданияти, миллий театри тарихидан мустақкам ўрин олди. Бироқ, унинг номи ўзбек театри тарихидан қанчалик ўрин олган бўлса, актёрнинг ўзи, унинг улкан тажрибаси ҳозирги замон билан шунчалик ҳамқадам, ҳамнафасдир.





Тошпўлат Тошлонов,

Педагогика фанлари кандидати, КПСС  
Марказий Комитети ҳузурдаги Ижтимоий  
фанлар академиясининг илмий атеизм инсти-  
тути Республикалараро филиали сектор муди-  
ри

## ЗУЛМАТ ИЧРА НУР

Дин — маънавий истибод турларидан  
биридир.

В. И. ЛЕНИН

Бутун дунё пролетариатининг доҳийлари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин Шарққа жуда катта меҳрибонлик ва умид билан қараган эдилар, буюк шоирлар ва ёзувчилар Гёте, Пушкин, Толстой, Горький ва бошқалар ҳам унга чексиз муҳаббат ва ҳайрат билан нигоҳ ташлаган эдилар.

Чиндан ҳам Шарқни севмай ва ардоқламай бўладими? Шарқ инсоният тарихида не-не буюк мутафаккир, олиму фозилларни, шоиру давлат арбобларини етиштириб тарбияламади. Шарқнинг буюк мутафаккир олиму шоирларидан қайси бири ҳақида батафсил айтиб-улгуриш мумкин. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Фурқат, Муқимийнинг номлари жаҳонга машҳур эканлиги ҳаммага маълум. Шарқнинг бундай фарзандларини бутун прогрессив инсоният севиб тилга олади. Уларга зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди.

Булар қаторига яна Умар Хайём, Бобораҳим Машраб каби ўнлаб заҳмат чеккан алломаларни киритиш мумкин.

Хоразмий Шарқ ва Ғарбда ўрта аср математика илми ва мактабининг асосчиси бўлиб, унинг ибтидосида, дастлабки босқичида турган бўлса, Ибн Сино ўша давр тиббиётининг етакчиси бўлиб юксак чўққига кўтарилган эди: Фарғоний эса Урта аср астрономиясини бошлаб берди: Форобий фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрлар ривожига асос солди, ўша даврда Улуғбек томонидан кашф этилган юлдузлар жадвали ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Маълумки, VII аср бошларида Саудия Арабистони ярим оролида пайдо бўлган ислом дини фақатгина Арабистон ерларигагина тарқалиб қолмай, кейинчалик жуда кўп бошқа давлатлар халқлари ҳаётига кириб бориб, ўзининг мафқурасини ўтказишга ҳаракат қилди. Ислому учун кураш йил сайин авж олиб бораверди. Шундай бир пайтда Шарқ уйғониш даври бутун инсониятнинг шу вақтгача ўз бошидан кечирган саҳифалари ичидаги энг буюк ўзгаришлардан бўлди. Бу давр теран фикрли, ажойиб олимларни яратди. Ана ўша замонда яшаган олимлар орасида узоқ саёҳатда бўлмаган, тўрт ёки беш тилда гаплаша олмайдиган, ижоднинг бир неча соҳасида ўзини кўрсатмаган бирор кишини учратиш мумкин эмас эди.

Табиатшуносликнинг ривожланиши, унинг асосида материалистик дунёқарашнинг кучайибериши, руҳонийлар диний ривоятларнинг уйдирмалигини очиб ташлаш қатор қурбонлар талаб қилди. Не-не мутафаккир олимлар, файласуфлар бу йўлда фанатик диндорлар томонидан дорга осилдилар, тириклайин гулханда куйдирилдилар, қанчадан-қанчалари қоронғу зиндонларда азоб тортдилар. Масалан, Жордано Бруно олам ва кoinот ҳақидаги илғор, жасур фикрлари учун тириклайин гулханда ёқиб ўлдирилди. Худди шу йўл билан Брунодан аввал Сервет оловда ўлдирилган эди. Галилей эса табиатни ўргангани ва осмон jismlарини кузатгани учун умрининг энг олтин йилларини зиндонда ўтказди.

Урта аср Шарқда ҳам ўз замониси илғор кишиларининг ҳур фикрлилиги, диний ақидаларининг ёлгонлигининг фош қилиниши ҳукмрон ортодоксал дин тарафдорлари ва ҳукмдор синфларнинг ғазабини кўзғатди. Халифаликнинг маркази бўлган Бағдодда диний фанатизм кучайиб, фалсафа ва табиатшунослик фанлари билан шуғулланган олимлар қувғин остига олинди, зиндонларга ташланди, бошқа йўллар билан жазолаш авж олди, кишилар ўртасида пайдо бўлган ҳур фикрлилики турли йўллар билан бўғиб ташлаш чоралари кўрилди.

Бағдод шаҳрининг марказий майдонида Ибн Халлож тўрт нимтага бўлиниб, қийнаб, фожиали ўлдирилди. Наззом, Равандий, Форобий кабилар ўзларининг дунёқарашлари билан худосизликда айбланиб, улар ёзган асарлар ман этилди. Ибн Синодек буюк табиб эса ўз она

юртидан қувғинда, дарбадарликда вафот этди. Берунийнинг кўп умри зolim Ғазнавий саройида тутқинликда кечди. Носир Хисрав ҳам ўзининг ҳур фикрлари учун Помирдаги энг олис қишлоқлардан бирига абадий сургун этилди. Ҳудудлар дунёсини ўрганган Улуғбек мутаассиб диндорлар фатвоси билан вахшийларча ўлдирилди. Машраб фанатик диндорлар томонидан дорга осилди.

Ҳўш, ислом ҳурфикрлиликка қарши чиқиб, ҳали номлари эслатилган мутаффакирлардан қаттиқ ўч олган бўлса, бу фозилу олимларнинг олиб борган тадқиқотлари нималардан иборат эди?

Ислоннинг Ўрта Осиё ерларига кириб келиши — мачит ва мақбаралар қурилиши, оддий халқни у дунёдаги фанатик дўзаху жаннатлар билан алдаган билангина диндорлар эътиборини жалб қилиб келган бўлса-да, лекин фан ва маданни ҳаётнинг янада гуллаб яшнашига кескин тўсқинлик қилди. Қуръон ва диний ривоятларга зид бўлган ҳақиқий ғояларни кўтариб чиқиш эса мусулмончиликка тўғри келмайдиган ғайридинлик деб қаттиқ қораланди.

Шарқнинг етук мутаффакирларидан бири буюк файласуф Абу Наср Муҳаммад Форобий (875—950) ўз давридаги ахлоқ, психология, табиёт, мусиқа, фалсафа каби фанларни диққат билан ўрганди. У шунчаки Аристотель асарларини чуқур ўрганибгина қолмай, унинг фалсафий фикрларини ҳам давом эттирди. Бунинг учун Форобийга Аристотелдан кейин, «Иккинчи муаллим» унвони берилган эди.

VIII—IX асрларда Араб халифалигининг гуллаган даври ва исломнинг қиличи ўткир бўлган бир пайтда Қуръонда баён этилган таълимот ва ривоятларга зид фикрлар айтиш қанчалик хавфли бўлишига қарамай, Форобий табиатда юз бераётган барча воқеаларнинг ҳақиқий сабабини нарсаларнинг ўз хоссаларидан қидириб аниқлашга ҳаракат қилди. «Ҳамма осмоний жисмлар умумий ҳусусиятга эгадир, худди шунинг учун ҳам улар ҳаракатга келган», деб ёзган эди у «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида» рисоласида.

Форобий фалсафани ўрганишни ҳар бир киши учун нақадар зарур деб биларди. Шунинг учун ҳам «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида»даги рисоласида шундай деб ёзди: «Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг урдасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланидиган бўлсин, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илми ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча ҳақиқий, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин».

Форобий табиат ўзгаришларини кузатиш натижасида жуда кўп ҳодисаларнинг сабабларини ўрганди. Материалистик фикрларни шундай раво тил билан баён қилардики, буни энг содда, билимсиз киши ҳам тезда тушуниб олиши мумкин бўларди. Масалан, у ёмғирнинг пайдо бўлишини шундай тушунтиради: «...Қуёш нури нам ер устига йўналса, ундан кўп буғ кўтарилади, булутлар вужудга келади ва ёмғир ёғади, ҳаро бузилади, тирик жисмлар чириб парчаланadi айримлари ўлади». Мана шу оддий фикрнинг ўзи ҳам исломнинг «Табиат сирларини билиш мумкин эмас, оламда юз берадиган барча ҳодисалар фақат оллоҳнинг ўзига аён» деган фикрларнинг ўринсиз эканини кўрсатиб турибди.

Аллома ўзининг «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида» рисоласида исломнинг жаннат ва дўзах ҳақида таълимотларига қарата қуйидаги фикрларни баён қилган:

«Итоат нима деган масалага келганимизда, у қуйидаги фикрларни эътироф этишдан иборат: оламни қандайдир худо идора этиб туради, руҳоний шахслар эса худони улуғлашга хизмат қилувчи дуоларни, мақташ ва қадрлаш ишларини бошқарадилар, агар инсон бундай урф-одатларни бажарса ва бу оламда ўзи истаган кундалик лаззатдан воз кечса, бунда қатъий турса, унга ўлимдан сўнг бундай қилмишлари эвазига буюк роҳат тақдим этилади. Агар у бундай урф-одатларга амал қилмаса, итоат этмаса ва бутун ҳаёти давомида барча (дунёвий) лаззатдан фойдаланиб келса, у бунинг учун ўлимдан сўнг нариги дунёда катта азоблар билан жазоланади.

Буларнинг ҳаммаси бир гуруҳ (одамлар)га қарши иккинчи гуруҳнинг фойдаси учун қилинган ҳийла-найранг ва макрдан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси бундай лаззатлар учун очик-ойдин ва тўғри кураш олиб боришга қобилиятсиз бўлган одамлар қўлида ҳийла-найранг ва тўзоқдир. Бундай лаззатларни бошқаларнинг ёрдамсиз ва ўз қўллари билан, ўз қуролининг кучи билан қўлга киритишга қудратсиз бўлганларнинг макр-найранглари дир, бу найранг бошқаларни қўрқитиш ва уларни бу нозу неъмат, лаззатлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечишга мажбур қилиш, бу нозу неъматларни бошқаларга топшириш мақсадига қаратилгандир».

Форобий умрининг охиригача мусиқа илми, табиёт илми, шаҳар илми ҳақида, шунингдек, «Ҳикмат маънолари», «Ақл тўғрисида», «Илмлар ва санъатлар фазилати», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Жисмлар ва акциденцияларнинг ибтидоси ҳақида» бир қанча рисолалар ёзди.

У баъзи бировлар каби сарой олими бўлмади. Ўзи яшаган даврдаги давлат бошлиқларининг иззат ва иқромларига қарамай эркин ва озод яшашни маъқул кўрди. Умрининг охиригача ғоят камтар ва фақир киши бўлиб умр кечирди.

Ўрта Осиёнинг улуғ олими Абу Али Ибн Сино (980—1037) ғоявий дунёқарашининг шаклланишида Форобийнинг илгор қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Ун ёшидаёқ у Қуръонни бошдан оёқ билар эди. Ун-ўн уч ёшларда бошланғич математика, қонуношунослик, фалсафа каби илмлар билан шуғуллана бошлади. Шу билан бирга у хинд ҳисобиини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берди. Ибн Сино билимининг янада ошишига замондоши Абу Абдуллоҳ Нотилий ҳам анча кўмаклашди. У орқали Ибн Сино Порфирийнинг «Исоғучи» («Изагоче») китоби билан танишди. Мантиққа оид жуда кўп китобларни мутолаа қилди. Шунингдек, Птолемейнинг «Мажастий» («Алмагеста») асари билан ҳам танишди.

Форобийнинг «Метафизика мақсадлари» асари Ибн Сино дунёқарашига жуда катта

таъсир қилди. Шундай қилиб, Ибн Сино ўзидан аввал яшаган Шарқ мутафаккирларининг асарларини ўрганиб қолмай, қадимги юнон табиий-илмий ва фалсафий меросларини ҳам кунт билан ўқиди. Натижада Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ катта ҳақим (табиб) бўлиб танилди.

Шафқатсиз феодал зулм ва диний реакция ҳукм сурган бир пайтда яшаган Ибн Сино ўз асарларида оддий меҳнаткаш халқ истакларини баён қилди. Бухоро 999 йилда қорахонийлар томонидан босиб олингач, сомонийлар ҳокимияти инқирозга учради. 1000 йилда Ибн Сино Бухородан чиқиб кетиб, Хоразмнинг маркази Гурганч шаҳрига кўчиб ўтади. Бу ерда Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун ўз саройига жуда кўп олим ва шоирларни тўплаган эди. Ибн Сино, Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр, Хуммар ва бошқа донишмандлар билан танишди. Лекин кўп ўтмай, тобора кучайиб бораётган Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишига тўғри келди. Хуросон ва Эроннинг турли шаҳарларида бўлди.

Ибн Синонинг айниқса «Тиб қонунлари» асари оламга реалистик назар билан қараш, табиат ҳодисаларига материалистик тарзда ёндошиши билан алоҳида ажралиб туради. Ибн Сино азайимхон ва дуохон эшонларга қарши кескин курашди. Касалликларни уларнинг ҳаққоний сабабларига қараб аниқлади ва даволади.

Ибн Синонинг табиатга қараши ислом динининг қарашларига бутунлай қарама-қаршидир. Шу сабабли уни руҳонийлар худосиз, даҳрий деб айблаганлар.

Буюк олим 57 йилгина умр кўрди. Бунга дарбадарликда ва қувғинда юриши, турли таъқибларнинг унинг ҳаётига раҳна солгани сабабдир, албатта.

Ибн Сино фақат олимгина эмас эди. У шоир ҳам бўлган. Сино ўзи битган шеърларнинг бирида коинот сирларини очишга ҳаракат қилгани, ечилмаган муаммоларни ечганини айтади-ю фақат бир муаммони еча олмай қолганидан афсусланади:

Қора ер қаъридан то авжи Зухал,  
Коинот мушкулин барин қилдим ҳал.  
Кўп мушкул тугунни онгладим, ечдим,  
Ечилмай қолгани биргина ажал.

Ҳа, Сино ҳали кўп ишларни амалга ошириши мумкин эди. Улуғ олимнинг режалари аниқ эди. У инсон онгининг дин томонидан камситилишига қарши чиқиб, ҳақиқат йўлида курашди.

Ўтмишда турли динларни ўрганиб, уларнинг туб моҳиятини тушуниб етгач, илоҳиётдан ҳафсаласи пир бўлган мутафаккирлардан яна бири Умар Хайёмдир. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, у худо тўғрисидаги ғоядан батамом қутулиб кета олмагани сабабли тўла даҳрий даражасига кўтарила олмади ва шу билан бирга чин мусулмон ҳам бўла олмади:

Бир қўлда қуръону биттасида жом,  
Баъзида ҳалолмиз, баъзида ҳаром.  
Феруза гумбазли осмон тагида  
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом, — дейди бир рубойида у.

Хайёмнинг рубойларини ўқиган киши уни асосан идеалист, аммо кўпинча, стихияли материалист ҳам деб аташи мумкин.

Бир қанча билимларни эгаллаган Умар Хайёмнинг фандаги жасорати ва дадил фикрлари учун руҳонийлар уни динсизликда айбламоқчи бўлишган. Хайём қариган чоғида бундай маломатлардан қутулиш мақсадида ҳаж қилишга мажбур бўлиб Маккага ҳам бориб келган. Бу ҳақда унинг рақибларидан бири шундай ёзади: «Замон аҳли унинг динсизлигини таъна қилиб, яширинча сирлари очилиб кетгач, ўз жонидан қўрқиб, қалами ва тилининг жиловини торти ва ҳудожўйликдан эмас, балки қўрқанидан ҳажга жўнаб, ўзининг нопок сирларини ошкор қилди.»

Хайём умрининг сўнгги йилларида қийинчиликда ҳаёт кечирди. Шундай бўлса-да астрономия, ҳандаса, математика ва фалсафага тааллуқли бир қанча асарлар ёзди. Унинг раҳбарлигида янги тақвим-календарь ва «Зижжий Малик шохий» номи билан машҳур юлдузлар жадвали тузилди.

Хайём ўз рубойларида диний бидъатлар, эскилик сарқитлари, қуръондаги айрим жиддий масалалар устида тўхталиб, уларнинг ўринсиз эканлигини айтади. Шоирнинг бир рубойида бир неча асрлардан буён дўзаху ва афсонавий жаннатини ҳеч ким кўрмаганлиги ва мавжудлиги ҳеч ким томонидан исботланмагани қуйидагича баён этилади:

Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил?  
У дунё хабарин ким берган, э дил?  
Қўрқув-умидимиз шулардан, аммо  
Ному нишонасин ким билган, э дил?

Қуръонда айтилишича, кишининг тақдири оллоҳ томонидан белгиланган. Кимда-ким тақдирга қарши иш тутса, у дунёда қаттиқ жазога тортилади. Модомики, кишининг хатти-ҳаракати оллоҳнинг амри, фармони билан бажарилар экан, унда киши ўлганидан кейин гуноҳлари учун нимага жазоланиши керак! Мутафаккир тўғридан-тўғри худони саволга тутиб, руҳонийларни танг аҳволга солиб қўяди:

Тангри, ўзинг шундай яратдинг мени,  
Маю чолғувчига қаратдинг мени.  
Азалдан шу хилда яратиб қўйиб,  
Нечун дўзахингга қулатдинг мени.

Умуман олганда, буюк олим Умар Хайём ижодидан, ҳур фикрли мазмунга эга рубоийлардан жуда кўплаб келтириш мумкин.

Шарқ мутафаккирлари орасида осмон сирларини аниқлашлари бўйича катта ишлар олиб борган олим Улуғбек (1397—1449), исломнинг киши англаб етмас воқеалар сирларини ўрганиш гуноҳ ҳисобланади, ниманики бўлса ҳам оллоҳнинг амри билан юз беради деган таълимотига қаттиқ зарба берди. Улуғбек фақат олим бўлибгина қолмай, у давлат бошлиғи эди, Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган ана шу давлатни Улуғбек 40 йил бошқарди.

Улуғбек тарихда ўз даврининг машҳур олими ва санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган арбоб сифатида танилди. Унинг сиёсатидан ва илмий-маданий ишларидан норози бўлган мусулмон руҳонийлари ва бошқа реакция кучлар Улуғбекнинг тахтда ўтиришига қарши чиқдилар. Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф отасига қарши гуруҳга бош бўлди, уни реакция руҳонийлар, сўфилар, шайхлар кутқусида тахтдан ағдариларча бел боғлади...

Орадан кўп ўтмай, фанатик диндорлар, шайхлар, ислом уламолари кутқусида золим ҳокимиятпараст Абдулатиф Мовароуннаҳр ҳокими ва табиий фанлар, математика, физика, астрономия фанининг тараққий этишига улкан ҳисса қўшаётган Улуғбекни — ўз отасини Самарқанд атрофидаги Дамашқ қишлоғи яқинида ваҳшийларча қатл этди.

Улуғбек ўзи яшаган даврда дунёда энг катта астрономия иншоотларидан бири — Самарқанд расадхонасини қуришга эришди. Ўз даврининг илғор илмий-текшириш асбоб-ускуналари билан нурулланган олимлар «Зичи Кўрагоний» («Олдулар жадвали») ни тузди.

Улуғбек бошчилигида иш олиб борган шогирдлари — Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Қушчи каби олимлар қуёш марказлик системаси ҳақидаги гелиоцентрик назарияни очишга яқинлашиб қолган эдилар. Улар ўз кузатувларида ва миллий изланишларида ислом дини доимо уқдириб келган ақидаларига қарши бордилар.

Машраб яшаган XVII аср охири ва XVIII аср бошларида ҳам Урта Осиёда феодал тузум ҳукм суриб, мусулмон дини энг авж олган давр эди. Халқ қуръон ва шариатнинг барча қонун-қоидаларини сўзсиз бажариши ҳам қарз, ҳам фарз эди. Мазлум халқдан мусулмон руҳонийлари, шайхлар, имомлар ҳар кун бажарилиши шарт бўлган беш ракат номозни тарк қилмаслиқни, ҳар йили келадиган рамазон ойи рўзасини ва бошқа барча мусулмончилик урф-одатларини сўзсиз бажаришни талаб этарди. Худди шундай замонда Машраб Наманганда камбағал қосиб Валибобо бўзчи оиласида туғилди. У дастлаб ўзи яшаган давр учун мос динни яхши тушунган кишилар қўлида таҳсил олди. Аввал ўз юртида Мулла Бозор Охунд, сўнграқ Қашқарда машҳур сўфий Эшон Офоқ Хожа ҳузурини диний таҳсил кўрди. Аммо Бобораҳим у ва таъсирли дин арбобларининг кўрсатмалари ёқмасди. Шунинг учун уларнинг мана шу ҳаққоний дунёдан воз кечиб, узлатга чекиниш ва тоат-ибодатга берилиб зоҳидона умр гузаронлик қилиш керак деган қақириқларига эргашмади. Офоқ Хожа ва унинг атрофидаги диндорларнинг ярамас кирдикорларини, алдамчилик ва бузуқликларини ўз кўзи билан кўрган сари нафрати ошиб борди. Энди икки қарама-қарши дунёқарашга эга бўлган кишилар ўртасида яшаш мумкин эмас эди. Бобораҳим руҳонийларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатини очиқ-ойдин фош этувчи шеърлар ёзди. Шундан сўнг Офоқ Хожа қаттиқ ранжиб, ундан ўч олиш чорасини излайди. Кўп ўтмай у Бобораҳимни назр этилган канизакларидан бирига муҳаббат қўйганликда айблаб қаттиқ жазолайди.

Бу юртдан бош олиб чиқиб кетган Машраб қолган умрини доимий сафарда, турли ўлкаларда ўтказди. Сўфизм таълимоти ғоят кучайган ана шу даврларда, тасаввуф одамни ўзи яшаб ва кўриб турган дунёдан юз ўгириб, уни тарк этиб, узлатда фақат оллоҳни ёдида тутиб ва «у дунёда яхши ҳаёт кечириш умидида тоат-ибодатни қанда қилмасдан яшашни тарғиб этарди. Шунинг учун ҳам Машраб бундай диний ғоялар билан сира келиша олмади. Унинг ғазалларида руҳонийлар таъқиб этган кишилар мадҳ этилар эди. Оддий инсонга у умид билан боқарди. У мусулмон динида асрлар бўйи меҳнаткаш халқни алдаб келган «дўзах азоби», «у дунё жаннати» ва унинг «ҳури ғилмон»ларига асло ишонмасди.

Руҳонийларнинг Машрабни ёмон кўришига сабаблардан яна бири шундаки, у мусулмонларнинг Катба жойлашган Макка шаҳрига паст назар билан қараганлигидир. Ундан ташқари у ўз шеърларида мусулмонларнинг дилида чуқур илдиэ отган жаннат, дўзах каби тушунчаларга бифарқ қараши билан бирга, уларни «бир шиша майга» алмаштиришга ёки «бир пулга сотишга тайёр» эканлигини очиқ айтади. У шеърларининг бирида шундай дейди:

«Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак?  
Қолган Иброҳимдан ул эски дўконни на қилай?  
Урайинму бошимга саккиз беҳишту дўзахин,  
Бўлмаса васли менга икки жаҳонни не қилай?»

Мана шунинг учун ҳам реакция дин арбоблари, ҳукмрон табақа вакиллари Машрабни ўзларининг ашадий душмани деб билдилар. Уни бутунлай йўқотиш ниятида дин арбобларининг махсус фатвоси чиқарилди ҳамда Балх ҳокими Маҳмудбий Қатагон ҳукми билан Қундузда 1711 йили Машраб дорға осилди. Шу тариқа Машрабнинг қаламини синдиришга кучи етмаган руҳонийлар ва амалдорлар шоирни қатл этиш билан қаноғандилар.

Биз ўтмишнинг кўзга кўринган илғор мутафаккирларидан бир қанчаси ҳақида тўхталиб, уларнинг ноҳақлик, эскилик сарқитлари, ислом дини таълимотларига ўзларининг зид фикр ва мулоҳазалари, муносабатларини рўй-рост билдирганликларини айтиб ўтдик. Дарҳақиқат, улар ўзлари яшаган муҳитдан, ўргинчакдек ўз тўрига ўраб олган ислом таълимоти ва шариатдан қўрқмай дунё, табиат, ҳаёт ҳақидаги объектив фикрларини баралла айтишга интидилар. Аждодларимизнинг диннинг туб ижтимоий моҳиятини очиб ташлашга хизмат қилувчи атеистик ғоялари мафкуравий кураш авж олган бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

# QWQWQW TATAP

1. Биринги асарингизнинг эвлон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. Ёввосита ёзиш жараёни Сизда қай тарихқа кезади? Ўжодда „тиртки“ деган тушунга бор. Масалан, Лев Толстой синиб ётган бўтакўзни кўриши билан қалбда, шуурида тўсатдан „чакмоқ чакқану“ сизу биз яхши биладиган „Хожимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг таърибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз узун айниқса қадрли? Қайси биридан кунглингиз тулмаган?
4. Ўжодда кимни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив фаражданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ўқяётган асарларимизнинг қайси камчилиги Сизни айниқса ташвишга солади? Ўз ижодингизда ҳам камчилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фозилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёзавчи журналистонлар „фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда боғми ёки уни ёзуви игидан тўқиб чиқарганми?“— деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Шанқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидги бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Журналимизнинг ушбу сонда анкета саволларига Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Йўлдош Сулаймон, Хуршид Даврон ва Азим Сўюн жавоб берадилар.

1. Ҳали республика матбуотида бирорта шеърим чиқмаган бўлсада, Жалол Машрабий, Адҳам Ҳамдам, Охунжон Ҳақимовлар тавсияси билан 1960 йил Ўзбекистон ёзувчилар союзи уюштирган ёшлар семинарида болаларга шеър ёзадиган ҳаваскор сифатида қатнашдим. Давримизнинг улуғ адиблари Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Собир Абдулалар билан учрашганимиз, улар суҳбатини эшитишга мушарраф бўлганимиз учун ҳам, ўша семинар ёдимга тушганда дилим равшан тортади. Баъзилар ҳадеб такрорлаётгандай, ёшларга ғамхўрлик энди бошланаётгани йўқ. Уша вақтларда йил этган талант ҳозиргидан ҳам тезроқ шов-шув қилинади. Бунга, тенгдош ёзувчи ва шоир дўстларимнинг парвози мисол бўла олади. Семинарда истеъдодли болалар шоири Турсунбой Адашбоев шеърларидан кейин менинг машқларим ҳам алоҳида муҳокама қилинди. Устозлар таҳлил этишди, ютуқ-камчиликларимни кўрсатишди, болалар шеъриятини қаттиқ ушлашимни тайинлашди. Семинар якунидаги ёш шоирлар мушоирасида шеър ўқидим. Ёдимдан сира-сира кўтарилмайди. Мушоирадан кейин Миртемир домламин, севимли Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Шукур Саъдулла, Эсон Раҳимов бутун кучни болаларга шеър ёзишга бағишлашимга омад тилашди, саховат билан жуда катта умидлар билдиришди. Тўғрисиўз, кескингап, қаттиққўл устоз Қудрат Ҳикмат елкамдан ушлаб:

— Емонмас. Қофиянинг кетидан қувишни яхши кўрадиганга ўхшайсан, аммо эҳтиёт бўл, яна ёзганларинг майнавозчиликка айланиб кетмасин! — деб ўша пайтнинг ўзидаёқ огоҳлантириб қўйди.

Илк шеърларим ўша йили «Гулхан»да чиқди.

2. Ўзимни бадий адабиётга журналистика мактаби орқали кириб келган, ёзишда асосан, ҳаётга бўлган воқеаларга, ўз атрофидаги кишилар кечмишига, хизмати юзасидан учрашган қаҳрамонлар тақдирига суянадиган ёзувчиларнинг кичик шогирди деб ҳисоблайман. Ҳеч қачон турткисиз бирор нима ёзмаганман.

3. Асарларимнинг бўйи-баси қанчалигини биламан. Баъзиси Фарғона муҳитида ярақлаб кўринса ҳам Тошкентга етгунча хиралашиб қолганини кўриб, ҳис қилиб турману ичимдан зил кетганимни ҳеч кимга сездиргим келмайди. Газетадан бошқа ерда ишламаганман. Аввало журналистман. Бу билан фахрланаман. Газетага «дастёр»чиликни жойига қўйишга ҳаракат қиламан. Нималарни ёздам? Камтарлики бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўзимни ёзувчи деб ҳисоблайдиган бўлсам: бадий ижоддаги ютуғим ҳам, тузатиб бўладиган ва тузатиб бўлмайдиган нуқсонларим ҳам гоҳ эплаганимдан, гоҳ эплолмаганимдан!

4. Бир неча чашмаларнинг суви бир-бирига қўшилиб, Фарғонанинг кўпгина қишлоқларида бир ерда анҳор, бир ерда ариқ бўлиб оқади. Ана шу ариқ ё анҳордан олинган бир ҳовуч сувнинг қайси булоқни эканлигини билиб бўлмайди. Унда ҳамма чашманинг улуши бор. Севимли ёзувчи, шоир, журналистларнинг ҳаммасини, тенгдошларимнинг кўпчилигини, ўзимдан ёшларнинг бир қисмини устозим деб биламан.

Аммо шундай қулай пайт келганда, ақалли икки устозни — комсомол ва партия ветерани Алижон Пайғамов билан шогирдпарвар ёзувчи Носир Фозилов ҳақида сўз айтмасам бўлмайди.

6-синфда ўқир эдим. Танаффусга чиқишимиз билан бош пионервожатийимиз Сотволди Турдиматов:

— Тез бўл, тугмаларингни қада, галстукни тўғрила. Сени район ижроия комитетининг янги раиси Алижон Пайғамович сўраяпти, — деди, — э, тўнингни бунчаям ямоғи кўп. Майли, юр!

Ўқитувчилар хонасига Сотволди Турдиматовга эргашиб киришим билан хушбичим кийинган, сўзлари ёқимли киши ўрнидан туриб қўл узатди. У Алижон Пайғамов эди. Пайғамов деворий газетадаги шеъримни ўқиб, мени кўрмоқчи бўлганини билдириб, баҳоларимни, қандай китоблар ўқиётганимни суриштирди.

Тошкент сафарига чиққанымда ҳаммадан илгари Носир Фозиловнинг очиқ чеҳраси, меҳмондўст хонадони кўз олдимга келади. Унинг қанчадан-қанча кунларини ўғирлаганимни, айниқса, «Субҳидам», «Вафо» романларимнинг қўлёзмасини ўқиб, эринмай сатрма-сатр таҳлил этганларини бот-бот ўйлайман.

Мен мактабларда фақат ўқитувчилар билангина эмас, ўқувчилар билан ҳам ҳамсуҳбат бўладиган Пайғамовдек партия, совет ва хўжалик раҳбарларини ҳамда Носир Фозиловдек ҳожатбарор устозларнинг кўпроқ бўлишини истайман.

5. Бу — ўз халқининг содиқ фарзанди бўлиш ҳисси билан яшаш ва шу ҳис билан ёзиш ва кураш!

6. 10-синф битирувчиларининг Фарғона шаҳар слётида ўнлаб ёшлар қатори қизим Адибахонга ҳам аттестат билан бирга олтин медаль топширилгандаги ҳолатим ёдимга тушади. Уғлим Рустамбек 10-синфини олтин медал билан битирганда ҳам, армияда хизмат қилаётган кичик фарзандим Ҳамдамбек қўмондонлик ташаққурини олганини эшитганимда ҳам худди шу кайфият такрорланган. Шундай фарзандларнинг отаси бўлганимдан нақадар бахтиёрман.

Халқ фарзандингни олқишлаб турса, гашти бутунлай бошқача бўлар экан! Ўзим ҳам, фарзандларим ҳам халқ учун керак эканмиз, мен бахтлиман. Бахтсиз куним эса йўқ.

7. Яқин ўтмишдаги доғ ва хатоликлар ҳақида ёзишга бутун ёзувчилар бирдай ёпирилиб киришгани негадир менга ботмаяпти. Илгари кўзлари қаерда эди?!

Биз, фарғоналик ёзувчи ва шоирлар ўзимиз билан бир жойда ёнма-ён яшаб, ишлаб турган кишиларнинг нима билан нафас оляганларини, нимани ўйлаётганларини чуқур билмаймиз. Натижада улар ҳақида худди ўзларидай асарлар ёзолмаяпмиз. Езёвон чўллари, Қизилтепа, Бағдод, Комил ҳўли, Қолгандарё массивларининг бугунги манзараси, уларнинг

бугунги боғ-роғлари, ноз-неъмат, мўл-кўлчилик дастурхонига айлангани, янги завод-фабрикалар қурилиши, сув омборлари, у ерлардаги курашлар, дардлар, шаклланаётган кишилар нега бизни ҳаяжонлантирмайди? Ким ана шулар ҳақида эсда қоладиган эҳтиросли, ибратли, қўлма-қўл бўладиган асар ёзди? Ҳатто тузукроқ очерк йўқ. Қани, ўзини шоир деб, ёзувчи деб юрганлар? Нималар ҳақида ёзаямиз ўзи?!

8. Мардликни, муҳаббатни қадрлайман. Энг ёмони кўрнамаклик билан беюзлик!

9. Пилла бориб-бориб, ловуллаган атласга айлангандай ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар сараланиб-сараланиб, охири асар бўлишини ҳақиқий китобхонлар билишади. Асарларимдаги асосий қаҳрамонларнинг деярли барчаси ўзим кўрган-билган кишилар. Аммо исм-фамилияларини ўзгартиришга мажбур бўлганман. Чунки, уларни ўз «мақомимга йўрғалатганман. Ишонтиролганманми-йўқми, буни айтолмайман.

10. Танқидчиларга отадинг тошим йўқ. Баъзан осмонда юрганимда ерга тушириб, пўстагимни қоқиб, эсимни киритиб, ўзимга келтириб қўйган жойлари ҳам бор. Баъзан сафсатабозлик билан ёзилган адабий мақола ва тақризларни ўқиб, «жозибали ёзиш қўлингдан келмас, адабий танқид ҳам завқ билан ўқилиши лозимлигини тушунмасанг, нима қиласан бу муқаддас даргоҳда хор бўлиб, одамлар кўзига хунук кўриниб» дейман ичимда. Раҳмим келади. Танқидчи бўлганимда энг биринчи ана шундай таънадан кўрққан, улғ В. Белинский руҳини қадрлаган бўлардим.

11. Янги романимга сўнгги нукта қўйдим.

## Хуршид Даврон

1. Биринчи «асарим»нинг эълон қилинишидан кўра ундан олган сабоғим ёдимдан чиқмайди. Бу асар район газетасида босилган лавҳа эди. Лавҳа «Машхур пиллачи» деб аталарди. «Машхур пиллачи Фалончи опа ҳар бир қутидан фалон килограмм пилла топширди». Газета чиққан куннинг эртаси мактабдан қайтсам (8-синфда ўқирдим) онам хивчин ушлаб кутиб турибди.

— Нега ёлғонни ёздинг? — деди онам. — Фалончихон мана икки ойдан буён касалхонада ётган бўлса, бу ёлғонни қайдан топдинг, яшамагур?!

Хуллас ўша куни еган хивчинларим ёлғон нима эканлигидан яхшигина сабоқ берди.

Шунинг учун бўлса керак баъзи китобларда ёлғон кўплигини кўриб қолсам, муаллифини хивчин билан савалагим келади.

2. Кечаси ёзаман. «Туртки»ларга келганда эса, шеърларнинг тўқсон фоизи шу тарзда ёзилади. Мана шулардан бири. Синфдошимнинг бир гапи сабаб бўлиб ёзилган. Уша гап билан шеър яқунланади.

### ҲАВАС

Ҳавасим келар унга,  
Даромади кўп эмас.  
Ойлиги ҳам ўртача,  
Ҳеч ким уни танимас.

Машинаси йўқ унинг,  
Уйи ҳам бир хонали  
(Тўққизинчи қаватда),  
Тагин у кўп болали.

Болалари шум, шайтон,  
Хотини-ку жодугар.  
Боз устига у камқон,  
«Оғриб турар», — дер жигар.

Ҳавасим келар унга,  
У мисоли қайноқ қум  
Шунча ташвишни ютиб,  
Кўзларида табассум.

Ғам чексам овунтирар,  
Қайдан унда шунча шашт.

Мени қучиб шивирлар:  
«О, қандай яхши яшаш!»

3. Шу пайтгача ёзилган шеърларимдан бармоқ билан санарлиси ўзимга ёқади. Биринчи тўпламимдаги кўпгина шеърлар ва кейинги тўпламларимга кирган шеърлардан «Мен севаман, — шивирлар аёл...», «Ойбек», «Девон ул луғатит турк» оҳанглари», «Жанг тугади. Отлар кишнамас», «Ояр Ваҷиетис хотирасига», «Ханжар ҳақида ривоят», «Алпомишнинг қайтиши», Номоз ҳақидаги шеърлар шулар жумласидан.

4. Шеъриятдаги идеалларим — Бобур, Ойбек, Усмон Носир. «Учиб бораман қўшлар билан» номли китобимни уларга бағишлаганим бежиз эмас. Устоз ҳақида эса шеър билан айтмоқчиман:

Усмон Носир, Ойбек ва Бобур...  
Мен улардан ўргандим — бу рост.  
Лекин шеърда устоз йўқ. Бордир  
Фақат виждон —  
Энг буюк устоз.

Виждон бордир — юрак тубида  
Булоқдайин жимирлаб турган.  
Виждон бордир — зулмат тўнида  
Юзимизни қуёшга бурган.

Виждон юрак мисоли тинмас,  
Тозаланар унда шеър қони.  
Муса Ойбек шеърятимас,  
Айтмоқ керак:  
Ойбек виждони.

Шундай экан, ҳақ дея сармаст,  
Дилда алқаб юрт суратини,  
Шоирларнинг ўгитин эмас,  
Едла улар жасоратини.

Шеърларингни эмас, умрингни  
Улар билан айлагин қиёс.  
Элга бахш эт юрак кўрингни,  
Садоқатли бўл мисли қуёш.

Виждон эрур Абдулла Қаҳҳор  
«Жаллодлар» деб ҳайқирган сўзлар,

**Тилсиз қолган Ойбекнинг ошкор  
Дил дардлари айқирган кўзлар.**

**Ғафур Ғулом «Етим эмассан!»  
Деб ҳайқирган сўзлари — Виждон.  
Кўлингга қурол ол! Ёвни енг!» —  
Бу сўзлар ҳам виждондир, виждон.**

**Бугун не-не шоирбаччалар  
Қоғозни кўр қилгани оздек,  
Миртемирни устоз деб атар,  
Аммо қай бир «шоғирд» устоздек  
Халқни ўйлаб лахта қон ютар!**

**Эй, жигарим парчаси, шеърим,  
Эй, виждоннинг покдомон ўғли,  
Занжирларни узган, эй, шерим,  
Мард бўл, бўлгин юраги чўғли.**

**Усмон Носир, Ойбек ва Бобур...  
Сўзларимиз балки хўб ўхшаш.  
Устоз йўқдир,  
аммо бирма-бир  
Душман билан келганда тўқнаш.**

**Устоз йўқдир ишқда.  
Устоз йўқ  
Олар чоғи душмандан қасос.  
Улимдаям устоз йўқ,  
Фақат  
Виждон бордир —  
Энг буюк устоз.**

5. Ёзувчининг актив граждандлик позицияси деганда мен унинг ҳақиқат учун курашини, бу йўлдаги фидойилигини, жасоратини англайман.

6. Бахтли кунларим ҳам, бахтсиз кунларим ҳам кўп.

7. Ёлғон кўп. Сохта курашчанлик, ясама ватанпарварлик кўп. Энг ташвишлиси мана шундай асарларнинг китобхон томонидан эмас, мукофот берувчилар томонидан қадрланиши.

Ўз камчиликларим ҳақида гапирсам, энг аввало кўпгина шеърларимда ижтимоий оқим билан лирик оқимни омухта қилолмаяпман.

8. Фазилатлардан — ростгўйликни, фидойиликни, содиқликни ёқтираман, қусурлардан, айниқса, иккиюзламачиликни кўришга кўзим йўқ.

9. Шоирнинг қаҳрамони кўпроқ унинг ўзи бўлади.

10. Ҳозирги шеър танқидчилиги ҳақида гап кетганда ёдимга чумоли келади. Нега дейсизми? Мен чумолини қанчалик тушунмасам, бугунги ўзбек танқидчиси шеърни шунчалик тушунмайди. Баъзи танқидчиларимиз шох Мидаснинг эшаққулоқлигидан хабардор хизматчи ёхуд Искандар Зулқарнайн шохдорлигини билган сартарош ҳақидаги афсонадагидай кўрганларини, билганларини ҳеч кимга айтмай, кўрққанларидан ё қудуққа айтадилар, ё ерга чуқурроқ кўмиб қўядилар. Асл ҳақгўй танқидчилар икки-уч киши, холос.

Ўзим танқидчи бўлганимда нима қилишимни билмайман. Ҳар қалай бугун Шайхзодадек улкан шоирни мақтаб, эртага эса (иши тушгани учун) ўртачадан пастроқ бошқа бир қаламқашни осмонга кўтариб юрмасдим.

11. Бундай саволга прозаик жавоб берса арзийди. Умуман, айтиб қўяй, анкета саволлари шоирдан кўра, ёзувчига кўпроқ мўлжалланган. Лекин бир орзумни айтмоқчиман:

**Биласизми, менинг орзум бор:  
Бир шеър ёзсам ва бу шеърда қор  
Ойдинда гуп-гуп ёғиб турса,  
Ёғиб турса, товланиб турса.**

**Мен эса жим боқиб бу қорга  
Шеърлар битсам кетган баҳорга.  
Олисдаги кузак боғлари,  
Дарахтларнинг қора шохлари,**

**Шеърларимнинг сатрлари ҳам  
Оппоқ қорга кўмилсин ул дам.**

**Ҳатто шеърим тугатсам ҳамки,  
Тугамаса қорнинг байрами.**

**...Тунлар кўзим очиб ётганда,  
Хаёлларни қучиб ётганда,**

**Тарновлардан томчиласа қор —  
Яқинлашиб қолганда баҳор...**

## Азим Суюн

1. Журналимиз анкетаси саволларини кўриб чиқиб, уларга жавоб беришдан олдин кўп йиллардан буён қадрдон бўлиб кетган эски чамадонни очдим. Унда бутун «бойлигим» — барча нашрларим сақланади. Бир сўз билан айтганда: архив.

Ёдимдан кўтарилган экан — биринчи «асар»им 1961 йил «Гулхан» журналининг март сонида босилган «Китоб ўқиган эдим» деган бадийнамо мақола бўлиб чиқди. Имзо: Азимжон Олимов (отамнинг исми Олим).

Асосий машғулоти — шеърларимдан намуналар эса 1965 йил «Ғунча» журналида босилган. Лекин мен «биринчи асарларим» деб, 1975 йил «Гулистон» журналининг 11-сонида чоп этилган бир туркум шеърларимни биламан. Шеърятнинг гоят нозиктаъб тадқиқотчиси Иброҳим Ғафуров «Оқ йўл» берган. Имзо: Азим Суюн (Суюн — бобомнинг исми). Шундан буён шу имзо остидаги шеърларни шахсан ўзимники деб ҳисоблайман.

2. Ёзиш жараёни... носирларни билмайману, аммо шоирларда бу ҳолат жуда турли-туман кечиши табиий. Асосан тунда — шовқинли ҳаётдан узилиб ишлайман.

«Туртки» масаласига келсак... у азалдан бор нарса. Менинг тажрибаларимда ҳам бўлган — эсимда қолганлари кўп.

1976 йил «Фан ва турмуш» журналининг қайси бир сонида Наури ороли ҳақида ўқиб қолдим. Гап шундаки, бу орол тупроғи фақат фосфатдан иборат. Унда 36 хонадон яшайди. Бу оролнинг эгалари ўз заминларини — Ватанини, яъни фосфатни тинимсиз қазиб олиб, чет элликларга сотади, шу кетишда кетса, тезда орол замини тугайди. Бирдан, ўзи ўтирган шохни арралаб, дарахтдан йиқилиб тушган ўзимизнинг Насриддин афанди ҳақидаги машҳур латифа ёдимга тушди.

Ана шу факт «Замин тақдири» достонимнинг яратилишига олиб келди.



3. Тортинмайман, айтаман. «Тоғларда куз», «Тутқун», «Туннинг қора сукунати...», «Чингиз Аҳмаров», «Аёл жангга кирса...», «Қуёш ботар пайти...», «Соғинч», «Вола» каби шеърларим, «Қадимги Мурота кўшиқлари» туркумим, «Замин тақдири» дostonим ўзимга ардоқлироқ.

Кўнглим тўлмаганларини эса доимий равишда ишлаб бориш одатим бор.

4. Фалончи деб айтолмайман. Халқ оғзаки ижодини севаман. Халқимиз тарихи — менинг ижодим учун доимий манбалардан бири. Маҳмуд Қошғарий, Абдулла Қодирий тилини ғоят қадрлайман. Прозани кўп ўқийман. Бир гап айтайинми?.. Энг нодон назмбоздан ҳам ўрганаман.

5. Агар сенинг ижодинг халқингга, жамиятга ўз эзгу таъсир куч-қудратини кўрсатолса, бу граждaнлик позициянг тўғрилигидан далолатдир.

Нега бир умр кўлидан қаламини кўймаган Алишер Навоий кези келганда кўлига қилич тутди? Нега Байрон мутлақ бегона элда — Юнонистонда озодлик учун курашувчилар тарафидан жангга кирди? Нега Чернишевский «Нима қилмоқ керак?» деган саволни кундаланг кўйди? Нега? Чунки, уларнинг сўзи ва фаолияти бир эди!

6. Бахтли дамларни мен нимагадир тез унутаман. Бахтсиз дамлар... бирини хотирлашга рухсат беринг.

1961 йил. Декабрь. 6-синф ўқувчисиман. Аълочиман. Синфкомман. «Шоир» деган номим бор. Ҳурматим жойида.

Дарсдан мени директор идорасига чақирди. Остонадан киришимни биламан, биров ёқандан маҳкам ушлаб, юзимга бир тарсаки туширди. Қарасам, қишлоғимиз магазинчиси Турсунқул ака елкамдан маҳкам сиқиб ушлаб турибди. «Кеча қаерда эдинг?» — деди у важоҳат билан. Мен зўрға «уйдайдим» деб жавоб бердим. «Уйдаминг?» деди у яна. «Уйдайдим» дедим мен. У бу юзимга ҳам тарсаки тортиб юборди. Директордан тортиб, оддий ўқитувчиларгача бу ҳолга бепарво қараб турар эди. Мен ҳеч нарсани тушунмасдим, қалтирдим. Яна магазинчи «Ростини айт, кеча қаерда эдинг?» деб сўради. Мен яна уйдалимни айтдим. «Йўқ, сен кеча уйингга бормагансан, магазинга ўғирликка тушгансан, ручка, перо, чой ўғирлагансан, мана, синфдошинг айтди» деб бурчакка ишора қилди. Бурчакда бир синфдошим — узоғроқ қариндошим шумшайиб, кўзлари ўйнаб турар эди... Қисқаси, мен туҳматга қолгандим. Қариндошча — синфдош қишлоқ магазинининг ойнасини синдириб, пул ҳисобида 6 сўмлик нарса ўғирлаган, магазинчи «сен бир ўзинг ўғирламагансан, шеринг бўлган, шунга айт» деб уриб зуғум қилгандан кейин у мени ўзига «шерик» қилиб олган.

«Ўғри» деган номга эга бўлиб олдим. Ибот қилиб кўрчи? Кимга борасан? Кимга тушунтирасан? Ҳамма кўлларини бигиз қилиб «ўғри» дегандек бўлади. Озиб-тўзиб кетдим. Мактабга бормай кўйдим. Синфкомликдан туширишган. Одамларга кўринмасликка ҳаракат қилдим. Ҳеч кимсага кўринмай йўғлайман. Одамови бўлиб қолдим. Ана шунда:

Кўй, ифлос, сўзларга солмагил қулоқ,

Ҳар хил иғволарга бермагил қулоқ.

Туҳматга йўлиқсанг мабода агар,

Ўз жойида қарор топадилар ҳақ, — деб ёздим.

(Айнан кўчирдим). Азбаройи, жиддий фикрлашга ўтдим — одамлар ҳақида бошқача ўйлай бошладим.

Кейин ҳақиқат-ку, қарор топди. Аммо ўша дамларни, ўқитувчиларимнинг «томоша» қилиб туришларини асло кечиролмайман. Менинг учун энг бахтсиз дамлар ўзимнинг ҳақлигимни исботлай олмай юрган ўша дамлар эди!


7. Эркин вазнда ёзилган шеърларим талайгина. Кейинги пайтда нимагадир бу вазндан ихлосим қайтди.

8. Инсондаги эътиқод туйғусини жуда қадрлайман. Ғаламислик, иккиюзламачиликдан нафратланаман.

9. Ҳаёт ҳақиқати — бадий ҳақиқатга айланмаган асарнинг кимга кераги бор!

10. Танқидчининг вазифаси ёзувчи ва ёки шоир ижоди мисолида ҳаёт ҳақидаги, жамият ҳақида юрагидаги ўз гапларини, ўз ўйларини, ўз хулосаларини қувонч ё изтироб билан баралла айтиш деб тушунаман. Мабода танқидчи бўлганимда шу йўлни тутган бўлардим.

11. Шу йил бошида «Сарбадорлар» деб номланган шеърый трагедия ёзиб тугатдим. Ҳозир сайқал бериш билан бандман.



## «ТИЛЛА БАЛИҚЧА»НИНГ ТОЛЕИ

(«Шеърлар ва талқинлар» туркумидан)

60-йилларда шакллана бошлаган янги ўзбек шеърятининг бадий-эстетик моҳиятини ва ижтимоий-ғоявий йўналишини тўғри ёритиш вазифаси бир қанча масалаларга жиддий эътибор бериш заруратини туғдиради. Айниқса, янги лирик қаҳрамоннинг воқеликка ўзига хос муносабати ва 60-йиллар шоирлари ижодда поэтик конфликт масаласи ўзбек шеърятининг ғоявий-эстетик мағзини белгилайди. Бу икки жиҳат эътибордан соқит қилинганда янги шеър «англашилмас» ёки «мавҳум», янги лирик қаҳрамон эса «мубҳам» ва «муаммоли» бўлиб туюлаверади.

60-йиллар шаъриятида пайдо бўлган янги ва ўзига хос кайфиятни ўз вақтида Ойбек, Ғ. Фулом, М. Шайхзода, А. Қаҳҳор, Миртемир каби устоз санъаткорлар юксак баҳолаган эдилар. Абдулла Қаҳҳор чуқур ишонч билан: «Ўзбек адабиёти келажақда буюк адабиёт бўлади», деб башорат қилинганда бевосита 60-йилларнинг ҳали вояга етиб улгурмаган навкирон авлодининг насрий ва шеърый изланишларини кўзда тутган эди. «60-йиллар адабиётимиз тарихига умуман бадий ижод ва хусусан поэзия гуллаб-яшнаган йиллар бўлиб киради», деб ёзган эди мунаққид Озод Шарафиддинов («Замон, қалб, поэзия»).

Мазкур давр ўзбек шаъриятини ўша йилларда яратилган ва ўзида ўша давр поэзиясининг етакчи тенденцияларини акс эттирувчи қатор намуналарсиз тасаввур қилиш қийин. Жумладан, Абдулла Орипов ижодининг илк босқичига тааллуқли «Тилла балиқча» шеъри фақат ўзининг юксак ғоявий-бадий таъсир кучи билангина эмас, балки умуман ўша давр шеърятинидаги ўзига хос кайфиятнинг, янги мазмунли поэтик конфликтнинг порлоқ ифодаси сифатида ўзбек шеърятинида алоҳида ўрин эгаллайди.

Шу боисдан ҳам мазкур шеърга, ундаги тилла балиқча образига адабий танқиднинг муносабати алоҳида қизиқиш уйғотди. Истеъдодли танқидчи Михли Сафаров фикрича, шоир «дунёга фақат ўз ҳаловати, манфаатлари кўзи билан қарайдиган усти ялтироқ, ичи қалтироқ кишиларни «тилла балиқча» тимсолида нафрат билан элга намойиш қилади».

Шу хулоса фақат бир танқидчининг мулоҳазалари доирасида қолиб кетганида эди, масала бу даражада принципиал аҳамият касб этмаган бўларди, албатта. Гап шундаки, мазкур фикр йиллар давомида турли бўғинга мансуб танқидчилар томонидан у ёки бу шаклда, баъзан ўзига хос бир хотиржамлик билан давом эттирилавериб, охир-оқибат «Тилла балиқча» шеъри адабий танқиднинг объектига айланиб қолган. Бундай қарашнинг анча батафсил ва ёрқин ифодаси сифатида таниқли ва тажрибали танқидчимиз Матёкуб Қўшжоновнинг мулоҳазалари диққатни тортади: «Абдулла Орипов салбий типларнинг хилма-хилини топади. Мана унинг «Тилла балиқча» (1965) номли шеъри. Шеър ихчам, бор-йўғи саккиз мисрадан иборат, бироқ унда яратилган образ катта маъно касб этади.

Тухумдан чиқбдики, балиқча ҳовузни кўрибди (!), «ташландиқ ушоқ еб» ўсибди, «хори хас ҳазонлар» билан устини ёпибди (!!), «мудроқ толларнинг аччиқ ҳазонини шимибди...

Фараз қилиш керакки, балиқча шу шароитда ўсди, сузиб ҳовузнинг у бети билан бу бетига сонсиз-саноксиз ўтибди(!!). Унинг учун сувнинг энг каттаси шу ҳовуз. Дунёдаги кўз илғамас ирмоғу жўшқин дарёларни у тасаввур ҳам қилолмайди. Бутун дунёни мана шу «кўлмак ҳовуз», деб билади. Ахир дунёни фақат ўзининг тор буруқсаган дунёқараш орқали кўрадиган, баъзан фақат ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридан ҳаётга муносабатда бўладиган, ўзини эр билиб ҳаётда «шерлар» борлигини тасаввур қила олмайдиган тилла балиқсифат худбинлар бор-ку!

Абдулла Орипов учун кўряпсизки, ёмонликнинг оти фақат ёмонлик эмас. Унинг хиллари бор. Темирсифат одамлар ҳам ёмон, шунингдек, тилла балиқсифат одамлардан ҳам яхшилиқ чиқмайди. (Таъкидлар бизники — Я. Қ.)

Қизиқ, шеърдаги тилла балиқча образини ёмонликнинг тимсоли сифатида салбий тип, деб талқин қилиш ўзини қай даражада оқлар экан?! Ҳақиқатдан ҳам, тилла балиқча ўзида «дунёни... тор, буруқсаган дунёқараш орқали кўрадиган... тилла балиқсифат худбинларнинг, «усти ялтироқ ичи қалтироқ» кимсаларнинг умумлашган образини мужассамлаштирадими?! Наҳотки, тилла балиқча образини яратишдан кўзланган мақсад унинг тимсолида манфаатпарастлик, худбинлик каби иллатларни фош этишдан иборат бўлса?!

**Тухумдан чиқди-ю келтириб уни  
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.  
Ташландиқ ушоқ еб ўтади кун,  
Хору хас, ҳазонлар устин ёпилар.**

**Дунёда кўргани шу тор ҳовузча  
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.  
Менга алам қилар, тилла балиқча  
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...**

Юқорида келтирилган кўчирмада шеър мазмунининг анча ўзгарганлигини пайқаш қийин эмас. Негадир шеърдаги «Тухумдан чиқди-ю келтириб уни Шу лойқа ҳовузча томон отдилар» деган таъкид, танқидчи талқинида «Тухумдан чиқибдики, балиқча ҳовузни кўрибди» тарзидаги хабарга айланиб қолган. Ёки «Хору хас, хазонлар устин ёптилар» мисрасининг мазмуни танқидчи томонидан «хори хас хазонлар билан устини ёптибди» тарзида ўзгартрилган. Шундай қилиб замирида у жуذا муҳим ва катта маъно яширинган «отдилар» ва «ёптилар» феълларига (таъкидларига) чуқур эътибор берилмаганлиги туфайли шеърдаги бутун бошли бир образ, яъни поэтик конфликтнинг иккинчи кутбини ташкил этувчи «улар», («хору хас, хазонлар») бутунлай унутиб юборилган. Бу эса «Тилла балиқча» шеърдаги конфликтнинг моҳияти ва йўналишини тўғри тушуниб етишга наинки халақит берган, балки тилла балиқча образини худбинлик ва манфаатпарастликда айблашгача етиб келган.

Аслида ўткир ҳаётий конфликт асосига қурилган «Тилла балиқча» шеъри муаллифнинг воқеликка ўзига хос муносабатини ифодаловчи асарларидан бири бўлиб, ўзида бутунлай бошқача ижтимоий мазмунни акс эттиради. «Тилла балиқча»нинг ғоявий-бадий моҳиятини, ундаги поэтик конфликтнинг йўналишини тўғри белгилаш учун мазкур шеърни Абдулла Орипов ижодининг илк босқичига мансуб «Булоқ», «Гиёҳ», «Булут», «Дорбоз» сингари шеърлар контекстида кўриб чиқиш масалага анча аниқлик киритади. Чунки Абдулла Орипов ижодидида ўзига хос бир силсила ташкил этадиган мазкур шеърлар билан 60-йиллар поэзиясида янги мазмунли бадий конфликт — шоир идеалига уйғун инсон (лирик «мен») ва шу идеалдан йироқ «одамлар», шу идеалга номуносиб муҳит (микромуҳит) ўртасидаги қарама-қаршилиқни акс эттирувчи конфликт шакллана бошлаган. Агар синчиклаб кузатилса, Тилла балиқчанинг Булоқ, Гиёҳ, Булут, Дорбоз каби образлар билан тақдирдошлигини, улар ўртасидаги ғоявий муштараклиқни илғаш қийин эмас. Бу муштараклик, энг аввало шунда кўринадики, Тилла балиқча, Булоқ, Гиёҳ, Булут, Дорбоз каби образларнинг ҳаммаси ҳам поэтик конфликтнинг ижобий кутбида турган бўлиб, ўзида у ёки бу даражада шоирнинг эстетик идеалини, эзгулик йўлидаги орзу-истакларни мужжасамлаштиради. Аксинча, «Тилла балиқча» шеърдаги тилла балиқчани кўлмак ҳовузга ташлаган бешафқат ва нодон қимсалар, «Булоқ»даги инсон эркига бепарво, инсон иродасининг қудратига ишончсиз «одамлар», «Дорбоз»даги жасорат туйғусидан маҳрум, кўзи очиқ, аслида «кўр» одамлар, «Гиёҳ»даги итоаткор «оғир харсанг тошлар», «Булут»даги дайди ва омонсиз шамоллар, «Темир одам»даги ҳиссиз ва меҳрсиз «жонли темирлар» — ҳаммаси конфликтнинг иккинчи кутбида (салбий кутбда) учрашадилар. Бу қиёсларни юзаки тушунишга, яъни «Тилла балиқча», «Булоқ», «Гиёҳ», «Булут», «Дорбоз» каби шеърлардаги образларнинг қисматлари ўртасидаги маълум фарқлардан, поэтик рамзлаштиришнинг турли даражасидан келиб чиқиб, улар ўртасидаги ғоявий муштараклик ва тақдирдошлиқни рад этишга шошилмаслик керак. Чунки номи тилга олинган шеърлардаги конфликтлар аслида «Тилла балиқча»даги конфликтнинг пайдо бўлиши учун муайян маънода бадий замин ва тайёргарлик ролини ўйнаган. Бошқачароқ айтганда, «Тилла балиқча» фожиаси тадрижий шаклда, бевосита ўша драмалардан ривожланиб, ўсиб чиққан. Худди шу маънода ўша символик образларнинг ҳар бир тақдирида «Тилла балиқча»нинг фожиаси мудраб ётибди. Шу боисдан ҳам уларни потенциал трагик образлардай талқин этиш мантиқан асоссиз эмас.

«Тилла балиқча» шеърдаги образларнинг тўғри талқинига йўл бошловчи бир қатор чизгилар мавжуд. Шу жиҳатдан энг аввало шеърнинг сарлавҳаси эътиборни тортади. Шеърнинг «Балиқча» эмас, аёни «Тилла балиқча» деб аталишини бир тасодиф; ёки шоирнинг шунчаки ўз хоҳиши дейиш нотўғри бўлар эди, албатта. Ушбу «тилла» эпитетига, шунингдек, шеърнинг бошиданоқ ҳовузгача қўлланган «лойқа» сифатловчисида, шоирнинг ўз трагик қаҳрамони ва унинг фожиасига сабабчи бўлган микромуҳитга муносабати яширинган. «Тилла» ва «лойқа» эпитетларига шеърда кучли поэтик-мантиқий урғу берилганлиги бежиз эмас. Улар **марказий** — **бошқарувчи сўз** даражасига кўтарилган бўлиб, шоирнинг эътироз ва ғазабини керакли нишонга — «лойқа ҳовуз» муҳитига йўналтирган, шеърини конфликтнинг икки қарама-қарши кутбини — «тилла балиқча» ва «лойқа ҳовузча» антиподларини шакллантирган. Аслида шеърдаги қолган барча чизги ва образлар ҳам — «ташландиқ ушоқ», «хору хас, хазонлар», «мудроқ толлар», уларнинг «аччиқ хазони» ўз рамзий маънолари билан «лойқа ҳовузча»ни фош этишга, тилла балиқчанинг фожиасини кўрсатишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, тилла балиқча образининг трагик тақдирида энг аввало истъёдор ва гўзаллик фожиаси акс этганлиги кўриниб турибди. Тилла балиқча бу — ёвузлик ва разолат қурбони. Қурбонлар эса нафрат уйғотмайди. Аксинча, инсон шундай қисматлардан катта сабоқ олади, уларга юракдан ачинади, қайғуради. Шеърдаги бирон мисра ёки сўзда ҳам тилла балиқчага нисбатан салбий муносабат сезилмайди. Балки ҳар сатрда, ҳар битта сўзда унинг аламли қисматидан афсусланиш бор. Айниқса, бу мўъжаз ва ғамгин қиссанинг сўнгги икки мисраси туганмас бир алам билан ёнади:

**Менга алам қилар, тилла балиқча  
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...**

Бу «алам қилар» иборасининг замирида шоирнинг тилла балиқчанинг «манфаатпарастлиги ва худбинлиги» устидан заҳархандаси эмас, балки бу ёвузлик ва разолат қурбонининг аянчли тақдирига қайғуриши ётади. Бу аччиқ алам қайдадир ўз йўналиши билан, ўз поэтик-мантиқий урғуси билан шоирнинг бошқа бир шеърининг сўнгги сатрларини эслатади:

**Дўстим, алам қилар, арслон беҳабар,  
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.**


Хуллас, адабий танқид томонидан тилла балиқчининг шаънига ёғилган таънаю айбларни аслида муайян тузатишлар билан шеърий конфликтнинг иккинчи қутбига нисбат бериш тўғрироқ. Дарҳақиқат, шеърда жўш уриб турган эътироз ҳам, ғазаб ва нафрат ҳам тилла балиқчани шу кўйга солганларга, уни дунёга кўз очмасданоқ келтириб шу лойқа ҳовузга ташлаганларга, ўзига муносиб ҳаёт тарзидан жудо қилганларга қарши қаратилган. Айни шу жиҳат — бу эътироз ва нафратнинг ўз манфаати, нафси йўлида гўзалликни хўрлашдан тоймайдиган кимсаларга, истеъдоднинг қадрига етмай, уни турли йўллар билан хор қилишдан қайтмайдиган нокасларга, истеъдодсиз ва худбин «жонли темир»ларга йўналтирилганлиги «Тилла балиқча» шеърининг ғоявий-эстетик қимматини белгилловчи муҳим омиллардан биридир.

«Тилла балиқча» шеъри билан Абдулла Орипов ижодининг илк давридаги (60-йилларнинг биринчи ярмидаги) бадий ҳақиқат йўлидаги изланишлари муайян даражада ривожига етади. Илк ижтимоий-бадий ҳулоса ва қаноатлар шаклланади. Айни пайтда, лирикамининг реалистик изланишларидаги навбатдаги босқич ҳам шоирнинг «Тилла балиқча»га руҳдош ва кайфиятдош шеърлари билан бошланади.

«Тилла балиқча»нинг анъаналари Абдулла Ориповнинг 60-йиллар лирикасида янада ривожлантирилди. Шу ўринда «Юзма-юз», «Булбул», «Уйқу», «Тун», «Армон», «Уйларим», «Жаннат», «Кетганлар ёди бу», «Биринчи муҳаббатим», «Самолётда ёзилган шеър», «Номаълум одам», «Бир танишим ҳақида баллада» каби ўнлаб шеърлар кўзда тутилади. Лирик қаҳрамон ва норасо дунё «мен» ва «нобакор хилқат» ўртасидаги турли қарама-қаршиликлар мазкур шеърларда ёрқин, эмоционал поэтик конфликтларга айланган. Бу конфликтлар 60-йиллар шеъриятида гражданлик тушунчасини янада чуқурлаштирган, унинг мундарижасини янада бойитган. Бироқ шу нарсани адабий танқиднинг «ҳазм қилиши» осонликча кўчмаган. Танқидчи Норбой Худойбергенов ёзганидек, Абдулла Орипов «гражданликнинг янги мазмун касб этиб, янги воситалар орқали намоён бўлишини кўрсатди. Янги мазмун, янги воситаларни бир гуруҳ китобхон яхши тушуниб қадрлади, бошқа бир гуруҳ китобхон, айрим қаламқашлар, танқидчилар эса А. Орипов шеъриятининг ўзига хос хусусиятларини, ундаги гражданлик моҳиятини етарли даражада англаб етмади». Шу боис ўша йилларда яратилган юксак шеърий намуналарнинг бир қанчаси бир ёқлама талқин қилинган бўлса, баъзиларига «мавҳум» ёки «бадбин» қабилидаги айблар қўйилди. Ваҳоланки, 60-йиллар шеъриятининг қатор намуналарига оралаган трагик-драматик нотларни — дардмандлик кайфиятини тушкунлик ёки фаол гражданлик мавқеидан чекиниш маъносида эмас, балки маълум давр тақозоси билан, ҳаётга ҳамоҳанг тарзда шаклланаётган янги мазмунли поэтик конфликтнинг акс-садолари сифатида, замондошимиз бўлмиш лирик қаҳрамоннинг «истиқбол дардлари» (Иброҳим Ғафуров) маъносида тушуниш керак эди.

Шундай қилиб, Абдулла Орипов кўпларга жуда силлиқ, теп-текис бўлиб кўринган мураккаб дунёмизда, улкан ҳаёт уммонида «лойқа ҳовузча»лар ҳам мавжудлигини кашф этди. «Тилла балиқча» шеъри билан умуман адабиётимизга янги мазмунли, оригинал характерли бир конфликт олиб кирди. Тилла балиқча «шу тор ҳовузча»нинг илк қурбонларидан бири, аниқроғи поэзияга кўчиб ўтган биринчи қурбони бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам янги ўзбек шеъриятининг ўзига хос ғоявий-бадий пафосини ва умуман поэтик тафаккур тарихидаги ўрни ва ролини белгилашда Абдулла Ориповнинг 60-йиллар лирикаси, жумладан, «Тилла балиқча» шеъри беқиёс аҳамиятга эга.

**Яшар ҚОСИМОВ**



# ЖУНЛИК — ШЕЪРИЯТГА ЁТ

Олий даражага етишни ўзига вазифа қилиб олмаган ижодкор — ўртамиёна бўлиб қолаверади.

И. В. Гёте

1964 йил туғилган.  
ТошДуни 1986 йил имтиёзли диплом билан таомлаган.  
Тошкентдаги 122-ўрта мактабда тил-адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлайди.  
Ёш мунаққиднинг матбуотда илк бор чиқиши.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида, республикамиз Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX пленумларида маънавий нопок, калтабин шахслар қаттиқ танқид қилинди. Мана шу танқиднинг бир чеккаси адабиётга ҳам бевосита тааллуқли эканини унутмаслик даркор. Зеро инсондаги номукамаллик учун аввало адабиёт жавобгардир.

Адабиётимизда ўртамиёна ва ҳатто ундан ҳам паст савиядаги асарларнинг мавжудлиги ва яна пайдо бўлаётгани, нашриёт ва матбуот органларининг эса бундай асарларга йўл очиб бераётганлигига бефарқ қарашни кечириб бўлмайди. Чунки, бадий савияси паст асарлар китобхон дидини ўтмаслаштириб, маънавиятини кемтик қилиб қўяди.

«Ижод тажрибасида қайта-қайта тасдиқланган бир ҳақиқат бор, — дейди ёш мунаққид Иброҳим Ҳаққулов, — ўртамиёначилик истеъдодсизликдир. Бироқ, бирор бир ўртамиёна шоир буни тан олгиси келмайди» («Ёшлик» 1983, 11-сон.)

Чиндан ҳам баркамол асарлар ярата олмаётган ижодкорлар ҳеч қачон ўз асарини «заиф, ғўр», деб атамайди. Аксинча, улар ўзларини «она-юрт куйчиси», «ҳақиқат жарчиси» деб биладилар. Китоблари катта-катта тиражларда чоп этилишини даъво қиладилар ва ҳар хил йўллар билан бунга эришадилар ҳам. Оқибатда, сўз санъати йилдан-йилга истеъдоддан, жозоба, нафосатдан маҳрум, адабиётга алоқиси бўлмаган асарлар билан «бойиб» боради.

Афсуски, танқидчилигимизда кўп вақтлар ўртамиёна асарларга ўткинчи ҳодиса,

улар узоққа бормай унутилиб кетади, деган фикрларга берилиб мабуотда босилган хомхатала шеърларга зудлик билан муносабат билдирилмади. Шу йўл билан ўртамиёна шеърларнинг урчиб кетишига, эркин «ўсиш»ларига катта «имкониёт»лар яратиб берилди.

Сўнгги йилларда мунаққидларимизнинг, шоирларимизнинг танқидий мақолалари ва суҳбатларида шеърятимиз тараққиётига тўғаноқ бўлаётган ўртамиёначилик, жўнликка қарши кураш кескин тус олди.

Мунаққидлар О. Шарафиддиновнинг «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», Н. Худойбергеновнинг «Нега шеър ёзасиз?», ёш танқидчи Ш. Одиловнинг «Дилда дардинг бўлмаса» мақолаларида, И. Ҳаққуловнинг У. Азимов, Т. Жўра каби шоирлар билан суҳбатларида истеъдодсизлик ва истеъдоддан маҳрум асарлар адабиётнинг кушанда-си эканлиги таъкидланди.

Албатта, уч-тўрт танқидий мақола билан сўз санъатидаги кенг томир ёйган иллатларни йўқ қилиб бўлмайди. Аммо мазкур мақолалардаги объектив мулоҳазалар, куюнчаклик билан баён қилинган фикрлар нашриёт ва матбуот органларининг ходимлари томонидан эътиборга олинса, қисқа вақт ичида катта ўзгаришларни амалга ошириш мумкин-ку!

Ёш шоирларнинг она Ватан, табиат, тинчлик каби муқаддас мавзулардаги шеърлари ҳам қуруқ сўзбозлик, ошкора хитоблар, аллақачонлар айтилган гапларнинг такроридан иборат бўлиб қолган. Фикримизнинг далили сифатида бир мавзуда ёзилган икки шеърни келтирамыз. Биринчи шеърнинг автори Шарофат Ботирова.

**Ўзбекистон — деҳқон демак,**

**У яратар дунё ризқин.**

**У тинмайди, гўё юрак**

**Шу туфайли, ҳаёт жўшқин.**

**Яратганинг — роҳат ҳаққи,**

**Сенга таъзим, азиз деҳқон**

**Ҳаётимда тугал бахтим,**

**Шивирлайман: Ўзбекистон.**

(«Шарқ юлдузи», 1986 йил; 3-сон.)

Энди Ойдин Шўкурованинг «Ўзбекистон» шеъридаги мана бу тўртликларга эътибор қилинг:

**Юртим, далаларинг бебаҳо,  
Еринг қутлуғ, табаррук тупроқ.  
Деҳқон товонидай ёрилган  
Қирларингни севаман кўпроқ...  
Айт, қандайин севайин сени,  
Шамолинг жон, ҳаволаринг бол.  
Тупроғингни кўзимга суртиб  
Тирик юрган бўлсам эҳтимол.**  
(«Ешлик», 1986 йил, 3-сон, 4-бет).

Бу шеърларга шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам эътироз билдириш қийин. Уларнинг самимийлик билан ёзилганига шубҳа йўқ. Аммо шеърлар қалбимизга сингиб кетмайди, хотирамиздан изсиз йўқолади. Чунки биз учун Ўзбекистоннинг «тупроғи табаррук», «далалари бебаҳо» эканлиги маълум. Шеърлар мана шу маълум фикрларнинг, аён ҳақиқатларнинг оддий баёнига айланиб қолган. Нуқул мақтовлардан иборат фикрлар Ўзбекистоннинг бетакорор ўзига хос қиёфасини яратишга хизмат қилмаган.

Ҳозирги шеъриятда ошқора кўчирмачилик йўқ. Лекин фикр, поэтик образ, ғоя, оҳангни ўзлаштириш анчайин кенг тарқалган. Ачинарлиси шуки, истеъдодни енгиб қўювчи бу иллат фақатгина ўспирин шоирлар орасида эмас, иқтидорли ижодкорларимизнинг айрим шеърларида ҳам кўзга ташланмоқда.

Йўлдош Эшбекнинг халқона оҳангларда эҳтирос билан ёзилган «Бахтиёрнинг қўшиғи»даги бу мисралар ҳар биримизга ёд бўлиб кетган:

**Урқач-ўрқач тўлқинларнинг бағрида,  
Елғиз сандиқ қалқиб-қалқиб келади.**

Севара Тўлаганованинг «Ёронгул» шеърига бу сатрлар айрим сўз ўзгаришлари билан айнан кўчган:

**Бешик-бешик тўлқин чайқалиб,  
Сандиқ қалқиб келар — ғарқ бўлмас.**  
(«Ешлик», 1986 й, 2-сон, 17-бет)

Омон Матжон «Сени яхши кўраман» туркум шеърларида ёзади:

**Умр йўл, қайрилиш кўп,  
Учрашиш, айрилиш кўп,  
Унутиш, айтилиш кўп...**  
(«Сени яхши кўраман», 253-б.)

Шоир Н. Нарзуллаевнинг «Ҳаёт қонуни» шеърини эса шеърдан «шеър» яшашнинг типик намунаси дейиш мумкин:

**Ҳаёт бир йўл, қайрилиши бор,  
Гул тутиши, ўқ отиши бор,  
Висоли бор, айрилиши бор,  
Муруввати, йўқотиши бор.**  
(«Шарқ юлдузи», 1984 й, 7-сон, 115-бет)

Заводда брак маҳсулот учун ишчиға ҳақ тўланмаслиги, ёмон маҳсулотни ўтказиб юборган техника назорати бўлимидагиларга жазо берилиши ҳаммага маълум. Қўпол ўхшатиш учун узр, шеъриятда бунинг акси, брак учун гонорар тўланади. Ҳолбуки, нашриёт ходимлари брак маҳсулотни, яъни ғоявий-бадий жиҳатдан мукаммал бўлмаган асарни нашр қилиб, уни минглаб китобхонларга тўхта этганликлари учун, ҳам маънавий, ҳам моддий томондан жавобгар бўлишлари керак.

«Инсоннинг ўзини ўзгартирмай туриб, жамиятни революцион тарзда ўзгартириб бўлмайди». Бу сўзлар адабиёт ва санъатга ҳам бевосита дахлдордир. Чунки адабиёт ва санъат инсонни ўзгартирувчи қудратли воситадир. Инсоннинг қайси тарафга ўзгариши яратилаётган асарларнинг сифатига ҳам боғлиқ. Шундай экан, ўртамиёна, беҳис, бетаъсир асарларнинг эълон қилинишига йўл қўймаслик барча ижодкорларнинг, нашриёт ва матбуот органлари ходимларининг виждон талабларига айланмоғи лозим.

Саида МИРЗАЕВА



Фазилат Ҳожиқулова

## СИМ-СИМ ЁМҒИР ЁҒАРДИ

Ҳикоя

Поезднинг шовқинию йўлакдаги аллакимларнинг гурс-гурс қадам товушларидан Фэр сесканиб тушди. Купеда ёшгина, сочлари тимқора бир аёл ва яна икки йигит ўтиришарди. Кутилмаганда эшик шарақлаб очилиб, қийимлари йиртилган, юзига қон сачраган, кўзлари олазарак бир киши кириб келди.

— Ҳозир чиқиб кетаман!.. Бир стакан сув беринг...

Фэр унга стаканда сув узатди.

— Полициячилар қувяпти, — ҳалиги одам сувни ютоқиб ичди. Ташқарида кимлардир сўкинар, шошилиб уёқдан-буёққа юрарди. — Энди қаёққа қочаман?

Фэр дарҳол ўриндиқ қопқоғини очди, кутилмаган меҳмон яшириниб олди. Шу пайт эшик тавақалари икки ёққа тарақлаб тегди-ю, полициячи кўринди.

— Бегона киши кирмадими?!

— Йўқ...

Купедагиларнинг барчаси бараварига жавоб беришди. Уларнинг ҳозиржавобликларидан шубҳаланган полициячи купени текшира бошлади. Навбат ўриндиқда ўтирган аёлга келди.

— Тур ўрнингдан!

— Аёлга тегма! — деди Фэр, тўппонча ўқталиб турган полициячига хотиржамлик билан қараб.

— Нима-а-а?! Шунақами ҳали? Ҳаммангни отаман!.. — У ўриндиқ ёпқичини кўтарди. — Мана, бу ерда экан. Чиқ-чи?!

— Уни ҳам тинч қўй. Энди ҳеч кимга кучинг етмайди...

Фэр чўнтагидан туфлининг тагчармига ўхшаш кичкинагина бир нарсани олди. Чеккаларида яшил, сариқ, қизил чирокли тугмачалар ўчиб-ёниб турарди. Фэр улардан бирини босган эди, теварак-атрофга секин-аста нур тарала бошлади. Худди парабола шаклида... Бирдан бегона киши чеккасига қадалган тўппонча биллур ўйинчоққа айланиб қолди. Бу мўъжизадан ўзини йўқотган полициячи дудуқланиб сўкинар, алам билан тепкисини босар, аммо тўппончадан ўқ ўрнига қизил, сариқ, яшил пуфакчалар отилиб чиқарди.

Даҳшатга тушган полициячи қўлидаги матоҳни улоқтирганча эшикка отилди. Зум ўтмай купега полициячилар тўлиб кетди. Уларнинг ҳам қўлларидаги автомат, тўппончалар айна тобда ўйинчоқларга айланалар, ўзлари эса уруш-уруш йўнаётган болалардек қичқириб-бақаришарди. Бирдан уларнинг қаҳ-қаҳаси бутун вагонни тутиб кетди. Фэр ҳамроҳларига қаради.

— Эндиги бекатда тушишим керак...

— Мен ҳам, жаноб, сиз билан... — полициячилар қўлидан қутулиб қолган ҳалиги киши ўрнидан турди. — Исми Роберт. Илтимос, жаноб, мени ҳам ола кетинг. Ишсизман. Кейин, полиция қидирмоқда, ажойиб мўъжизангизни ўргансам, ажабмас қутулиб қолсам.

— Бунинг иложи йўқ.

— Нега?..

— Чунки, мен... Орқамдан бошқа юрманг.

Фэр тез-тез юриб кўздан ғойиб бўлди.

Роберт мўъжизакор асбобни, унинг қудратини аниқ кўрди. Агар шу аппарат унда бўлса-чи!.. Қандай бўлмасин Фэрни топиши керак.

\* \* \*

Куз. Хазонрезгилик. Дарахтларнинг сарғая бошлаган барглари чирт-чирт узилиб тушар, майин эсаётган шабадада пилдираб учарди. Роберт аллақанча вақт хиёбонда дайдиб юрди. Бирдан хаёлига келган фикрдан суюниб кетди: ҳа, дўсти Стемпнинг хузурига бориши керак, ўша ёрдам беради!

Кўп ўтмай у Стемпнинг вилласига етиб борди.

— И-е, сени тутиб олишган дейишувди-ку?!

— Кўриб турибсан, қаршингдаман.

— Неча марта айтдим, қорадорига айланишма деб...

Роберт киноя аралаш кулиб қўйди.

— Гап бор, хилватроқ жойда гаплашайлик.

— Ўзим ўйловдим-а-а, сен бекорга келмайсан...

Улар қўшни хонага кирдилар. Шинам жиҳозланган, жимжит. Роберт тўрдаги креслога оёқларини чалиштириб ўтириб олди.

— Мени бир киши кутқарди. Биласанми, унинг қўлидаги аллақандай қудратли аппаратни кўриб ҳайрон қолдим.

Роберт Стемпнинг қизиқиб қолганига шубҳаси қолмагунча гапирди. Шу пайт телевизордан янги миш-миш: «Ўйинчоқларга айланиб қолган қурооллар» ҳақида кўрсатув бериларди. Ким шу кишини топса, бир миллион доллар берилади, дейилди кўрсатув охирида.

— Ана кўрдингми?

— Демак, ўша одам дегин?..

— Бир миллион!.. Сен уни яхши танийсан-а?

— Ҳа. Исми Фэр.

— Фэр? Аломат исм. Нима қилсак экан? Унинг қаерда яшашини биласанми?

— Поезддан тушган бекатини яхши биламан. У кетган сўқмоқни ҳам эслаб қолганман. Уша жойда пойлашимиз керак. Аппаратни қўлга туширсак, бутун дунёга ҳоким бўламиз!

Стемп шу заҳоти дўстига чек ёзиб узатди-да, деди:

— Ма, кийимларингни тузатиб ол. Қолганини ўйлашиб кўрармиз.

\* \* \*

...Фэрни раҳбар чақиртирди.

— Тезда программани амалга ошир ва параболоидга қайт!

У ҳар куни ором оладиган юксак қоя бағридан бугун эртарақ чиқди. Қандай бўлмасин мўлжалдаги ишни амалга ошириши керак. Бу ердагилар у билан қизиқаётганликларини Фэр яхши билади. Раҳбарнинг бирор воқеа юз бергудек бўлса дарҳол параболоидга етиб келишини буюрганлиги ҳам бежиз эмас. Буйруқни бажармай қайтолмайман, ўйлади ўзича Фэр ва қадамини тезлаштириб кечаги поездга чиқиш учун бекат томон кела бошлади. Шу пайт узоқдан биров уни кузатиб турганини сезди. Яқинлашди.

— Роберт?..

— Ҳа. Менман. Салом. Мени ўзингиз билан олиб кетсангиз. Ёрдамчингиз бўламан.

— Яхши. Айтинг-чи, Янги-Ориондаги ҳарбий объектга қандай қилиб кирса бўлади?

Роберт суюниб кетди.

— У ерда дўстим Стемп ишлайди... У сизга ёрдам беради.

Улар кўп ўтмай Стемпнинг вилласига етиб келишди. Мезбон кутилмаган учрашувдан ниҳоятда шод, Фэрнинг кўнглини овлашга киришди:

— Марҳамат, вискими ёки джин?

— Мен ичмайман.

— Бўлмаса кока-кола келтиринглар!

— Йўқ, умуман ичмайман.

— Заҳарламоқчи эмасмиз, — Стемп кулди. — Дўстимизга ёрдам берибсиз, биз ҳам сизга ёрдам қилмоқчимиз.

— Ундай бўлса, — Фэр бир зум ўйлаб турди-да, сўнг гапида давом этди, — Янги-Орионга кирмоқчиман. Иложи бўлса...



— Мақсадингизни аниқроқ айтсангиз. Мен ўша объектда ишлайман.  
— Яхши... Биласизми, мен у ердаги ўлим қуролларини ўйинчоқларга айлантиришим керак. Шунда хавф-хатар бўлмайди. Тирик жон тирикчилигини қилади.

— Кўп яхши гап. Аммо сиз, буни қандай амалга оширмоқчисиз?

— Буниси энди сир. Ҳозирча...

— Хўп, майли. Бўлмаса эртага эрталаб шу ерда учрашамиз. Янги-Орионга бир группа докторлар билан у ерда ишловчиларнинг сихат-саломатликларини текширгани боришимиз керак. Сизни шулар қаторида олиб кираман. Лекин, шарт бундай: юмушингизни бажариб бўлгач, аппаратингизни менга берасиз.

— Яхши. Параболоидни сизга бераман, — деди истеҳзоли кулиб Фэр. — Аммо унга кейинча ҳожат қолмайди-да!..

— Келишдик, вассалом!

Фэр шу куни Стемпнинг уйида қолди. Алоҳида хонага жой тайёрлаб беришди. Аммо Фэр бир зум ҳам мижога қоқмади. Уни зимдан кузатаётган Стемп ҳайрон эди: «Қизик, овқатланмаса, ухламаса...» Тонг оқарди. Шамол узоқ-узоқлардан анвойи гулларнинг бўйини келтириб димоққа уради.

— Яхши ухладингизми, жаноб Фэр? — сўради Стемп хириллаган товушда.

— Саволингизга тушунмадим...

Стемп мийиғида кулиб қўйди.

— Қани, бўлмаса йўлга отланайлик. Ҳарҳолда параболоидингизни менга бериб қўйсангиз, айна муддао бўларди. Ахир сизни қидиришмоқда.

— Йўк, — деди Фэр қатъий оҳангда.

— Яхши. Аммо, кечаги шартим — шарт!

Фэр индамади. Унинг хатти-ҳаракатларидан Стемп ҳайиқар, буни сездириб қўймасликка уринарди. У хонасидан чиқди-да, Робертга йўлиқди.

— Полицияга телефон қилдингми?

— Ҳа. Комиссарнинг ўзи билан гаплашдим, улар Янги-Орионда кутадиغان бўлишди. Ҳозир ундан аппаратни зўрлаб ололмаймиз. Жуда хавfli бу. Аммо объектда кўп куч билан уни банди қилиш, аппаратини олиш мумкин бўлар, дейишди.

— Қани, бўлмаса йўлга тушдик!

Янги-Орион тоғ ёнбарига жойлашган бўлиб, теварак-атрофи баланд бетон деворлар билан ўралган. Атрофда зоғ кўринмайди. Дарвоза олдида машина тўхтади. Ичкаридан овоз келди:

— Сизлар қаёққа?

— Биз доктор Суҳайлхонимнинг шогирдларимиз. Бугун шу ерда бўлишлари, биз билан учрашишлари керак эди.

— Пароль?

«Ромбоикосаэдр».

«Омега квадрат икс тақсим қу»ни топинг ва ечимга биноан кнопкаларни босинг.

Стемп эсанкираб қолди. Чунки ҳар сафар Суҳайлхоним билан биргаликда кирар, бу вазифани доктор бажарарди.

— Мен топдим, — деди тўсатдан Фэр. — Бу альфага тенг. Альфа бурчагига.

Стемп югуриб борди-да, эшикларнинг тепасидаги ёниб турган ҳарфлар ичидан альфани топди ва кнопкаларни босди. Кўп ўтмай дарвоза узра қизил чироқлар ярақлади, сигналлар жаранги янгради ва эшиклар очилди. Машина ичкарига кирди. Шу зумдаёқ дарвоза яна тақа-тақ бекилди. Ичкарида ҳеч ким кўринмасди. Ташқарида беркиниб ётган полиция комиссарининг машинаси ҳам дарвоза ёнига келиб тўхтади. Улар ҳам дарвозани очишни сўрашди. Аммо ичкаридан берилган формулани ишлай олишмади, дарвоза тирк этмай тураверди. Диққати ошган полиция комиссари ер тепинарди.

\* \* \*

Улар кириб келишганда доктор Суҳайлхоним бемордан олинган қон таркибини текширмоқда эди.

— Оқ қон таначалари кўпайиб кетибди, — деди ачиниш билан бошини чайқаб. — Уни клиникага олиб кетинглар.

— Салом, — мурожаат қилди Стемп Суҳайлхонимга. — Бир оз кеч қолдим, кечирасиз... Бу эса дўстим. Фэр. Танишинглар.

Суҳайлхоним Фэрни кўрди-ю, унинг бу ерга қандай қилиб келганини билмай, ҳайрон бўлди.

— Нима учун ҳимоя кийимларисиз кирдингиз? — Суҳайлхоним Фэрга ҳайрат билан қаради. — Ахир нурга чалинишингиз мумкин-ку! Нима, яшашдан тўйдингизми?



Фэр Суҳайлхонимнинг оқ халатига, тўсиқ ойнаклар ортида ёниб турган шахло кўзларига суқланиб қарарди. Улар шу зайл бир зум туриб қолдилар. Аёлнинг хусни-латофати Фэрни лол қолдирганди.

— Хоним, ишингиздан мамнунмисиз? — сўради Фэр овози титраб, кейин жуда чиройли табассум қилди.

— Мамнунман. Бу ердагиларнинг соғлиғини кимдир текшириб туриши керак-ку! Мен буни бурчим деб биламан.

— Энди бунга сира ҳожат қолмайди!

Фэр шартта ўгирилиб энг баланд минора олдига келди. У қўлларини осмонга кўтарган ҳам эдики, бир зумда минора тепасида пайдо бўлди. Янги-Орион узра огоҳлантириш сигналлари наъра тортиб юборди. Стемп ва Суҳайлхоним исканжага олинди. Ҳамма ёқни полициячилар босди. Осмонда бир неча ҳарбий вертолётлар учиб юрарди. Қуролланган солдатлар минора томон интилишар, радио карнайлар орқали Фэрга таслим бўлишни таклиф қилишарди.

Суҳайлхоним, кўзларида марварид ёш, Робертга илтижо қиларди:

— Азизим, қандай бўлмасин Фэрга ёрдам бериш керак.

— У бизсиз ҳам ҳаммасини эплайди, — деди Стемп. — Лекин бу гапни у ҳарҳолда параболоиднинг қудратига ишонинқирамай, ўзича айтди.

Шу пайт минора устидаги Фэрнинг қўлида ўша аппарат пайдо бўлди. Ундан турфа рангдаги шуълалар фаввора янглиғ таралиб, қурол-аслаҳалар биллур ўйинчоқларга айланиб қолаверди. Ядро қуролларининг ўйинчоқларга, ракета-ларнинг ичи ғовак уйчаларга айланиши ҳайратомуз эди. Осмонни тўлдириб учаётган вертолётлар ичидаги қуроллар ҳам биллур ўйинчоқларга айланиб, қуёш нурида товланарди. Атроф-теваракни минглаб солдатларнинг, ишчиларнинг кулгулари тутиб кетди. Минора ичида заҳарли газ бор эди. Бу газлар қуюлиб, сувга айлана бошлади. Ажиб тароватли бу воқеалар шу қадар тез юз бердики, ҳатто Фэр ўзининг беш юз метр баландликдан ерга юзтубан йиқилишини хаёлига ҳам келтирмасди. Бирдан у ерга эмас, суюқликка айланган газлар қўлмагига учиб тушди. Аъзойи-баданида қатъий ўзгариш пайдо бўлди: ранги заъфарон тус олиб, ҳолсизланиб қолди.

Стемп билан Суҳайлхоним уни зўр-базўр қутқариб олишди. Фэрнинг юраги урмас, нафас олмасди. Стемп уни бир чеккага олиб чиқди-ю, шоша-пиша чўнтакларини ковлади, лекин қидираётгани — параболоидни тополмади.

— Тез шифохонага олиб борайлик! — Суҳайлхоним Фэрни маҳкам қучоқлаган эди, унинг ҳароратсиз баданидан сесканиб бўшашди.

\* \* \*

Тонг олди деразадан тушаётган заррин нурлар Суҳайлхонимнинг сутдек тиниқ юзини сийпалади. Кимдир тикилиб тургандек... У сапчиб ўрнидан туриб кетди. Дарпардаларни шаббода ўйнамоқда. Деразалар ланг очик. Токча четида ниманингдир изи кўринди. Суҳайлхоним кўзларини ишқалаб, тикилганча қолди. Кимдир лойдан чиқиб токчада юргандай... У деразадан бошини чиқариб пастга қаради. Боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Ҳеч нарса кўринмайди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи — зимистон. Ҳозиргина кўзини қамаштирган қуёш нурлари ҳам йўқ. Уйқусираяпманми, деб ўйлаб юзига шапатилаб уриб ҳам кўрди. Эс-ҳуши жойида. Шоша-пиша уй лампасини ёқиб, соатига қаради: учдан беш минут ўтибди. Нима қилсин? Бир оз ўйлаб турди-да, изни артиб ташламоқчи бўлди. Қўлини узатган ҳам эдики, аллақандай сеҳрли куч итариб ташлагандай бўлди. Қанча ҳаракат қилмасин, унга қўлини текизолмади. «Уйқусираяпман, ҳа-а, босинқираяпман», — деди-да, бориб жойига ётди. Ухлаб қолди.

Соатнинг жиринглашидан уйғониб кетди. Тонг отган. Ишга бориб, тажрибаларини давом эттириши, энг муҳими, Фэрни кутиши керак. «Унга нима бўлдийкин? Тажрибаларимга жуда қизиқиш билан қараётганди...» Фэрнинг чиройли табассу-ми, маънодор қарашлари, ўткир ақл-заковати қалбига қайноқ нур бўлиб кираётгандек... Аста ўрнидан турди. Одатдагидек дераза ёнига келиб товусқанот тонгни, уйғонаётган азим шаҳарни кузатди. Суҳайлхонимнинг ўзи ҳам ҳаётнинг бир қисми ахир! У бутун оламни кўради. Қуёшни, Ойни, Юлдузларни яхши билади. Шу она заминда ҳаёт кечираётганидан, тўйиб-тўйиб нафас олаётганидан бахтиёр. Шунақа пайтларда киши юрагига яқин бўлиб қолган одамни эслайди-да, дили бир зум хушнудликка тўлади, яна нимасинидир йўқотиб қўйгандек юраги «шувв» этиб кетади. Фэрнинг ҳарорат тўла овози янграгандек бўлди.

Ҳали-ҳали эсида. Оқшом эди. Одатдагидек ишдан қайтаётганди.

— Кечирасиз, сиз доктор Суҳайлхониммисиз? — сўради Фэр ва жавобини кутиб ҳам ўтирмай гапида давом этди. — Мен сизни анчадан буён кузатаман. Тажрибаларингиз хусусида менинг ҳам талайгина фикр-мулоҳазаларим бор. Айниқса, Янги-Ориондаги ишларингиз хусусида.

— Мен билан улар ҳақида ўртоқлашмоқчисиз шекилли?

Суҳайлхоним унинг кўзларига боқди-ю, қалби алланечук кузги баргдек титраб кетди. Иккисининг туриши фэйриоддий, жуда ғалати эди.

Шундан кейин улар тез-тез учрашадиган, тиббиёт ҳақида баҳслашадиган бўлиб қолишди. Ҳар сафар учрашганларида Фэр Суҳайлхонимдан Янги-Орионга олиб киришини илтимос қилар, ҳамиша: «Бу мумкин эмас, рухсат беришмайди, бунинг устига нурга чалинишингиз мумкин», деган жавобни оларди. «Фэр!..» Суҳайлхонимнинг лаблари унинг номини яна чиройли такрорлади. Қизиқ, ҳақиқатан ҳам жуда ғалати. Ҳар сафар у бирга овқатланишдан қочар, ҳатто музқаймоқ егани киришганларида ҳам оғзига олмасди. Мана, бир неча кундирки, Фэрни кўрмайди.

Суҳайлхоним чуқур хўрсинди-да, ишга ҳозирлик кўра бошлади. Деразаларни ёпаётганди кўзи яна токчадаги изга тушди. У энди қуёш ёруғида ёрқин кўринар, каттакон ва маълум даражада кўрқинчли эди. Кўчага отилди. Атрофидан ҳовлиқиб ўтиб бораётган одамлар ҳам унинг кўзига шу тобда ғалати кўринарди. Ишхонада ҳам хаёли беҳаловат. Палаталарга кириб, беморларни кўздан кечирди. Уларга керакли дори-дармонларни буюрди. Эрталабки юмушлари тугаган ҳам эдики, яқиндагина келган, лабораторияда илмий иш олиб бораётган Жек қақириб қолди.

— Суҳайлхоним, кечаги ишни давом эттираемизми?

— Ҳа. Ҳозирча сиз лабораторияга бориб, тажрибани бошлаб туринг, — у дудуқланиб қолди. — Кечирасиз, Фэр келмадимми?

— Уни кечкурун касалхонага олиб келишди-ку!

— Нима?! Қаерда ҳозир?

— 9-палатада.

Суҳайлхоним қандай қилиб 9-палатага етиб борганини билмайди. Шошилиб ҳамшира келтирган касаллик варақасига кўз югуртирди: «Галюцинация... Исцитмаси ҳам баланд!»

— Азизим! — унга илк бор у шундай мурожаат қилди. — Нима бўл-ди?..

Худди тушга ўхшайди. Фэрнинг фожиали ҳалокатини эслайди-ю, бошқани... Мана, бугун тирик кўриб турибди. Йўқ, йўқ, бу ҳол жуда сирли, кутилмаганда жуда

тез содир бўлган эди. Қизиқ, Фэрни таниганига кўп бўлмаса-да, унинг ҳаётида жуда кўп жумбоқли воқеалар юз берди-ю, изсиз йўқолди... Қандай тушунсин?

Бемор кўзларини хиёл очиб, докторга қаради, нималардир деб шивирлаган бўлди. Унинг кўзлари илтижо билан боқарди. Бирдан эгнидаги оппоқ халатига кўлларини чўзиб, болалардек таталайбошлади.

— Ўзингизни босинг...

Суҳайлхоним унинг кўлларини олмоқчи бўлди. Аммо узатган қўли ҳавода муаллақ қолди. Йигит тикилиб турарди. Қотмадан келган, пешонаси кенг, қирра бурун, мўйлаби эса эндигина сабза урган. Чамаси Суҳайлхонимни кўрмасди. Ҳамширани чақиртириб, беморни тинчлантириш учун бир кубик демидрол қилишларини буюрди.

— Кейинроқ хабар оламан...

Суҳайлхоним ўзини тутиб олиш учун палатадан чиқди. Фэрнинг кўзлари жуда ғалати туюлди унга. «Қизиқ, наҳотки инсон энг яқин кишисини шунчалар тез ва осон унута олса?!» Бирдан тоқчадаги ғалати из ёдига тушди. Уларни ушлай олмаганди. Фэрнинг кўлларини ҳам ушлай олмади. «Бир хил ҳодиса!.. Булар орасида қандайдир боғлиқлик бор. Уйга, тезда уйга бориш керак!..»

Ҳамширани чақиртириб, кечқурун беморларга бериладиган дори-дармонларни яна бир бор эслатди-да, уйига югурди. Уша изни кўриш керак. Борди. Қаради. Қаради-ю, сесканиб кетди. Излардан қизил, сариқ, яшил нур тараларди. Янги йилда ясатилган арчанинг чироқлари дейсиз. Суҳайлхоним ҳанг-манг бўлиб диванга ўтириб қолди. Шу пайт парабола шаклида шуъла пайдо бўлди. Унинг ичидан новча, қотмадан келган, сочлари тақир қирилган бир киши чиқиб келди.

— Кечирасиз, доктор, мен сиз ўйлаганча алланарса эмас, одамман. Аммо ўзга сайёрадан...

Суҳайлхонимнинг юраги дук-дук урар, лабларини тишлаганича лом-мим деёлмай ўтирарди. Ғаройиб меҳмон столдаги графиндан сув қуйиб унга узатди.

— Яна бир бор кечирасиз...

— Ахир, ўзингиз кимсиз?!

— Мен ўзга сайёраданман.

— Бекор гап, — Суҳайлхоним энди ўзини анча босиб олган, дадил кўринарди. — Сизларнинг сайёрамиз осмонда юрганлигингизни радиолакацияларимиз дарҳол сезган бўларди!

Меҳмон истеҳзо аралаш жилмайди.

— Параболоидимиз, — у тоқчадаги ярим ойсимон нурга ишора қилди, — ҳамиша ўз шаклини ўзгартира олади. Шуниси характерлики, электромагнит тўлқинларини ўздан бемалол ўтказаверади. Шундай хусусиятга эга бўлгач, албатта сизлар уни самода пайқай олмайсизлар-да.

Орага бир зумлик оғир сукут тушгач меҳмон яна гап бошлади.

— Дўстим, яъни, мен билан бирга сизнинг сайёрангизга учиб келган Фэр...

Суҳайлхоним ялт этиб унга қаради:

— Фэр?! Сиз билан келганми? У касалхонада-ку!

— Ҳа, касалхонада. У Янги-Орионда қалтисроқ иш тутди. Сиз беҳуш бўлиб қолганингизда мен етиб келгандим. Сўнгра, хотирасидан сизни ўчирдим, аммо у сиз билан хайрлашгани, сизни унута олмаслигини айтди. Шу боис уни сизнинг касалхонангизга жойлаштирдим.

— Унга нима қилган? Унинг ўзи ким?

— Фэр — бу робот. У Янги-Ориондаги минорадан сувга қулаганида коррозияланди, касалланди. Ҳа, ҳа, хотирасидан сизни ўчириб ташладим. У сизни унутди. Ҳозир шу ерда пайдо бўлади.

— Мен уни... У мени унутмайди...

— У сизни унутиши, мен билан сайёрамизга кетиши керак. Акс ҳолда...

— Мен уни!..

Бирдан ғайритабиий ҳолда хонада Фэр пайдо бўлди. Суҳайлхоним сўнги бор кўраётганидан чанқоқ нигоҳ билан суқланиб қараб турди-да, қандайдир куч билан унинг бағрига отилди. Аммо Фэр, Суҳайлхонимни илк бор кўраётгандай силаб-сийпаб юпатди, холос.

— Бу... Бу нимаси? Муҳаббат-чи?!

— Аввало муҳаббатли дунёни севиш керак... — деди Фэрнинг шериги. — Ортиқча ўзингизни қийнаманг. Барибир эртага Фэрни умрингизда кўрмагандек бўлиб кетасиз. Мухими, Фэр ўз бурчини бажарди. Қаттол қуролларни йўқ қилди. Энди сиз — одамлар осойишта яшасангиз бўлади.

Улар — меҳмон билан Фэр, кичиклашиб тоқчадаги «уйча»га кирдилар. Ялт-юлт нурлар кўринди-ю, сўнди.

Суҳайлхоним лаг очик деразадан чексиз осмонга боққанича кўзёши тўкар, ташқарида сим-сим ёмғир ёғарди...

## ХАЛҚНИ ОЗДИРУР РОҲИ ҲАҚИҚАТДИН МУДОМ

(ШОИР АВАЗ УТАР ИЖОДИДА АТЕИСТИК МОТИВЛАР)

Тараққиёт кушандаси — ислом дини, ҳамisha афтодаҳол оммани эзиш, сиёсий истибдод сиртмоғи воситаси бўлиб келган. Ҳокимият томонидан ҳар тарафлама эзилаётган халқ шариат пешволари тарафидан ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жабру ситамларни бошдан ўтказарди. Шариат пешволарининг найранглиарию омма бошига тушган кўргиликлар Аваз ижодида ҳам ўз аксини топди.

Шоир атеистик мавзуда талай асарлар ёзиб қолдирди. У ҳажвий асарларида дин ҳомийлари намояндаларини аёвсиз фош қилди. Шоир мусулмон ғояшунослари онгли ва онгсиз равишда тарғиб қиладиган ўз-ўзини хўрлаш, итоаткорлик, кўр-кўрона эътиқодни тан олмас ва дунёвий неъматлардан воз кечиб — тарки дунё қилиш ақидасига батамом кўшилмас эди.

Аваз Утар улуғ Навоий яратган «Сода шайх» ғазалига назира тарзида ёзган «Шайх» радифли ғазалида динни ўз мақсадига мослаштириб олган дин намояндаларининг риекорлигини фош этади:

**Ичар дайр аро тинмайин бода шайх,  
Май учун қилур раҳн сажжода шайх.  
Не мумкин ёруғлики, андин эса  
Жаҳолатни роҳида афтода шайх.  
Сурарга рие заврақин ҳар сари,  
Асосин қилур ўйлаким хода шайх.**

Аваз аввало шайх, мулла ва турли кўринишдаги «авлиё»лар ҳокимиятнинг югурдаклари эканлигини пайқай билди. Авлиёлар меҳнаткашларнинг илм-маърифатдан йироқлиги, соддалиги, омилигидан усталик билан фойдаланиб, худо яратган олам боқий, уни ўзгартириб бўлмайди деб ишонтиришга уринганлар. Лекин, шоир назарида руҳонийлар — бидъатпараст, лаганбардор, мунофиқ ва иккиюзламачилардир. Бу фикрни катта ижтимоий кучга эга бўлган ҳамда тезда халқ орасига ёйилган «Эшония» деган ҳажвиясида маҳорат билан акс эттирган. Дин вакиллари одамларни алдаш ўзларини «тақви пешвосидин ҳисоб айлаб» ададсиз худбинликлар, нопокликлар, фирибгарликлар қилишни фош этар экан, оригинал образлар яратади: «Ўзи нахват майин нўш этгуси шому саҳар тинмай, Етар энди ҳамоноким эшакдек хўрду хоб айлаб». Агар уларни биров инсофга чақирмаса, дунёни, даҳр мулкани ҳам хароб қилишдан қайтмайди.

Аваз бундай «ҳаромизодалар»нинг баъшарасини оммага яққол кўрсатиш учун эшак, ит каби сифатлар билан таъсифлайди. Булар хурфотчиларга ҳуш ёқмас эди, албатта. Оқибатда шоир таъқиб остига олинди. У сазойи қилинди, қамчиланди, жиннига чиқарилди, аммо бу таҳқирлар шоирнинг эрка ташна иродасини буколмади. «Тутуб шаб-рўз андоқ ўксурук, қон туплауб гоҳи, Тушар эрдим ўлумни хавфиға чун бе-ниҳоят ман» деган сатрларнинг юзага келишида ана шу изтироблар, хўрликлар сабаб бўлганлиги сир эмас.

Дин оммани жаҳолатда тутмоқнинг бир робитасидир. У доимо илғор аънаналарга тўғаноқ, тараққиётнинг дадил одимига ғов бўлиб келган. Бу иллат Авазнинг «Икки шайх» ғазалида қаттиқ ҳажв қилинади. Хурфотчилар макру ҳийлалар билан оммани тўғри йўлдан тойдириш учун авраб алдайдилар, улар май-хўрлик билан каззобликини ҳунар қилиб, ҳатто шайтонга сабоқ бериш даражасига етадилар, оқибатда шоир ўзига ва меҳнат аҳлига ошқора дил ёради: «Оздурмасинлар то сани бўлмағил хабардор икки шайх».

Аваз фақат мавжуд тузумдан, диний меросимларнинг, хурфотларнинг авж олганидан шикоят қилиш билан чекланмади. У халқнинг озод бўлиши учун қайғуриш билан баробар, меҳнаткашларни сусткашлик қилмасликка чақирди, агар халқ бирлашиб курашса, жабру ситамлар тугаб, эркин дунёга етишиш муқаррарлигига ишонтирди.

**Эй, Аваз, қил жудду жаҳд сен  
эл билан шому сабоҳ,  
Қолмағай оламда бори хону  
ҳаромизодалар.**

Демократ шоирнинг бу мавзуда яратган асарлари орасида «Уламоларга» шеъри кескин ажралиб туради. Шоир бу асариде бидъатпарастларнинг таассуб бирла даврон этганини, бир неча кишининг аҳволини эмас, балки бутун бир халқни банди зиндон этиб, бағрини қонга тўлдирганини ошқора ифодалайди. Улар миллатни яқсон этаётганлиги учун «Оқибат бир кун анга масъул бергунг жавоб» деб, хитоб қилади:

Бу шеър пайдо бўлиши билан шоирнинг отаси Утар бобо муштумзўрлар томонидан кофир, деб эълон қилинди. Авазнинг ўзи эса оғайниларининг кўмағи билангина оғир жазо-

дан омон қолди. Халқ нафратини очиқ ифода-  
лаган санъаткорнинг ўткир сўзлари таъсирида  
омма орасида норозилик кайфиятлари кўта-  
рила бошлайди.

Аваз «Фалоний» туркумида бир талай  
асарлар битиб, демократик адабиётда янги  
усул қўллади ва замона зўравонларининг  
қиёфасини ошқора гавдалантириб берди. Бу  
сўз орқали шеърят муҳиблари гап ким ҳа-  
қидалигини дарров фаҳмлаб олардилар. Бу  
«фалон»лар дин тарғиботчилари, хон саройи-  
нинг амалдорлари эди. Уларнинг қилмишлари  
Авазнинг ўтли шеъриятида аччиқ қамчи-  
ланди:

Ғубори йўлидин ўтар чоғида гар  
тегса либосига  
Ювар они зиёда бўлгуча собунни  
нархи то.  
Агар онинг ҳар асбобига ғайрини  
қўли тегса,  
Ажабким, сўнгра они олмагуси  
илгига асло.

Аваз бундай одамлардан ҳамиша огоҳ бў-  
лишни уқтиради. Улар ҳеч қачон халққа, оддий  
одамларга дўст бўлмаслигини, улардан ҳим-  
мат кутиш мумкин эмаслигини қайта-қайта  
таъкидлайди. Масалан, шоир қитъаларидан  
бирида шундай деб ёзади:

Фалони сифлаким гардуни дуннинг  
гардиши бирла,

Йиғибдур бир замон ичра жаҳон  
молин Фаридундек.  
Муслмонларни бошига солиб  
юз офату ғавго,  
Қилур бўҳтонлар айлаб ғусса бирла  
бағрини хундек.

Қитъа маъносидан шу нарса англашила-  
дики, «фалон» — дин вакили. У иғво билан  
шуғулланиб, халққа доим озор етказди. Буни  
шоир тўғри пайқаган ва эсда қоладиган детал-  
лар, ёрқин бўёқлар, кескин сўзлар восита-  
сида таъсирчан ифодалаган.

Маърифатпарвар шоир ўз давридаги ил-  
латлардан, диний одатларнинг авж олиб кет-  
ганидан қаттиқ куюнди. У диний ақидалар  
одамларга катта зарар келтиришини равшан  
англади. Диний сарқитлар барҳам топса, эл-  
нинг маърифатдан обод бўлишини тушунди.  
Чунки диний-схоластик мактаблар таълими  
одамларнинг саводли бўлишига, дориломон  
кунларга етишига монелик қиларди. Шунинг  
учун ҳам «Балойи жаҳли нодонликни барбод  
этгуси мактаб», деб ёзган эди у. Шоирнинг  
эрк, маърифат ҳақидаги эзгу орзулари, халқни  
хурофот ва бидъатдан халос қилиши ҳақи-  
даги эркин фикрлари Октябрь инқилоби ға-  
лабасидан кейин тўла рўёбга чиқди.

Раҳима ЖҰРАБОЕВА,  
хуқуқшунослик фанлари кандидати

## ● ДИН ВА ХУРОФОТ ҲАҚИДА ●

Хурофот шундай ишончки, унинг тагида билим йўқ. Фан,  
худди ёруғлик зулмат билан олишганидек, хурофотларга  
қарши курашади.


Д. И. Менделеев

Биз табиатнинг ўзгармас қонунларини қанчалик яхши  
билганимиз сари мўъжизалар бизга шунчалик оддий бўлиб  
кўринаверади.

Ч. Дарвин

Агар мўъжизалар бор бўлганда эди, уларнинг мўъжизалиги  
қолмасди. Мўъжиза шунинг учун ҳам мўъжизаки, у ҳаётда юз  
бермайди.

А. Франс



## ЙЎЛ ДОВОНЛАРДАН ЎТАДИ

(Ижодкорга мактуб)

Ҳурматли Сойимжон Исоқов!

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Олам гўзал» номли тўпламда Сизнинг қиссангиз ҳам эълон қилинган экан. Бу асарингиз — «Янга» повести Улуғ Ватан уруши давридаги ҳаётга бағишланибди. Унда энг яқин кишиларини фронтга, жанг майдонларига кузатган юртдошларимизнинг меҳнати, иродаси, вафо-садоқати ҳақида сўз кетади. Қиссадаги воқеалар ёш бола (исми асарда айтилмайди) тилидан ҳикоя қилинади. Уша пайтдаги ҳаёт, кишилар ўртасидаги муносабатлар ана шу қаҳрамон нигоҳи, тушунчалари орқали кўрсатилади.

Агар бевосита мазкур асарингиздаги яхши чиққан, эсда сақланиб қоладиган образлар ҳақида гапирсак, биринчи навбатда Ҳожархонни тилга олиш керак бўлади. У — қиссанing бош қаҳрамони. Асарнинг номланиши ҳам шунга ишора қилиб турибди. Сиз бу образ тимсолида уруш йилларида намоён бўлган ўзбек аёлларига хос бир қатор хислатларни бадий ифодалашга ҳаракат қилгансиз. Унинг меҳнатдаги матонати, фронтга кетган умр йўлдоши Тугални кутиш ҳолатлари, оғир синов йилларида ўзини тутиши, аёллик шаънига гард юқтирмаслиги, юрагидаги унсиз дарду фарёдлари — булар, назаримда, китобхонда анча илиқ таассурот қолдиради. Демак, шу пайтгача уруш даври ҳаётига-бағишланган бошқа бир қатор яхши, ўқишли асарлар орқали мукамаллашиб келаётган тасаввуримиз яна озгина тўлишади, деган умид туғилади. Қиссангиздаги бу образ — ўз моҳият эътибори билан трагик образ. У бор-йўғи Тугал билан уч ойгина турмуш қурган. Уруш уларни энг ширин, энг лаззатли дамларда бир-биридан ажратади. Оғир кунларда у умр йўлдошини бардош билан кутади. «Қора хат» келгач, бунга ишонмайди, кутишда давом этади. Тугалнинг қайтмаслиги аниқ бўлгач, унга ўз отасининг уйига кетишга розилик ҳам беришади. Лекин бу таклифни у рад қилади. Тугалнинг отаси — Урол бобо вафот этиб, қайниси (яъни, ҳикоячи қаҳрамон) уйли-жойли бўлгандан кейингина Ҳожархон отасининг уйига кетади ва вақти соати етиб, ҳаётдан кўз юмади. Эътироф этишга тўғри келадики, бир умр «қора хат» олган эрининг қайтишига ишониб яшаш ҳар қандай аёлнинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас. Адабиётимиз бисотида бу ҳақда тасаввур берадиган талай асарлар борлигини яхши биласиз. Бунинг учун ундан ҳазилакам қалб, ирода, садоқат талаб этилмайди. Мана шу кутиш жараёнида унинг дилидан ҳазилакам туйғулар, фикр-ўйлар кечмайди. Буларнинг ҳаммаси, сизнинг эътиборингиздан четда турмаслиги, қандайдир иккинчи даражали нарсага айланиб қолмаслиги керак. Айтилганлардан ташқари, сиз яна бир нарсани назардан қочирмаслигингиз лозим эди. Ҳожархоннинг бунчалик садоқат кўрсатишида яна нимадир — уларнинг Тугал билан оддий эр-хотинлик муносабатларидан, миллий одат ва психология билан боғлиқ жиҳатлардан ташқари, буларнинг ҳаммасидан юқориқоқ турадиган, азизроқ ҳисобланадиган, бошқалар билавермайдиган инсоний туйғулар ҳам бўлиши мумкин. Менимча, асарингизда берилаётган мазкур ҳолатда характер мантиқи шундай тасвирни тақозо қилади. Сиз жуда муҳими ва зарур ана шу «нимадир»га керакли даражада эътибор бермаган кўринасиз.

Ҳожархон хусусидаги фикримизга қайтайлик. Эҳтимол, бунда ҳар бир ижодкорнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб талаб қўйиш керак, деган гаплар бўлиши мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, адабиётда ва умуман ижоднинг барча турларида ҳам ҳеч кимга бундай имтиёз берилмайди. «Янга»да Ҳожархон образини марказий ўринга қўймоқчи эканингиз кўриниб турибди. Шундай экан, бу образнинг иложи борича мукамал бўлишини талаб қилишга ҳақлимиз. Ўзингиз ҳам бу масъулиятни сезасиз, албатта, Шунинг учун қаҳрамонингизга бир қатор яхши ишлар қилдирасиз, аини пайтда унинг характерида хос айрим сифатларни очмоқчи бўласиз. Жумладан, бир неча марта уни қайноқ меҳнат жараёнида кўрамиз. Ҳожархоннинг матонатли аёл эканлиги ҳақида муайян таассурот ҳам қолади бизда. Бир ўринда, ҳатто у Назир чўлоқ деган бир ярамаснинг ўзига нисбатан ёмон ниятини сезгач, айниқса, Тугалнинг ўлганлигини у қайта-қайта айтавергач, уни отдан ағдариб олиб роса савалайди ҳам. Бу воқеа мисолида биз Ҳожархонни ўз қадрини биладиган, ғаламис одамлардан ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлган, садоқати бутун аёл сифатида кўрамиз. Умуман, қиссангизнинг бошидан охиригача Ҳожар жиддий, мулоҳазакор аёл сифатида буй кўрсатади. Аниқроғи мазкур образнинг ана шундай ҳаётий асосга, ички бир мантиққа эга бўлиши зарурлигини биламиз. Шунинг учун ҳам унинг баъзи қилиқлари биров ғалатиноқ туюлади. Масалан, Назир чўлоқ Қурмон тентакнидан ғалла олиб келаётганида ажина

қиёфасида йўлга чиқиб уни кўрқитиши, бу ишни болалар билан бирга амалга ошириши унинг характерига зид келади. Қиссада бунга ўзингизча, шу йўл билан ўғрини, муттаҳамни жазолаш, деб талқин қилмоқчи бўласиз. Лекин баъдий асарда характер мантиқи деган гап бор-ку! Бунга ижодкор ёдда тутмоғи лозим. Шунингдек, Ҳожархоннинг сўнги саҳифаларга бориб бирданга безовта бўлиб қолиши, кечаси уйдан чиқиб кетиши ҳам унчалик асосланмаганга, муҳимроқ гапни, мазмунни очишга хизмат қилмаётганга ўхшайди. Бу воқеалар, эҳтимол, ўзича қизиқарли бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай воқеа ҳам сюжет чизигининг бирон жиҳатини ёки қиррасини тўлдириши, янги босқичга ўтишига таъсир кўрсатиши лозим-ку, ахир.

«Янга» асарингизда одамлар ўртасидаги муносабатлар, тўқнашувлар зарур босқичга кўтарилмай қолган ўринлар анчагина учрайди. Тўғри, Назир чўлоқ ноўрин ҳаракатлари учун Ҳожархондан яхшигина таъзини ейди. Уғирланган буғдой халққа қайтарилади. Асар охирида Назир чўлоқ билан Курмон тентак қишлоқдан бир кечада номаълум томонга кўчиб кетади. Лекин булар ҳаётдаги тўқнашувларни, курашларни кўрсатиш эмас, балки уларнинг натижаларини эслатади, холос. Баъдий асарда эса, яхши биласизки, ана шу кураш жараёнининг ўзи акс этиши керак. Одамлар учун ибратли, сабоқ бўладиган жиҳатлар шундагина равшанлашиши мумкин.


Қиссангиздаги яна бир нуқта ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Ҳаётда ёмон одамлар бор. Лекин асарда шуларга қарши турадиган кишиларнинг фаолияти у қадар сезилиб турмайди. Масалан, Тугалнинг отасини — кекса қарияни баъзи нопок ишлар қон қақшатиб, ўрасидаги уч пуд арпасини олиб кетади. Бунга қарши ҳеч ким бирор нарса демайди. Уша қийин пайтларда ҳам мамлакат ичкарисидаги ишларга раҳбарлик қилаётган, элнинг ташвишини елкасида кўтарган одамлар бор эди-ку! Шундай экан, наҳотки бирор киши қишлоқда бўлаётган бундай номаъқул ишларни сезмаса, уларга қарши курашмаса? Ана шу жиҳатлар ҳисобга олинганда қисса конфликтни кучайган, унда тасвирланаётган воқеалар янада ишончли чиққан бўларди.

Энди асардаги бутун воқеаларни бизга ҳикоя қилиб берувчи ёш бола ҳақида икки оғиз сўз. У ҳақда олдин ҳам озроқ тўхталган эдик. Аввало шунга айтиш керакки, бу усул адабиётда анча кенг тарқалган. Бундай йўналишда битилган «Жамила» (Чингиз Айтматов) повестига ўхшаш ажойиб асарлар мавжудлигини унутиб бўлмайди. Қолаверса, бу усулнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор эканлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Езувчи бунда меъёрни, чегарани унутмаслиги, ёш боланинг тасаввур, фикрлаш даражасини сунтий равишда ўзгартириб юбормаслиги лозим. «Янга» қиссангизда шу масалага талай ўринларда жиддий эътибор бермаган кўриниб келибди. Масалан, бир жойда ҳикоячи ўзининг узоқ ўтмиши ҳақида гапирётгандек бўлади. Табиийки, бунда бола, ўсмир нигоҳи йўқолади, унинг ўрнини катта одамга хос таассуротлар эгаллайди. Бошқа жойда эса бу гўдак айнан ўша кунлардан туриб ҳикоя қила бошлайди. Бу саҳифаларда тасвирда шунга мос соддалашиш сезилади. Ҳарҳолда ёзувчи баъдий асарда муайян тасвир принципини белгилаб олиши ва унга амал қилгани маъқул. Қолаверса, бола образига хос жиҳатларни янада чуқурроқ очсангиз яхши бўларди. У уруш бошланган пайтларда ўн ёшда эди. Бу, қиссада таъкидланишича, жуда ҳам кичик ёш эмас. Бундан ташқари, кўп асарларда кўрганимиздек, шароитга қараб ундаги тушунчалар ўзгариб бориши ҳам мумкин-ку. Нимагадир мана шу ўзгаришлар асарингизда яхши сезилмайди. Бола асарнинг бошида қандай бўлса, охирида ҳам деярли ўша соддалигича қолади, кўп нарсаларнинг тагига ета олмайди. Ваҳоланки, қиссангизнинг сўнги саҳифаларида урушнинг тугаганлиги, ғалаба ҳақида гаплар бор. Боланинг бир-икки марта янгасига ғалла янчишда ёрдам берганлиги, икки марта ўз товуғини ўғирлаганлиги, Бадал ва Ҳожархон билан Назир чўлоқни «ажина-жин» бўлиб кўрқитиб, бир қоп буғдойни олганлиги демас, бошқа дурустроқ, тилга олишга арзийдиган ишлари йўқ ҳисоби. Бу қаҳрамоннинг ҳам ўзига яраша дард-аламлари бўлиши керак эди. Унинг онаси вафот этган, отаси фронтда. Наҳотки у ҳеч онасини эсламаса, отасини соғинмаса?.. Ҳатто, отаси урушдан қайтмагандан кейин ҳам у ҳеч нарсани ўйламайди. Бундай бўлишига одамнинг ишоничи қийин.

Қиссадаги бошқа жиҳатларга ҳам эътибор берайлик. Масалан, ундаги бир қатор образлар яхши очилмасдан чала қолиб кетган. Шулардан бири — Урол чол, яъни ҳикоячи қаҳрамоннинг бобоси. Қиссанинг баъзи ўринларида чол характерига хос чизиқларни беришга ҳаракат қиласиз. Лекин бу иш изчил, маълум мақсад асосида қилинмаганлиги учун деярли ўзини оқламаган. Баъзи ўринларда эса уни тамоман унутасиз. Қаҳрамон иштирок этиши лозим бўлган воқеалар ичида кўринмайди. Умуман, бу ҳолат мазкур қиссадаги асосий камчилик ҳисобланади. Асар саҳифаларида тўсатдан янги персонажлар пайдо бўлиб қолади. Масалан, Тоҳир ака, бобонинг укаси бўлмиш меҳрибон «амаки» каби. Баъзилари эса ўздан-ўзи бесабаб «унутилади». Ҳожархоннинг отаси Усмон акани олайлик. Ёки қиссадаги Майрам чўтир нима учун асарга киритилганини тушуниш қийин. У бир марта товуқларнинг безовта бўлганини айтиш, яна бир гал ғалла олиб келишга қоп сўраш учун Урол бобоникига чиқади. Бўлди, тамом. Бу билан у нима иш қилди, қандай баъдий вазифани бажарди — бир нарса дейиш маҳол. Эҳтимол, қиссадаги ҳамма образларга батафсил ўрин ажратиш қийиндир. Лекин шунга ишнинг керакки, ҳар бир қаҳрамон қайси даражада бўлишдан қатъий назар, асарда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда уларнинг аҳамияти қаерда қолади? Шу нуқтага назардан қараганда, «Янга»да асарнинг умумий қурилишига биронта фишт кўймасдан кетган қаҳрамонлар ҳам учраб туради. Бундай жиҳатларни фазилат дейиш қийин, албатта. Умуман, асарга сайқал бериш, лозим бўлса, тўлдириш зарур. Фақат буларнинг ҳаммаси асарнинг баъдийлигини оширишга хизмат қилиши шарт. Ниҳоят, юқоридаги мулоҳазаларни тўғри тушунишингизни, беғараз, самимий ният билан, адабиётимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб айтилаётганини билишингизни истардим.

Умурзоқ УЛЖАБОВ,  
филология фанлари кандидати





## Эътиқодлар чорраҳаси



Тоҳир Малик. Чорраҳада қолган одамлар. Қисса. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1985

Ўзбек совет прозасининг усталаридан бири А. Қаҳдор адабий жанрлар ва ижодкор муносабати ҳақида гапириб, ёзувчи жанрни эмас, жанр ёзувчини танлайди, деган эди. Узининг бир қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўзбек фантастикасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ёзувчи Т. Малик ижоди ҳақида ўйлаганда устоз санъаткорнинг юқоридаги фикри беихтиёр ҳаёлимизга келади.

Фантастика ўзбек адабиётида нисбатан кечроқ пайдо бўлган бўлса ҳам бу жанрда муваффақиятли ижод қилаётган ёзувчилар сафи кенгайиб бормоқда. М. Маҳмудов, Ҳ. Шайхов каби истеъдодли ёзувчилар қаторида Т. Маликнинг ҳам ўрни бор. У бир қатор фантастик ҳикоялари билан китобхонларнинг эътиборини қозонган.

Унинг «Шарқ юлдузи» кутубхонаси сериясида чиққан «Чорраҳада қолган одамлар» қиссаси бу борадаги салмоқли асарларидан биридир.

«Чорраҳада қолган одамлар» муаллифнинг 1979 йилда нашр қилинган «Сомон йўли элчилари» қиссасининг баъзи эпизод ва муаммоларидан фойдаланилган ғоявий бадий жиҳатдан янги асаридир. Воқеалар кўлами, образлар системаси, ғоявий юқининг салмоғи ҳам бу қиссани оригинал асар дейишга асос беради. Илмий-техника прогресси ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи омиллардан бири, деб қаралаётган бир даврда бу қиссанинг аҳамияти янада бўртиброқ кўринади.

Қиссанинг асосий ғоявий фазилатларидан бири шундаки, автор она Ерда бўлган буюк меҳрини олис сайёра кишилари нуқтай-назаридан ифодалайди. Тараққиёт жиҳатдан ерликларга нисбатан жуда юксалиб кетган Танг сайёрасининг олимларики, (уларда ҳис, туйғу, меҳр тушунчалари деярли йўқолиб кетган — Т. Й.) ўз она сайёрасидан кечиб Ерда қолиб кетаётган экан, нечун биз — ўзимиз унинг қадрига етмаймиз, ниҳоясиз урушлар, талашиб-тортишишлар билан унинг бағрини қон қиламиз деяётгандек бўлади.

Тараққиёт қачонки инсониятнинг ҳар томонлама камолга етишига хизмат қилмас экан, унинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлади. Танг аҳолиси ниҳоятда юксак ривожланиш даражасига эришган. Тангда одамлар юксалиш учун ишлаш, ишлаш учун юксалиш керак, деб ҳисоблайдилар. Ерликларга хос бўлган ҳис-туйғу, меҳр-оқибат улар учун эскилик сарқити ҳисобланади.

Инсон ҳаётидаги энг муҳим, энг масъулиятли воқеа уйланиш, турмуш қуришда ҳам тангликлар қалб интилишларига қараб эмас, «оқиллона машиналар»га — компьютерларнинг ҳисоб-китобларига асосланади. Уларда ҳис-туйғулар шу қадар ўтмаслашиб кетганки, ҳатто энг яқин кишининг ўлими ҳам деярли ачиниш ҳиссини уйғотмайди.

Олис сайёра — Тангда фан-техника жуда юксалиб кетиши натижасида табиат инсон измига тамом бўйсундирилган. Тангликлар эришган тараққиётга шу қадар маҳлиё бўлиб кетишганки, табиат бағридаги барча неъматларни беаёв равишда сўғуриб олмоқдалар, уни қашшоқ, кераксиз бир ҳолга келтирмоқдалар. Ҳатто, эндиликда денгиз сувлари ҳам маҳсус элқандан ўтказилиб, жирсиз ҳолга — яъни ўлик ҳолга келтирилган. Бу сувлардаги жониворлар ҳам қирилиб кетиш арафасида, деб ташвишланади Рҳак. Ерликлар таъсирида ўзгариб бораётган Рҳак Тангдаги тараққиёт туфайли содир бўлган парадоксни англаб етиб тушунадик, тангликлар табиат сирларини қанчалик чуқур ўрганиб уни ўзларига бўйсундирган сари табиатдан шунча узоқлашиб кетганлар. Уларда энг муҳим табиий фазилатлар, инсоний туйғулар сўнгган.

Қисса олис сайёра Тангдан Ерни тадқиқот қилиш учун келган икки олим Рҳак ҳамда Лукнинг амир Бухоросида олиб бораётган кузатишлари билан бошланади. Улар генетик код орқали ерликлар қиёфасига кириб олиб Ершунос олим — Фидга маълумотлар юбориб туришади. Рҳак аввал келишида Табиб афанди қиёфасида иш юритган бўлса, кейинги сафарда Рҳак — Мирзавой номини олиб, табиблик билан шуғулланади. У амир Бухороси ҳаётини чуқур ўрганиши натижасида у ерда эндигина активлашиб келаётган ижтимоий фикр намояндалари билан яқинлашади. Булар ичда, айниқса Файзулла билан Салим-

хўжа унда катта таассурот қолдиради. Уларнинг фикр-ўйлари, интилишлари орқали Ерда янгича бир ўзгариш бошланганини сезади. Воқеалар ривожини уни Сабоҳиддиннинг тақдири билан ёнма-ён яшашига ва натижада 20-йиллардаги Фарғона водийси ҳаёти билан танишишга олиб келади. Қиссадаги бир неча сюжет чизиқлари Сабоҳиддин тақдири орқали бир-бири билан боғланиб яхлит шаклга келади.

Сабоҳиддин Туркистонда Октябрь революцияси бўлмасдан олдин Новқатдан Бухорога — мадрасага ўқишга келган. Октябрь революцияси туфайли Туркистонда рўй берган инқилобий ўзгаришлар Бухоро халқининг ҳам синфий онгининг уйғонишига таъсир қилган, амир зулмига қарши норозилик кундан-кун кучая бошлаган эди. Ёш бухороликлар уюшмасининг аъзоларидан бўлган Сабоҳиддин ҳам Бухоро зиёлиларининг энг революцион қисмини бирлаштириб, халқни зулмдан озод қилиш йўллари кидиради.

Агар уюшманинг энг нуфузли вакиллари-дан бири Салимхўжа амирлик кулагандан кейин халқ вакиллари давлатни бошқариши керак, деб ҳисобласа, Шоазиз давлатни бошқаришни дин пешволарига топшириш маъқул бўларди, деган тушунчада. Сабоҳиддин ўз билими, эътиқодига кўра айни шу иккинчи гуруҳнинг қарашларига мойил. Кейинчалик у Новқатда, Ушда — гоҳ у қўрбошининг маъдоҳи, гоҳ бу қўрбошининг малайига айланганда ҳам ўз эътиқодига содиқ қолади. Ана шу эътиқод уни машъум фожиага олиб боради. Ёзувчи Сабоҳиддиннинг характери намоён бўладиган вазиятларни барча мураккабликлари билан тасвирлайди.

Амир Бухоросидан контрреволюцияга ёрдам бериш учун Фарғона водийсига махсус топшириқ билан келган Сабоҳиддин ва олис сайёрадан Ердаги ўзгаришларни ўрганиш учун юборилган Рҳак — Мирзавой кузатишлари орқали ёш совет мамлакатида рўй бераётган ўзгаришлар барча зиддиятлари билан кўз олдимизда намоён бўлади.

Бир томонда Шўро ҳукуматини ағдариб эски тузумни тиклаш учун ўзаро вақтинча бирлашаётган қўрбошилар, иккинчи томондан бир-бирини пайини қирқиб ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун курашаётган бекларнинг ёвуз ҳийла-найранглари Сабоҳиддиннинг танлаган йўли сароб эканлигини таъкидлаётгандек бўлаверади. У жуда катта умид боғлаган кишиларнинг қилмишлари, яқин одамларнинг бошига тушган кулфатларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари борган сари равшанлашиб, унинг онгида маълум ўзгаришлар бўлишига замин яратади.

Эски тузум ағдарилиб, янги социалистик тузум туфайли гуллаган яшнаётган водий ёзувчи назарида кўҳна тарих йўлидаги улкан чорраҳа бўлиб туюлади. Бу чорраҳанинг бир томонида Бухорога бориб, эски амирлик тузуми шароитида онги шаклланиб қолган Сабоҳиддин, бир томонида революция туфайли Сибирь сургунидан озод бўлган ва ёш Совет ҳокимияти учун мардларча курашаётган Жамолддин, чорраҳанинг яна бир томонида олис сайёрадан келиб, Ерда юз бераётган янгича ўзгаришларни кўриб, ерликлар ҳаётига қизиқиши ортиб бораётган Рҳак — Мирзавой, яна бир томонида Шўро ҳукуматини вақтинчалик омонат ҳокимият ҳисоблаб охириги қолган-қутган кучлари билан

уни ағдариб ташлашга уринаётган беклар, қўрбоши, мулла, эшонлар.

Қиссадаги яна бир муҳим муҳитни алоҳида таъкидлаш керак: асарда Рҳак — Табиб афанди — Мирзавой кузатишлари, Сабоҳиддиннинг зиддиятли ўй-фикрлари, Дилмуроднинг илмий тадқиқотлари орқали янги давр ўзгаришлари кўз олдимизда намоён бўлсада, қиссанинг бошидан охиригача бутун воқеалар билан параллель равишда ривожланиб борадиган бир гоҳ борки, бу гоҳ ёзувчининг она-Заминга чексиз меҳр-муҳаббатидир. Инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, олижаноблик, севги-муҳаббат энг ноёб туйғулар эканлиги уларни асраш-авайлаш, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришнинг нақадар муҳимлиги таъкидланади. Бу туйғулар инсонни янада жозибадор қилувчи энг муҳим фазилат эканлигини, айниқса, туйғуларини уйғона бошлаган Рҳак — Мирзавой жуда чуқур ҳис қилади. Бир қанча вақт — оддий, самимий одамлар орасида яшаш, уларнинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлиш натижасида Тангда аллақачон унутилиб кетган инсоний ҳиссиётлар — севги, севилиш туйғуси Рҳакда яна пайдо бўлади. Ва бу туйғу туфайли бутун баданида ҳис қилган оромбахш ўзгаришдан ниҳоятда бахтиёр бўлиб кетади.

Қисса охирига бориб Рҳак ўзини олис сайёра элчиси эмас, шу ернинг одами, серташвиш ва меҳрибон одамларнинг бири, деб ҳисоблайди. «Мана шу Ер, мана шу одамлар унинг қалбида исиз йўқолиб кетган меҳр, севги, оқибат туйғуларини қайтардилар. Энди у одамларни ташлаб, қаерга қайтади? Ҳиссииз юртигами? Уни ким кутяпти? Унинг гапига ким қулоқ солади? Шу саволлар ўтида қоврилган Рҳак оғир иш қилиб толиққандай кўзини юмади. Беозор Девона — Сабоҳиддин, унга меҳрибонлик қилаётган Умида, қуюнчак Дилмурод, вафодор Ақида, ҳазилшак Асқарали, ифбатли Сабоҳон, бир-бирига оқибатли ҳамқишлоқлар кўз олдидан ўта бошлайди».

Ёзувчи оқорида Рҳак — Мирзавойда пайдо бўлган ўзгаришни, уни она сайёрасидан воз кечиб Ерда қолишга қарор қилиш сабабларини ишонарли тасвирлайди. Инсон ҳаётининг маъноси фақат тараққиёт кетидан қувий эмас, балки инсонни ҳар томонлама камолга етказадиган табиий тараққиётгина муҳимдир.

Тарих тараққиётини орқага қайтариш қанчалик хатарли бўлса, фақат инсоннинг энг юксак туйғуларини йўқотиш эвазига тараққий эттириш ҳам шу қадар маъносиз деган хулосага келамиз.

Қиссани ҳар томонлама муваффақиятли асар деб айтишимизга монелик қиладиган ўринлар ҳам йўқ эмас. Асарда Исҳоқ ота ва раис муносабатларида сунъийлик сезилиб туради. Яъни Исҳоқ отанинг ўлим олдида раисни қақиртириб унга ривоятлар воситасида насихатлар қилишига ўқувчи ишонмайди.

Шунингдек, асардаги камчиликлардан бири персонажлар тилининг индивидуаллашмаганлигидир. Умуман олганда асар тили у қадар сайқалланмаган. Кўпинча персонажлар психик ҳолати билан унинг тасвири тўғри келмай қолади.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан асар фантастика ишқибозлари учун муносиб совға бўлганлигига шубҳа йўқ.

**Тўлқин ИУЛДОШЕВ,**  
филология фанлари кандидати



**Аббос Саидов. Хончорбоғлиқлар. Қисса ва ҳикоялар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент — 1986.**

Серкүёш республикамизнинг пойтахти, бугунги муаззам Тошкентимиз икки минг йил илгари қандай бўлган? Икки юз йил илгари, лоақал асримиз бошларида, тағинам берироқ келсак, Улуғ Ватан уруши ёхуд машъум зилзила арафасида-чи? Ахир, Тошкент ҳам бирданига қурилмаган-ку! Кайковус, Қичқирик, Урда, Чорсу, Хадра, Қумлоқ, Соғбон, Қоратош... — бундай юзлаб тарихий атамалар қачон, қай тарзда, нима сабабларга кўра келиб чиққан? Бу атамаларнинг ҳар бири бутун бошли бир тарих, кўпдан кўп насрий асарларга мавзу эмасми! Биз учун янада қизиқроғи — ўша даврларда бу шаҳарда қандай одамлар яшаганлар? Уларнинг туриш-турмуши, урф-одатлари, дунёқараши, феъл-атвори қандай эди? Хусусан, бизнинг беимисл инқилоблару таназуллар асримизда бу муаззам шаҳар, шаҳарнинг туб аҳолиси нималарга эришдию, нималарни кўлдан бой берди? Бу «нон шаҳри» аҳлининг феъл-атворида қандай фазилат ва иллатлар ҳозирга қадар сақланиб қолдию, қандай фазилат ва иллатлар янгидан пайдо бўлмоқда? Бундай сон-саноксиз саволларга бадий адабиёт, хусусан, унинг бугунги кунда ғоят тараққий топган таркибий қисми — реалистик нарсина ижтимоий онгинг бошқа соҳаларига нисбатан тўлароқ, мукамалроқ, бевоситароқ жавоб бера олади.

Иқтидорли ёш ёзувчи Аббос Саидовнинг «Хончорбоғлиқлар» тўпламига киритилган битта қисса ва тўртта ҳикоя муаллифнинг бу борадаги жиддий ижодий изланишларидандир. Тўпلامда ёш қаламкаш Тошкентнинг кўҳна мавзеларидан бири — Хончорбоғ билан, бу мавзенинг яқин ўтмиши билан ва, муҳими, турфа феъл-атвору қисматдаги одамлари билан таништиришга жазм қилади. Ҳозирча бу одамларнинг атиги беш нафари билан нисбатан бевоситароқ танишиб имкониға эгамиз: Наби Тароқ, Мирхон, Убай муаллим, Сувонқул чол, Каромат.

Бу одамлар кимлар, қандай қисмат, феъл-атвор, фазилат соҳиблари? Бир сўз билан айтганда, яхши одамлар! Батафсилроқ изоҳлайдиган бўлсак, ўта покиза, оққўнгил, танти қолаверса, халқимизга хос эзгу хислатлару олижаноб фазилатларни ўзларида у ёки бу даражада мужассамлаштирган одамлар. Айни пайтда, зехн солиб қарасангиз, уларнинг қисматлари бири биридан фожероқ. Нима бу? Ёш ёзувчининг масалаға бир томонлама ёндашуви, фоже тақдирларни бурттириброқ кўрсатишга мойиллиги, демакки, объектив ҳақиқатдан чекинишими? Йўқ, назаримизда, аксинча! Бу фоже қисматлар билан танишар эканмиз, барча беқиёс инсоний фазилатларнинг боқий яшаб қолиши учун нечоғли улкан фидойилик даркорлигини яққол ҳис қила оламиз. Яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва тубанлик, латиф ва палид ҳислар ўртасидаги зиддиятлар амалда нақадар кескинлигини, кўп ҳолларда ёмонликнинг оти чопағонлигини рўй-рост кўриб турамыз.

«Хончорбоққа тун чўкканда» қиссасининг бош қаҳрамони Наби Тароқнинг олтмиш йилдан ортиқроқ умрини тасаввур қилинг. Наби Тароқнинг йўқотишлари, бой беришлари, кулфату фожиалари нақадар кўп! Гуё сўққабош яшашнинг ўзи унга тобора мушкуллашиб қолаётгандек. Бу одам ўзининг журъатсизлиги ва рақиб Шералининг оғирлиги сабаб ўспиринлик чоғидаёқ чин муҳаббати — Жўраҳонни кўлдан бой берган. Аввалиға отадан, сўнг онадан жудо бўлган. Ғани қийишқининг тухмати билан бир неча йил қамоқхонада ўтириб чиққан. Қалбидаги Жўраҳонға бўлган сўнмас муҳаббати туфайли хотини билан қизи уни ёлғиз ташлаб кетган. Узи ота ўрнида оталик қилиб, ўстириб-ундирган укаси Раҳимға данғиллама уйини қўш қўллаб топшириб, пастқамгина ҳужрада якка-ёлғиз яшайверган. Буниси камдек, бир вақтлардаги ёмонликлари учун эмас, йўқ, азбаройи «Неға қамоқда ётган ўғлингдан хабар олмайсан? Қанақа отасан ўзи?!» деб унга куйинган Вали пўконни урган. Шу «қилимиши», қолаверса, жиёни Ортиқбойни онасининг зуғумидан ҳимоя қиламан деб, келини томонидан қарийб уйдан ҳайдалган — маҳалла чойхонасида яшайверган. Ортиқбойнинг ялиниб-ёлборишлари сабаб тагин уйға қайтган, бироқ унга совға қилинган бўғоз қўй, мансабдор укасининг алақандай улфатлари шаъниға бўғизланганини кўриб, яна бу уйдан «этак силкиб» чиқиб кетган. Наби Тароқнинг турфа хил фожиалар билан «тўйинган» қисмати мана шундай.

Юзаки қараганда, бундай қисматға қаҳрамоннинг ўзи айбдордек, унинг бўштоблиги сабабдек. Аслида бошқа икки нарса: атрофини қуршаган айрим одамларнинг имонсизлигию қаҳрамоннинг имони бутунлиги сабаб, виждонсизлар қуршовида виждонни бутун сақлаб қолишнинг ўта мушкуллиги сабаб!

Назаримизда ёш ёзувчининг муҳим ижодий ютуғи шундаки, биринчидан, Наби Тароқнинг фоже қисмати, аксарият хатти-ҳаракатларининг чинлигини характер мантиқи нуқтаи назаридан далиллайди. Иккинчидан, бу имони бутун одамнинг кечмишлари нечоғли фоже бўлмасин, китобхонада тушкун кайфият уйғонмайди. Бильёкс, авлодлардан авлодларға ўтиб келаётган Имон деб, аталмиш буюк бир руҳий Давлат соҳибига хайрихоҳлик, меҳр-муҳаббат, Вали пўкон, Раҳим каби виждонсиз кимсаларға қарши оташин нафрат, қурашчанлик ҳиссини уйғотади. Бунға сабаб,

Наби Тароқнинг кўпдан кўп изтироблар эвазига бўлса-да, бари бир, маънан ғалаба қозонгани — Хончорбоғ аҳли, айниқса, Унинг Ортиқбой билан Анвардек ёш бўғинлари бош қаҳрамон тарафида эканлиги асардан яққол англашилиб туради.

Таъкидлаш лозим: қисса биз кўникиб қолган аънавий асарлар сирасидан эмас. У юксак китобхонлик малакасини талаб этувчи мураккаб сюжетли асар. Сюжетда асосан тўртта қатлам ўзаро боғланиб — чапишиб, ягона бир оқимни ташкил этган: биринчи қатлам — уйини икки қарра тарк этган Наби Тароқнинг хатти-ҳаракатлари, маҳалладошларининг бир неча кунлик мулоқотлари тасвири; иккинчи қатлам — бош қаҳрамоннинг олтимш йиллик аччиқ хотиралари таҳлили; учинчи қатлам — Ортиқбойнинг Наби Тароққа, маҳалладошларига муносабати ифодаланган ўринлар; тўртинчи қатлам — қавс ичида берилган муаллиф шарҳлари, изоҳлари, тушунтиришу уқтиришлари. Бу тўрт қатлам ўзаро уйғунлашиб, қаҳрамоннинг олтимш йиллик қисмати ва бетакрор характери, қолаверса, хончорбоғликларнинг ўзига хос яшаш тарзи, одат-кўникмалари, миллий психологияси хусусида китобхонда яхлит бир тасаввур уйғотади. Китобхон ҳам асар персонажларидан бири сингари беихтиёр ҳайратланади, ички қониқиш, мамнуният ҳосил қилади: «Хончорбоғда ҳам ху-ўп аломат одамлар ўтганда, а!»

Тўпلامдаги ҳикоялар бизни мана шундай аломат одамлардан яна тўрт нафари билан таништиради. «Мирхон» ҳикоясининг қаҳрамони эзгу туйғуларга бой руҳий олами билан Наби Тароққа ўхшаб кетади. Лекин унга нисбатан чапанироқ, ўжарроқ, курашчанроқ, имонсизликка қарши муросасизроқ. Бу далил-ғули, дилидагиси тилида, ҳожатбарор одамнинг феъли шу қадар антиқаки, у ўз икромига кўра, Асқар суднинг лоқайдлигига муносиб жавоб қайтаргани учун милиционерлар қўлига топширса — хафа бўлмайди, милиционерлар ёшини ҳурмат қилмаса — бунгаям хафа бўлмайди. Бироқ Асқар суднинг «бир фақир кампирга нисбатан қилган адолатсизлигидан ҳали-ҳануз ўзига келолмайди». Мана шундай ҳақиқатпарвар қалб эгаси бу одам! Кўмакка муҳтож Сувонқул отанинг ўтинчига кўра ўзи йўллаган бир машина қумни Зикир чиноқ била туриб йўлдан уриб қолганида, бу худбин кимсага аччиқма-аччиқ, қумни унинг уйдан Сувонқул чолниқига замбилғалтакда ташиб тўкади. Ҳикояда Мирхон «Ташийман, ярим кечага қолсам ҳам, тонгга довр бўлса ҳам, ётиб бўлса ҳам ташиб битираман» дея чоғланганида бир машина қум одамгарчилик, инсоф-диёнат, имон бутунлигининг тимсоли сифатида талқин этилади.

Бундай оригинал бадий талқин, таъсирчан сюжет, бетакрор феъл-атвор соҳиблари тўпلامдаги қолган уч ҳикоя («Убай муаллим», «Сувонқул чол», «Каромат») да ҳам учрайди.

Шубҳасиз, тўпلامга киритилган қисса ва ҳикоялар айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Назаримизда бу нуқсонлар асосан тил ва ифодада дахлдор. Чунончи, қиссада ўспирин Набининг ўз бобоси Сирож махсумга қараб «Жўрахонда эди кўнглим, Жўрахонда!» дея мушти билан кўкрагига ниқташи, вазият ҳар қанча кескин бўлган тақдирда ҳам, қаҳрамоннинг миллий табиатида зид: Наби Тароқдек оми одамнинг дўсти Расулга қарата «Уғлингнинг иқтидорига ишонаман» дейиши ҳам ғайритабиий. Шунингдек, «Сувонқул чол» ҳикоясида

қаҳрамоннинг ўз ити Оқтошга қуйидаги тарзда гапириши, ҳатто ўйлашини персонаж тилига хос деб бўлмайди, албатта: «Қопломининг талвасига тушгани ҳалигача кўз олдимдан кетмайди. Қафасда туриб юлқинар, юқори лабини кўтариб ирилларди, уни бундайин очор аҳволда биринчи бор кўришим эди. Назаримда Қоплон қутурганди, эшитяпсанми, Оқтош, қутурганди»...

Албатта, мазкур тўпلامга хос фазилат ва нуқсонларни нисбатан батафсилроқ танқидий таҳлилдан ўтказиш кичик бир тақриз учун оғирлик қилади. Шу боис бу ўринда юқоридаги мухтасар кузатишларимизга асосланган ҳолда муайян хулосаларимизга баён қилиш билан кифояланмоқчимиз.


Комил ишонч ила айтиш мумкинки, Аббос Саидовнинг «Хончорбоғликлар» китоби муаллиф ижодидагина эмас, бугунги ёшлар насридаги жиддий ютуқлардандир.

«Хончорбоғликлар» насрий туркумида эса, шаҳар аҳлининг ўзига хос бадий галереяси, шаҳардаги бир мавзенинг тарихий-этнографик мозаикаси яратилган ҳамда улар замирига бугунги куннинг муҳим маънавий-ахлоқий муаммолари теран сингдирилган.

Умид қиламизки, Аббос Саидов келгуси ижодий изланишларида бу туркуми янада бойитиб, теранлаштириб, кенгайтириб бораверади. Бадий адабиёт — ижтимоий хотиранинг буюк таъсир кудратидан тобора самаралироқ фойдаланаверади.

Раҳимжон ОТАЕВ

## ПОЭЗИЯДА ИНСОН ТАСВИРИ



Абдурашид Абдурахмонов. Поэзияда инсон тасвири. «Уқитувчи» нашриёти. Тошкент — 1985.

Янги инсонни камол топтириш — коммунистик қурилишнинг муҳим мақсадигина бўлиб қолмай, шу билан бирга энг зарур шартидир. Ана шу нуқтаи назардан Абдурашид Абдурахмоновнинг «Поэзияда инсон тасвири» монографияси муҳим ва актуал

мавзуда ёзилгани билан ажралиб туради. Китобда ўзбек совет адабиётида инсон концепцияси масаласи марксистик нуқтаи назардан ёритилади. Тадқиқотда ўзбек совет поэзиясида янги инсон образининг яратилиши эволюцияси учун нуқтаи назардан текширилган. Китобнинг «Поэзияда инсон образини яратишнинг асосий хусусиятлари» қисмида муаллиф марксизм-ленинизм классиклари, адабиёт назариётчиларининг ижодий метод ва инсонни тасвирлаш санъати, инсон образини яратишда шoirнинг ғоявий мавқеи ва маҳорати борасидаги қарашлари ва таълимотлари баён этилади.

Уйғун, Фафур Фулом, Асқад Мухтор, Зулфия сингари шoirларнинг урушга қарши мавзуда ёзган шеърлари таҳлилдан келиб чиқиб, у шеърятда инсон назариясини яратишда ижодкор позициясининг асосий принципларидан бири ғоявий соғломлик ва сиёсий ҳушёрлик эканини таъкидлайди.

Инсон образини поэтик гавдалантириш ҳақида сўз юритар экан, муаллиф Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Уйғун, Амин Умарий, Асқад Мухтор, Ойдин Ҳожиёва, Ҳалима Худойбердиева бадий маҳоратини атрофлича таҳлил этади. Мазкур шoirлар ижодида инсон сиймосини яратишда рамзий, мажозий ва бошқа образларнинг аҳамияти таҳлилига кенг ўрин ажратади.

Китобнинг «Ўзбек совет поэзиясида янги инсон образининг шаклланиш эволюцияси» деб номланган қисмида ўзбек шoirлари томонидан инсоннинг ижтимоий идеалини акс эттириш йўлидаги ютуқлар тадрижий тарзда таҳлил этилади. Янги дунё кишининг ахлоқи, ижтимоий-сиёсий қарашлари, воқеликни гўзаллик қонунлари асосида ҳис этишлар мезонлари социалистик реализм адабиёти талаб қиладиган бадий қаҳрамон характериға мос келади. Аммо унга осонликча эришиб бўлмайди. Санъаткор ҳақиқат ва туйғулар кучига зўр ишонч билан қараганда, мураккаб воқеаликнинг ичига чуқур кириб бора олганда, қаҳрамоннинг руҳий оламини теран тадқиқ этишга эришгандагина ахлоқий муаммолар ўз мустақкам заминига эга бўлади.

Ўзбек адабиётида янги инсон образи Октябрь инқилоби арафасида ёзилган (Ҳамза, Абдулла Авлоний) шеърларида кўрина бошлади. Кейинчалик, Кўкан (Фафур Фулом), Темирчи Жўра (Ойбек) образларида янги инсонни тарбиялашда коллективнинг ролига юксак баҳо берилди. Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида бу ҳолат айниқса ёрқин тасвирланди. Совет воқелиги аёл ҳақидаги эстетик қарашларга ҳам янгилик киритди. Фафур Фулом «Хотин» шеърисида аёл сиймосини дунёдаги энг муқаддас зот деб улуғлади.

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,  
Вафо — ҳунаридир, меҳнат — одати.

Совет аёлининг ахлоқий эстетик идеаллари қай тарзда шаклланиб борганини Зулфия поэзияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг чуқур реалистик бўёқларда яратилган «Саодатнинг америкалик хонимга жавоби» шеърисида совет ва буржуа аёлининг бир-биридан фарқ қиладиган характери, инсоний фазилатлари таққосланади.

Хуллас, ўзбек совет поэзияси инсон тақдири учун жавобгарлик идеали билан шаклланаётган инсон образини яратишда умумсовет поэзияси билан ҳамнафас бўлмоқда.

Тадқиқот муаллифи ўзбек совет шoirларининг янги инсон образини яратиш йўлидаги ютуқларини санаб ўтар экан, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин каби шoirларнинг шеърларидаги интернационал пафосни анча кенг таҳлил этади. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонида умр йўлдошини урушга жўнатиб, ёш ўғли билан қолган аёл тимсолида урушнинг ачиққоғи фожиясини ҳамда интернационал мазмун касб этганини чуқур ҳис этган совет халқининг умумлашма образини кўрамай.

Тадқиқотчи ўзбек совет поэзиясида интернационал инсон образи шаклланишига алоқадор уч асосий ҳолатни аниқлайди.

1. Совет кишисида интернационализм туйғусининг туғилиши ва шаклланиши унинг онгида бошқа миллатларга нисбатан адоват, миллатчилик, маҳаллийчилик руҳини йўқотди. (Масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўзёшлари» балладаси, Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри).

2. Социалистик жамият қуришда Ватаннинг бойликларини яратишда турли миллат халқларининг ҳамкорлигини поэтиклаштириш. (Ботунинг «Биринчи хат», Ҳасан Пўлатнинг «Меҳрибонлар», Шайхзоданинг «Уртоқ», Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» поэмалари, Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган достон», Абдулла Ориповнинг «Авлодларга мактуб» шеъри ва бошқалар).

3. Совет кишининг жаҳон халқлари билан дўстлиги, жаҳонда тинчлик учун кураш масаласи. Ҳамид Олимжоннинг «Шарқ», «Биринчи май алангалари», Миртемирнинг «Сакко ва Ванцетти мотамида», «Қон саҳифаси», Шайхзоданинг «Қуёш ашуласи», Зулфиянинг «Уфлим, сира бўлмайдиган уруш» каби шеърлари).

Китобнинг шу қисмида поэзияда янги меҳнат кишиси образини яратиш йўлидаги изланишлар тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг сўнгги, учинчи қисмида поэзияда халқ қаҳрамонлари ва раҳбарлари образини тасвирлаш тажрибаси ҳақида сўз боради. Махсус бир боб эса буюк инсон Ленин сиймосини янги қаҳрамоннинг типик намунаси тарзида тасвирлаган ўзбек совет Ленинномасига бағишланган. Бунда Пўлкан, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Фафур Фулом, Миртемир, Ғайратий, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов каби шoirларнинг доҳий Ленин сиймосини яратишдаги маҳорати тадқиқ этилади.

Ўзбек совет поэзиясидаги инсон тасвири эволюциясини ёритар экан, муаллиф бу борада йўл қўйилган камчиликларни ҳам таъкидлайди. Муаллиф поэзиямизда давримиз кишининг эстетик идеалларини тор, шахсий кечинмалар билан изоҳлаш ҳоллари мавжудлиги ҳақида батафсил тўхталади. Коммунизм қурилиши кенг авж олган ҳозирги даврда инсоннинг моҳиятини англаш, қалб туйғуларини ҳаққоний тасвирлаш йўлидаги дадил изланишлари давом этаётганини эътироф этади.

Абдурашид Абдурахмоновнинг мазкур китоби шеърятимизнинг асосий қаҳрамони — замондош инсон сиймосини тадқиқ этишга бағишланган тадқиқот сифатида қимматлидир. У турли бахслар, мунозараларга асос бўлади, деб умид қиламиз.

Наим НОРҚУЛОВ,  
тарих фанлари кандидати



## Қилич Нурмухамедов

### «Халоскор»

Қарни шаҳрида яшовчи Қилич Нурмухамедовнинг касби шифокор. Унинг ҳикоялари «Шарқ юлдузи» журналида аввал ҳам ёритилган.

Дам олиш кунни реанимация бўлимида навбатчилик қилардим. Чошгоҳга яқин «Ўткир пневмония» билан келган бола оғирлашиб қолди. Унинг актив нафас олиши ва юрак уриши тўхтаб бошлагач, сунғий нафас олдирувчи аппаратни қўшдим. Умров ости венасига катетер юбориб, унга томчи система уладик. Юрак уриши сезила бошлади.

Шу пайт коридордан ҳамширанинг одатдагидан қаттиқроқ гапиргани эшитилди:

— Мумкин эмас дедим-ку, бола оғир, ахир!

Шу томон ўғирилдим, ҳамшира менга кўзи тушгач, куйиб-пишиб деди:

— Аҳмад ака, булар билан бир гаплашиб қўйсангиз-чи, кирамиз деб боядан бери тикилинч қилишяпти...

Унинг орқасида икки кампир туришарди. Улардан бири ёшироқ, серташвиш, иккинчиси эса анча кекса ва бепарво.

— Йигит бўйингдан онагинанг ўргилсин, бирпасга рухсат бергин. Шу бувихони Омонжонни бирров кўриб чиқсин, — деди серташвиш кампир ҳамроҳини кўрсатиб. Кекса кампир ҳам унинг гапини маъқуллаб, сўзсиз бош эгди. Менинг шифокор бўлишимни орзу қилган, аммо халат киймасимданоқ оламдан ўтган марҳум бувим кўз ўнгимга келди. Лекин ноилож эдим. Онда-сонда билинар-билмас юрак уришини ҳисобга олмаганда фақат аппарат ёрдамида нафас олиб турган Омонжонни тирик деб бўлмас эди. Бирдан миямга бир фикр келди: «Шу бепарво кампир наҳотки Омонжоннинг бувиси бўлса? Қани, текшириб кўрай-чи...»

— Фақат сизга рухсат, — дея унинг елкасига халат ташладим ва Омонжондон бир палата нарида даволанаётган болани кампирга кўрсатиб қўйдим. — Толиқтирмай, дарров чиқасиз.

Аслида бу бола соғаяётган бўлиб, ҳозир ухлаб ётарди. Не ажабки, кампир ўзга боланинг бошида куймалана бошлади. Мен уни ўз ҳолича қолдириб, Омонжоннинг аҳволини кузатиб турган ёрдамчим ёнига шошилдим. Хонада бемор гўдакка сунғий нафас олдираётган аппарат овозидан бўлак шарпа эшитилмас, ҳамманинг нигоҳи уланган системалару кўрсаткичларда эди. Ёрдамчим боланинг қовоғини кўтариб, кўз қорачиғини кузатиб турарди.

— Мезатон юбордиларингми?

— Ҳа.

— Менитолдан қанча кетди?

— Эллик миллилитр...

Фонендоскопни олиб, яна боланинг юрагига қулоқ солдим. Юрак тонлари сал кучайибди.

— Ҳаракатларимиз зое кетмайди, шу зайлда давом этаверинглар-чи, — дедиму нариги палатага юрдим. Не кўз билан кўрайки, кампирни тушмағур боланинг қорнини чойшаб устидан силар ва алланарсаларни тичирлар эди.

— Чиқинг! Чиқинг бу ердан! — дедим ғазабим кўзгаб.

Кампир, дуосининг чала қолаётганига қарамай, дарров жўнаб қолди. Ҳеч нарсадан хабарсиз Омонжоннинг бувиси эса бизга пешвоз чиқди:

— Айланай сиздан, илоҳим хизматларингиз куймай, Омонжоним омон қолсин, бу яхшиликларингизни албатта қайтараман!

Бу шукрона кимга айтилаётгани номаълум эди.

Кампирлар зинадан тушиб кетишди. Бўлимга қайтиб кирар эканман, бу воқеадан кулишимни ҳам, нафратланишимни ҳам билмас эдим.

Омонжонда актив нафас олиш белгилари намоён бўлгач, аппарат узилди, кечга яқин у ўзига келиб қолди. Эртаси у яна-да тетиклаша бошлади. Ниҳоят Омонжон соғайиб чиқди...

Эшигишимга қараганда, Омонжон саломат қолганлиги учун бувиси «халоскор» кампирга битта қўй ва икки кийимлик мато ҳадя этган эмиш...

## Хира пайшша

Бош врачнинг хўжалик ишлари бўйича муовини билан телефон орқали суҳбатлашиб қолдим:

— Ассаламу алайкум, Эрназар Қодирович!

— Ва-алайкум...

— Ҳорманг.

— Ҳозирча ҳориганимиз йўқ.

— Унда жуда соз, бир нарсани сўрасам майлими? Устамиз бор-а?

— Ҳа-да. Жўрақул шатдаги устамиз, бир ярим ставка олади.

— Кондиционер ўрнатиш керак эди, бир оғиз айтиб қўясизми?

— Жоним билан, аммо... ахшиси...

— Ахшиси, ўзингиз сўранг, демоқчисиз-да, — дедим унинг фикрини англаб. —

Қаердан топсам бўлади?

— Ҳали автоклавда юрган эди, — деб Одилов телефонни қўйди.

Жўрақул ишлаётган хонанинг телефонини Элмира исмли қиз олди.

— Уста Жўрақул шу ерда экан, бир минутга телефонга чақириб қўйинг, — дедим қизга. Трубкадан «ҳозир» сўзини эшитиб, бўлажак суҳбат учун илиқ гап ахтариб турганимда яна Элмиранинг овози келди:

— Вақтим йўқ, деяптилар.

— Музаффар Омонович сўраяптилар денг, — овозимга сал жиддийлик оҳангидан қўшдим.

Бир оз жимликдан сўнг яна қизчанинг ўзи жавоб берди:

— Министр чақирса ҳам боролмайман, деяптилар.

Ноилж трубкани қўйдим. Чакка томирларим гурсиллаб ура бошлади. Секин автоклавхонага келдим. Йўл-йўлакай ҳовурирдан тушган бўлсам керак, ёки одамнинг юзига қараб запириш мушуқлигиданми, уни кўриб «ҳорманг уста» дея олдим, холос.

— Саломат, — деди у эринибгина, қулоғига ойна қирққични қистирар экан.

Важоҳатидан кўриниб турибди, нордонроқ гап билан иш битира олмайман. Шу сабаб устани мақтай бошладим:

— ГПТУнинг қизил дипломини олганга ўхшайсиз, Жўраҳон, қирққан ойналарингиз бир миллиметр ҳам фарқ қилмайди-я!

— Мақсадга ўгинг, — деди у афгимга бақрайиб.

— Биттагина кондиционер ўрнатиш учун қачон вақтингиз бўлади, ука? — дедим илтижол термилиб.

— Бугун қайси кун?

— Пайшанба.

— Душанба кунни боришим мумкин, — дея у бурилди-да, ишини давом эттираверди.

— Эрназар Қодировичдан сўраганман, балки катта бошлиқнинг ҳам руҳсати керакдир, уста, — дедим хиралик қилиб.

— Авлиёсига айтсангиз ҳам душанбагача ҳеч иложим йўқ.

— Майли, — дедим мен ҳам эшик томон урилиб. — Аммо холодильникдаги сизга аталган «оқ лайлак» душанбагача қиров остида қолиб кетадиган бўлди-да!

Бу гапдан сўнг уста ялт этиб менга қаради:

— Оббо Музаффар Омонович-эй! Ҳеч қўймадингиз-қўймадингиз-да! Ўзингиз ҳам бир ёпишса қўймайдиган ажойиб одамсиз-да...

— Хира пайшшасиз, денг!

— Йўғ-э...

Ярим соатдан сўнг бизнинг кондиционер ҳам пириллаб ишлай бошлади.

# «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ 1986 ЙИЛ СОНЛАРИ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

СССР Ёзувчиларининг VIII съезди.	10—38
Адабиётимизнинг ижтимоий самарадорлигини оширайлик . . . . .	10—3
СССР Ёзувчилари VIII съездининг резолюцияси . . . . .	10—35
Г. Марков. Ҳозирги дунё таъшишларидан, халқимиз ҳаётидан ҳеч қачон ажралиб қолмайлик . . . . .	10—5
У. Умарбеков. Адабиётимизнинг олий мақсади . . . . .	10—32
О. Ёқубов. Давр қаҳрамонларини яратайлик . . . . .	10—40
А. Орипов. Бугунги куннинг муҳим масалалари . . . . .	10—42
Ҳ. Абдусаматов. Драматургиямиз истиқболи . . . . .	10—45
П. Шермухамедов. Тарихий бурилишлар: нуқтаси . . . . .	10—48

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҲАЁТГА

Ҳ. Абдусаматов. Ҳаётйилик йўлида	6—6
Р. Бобожонов. Ҳар биримиз бурчлимиз . . . . .	4—7
Н. Жуманова. Осмонимиз мусаффо бўлсин . . . . .	4—5
Г. Мўминова. Масъулият ҳисси . . . . .	4—4
А. Орипов. Бурилишлар даври . . . . .	6—5
Уйғун. Муқаддас бурчимиз . . . . .	7—16
Ҳ. Фулом. Партия ва халқ хизматида Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленуми . . . . .	3—6
Ҳ. Иброҳимов. Ихтиромиз деҳқонга мадад . . . . .	3—7
Б. Раҳимов. Ер сийлаганники . . . . .	3—6
Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съезди . . . . .	1—3
У. Умарбеков. Адабиёт ва ҳаёт . . . . .	1—12

## ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

А. Мухтор. Бош йўналишлар . . . . .	1—32
Уйғун. Олтин китоб . . . . .	1—30

## ШЕЪРИЯТ

Р. Абдурашид. Шу осмон тинч бўлса, тиниқ бўлса бас! . . . . .	11—15
М. Абдулҳакимов. Юлдузлар айланар тегрангда . . . . .	9—3
С. Акбарий. Эҳтирослар ўти гуркираб . . . . .	5—3
М. Али. Инқилоб . . . . .	11—24
Т. Аҳмедов. Сиз кўзларин очган чашма абадий шаффоф . . . . .	8—84
М. Аҳмедов. Октябр . . . . .	11—11
Н. Буканов. Садоқат ҳақида баллада . . . . .	7—146
Ж. Жаборов. Тонг сўзи, Коммунизм ишига сафарбардир улуг вақт . . . . .	2—4, 6—9
Г. Жўраева. Шеър ўқийман сенинг кўзинингда . . . . .	3—28
С. Жамангаев. . . . .	9—112
Ю. Жумаев. Сени севганим каби . . . . .	7—99
А. Исроилов. Инқилоб ёғдулари кетмагай хонамиздан . . . . .	10—131

Ғ. Исмоилов. Уфқдан гулоб кечиб . . . . .	3—86
Ҳ. Муҳаммад. Ҳикматлар ўйладим . . . . .	4—150
А. Мухтор. Дол қоя . . . . .	6—13
Г. Муродалиева. Атиргуллар оқар ҳавода . . . . .	12—108
О. Мухторов. Ёғдирасан боғларга шуъла . . . . .	9—5
Х. Муратов. Муғамбир . . . . .	11—152
Миртемир. Сени улўғлайман . . . . .	11—3
Н. Нарзуллаев. Ватан уфқлари . . . . .	5—4
А. Носиров. Сиз яратган дунё . . . . .	6—10
Г. Нуруллаева. Бу ҳаёт бахтини бирликда дерман . . . . .	1—34
З. Обидов. Ешлик қоғин дилдан ардоқлаб, Суръатли даврон чорлар . . . . .	2—30, 8—5
Отаёр. Иқбол бўлиб кўринади ёруғ из . . . . .	4—122
И. Отамуродов. Ярадор умид отлари . . . . .	5—95
М. Раҳмон. Жонлар фидо сенга ҳақиқат — Ватан! . . . . .	10—134
Сайёр. Куёшинг зиёси . . . . .	4—103
В. Саъдулла. «Янги девон»дан . . . . .	9—29
Ҳ. Саъдулла. Еттинчи қитъа . . . . .	8—6
Т. Сулаймон. Барқутранг баргак . . . . .	4—67
Э. Самандар. Юракда сайраган қушлар . . . . .	10—54
А. Синуғил. . . . .	9—111
А. Суён. Суйган суйиб айтар . . . . .	10—93
С. Салимов. Япроқларда марварид . . . . .	10—145
Т. Тўла. Аруз вазнида ўн беш кўшиқ . . . . .	2—45
А. Тошхўжаев. Сирли излар . . . . .	6—117
И. Тўлаков. Қутлуғ бўлсин фараҳли кунинг . . . . .	8—111
Р. Файзиев. Соғинч каби чексиздирсан, дашт . . . . .	12—79
Р. Фарҳодий. Уйғотгил мени . . . . .	11—151
Д. Файзий. Бир юртки, унинг меҳри қонимиздадир . . . . .	7—79
О. Ҳакимов. Юракка ҳамиша қувватдир бардош . . . . .	4—76
С. Ҳаким. Шоҳлардаги юлдузлар . . . . .	6—107
Ҳ. Худойбердиева. Кўнгил уйингизга келдим мен . . . . .	3—8
М. Юсуф. Диёримга таъзим . . . . .	12—93
Ҳ. Шарипов. Соҳиллар . . . . .	4—14
М. Шайхзода. Менинг тухфам . . . . .	2—3
Ю. Шомансур. Товуслар чўмилар шеъринг чашмамда . . . . .	6—122
О. Шевчук. Оқшом юлдузларини ҳовучлаб ичар . . . . .	1—129
А. Шер. Бир парча осмон . . . . .	7—69
Э. Шувуров. Юракни уйғотиб юборинг . . . . .	12—118
Шухрат. Оппоқ қор ёғади, оппоқ ҳаёллар . . . . .	2—12
Т. Қаҳҳор. Ярим тунда чиққан ой . . . . .	10—97
Ж. Қувноқ. Наврўз таронаси . . . . .	3—84
М. Қўшмоқов. Бугдой бошоғидек етилар ҳаёт . . . . .	7—89
Ш. Қурбонов. Устод Шоди ёхуд бас-такор ҳақида ҳикоят . . . . .	5—129
Ҳамдамий. Тинчлик . . . . .	10—140
И. Эшбек. Йулларимиз бир кун тута-шар . . . . .	12—33



Ж. Абдуллахонов. Хонадон	11—45, 12—3
Н. Арслонов. Тоғ ҳавоси	8—114
А. Абдувалиев. Ассалому алайкум	12—33
Қ. Алламбергенов. Сирли сўқмоқлар	10—141
Э. Аъзамов. Пиёда	1—41
А. Дадабоев. Дунё кўриб, дунё топдим	2—43
А. Дилмуродов. Ҳарорат	4—152
О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар	5—7, 6—27, 7—19
Н. Красильников. Омон бўл, Дўмбоғ!	1—56
А. Кучимов. Оқ каптарлар ороли	9—37
Т. Малик. Курорт	3—73
М. Мирзараҳимов. Бегона	7—102
Ф. Мусажонов. Кўргулик	3—17
Н. Норқобилов. Баҳор оқшомида	7—83
У. Назаров. Шартлар	4—70
С. Облоқулов. Фарзанд	12—122
О. Отахонов. Оқшом хаёллари	2—33
И. Раҳим. Генерал Равшанов	10—102
В. Распутин. Ёнғин	10—59
С. Ражабов. Ҳикоялар	11—119
Д. Саидова. Овоз	2—9
Қ. Собиров. Она юртим	4—45
У. Содиков. Отахонлар	7—73
И. Султонов. Синов	12—125
Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида	8—31
В. Тельпугов. Якшанбага ўтар кечаси	4—9
У. Усмонов. Ланг очилган эшиклар	12—96
А. Усмонов. Ҳасад	1—63
Э. Усмонов. Яккама-якка	12—83
О. Фармон. Ҳажвийлар	7—49
М. Ҳазратқулов. Журъат	3—35
И. Ҳасанов. Яйдоқ далада	6—111
О. Ҳусанов. Ҳамкасблар	1—50
А. Шукуров. Мешкобчи	10—138
А. Қасимов. Шоир Фурқат	4—18, 5—108
Р. Қўчқоров. Она	6—119
Р. Қодиров. Қарз	12—111
М. Қориев. Уч ҳикоя	8—88
А. Юнусов. Ҳаким ялло қиссаси	2—125

## МУШОИРА

Юлдузларнинг шалолалари	9—83
Тинчлик рамзи — каптарлар	6—140
Биз, кўшиқни севиб туғилдик	12—138
Қизлар дафтаридан	3—61
Интиқ юракларга бергум сўзимни	11—127

## ДРАМАТУРГИЯ

С. Аҳмад. Куёв	1—67
У. Назаров. Ойна	9—11
Ҳ. Ғулум. Бир миллион можароси	11—6

## БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Э. Дўсमतов. Дарада	8—165
П. Мўмин. Икки эртак	1—150
А. Обиджон. Уғирланган паҳлавон	1—96
С. Пўлканова. Тинчликни истаб. Менинг кўлим баҳорга туташ	3—179
И. Сулаймон. Уқувчилар аскарари	2—137
У. Умарбеков. Бўрибосар	4—81
С. Хўжаев. Она ерни асрайлик.	2—139
С. Шокиров. Ҳозиржавоб	8—166
С. Очил. Бургут	12—143
М. Қобулова. Яшлар	11—147
Ҳ. Раҳмат. Мардлик	11—148

Н. Красильников. Билағон қиз Ойсара . . . . . 11—149

## ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Р. Акутагава. Тергов чоғида ўтинчининг айтган гаплари	10—154
И. Бунин. Муза	12—133
О. Генри. Чўчкача ахлоқ	4—161
Н. Думбадзе. Қон	6—127
Ж. Лондон. Бир кунлик кўналға.	9—97
А. Несин. Сажда	1—155
Э. По. Вақт ўроғи	8—114
Р. Тагор. Ака ва ука	5—149
У. Фолкнер. Куёш заволи	7—116
Л. Синь. Телба хаёллар	11—137
Э. Хемингуэй. Френсис Макомбернинг омонат бахти	2—141
М. Шолохов. Хол	3—89

## ЖАҲОН ТАРАҚҚИЙПАРВАР АДАБИЕТИ

Г. Кант. Жанубий денгиз нафаси	10—147
Г. Гарсиа Маркес. Юз йил танҳоликда	1—105, 2—53, 3—95
И. Такубоку. Шеърлар	3—167

## ПУБЛИЦИСТИКА

А. Абдуқодиров. Беш йиллик ва одамлар	5—160
А. Аҳмедов. Машъала	5—166
Ҳ. Олимжонов. Умр чорраҳалари	11—160
Е. Березиков. Заргар қутиси. Ичкилик — умр заволи. Давра суҳбати	10—161
Г. Нуруллаева. Янгиланиш берган йиллар	9—117
Т. Жамолов. Жўшқин умр лаҳзалари	8—140
Ш. Жамолов. Далаларга талпинар қалби	2—181
Назармат. «Сурхон» гуллари	3—161
Н. Раҳматов. Менинг дўстим асалари	4—183
Э. Самандар. Гиёҳ ҳам меҳр ис-тайди	9—113
Ш. Сиддиқов. Обрў	1—102
Т. Тошлонов. Зулмат ичра нур	9—106
Г. Умарова. Экран тинчлик учун курашда	12—173
Ж. Шаропов. У шундай тобланди.	5—146
М. Ҳазратқулов. Саҳна — унинг ҳаёти	4—171
А. Эшонев. Коммунист	11—153
Э. Мухторов. Истеъдод қирралари	3—3
	12—169

## КОСМИК ПАРВОЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

А. Гагарина. Қалб хотираси	4—106
----------------------------	-------

## ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Игорь жангномаси	2—174
------------------	-------

## ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

С. Аҳмад. Хотиралар	2—108
Г. Жўраева. Ёниб ўтган умр	2—123
С. Зуннунова. Онажон	2—107
А. Мухтор. Ҳамишалик туйғулар	2—120
Р. Узоқова. Учрашув	3—155
О. Ҳожиева. Нозик хаёл шоира.	2—121

## НАВОИЙХОНЛИК

- М. Ҳамроев. Алишер Навоий ва уй-  
ғур адабиёти . . . . . 2—158  
Гул ила Алишер ҳикояси . . . . . 2—163

## ПУШКИНХОНЛИК

- А. С. Пушкин. Овидийга . . . . . 6—133  
С. М. Абрамович. Шоирнинг сўнг-  
ги кунлари . . . . . 6—136

## ҲАМЗАХОНЛИК

- Х. Ҳ. Ниёзий. Ғазаллар . . . . . 4—42

## ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

- З. Акромов, А. Рафиқов. Орол ма-  
дад сўрайди . . . . . 6—166  
Ж. Саъдуллаев. Пахта ўзи юмшоқ-  
кина... . . . . . 1—165

## МАФКУРАВИЙ КУРАШ

- Э. Юсупов. Ҳақиқат зиёси ва ёл-  
ғон-яшиқлар . . . . . 1—173  
А. Ҳамроев. Адабиёт ва ғоя-  
вий кураш . . . . . 1—180

## БАҲС

- Т. Қодирова. Сўз тагида сўз бор . . . . . 1—198

## ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ

- М. Абдуллаев. Юракдаги эҳтиёж . . . . . 12—154  
А. Аминов. Ҳисор лавҳалари . . . . . 7—139  
М. Муҳиддинов. Ажиб олам тож-  
дори . . . . . 5—173

## ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

- М. Тенглашев. Фаол ижод соҳиби . . . . . 10—152  
Э. Худойбердиев. Баҳти кулган  
адиб . . . . . 10—127  
О. Шарафиддинов. «Халқ устозим,  
мен эса толиб» . . . . . 12—165  
П. Шермухамедов. Диёнат . . . . . 10—169

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

- «Шарқ юлдузи» анкетаси  
Ж. Абдуллахонов, Г. Жўраева. . . . . 8—159  
Р. Бобожон, Н. Қобул . . . . . 1—185  
М. Исмоилий, Т. Адашбоев . . . . . 5—181  
Ж. Камол, Э. Усмонов . . . . . 10—187  
Т. Тўла, Т. Малик . . . . . 6—178  
М. Қориев, У. Усмонов . . . . . 7—150  
П. Қодиров, Я. Саъдуллаева, С. Снён-  
ев, Э. Аъзамов . . . . . 3—171  
Ҳ. Ғулом, М. Мансуров, Х. Сул-  
тонов . . . . . 2—189  
Шухрат, Ж. Жабборов . . . . . 4—191  
У. Азимов . . . . . 8—133  
Й. Сулаймон, Х. Даврон, А. Суюн . . . . . 12—177  
Ф. Мусажонов, Е. Березиков . . . . . 11—168

## АДАБИЙ ТАНҚИД

- С. Аҳмедов. Санъат ўргатолмай кет-  
динг . . . . . 8—199  
Б. Акромов. Қалб покланмоғи ке-  
рак . . . . . 9—127

- Б. Имомов. Мавзу, ғоя ва харак-  
тер . . . . . 10—175  
Р. Иноғомов. Кўнгиш бермиш сў-  
зумга . . . . . 3—188  
С. Мирвалиев. Давр ва адабий тан-  
қид . . . . . 3—183  
С. Мирзаева. Жўнлик шеърятга ёт . . . . . 12—185  
У. Норматов. Методимизнинг ҳаё-  
тийлиги . . . . . 1—190  
О. Тоғаев. Бадиий публицистика  
уфқлари . . . . . 7—155  
Н. Фозилов. Курашчан қаҳрамонлар  
яратайлик . . . . . 8—155  
Н. Худойберганов. Кузатувчи эмас,  
яратувчи . . . . . 8—149  
Б. Шарипов. Меҳнат тасвири ва  
маъно . . . . . 6—190  
У. Улжабоев. Масъулият ҳисси. Йўл  
довонлардан ўтади . . . . . 5—190, 12—195  
И. Ғафуров. Ғарб ва Шарқ йўлла-  
рида . . . . . 5—184  
Я. Қосимов. «Тилла балиқча»нинг  
толеи . . . . . 12—182  
Р. Жўрабаева. Халқни оздирур роҳи ҳа-  
қиқатдин мудом . . . . . 12—193  
Бош мезон ҳақиқат. Давра суҳбати . . . . . 11—172

## БАРҲАЕТ СИЙМОЛАР

- М. Ҳасанов. Халққа бахшида умр . . . . . 6—161

## ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

- М. Винь Куок. Дўстлик манзиллари . . . . . 4—197

## ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — АДАБИЕТЛАР ДЎСТЛИГИ

- М. Бекбергенов. Давр ва қаҳрамон . . . . . 4—194

## ТЕНГДОШЛАР — ТЕНГДОШЛАР ҲАҚИДА

- У. Нишонов. Шеърга кўчган туй-  
ғулар . . . . . 3—180

## БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

- С. Вурғун. Юлдузли бир дунё. . . . . 3—157  
М. Жалил. Шеърлар . . . . . 2—186  
Ш. Турдиев. Абдулла Тўқай Узбе-  
кистонда . . . . . 4—187  
Н. Тихонов. Туш . . . . . 12—162

## МАҲОРАТ МАКТАБИ

- С. Аҳмад. Устоз чироғи . . . . . 8—191  
Н. Каримов. «На олтин, на жавоҳир  
эдим» . . . . . 6—195  
Х. Муҳаммадхонов. Ҳақгўйлик ва  
теранлик . . . . . 3—192  
У. Норматов. Адабий танқид жон-  
куяри . . . . . 7—163  
Б. Йўлдошев. Бурчим Русияни бугун  
куйламоқ . . . . . 5—194  
М. Қўшжонов. Келажакни уйлаб ўт-  
миш ҳақида . . . . . 10—179

## ТАҚРИЗЛАР

- А. Абдуғафуров. Чин ихлос мевал-  
лари . . . . . 9—202  
А. Луқмонов. Савр ёғдулари . . . . . 4—202  
С. Матжонов, М. Жумабоев. Кич-  
кинтойлар олами . . . . . 6—203

А. Маматов. Изланиш довлонлари.	1—202
Ш. Одилов. Умид учқунлари . . .	6—202
Р. Отаев. Хотира қудрати . . .	12—197
Қ. Пирматов. Бунёдкор кишилар тасвири	3—197
Т. Рўзиев. Насрдаги шоирона туйғулар	8—201
О. Сафаров. Уммондан қатра	1—201
Н. Солиев. «Шоҳ байт айтиш» масъулияти	4—203
Й. Солижонов. «Ижоднинг содиқа ҳамдами»	9—200
Т. Турдиев. Ижод масъулияти	10—201
Т. Тўраев. Илк тажриба самараси	10—199
Э. Умаров, О. Абдуллаев. Камолот довлонлари	5—197
А. Улугов. Адабий танқид муаммолари	7—205
О. Худойберганов. Ҳақиқатни енгиб бўлмайти	10—198
О. Шарафиддинов. Иллатларга ўт очиб	5—202
Н. Шукuroв. Камолот йўлида.	3—196
Н. Холлиев. Рамзлар туғени	11—201
Н. Жумаев. Мағзи тўқ шеърлар	11—202
Т. Йўлдошев. Эътиқодлар чорраҳаси	12—195
Н. Норқулов. Поэзияда инсон тасвири	12—198

#### САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакатида . . . . .	7—169, 8—167, 9—136
--	---------------------

И. Тўхтаев. «Эл қатори...» . . . . .	2—199
Ҳ. Шайхов. Нишон . . . . .	10—191
Ф. Ҳожиқулова. Сим-сим ёмғир ёғарди . . . . .	12—187

#### ГУЛҚАЙЧИ

А. Абдувалиев. Бир асар ёзмоқчи-ман	3—202
Т. Адашбоев. Самбреро муборак	3—201
М. Аҳмедов. «Хўроз ҳақида ким қандай ёзар эди»	5—205
Н. Дўсанов. Аёвсиз баҳс . . . . .	7—207
А. Жўраев. Тақриз . . . . .	3—203
А. Муқимов. Қоровул бобонинг тил-ла заёми	10—203
С. Михалков. Масаллар . . . . .	4—205
А. Раҳмонов. Роз . . . . .	3—201
Х. Райимов. Тонг отди . . . . .	9—204
Ў. Саидов. Битта китоб ўқидим. Пародиялар	1—206, 9—204
О. Хусанов. Қахрамон билан учрашув	6—205
П. Ҳамдам. Керакли одам . . . . .	8—203
М. Ҳамидова. Яшавор, жиян!	2—205
Худойберди Шоир . . . . .	8—203
Я. Қурбон. Шухрат ошиғи . . . . .	2—205
А. Қутбиддинов. Анонимка хусусида Маяковскийча хат . . . . .	6—206
О. Фармонов. Ёввойи одам . . . . .	1—205
Б. Привалов. Умирбек лаққи авлиё бўлишига сал қолди . . . . .	11—205
Қ. Нурмухаммедов. Ҳажвиялар . . . . .	12—200

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
[Звезда Востока]

№ 12

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана  
Ташкент — 1986

Рассом **Х. Лутфуллаев.** Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Корректор **М. Имомов**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб курсатилиши шарт.

Теришга берилди 10.10.86 й. Босишга рухсат этилди 19.11.86 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Р-09126. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 166134. Буюртма 4856.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1986.

Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

# Мундарижа

## НАСР

Жонрид Абдуллахонов. Хонадон. Роман . . . . .	3
Абдуғани Абдувалиев. Ассалому алайкум. Қисса . . . . .	39
Эркин Усмонов. Яккама-якка. Ҳикоя. . . . .	83
Уринбой Усмонов. Ланг очилган эшиклар. Ҳикоялар . . . . .	96
Равшан Қодиров. Қарз. Ҳикоя . . . . .	111
Сулаймон Облоқулов. Фарзанд. Ҳикоялар . . . . .	122

## ШЕЪРИЯТ

Иўлдош Эшбек. Иўлларимиз бир кун туташар . . . . .	33
Равшан Файзиев. Соғинч каби чексиздирсан, дашт! . . . . .	79
Муҳаммад Юсуф. Диёримга таъзим . . . . .	93
Гулчехра Муродалиева. Атиргуллар оқар ҳавода . . . . .	108
Эшқобил Шукуров. Юракни уйғотиб юборинг . . . . .	118
Ольга Шевчук. Оқшом юлдузларни ҳовучлаб сочар . . . . .	129
Николай Тихонов. Туш . . . . .	162

## БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ

Исажон Султонов. Синов . . . . .	125
Саида Мирзаева. Жўнлик — шеъриятга ёт . . . . .	185

## ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Иван Бунин. Муза . . . . .	133
----------------------------	-----

## МУШОИРА

Биз, кўшиқни севиб туғилдик. . . . .	138
--------------------------------------	-----

## ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ

Мурод Абдуллаев. Юракдаги эҳтиёж . . . . .	154
--	-----

## ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Озод Шарафиддинов. «Халқ устозим, мен эса толиб» . . . . .	165
--	-----

## САНЪАТ

Элдор Муҳторов. Истеъдод қирралари . . . . .	169
--	-----

## ПУБЛИЦИСТИКА

Тошпўлат Тошлонов. Зулмат ичра нур . . . . .	173
--	-----

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Иўлдош Сулаймон, Хуршид Даврон, Азим Суюн . . . . .	177
---	-----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Яшар Қосимов. «Тилла балиқча»нинг толеи . . . . .	182
Умурзоқ Улжабоев. Иўл довлардан ўтади . . . . .	195

## МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Раҳима Жўрабоева. Халқни оздирур роҳи ҳақиқатдин мудом . . . . .	193
--	-----

## САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Фазилат Ҳожиқулова. Сим-сим ёмғир ёғарди . . . . .	187
--	-----

## ТАҚРИЗЛАР

Тўлқин Иўлдошев. Эътиқодлар чорраҳаси . . . . .	195
Раҳимжон Отаев. Хотира кудрати . . . . .	197
Найм Норқулов. Поэзияда инсон тасвири . . . . .	198

## ГУЛҚАЙЧИ

Қилич Нурмухамедов. «Халоскор» . . . . .	200
«Шарқ юлдузи» журналининг 1986 йил сонлари умумий мундарижаси . . . . .	205